IV

Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари

16

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг энг нодир дурдоналаридан иборат ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320 сонли "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2020

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўн олтинчи жилд

ЁДГОР

Достонлар

Inv. № 4010

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(Ў)
К 92

Тахрир хайъати:

Баҳром Абдуҳалимов, Маматқул Жўраев (ҳайъат раиси), Тўра Мирзаев, Низомиддин Маҳмудов, Сирожиддин Саййид, Усмон Азим, Шавкат Юсупов, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқулов, Носиржон Жўраев.

Жилдни тузувчи, сўзбоши, илмий изоҳлар ва луғат муаллифи:
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, академик **Тўра МИРЗАЕВ**

Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир:
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор
Маматқул ЖЎРАЕВ

Тақризчилар:
филология фанлари доктори **Дармонай ЎРАЕВА,**
филология фанлари номзоди **Зебинисо РАСУЛОВА**

«Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигининг барча ҳуқуқлари амалдаги қонунлар асосида ҳимояланади. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ёзма рухсатисиз «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини тўла, қисман ёки муайян парчалар ҳолида чоп этгириш, шунингдек, мазкур нашрга киритилган фольклор асарларини тижорат мақсадида бошқа нашриётларда, оммавий ахборот воситаларида кўчириб босиш ҳамда интернет сайтларига жойлаштириш тақиқланади.

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти фольклори институти
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020

ISBN 978-9943-5956-7-5

"АЛПОМИШ" – ДОСТОНЛАР ТУРКУМИ

Халқимизнинг улкан маданий-бадиий мероси, фахри ва ифтихорига айланган "Алпомиш" достони 1922 йилдан бери, яъни қарийб бир аср давомида бахшиларимиздан ўнлаб вариантларда ёзиб олиниб, нашр этилиб ва ўрганилиб келинмоқда. "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг биринчи жилдида унинг тўпланиш ва тадқиқ этилиш тарихининг умумий обзори берилган эди. Табиий, ўшанда мақола-сўзбоши йўналиши тақозасига кўра, достоннинг ўрганилиши ва нашр этилиши билан боғлиқ бир қатор масалалар четлаб ўтилганди. Аслида, "Алпомиш" достонининг ўрганилиш тарихи турли йилларда унга нисбатан бўлган турлича муносабатлардан, хар хил нуқтаи назарларнинг тўқнашувларидан иборат ўта мураккаб бир тарихдир. Бу тарихда достоннинг аниқланиши, ёзиб олиниши ва нашр этилиши билан боғлиқ машаққатли меҳнатлар ҳам, уни таҳлил ва тадқиқ этиш самаралари ҳам, муҳокама ва мунозаралар давомида унга нисбатан берилган юксак баҳолар ҳам, достонда қуллар кўзголони тасвирланган қабилидаги ғайриилмий қарашлар ҳам, баъзан унинг маданий-маърифий ва илмий-эстетик аҳамиятини инкор этувчи радиялар хам жамулжамдир. Достонни ўрганилиши, таҳлил ва тадқиқлар, мухокама ва мунозаралар давомида кўпгина муаммоларда (масалан, достонининг яратилиш даври ва дастлаб юзага келган жойи, унинг ғоявий мазмуни ва бадиий хусусиятлари, анъанавий матн ва бахшилар бадиҳагўйлиги чегаралари, оғзаки ижрода сақланиш ҳолати ва бошқаларда) бир тўхтамга келинганлиги ва улар ўз вақтида ечимини топганлиги маълум. Шу билан бирга айрим журналистлар, баъзи олимлар, ҳатто бахшиларнинг ўзлари кейинги авлод бахшилардан сохта намуналарни ёзиб ёки ёздириб олиб, уларнинг баъзиларини нашр эттирдилар, "Алпомиш" танҳо достон эмас, у ўттиз икки достондан иборат каттакон туркумни ташкил этади, деган ёлғон маълумотларни матбуот орқали таркатдиларки, бундай сохтакорликка ҳозиргача жиддий бир муносабат билдирилган эмас. Шуни эътиборга олиб, Алпомишнинг авлод-аждодлари хакидаги фикр-мулоҳазаларга, аслида (анъанавий репертуарда) бўлмаган сохта намуналар асосида "Алпомиш" туркуми достонларини кўпайтиришга бўлган уринишларга ўз муносабатимизни билдиришни лозим кўрдик.

Маълумки, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, устоз Ҳоди Зариф халқ ижодини шаффофлигини сақлашга, уни тўқима, улама, сохта намуналар билан булғамасликка ҳамиша даъват этиб келган. У 1931 йилнинг бошларидаёқ ўзбек фольклори тўғрисида Москвада қилган маърузаларининг бирида ёзувчи Л.Соловьёвнинг халқ ижоди намунаси сифатида нашр этган "Ленин Шарқ халқлари ижодида" номли китобининг асли бўлмаган сохта, тўқима намуналардан иборатлигини фош этиб, унинг салбий окибатларини кўрсатиб берган эди[1]. Олим яна кейинги асарларидан бирида фольклордаги сохтакорликнинг зарари ҳақида шундай ёзган эди: "Фольклорни ёзиб олиш ва нашр этишда сохталаштириш, қалбакилаштириш, фальсификация қилиш ҳам ўзбек фольклористикаси тараққиётига озмунча зарар етказмаган. Традицион фольклорни кўпол фальсификация қилишнинг ёркин мисоли фольклорист О.Собировнинг 1951 йилда ёзиб олган ва 1954 йилда Фанлар академияси нашриётида бостириб чиқарган "Нигор ва Замон" достонидир. Фольклорист О.Собиров том маънода илмий асосга қўйилган тўпловчилик ишларининг метод ва методологиясига қарши бориб, "Нигор ва Замон" достонини ёзиб олишда асарнинг форма ва мазмунини "яхшилаш" баҳонасида ўзининг "ижодий" аралашуви билан талантли халқ шоири Ислом Назар ўғлини довдиратиб қўйди... "Нигор ва Замон" достони ўта даражада фальсификация қилинган... Традицион достонга масъулиятсизлик билан ҳозирги замон зиёлиси тушунчалари киритилган. "Нигор ва Замон" достонини кенг китобхонлар учун нашр этишда масъул муҳаррир М.Афзалов асар текстидаги ҳақиқатга мос келмайдиган, ўта революцион рух берилган ўринларни анча қисқартирган. Бироқ айрим қисқартиришлар достоннинг ҳақиқий текстини, унинг оригиналини тиклашга ёрдам бермади ва ёрдам бера олмас ҳам эди. Чунки достон аслида, Ислом шоир материаллари асосида О.Собиров томонидан қайта тузиб чиқилган... Эпос маълум давр маҳсули, у ўша давр идеалини акс эттиради. Демак, О.Собировнинг "ижодий аралашуви" натижасида юзага келган сохта асар "Нигор ва Замон"ни ўзбек халқ эпоси, жумладан, каттакон "Гўрўғли" туркуми достонлари руҳига мос келмайдиган қалбакилик, фальсификация сифатида рад этиш зарур[2]".

Устоз олимнинг бу жиддий мулоҳазалари ҳамиша бизни сергакликка ундаб туриши лозим. Кўраётирсизки, атоқли олим оғзаки анъанада яшаб келаётган достоннинг тозалигини сақлашда, ҳатто ўз сафдошларини ҳам аяб турмаган. Аслида, етук бахшиларнинг ўзлари достончиликни

[1] Қаранг: Каримов Н. Бир адабий каллоблик тарихи // Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. – Тошкент: "Mumtoz so'z", 2013. 166–171-бетлар.

[2] Ҳоди Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан // Ўзбек совет фольклори масалалари. Тошкент: "Фан", 1970. 272–273-бетлар.

мукаддас деб билишни, жонли оғзаки ижро ва ижод шароитларида "кадимгилар йўлини" бузмасликни, достончилик маҳоратини юксалтириб боришни доимо таъкидлаб келганлар. Бу борада қатор термалар ва ҳатто "Оллоназар Олчинбек" каби достонлар яратганлар, сўз ва соз қадрини баланд тутиш, унинг софлигини асраб-авайлаш зарурлигини уқтиришдан чарчамаганлар. Масалан, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 1928 йилда "Ёмон бахшилар ҳақида" номи билан Ҳоди Зариф ёзиб олган термасида шундай сатрлар бор:

Ўйлаб турсанг, не шоирлар ўтибди,
Ўз вақтида гапни шайлаб кетибди,
Бир йўл қилиб сўнгги қолган шоирга,
Жўниктириб, йўл қиб тайлаб кетибди.
У йўлни бу шоирлар қўйибди,
Ҳеч йўриғи йўқ бир сўзни суюбди,
Байт ҳам йўқ, суҳан ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ,
Сандираб отини достон қўйибди[1].

Ёки атоқли достончи Пўлкан шоир 1927 йилда "Шайбонийхон" достонини Ҳоди Зарифга айтиб туриб, ёздирар экан, "Устознинг айтгани вожиб, шундай қилиб айтмасам, бўлади тарки вожиб", – дейди. Ёхуд, истеъдодли ижодкор Қодир бахши "Ёзи билан Зебо" достонининг 1976 йилда нашр этилган йиғма варианти билан танишиб чиқар экан, уни "Достон эмас, улама", – дея баҳолаган.

Ана шундай жиддий огоҳлантиришлар ва ҳатто қатъий талабларга қарамай, кейинги авлод бахшиларининг айримлари, баъзи тадқиқотчилар бадиий жиҳатдан ҳаваскорликдан ҳам паст даражадаги вариантларни "мўжиза", "халқ ижодининг дурдонаси" дея баҳоламоқдалар, аслида бўлмаган сохта нимарсаларни тўқиб, бундай уламаларни "достон намунаси" тарзида эълон қилмоқдалар. Ҳолбуки, мустаҳкам, барқарор эпик анъаналардан ташқарида, анъана билан бадиҳа ўзига хос бир мутаносибликда бирлашмаган ҳолатларда фольклор асари бўлмайди. Бадиҳагўйлик билан боғлиқ барча ижодий ҳаракатлар қадимдан давом этиб келаётган анъанага асосланмаса, рўёбга чиқмайди. Бадиҳагўй бахшилар тайёр бадиий ечим, ғоя, образ, поэтик усул, эпик клише, доимий стилистик формулалардан фойдаланар, уларга ўз ижодий ҳиссаларини қўшар эканлар, "бурунгилар йўлига" қатъий риоя қилганлар, Пўлкан шоир айтганидек, "тарки вожиблик" қилмаганлар. Шу сабабли илгари

[1] Булбул тароналари. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. Беш томлик, 5-том. – Тошкент: Фан, 1973. 113-бет.

даврларда яратилган эпик репертуарнинг асосий қисми жонли оғзаки ижро шароитларида бизгача нуқсонсиз етиб келган.

Тўғри, бугунги кунда достончиликда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, оғзаки эпик анъаналар борган сари сўниб бормоқда, фольклор ижодкорлиги ва ижрочилиги адабиёт ва профессионал санъатга яқинлашмоқда, бахшиларда индивидуал ижодкорлик ҳисси кучаймоқда, терма ижодкорлигида бадиий гўзал намуналар юзага келмоқда. Бу қонуний жараён. Анъаналар унутила бошлаган бундай жараёнда оғзаки ижрода достонлардан парчалар, қолдиқ намуналар сақланиб қолиши, баъзи эпик асарлар оғзаки баёнлар, оралиқ ҳодисаларга айланиши табиийдир. Бундай намуналарни ҳам ёзиб олиш ва ўрганиш зарур. Аммо бундай жараёнда баъзан атайиниликка ўхшаган бузуқ бир ҳолат, "фалончи бахшидан ўрганган эдим" ёки "мен шундай айтаман" сингари даъволар асосида асли бўлмаган достоннамо тўқима нарсалар, "фалончидан эшитган эдим" қабилидаги сохта, ҳатто ёлғон маълумотлар ҳам юзага келдики, уларни анъаналарнинг бузилиши, билиб туриб билмасликка олишга ўхшаган бир ҳаракат тарзида баҳолаш мумкин. Менинг назаримда кейинги йилларда бундай ноҳуш ҳолатларнинг пайдо бўлишида шов-шувга ишқибоз бахшилар, унинг моҳиятини тўғри баҳолай олмаган ёзиб олувчилар ва нашрга тайёрловчилар бирлашиб кетганга ўхшайдилар. Натижада ҳақиқий илмга зид айрим мулоҳазалар пайдо бўлди, эпик репертуарда аслида бўлмаган достоннамо сохта намуналар нашр этилди. Уларнинг айримларини кўриб чиқайлик.

Фольклор тўпловчи Норқувват Тўраев (Н.Тожимуродов) ангорлик бахши Чоршанби Раҳматуллаевдан (Чорша бахшидан) "Ёдгор" достонини ёзиб олиб, уни 2000 йилда нашр этди. Достоннинг бадиий савиясидан қатъи назар, унинг ёзиб олиниб, нашр этилиши фольклоршунослигимизда ижобий ҳодисадир, тўпловчининг заҳматли меҳнати натижасидир. Аммо китобга ёзилган сўз бошидаги айрим мулоҳазаларга асло қўшилиб бўлмайди. Жумладан, муаллиф шундай ёзади: "Алпомиш авлодлари ҳақида сўраганимда, қуйидаги шажарани айтиб берди: – Алпомишнинг бош бобоси Шоҳ Шайх Мардон. Унинг ўғли Алпинбий, Тўлқинбий, уларнинг ўғли Қўноқбий, Кўнабий. Бошқа боболари Субҳонбий, Толқинбий, Туронбий, Қиронбий, Қоплонбий, Арслонбий, Бобинбий, Қунонбий, Алпонбий, Қипчоқбий. Бобинбийдан Бойбўри, Бойсари, Бойбўридан Алпомиш, Қалдирғоч, Алпомишдан Ёдгор, Алпонбек, Ҳурсўна. Ёдгорнинг ўғли Шоқайсар, қизи Ойболдоқ. Бойсаридан Қўнғирёт, ундан Шоҳсамар, Шоҳсаъди, Шоҳмади, қизлари Ойжиға, Гулжиға ва бошқа ўнлаб набиралари бор.

Алпомишнинг туғилганига 2866 йил бўлган"[1].

Ҳозирча ушбу шажарани шарҳламай, ундаги бир маълумотга – Алпомишнинг туғилганига 2866 йил бўлганлиги тўғрисидаги хабарга диққатни қаратайлик. Ўзини билган ҳар бир баҳши эпик қаҳрамон туғилганига неча йил бўлганлигини аниқ айтмайди, балки бурунги ўтган замонда яшаб ўтганлигини, нари борса, неча йил умр кўрганлигини таъкидлайди, холос. Чунки эпос қонунияти шуни талаб қилади. Бадиий образни умумлаштириш мезонлари шундай. Демак, юқорида келтирилган маълумот сохта, уйдирмадир. Атайлаб таваккалчасига ўйлаб топилган ёлғондир.

Энди шу баҳши номи билан боғлиқ гўё халқ ўртасида мавжуд шажаранинг яна бир вариантини келтирайлик: "Чорша баҳшининг хотираси сақлаб қолган талқинларга қараганда, Алпомиш авлод-аждодининг бош бобоси Шоҳ Шайх Мардон ҳисобланади. Ундан кейинги ўн тўққиз ота қуйидагилардир: Тўғонбий – Добанбий – Добитбий – Субҳонбий – Қоплонбий – Қўноқбий – Кўнабий – Саринбий – Ўринбий – Толқонбий – Арконбий – Қайсарбий – Арслонбий – Султонбий – Дўланбий – Давхонбий – Кунанбий – Алпинбий – Бобонбий. Бобонбийдан Қултой юзага келади. Қултойнинг ўғли Жиловқулдир. Алпинбий ўғиллари Бойбўри билан Бойсаридир. Бойбўрининг ўғли Ҳакимбек, яъни Алпомиш бўлиб, Алпомишнинг фарзандлари Ёдгор, Олпонбек, Ҳурсўнадир. Ёдгорнинг ўғли Шоқайсар, қизи Ойбалдоқдир. Бойсарининг қизи Барчиной, ўғли Қўнғирёт бўлиб, Қўнғирётнинг ўғли Шоҳсамар, қизлари Ойжига, Гулжиғалардир"[2].

М.Муродов ва А.Эргашевларнинг "Алпомишнома" китобининг биринчи жилдида Чоршанби баҳши Раҳматуллаевдан ёзиб олинган "Алпомиш" достони вариантидан парча нашр этилган. Шу парчада Алпомиш шажараси яна бир бошқача берилган: "Бурунги ўтган замонда, элу юрти омонда, ўн олти уруғ қўнғирот, кенг кучоқли орқа юртда ўн тўққиз бийлар, оға-ини, ака-укалар мамлакатнинг шоҳи бўлиб, улар сафида Довонбий хожи, унинг наслларидан Арконбий, Урконбий, Тўғонбий, Қувонбий, Бобонбий, Алпинбий[лар бор эди]. Бобонбийдан Қултой кирон, Алпинбийдан Бойбўри ва Бойсари исмли ўғиллар дунёга келди"[3].

---

1 Тожимуродов Н. Сўзбоши // Чоршанби баҳши Раҳматуллаев. Ёдгор. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Норқувват Тўраев. – Термиз: "Жайҳун" нашриёти, 2000. 4-бет.

2 Рўзи Мустафо, Болта Ёриев. "Алпомиш" талқинлари. – Термиз: "Полиграфист" хусусий фирмаси, 2000. – 34-бет.

3 Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. – Тошкент: "Меҳнат", 1999. 186-бет.

Бир бахши номи билан боғлиқ, уч ҳолатда уч тадқиқотчига алоқадор юқоридаги рўйхатларни тўла келтиришдан мақсад уларнинг эпик қаҳрамон шажарасига алоқаси бўлмаган, шунчаки айтилган исмлар йиғиндисидан иборат эканлигига китобхонда ишонч ҳосил қилдиришдир.

Одатда эпик қаҳрамон шажараси[1] асосан достоннинг бошланмасида берилади. У қатъийлашган, каноник тус олган турғун парчадир. Ўта анъанавийлашган, ижро учун қулай бундай парчалар зарур бўлгандагина, шунда ҳам бош қаҳрамон улуғворлигини таъкидлаш учунгина достоннинг бошқа ўринларида ҳам қайтарилади. Чунки эпик қаҳрамон шажарасидаги ҳар бир ном рамзий жиҳатдан кўп маъноли бўлиб, сюжет воқеалари билан мустаҳкам равишда боғликдир. Шу сабабли ҳам у достоннинг барча вариантларида, катта-кичик бахшилар ижросида деярли бир хилдир. Юқоридаги узундан узоқ номлар йиғиндиси эса, оғзаки ижро учун қулай эмас, ундаги кўпгина исмлар маъносиз бўлиб, эпик сюжет воқеалари билан боғланмайди. Шу сабабли ҳам бахши уни уч ҳолатда уч хил таркибда айтган. Агар бу уч рўйхатни бирлаштиргудек бўлсак, Алпомишнинг авлод-аждоди, бахши даъво килганидек, ўн тўққизта эмас, кирқдан ошади. Бундай бўлиши мумкин эмас. Демак, бунда эпик анъана бузилган, достон қаҳрамони шажараси билан боғлиқ қатъийлашган бадиий қолип ва унинг таркиби сохталаштирилган.

Бундай хулосани қуйидаги ҳолатлар тўла равишда тасдиқлайди. Биринчидан, Шоҳимардон номини Шоҳ Шайх Мардон тарзида бузиб, уни Алпомишнинг бош бобоси дея талқин қилиниши халқ тасаввурларига, демакки, эпик анъаналарга хилофдир. Чунки достон мантиғига кўра, Алпомиш Шоҳимардон, Хизир-Илёс, чилтанлар назаридаги назаркарда ботирдир. Тўғри, Гўрўғли Ҳазрати Алининг нафас ўғлидир, деган тушунча ҳам бор. Аммо бу айрим вариантларгагина хосдир. Умуман, яхлит олганда, азизлар достонларда илоҳий ҳомий кучлар сифатида тасвирланади. Иккинчидан, Алпомишнинг катта бобоси Довонбийни Довонбий ҳожи тарзида берилиши достоннинг ғоявий йўналишига зиддир. Учинчидан, Қултойни Қултой қирон номида эпик қаҳрамон шажарасининг қайси бир бўғинидаги боболаридан бири тарзида талқин қилиниб, Бойсари билан яйлов талашган киши сифатида тасвирланиши достондаги бу жозибали образни бачканалаштиришдан бошқа нарса эмас. Тўртинчидан, "Алпомиш" достони 1922 йилдан бери ёзиб олиниб, ўрганилиб келинаётган бўлса, ўтган бирор бахши репертуарида юқоридагига ўхшаш ёки унга сал бўлса-да, яқин келадиган эпик қаҳрамон шажараси қайд қилинмаган. Бундай шажарани ҳозир барҳаёт бахшилар ҳам билмайдилар.

[1] Шажара ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: O'zbekiston, 2012. 6–28-бетлар.

Улар асосан Довонбий – Алпинбий – Бойбўри билан Бойсари – Алпомиш билан Барчин тарзида куйлаганлар ва куйлаб келмоқдалар. Бешинчидан, ўн тўққиз авлод ака-ука бийлар тўғрисидаги тушунча халқимизнинг оғзаки шажара ҳақидаги тасаввурларига (етти отани билиш борасидаги қарашларига) ҳам зиддир. Туркий халқларнинг бирортасида ҳам ўн тўққиз авлод тушунчаси йўқ. Қирғизларнинг буюк эпоси "Манас"да ҳам бош қаҳрамоннинг еттинчи отасигача айтилади, холос (Аланчахон – Байгур – Бабирхон – Тўбей – Кўгей – Нўғай – Жакип – Манас каби).

Хўш, ўн тўққиз авлод тушунчаси ҳамда юқорида келтирилган исмлар йиғиндиси қаердан келди? Бунга бирор асос борми? Бунга ижтимоий-маънавий ҳаётда ҳам, оғзаки эпик анъаналарнинг сақланиш ҳолатида ҳам бирор бир асос йўқ. Фақат бахшининг хоҳиши ёки кимларнингдир ундови билан юқоридаги шажаранамо йиғинди ўйлаб топилган ҳамда "Алпомиш авлодлари ҳақида ўттиз икки достон биламан" қабилидаги қуруқ мақтанчоқлик билан мавжуд достонлар эпизодларини бир-бирига бошқачароқ шаклда улаш орқали гўё "янги намуналар" яратишга киришилган. Аммо истак-хоҳиш канчалик самимий бўлмасин, унинг ижроси рўёбга чиқмаган. Бахшидан ёзиб олинган, айримлари алоҳида-алоҳида китоблар тарзида нашр этилган намуналар эса, "Алпомиш" достони даври ва руҳига зид бўлган қалбаки тўқималар бўлиб қолган, холос. Бундай қалбакиликни уларнинг айримларининг сюжет таркибигагина бир назар ташлашнинг ўзиёқ тўла равишда тасдиклайди.

Жумладан, "Қўнғирёт" ("Ётбой") достонида тасвирланишича, Бойбўри ва Бойсарилар фарзанд тилагида Алпомишнинг бош бобоси Шоҳ Шайх Мардон қадамжосига борганларида, Бойсарининг тушида бобосининг: "Бойсари, Бойбўри аканг билан ораларингга совуқлик, низо-жанжал тушиб, сен аразлаб ўзга, Қалмоқ юртига кўчиб кетасан. Олтмиш ёшингда ўғилли бўлиб, исмини Ётбой (Қўнғирёт) қўясан. Барчин қизингни Алпомишга берасан. Сен билан борган қавму қариндошинг ўз юртига қайтади. Ўғлинг зўр, паҳлавон, юртбоши бўлади", – дегани аён бўлади. Шу сабабли у Қалмоқда қолиб, ўғилли бўлади. Ётбой тушида бобосини кўриб, илоҳий қилич-қалқонни топиб олади. Ётбой билан Кайкубод подшонининг қизи Хуснигулни унаштирадилар. Бу орада Эрон шоҳи Алжабрнинг ўғли Шопойил Хуснигулга совчи қўяди. Шунда Кайкубод подшонинг вазири Тойчихон: "Бу авлодга шарт билан уйланиш мерос. Алпомиш ҳам шарт билан ёрини олиб кетди. Қўнғирёт ҳам қадди-қоматини, куч-ғайратини кўрсата олсин", – дея маслаҳат беради. Хуснигул уч шарт қўяди. Шартларни Қўнғирёт бажаради. Шунга қарамай, Эрон шоҳи лашкар тортади. Эронликлар енгилиб, Алмат мингбоши Эрон тахтига ўтиради. Шундан кейин Қўнғирёт ва Хуснигулнинг тўйи бўлади. Тўйга Бойбўри, Қултой, Жиғалибек, Олтибеклар Бойсиндан келишади.

Тўй кўпкарисига Қултой иштирок этади. Тўйдан кейин Қўнғирёт (Ётбой) Бойсинга бориб, қариндошларини кўриб, қайтишда бир кампир ва унинг невараларини карокчилардан қуткариб, Шом подшосининг укази билан дўстлашади. Қалмокка қайтиб келиб, қайнотаси Кайқубод ўрнига подшо бўлади, канал тортиб, Қалмоқ чўлини ўзлаштиради ва ҳоказо.[1]

Қисқача баёндан кўринадики, достон деб тавсия этилаётган намуна сюжети воқелиги бир тизимга эга эмас. Сюжет эпизодларининг бир қисми "Алпомиш" достони мотивларининг (Ётбойнинг туғилиши, унинг илоҳий қилич ва қалқонни топиб олиши, шарт қўйиш, тўй тасвири, Эрон шоҳининг қўшин тортиши, Қултойнинг кўпкарида бўлиши ва бошқалар) бузилган ва кўримсиз такрори бўлса, қолганлари (канал чиқариб, чўл ўзлаштириш каби) қаҳрамонлик достонлари руҳига мос эмас. Бунинг устига, бошқа мамлакатда туғилган Ётбойнинг (Қўнғирётнинг) қўнғирот уруғи асосчиси сифатида тасвирланиши ғоятда ғалатидир. Умуман, бошқа мамлакатда яна бир эпик қаҳрамон туғилиши мумкин, дея тасвирлаш, алпнинг иккилантирилиши, машҳур Алпомишга мукобил образ яратишга уриниш, бадиий заиф қурамани "Алпомиш" туркуми намунаси, дея тақдим этиш достончилик анъаналарини тўғридан тўғри бузишдир, буюк эпосимизда куйланган улуғвор мазмун ва ғояларни нурсизлантиришдир.

Афсуски, бундай ясамалар битта ёки иккита эмас. Жумладан, Бойсарининг бошқа юртда туғилган ўғли ҳақидаги "Алп Қўнғиротбек" "достони" нашр этилган шаклида 205 саҳифадан иборат.[2] Унинг таркиби қуйидагича: 3–58-саҳифаларда "Алпомиш" достонининг Ҳакимбекнинг зиндонга тушганча бўлган қисми баён қилинган. 58–85-бетларда Малик чўлига кўчган Бойсарининг Қўнғиротбек ўғлининг туғилиши, бешик тўйи тасвири берилган. 85–109-бетларда яна "Алпомиш" достонининг Ҳакимбекнинг зиндондан чиқиши ва Бойсин-Қўнғиротга йўл олиши қисми баён қилинган. 109–129-саҳифаларда Қўнғиротбекнинг вояга етиши, Рустамдан ҳарбий таълим олиши, унинг қизи Монучеҳрага уйланиши, лашкар тузиши тасвирланган. 130–164-саҳифаларда эса, "Амири Ахтам" ("Ахтам саҳоба") киссаси қайта ишланиб, мослаштирилган ҳолда ушбу вариантга киритилган. Ниҳоят, 165–205-бетларда Кайқубодни ўлдириб, ўрнига подшо бўлган Накотилнинг Бойсари устига қўшин тортиши, Қўнғиротбек томонидан унинг енгилиши ҳамда Қўнғиротбекдан қўнғирот уруғининг таркалганлиги баён қилинган. Юқоридаги саҳифама-саҳифа тавсифдан кўринадики, нашр этилган намунанинг учдан бир қисмигина бевосита Қўнғиротбекка бағишланган. Шунда ҳам ундаги бир қатор

[1] Рўзи Мустафо, Болта Ёриев. "Алпомиш" талқинлари. – Термиз: "Полиграфист" хусусий фирмаси, 2000. – 33-58-бетлар.

[2] Чори бахши Умиров. Али Қўнғиротбек – Тошкент: "Тафаккур" нашриёти, 2014.

тасвирлар (Бойсари хотинининг тўлғоғи ва Қўнғиротбекнинг туғилиши, унга алла айтиш, бешик тўйи кабилар) бошқа достонлардан, жумладан, "Ёдгордан" олинган ва "Алп Қўнғиротбек"ка мослаштирилган. Шу сабабли ҳам бахшининг бадиҳагўйлик маҳорати қанчалик юксак бўлмасин, мазкур асар сохта, улама намуна бўлиб қолган.

Энди диққатни гўё Алпомишнинг кенжа қизи бўлганлиги ҳақидаги "Ҳурсўна" достонига қаратайлик[1]. Аввало шуни таъкидлаш керакки, достон дея тақдим этилаётган бу намуна ижтимоий-маиший ҳаётда ҳам, эпик асар воқелигида ҳам содир этилиши мумкин бўлмаган, мантиқан бир-бирига зид, ўйлаб топилган, уйдирма воқеа-ҳодисалар тизмаси баёнидан иборат. Унда тасвирийлик йўқ, у ердан, бу ердан юлқиб олинган ёки чала-чулпа эшитилган воқеа ва ҳодисалар айтилади, холос. Бир-икки мисол келтирайлик.

Бу уйдирма-достон Алпомиш ва Барчиннинг Ёдгор, Алпонбек исмли икки ўғли ва Ҳурсўна номли кенжа қизи борлиги, Ҳурсўна бўй етгач, унга совчилар кела бошлаганини айтиш билан бошланади. Жумладан, Афғон-Ҳирот подшоси Носир ҳам ўғли Нодир учун совчи юборади: "Алпомиш ширинсуханлик билан меҳмоннинг кўнглини кўтариб: – Эй, доно сохиб, гапингиз маъқул, совчи-элчига йўл очиқ, унга ҳеч бир озор, зулмат йўқ. Сизлардан бошқа ҳам кўп жойлардан келган, сони беҳисоб. Бизда бир урф-одат, бобо мерос расм-русмимиз бор. Уч шарт билан аввал куёв бўлмиш йигитни синовдан ўтказамиз. Шартларни бажарса, кейин совчи келиб, қалин-қоидаларини айтамиз. Шартларнинг тартиб-қоидасининг маъноси шундай: олти яшар ҳўкизни илиб ушлаб, улоқдай бошига кўтариб, шу югуришда ўн саккиз ғов-девордан ирғиб ўтади. Иккинчи, одамхўр лўқ туя билан олишиб, босиб, туянинг бўйинини суғуриб олади. Учинчи, ҳу, тоғнинг камарида тўққиз бўри бор. Биз уларни синов учун сақлаб турибмиз. Камарга кириб, чаққонлик билан изма-из тўққизини ҳам камардан чиқариб отади... Шу шартларни бажарадиган ўғлон бўлса, келсин, – деб совчиларни иззату ҳурмат билан... жўнатди"[2]. Юқоридаги парчага зеҳн солган ҳар бир китобхоннинг ўзи ҳам унинг ижтимоий-маиший ҳаётдан нақадар узоқлигига, буюк "Алпомиш" достони руҳи ва моҳиятига ўта зид эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади. Ахир, ўйлаб кўрайлик. Келган совчи олдига қачондан бери ота (бунинг устига Алпомишдек алп) шарт қўядиган бўлди? Ёки, шарт қўйиш учун тоғ камарида бўри сақланадими? Ёхуд, одамхўр туя канака ҳайвон? Ахир, достонларда шарт қўйиш бобо мерос урф-одат бўлмай, балки бир поэтик-композицион унсур эканлигини наҳотки бахши ва нашрга тайёрловчи билмаса?! Ясама достонни ўқиш давомида бундай саволларга сахифама-сахифа дуч кела берасиз. Акл бовар қилмас, ҳаётдан узоқ шартларни эшитган совчилар келишни тўхтатади.

[1] Чоршанби бахши Раҳматуллаев. Ҳурсўна. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Рўзикул Мустафокулов. – Термиз: "Жайҳун" нашриёти, 1999. 188-бет.

[2] Юқоридаги китоб, 27-бет.

Шунда Алпомишнинг иккинчи ўғли Алпонбек ота-онасига Қалмоқ бориб, тоғаси Қўнғирётдан ўғли Шосамар учун совчи юборишни сўрашни маслаҳат беради. Алпонбек Қалмоққа юборилади ҳам, совчилар келади ҳам. Яна узоққа қиз бермаймиз, деган баҳона билан совчилар қайтарилади. Бундай талқинлар халқимиз менталитетига зиддир. Шу тарика "достон" олди-қочди воқеалар баёни билан давом эта беради. Уни бу ерда бирма-бир баён этиш ортиқчадир. Чунки юқоридаги мисолларнинг ўзи унинг сохта намуна ва сунъийлигини яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги қарийб бир аср давомида ўнлаб етакчи баҳшилар репертуари ўрганилган, улардан юзлаб достонлар ёзиб олинган. Бирор баҳши репертуарида юқоридагиларга ўхшаш намуналар қайд этилмаган. Шундай экан, XX асрнинг охирги йиллари, XXI аср бошларида достончилик анъаналарига зид бундай намуналарнинг пайдо бўлиши ғалати бир ҳолдир. Узоқ йиллардан бери Сурхондарё ва Қашқадарё достончилигини изчил ўрганиб келаётган таникли фольклоршунос Абдиолим Эргашев бу ҳақда шундай ёзади: "Маълумки, юбилейга ("Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллиги кўзда тутилмоқда – Т.М.) тайёргарлик бошлангунча илмий жамоатчилик ва кенг халқ оммаси "Алпомиш" туркумига доир икки достонни – "Алпомиш" ва "Ёдгор"ни билишарди. Юбилей арафасида эса, ундан кўп ўтмай, "Алпомиш" туркуми доираси кенгайиб, унга "Қўнғирот", "Бева Барчин ёхуд Барчин бекач", "Қалдирғоч", "Шомурод", "Йўлчибек ёхуд Худоёр", "Хурсўна", "Қўнғирбой" сингари достонлар қўшилди. Хўш, шу достонлар аввалдан бор бўлиб, фольклоршунослар ва достонга ихлосманд омма бехабармиди, деган ҳақли савол туғилади. Бир сўз билан жавоб берганда, бундай достонлар (фақат "Бева Барчин"ни мустасно этганда) йўқ ва бўлмаган. Улар асосан Чоршанби баҳши Раҳматуллаев, Чори баҳши Умиров ва Абдуқаххор баҳши Раҳимовларнинг "ижодий маҳсули", анъанавий достонлардаги қолиплар, эпик ўринлар, тайёр мисралар, доимий тасвирий воситалардан фойдаланиб яратилган ясама, кўполроқ айтганда сохта достонлардир".[1]

Таникли олимнинг ҳамкорликда яратилган "Алпомишнома"даги ўзининг дастлабки мулоҳазаларига қарши бориб, бундай тўғри хулосага келиши ҳар жиҳатдан асослидир. Бу унинг ҳар бир фактга аниқ-тиниқ муносабатда бўлиб, жиддий изланишлар олиб борганлигининг, зарур бўлганда ўзини ўзи инкор этиш даражасига кўтарила олганлигининг натижасидир. Зеро, фаннинг юксала бориш даражаси, олимнинг тантилиги ҳам шуни талаб қилади. Аммо унинг "Бева Барчин" достони бундан мустаснодир, деган фикрини ўйлаб кўриш керак бўлади.

[1] А. Эргашев. Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги. – Тошкент: "Фан", 2008. 90-бет.

Тўғри "Бева Барчин" достони биз юқорида келтирган намуналардан фарқ қилади. Чунки достончилик анъанасида унинг асоси бор, яъни эпик репертуарда илгаридан мавжуд "Алпомиш" достони иккинчи қисмини кенгайтириб, мустақил достонга айлантиришга ҳаракат қилинган. Аммо у анъанавий достон эмас, индивидуал ижод намунаси бўлиб қолган. Натижада "Алпомиш" достонининг мазмун ва ғоялари, ҳатто тасвирийлик ўта замонавийлаштирилган. Буни кўпдан-кўп мисоллар билан исботлаш мумкин. Аммо бу ўринда биргина Бойсин-Қўнғирот тасвири бугунги энг ривожланган шаҳар қиёфасини олганлигини ёки Ултонтоз даъвогар эмас, балки ошиқ сифатида тасвирланганлигини айтиш билан чекланамиз. Шундай экан, уни "Бева Барчин", "Алпомиш" достонини асрлар давомида куйлаш таъсирида... XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида ажралиб чиққан. Шу боис ҳам зиддиятлар, ҳокимият учун кураш, феодал давлат тузиш даражасида ривожланиш, диний оҳанглар "Бева Барчин" достонида кўпроқ ўрин эгаллайди"[1], – тарзида баҳолаб, "Алпомиш" достонига хос барча хусусиятларни унга ёпиштириш, юмшоқ қилиб айтганда, инсофдан эмас. Чунки бундай намуна XIX асрда ҳам, ундан олдин ҳам, XX асрнинг охирларигача ҳам бахшиларнинг эпик репертуарида бўлмаган, бугунги кунгача ҳам барҳаёт бахшилар томонидан мустақил достон сифатида ўзлаштирилмади, балки Абдуқаҳҳор бахшининг ўз ижоди маҳсули сифатида қолиб кетди. Шу сабабли уни бахшилар репертуарида илгаридан мавжуд бўлган фольклор намунаси деб эмас, балки халқ достонлари йўлида ва уларнинг материаллари асосида Абдуқаҳҳор бахши томонидан ижод қилинган якка ҳодиса сифатида баҳолаш зарур.

Юқорида тилга олинган қатор сохта намуналарнинг айрим таниқли бахшилар номи билан боғланиб қолиши нохуш ҳолатлар туғдирса ҳам, уларнинг достончилик фаолиятига заррача бўлса ҳам соя ташлай олмайди. Чунки шу бахшилар ва уларнинг кўпдан кўп шогирдлари амалиёти туфайли достончиликнинг жонли ижроси XX асрдан XXI асрга олиб ўтилди ва муайян бир даражада бугун ҳам давом этмоқда. Бутина эмас. Бир қатор унутилаёзган намуналар, "Ёдгор", "Ёзи билан Зебо", "Келиной", "Оллоназар Олчинбек", "Нурали", "Шерали" достонларининг нисбатан бадиий юксак вариантлари шу бахшилардан ёзиб олинди ва улар вақти соати билан нашр этилмоқда. Уларнинг ижодий фаолияти туфайли терма ижодкорлиги янги поғонага кўтарилди. Шунинг ўзи ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга лойиқ хизмат, улкан ижодий фаолиятдир.

Биз юқорида ўзининг эпик даврида эмас, фақат ва фақат бизнинг замонамиздагина юзага келган "Алпомиш" достони билан боғлиқ айрим тўкималар ҳақида баъзи мулоҳазалар юритдик. Бундай бир ҳолни бошқа

[1] Қаранг: Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. – Тошкент: "Меҳнат", 2000. – 113-бет.

достонлар, жумладан, "Гўрўғли" туркуми мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, кейинги авлод бахшилари томонидан айрим эртакларни достонга айлантириш, баъзи намуналарнинг қачонлардир эпик репертуарда бўлганлиги ҳақидаги хабарлар, ривоятларга асосланиб, достоннамо нимарсалар тўкиш, бизгача фақат баёнлари етиб келган асарлар бадиий матнини тиклашга уриниш, бир неча достонлар сюжет воқеаларини бир-бирига қўшиб-чатиш каби салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Эпоснинг жонли оғзаки анъаналари сўна бошлаган ёки ўз шаклини ўзгартириб бораётган даврнинг ҳосилалари сифатида юзага келган бундай намуналарни ҳам ёзиб олиш ва ўрганиш, уларнинг халқ оғзаки бадиий ижодига муносабатини аниқлаш, шунингдек, бахшиларда индивидуал ижодкорлик ҳиссининг кучая бориш жараёнини теран кузатиш ҳамда замонавий мавзуларда, одоб-ахлоққа доир улар томонидан яратилаётган термаларни тадқиқ этиш, бугунги фольклоршунослигимизнинг кечиктириб бўлмас вазифаларидандир. Худди шу йўл билангина юқорида баён этилган сохтакорликнинг олдини олиш мумкин.

Юқоридагилардан маълум бўладики, "Алпомиш" туркуми, баъзи бахшилар тасаввур қилганидек, айрим тадқиқотчилар ўйлаганидек, кўплаб достонларни (ўттиз икки достонни) ўз ичига олган каттакон туркум эмас. Қаҳрамонлик эпосининг ёркин намунаси бўлган "Алпомиш" достонининг мазмун-моҳияти, унинг поэтик қурилиши, унда куйланган давр, ғоя ва образларнинг мантиғи бундай кенг миқёсли туркум яратилишини тақоза этмаган. Аслида "Алпомиш" достони ўзининг тасвир миқёслари жиҳатидан ҳар қандай туркумдан кенг ва улуғвордир. Ҳатто ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир сатр, ҳар бир деталь ўзининг мукаммал бадиий ифодасини топган бўлиб, уларнинг ҳар бири юксак поэтик маъно ва муҳим этнографик мазмун ташийдики, бу мумтоз достондаги бирор бир эпизод, бирор бир хабар ёки образ тасвирини давом этдириш ва шу асосда мустақил достон яратишга зарурат қолдирилмаган. Достоннинг композицион ва сюжет қурилишининг мукаммаллиги, ундаги ғоявий мазмун ва образларнинг мантиқий жиҳатдан тўла бадиий тасвир олганлиги ва тугалланганлиги шундан далолат беради. Фақат достонда Ёдгор билан боғлиқ айрим ижодкорликка ҳавола тасвирларнинг (жумладан, Ёдгорнинг ўн тўрт ботмонлик парли ёйни олиб келиши, Барчиннинг Норим ўлса, норчам бор, Юким ерда қолмайди, Бегим ўлса, бекчам бор, Юрт эгасиз бўлмайди сўзлари кабиларнинг) бўлиши бу ёш қаҳрамон эпик биографияси тўғрисида мустақил достон яратиш зарурлигини тақоза этган. Достончиликда шундай жараён юз берган ҳам. Бу – достонларнинг туркумлашиш қонуниятларига ҳам тўла равишда мос келади.

Бундай жараённи бахшиларнинг ўзлари ҳам турли муносабатлар билан доимий равишда таъкидлаб келганлар. Масалан, атоқли халқ достончиси

Пўлкан шоир "Алпомиш" достонини ёздириб бўлгач, 1926 йил 4 майда шундай деган: "Қолган сўзни Алпомишнинг ўғли "Ёдгорбек" достонидан эшитарсизлар. "Алпомиш" достони соб бўлди..." Улкан бахши бундан қарийб юз йил аввал, бугунги кунда содир этилажак сохтакорликларни олдиндан сезгандай, ўшанда яна шундай дея алоҳида таъкидлаган экан: "Буни кўргувчи ўртоқларга маълум бўлсинким, "Алпомиш" достони тамом бўлди. Алпомиш полвоннинг ўғли Ёдгорбекнинг ҳам шундай қиссаси бордир".[1] Атоқли бахши томонидан ёзиб олиш жараёни тугаши билан беихтиёр айтилган бу гап ва уни ўз вақтида Муҳаммадиса Эрназаровнинг қайд этиб қўйганлиги жиддий аҳамиятга эга. Бу мулоҳаза ҳали "Алпомиш" ва "Ёдгор" достонлар бугунги Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида бахшилар томонидан кенг бир миқёсда куйланиб келинаётган бир даврда айтилганлиги билан қимматлидир. Пўлкан шоирнинг бу икрори, бир томондан, "Алпомиш" достони якка эмас, балки хос туркум эканлигини тасдикласа, иккинчидан, унинг чегараларини (икки достондан иборатлигини) ҳам яққол кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам кейинги юз йил давомида ўзбек фольклоршунослари томонидан "Алпомиш" ва "Ёдгор" достонлари ҳамда уларнинг кўпдан-кўп вариантлари ёзиб олинди. Энг яхши намуналари эса, нашр этилиб келинмоқда. "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг ушбу жилди ҳам бунинг ёркин далилидир.

ТЎРА МИРЗАЕВ

Inv. № 4010.

[1] Қаранг: Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Тўртинчи жилд. Алпомиш. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 223-бет.

“АЛПОМИШ”

(достон)

Айтувчи: **Рахматулла Юсуф ўғли**
Ёзиб олувчи: бахшининг ўзи
Нашрга тайёрловчилар: **Тўра Мирзаев, Зубайда Хусаинова, Барно Мирзаева**

АЛПОМИШ

Ўтган замонда, элу юрт омонда, Бойсин-Кўнғирот томонда, жуда ҳам қадим замонда, тўқсон олти ўзбекларнинг ўзлари бек бўлиб юрган вақтларда, ўзбекнинг ҳар бовига бўлак-бўлак беклари беклик қилган замонларда Добонбий деган ўтди. Добонбийдан кейин беклик навбати Алпинбийга етди. Алпинбийдан кейин беклик Бойбўрибийга етди.

Алпинбийнинг Бойбўри, Бойсари деган ўғиллари бор эди. Бойбўрига Кўнғирот элининг беклиги тегди. Бойсари бўлса, жўн элибой бўлиб қолди. Бойбўрибий даранинг баланд томонини ўзига манзил қилди. Асли Алпинбийнинг бу икки ўғлига: "Чириш бузилмасин, агар болалик бўлсанглар, тўнғич болаларингнинг бирови ўғил, бирови қиз бўлса, икковини бешкерти қилиб қўйинглар" деган васияти бор эди. Ҳай, шуйтиб, орадан вақтлар ўтиб, худонинг қудрати билан, ўтган авлиё-анбиёларнинг карамотидан, тўқсон олти бовли ўзбекда ўтган алпларнинг назоратидан Бойбўрининг ҳам, Бойсарининг ҳам заифалари бир кун, бир соат, бир дақиқа ичида юкли бўлдилар. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқадан кейин "худо хохласа, бугун-эрта суюнчи тўлаб қолармизов", – деб турган кечаси Бойбўри туш кўрса, тушида бир бўрини ушлаб, қулоғининг бошидан тумшуғининг устига қаратиб, сийпаб турган эмиш. Бундай уйғониб қараса, туши экан. Бойбўрибий: "Асли-ку, ўзимнинг исмим Бўри. Тағи тушимда бўрини ушлаб, қулоғидан тумшуғигача сийпаб турганим – бу бир зўр алп ўғил фарзанднинг пайдо бўлишига таъбир бўлди-ёв", – деди. Шу куни Бойбўрининг хотини Жонтувал ўғил туғди, Бойсарининг хотини қиз туғди.

Энди бу фарзандларнинг сифатини айтсак: Бойбўрининг ўғли узун оёқли, олов кўзли, кенг халқумли, алп сиёқли, зўр болдирли,кўкрагида беш панжанинг изи бор, чолқа кўз, ботир мингиз бир чақалоқ. Сарибойнинг қизи гўзал кўринишли, оққува, тулпорнамо, қорувли бир чақалоқ эканлар. Доялар чақалоқларни ердан кўтариб олиб, ўғилнинг исмини Алпомиш, қизнинг исмини Барчин қўйдилар. Бойбўрибий билан Бойсари суюнчихўрларга отдан, туядан суюнчи бериб, элга улоқ бериб, катта қоқма кўпкари томоша бўлиб, бундай расм-русмлар ўтгандан кейин Бойбўрибий билан Бойсари келишиб, Алпинбийнинг васиятига амал қилиб, буринғилардан қолган одат, деб Алпомишни ой Барчиннинг

бешигига қўшиб белаб, бешикка кирди, яъни бешикда кўйинга кирди дегандай, бешкерти қилиб қўйдилар.

Ойдан ой ўтди, йилдан йил ўтди. Кундан кунга болалар улғайиб, каттариб етти ёшларига етди. Ундан кейин болаларни муллага, гўшти сеники, суяги меники, деб топширдилар. Алпомишнинг зеҳни тез эди. Шуйтиб тезроқ саводи чиқди. Ундан кейин Алпомиш ҳар нарсага уринган-уринчоқ бола эди. Бугун ёғочдан бир нима қилса, эртага суякдан бир нима ясаб чиқарар. Бунинг устига синчи ҳам эди. Шуйтиб одамлар Алпомишни мулла Ҳакимбек, деб атай бошладилар. Шу орада йил қурукчилик келиб, камоб бўлиб, Қўнғирот дарасининг суви экин-тикин, тари-тармоқни тўла таъминлай олмай қолиб, аста-аста одамларнинг феъли айниб, Бойбўрибий беклик қилиб, "Қўлингдан келганда қўнчидан бос" дегандай: "Ҳей, Бойсарига сув керак бўлса, сойнинг юқорисига бундай кўчиб чиқсин-да! Ота ўғилга боқмас, эна қизга боқмас бўлиб ётган қимматчиликда ким қўйибди дарёнинг этагида ўтиришни", – деб Бойсари томонга сувни юбормай, баландидан буриб, қайтариб олиб қўйди.

Ана энди Бойсарибий Бойбўрибий акасининг бу ишидан хафа бўлиб: "Ҳа-да, Бойбўри бек экан, беклигини қилибди. "Отадан олтов бўлсанг, ватанингда ёлғизсан" деган. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Бойбўри Алпинбийнинг боласи бўлса, мен ҳам боласи. Тенгликка кўнаман, камликка нега кўнаман?! Энди сув деб соқолим елбираб Бойбўрининг қўлтиғига борайинми?! Йўқ, осмоннинг ости кенг. Бир ер чўл бўлса, бир ер обод. Изласам, топарман", – деб Бойбўри акасидан араз уриб, чўпон-чўлиқ, хизматкор, ҳамсоялари билан бир эл бўлиб, яйловли жой ахтариб, бошқа ёққа кўчиб кетди. Шу кетгандан тоғлар ошиб, чўлу саҳролардан ўтиб, бир кўриқлов ўтлоқ, бир томони сувлик, элибой одам учун қулай жойга етиб бориб, Бойсари шу ерларни ўзига маъқул кўриб, бир чеккага ўтовларини тикдириб, ўтира берди.

Бу ерлар қалмоқ юрти бўлиб, Тойчи деган подшоҳнинг ихтиёрида эди. Шуйтиб бу ерларни Тойчи вилояти дер эди. Бу ерлардаги ўтарчи халқлар қараса, бир молдор эл келиб қўнибди. Буларнинг яйлов кўриғига анча футур етибди. Шунда ўтарчилардан бир-иккитаси вакил бўлиб, Тойчи подшоҳининг олдига бориб, подшоҳим, арзга келдик, деб вакилларининг каттаси подшоҳга қараб, бир сўз деди:

Булут кўчиб, тескаридан ел келди,
Ёмғир ёғиб, тоғу тошдан сел келди,
Эшитинг деб арз айлармиз, подшоҳим,
Ғайри юртдан ошиб ўзга эл келди.
Белдан ошиб, бурум-бурум йўл келди,

Қатор-қатор нор устида жул келди.
Эшитинг деб арз айлармиз, султоним,
Элатинг устига харом кул келди.

Хазинангга олтин-кумуш мўл келди,
Сўзимнинг пороми бунда шул келди.
Эшитинг деб арз айлармиз, подшохим,
Кулокка хар ёкда ғулғул[а] келди.

Йўл босганда тоғу тошлар гумбирлаб,
Қўнғирок билан оғир дўмлар дўмбирлаб,
Бошқа юртдан шуйтиб бир тўп эл келди,
Кўп подаси дашгни тутиб жимирлаб.

Чўпон ер пишириб бағир кавобди,
Бу хабарни подшох билмоқ савобди,
Бу ёғини юрт эгаси билади,
Ана энди бернинг бизга жавобди.

Эй, подшохим, давлатингни дав обди,
Ёки билмам юртни жосус, ёв обди,
Ана энди бернинг бизга жавобни,
Бу гапларни биз билдирмоқ савобди.
Шуйтиб кўчиб ғайри юртдан эл келди.

Санам кизлар бўза-кимиз сўнгандай,
Кимки олиб ичса кайфи қўнгандай,
Ширмон бўзга бўз ўтовлар тикдириб,
Бегона бировлар овул кургандай.

Тойчи подшох бу хабарни ўтарчи вакиллардан эшитиб, бекларига қараб, бир сўз деди:

Элдан элга эл кўнмоклик давлатди,
Элдан элат ўмарилмоқ мехнатди,
Ширмон бўздан хабар олинг, бекларим,
Ҳурматланг, улар ҳам тутса хурматди.

Аввал бориб унда мехмон бўлинглар,
Мехмон бўлиб ниятини билинглар,

Сўнгра ўзингизни баён қилинглар,
Кўнса агар фукаро кип келинглар.

Баён айланг менинг тахту тожимни,
Қаҳр айласам ўтказарман кучимни,
Келган элга айтинг, қабул айласин,
Кўп қатори берсин хирож-божимни.

Тойчи подшоҳидан бу сўзни эшитиб, беклари йўлга тушди. Бийлар қараса, беш-олти отли, бинойи кийинган сипоҳи одамлар дўнгдан чиқиб келаётир. Шунда Бойсари хизматкорларига қараб: – Бизнинг бу элга кўчиб келганимиз подшоҳга маълум бўлганга ўхшайди. Ҳа, энди шу элга эл бўламиз, – деб келганмизда. Чиқинглар, бу подшоҳликдан келган меҳмонлар-да. Албатта, яхшилаб хизмат қилинглар, – деб бир неча жойдан тимсол келтириб, бу сўзни айтди:

Оғайнилар, йиғилишиб келинглар,
Бу меҳмонлар шоҳдан келган ўхшайди,
Қўлдан келганича хизмат қилинглар,
Бизни юрт эгаси билган ўхшайди.

Зиёфатга кўй-саркалар сўйилсин,
Илойим душманнинг кўзи ўйилсин,
Бўза-кимиз олиб келиб қўйилсин,
Улуғ жойдан меҳмон келган ўхшайди.

Қайтайин мусофир бўлиб келганман,
Ичда йиғлаб, кўрар кўзга кулганман,
Келиб шу бекларга муте бўлганман,
Шоҳ олдидан беклар келган ўхшайди.

Мусофирлик кундан кунга билинар,
Кўзлардан ёш оқиб кўнгил тилинар,
Шамол терсга сўкса гуллар сўлинар,
Тақдирда кўп гаплар бўлган ўхшайди.

Сафарда иш берар туянинг нори,
Қайларга етишар мусофир зори,
Бугунги кун ҳайрон бўлди Бойсари,
Бойсарига меҳмон келган ўхшайди.
Қилар бўлдим энди оҳ билан войди,

Юрагим тепиниб жоним какшайди,
Оғайнилар, чиқиб отин боғланглар,
Шоҳ олдидан беклар келган ўхшайди.

Алқисса, Бойсарининг бу сўзини эшитиб, у ёқдан-бу ёқдан калу кўр оғайнилари йиғилиб, у ёққа чоп, бу ёққа чоп бўлиб колди. Шунгача келаётган беш-олти отлилар якинлашиб колдилар. Бойсарининг оғайнилари ҳам дарров отларини ушлаб, бўздаги якка михларга боғлаб ташладилар. Меҳмонларни оқ ўтовга бошлаб Бойсари олиб кирди. Дарров қўйлар сўйилиб, катта козонга солиниб, пиширила берди. Бир ёқдан тош ўчокка кўмоч нон пиширила берди. Бир ёқдан хотинлар йиғилиб, кулчатой кила бердилар. Ўртага нон олиб келиб қўйдилар. Шунда Бойсари: – Қани меҳмонлар, нондан олиб ўтиринглар, – деб меҳмонларга кўз тагидан караб, сир бой бермай турибди. Тойчи подшоҳдан келган беклар ҳам, сичкон ўйнаган мушукдай бўлиб, бўзрайиб туришибди. Шунда Бойсари кувлик килиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, меҳмон бекларга караб, бир сўз деди кўҳна баччағар:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Давлатмандниng ичган оши бол бўлсин,
Йўл бўлсин бўлмайми гапнинг ўроли,
Бексинбат оғалар, сизга йўл бўлсин?

Деяр сўзни овкатдан сўнг деймишлар,
Зарурда музман муз бир-бирин ушлар,
Биз бўлсак мусофир, кўчманчи хешлар,
Нотаниш меҳмонлар, сизга йўл бўлсин?

Сўзлай берсам бўлармикан адабдан,
Биз келганмиз Бойсин-Қўнғирот тарафдан,
Ёй садоғи накшин кумуш садафдан,
Акобир оғалар, сизга йўл бўлсин?

Гапирган гапимнинг бўлсин оҳори,
Уруғим қўнғирот, отим Бойсари,
Ўзим мен шу келган овул сардори,
Катта хил меҳмонлар, сизга йўл бўлсин?

Меҳмонлар бу сўзни Бойсаридан эшитиб, жонланиб: – Ҳа, асли гап таомдан кейин бошланиши керак эди. Лекин гапни ўзингиз бошладингиз. Албатта, у ёқдан-бу ёқдан гапхона бўлиб турмаса, одам тарс ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас. Қулай сўрадингиз, Бойсари. Илгари бир меҳмон нега менга йўл бўлсин, демадинг, деб араз уриб кетган экан. Йўл бўлсин десангиз, худойим берса, мўл бўлсин, бўлмаса, биздан эшитинг, – деб келган меҳмон бекларнинг бир сўзга чечани Бойсарига қараб, бир сўз деди:

Туман ўйнаб баланд тоғлардан ошди,
Элга эл кўнса, давлат ковушди,
Ширмон бўзга бу халқ келиб тушгани
Оғизма-оғиз подшомизга етишди.

Оғишиб ётгани кўп элибойди,
Элибойлар минган отин сийлайди,
Биз деганлар шоҳдан келган оқсоқол,
Фуқаро бўп қабул айланг қамайди.

90 *Қамай деганимиз подшоҳнинг зоти*[1],
Балки ҳамма деган бир улуғ оти,
Бу Ширмон бўз ҳам Қамайнинг юрти,
Фуқаро бўп қабул айланг қамайди.

Қамайнинг бордир тахт билан тожи,
Узатса ҳар ерга етар кулочи,
Фуқаро бўлганга бордир хирожи,
Фуқаро бўп қабул айланг қамайди.

Бойсари бу сўзни келган меҳмон беклардан эшитиб, юрагини босиб олиб: – Хуш келибсизлар, сизлар оға беклар, бизлар фуқаро бўламиз демасак, бу Тойчи юртига келармидик. Қанча хирож бўлса, Қамайга бериб турамиз, – деб турибди. Лекин меҳмон беклар ой Барчинни кўриб, шоҳликка муносиб қиз экан, дейишиб, бир-бирларини туртишиб, шибир-шибир, губир-губир қилишаяпти. Булар ўзларининг шибир-шибир, губир-губирини Бойсарига билдирмай турибди. Шунда гўшт пишиб, катта тоғораларга кулчатой сузилиб, кулчатойнинг устига гўшт солиб, меҳмон бекларнинг олдига тортила берди. Бир ёқдан қумғончаларда қимиз-бўзалар келтирилиб, оёқ-оёқ қуйилиб турди. Овқатлар шуйтиб ейилди. Қимиз-бўзалар ичилди. Энди меҳмонлар жўнамоқчи бўлаётганда, Бойсари подшога совға, деб бир бўхча қимматбаҳо холи-шоли буюмлар келтириб,

меҳмон бекларнинг ҳар бирига сақарлот чакмон-тўн ёпиб қуллуқ қилди. Меҳмонларнинг каттаси: – Бўлмаса, сизлар учун Қамайнинг ёрлиғи – шу Ширмон бўз. Бир ёғи тоғ, бир ёғи туз, бир ёғи суволот қўриқ. Қамайга фуқаро бўлсангиз, берасиз йилига овулингиз билан тўққиз тўрик, – деб меҳмон беклар жўнаб кетдилар.

Лекин қув Бойсари хотинининг олдига кириб: – Мен шу келган меҳмонларнинг авзойини бошқача сездим. Бирин-бирин кераганинг кўзганагидан, чийларнинг орасидан далага қараб, сийғалагани-сийғалаган бўлди. Тахминимда шу ой Барчини тушмагур кўзга кўриниб қолди. Булар мабодо, шуйтиб, ой Барчинни синамоқ, келасида куда бўлмоқ учун сийғалишган бўлмаса, – деб Бойсари хотинига қараб, бир сўз деди:

Бу жойларга келдик беллардан ошиб,
Ширмон бўздай бу манзилни сўрашиб,
Келган беклар керагадан қарашиб,
Ўсал ният қилиб кетган ўхшайди.

Кўп қилди иргада шибир-шибирди,
Балкичи тагидан Барчинни кўрди,
Махфий қилди, сирин мендан яширди,
Бирор шумлик қилиб кетган ўхшайди.

Бир-бирининг карашади кўзига,
Лолулашар, ким тушади сўзига,
Шум бўлса шумлиги қайтсин ўзига,
Бир нарсани ўйлаб кетган ўхшайди.

Улуғ дедим, остонага бош урдим,
Наргас-наргас хумор кўзга ёш урдим,
Кўпинча сендан ҳам сирим яширдим,
Ўсал ният қилиб кетган ўхшайди.

Мусофир элида йўқдир қўлдошим,
Бугунги кун ўзинг бўлдинг йўлдошим,
Сирим айтсам, энг ишончли сирдошим,
Айтмасам, тўхтамас кўзларда ёшим.

Араз уриб Бойбўридай оғамдан,
Бу қалмоқларга тушибдир ишим,
Нега келдим бундай ғайри юртларга,

Ўзимга ғам юклар қилган қилмишим.

Бу фоний дунёдан бир кун ўтамиз,
Нега ака-ука бир қултум сув учун,
Бир-биримизга ғараз тутамиз,
Қалмоқлардан совчи келса мабодо,
Бойбўри оғамнинг кўнглин нетамиз,
Меҳмонлар бир ўй қип кетган ўхшайди.

Бойсарининг бу сўзини хотини эшитиб, эрига маслаҳат берган киши бўлиб, Бойсарига қараб, бир сўз деди:

Баланд-баланд тоғни чалган туман-а,
Овмали-тугмали бўлган замон-а,
Келарга келдик-да булар томона,
Бирор олти ойга муҳлат тилайсан.

Мусофирлик ёмон, ўзинг биласан,
Билиб туриб мусофирлик қиласан,
Ой Барчинга совчи қўйса қалмоқлар,
Олти ойгача муҳлат оласан.

Қўнғиратда Бойсин юртин сийлайсан,
Қўлдошинг йўқ, кайғурасан, йиғлайсан,
Қалмоқлардан совчи келса мабодо,
Бирор олти ойга муҳлат тилайсан.

Биласан, узокдир Бойсин мукаррар,
Бир ой юрса анда карвон етишар,
Бойбўри эшитса, йўлларга тушар,
Бирор олти ойга муҳлат тилайсан.

Изламайми куда бўлмиш баччағар,
Бу хабар таркалиб Бойсинга етса,
Бойбўридайин бий оғанг эшитса,
Олти ой ўтмасдан етиб келмайми,
Орият учун бу ён йўл тутса.

Ўзимга ярашар юзимнинг холи,
Ҳар кимга муносиб ўзин жамоли,

Шу олти ойда ҳам етиб келмаса,
Бойбўрига ой Барчиннинг уволи.

Ундан кейин кора зулфин ўрасан,
Тақдирда на бўлса, ани кўрасан,
Олти ойгача Бойсиндан дарак бўлмаса,
Барчинойни қалмоқларга берасан.

Бошга соя солган кўкда ҳумойми,
Худой берганларга давлат мўймайми,
Ким билади совчи қўйгувчини,
Воллоҳаълам, юрт эгаси Қамайми?!

Ана шуйтиб Бойсарининг хотини эрига гапнинг пўст калласини айтди-да қўйди. Бойсари ҳам бундай ўйлаб кўрса, бир ҳисобга қараганда, шу хотинининг ҳам гапи тўғрига ўхшайди. Албатта, бу Қалмоқ юртида шундан бошқа ўзи нима қилиши керак ахир. Шуйтиб Бойсари кўп ғамгин бўлиб, ўй-фикри ичида, доғу ҳасратда ва надоматда бўлиб қолди. Эндиги гапни келиб кетган меҳмон беклардан эшитсак.

Тойчи подшоҳнинг Бойсарига юборган беклари қайтиб бориб, Тойчи подшоҳга Бойсари билан ой Барчинни мақтаб, бекларининг каттакони бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзни айтди қалтанглаб:

Ҳар кимсанинг баланд бўлса давлати,
Тоғу тошга босим келар ҳайбати,
Қамайим, сиздайин улуғ подшоҳга,
Бойсарининг катта экан ҳурмати.

Боргандан бизларни иззат айлади,
Қўй-саркалар сўйиб жуда сийлади,
Қимиз-бўза бўлса корсонман-корсон,
Шуйтиб меҳмон қилиб жондай жойлади.

Келган элга бошлиқ экан Бойсари,
Қўнғирот ёқдан бунда тушмиш гузари,
Қуллуқ қип совғалар топширди бари,
Божга бермак бўлди тўққиздан тўри.

Бойсари дегани ҳаддан бой экан,
Қўнган ери бўз Ширмондай жой экан,

Таърифин айтганман асло соб бўлмас,
Меҳмондўстликда бир Ҳотамтой экан.

Қанчалар мақтасам оғзим ҳемариб,
Таъриф-тавсифга бўлмайин қариб,
Ишонмас бўлсангиз, агар Қамайим,
Сиз ҳам кўринг меҳмонликка бир бориб.

Қанчалар мақтасам оғзим йиртилмас,
Шоли қопнинг лаби осон сўтилмас.
Сизга ёлғондай, бизларгадир чин,
Таърифин айтганман асло соб бўлмас.

Бойсарининг бор экандир бир қизи,
Ойдайин тўлишган оқ кувдай юзи,
Рўмоли чинидир, тўни қирмизи,
Мисоли паридай сулувдир ўзи.

Сўзладим, қамайим, чўртта бир кесиб,
Сўзламасам, бул гап юрагим кесиб,
Бойсарининг бўйга етган шул қизи,
Қалмоқ элда подшоҳликка муносуб.

Бу ёғини, шоҳим, ўзинг биласан,
Бекларнинг деганин бовар қиласан,
Бойсарига агар совчи қўйдирсанг,
Паризод қизини бунда оласан.

Шунда Тойчи подшоҳ бекларидан бу сўзларни эшитиб: – Жуда яхши, Бойсари овули билан бизга фукаро бўлган бўлса. Бу ёғига шошманглар. "Узун арқон – кенг тушов" қилиб қўяберинглар. Бойсари қалмоқ элига иликсин, танишиб ўрганишсин. Бизнинг ҳам улуғлигимизга тоза билиб икрор бўлсин. Ардисар энди фукаро бўлса, ҳеч ёққа кета олмайди. Осмонга чикса, оёғидан тортамиз, ерга кирса, қулоғидан тортамиз. Кейинроқ совчи бўлсанглар бўлади. Ардисар, Бойсари ҳалича қизини ҳеч ёққа бермайди, – деб бекларининг ҳар бирини ҳар ишга буюриб юборди.

Бу ёқда Бойсари эл билан қалмоқларга қўшилиб, Тойчи вилоятида фукаро бўлиб юра берди. Шундай қилиб орадан бир канча вақт ўтди. Бир кун Тойчи подшо бекларини чақириб: – Энди Бойсариникига совчи бўлиб боринглар, – деб бекларига қараб, бир сўз деди:

Эшитинглар, беклар, шоҳнинг сўзини,
Қамайларга Қамай дейди ўзини,
Бойсарига энди совчи бўлинглар,
Менга берсин уйидаги қизини.

Йўловчига яхши йўлнинг тўтаси,
Бу сўзимнинг ҳаргиз йўқдир хатоси,
Совчи бўлинг, қизин берсин Бойсари,
Келиб бўлсин давлатхонам отаси.

Қалин деса, қатор-қатор нор берай,
Нор устига юклаб-юклаб зар берай,
Бойсарига бориб совчи бўлинглар,
Ширмон бўздан бошқа тағи ер берай.

Қалин деса, сурув-сурув қўй берай,
Элу халқни қойил қилиб тўй берай,
Бойсарига бориб совчи бўлинглар,
Ширмон бўздай неча ҳисса жой берай.

Ўлмасин, ёронлар, ҳаргиз ўлмасин,
Бизга душман бўлган асло қолмасин,
Ҳозир бўнглар тағи жосус билмасин,
Қалин деса аямanглар молим билан пулимни,
Айта берсин, ҳеч армони қолмасин.

Ана энди бу ёрлиқни Тойчи подшонинг беклари шоҳидан эшитиб, яламир тозидай ғужинглашиб, шу ораликда бизлар ҳам ўн, ўн беш тангали бўлиб қоламиз дегандай бўлишиб, ўринларидан туришиб, отларига миниб, Ширмон бўзга қараб равона бўлдилар. Тағи аввалги айтганимиздай бўлиб, беш-олти отли Бойсариникига меҳмон бўлиб тушдилар. Бу сира Бойсари тағи меҳмонларни жуда сийлаб ташлади. Таомдан кейин бекларнинг каттакони Бойсарига қараб, мўйловини бураб, подшоликдан совчи бўлиб келганлигини билдириб, бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзни айтди:

Шоҳ олдида бекман, ёруғ юзим бор,
Қайга меҳмон бўлсам, шунда изим бор,
Фукаросан, биласан Қамайни,
Бойсарибой, сенга айтар сўзим бор.

Жўнағарлаб бўз йўрғамни елганман,
Шоҳ олдида даврон суриб кулганман,
Вилоят подшоси улуғ Қамайдан,
Шул қизингга совчи бўлиб келганман.

Баландликдан эсди давлат шамоли,
Кулиб боқар бўлди офтоб жамоли,
Бу неъматга шукур қилсанг арзийди,
Қалмоқда ҳам кўпдир қизинг мисоли.

Лекин улуғ Қамай сени хоҳлади,
Орқангни аниг мехри сийлади,
Гапимнинг мағзига етсанг, Бойсари,
Бу мехмонлар совчи бўлиб келади.

Ҳар на қисмат бўлса шоҳдан кўрасан,
Ўлганча бу юртда даврон сурасан,
Сенга айтар гапимиз шу, Бойсари,
Бул қизингни шоҳимизга берасан.

Ярашиққа қизил-яшил ўрай бер,
Худой берса, берганини кўра бер,
Биз совчимиз уйингдаги қизингга,
Қанча калин десанг, майли, сўрай бер.

Энди таниб билдинг қалмоқ элини,
Баланти-пастини, банди, белини,
Сўрай бер, калиндан ҳаргиз тортинма,
Аямагин оғизингнинг елини.

Бу сўзни мехмон беклардан Бойсари эшитиб, Қамай бизга олти ой мухлат берсин, деб бир неча жойдан тимсол келтириб, келган совчи-бекларга қараб, бир сўз деди:

Давлат менга эгиз бўлди, биламан,
Бу гапларга шодланаман, куламан,
Қизим бир муштипар, биров чўриси,
Олти ойга мухлат талаб қиламан.

Бойсинда ҳам бизга давлат ёр эди,
Бойбўри деган бий оғам бор эди.

Бойбўри оғамнинг Алпомиш ўғли,
Аввалдан қизимга талабгор эди.

Бу қиссалар эди бобомнинг шарти,
Алпомишга қизим бўлган бешкерти,
Олти ойга шоҳдан муҳлат сўрайман,
Олтойлик йўл Бойсин-Қўнғирот юрти.

Бир гап ўтиб бу ёқларга келганман,
Бойбўри акамдан хафа бўлганман,
Подшоҳдан олтойга муҳлат сўрайман,
Умид билан муҳлат талаб қилганман.

Қулоқ солинг Бойсарининг сўзига,
Ўйлай-ўйлай ёш олади кўзига,
Олти ойгача биздан хабар олмаса,
Уволимиз Бойбўрининг ўзига.

Ундан кейин даври-даврон сурайин,
Ҳар на бўлса олдимдагин кўрайин,
Шуйтиб олти ой шошмай туринг, бекларим,
Сўнг майли, деб шоҳга қизим берайин.

Совчи беклар бу сўзларни Бойсаридан эшитиб: "Ҳа-да, муомалага туя чўкибди, деган. Бойсари бизга тўғри муомала қилди. Бунга энди нима деймиз. Ҳеч аччикланадиган гап ўтмаса, подшоҳ деган шошмайди. Майли, Бойсари муҳлат олиб ҳам бир кўрсин. Бойбўриси ҳам хабар олсин. Подшоҳнинг сиёсати ҳазил гапми. Ҳали бу ўртада Бойсин-Қўнғиротликларнинг кули кўкларга соврилиб кетар. Секинлик билан иш битар, дейишиб, ҳай, майли бўлмаса", деб Бойсарига олти ой муҳлат бериб кетдилар. Ана шуйтиб беклар Тойчи подшоҳининг олдига бориб, Бойсарининг ҳолидан баён қилиб, бир сўз деди:

Кўрлар учун ёруғ дунё тор экан,
Бойсарининг кўнгли бекарор экан,
Бойбўри бул Бойсарининг оғаси,
Қизининг бир бешкертиси бор экан.

Бешкертиси Бойбўри бий фарзанди,
Алпомиш дегани юрак пайванди,

Бойбўри бул Бойсарининг оғаси,
Бир қориндан чиққан, жигари банди.

Қизи ҳар кун қора зулфин тарайди,
Бек Алпомиш йўлларига қарайди,
Шу сабабдан сиздай шоҳдан Бойсари,
Олти ойгачайин муҳлат сўрайди.

Шоҳим сенга тангри берган давлатди,
Шукрин адо этсанг бундай неъматди,
"Узун арқон – кенг тушов" дейдилар,
Олти ойгача унга бердик муҳлатди.

Муҳлат олибам бир кўрсин,
Бойсинга хабар юборсин,
Охирида бўп пушаймон,
Бўй қизин ўзингга берсин.

Шунда Тойчи подшоҳ бекларидан бу сўзни эшитиб: – Бўлмаса, жосуслар бориб Бойсин-Қўнғиротдан хабар олиб келса, ўша Бойбўри бу ёқларга келиб, ҳаймиқмай, шу Бойсари иниси билан гаплашиб, тўй қилиб, Бойсарининг қизини ўз элига узатиб олиб кетишига қудрати етармикан, – деб уч-тўрт жосусни Бойсин-Қўнғирот элига юборди. Жосуслар бир ой юриб Бойсин-Қўнғиротга бориб, бир ой у ерларда гап ўғирлаб юриб, яна бир ой Тойчи вилоятига қараб йўл юриб, шуйтиб, уч ой деганда қайтиб келиб: "Бойсиндан Бойсарининг қизи Барчинойни излаб, қачон келса, Бойбўрининг назаркарда алп ўғли Алпомиш келади. Албатта, шу олти ой ичида бу ёқдан у ёққа бир хабар бўлади", – деб Тойчи подшога хабар бердилар.

Шу вақтларда қалмоқлар ичида тўқсонта алп бор эди. Тойчи подшонинг инонгани ҳам шу тўқсон алп эди. Тойчи подшога Бойсин-Қўнғиротга юборган жосуслари қайтиб келиб, Алпомишнинг дарагини бериб, тўққиз ёшида тана оркалаган, ўн ёшида ҳўкизни кўтарган, ўн бир ёшида туяни отиб урган, ўн икки ёшида ўттиз ботмон парли ёй кўтарган, ҳозир тоза расога энган, ҳеч кимдан ҳайиқмайдиган алп йигит, деб Алпомишнинг таърифини айтгандан кейин, Тойчи подшоҳ тўқсон алпларига қараб, қани ким шу Алпомишни бу ёққа келтирмай, йўлдан тутиб келтиради, деб сўраб, бу сўзни айтди:

Баринг бунда алп атанган шоввозлар,
Забардаст паҳлавон баланд андозлар,

Қайсинг бориб Алпомишнинг йўлига,
Талаб солиб, кўндаланг бўп турасизлар.

Уни йўлда курашиб тутиб,
Тириклайин қўл-оёғин банд этиб,
Қайсинг бориб бу мушкулни бажариб,
Келасизлар душманим судраб етиб.

Алп атаниб биздан сарпой кийганлар,
Ҳеч ким бизга тенг келолмас деганлар,
Юборсам ишониб Қўнғирот йўлига,
Қайсинг чиқасизлар Дарбанд белига,
Алпомишни келтирасизлар олдимга,
Кишан солиб анинг оёқ-қўлига.

Бу сўзни Тойчи подшоҳ айтди. Шунда тўксон алпнинг ичида Қоражон деган донишмандроғи бор эди. Шу Қоражон ўрнидан туриб, Тойчи подшога қараб, бу хизмат биздан бўлсин, деб сўраб, бир сўз деди:

Давлатингдан қизил, яшил ўрайин,
Кўрган тушни яхшиликка йўрайин,
Саксон тўккиз алплар турсин оркада,
Бу хизматга менинг ўзим борайин.

Давлатингдан қилич-ханжар бойлайин,
Бу хизматни менга буюр, қилайин,
Алпомишдай Қўнғирот элнинг улини,
Тириклай олдинга боғлаб келайин.

Давлатингдан бошга кияй бўркимни,
Душман кўрсин синбатимни, кўркимни,
Алпомишни тутиб боғлаб келайин,
Зўрлик билан анга бермай эркимни.

Эшит, шоҳим, Қоражоннинг тилини,
Манзил қилай Чилбир чўлман Ойна кўлини,
Алпомишни зўрлик билан банд этиб,
Боғлаб келай оёғиман кўлини.

Ундай алпнинг билмаганин билдирай,

Бўйнига кирк кулоч чилбир илдирай,
Бир ўзимга бергин шоҳим ижозат,
Олдингга судираб олиб келтирай.

Бу сўзни Қоражон баён қилади,
Бедов минса, Чилбир чўлда елади,
Бир одамга нима керак тўқсон алп,
Амир этсанг, бу кулинг боғлаб келади.

Тойчи подшо бу сўзни эшитиб: – Майли бўлмаса бор, – деб Қоражонни Алпомишнинг йўлига чақириб юборди.

Қоражон ўйлади: "Бойсари Қамайдан олти ойга муҳлат олган. Ҳали уч ой ўтди. Тағи уч ойга Алпомиш дегани келса, келади, келмаса, менга бир томоша-да, Чилбир чўлида, Ойна кўлида ов қилиб, отимни елдириб, ҳар замонда уйимга келиб-кетиб юраман. Алпомиш жуда катта бўлганда, филча бордир. Ҳар нима бўлса ҳам иложи қўлимда. Алпомишни боғлаб келиш учун кирк кулоч чилбар бўлса, бўлади", – деб кирк кулоч чилбирни чувмоқлаб, хуржунига солиб қўйиб, шуйтиб, Алпомишнинг йўлини пойлаш учун Чилбир чўлига, Ойна кўлига чиқиб кетди.

Ой Барчин отасининг Тойчи подшодан олти ой муҳлат олганини билади. Охири нима бўлади, у ёғини билмайди. Кунлар ўтади. Шуйта-шуйта олти ой ҳам ўтиб кетади. Орадан уч ойча ўтиб ҳам қўйди. Қўнғирот элидан бўлса, бу ёкларга чивин ҳам учмайди. Бечора ой Барчин кун санайди. Бойсари отаси бўлса, кенг одам. Ичидагини ҳеч кимга айтмай юра беради. Энаси бўлса узлуксиз Бойбўрини қарғайди. Ой Барчин бундай ўйласа, ўзи бир ҳаракат қилиб кўрмаса, иш қўлдан кетади. Шуйтиб, ой Барчин бир белқарсни ўхшатиб тикиб, каштасига ўзининг ҳолини қўшиқ қилиб ёзиб, Қўнғирот элига юбормоқчи бўлди. Нимага деганда, ой Барчиннинг чиққан шаррадан саводи, қўлида қалам-довоти бор. Дарров бир сариқ латтага каштанинг сувини чизиб, кеча демай, кундуз демай, битта белқарсни тикиб, тамом қилиб қўйди. Қалмоқ бетда карвонларнинг ўзбеклари Бойсарини оғайни билиб, тушиб, айрон-қатиқ ичиб, дам олиб, ўтиб кетар эди. Ана шундай карвонлардан сўраса, бу карвонлар Бойсин-Қўнғиротнинг нарги ёғидаги ўзбеклардан экан. Ой Барчин белқарсни ана шу карвонларга бериб, Бойсин-Қўнғиротдан ўтингизлар. Шу белқарсни Бойбўрибийнинг ўғли мулла Ҳаким деганга бергайсизлар, – деб карвонларга қараб, Барчиной бир сўз деди:

Асли зоти ўзбек бўлган карвонлар,
Бундан Бойсин-Қўнғирот элга боргайсиз,

Бойбўрибий ўғли мулла Ҳакимга,
Шу белкарсни анга элтиб бергайсиз.

Қўнғирот элда таълим олар мулладан,
Камар бандин тўғалари тилладан,
Шундай алп бўп яратилган оллодан,
Шу совғамни анга элтиб бергайсиз.

Доим ўзи катта йўлда бўлади,
Ҳар куни мулладан таълим олади,
Шу белкарсни анга элтиб бергайсиз,
У ёғини сўнгра ўзи билади.

Карвонлар белкарсни ой Барчиндан олиб, жўнаб кетдилар. Бир ой йўл юриб, Бойсин-Қўнғиротга етиб бордилар. Энди Ҳакимбекдан сўз эшитсангиз.

Ҳакимбек ҳар куни китобни қўлтиқлаб катта йўлдан киркиб ўтиб, мулладан таълим олиб кетар эди. Карвонлар караса, бир алп сиёкли йигит, қўлида китоби, йўл устида турибди. Шунда карвонлар Ҳакимбекка қараб, ундан мулла Ҳакимни сўраб, бир сўз деди:

Адашганлар бир-бирига зормидир,
Бу элатлар бизга дўсту ёрмидир,
Домладан сабоқ олган, жон йигит,
Бунда мулла Ҳаким деган бормидир?!

Карвонмиз, келамиз тоғлардан оша,
Бандаргоҳ белларни айлаб томоша,
Бир ой бўлди етдик бул йўлга туша,
Бунда мулла Ҳаким деган бормидир?!

Ҳунармандлар чопар теша-табарни,
Шуйтиб ўрганишар касбу дигарни,
Карвондирмиз, Қалмоқ элдан келамиз,
Мулла Ҳакимдан бизга бергин хабарни.

Карвонларда узоқ йўлнинг гарди бор,
Бировнинг бизларда омонати бор,
Омонатда ёзиб юборган хати бор,
Шуйтиб, бунда мулла Ҳакимни сўраймиз.

Омонат сиртида унинг оти бор.

Карвонимиз, катта йўлдан ўтамиз,
Тоғлардан нарига азм этамиз,
Яхши йигит, мулла Ҳакимдин хабар бер,
Омонатни унга бериб кетамиз.

Ҳакимбек бу сўзни карвонлардан эшитиб, карвонларга қараб, бир сў
деди:

Ўтинглар йўллардан, карвонлар, ўтинглар,
Ўзбексизлар қўноқ бўлиб кетинглар,
Мулла Ҳаким деган ўзим бўламан,
Қани, омонатни бериб кетинглар.

Мулламан, ўкийман зеру забарни,
Йўлларда кутаман янги хабарни,
Мулла Ҳаким деган ўзим бўламан,
Бу йўлда кўрмайсиз мендан дигарни.

Ҳали очилмаган бир ёш боламан,
Шундан ўтиб ҳар кун сабоқ оламан,
Омонатни менга бериб кетинглар,
Мулла Ҳаким деган ўзим бўламан.

Дарс оламан, қўйним тўла каломим,
Қўлимда ўйнайди давот-каламим,
Бир ёққа кашалман, кўпдир аламим,
Аламим кўп, шуйтиб йўлга қарайман.

Бу аламда қандай чидаб юрайман,
Мулла Ҳаким деган ўзим бўламан,
Бир ёққа кашалман, кўпдир аламим,
Омонатни беринглар, деб сўрайман.

Баҳорда очилар боғнинг лоласи,
Бокка тушар экан шудринг жоласи,
Омонатни беринг менга карвонлар,
Ҳакимбекман, Бойбўрибий боласи.

Бу сўзни мулла Ҳаким айтди. Карвонлар: – Бизлар энди бу ерларга тушиб ўтирмайлик. Ўз бовимизга етиб борайлик. Сиз кулай йўлнинг устида экансиз. Мана, олинг омонатни. Энди биз йўлдан қолмайлик, – деб карвонлар букловли белқарсни Ҳакимбекка бериб, хайр-маъзур айтиб, Кўнғирот элатидан ўтиб кетадилар. Ҳакимбек қараса, белқарснинг сиртида ўзининг оти бор. Белқарсни ёзиб кўрса, ой Барчин белқарс каштасига шундай деб хат ёзибди:

Қалмоқ элда бизлар бўлдик мусофир,
Бу элларнинг бари ғайридин, кофир,
Отамман энамга айларлар жабр,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Энди дарс олмоқнинг таркин этгин,
Анда мулла бўлмоқ баҳридан ўтгин,
Тойчи шоҳи менга совчи қўйдирган,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Тойчи шоҳдан шуйтиб совчи келибди,
Отам олти ойга муҳлат олибдир,
Олти ойдан саксон беш кун қолибдир,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Элидан айрилган бўлар бегона,
Ақлидан айрилган бўлар девона,
Агар бўлсанг чин харидор мардона,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Сўз сўзладим алплигингга мувофиқ,
Сен эмасмидинг, ёрим, ваъдангга содиқ,
Агар бўлсанг бу йўлларда чин ошиқ,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Ким эшитар бунда оҳу зоримни,
Йўқлайман сенингдай харидоримни,
Келиб даф эт бошдан талабгоримни,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Кеча-кундуз кўз тутарман йўлингга,
Тоза гул бўп тутай сенинг қўлингга,

Қалмоқ эли бир бор бўлсин ҳилингга,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Бу хабарни ёзган Барчиннинг ўзи,
Тинмайин йўлингда телмурар кўзи,
Чин ошиғимми деб ўйлайман сизи,
Қўлдан кетар бўлдим, ёрим, тез етгин.

Мусофирмиз, ёрим душман элига,
Гуллар тўкилмайми хазон елига,
Кетар бўлдим ёвузларнинг қўлига,
Жондан ортиқ ёрим бўлсанг, тез етгин.

У вақт Ҳакимбек нима бўлганини билмай, сулайиб, лол бўлиб қолди. Шу қолганича кечгача лол бўлиб қолибди. Ҳакимбекнинг Қалдирғоч деган бир синглиси бор эди. Ана шу Қалдирғоч Ҳакимбекнинг коронғи-говгумда ҳам далада сулайиб, лол бўлиб қолганини билиб қолиб, Ҳакимбек оғасининг ҳолини сўраб, бир сўз деди:

Суянчимсан, оға, ёшлик кунимдан,
Мулла ўқиб баҳра олмадинг тинимдан,
Бир ўсаллик етдимикан ғанимдан,
Эмикдошим, оғам, сенга на бўлди?!

Йўл устида сулайганча қолибсан,
Аклинг кетиб, лолу ҳайрон бўлибсан,
Бир фаслда рангинг кетиб сўлибсан,
Қўлдошим, жон оғам, сенга на бўлди.

Бирор нокасдан ситам етдими,
Ё бировдан бир совуқ гап ўтдими,
Ё биров носазо этиб кетдими,
Эмикдошим, оғам, сенга на бўлди?!

Қалмоқ ёқдан ё бир хабар олдингми,
Ой Барчиндай гулдан бир гап билдингми,
Шуйтиб лолу ҳайрон бўлиб қолдингми,
Қўлдошим, оғам, сенга на бўлди?!

Юзимда холим бор донадан дона,

Бўлайин бошингдан ўзим парвона,
Қимматим, гавҳарим, сенсан ягона,
Эмикдошим, оғам, сенга на бўлди?!

Қалдирғоч айлади сенга арзи ҳол,
Нега буйтиб бўлдинг бунда ҳол-маҳол,
Муштипар синглингман, айтарман савол,
Қўлдошим, жон оғам, сенга на бўлди?!

Шунда Ҳакимбек кўзини очиб, Қалдирғоч синглисининг саволига жавоб бериб, хўрсиниб қараб, бир сўз деди:

Мулламан, деб кийиб эдим зангори,
Ишларим бўлар деб бунда ўнғари,
Шуйтиб кетди оғангнинг оҳори,
Қайтамага бўлди корим чапкори.

Мулламан, деб кийим кийдим юпқадан,
Гангликларга тушар бўлдим соқадан,
Йигитликнинг шуйтиб гаштин сурмадим,
Бек бўб баҳра олмай тилла туғадан.

Эшит энди мулла Ҳаким зорини,
Қандай бориб олиб келар ёрини,
Остимга минмакка отим бўлмаса,
Қайтиб ҳал қиларман душман корини.

Эр йигитнинг бир муроди этикди,
Этик билан алп ўғлонлар тетикди,
Одамзоднинг бош-оёғи шай бўлса,
Ундан кейин қайга борса ўтикди.

Эр йигитнинг бир муроди от бўлар,
Отлининг олдида оёғи мот бўлар,
Отсиз кетса оғанг Қалмоқ юртига,
Обрўйсиз бўп, ғайри элда ёт бўлар.

Узоқ йўлга бу отлар ярарми,
Ўз вақтида манзилга етиб борарми,
Бойбўри отамдан жавоб сўрасам,
Мен мингудай бирор тулпор берарми?!

Ой Барчиндан менга хабар келганди,
Қалмоқ элда кўп чатоқлар бўлганди,
Подшоҳдан Бойсари муҳлат олганда,
Муҳлатидан эллик беш кун колганди.

Эллик беш кундан сўнг вақти ўтади,
Қалмоқ шоҳи анда зумлик этади,
Ой Барчиндай ёрим кўлдан кетади,
Шу эллик беш кунда оғанг пиёда
Бир ойчалик йўлга қандай етади.

Шунда лекин қиз боласи тушмагур шайтон бўлар экан, ўғил болага қараганда кўп гапларни билар экан. Қалдирғоч оғасининг бу сўзини эшитиб, оғасига тасалли бериб, бир сўз деди:

Ўлмасин, яхшилар ҳаргиз ўлмасин,
Ёмон банда яхшиликни кўрмасин,
Ёв-яроғим йўқ деб, оға, мункайма,
Кийим учун кўнглинг кашал бўлмасин.

Ақллисан, қаламинг бор, хатинг бор,
От десанг, табла тўла отинг бор,
Ўн икки ёшингда энчи қип қўйган,
Бойчибор деган бир дўнон отинг бор.

Кийим десанг, мен берайин сарама,
Ёв-яроқдан ханжар тақкин бурама,
Бойчиборни абзал уриб устига,
Миниб ол-да, олд-ортингга қарама.
Қалмоқшоҳдан бунда отам кўркади,
Шуйтиб отамдан ҳам жавоб сўрама.

Кета бер, колмайин борар йўлингдан,
Пахлавонсан, ҳар иш келар қўлингдан.
Душман ёндоша олмас соғу сўлингдан,
Ханжаринг тушмас бўлса белингдан.

Қулоқ солинг Қалдирғоч нолишига,
Бардошли бўлсанг-чи фалак ишига.
Шуйтиб отамдан ҳам жавоб сўрама,
Ботирларча от сур Қалмоқ дашига.

Ёш ўғлонсан, кўп гапларни кўрасан,
Бу дунёда кўплар даврон сурасан,
Билмайсан ўзингни, нодон боласан,
Ҳали боғда очилмаган лоласан.

Қалмоқ боришингга отам жавоб бермайди,
Бек отамдан сўраб нима қиласан,
Сал гидирсанг, оға, бунда сустланиб,
Ой Барчин ёрингдан қуруқ қоласан.

Ҳар на бўлса пешонангдан кўр энди,
Ўлмай бу дунёда даврон сур энди,
Бойчибор отингни бунда келтирай,
Сақирлат мовутдан тўнлар кийдирай,
Мардонавор бўлиб караб тур энди,
Анжомман аслаҳаларинг кийдирай.

Мард бошида қиёматлик кор энди,
Пирлар қўллаб, бўлгайсан сен зўр энди,
Бир ёр эмас, номус-орга бор энди,
Мардонавор бўл-да, талабгор энди.

Парвардигор ўзи тутсин панода,
Жон борича бу иссиқ танада,
Бир ёр эмас, номус-орга бор энди,
Қалдирғоч муштипар колсин дуода.

Қалдирғоч ичкаридан сипоҳи кийимлар, нўғойи этик ва сақирлат чекман билан шим, камар киссаси, ўқдони билан ўттиз ботмон парли ёйни ва бир ханжарни қини билан чиқариб оғасига берди. Ҳакимбек кийиниб олди. Ундан кейин Қалдирғоч синглиси Ҳакимбек оғасини Бойчибор турган таблага эргаштириб борди. Ҳакимбек мулла бўламан, деб бу ердаги воқеалардан бехабар экан. Қараса, сағрилари маякдай тирсайиб тўлишган, думалоқнамо, кенг халқум, тикка ёл Бойчибор жонивор фалакка ангиз қилиб, юлдузни кўзлаб турибди. Ҳакимбекнинг ўзи синчи эди. Билдики бу энди дўнон бўлган. Яна бир-икки ой ўтса, беш ёши тўладиган. Бойчибор ҳар жойда дар қолдирмайдиган тулпор бўлиб етишибди. Шунда Ҳакимбек Бойчиборнинг тулпорлигига қаноатланиб, тулпорни тайранглатиб, далага олиб чиқиб, якка михга боғлаб, қашов-жўроб қилиб, абзаллаб олиб, кейин ўзи отга миниб, Қалдирғоч синглисига караб, энди синглим бизга фотиҳа бер, деб сўраб, бир сўз деди:

Ўзингсан бир дуогўй муштипар,
Муштипар дуосин олмоклик даркор,
Кетар бўлдим энди Қалмоқ юртига,
Мусофир бўп ғайри элга мукаррар.

Кўз кўрмаган элларини кўрарман,
Бахтим бўлса омон-эсон юрарман,
Омин деб қўлингни кўтар, муштипар,
Бундан кетиб, Қалмоқ юртга борарман.

Элдан айро кетар бўлдим мен энди,
Қалмоқ йўлин тутар бўлдим мен энди,
Остимда тебраниб ўйнар Бойчибор,
Неча белдан ўтар бўлдим мен энди.

Кетганимни ота-энам билмади,
Фотиҳа бериб, дуо килмади,
Омин деб қўлингни кўтар, муштипар,
Дуогўйим сендан ўзга бўлмади.

Бу сўзни эшитиб йиғлар Қалдирғоч,
Эй, худоё, ҳар бандангнинг йўлин оч.
Шундай деб Қалдирғоч берди бир дуо,
Оғамни ўзингга топширдим, худо.

Ўзинг сақла буни соғу саломат,
Қалмоқ элда бўлмасин бир аломат,
Худоё, шул оғам сенга омонат,
Омонатга қилмагайсан хиёнат.

Деб йиғлади Қалдирғочдай муштипар,
Қатралаб кўзларидан томдирди гавҳар,
Ёринг олиб келгин Қўнғирот элига,
Ё оллоё, омин, оллоҳу акбар.

Бу ишлар бир таваккалнинг иши,
Таваккал йўлига тушмас ҳар киши,
Бундай йўлга Ҳакимбекдай эр тушди,
Охир шуйтиб муродига етишди.

Ана энди Ҳакимбек Қалдирғоч синглисидан оқ фотиҳа олди. Бу воқеа кечанинг учдан бир улуши ўтгандан кейин бўлди. Бу гапни Бойбўрибий отаси ҳам, Жонтугал энаси ҳам билмай қолди. Шуйтиб, Ҳакимбек таваккал қилиб, ёр учун, балки номус-ор учун отнинг жиловини буриб, ҳақ деб, Кўнғирот элини тарк этиб, Қалмоқ юрти қайдасан, деб қоронғи кечани оралаб, жўнаб кетди.

Парвардигор ҳар кимсага паноди,
Ўз ҳолини ўзи билган доноди,
Қалдирғочдай синглисидан дуо олиб,
Қалмоқ юрти қайдасан деб жўнади.

Остида Бойчибор ҳар дам ўйнайди,
Ўйнаганда ўз жонини қийнайди,
Ғажирлатиб жонивор сувлиқ чайнайди,
Силкиниб-силкиниб тағи жўнайди.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Ким чидайди айроликнинг ҳилига,
Қозиқдай қанқайиб кетиб боради,
Мулла Ҳаким миниб отнинг белига.

Қушлар тонгда сано олар тилига,
Ўттиз ботмон ёй олгандир қўлига,
Таваккал деб Кўнғирот элнинг тўраси,
Жўнай берди энди Қалмоқ элига.

Жонивор Чибор Ҳакимбекни оп кетди,
Эл-элатлар оркаликда коп кетди,
Мард тушади бундайчанги йўлларга,
Таваккал кип ким қаёққа соп кетди.

Мард ўғлонлар жон бермайми ёр учун,
Ёр эмас-ку, балки номус-ор учун,
Ҳакимбекнинг ҳеч уйқуси келмайди,
Барчиной сулувга интизор учун.

От боради сакраб чуқур ерлардан,
Мункайиб чиқиб кетар баланд дўнглардан,
Қай ерларда экани маълум эмас,
Чир атрофи тақир, текис, кенглардан.

Ҳакимбек ҳам шошиб-пишиб боради,
Номаълум тоғлардан ошиб боради,
Қалмоқнинг элига тезроқ етсам, деб,
Севар ёрнинг билагидан тутсам, деб,
Барчиндай сулувни олиб қайтсам, деб,
Орият йўлига тушиб боради.

Ҳакимбекнинг энди алплиги тутди,
Қўнғиротдай ўсган элин унутди,
Кўзидан уйқуси очилиб кетди,
Кечалар кейнидан кечалар ўтди.

Адашганди улгу олди юлдуздан,
Қўрқмай кета берди баланддан-туздан,
Кўзидан уйқуси очилиб кетди,
Хабари бўлмади кеча-кундуздан.

Қалмоқнинг ораси бир ойлик йўлди,
Гоҳи элат, гоҳи одамсиз чўлди,
Сўзимиз пароми энди шул бўлди,
Бир ойлик йўлни ўн кунда олди.

Ўн кундан кейин Ҳакимбек ўзи ҳам жуда чарчаб, оч колиб, бир ёта сувсаб, кўзлари мулгиб, "бирор тушомол жой топилса, бир овқатланиб, сув ичиб, ўзимга ҳам, отимга ҳам ором бериб ўтсам", – деб ўйлаб кета берди. Шунда жуда ҳам узоқда бир қора кўриниб, қора борган сайин каттара берди. Қоронғи-говгумда шу қорага етиб борди. Борса, бир эрганакли дарвоза экан. "Бизга тақдир қилгани шу манзил бўлди-да", – деб Бойчибордан тушиб, эрганакли дарвозани итарди. Ичкаридан дарров бир йигит чиқиб: – Келинг меҳмон, хуш келибсиз, – деб Бойчиборни таблага тортиб, ундан кейин Ҳакимбекни бир кўтарма супали уйга олиб чиқди. Эшикни очиб, Ҳакимбекнинг ёй, қиличларини даҳлизга қўйдириб, ўзини томнинг ичига олиб кирди. Ҳакимбек караса, уйга оқ қозоқи кийизлар тўшалган, тўрда оппоқ соколли бир мўйсафид ўтирибди. Ана шу мўйсафид: – Қани, келинг, мулла Ҳакимбек, – деб турибди. Худди аввал кўрган ва билгандай. Ҳакимбек уйга кириб, салом бериб, у мўйсафид билан кўришиб ўтирди. Ҳалиги хизматкор йигит бир чора ҳалим ош келтириб, Ҳакимбекнинг олдига қўйди. Ҳакимбек бу ҳалим ошни еб, устидан пичи илиқ сув ичиб, роҳатланиб ўтирди.

Шунда бул мўйсафид Ҳакимбекка авлиёга ўхшаб каромат қилиб: – Мулла Ҳакимбек, менга кўкрагингни очиб кўрсат. Кўкрагингдаги

беш панжанинг доғи агар менинг беш панжамга лойиқ келса, Қалмоқ подшоси ва ҳар қандай зўравонларига сен зўрлик қилиб, ой Барчин ёрингни олиб қайтасан, – деб Ҳакимбекнинг кўкрагини яланғочлатиб, ўзининг беш панжасини Ҳакимбекнинг кўкрагидаги беш панжа доғига баробарлаштириб кўрди. Мўйсафиднинг панжаси шунда Ҳакимбекнинг кўкрагидаги беш панжа доғига баробар келди. Шунда мўйсафид Ҳакимбекка: – Энди ҳеч ғам ема, сенга ҳеч ким ғолиб кела олмайди, – деб башоратлар бериб, Ҳакимбекнинг ҳақига дуолар қилди. Кейин хизматкор йигит Ҳакимбекка жой солиб берди. Ҳакимбек мўйсафиднинг ижозати билан жойига ўтиб, уйқуга кетди.

Шуйтиб, Ҳакимбек то эртасингача ухлаб, анча дам олиб, қувватланиб ўрнидан туриб, чор атрофига қаради. Қараса, ҳеч ким йўқ. Дабдала, текис бўзда ётган экан. На тўшак бор, на пўстак. Фақат олдида Бойчибор гарданини хам қилиб турибди. Асли кечаги мўйсафид бир назар қилгувчи пир эканига тушиниб, Ҳакимбек тўра келиб ханжари билан ёйини ўзига тақиб олди. Шу вақтлар эрта кўклам бўлмоқчи бўлиб, ерда чимлар туртиб чиқаётган вақтлар эди. Ҳакимбек шу ерда Бойчиборни бошқаотдан қашов-жўроб қилиб, абзалини очиб солиб, Бойчиборга миниб, йўлга тушиб равона бўлди.

Тахмин билан юрди йўллар,
Тағи ошди дарбанд, беллар,
Минадай текис далаларда,
Билинмайди қайда эллар.

Ҳакимбек борар чопиниб,
Совут-қалконни ёпиниб,
Ўр келганда мункиб чиқиб,
Паст келганда қуйи эниб.

Шуйтиб ол юрди, ол юрди,
Озгина эмас, мўл юрди,
Отин ҳайдаб мулла Ҳаким,
Чошка вақтгача йўл юрди.

От ҳайдаб балан-пастига,
Қамчисини тутиб дастига,
Чошка пайти етиб борди,
Бир катта қирнинг устига.

Пастда курук коки габа,
Узокларда катор ўба,
Шундай Ҳакимбек караса,
Чиккани бир каттик тўба.

Шунда Ҳакимбек отнинг жиловини кайтариб: "Бу бегона элат қандай юрт экан. Бу ерлар бизга ёвмикан, элмикан", – деб пичи қараб турди. Аммо ҳеч кимни кўрмади. "Қани шу ерда сабр қилиб, бир оз отни ўтлатиб турайчи, нима бўлар экан" – деб отдан тушиб, Бойчибориинг юганини олиб, тепанинг устидаги бағдайикка қўйди. Тепанинг терскайига бориб караса, у ёғи оппок киров бўлиб турибди. Шунда Ҳакимбек тепанинг бир баланд ерида ёнбошлаб атрофни томоша қилиб: "Бирор одамзодни учратиб, бу элларнинг қандайчанги халқлар эканини билай", – деб ётди. Энди гапни Қоражондан эшитинг.

Қоражон ҳар замонда келиб, Чилбир чўли билан Ойна кўли атрофини бир кўздан кечириб кетар эди. Нимага деганда, шу Чилбир чўли билан Ойна кўли Тойчи вилоятининг Кўнғирот томонидаги чеккаси эди. Бугун Қоражон Ойна кўлига келиб караса, Тойчи вилоятининг тоза чеккаси деб ҳисобланган тепанинг устида биров отини ўтга қўйиб, ўзи ёнбошлаб ётибди. Қоражон олисдан бу ётган Ойна кўлининг бу ёғидан кўйларни кузатиб ўтирган бўримикан деса, кошида от бор. "Ҳеч вакт от билан бўри бир ерда турмағич эди. Бу ётган мукаррар одам, балки Алпомиш келгандир. Бу ёкнинг баланд-пастини шу дўнгдан кузатиб ётгандир. Ҳозир Бойсарининг Қамайдан олган мухлатидан бир ярим ой колди. Ажаб эмас. Шу Алпомиш бўлса. Ё бўлмаса, унинг бир жосусимикан?! Балким кўзи мулгиб кетгандир. Ҳар ҳолда чап бериб бормоклик даркор. Алпомиш бўлса, ул ҳам синамаган бир алп. Агар уйкуда бўлса, таппа босиб боғламоғимга қулай бўлар", – деб тепанинг орқа ёғидан айланиб чика берди. Ҳакимбекнинг шу ёнбошлашда кўзи илиниб кетган эди. Бойчибор бегона шарпани билиб, каттик кишнаб юборди. Шунда ҳам Ҳакимбек билмади. Бунгача Қоражон тепанинг устига чикиб, зеҳн қўйиб караса, бамисоли бир ёлдор қашқир бир одам, хеч нимани назар-писанд килмагандай, парвойи фалак ёнбошлаб, кўзи илинибди. "Ҳар қалай бу одам унча-мунча ҳариф эмас. Ким бўлса ҳам бу одамни шу кўзи илинган вактида таппа босиб боғлаб олмоқ керак. Ҳукман бу ё Алпомиш, ё бўлмаса, унинг бир жосуси", – деб Қоражон аста отидан тушиб, отни бир жинғилга боғлаб, четдан кела берди. Шу ҳолда Бойчибор тағи бир каттик кишнаб юборди. Қоражон: "Ҳа, укағарнинг оти, бежай зийрак от экан-ку", – деб гидирайиб колди. Бойчибор келиб, Ҳакимбекнинг ёкасидан тишлаб тортди. Ҳакимбек: – Ҳа, жомонлагур, деб отини уришиб, бундай

караса, бир бегона алп йигит тингилиб турибди. Ҳакимбек: "Ким бўлса ҳам иши бўлса, олдимга келади-да", – деб бу алп йигитдан ҳайикмай, ёнбошлаганича ёта берди. Қоражон ҳам сипоҳи бўлиб юрган йигит эмасми, Ҳакимбекнинг тўғрисига келиб, мўйловини бураб, бикинига қўлларини тираб, Ҳакимбекка қараб, кимлигини сўраб, бир сўз деди:

Юзингнинг монанди ўхшайди ойга,
Келбатинг менгзатдим бўз карчиғайга,
Қай ёқдан адашиб тушдинг бу жойга,
Алп сиёкли полвон, кайдан келасан?

Турмушинг бақувват, туркинг сипойи,
Синчиклаб қарайман, афтинг бинойи,
Ё сенмисан дайдиб юрган ҳар жойи,
Ўйламаган меҳмон қайдан бўласан?

Давлатимдан қизил-яшил ўрайман,
Савлатимдан шомуртимни бурайман,
Алп сиёкли йигит, сендан сўрайман,
Тепалар устига қайдан келасан?

Мен билмайман қайда элатинг-жойинг,
Нимадир, номаълум ўйлаган ўйинг,
Ҳаймиксиз ётасан, йўқдир парвойинг,
Парвойи фалак меҳмон, қайдан келасан?

Йигитга ўхшайсан бир дўнон тойдай,
Келбатинг бор сипоҳликка қулайдай,
Бу ерда ётишинг минг кўйли бойдай,
Йўлбарс сифат полвон, қайдан бўласан?

Қалмоқ элда кимга бўласан меҳмон,
Сенга борми бунда таниш, кадрдон,
Ўзим алпман, отим сўрсанг Қоражон,
Қоражонга айттин, қайдан келасан?

Қоражоннинг бу сўзидан энди бу ёғи калмоклар юрти эканини билиб, Ҳакимбек Қоражонга караб, унинг саволига муносиб килиб, бир сўз деди:

Кўнғиротликман, бошдан кўп гап кечирдим,
Узок-узокларга кўзим учирдим,

Бойсин яйловидан моя кочирдим,
Моя излаб келган сорбон бўламан.

Жаҳд айлаб ўзим бунда етирдим,
Қўнғирот ўтловидан моя йитирдим,
Из олдим, изини шунда кетирдим,
Бунда келган йўқчи сорбон бўламан.

Ойдин кўлда ов овладим, ўк отдим,
Шу кўл ёқасидан моям йўкотдим,
Ани излай-излай ғамларга ботдим,
Йўқчи бўлиб юргин сорбон бўламан.

Шу тепадан дўгаракни кўзлайман,
Туз тортган ёкларга сафар созлайман,
Қалмоқ юртин қолдирмасдан излайман,
Из олиб келгувчи сорбон бўламан.

Бу сўзни Қоражон Ҳакимбекдан эшитиб: – Сен Бойсин-Қўнғиротдан бўлсанг, Қўнғиротда Бойбўрибий деганнинг ўғли Алпомиш деганни кўргансанми? Кўрсанг, полвонлиги канча бор, бу ёкларга келадими, йўкми? Шуни менга айт. Ундан кейин ўзингнинг кимлигинг билдир. Ё бўлмаса, шу Алпомиш деганнинг айғокчиси бўлмагин, – деб Қоражон бир неча жойдан тимсол келтириб, Алпомишга караб, мўйловини бураб, бир сўз деди:

Ҳар ерда арвоҳлар мададкормидир,
Алп йигитга кирк чилтонлар ёрмидир,
Ёмонлар жазога сазовормидир,
Яхшига барча эл харидормидир,
Йўқчи йигит, сендан бир гап сўрайин,
Қўнғиротда Алпомиш деган бормидир?!

Баҳорда очилар гулшан лоласи,
Баҳра олар шунда кўнгил қалъаси,
Мен ҳам ўз элимда доно, биласи,
Қолмагандир энди гапнинг чаласи,
Ул Алпомиш Бойбўрибий боласи,
Қўнғирот элда шундай полвон бормидир?!

Мен ҳам ўз элимда полвон бўлганман,
Алпомиш деганга талаб солганман,
Шуйтиб ангниб доим йўлда бўлганман,
Келармн деб кўзим йўлга қўйганман,
Қараб-қараб шунда келиб юрганман,
Элларингда Алпомиш полвон бормидир?!

Бор бўлса бу ёкларга келармн,
Биз билан шу ерда дуч бўлармн,
Кўп карадим ёки келмай коларми,
Қўнғиротда Алпомиш полвон бормидир?!

Сен ўзинг Қўнғиротда уни кўрдингми,
Кучу кувватини синаб билдингми,
Ё аниинг хизматларин қилдингми,
Ё айғоқчиси бўп бунда келдингми,
Қўнғирот элда бек Алпомиш бормидир?!

Қоражон бу сўзни айтди. Ҳакимбек Қоражоннинг сўроғига мувофиқ бир сўз деди:

Бек Алпомиш Қўнғирот элнинг тўраси,
Ўзини сўрасанг, йигит сараси,
Мени ҳам унча-мунча билмагин,
Ўзим мен олишиб юрган жўраси.

Узоқдан кўринар уйнинг қораси,
Гапирсам, гапимнинг шулдир сираси,
Мени кўриб унча-мунча билмагин,
Ўзимман шу Алпомишнинг жўраси.

Мард ўғлонман, ҳеч ким билан ишим йўк,
Айғоқчиликларман ҳаргиз ҳушим йўк,
Мени кўриб гумонсима, баччағар,
Қалмокларнинг ҳеч кимида ишим йўк.

Сорбонман, Ойдин кўлга чиқаман,
Даъвогар учраса, гўрга тиқаман,
Алпомишман юраман курашиб,
Гоҳ у йиқиб, гоҳида мен йиқаман.

Кел майлига, сен ҳам бўлсанг даъвогар,
Кўкка қараб аккиллама, баччағар.

Қоражон Ҳакимбекнинг бу сўзини эшитиб: – Ў, ҳали даъвонгиз анча бор-ку, – деди.

Шунда Ҳакимбек: – Ҳа, мен Алпомиш билан курашиб, гоҳ ул йиқиб, гоҳ мен йиқиб, шу йўсинда Алпомиш билан дўст бўлиб юрган одамман. Агар сен Алпомишга талаб солиб юрган бўлсанг, аввал менинг билан курашиб кўр. Агар мени йиқсанг, Алпомишни ҳам йиқасан, – деди. Шунда Қоражон Ҳакимбекка қараб: – Сен кўп лоф урма. Агар Алпомиш деган сенинг билан курашиб, гоҳ сен уни йиқиб, гоҳ ул сени йиқитиб юрган бўлса, Алпомишинг ҳам сал одам экан-да! Ўзинг ҳам бир лоппи одам экансан. Аввал сен бу элларда менинг подшоҳликда қанча ҳурматим борлигини бил ва бу элнинг подшоси қандай одам эканини бил, – деб сиёсат қилиб, бир сўз деди:

Бу эллар бир катта элат бўлади,
Қамай ҳаммасига шоҳлик қилади,
Шоҳ деган барчадан хирож олади,
Баланд овозаси бордир Қамайнинг.

Обрўйи ҳар ёққа анинг таркалган,
Донғи Доғистонга овоза солган,
Осмонга узатса, қўли ета олган,
Шундай зўр ҳайбати бордир Қамайнинг.

Ўнг ёғида бордир ўнта навкари,
Чап ёнида мирғазаб чапдаст чокари,
Бўсағаси нақшин, зарбоб уйлари,
Бир ажаб шавкати бордир Қамайнинг.

Ҳар куни ўнталаб тана сўйдирган,
Чулон бериб элу халқни тўйдирган,
Ғазаб қилганининг кўзин ўйдирган,
Донғи-донғозаси бордир Қамайнинг.

Миришкори овлаб келар овини,
Ёз бўлса жойлашиб Лангар товини,
Уч ойда пишади кўкча қовуни,
Оқ муррук тарвузи бордир Қамайнинг.

Ҳар тарвузи кирк одамга етади,
Косасига кирган тоза ботади,
Тана кирса ботиб чўкиб кетади,
Шундай бир шаштлари бордир Қамайнинг.

Қамай билан тўқсон алп бирга туради,
Қайга борса қўшилиб бирга боради,
Душманига алплар жазо беради,
Тўқсонта зўр алпи бордир Қамайнинг.

Алпларига етмас ҳеч кимнинг зўри,
Мен аларнинг энг кичкина ночори,
Сендайлар қул бўлар йиғилса бари,
Кўп бир шоҳбозлари бордир Қамайнинг.

Тўқсон алпнинг ҳар бири бир аждаҳор,
Ажали етганлар бўларлар дучор,
Аларнинг ичида Қоражон ночор,
Ҳали ҳам даъвонгдан қайтгин баччағар,
Ҳайбатли беклари бордир Қамайнинг.

Қамайнинг тупруги пирларга тушмиш,
Назари ҳар қандай касга етишмиш,
Олдига йўлолмас сендай саг-магас,
Зарли байдоклари бордир Қамайнинг.

Қамай шундай бир подшоҳ бўлади,
Аччиғи келганини нобуд килади,
Қўиғиротдан келган Бойсарининг
Барчин қизин якинда тўй қип олади,
Шуйтиб катта тўйи бордир Қамайнинг.

Бу сўзни Қоражон айтди. Ҳакимбек Қоражоннинг бу сўзини эшитиб токат кила олмай: – Э, Қамайингдан ўргилай. Бунча мақтанганча, аввал менинг билан курашиб кўр. Йиқсанг, кейин лоф ур-да, – деб ўрнидан туриб, Қоражонга талаб солиб, қўлини кўтариб, айлана берди. Қоражон буни кўриб: – Агар аччиғим келиб, гўштингни бурдалаб ташласам, ўз гуноҳинг ўзингда, – деб бу ҳам қўлини кўтариб, айлана берди. Шуйтиб, икки алп бир-бирларига талаб сола берди. Қоражон чорпойли, жуда бир зўр алплардан эди. Қоражоннинг одамларнинг илмидан бошқа икки хил

илми бор эди. Илмининг биринниг бири – бургут уруш дегани. Ангсиздан харифини каттик кокиб уриб кетиш эди. Шу урганида, агар нимкаладак одам бўлса, ерга ялпайиб ё ўлиб колар, ё бўлмаса, кулоғи гангиб, беҳуш бўлиб колар эди. Ана шу одатини қилиб, Қоражон айланиб келиб ангсизда Ҳакимбекнинг кок чеккасига кокиб кетди. Лекин Ҳакимбекка бу кокиш бир кесакча хам бўлмади. Шунда Қоражон: – Ҳа, укағар, ўзи юмалоқтоб кўрингани билан алп йигит экан, – деб тағин бир-икки айланиб келиб Ҳакимбек билан ушлашди. Энди иккинчи илими бедана уруш эди. Қоражон бедана урушини қилиб, Ҳакимбекнинг оёғига қарсиллатиб тепа берди. Аммо Ҳакимбекка бу урушлар хеч таъсир қилмади. Энди навбат Ҳакимбекка етиб, Қоражонни бир куч билан кўтариб, ҳаволатиб ерга гуп эткизиб, бир урди. Шунда Қоражон ҳингк этиб, чалқарамон йиқилиб колди. Шунда Қоражоннинг етти кобирғаси читирлаб кетди. Ҳакимбек Қоражонни ерга бир ниқтаб уриб, кўлидан қайириб босиб, ўзини танитиб, бир сўз деди:

Сени йиққан бек Алпомиш бўлади,
Ким мендан йиқилса, тайин ўлади,
Сорбон деб ўйлама мени, баччағар,
Моя эмас, Барчинни излаб келади.

Катта кетдинг, ўз ҳолингни билмадинг,
Анчайиндан мени кўзга илмадинг,
Сорбон деб ўйлама мени, баччағар,
Аввалдан ўзимга қуллиқ қилмадинг.

Энди сени шу тепада ўлдирай,
Қора бағринг ханжаримман тилдирай,
Билмаган бўлсанг, ўзим билдирай,
Кўзларингга хоку нажас тўлдирай.

Кейин бориб қирай алплар барини,
Қамайингнинг бузай қала-шаҳрини,
Шуйтиб бунда очай кўнглим бахрини,
Пайҳон қилиб, элаб кетай ерини.

Асир айлай аёли ҳам эрини,
Ҳайдаб кетай Кўнғиротга барча норини,
Нор устига юклаб олиб зарини,
Қанча зебу зийнат, дабдаба билан,
Узатиб кетайин Барчин парини.

Алпомишман, мулла Ҳаким лақабим,
Ой Барчиндай сулув менинг талабим,
Энди ўлдираман сени, баччағар,
Агарда дўст бўлиб, олмасанг гапим.

Шунда Қоражон Алпомишга қараб, тавба қилдим, деб шу сўзни айтаётир:

Дунёда одамнинг иши хатоди,
Билардан-билмасдан ҳар гап ўтади,
Бундан кай Қоражон амринг тутади,
Тавба қилдим, қўлим бўшат, Алпомиш.

Англамадим, аввал сени билмадим,
Ғалча эканман, ҳеч ўзимга келмадим,
Анчайин одам деб кўзга илмадим,
Дўст бўлайлик, қўлим бўшат, Алпомиш.

Алп йигитман, қизил-яшил ўрайман,
Савлатимдан шомуртимни бурайман,
Не буюрсанг, хизматингга ярайман,
Тавба қилдим, қўлим бўшат, Алпомиш.

Банда бўлай мен ҳам қодир худога,
Ўлим баробардир шоҳга, гадога,
Элатим ичида ўзим ўдаға,
Дўст бўлайлик, қўлим бўшат, Алпомиш.

Дам бу дамдир, ўзга дамлар дам эмас,
Мард ўғлонлар ўларидан ғам емас,
Қоражон ўзин тўксон алпдан кам демас,
Тавба қилдим, қўлим бўшат, Алпомиш.

Қалмоқ элга ўзим бирга борайин,
Қанча бўлса, хизматингда юрайин,
Умримнинг бу ёғин сенман кўрайин,
Дўст бўлайлик, қўлим бўшат, Алпомиш.

Одамга ёпишган ҳавас дард бўлар,
Биласан-ку полвон халқи мард бўлар,

Бир урсанг бошимга, жоним гард бўлар,
Тавба қилдим, қўлим бўшат, Алпомиш.

Биласан, мард қайтмас босган изидан,
Бу деганим донишмандлар сўзидан,
Меҳмон бўлиб, тот Қоражон тузидан,
Дўст бўлайлик, қўлим бўшат Алпомиш.

Ҳакимбек Қоражоннинг бу сўзини эшитиб: – Майли, мардлик билан биз билан дўст бўлсанг, биз ҳам сени қайтармаймиз, – деб Қоражоннинг қўлини қўйиб юборди. Шунда Қоражон ўрнидан ирғиб туриб, Ҳакимбек билан кучоқлашиб кўришиб қолди. Ундан кейин Қоражон Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Мардлигинга қойил қолиб дўст бўлдим,
Жоним билан хизмат қилай юр энди,
Нодонликман бунда кўнглинг қолдирдим,
Меҳмон айлаб, кўнглинг олай, юр энди.

Азиз дўстим, тулпорингни мин энди,
Бургутдай бўп Қалмоқ элга эн энди,
Меникига қўноқ бўлиб кўн энди,
Ҳар ишингда ҳамдам бўлай, юр энди.

Кенгиш-кенгиш элатларим кўр энди,
Тақдир қилса даври-даврон сур энди,
Душманларнинг додин бунда бер энди,
Қабатингни ўзим олай, юр энди.

Эшит, дўстим, Қоражоннинг зорини,
Кўп алпларнинг ўзи қилар корини,
Эсон бўлсак, олгин Барчин парини,
Совчиликни ўзим қилай, юр энди.

Ҳакимбек ҳам энди Қоражоннинг чин дўст бўлганига ишонди. Шуйтиб, уникига меҳмон бўлишга рози бўлди. Шундай қилиб, Қоражон ҳам, Ҳакимбек ҳам от-отига миниб олиб, тепадан қиялаб пастга тушиб, Қоражонникига қараб кетдилар. Ойна кўлидан, Чилбир чўлидан ўтиб, кеч бўлай деганда, Қоражонникига етдилар.

Қалмоқда тўксон алп доим бирга юриб, бирга турар. Ҳар қандай тўй-маъракаларга ҳам бирга борар эдилар. Булар Қалмоқдан бошқа

уруғларнинг ҳам маъракаларига бориб юрар эдилар. Ҳеч ерда тўксон алпнинг шаштини қайтарадиган бўлмас эди. Қай ерга борса, солимнинг олдини курашда ҳам, кўпкарида ҳам, пойгада ҳам шулар олар эдилар. Қоражоннинг уйида шуйтиб солимдан тушган тайлоқлар, тана, қўй, эчкилари бўлар эди. Шулардан Қоражон бир-иккитасини сўйиб, катта қозонга солиб, "Менинг Ҳакимбек билан дўст бўлганимни тўксон алп билсин. Булар ҳам иложи келса, Ҳакимбек билан дўст бўлсин", – деб бориб, тўксон алпни "бизникига, меҳмоннинг олдига", – деб чақириб келди.

Ҳакимбек бўлса, Қоражонникида ўтирибди. Алплар бирин-бирин: "Қоражоннинг меҳмонини кўрайик, алплар билан жўра бўлайик, келган қандай меҳмон экан", – деб келаётир. Келгани билан Ҳакимбек кўришаётир. Кўришганининг қўлини ўхшатиб бир қисаётир. Шуйтиб, ҳалиги кўришган алпнинг қўли қийилиб, жон-пони чиқиб кетгудай бўлаётир. Ҳар на бўлса, сир бой бермай, қўлининг қисилиб зарб еганини билдирмай, гарангсиб ўтираётир. Шуйтиб, алплар Қоражонникида кўпаяётир. Ҳар доим тўксон алп бир ерга йиғилса, у ёқдан, бу ёқдан чақчақлашиб, ҳангамани гурунг қилиб, киздириб ўтирар эдилар. Кейинги келган алплар қараса, аввалги келиб Қоражоннинг меҳмонининг олдида ўтирган алпларнинг дим маззаси йўк. Бари дим индамайди. Дамлари ичига тушиб, мушукдан қўрққан сичқондай мўлариниб ўтирибди. "Бир гап борга ўхшайди, бу меҳмон ёмон хўмрайган одам экан. Мабодо бир бало қилиб, қўл-пўлиман бир ҳодиса қилаётган бўлмасин", – деб кейинги келган алплар: – Ҳе, кўрганимиз – кўришганимиз-да, қўзғола берманг, меҳмон, – деб баҳона қилиб, сир бой бермай, пойгакдан ўтира бердилар. Аввал келиб, қўли зарб еган алплар бўлса, "бир мусофирдан қўли зарб еб, шундан алп бўлдими, деб бошқа алплар калака қилмасин", – деб ҳар кимнинг ич фикри ичида бўлиб, зиёфатдан кейин индамай-индамай чиқиб кета берди. Шуйтиб, тўксон алп ҳам Қоражонникига келиб, кўп думоклари чок бўлмай, бўжи кўрган аҳмоқдай тийрашиб бора берса, Қоражонга ҳам шубҳа қилиб, "буни не жин урди. Бундайчанги ғайри одамни уйига меҳмон қилиб", – деб кетдилар. Ҳакимбек бўлса, Қоражонникида меҳмон бўлиб ётди. Бугунисига алплар йиғилиб, Тойчи пошонинг олдига бориб, кечаги гаплардан хабар бериб, шунда алпларнинг каттаси Кўкалдош подшога қараб, мўйловини бураб, бир сўз деди:

Тоғ устини туман олди подшоҳим,
Қоражон бегона бўлди, султоним,
Бир охир замона бўлди, Қамайим,
Элатингга душман келди, султоним.

Туманда юрганлар йўл адашибди,
Бир бегона одам белдан ошибди,
Қоражон унингман *жўралашибди*[2],
Шуйтиб келиб Қоражоннинг уйига,
Ул бегона меҳмон бўлиб келибди.
Душман элман тил олишиб Қоражон,
Дўст бўлибди, уларман бирлашибди.

Бурама-бурама келган йўлмикан,
Элатинг чеккаси Ойна кўлмикан,
Не бўлса хам бир бегона келибди,
Ё бўлмаса Алпомиши шулмикан,
Тезироқ хабардор бўлгин, султоним.

Сендайин Қамайни кўзга илмайди,
Йўлдан озиб ўз хушига келмайди,
Шуйтиб, бегонаман юрар Қоражон,
Ҳеч хаёли бизга тўғри бўлмайди.

Бу сўзни Тойчи подшоҳ Кўкалдош алпдан эшитиб:

– Тўқсон бўлмабсизлар-да, бир кам тўқсон бўлибсизлар. Шунинг учун ҳам ғамгин бўласизларми? Ҳей, Алпомиш келганда нима бўлди?! Бу ерда Бойсари менга фукаро одам. Агар Алпомиш бир ўзи келган бўлса, менга нима ғам. Саксон тўққизта алп менда бўлса, охирини кўринглар. Кучларингни билакларингга йиға беринглар, биздан мададни ола беринглар, ҳали охири ҳисоб. Ҳушёр бўлинглар. Нима гап бўлса, менга айтиб, менинг тарафимни олиб туринглар, – деб ҳар бир алпга совғалар бериб, алпларни уй-уйларига қайтариб юборди. Бу ёқда Ҳакимбек Қоражонни Бойчиборига миндириб, ой Барчинга совчи килиб юборди.

Рахматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Алпомиш” достони кўлёзмаси.

Ана шуйтиб, Қоражон ой Барчинга совчи бўлиб бора берди. Энди ой Барчиндан эшитсак.

Ой Барчин кун санаб, ҳар куни уйнинг олдидаги тепачикка чиқиб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига қараб-қараб кўяр эди. Қоражон Қўнғирот ёқдан юриб борай, деб Ойна кўлидан айланиб келаяпти. Бугун ҳам ҳар кунги одати бўйича ой Барчин Чилбир чўлига, Ойна кўлига қараса, булдираб бир қора Ойна кўлидан ошиб, Чилбир чўлига тушиб кела берди. Ой Барчин қорадан кўзини уза олмай: "Мабодо Ҳакимбек тўрам мени деб Қўнғиротдан чиқиб келаяптимикан", – деб турди. Қора яқинлай бериши сарин қоранинг отли одам экани маълум бўлди. Шунда ой Барчин: "Менинг тўрам излаб келар кун бор экан", – деб кўнгли бузилиб, кўзининг ёши тизилиб, бир кўрққан ёмон, бир кувонган ёмон, дегандай қошидаги қизларга қараб, бир сўз деди:

Оҳ урсам, жоним қақшайди,
Уяламан қилсам войди,
Жон қизлар, ҳанда қаранглар,
Тўрам келганга ўхшайди.

Бедовини уриб хезлаб,
Тез юргин деб кўп ангизлаб,
Қўнғирот элдан мени излаб,
Тўрам келганга ўхшайди.

Хабар борганга ўхшайди,
Тинмай юрганга ўхшайди,
Қичов тортиб, отин ҳайдаб,
Тўрам келганга ўхшайди.

Чидай олмай жудоликка,
Токат қилмай айроликка,
Ғариб бўлган ёрин йўқлаб,
Тўрам келганга ўхшайди.

Йўлига гилам тўшанглар,
Чиқиб отини ушланглар,
Ё оллоё, кўп яшанглар,
Тўрам келганга ўхшайди.

Барчин бунда йўлга боқар,
Инграб кўздан ёши оқар,

Ёр келиши жонга ёқар,
Тўрам келганга ўхшайди.

Асли ёрим кўркмас ботир,
Ёлғиз ўзи мингта татир,
Мендай ғариб мусофир,
Йўқлаб бунда келаётир.

Бу сўзни Ой Барчин айтди. Келаётган отли қора ҳам яқинлашиб қолди. Ой Барчин "Шу от мулла Ҳакимга энчи", – деб Кўнғиротда Бойчиборни Бойбўрибийнинг баъзи кишилари "минги қиламиз", деб калта той ҳолида ўргатиб юрганларини кўрган эди. Лекин у вақтда Бойчибор калта той эди. Бу келаётган йўлчининг оти Бойчиборга жуда ўхшаб кетади. Лекин бу от катта от. "Ҳа, энди Бойчибор тойликдан чиқиб от бўлиб қолган-да", – деб турса, келаётган одам Ҳакимбек эмас, балки шу юртдаги тўқсон алпларнинг бири эканлигини билди. "Оббо, эҳтимол тўрамни алплар тутиб банди қилган, ё ўлдирганмикан", – деб ой Барчиннинг ичи музлаб кетди. Лекин бу ғайри юртда хафа бўлганини ҳам, кўрққанини ҳам биров билмаслиги керак. Шуйтиб, ой Барчин сир бой бермай, ўзини тетик тутиб турди. Шунда Қоражон келиб, сўйлаш, деб турибди:

Адашганлар бир-бирига зормикан,
Бойсари меҳмонга талабгормикан,
Алпомишдан совчи бўлиб келганман,
Бизни тушириб олар одам бормикан?

Бек йўлига боққан гажакдормикан,
Гажакдор уйида интизормикан,
Алпомишдан совчи бўлиб келганман,
Бизни тушириб олар жонзод бормикан?

Чилла вақти нор туялар маст бўлар,
Биздай алплар бек олдида паст бўлар,
Келган совчи Алпомишга дўст бўлар,
Қани, тушириб олар одам бормикан?

Ҳакимбекни ўзим меҳмон айладим,
Йўлида боримни қурбон айладим,
Миниб олиб Бойчибордай отини,
Жиловин бу ёққа равон айладим,
Қани тушириб олар жонзод бормикан?

Шуйтиб, Қоражон Бойчиборнинг устида зинкийиб, узангига оёғини тираб, Бойчиборнинг жиловидан тортиб турибди. Шунда ой Барчин ўйлади: "Мабодо тўксон алп бир бўлиб, Ҳакимбек тўрамнинг ишини ўсал қилиб, уни ё ҳалок айлаб, ё бўлмаса, банди қилиб, Бойчиборни бировга миндириб, Тойчи подшонинг гапи билан менинг кўнглимни билмоқ, балки калака қилмоқ учун менга жўртага совчи қилиб юбордимикан?! Ҳар нима бўлса ҳам, сир бой бермаслик керак. Балки шу айтиб турган сўзлари ростдир. Уйда отам билан энам бўлмаса, бир тўда қизнинг ичида синамаган одамни туширсак, яна бўлмас", – деб ой Барчин сипоҳлик қилиб, ичкаридан бир жом сут тўлдириб, "оқликка тааннк", – деб ўзи чиқиб: – Узоқ йўлдан келгансиз, мана шуни ичинг, – деб тутиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, Қоражонга қараб, бир сўз айтди:

Ёмғир куни ҳалқоб жойлар тўлмайми,
Игнадай сўз билан кўнгил қолмайми,
Келсангиз, хуш кепсиз, қалмоқнинг алпи,
Совчи деган уч-тўрт қайта келмайми?!

Бундай ишлар одам учун савобди,
Айролиқ ўтидан бағрим кабобди,
Бугунги кун отам уйда йўқ эди,
Ноилождан ўзим бердим жавобди.

Ичда йиғлаб, кўрар кўзга куламан,
Оқил қизман, барча гапни биламан,
Агар уйда отамман энам бўлса ҳам,
Ҳар совчига ўзим жавоб қиламан.

Орқа буриб, Чибор отни бургайсан,
Эртага кеп, мендан жавоб олгайсан,
Ҳали кўп гап, маслаҳатлар олдинда,
Ундан кейин аниғини билгайсан.

Чўқ савдо бор одамзоднинг бошида,
Равон бўлган шўрли кўзнинг ёши-да,
Эрта қайтиб келсанг, жавоб айтайин,
Отам билан энамнинг қошида.

Қоражон ой Барчиннинг қўлидан бир жом сутни олиб ичиб, орқасига қараб қайтди. Шуйтиб, уйга қайтиб келиб, Бойчибор отдан тушиб,

Ҳакимбек дўсти билан бошқатдан тағи кўришиб, Бойсари уйида йўқ экани, ой Барчин "Эртага кел, жавоб бераман. Отам билан энам бўлса ҳам, келган совчига ўзим жавоб бераман" деганини, ой Барчин бир жом сут берганини айтди. Шунда Ҳакимбек: – *Сут берса, яхши бўлибди, оқлиққа тааллуқ*,[3] демак, кўнгли сутдай оқ, сабр қилсак яхшироқ, – деб Ҳакимбек Қоражонникида меҳмон бўлиб ёта берди.

Шу вақтларда Тойчи подшонинг амри билан Бойсари Қалмоқ юртида жуда сийли одам бўлиб колган. Ҳатто икки марта подшоникига ҳам меҳмон бўлган. Қалмоқлар Бойсарини ҳам, хотинини ҳам ялт этган елитмасидан ҳам қўймай, иззат-икром қилган. Шуйтиб, Бойсари ҳам, хотини ҳам ўйинчи қўғирчоқдай бўлиб, нима қиларини билмай, гангиб қолган эди. Шу кун ҳам Бойсари билан хотини бир катта бекникида меҳмон бўлди. Эртасига чолу кампир кўп катта иззатлар кўриб, Ширмон бўзга қайтиб келди. Бу гапларнинг бари подшонинг маслаҳати билан бўлди. Шу оқшом Тойчи подшоҳ бекларини йиғиб: – Алпомиш Қалмоқ юртига келибди, деган гаплар бор. Минг қилса ҳам, бир ёғи жигарчилик. Бойсари билан мабодо келиб учрашса, кўнгли эриб кетмасмикан?! Бу бойнинг энди муҳлати якинлаб қолди. Қани, нима дейди. Бойсари аввалдан бизга жавобни аниқ қилиб бериб қўйса, бизнинг инъом-эҳсонимизни олса, биз ҳам тўйга тарадди қилиб тура берсак, – деб эрта билан иккита бегини Бойсариникига совчи қилиб юборди. Кун чоштгоҳ бўлганда, подшонинг совчилари келиб, Бойсариникига тушди. Бу ёқдан Қоражон ҳам тағи Бойчиборга миниб, Ширмон бўзга совчиликка жўнай берди.

Бугун ҳам Бойчиборни Ойна кўлдан айлантириб ўтмоқчи бўлди. Лекин бугун Бойчибор Ойна кўлнинг нар ёғидан айланишни истамай, тувалаб Ширмон бўзга қараб силкина берди. "Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади. Одамнинг ҳам бир хили ўгридай, молнинг ҳам бир хили ўгри бўлади. Одамнинг ҳам бир хили ёломирдай, молнинг ҳам бир хили ёломир бўлади. Одамнинг ҳам бир хили зийракдай, молнинг ҳам бир хили зийрак бўлади. Ёманлоғур бунча зийрак бўлмаса, эгасининг ёриникига бораётганимни билади-я, баччағар", – деб Қоражон Бойчиборни суриб, Ойна кўлидан айланмай, тўғридан ҳайдаб юборди. Асли "Тойчи подшонинг совчиларидан олдин етсам", – деб тувалаган эди, жонивор Бойчибор. Қоражон уни нима билсин. Шу андармонликда Тойчи подшонинг совчиси аввал Бойсариникига келиб тушди. Орадан сал ўтмай, Ширмон бўзга Қоражон ҳам етишди. Шунда Қоражон Бойчиборнинг устида зинкийиб, узангига оёғини тираб, мўйловини бураб сўйлаш, деб турди. Лекин уйда Тойчи подшонинг беклари бор эканини билди. "Энди менга барибир. Булар бек бўлса, ўзига бек, менга нима. Мен Тойчи подшодан қайтган бўлсам", – деб дадил бўлиб, бир сўз деяпти:

Кеча келдим, бунда хеч кимни кўрмадим,
Одам йўқ деб шуйтиб тўхтаб турмадим,
Бойсари, орқангдан излаб бормадим,
Билсанг, бугун совчи бўлиб келганман.

Қўнғиротдан Ҳакимбек бунда келганди,
Келиб туриб, мениман дўст бўлганди,
Ойна кўлга бўз карчиғай кўнганди,
Анинг учун совчи бўлиб келганман.

Маҳкам экан карчиғайнинг чегаси,
Тилладандир кайиш камар тўғаси,
Ҳакимбек экандир Қўнғирот эгаси,
Анинг учун совчи бўлиб келганман.

Бекдан бунда совчи бўлиб келганман,
Бу ерларнинг баланд-пастин билганман,
Шу ўлкада ўйнаганман, кулганман,
Ҳакимбекка ўзим ҳам дўст бўлганман,
Анинг учун совчи бўлиб келганман.

Мард йигит майдонда қилар талотўп,
Номардлар янчилиб, бўлар анда хўп,
Ҳакимбекдан совчи бўлиб келганман,
Бойсари, гаплашсанг, тағи сўзим кўп.

Бойчибориинг жиловини тортиб, қайкайиб турди. Шунда Тойчи подшодан совчи бўлиб келиб ўтирган икки бекнинг биттаси далага чикиб, Қоражонга караб, зарда қилиб, бир сўз деди:

Сен, Қоражон, ғайридин бўп кетдингми,
Душманнинг сўзини бовар этдингми,
Тўрт кун подшоҳнинг отин чопганга,
Талтайиб бир катта бўлиб кетдингми?!

Бу ёкка қараб келган йўлинг жўнағар,
Ханжар урса оқ бадандан қон оқар,
Беш-олти вақт алп номини олганга,
Жуда авлиё бўлдингми, энағар.

Аклинг бўлса, душман ишин қилмагин,
Бугун кепсан, таги қайтиб келмагин,
Қамайдан совчи бўп бизлар келганмиз,
Шоҳ бахтига, баччағар, ғов бўлмагин.

Улуғ Қамай билмаганинг билдирар,
Ханжар уриб кора бағринг тилдирар,
Шоҳ бахтига, баччағар, ғов бўлмагин,
Ажалингдан беш кун бурун ўлдирар.

Қамайдир шу Қалмоқ элнинг сақоси,
Менинг ўзим йигитларнинг оғаси,
Келган еринг, билсанг, ажал ёқаси,
Кет, баччағар, хали ҳам эсинг борида.

Бу сўзни Қоражон эшитиб, Тойчи подшонинг бекларига қараб, мўйловини бураб, узангига оёғини тираб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Менинг сўзим чаккангиздан олдими,
Шуйтиб кайфингиз учиб қолдими,
Бўй қизман есирни ҳар ким сўрайди,
Совчи бўлганимиз айиб бўлдими?!

Ойна кўл дер Қалмоқ элнинг чеккасин,
Мен биламан юртнинг чикка-пуккасин,
Бузмоқ бўлганим йўқ биров никосин,
Совчи бўлганимиз айиб бўлдими?!

Қизларни ким айтмайди,
Қимизни ким ичмайди,
Ким сўзидан кечмайди,
Ким тиниқ сув ичмайди,
Совчи бўлганимиз айиб бўлдими?!

Умрга кўз тўймайди,
Есирни ким суймайди,
Бир хил қилингликлари
Суймаганга қўймайди,
Совчи бўлганимиз айиб бўлдими?!

Аччиқлансам мендай алпга тиним йўқ,
Мен бор ердан кўрким кочар, ғаним йўқ,
Совчи бўлсам, бўлдим-да бир марта,
Ҳали қизга бир чангал солганим йўқ.

Бу ерларга етган йўлбарс қадами,
Мендайин алп йигит анинг ҳамдами,
Элчи билан совчига ўлим йўқ,
На қилсанг қил, мен Алпомиш одами.

Шунда Бойсари бечоранинг кўзига эласлаб Бойбўрибий оғаси кўрингандай бўлади. Бир ёқдан жигарчилик, тағи бир ёқдан сабил бу Тойчи подшонинг ўзининг ва бекларининг тузини еб, тўнини кийиб, муте бўлиб юрганини ўйлайди. Ичида пичирлаб, нима эканига ўзи ҳам тушунмай сўйлайди. "Мен муҳлат олган эдим-ку, ҳали муҳлатдан кирк кундан зиёдроқ бор-ку", – деб айта олай, ўзидан-ўзи тили курмалайди. Фақат кўзининг ёши тийилмай, йиғламоқдан бошқани билмайди. Шунда ой Барчин қараса, ўсал гап бўлган, тахминлаб ўйлаб кўрса, бу элларга Ҳакимбек тўраси келган. Келмаса ҳам, балки кейин келар. "Отамнинг бу йиғлагани билан иш битмас. Худди бугунгидай қулай вақт менга тегмас. Вақт-вақт шу вақт, чиқай совчиларга ўзим жавоб берай", – деб уйнинг олдида хўмрайиб турган бекнинг ўртасига ўтиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзни айтди:

Қиёнавни кўзга илмас товчилар,
Тоғда жондор излаб юрар овчилар,
Мен ўзимга ўзим жавоб бераман,
Эшитинглар, бунда келган совчилар.

Мусофирман мен йиғлайман зору зор,
Бутун Қалмоқ элга берилсин хабар,
Шоҳу гадо – ким бўлса гар талабгор,
Бари ҳам одамзод – менга баробар.

Кўнглимда нима бор, ҳеч ким билмайди,
Ғамли қуллар ўйнамайди, кулмайди,
Менга талаб солганларга шартим бор,
Бажарса, бошқанинг кўнгли қолмайди.

Ойнадай тиниқдир қизнинг жамоли,
Буралади сунбул сочим ҳар толи,

Шоҳ бўлса ҳам, фақир-пўстак бўлса ҳам
Шартим қилиб олса, бўлсин ҳалоли.

Қамай бермай турсин элга тўйини,
Кўргим келмас анинг рангги-рўйини,
Шарт битганча шунда келсин одамлар,
Унгача бой отам сўйсин қўйини,
Шуйтиб отам бера берсин элига
Кўнгилда ният кип юрган тўйини.

Ҳар кўнгилдан кора ният ташлансин,
Илоҳим, ғанимнинг кўзи ёшлансин,
Бугундан бошлаб бой отам уйида,
Катталар айтилиб, тўйлар бошлансин.

Энди сизга шартларимни айтайин,
Ноилождан ҳар сўз дейман, қайтайин,
Уч шартим бор, кимки ҳалол бажарса,
Унинг билан каёққа бўлса, кетайин.

Ой Барчин шартларини айтаётир:

Минг қадамдан нишонани урганга,
Мен тегаман шундай кўзчил мерганга,
Тўқсон алпман кураш тушиб йиққанга,
Мен тегаман шундайин зўр полвонга.

Кўнаман бул пешонада ёзганга,
Фалокат дуч келар йўлдан озганга,
Уч тош йўлдан шунда пойга қўйдирса,
Мен тегаман оти ўзиб келганга.

Укиб олинг Барчин сулув сўзидан,
Бундай кунда ёш келади кўзидан,
Шу шартларни ҳар ким бажо қилмаса,
Ўпкаламай кетсин, кўриб ўзидан.

Шунда ой Барчин шу шартларни айтди. Совчилар эшитди. Бойсарининг ҳам кўзи очилди. Қараса, Барчиннинг сўзи тўғри. "Агар шу шартларни қила олмаса, Ҳакимбекнинг ҳам кўнгли ўзидан қолиб кета берсин-

да", – деяётир кўнглида. Шунда Тойчи подшонинг совчилари айтди: – Биз ҳам бу шартларга кўндик. Лекин Алпомиш билан Қоражон бир ёқ бўлса, Қамайнинг саксон тўққиз алпи бир ёқ бўлади. Ўқ отиш бўлса ҳам, кураш бўлса ҳам, пойга бўлса ҳам майли. Бойсари, сен ҳам кўнглингда ният қилиб юрган тўйингни элга бера бер. Барчин қизингнинг ўтовини ўртага тикдириб қўя бер. Қудағай кимга қўй сўйса, сўяди-да, – деб Тойчи подшодан совчи бўлиб келган икки бек қайтиб кетди. – Майли, биз ҳам шу шартларга кўндик, – деб Қоражон ҳам уйига қайтиб келди. Энди ҳамма: "Эртага ой Барчинга тўй бера бошлайди. Эртан нишона отиш навбати. Қудағай кимга қўй сўяди", – деб Ҳакимбек билан Қоражон ҳам маслаҳатни қилиб ётдилар.

Бойсари эрта билан тўй бошлаб, қўй, тана сўйдира берди. У ёқдан, бу ёқдан томошага келаётган болаларга бир такани сўйиб бериб, қокма кўпкарини чиқариб юборди. Бу ёқда Барчиннинг ўтовини тикдириб тайёр қилиб қўйди. Тойчи подшоҳ бўлса, ой Барчиннинг қўйган шартларини эшитиб, саксон тўққиз алпни олдига чақириб, ишонганим сизлар, азамат алплар, деб турибди:

Ишонган паҳлавонларим,
Шакаман мерганларим,
Мендан инъом олиб юрган –
Баринглар қадрдонларим.

Обрўйни қўлдан берманглар,
Бўшанг-шалҳа бўлиб турманглар,
Қўлни мустаҳкам тутинглар,
Нишонга кўзлаб отинглар,
Барчани қойил қилинглар,
Биздан мақсадга етинглар.

Сўз айтаман алвон-алвон,
Кураш деса, баринг полвон,
Кетган билан бир Қоражон,
Тўқсонинг қиласан яксон.

Пойга бўлса от берайин,
Тулпор хоназот берайин,
Душманлари элатига
Сўнгман барбод берайин.

Чиксин Алпомиш фарёди,
Анинг етар кимга доди,
Таблада бекларнинг оти,
Сайлаб-сайлаб мина беринг,
Душмандан лот ола беринг.

Тойчи подшодан бу сўзни эшитиб, алплар ҳам бел боғлаб, ўк-ёйларини ола берди. Шуйтиб, Ширмон бўзга қараб, бекларга эргашиб жўнай берди. Коражон билан Ҳакимбек ҳам келаётир. Чошкада Тойчи подшонинг бекларига эргашиб, саксон тўққиз алплар Ширмон бўзга етиб келдилар. Бу ёқдан Қоражон билан Ҳакимбек ҳам келди.

Ана энди Бойсарининг хизматкорлари минг қадамни санаб бориб, нишонани ерга санчиб келдилар. "Ким бўлса ҳам, келсин. Бу ишда подшонинг тарафини олган тўксон алп билан Ҳакимбек қатнашади, демасин. Ҳамманинг ҳам кўнгли бор, кела берсин", – дейилган. Шуйтиб, у ердан, бу ердан битта, ярим ҳаваскор мерган баччалар ҳам келган. Ҳамма талабгорлар бир тепачикка йиғилиб, ана шу тепачикдан нишонага отмокчи бўлаётир. Шунда Ҳакимбек Қоражонга: – Дўстим, қандай сен. Менинг ўрнимга нишонага сен отмайсанми, – деб бир сўз айтди:

Бу жойларнинг бордир ўзга гардиши,
Гардишини билмас мендайин киши,
Ҳар кимнинг ўзига қулайдир иши.

Қўлимдаги парли ёйимни берсам,
Ўзим тепаликда қараб ўтирсам,
Қалмоқ диёрида томоша кўрсам.

Бунда алплар кобоғини уярми,
Нишонага теккан ўкка куярми,
Юттирган ўйинга тўймас дегандай,
Баччағарлар отишини қўярми,
Ё пирим, деб кўзлаб урсанг, Қоражон,
Отган ўкинг нишонага теярми?!

Бу сўзни Қоражон Ҳакимбек жўрасидан эшитиб, бир неча жойдан пасаят келтириб, бу ҳам Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Ўк деган нарса нозик бўлади,
Гоҳ тегиб, гоҳи тегмай қолади,

Қоражон-ку яхшилаб нишон олади,
Нишонга тегмаса чатоқ бўлади,
Ундан кейин мендан кўнглинг қолади.

Кўнглингда айтарсан ғирром отди, деб,
Йўқса отган ўқи қаён кетди, деб,
Нишонага тегар эди мукаррар,
Дўстингман деб бу чотоқлик этди, деб.

Ўқ отмоқни бугун бошлаб бер ўзинг,
Яхшилаб бул нишонага ур ўзинг,
Агар ўқинг минг қадамга тегмаса,
Ундан кейин пешонангдан кўр ўзинг,

Ҳакимбек Қоражоннинг бу сўзини эшитиб: – Бир ҳисобда тўғри айтасан. Майли, бугун ўйинбоши, нишонага ўқни ўзим отсам, отайин, – деб турибди. Бу ёқда Бойсарининг оғайнилари қоқмадаги болаларга – Энди қоқма тамом, тобинг боринг ўқ отишни томоша қилинглар, – деди. Болалар қоқмани тугатди. Така-улоқ охирги такани олиб юрган болада қолди. Шуйтиб, ўқ отиш бошланди. Аввал ҳаваскор болалар отди. Ўқларининг бир хиллари йўлда қолди ва бир хил ўқлари у ёқдан-бу ёқдан нишонага тегмай ўтиб кетди. Шуйтиб, навбат катта мерганларга етди. Шунда саксон тўққиз алплар маҳмаданалик қилиб, бизлар аввал отамиз дей бериб, Ҳакимбек билан Қоражонга навбат бермаётир.

Алплар лофи экан, уриб дўғини,
Бирин-бирин ота берди ўқини,
Бари кўп олифталик этади,
Ўқ-ёйини чинкиллатиб тортади.

Шуйтиб чинкиллатиб тортганда,
Бир хилининг ёйи синиб кетади,
Отилган ўқлари айниб бизинглаб,
Қўйган нишонага тегмай кетади.

Таги бировлари отмоқ бўлади,
Отган ўқи ора йўлда қолади,
Шунча қилганиман нари бормайди,
Беш юз қадам чамасини олади.

Буйтиб барор олмаган сўнг ишлари,
Аччиқланиб газ-газ бўлар тишлари,
Шунча кўзлаб отган ўклар тегмаса,
Дейишиб барига алам қилади.

Шундай қилиб бари ҳам бир-бир отди,
Барининг отгани тегмайин кетди,
Алам қилиб ундан кейин алплар ёйга,
Сендай ёй бўлдими деб ерга отди.

Саксон тўққиз алпдан навбат ўтди,
Ҳай аттанг дер, ўклар бекорга кетди,
Баччағар билмадик бу ўзбекнинг,
Давлати бизларга босимлик этди.

Майли, бундай гаплар марднинг иши, деб,
Ҳар на бўлса, фалакнинг гардиши, деб.
Шунча шакаманлар ура олмаганда,
Отиб текизармн икки киши, деб.

Майли, булар ҳам бахтидан кўрсин,
Бахти чопган бўлса, нишонга урсин,
Дейишиб нишондан умид узишиб,
Ўзларин тортибон чеккага тутди,
Ундан кейин навбат Ҳакимбек билан
Қоражондай ботирларга етди.

Қоражон ҳам қўл узатди камарга,
Таранг қилиб кўзлаб отди нишонга,
Таваккал-да, деб бул ҳам отди,
Ўқи нишонага ёндашмай ўтди.

Энди навбат Ҳакимбекка етди. Ҳакимбек ўттиз олти ботмон парли ёйни қўлига олиб, кўтариб чинкиллатиб тортиб, нишонани кўзлай берди.

Бу ерлар бир мусофирлик юртидир,
Ёлғиз ўзим оғайиннинг ортидир,
Барчин сулув ўзимга бешкертидир,
Нишон отмоқ ёримнинг бир шартидир.

Минг қадамдан нишон кўзга илинса,
Хато кетар хаёл гартак чалинса,
Сал ўзидан кетиб ғофил бўлинса,
Пирлар мадад қилса, урсам нишонни,
Бу элларга мерганлигим билинса.

Деб Ҳакимбек қўлин урди камонга,
Қаранг энди назаркарда полвонга,
Таваккал деб парли ёйдан ўқ отди,
Отган ўқи бориб тегди нишонга.

Марднинг ишига ҳамма қойилди,
Жон дилдан ёрга ўзи мойилди,
Бугинги шартни ўзбек олди, деб
Қалмокларнинг одамлари суюлди.

Душман куйиб, дўст офарин айтдилар,
Шуйтиб барча уй-уйига қайтдилар,
Бугунги навбатни ўзбек олди, деб
Ўзин билган мардлар таҳсин этдилар.

Ана энди бугунги шарт тамом бўлди. Бугун биринчиликни Ҳакимбек олди. Алплпр армонда қолди. "Энди эртага кураш ҳисоб, ким ютади, ким ютгиради, эртага маълум бўлади. Бугун ўзбекнинг ўқи нишонга тўғри борса, борибди-да. Жазосини ҳам эртага кўради", – дейишиб алплар таркалиб кетиб, эртанинг ғамини еб ёта берди. Қалмоқ элларнинг узоқ-узокларидан: "Томошани кўрайик, ёғин-сочин тўй мавридида керак бўлади", – дейишиб, қора уйларигача олиб келиб, Ширмон бўзда тикаётир. Бир хил уйи йўкларига Бойсари уй бераётир. Ҳар ким ўз кўниғини олиб, уйларда овқатини қилиб, "томошанинг қизиғини эртага кўрамиз", – деб ётир. Бугунги ўқ отишда шартни Ҳакимбек бажарганини ой Барчин ҳам билди. Ой Барчин кечадан бери Ҳакимбекни сирт-орқасидан кўради. Меҳри ияди, юраги куяди. Ҳали эртанги шартлар чатоқ. Шуйтиб оқшом ой Барчин элнинг кўзи уйқуга боргандан кейин ўрнидан туриб, ўтовнинг керагасига суяниб, ғарибликдан бағри эзилиб, кўзининг ёши маржондай тизилиб, зор-зор йиғлаб, бир сўз деди:

Булбуллар сайрасин боғнинг гулига,
Тушмагайман калмокларнинг қўлига,
Тингилиб йиғлайман Ойна кўлига,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига,

Куйганларнинг не келади тилига,
Мусофирман ғайридинлар элига,
Хизмат қилиб, сувлар куяй кўлига,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Йиғлайман-йиғлайман бунда зору зор,
Душманлар қўлида бўлмай хору зор,
Ўйнаб ўсган юртга кўзим интизор,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Қичқириб додласам, бўлмас ҳолатим,
Додламасам, бунда йўқдир тоқатим,
Қўнғирот юрти менинг бахту давлатим,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Элидан айрилган экан бегона,
Халқидан айрилган экан девона,
Қалмоқ юртда ўртанаман пинҳона,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Биз келган сўнг юртлар вайрон бўлдими,
Бойўғли қушларга макон бўлдими,
Барчин қизга охир замон бўлдими,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Йиғлайман, йиғлайман, сенга йиғлайман,
Йиғламасам, бунда нима қилайман,
Чин кўнглимдан бир ўзингдан тилайман,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Кимлар парво қилар оху зоримга,
Мен йиғлайман ўз ҳолимга – коримга,
Зафар бергин Ҳакимбекдай ёримга,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Шундай қилиб Қўнғирот учиб борайин,
Момомман бобомни анда кўрайин,
Дўстларим билан ўйнаб юрайин,
Доно мавлон, еткар ёрнинг элига.

Ой Барчин шундай ҳолатлар билан ўз ўтовида ётди.

Шуйтиб, тонг отди. Тўрғайлар чўлдурак отди. Бугун кечагига қараганда тўрт ҳисса одам кўпайиб кетган. Бойсарининг одамлари кураш бўладиган ерни тахтлаб қўйибди. Саксон тўққиз алп беклари билан кўр ташлаб, кураш майдонининг бир чекасида ўтираётир. Курашдан аввал саксон тўққиз алпнинг сифатини шоир айтиб турган экан:

Полвон экан, полвонларнинг тентаги,
Тўқсон қўйнинг терисидан телпаги,
Шул экан барининг кувак-гуппаги,
Шундай полвонлари бўлган Қамайнинг.

Полвон экан, полвонларнинг чўлоғи,
Тўрт суфрача келар экан қулоғи,
Шул экан барининг нодон-аҳмоғи,
Шавкатига юрган бари Қамайнинг.

Соқоли буралиб тизига етган,
Ичига бир сичқон аралаб кетган,
Орқасидан бир мушук қувалаб кетган,
Қувалай-қувалай олти ойда етган,
Чўп бўрбай полвони бўлган Қамайнинг.

Полвон экан, полвонларнинг гупписи,
Тўқсон газ матодан бўлган дўпписи,
Бу чиндир, шоирнинг эмас лопписи,
Шундай полвонлари бўлган Қамайнинг.

Полвон экан, полвонларнинг пўккиси,
Қирқ туянинг терисидан муккиси,
Бу эмасдир ё ҳазил, ё чаккиси,
Ҳаммаси одами бўлган Қамайнинг.

Полвон экан, полвонларнинг тетиги,
Тўқсон норнинг терисидан этиги,
Шул экан барининг пича этдиги,
Доимо қошида бўлган Қамайнинг.

Баридан ҳам зўрироғи Кўкаман,
Кўкаман дер доим ўзимни дерман,

Аччиғим келганда тошни ёраман,
Ҳеч кимга ён бермас шундай бир ўрман,
Деган ахмоклари бўлган Қамайнинг.

Мен айтмадим, буни бахшилар айтган,
Неча, неча, неча яхшилар айтган,
Қоражон алп бўлса, Қамайдан кайтган,
Бир уришда туя бўлса ялпайтган.

Барининг каттаси бу алп Кўкалдош,
Жуда бир бераҳм, золим, бағритош,
Тўқсон алпга подшо қилган буни бош,
Ишонган одами шулдир Қамайнинг.

Энди бошлаб тентак алп ечиниб, Қамайнинг бекларидан фотиҳа олиб, майдонга кириб: – Қани, ўзларинг икковсан. Икковингга бир ўзим бас, – деб лопиллаб айлана берди даврада. Шунда Қоражон Ҳакимбекка караб: – Бугун бизга фотиҳа бер. Сени орқа қилиб, бу баччағарлар билан курашайин, – деб шу сўзни айтди:

Бугунги кун бизга навбат бер энди,
Қоражон дўстинг курашини кўр энди,
Бир фотиҳа бериб, караб тур энди,
Ким йиқилиб, кимлар бўлар зўр энди.

Бири-бирин бу алпларни кўрайин,
Ҳаллослатиб барин ерга урайин,
Шундай қилиб жазосини берайин,
Сен бу ёқда кўриб, караб тур энди.

Бари келган гуппилашиб, мақтаниб,
Туядай гулдираб, баланд салланиб,
Шуйтиб турар қора кучга ишониб,
Мен жазосин берай бунда, кўр энди.

Бизлар ҳам бу ерда ҳисобдор полвон,
Кучимни кўрсатиб, қилай бир жавлон,
Бугунги кун ғайрат қилган Қоражон.
Фотиҳа бериб, бунда караб тур энди.

Аё, дўстим, давру даврон сур энди,
Қоражон дўстингга навбат бер энди,
Маълум бўлар ким бўш, ким зўр энди,
Курашай буларман, караб тур энди.

Ҳакимбек ҳам дўсти Қоражоннинг раъйини кайтармади. – Майли, дўстим, мен қараб турай, сенга навбатни берай, – деди. Қоражон ҳам ечиниб, давранинг ўртасига кира берди.

Айланди, ёронлар, булут айланди,
Ким зўр, ким мазасиз – ўрта тайланди,
Қоражон ҳам солиб энди талабни
Майдон ўртасига кирди-да, айланди.

Бир нечалар шуйтиб кўнглин хушлади,
Тентак алп билан кураш бошлади,
Қоражон ҳам чакана полвон эмас-да,
Ҳадемай тентакни йиқиб ташлади.

Оркасидан тағи чиқди бирови,
Белига базўр етиб белбови,
Одамга урпайиб шингиб келиши –
Бамисоли худди бир одамови.

Санам кизлар хумор кўзин ёшлади,
Курашганлар ор-номусин ташлади,
Бир хаддили полвон экан Қоражон,
Бирин-бирин алпларни йика бошлади.

Ҳай, сенинг бир кавак экан ичинг, деб,
Бир одамга етмайма баринг кучинг, деб,
Ғуриллашиб кела берди полвонлар,
Бўлмаса, бу алпликлардан кечинг, деб.

Эртадан то кечгача кураш бўлди,
Чанг билан тупрок кўзларга тўлди,
Шундай зўр пахлавон экан Қоражон,
Алплар бирин-бирин бундан йикилди.

Темирдай билаги асло толмади,
Курашганлар Қоражонга ғолиб келмади,
Бирин-бирин йиқа берди барини,
Кураш ҳангамаси адо бўлмади.

Қоражон яна талабгоринг бўлса, кела бер, деб майдонда айланаётир. Энди Қоражондан йиқилмаган Кўкаман билан Кўкалдош қолди. Шунда Кўкаман майдонга кириб, Қоражонга қараб, мўйловини бураб, биқинига қўлини тираб: – Ҳов, Қоражон, мени бу йиқилган алпларга ўхшатма. Бекорга жонингни қақшатма. Ҳориган эдим, шуйтиб мени Кўкаман йиқитди, деб армонда қолиб ўлиб ётма, – деб гердайиб, ҳаммани кулдириб, ўртани тўлдириб, бир сўз деди:

Бугун курашлар қилдинг беармон,
Анча гуппийиб шишдинг, Қоражон,
Ўзи ҳам ҳоридинг, қолмади дармон,
Бундай пилла мендан йиқилсанг, ёмон.

Бўлмаса йиқардим, дерсан албатта,
Мендан кучсиз эди, деб Кўкаман,
Кўкаман сен айтган алплардан эмас,
Сендайчингиларни одам ҳам демас.

Ўлмасин, Қалмоқдан одам ўлмасин,
Уруш куни ғайридан ҳеч ким қолмасин,
Бугун сени йиқиб қўйсам майдонда,
Укағар йиқди, деб гинанг бўлмасин.

Шуйтиб бўлсин бугун майдон-маърака,
Жўш урса, иситма келар юракка,
Эртангача дам олиб ёт уйингда,
Йиқитмоққа бизга бўлсин барака.

Қоражон, қулоқ сол мендай алп-бекка,
Тоғларинг мум бўлар курашсам тикка,
Даминг ол, армонда бўлма, Қоражон.
Чалқартандан қилиб ташлайин чекка.

Қоражоннинг Кўкаман алпнинг бу сўзига аччиғи келиб, Кўкаманга қараб, бир сўз деди:

Уйингнинг орқаси дўмсак жўнағар,
Ханжар урса, оқ бадандан қон оқар.
Аввалдан тутишиб юрган эдингми,
Оғзинг қўпшиб қўппиллама, энағар.

Ушлаб кўрибмидинг қўлимни,
Баланд сўзлаб қолдирма кўп дилимни,
Аввалдан тутишиб кўрган эдингми,
Курашмасдан қандай билдинг ҳолимни.

Эшитгин, Кўкаман, менинг сўзмни,
Беҳудага қизартмагин юзимни,
Қалмоқ лойидан бўлсанг, Кўкаман,
Алп Қоражон ғолиб дейди ўзимни.

Юз қайтардим, Қамайингни билмайман,
Бундан буёқ айтганингни қилмайман,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма,
Мен бурунги Қоражонинг бўлмайман.

Қоражон Кўкаманнинг ёқасидан ола кетди, бу ҳам ола кетди. Шуйтиб кирчиллашиб икки алп курашиб қолди. Кўкаман ҳам кўп зўр алп эди. Шу курашгандан қоронғи тушгангача курашдилар. Ҳеч ким буларни айира олмай қолди. Шунда Қоражон билан Кўкаман то тонг отгунча курашиб, ерларни гўрпак қилиб юборди. Охири Қоражон қулайига олиб, Кўкаманнинг йўғон сонидан чалим солиб, елкасидан ошириб лопиллатиб отиб юборди. Кўкаман ўзини ўнғара олмай, ўзининг оғирлиги ўзига босим келиб, чалқар томонига ерга бориб, ҳинқ этиб тушди. Ўзи ҳам зўр келган экан, ҳинқ этган пиласида бу ёғи ҳам динқ эткизиб юборди. "Қизиқ бўлди. Бу иш зўрдан босим, зўрга не туриш", – деб ҳамма томошадагилар қақирлаб кулиб юбордилар. Буни кўриб Кўкалдош ечиниб, майдонга тушиб берди.

Шуни Қоражон Кўкалдош билан курашмай, майдондан ўзини четга олиб, Ҳакимбек жўрасининг олдига келиб: – Энди бунга ўзинг чиқ, – деб Қоражон шу сўзни айтди:

Кўкалдош кўп ҳаддили, зўр паҳлавон,
Баробар келолмас бунга Қоражон,
Ғайрат қилсанг, буни ўзинг йиқарсан,
Мен қўрқаман бу балодан, жўражон.

Аё, дўстим, бу сўз эмасдир ёлғон,
Сиримни қилмайин мен сендан пинҳон,
Мендайчангиларга бермас бул омон,
Кўкалдошман ўзинг кураш, жўражон.

Бу ўзидир полвонларнинг оҳори,
Ҳар изига кетар ботмон баҳори,
Шулдир калмокларнинг энг кучли зўри,
Бунинг билан ўзинг кураш, жўражон.

Шу полвондир, барча алплар охори,
Ер ўйилар, агар келса очув-заҳари,
Бунга тенг келолмас дунё шерлари,
Бундай зўрман ўзинг кураш, жўражон.

Бундай зўр бўлмаган қадимдан бери,
Шу турур энг кучли жаҳоннинг шери,
Ўзидир жамъи алпларнинг зўри,
Бундай зўрман ўзинг кураш, жўражон.

Дарахтлар синади етса қадами,
Тоғни туманлатар оғзининг дами,
Ҳаргиз улуғ бўлмас бундай одами,
Кўкалдошман ўзинг кураш, жўражон.

Бунинг қадди баланд, кўли чинордир,
Ҳар учаги бир катта қанордир,
Эшакдай-эшакдай тишлари бордир,
Бу баломан ўзинг кураш, жўражон.

Қулоғи супрадай, кўзи қозондай,
Кўкраги бир тарвуз пайкал майдондай,
Лаблари долбордай, балойи жондай,
Бало билан ўзинг кураш, жўражон.

Бу сўзларни айтар сенга Қоражон,
Кўкалдош шундай бир тарафсиз полвон,
Бўлолмайман баччағарга баробар,
Баччағарман ўзинг кураш, жўражон.

Ҳакимбек Қоражон жўрасининг бу сўзини эшитиб, ечиниб, Кўкалдошга талаб солиб, майдонга тушди. Майдонда Кўкалдош билан бир-икки айланишиб, ундан кейин тутишиб, кураша берди.

Икки полвон бир-бирига тир келиб,
Бир-биридан бир ботмонча зўр келиб,
Қалмоқ элда ўрман, деса Кўкалдош,
Ҳакимбек ундан ҳам баттар ўр келиб.

Зўр экан бу Кўкалдош баччағар,
Бўлолмади баччағарга баробар,
Майдон ери икки алпнинг зарбидан,
Бўп кетди титилиб шудгор-шудгор.

Бирови бирига босим келмади.
Шунча чалимлашганлар билан бўлмади,
Ҳакимбек кўрди буни йиқай деб,
Лекин уни ҳаргиз йиқа билмади.

Икки полвон бир-бирига дуч бўлди,
Эртадан чошт бўлиб, чоштдан туш бўлди,
Томошачиларга қизиқ иш бўлди,
Шуйта-шуйта охири кун кеч бўлди.

Ундан кейин ўз жойига кун ботди,
Кеча бўлди, таги қайтиб тонг отди,
Шуйтиб йиқишолмай булар, ёронлар,
Орадан уч кеча, уч кундуз ўтди.

Кунлар ўтди, алпнинг қўли толмади,
Бири-бирисига ғолиб келмади,
Кураш деган қизиқ бир ҳангома-да,
Томошадан эринган ҳаргиз бўлмади.

Охир мулла Ҳаким топди йўлини,
Қайирди алп Кўкалдошнинг белини,
Ундан кейин қисиб олди калласиман қўлини,
Танасин тескари силтаб юборди.

Оёғини ҳилланглатиб кўкка кўтарди,
Шундай қилиб, Кўкалдошдай полвонни,

Қаттиқ такир ерга қайтариб урди,
Буни кўриб турган Барчиндай ёрди[р],
Ҳийланглаб йиқилган Кўкалдош зўрди[р],
Кўкалдошни ерга кўтариб урди.

Шуйтиб, Кўкалдош ҳам йиқилди. Тойчи подшонинг беклари тирриқлик қилишга томошабин халқдан уялди. – Ҳай, майли, бугун ҳам биринчиликни ўзбек олди. Энди пойгада кўрамиз. Бир кам тўқсон алп минган отлар бари ҳам ҳазилакам тулпор эмас. Ўзбекнинг оти бу отларнинг олдида муштдай бўлиб қолади. Шуйтиб пойгани булар олади, ўзбекнинг оти кейинда қолади. Шуниси қизиқ бўлади. Ҳаммадан ҳам кейинги ютдириш одамга алам қилади. Кўрамиз, эртанги пойгада бу ўзбек кейинда қолиб, куйиб ўлади. Ҳамманг эртангача отларингни совута беринглар. Албатта эртанги марра бизники бўлади, – дейишиб алплар тарқалишиб кетдилар. Қоражон билан Ҳакимбек қайтиб Қоражонникига келиб, эртанги пойганинг тараддуда Бойчиборни оқшоми билан овушиб, совутиб юрдилар.

Ана энди тонг сизот берди. Душманлар Бойчиборга шикаст берамиз, деб ҳай ангниб кўрди, бўлмади. Нимага деганда, Қоражон билан Ҳакимбек овушиб ухлаб, овушиб Бойчиборни тинмай етаклаб, совутиб чиқдилар. Куннинг бурни билан саксон тўққиз алплар беклари билан, бу ёқдан Ҳакимбек Қоражон билан тўйхонага бориб тушдилар. Тўйга шундай одам йиғилибдики, мўру малахда сон бор, одамда сон йўқ. Оқсоқол-беклар тўйни ея солиб, пойга бошланадиган ёққа караб, саксон тўққиз алпни ияртиб кетиб бораётир. Буларнинг орқасидан ҳар юртдан бошқа чавандозлар ҳам гурас-гурас, тўп-тўп бўлиб кетиб бораётир. Шунда тўпдан чиқиб, Ҳакимбек билан Қоражон нарироқдаги бир тўбачикка тушиб, шу ерда Ҳакимбек Бойчиборни Қоражонга бериб, ўзи Қоражоннинг отига миниб, шу ерда қолиб, пойгага Қоражонни юборди.

Ана шуйтиб, Қоражон Бойчиборни ҳайдаб, чавандозларнинг орқасидан иярiб кетди. Йўлда оқсоқол-беклар маслаҳат қилдилар: "Барчиннинг шартида уч тошлик йўлдан пойга бўлсин деган. Бундан гап чиқмас. Уч тошга мабодо Алпомишнинг оти пойгадан келиб ўрганган бўлса. Ана шу уч тошни ўттиз тошга айлантирайлик. Иш қилиб пойгада шу ўзбекнинг отини кейин қолдиришнинг иложини қилайик", – дейишиб бораётир. Шуйтиб оқсоқол-беклар кўп шумликларни ўйлаб, ҳар хил чатти-путти суйлаб, узоқлаб бориб, Олатов деган тоғнинг тубида тўхтадилар. Ана шу ерда оқсоқол-беклар пойгачи чавандозларни хатга олиб кўрдилар. Каттали-кичили мингта чопармон бор экан.

Қоражон ҳамиша Бойчиборни душманларнинг ҳийласидан саклайман, деб жуда уйқудан қолиб кетган эди. Шуйтиб, шу ораликда Қоражон бир

чекада Бойчибордан тушиб, шундай бир тошга суянганича кўзини ғафлат олиб кетди. Оқсоқол-беклар шу пилла дарров чопармонларни қатор қилиб қўйдириб, омин, деб юбордилар. Бирдан ҳамма чавандозлар отларини ҳайдаб юбордилар. Бир пилла Қоражон қараса, кўзини ғафлат олиб кетибди. Аллақачон оқсоқол-беклар пойгага фотиҳа бериб, чавандозлар ким қанча йўл босиб кетиб, Олатовнинг тубида ҳеч ким қолмабди. Қоражон: "Энди нима бўлди, бу дўстимга уятли бўлиб қоламанми, нима бўлса ҳам, Бойчиборга бир син қўйиб кўрай-чи, ҳоли қандай экан", – деб нафасини олмай, аъзосини қимирлатмай, кўзини қисиб, Бойчиборга син қўйиб кўрди. Қараса, Бойчибор осмонни кўзлаб, юлдузга хезлаб тепсиниб, учкидай бўлиб, ҳар ёққа анғишлаб, қулоғини қалам, қуйруғини алам қилиб турибди. Икки қўлтиғининг тагидаги букловли қанотидан пар чиқиб ёзилаяпти. "Баччағар бу жомонлағур мени уялтирмас экан. Қир, дарбандлардан ўтарман, алпларнинг орқасидан етарман", – деб Бойчиборнинг абзалини зиртанг, забартанг айлаб ўхшатиб, энди Бойчиборга мина берди.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Дубулға, камчини олган қўлига,
Обрўй бер, деб бунда ёлғиз Қоражон,
Раббано, деб минди отнинг белига.

Қизлар қарар доим Ойна кўлига,
Ҳеч кимса тушмасин душман қўлига,
Қоражон кўп гапни жойлаб дилига,
Раббано, деб минди отнинг белига.

Қамчи чотди дол бедовнинг сонига,
Бундайда қўяма тўхтаганига,
Сўзлай деса, ҳеч кими йўқ ёнига,
Шу пойгада етолмайин қоп кетса,
Ор эмасми жўрасининг шаънига?!

Эртан-мертан қушлар деган саноди,
Кундуз сайраб, кеча бўлса тинади,
Аччиқ қамчи бериб бедов сонига,
Алп Қоражон отни қистаб жўнади.

Мард йигит мардлиги дарёдай тошди,
Ҳадемай бир неча қирлардан ошди,

Аччиқ камчи бериб бедов сонига,
Раббано деб пойга йўлига тушди.

Шуйтиб оша берди бир неча кирди,
Кесиб ўтди канча дарбанд-адирди,
Текис майдонликка ўтгандан кейин,
Пойгачи йигитлар корасин кўрди.

Қияламай йўлни кесиб соб ўтди,
Чув деганда бир бўйин йўл об кетди,
Асли тулпор от эмасми жонивор,
Чопқир отлар оркасида коп кетди.

Оч газанинг манглай бети кизилди,
Чопа берса олдинда йўл чўзилди,
Шуйтиб қичаб ўзди кўпдан Бойчибор,
Тўққиз юз отлидан нари узилди.

Жонивор бедов йўлни кўзга илмади,
Тўққиз юз отдан ўзармони бўлмади,
Барисидан ўтди энди Бойчибор,
Тўксон алпдан бошқа олдинда колмади.

Яман халқи ёмонликни этдилар,
Қоражон йўлида бикиб ётдилар,
Келинчакка боқон тутгандай қилиб,[4]
Бойчибор йўлига аркон тутдилар.

Тутган арконлари эди кирк кари,
Баландлиги уй бўйидан юкори,
Бойчибор жониворни тўхтатмоқ учун
Бу эди оксокол-беклар хунари.

Икки дўмсак газа икки ширдондай,
Бу газалар кўлдан килиб қўйгандай,
Боқон тутиб шу газалар устида,
Икки жон ўтирар бўлиб чўртлондай.

Жонивор Бойчибор асли хоназод,
Акли бор бир неча одамдан зиёд,

Бокон иппи кўриб анча узокдан
Ҳийиллаб, бир кишнаб, қилди-ку фарёд.

Бундайчанги ҳайвон кам-кам бўлади,
Кўп гапни одамдан аввал билади,
Тўрт оёгин жуфтак қилиб жийириб,
Терак бўйи ўзин баланд олади.

Мард бошидан кўп ҳангома ўтади,
Қоражон ўзини маҳкам тутади,
Ошиғичда боқончига индаб кетади,
Арконидан шуйтиб ўтиб кетади.

Алпларнинг оти бекларнинг оти,
Бариси қалмокнинг хоназоди,
Уч-тўрт тош от ҳайдаб Қоражон ботир,
Бирин-бирин бу алпларга етади.

Зинкийиб бариси қўйиб боради,
Шул-да ҳайданглар деб пойганинг боди,
Қоражон ҳам ўзин тетик олади,
Отин тўғрайидан, кесиб солади.

Бойчиборнинг кесиб ўтган қирлари,
Тирналиб бир ғурпак бўлиб қолади,
Шуйтиб Қоражон ботир йўл тутди,
Бирин-бирин бари алплардан ўтди.

Бекорга Бойчибор қўймаган отди,
Даврон кўрганмикан бундай хоназодди,
Йигирма беш тошлар боргандан кейин,
Кўкаман алпнинг кейинидан етди.

Етиб бориб Кўкаманнинг отига,
Ёлидан тишлаб кейнига силтаб отди,
Шуйтиб Кўкамандан Бойчибор ўтди,
Кўккашқаси ўн қадам кейин қоп кетди.

Шуйтиб ўттиз кунлик йўли ҳам битти,
Ахири зўр Кўкалдош алпга етди.

Бунинг бўз отининг тишлаб ёлидан,
Олти газ оркага бир силтаб отди.

Лекин Кўкалдошнинг бўзи отилди,
Баданлари қора терга ботилди,
Шу ўзбакнинг отидан қоламанми, деб
Қунийиб хайдаб олдга интилди.

Бу ҳам Бойчиборни қувалаб етди,
Келиб олди-да Бойчибор ёлидан,
Тишлай солиб буни ҳам оркага отди,
Шуйтиб Бойчибор кейин қоп кетди.

Ўйласа эгаси интизор экан,
Орият деган бир гаплар бор экан,
Кўкалдошнинг бўзидан қоб кетса,
Бойчибордай хоназодга ор экан.
Бундайин пойгада ҳар на бўлса ҳам,
Шу бўздан ўтмаклик даркор экан.

Чилтан келиб от кўксидан силади,
Буни айтиб шоирнинг ўзи билади,
Бу гапларни ақли кўп жонивор,
Бир хил нодон одамдан кўп билади.
Бир чийиллаб кишнаб йўлни олади,
Энди ғойибдан бир куч келади.

Жўш энди, ғамхона кўнглим жўш энди,
Рақибнинг кейинидан отинг кўш энди,
Ҳар бул ҳавас сендан ўтса бўлами,
Кўкалдошнинг оркасидан туш энди.

Бунда сўзлаб ўтгин гапнинг асосин,
Ҳар шоир достонга қўшар ҳиссасин,
Етолмаса бул тулпор пойгага,
Афзаловлар қамчи уриб, ясасин[5].

Аямайин қамчи берди сонига,
Шунда чибор етди бўзнинг ёнига,
Бориб маҳкам тишлаб олиб жонивор
Қарамай силтади тувалоғига.

Айта берсам, кўзлаб кўшиғим жўшар
Қўшиғимга кулок солган минг яшар,
Шуйтиб Бойчиборман Кўкалдош оти
Бир-бирини силтаб отиб ташлади.

Ҳакимбек қараса, икки от кора терга пишиб, йўл-йўлакай бир-бири билан талашиб келаётир. Қараса, бирови Бойчибор. Буни кўриб, Ҳакимбек Чиборга далда бўлсин учун қичқириб, тўбадан эй-эйлаб, бир сўз дей берди:

Ҳакимбекнинг хоназоди,
Кейинда колма, эй-эй,
Ғайри юртда бу эгангни,
Дармонда килма, эй-эй!

Хоназодим, хоназот,
Ем ўрнига берай новвот,
Душманнинг отин орка от,
Жониворим, эй-эй!

Бу жойда Ҳакимбек сўзлар,
Қичқириб, зор инграб, бўзлар,
Лол бўп колсин бетамизлар,
Жўна-ё, жўна, эй-эй!

Ёмон бўзга бўлдинг дучор,
Етса аямасдан отар,
Ўтовга караб, Бойчибор,
Ҳайда-ё, ҳайда, эй-эй!

Шунда Бойчибор эгасининг овозини таниб, илгарига қимтиб ҳайдай берди. Лекин Кўкалдош минган Тойчи подшонинг бўзи ҳам бўш келмай, Бойчибориинг оркасидан кувиб, пок бўлмаса, Бойчибор билан баробар бўлай-бўлай деб келаётир. Отлар бир-бирини отишиб бўлган, энди бундан иш чиқмаслигини билган, шуйтиб, иккови ҳам фақат илгарига қимтиётир. Қоражон ҳам, Кўкалдош ҳам кайкайиб, қамчиларини булғалаб, ҳа, деб келаётир.

Ой Барчин ўтовининг олдидаги тўбачикда қизлар билан караб турар эди. Шунда Ҳакимбек тўрасининг Бойчибори билан Тойчининг бўзи келаётганини кўрди. Тойчидан ихлоси кундан-кунга қайтган Бойсари

билан унинг одамлари қўл рўмолларини кўтариб, Чиборни куррийлаётир. Ҳамма: "Ўзбекнинг ҳам зўри келар экан, тулпори бўлар экан, бизни шуйтиб азизлаб излаб келар экан", – деб бўзлаётир.

Ой Барчин нима қиларини ва нима деярини билмай колди. Охири ҳаё деган гап бор, Бойчиборни куррийласа, одамлардан уялади. Куррийламаса, Бойчибор Тойчининг бўзидан қолиб кетадигандай бўлади. Охир бўлмади. Қип-қизил бўлиб, бўғилгудай бўлиб қолиб, ўзи қичқирганини ўзи ҳам билмай қолиб, тўрамнинг оти деса, уялиб, бобомнинг оти, деб қичқириб, ой Барчин Бойчиборни куррийлаб, шу сўзни айта берди:

Қизариб ёнади юзимнинг нори,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти,
Ўзбекнинг бу жойда номуси, ори,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти.

Зор инграбон оқизганман ёшимни,
Алам ўртаб ичим билан ташимни,
Оёғинг остига қўяй бошимни,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти.

Тўқийин устингга зарбанддан чирги,
Назари тулпорсан, толмағич, юрги,
Йўлларингга сочим бўлсин супурги,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти.

Қўнғирот юртининг сен хоназоди,
Асил тулпорлардан бўлган авлоди.
Бу ерлар, биласан, душманнинг юрти,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти.

Қийиқдан келгандир сенинг қулоғинг,
Сакраганда олдин силтар оёғинг,
Айланай, кўксимга ургин туёғинг,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти.

Келбати паризод, йўлбарс юрагим,
Ёмон кунда ор-номусга керагим,
Танамдаги азиз жондан берагим,
Курри ҳайт, курри ҳайт, бобомнинг оти.

Сенга етишгай-да Барчиннинг зори,
Кўп ўтди бизларга душман озори,
Қизариб ёнади юзимнинг нори,
Қурри хайт, қурри хайт, бобомнинг оти.

Бу сўз Бойчиборнинг қулоғига бора берди. Шунда жонивор дадилланиб, кам-кам йўлини ола берди. Кўкалдош минган Тойчи подшонинг бўзи кейинда қола берди. Энди Қоражон пойгани Бойчибор олишини билди. Шунда от устида қичқириб, пойгани олган ўзбекнинг оти деб, Қоражон бир сўз деб келаётир:

Эшитинглар, томошабин одамлар,
Пойгани олгандир ўзбекнинг оти,
Шоду хуррамликдир бизга бу дамлар,
Пойгани олган Қўнғиротнинг оти.

Бойбўрибийнинг хоназоди,
Асил тулпорлардан бўлган авлоди,
Қулоқ соп эшитинг, Қалмоқнинг юрти,
Пойгани олгандир ўзбекнинг оти.

Мустаҳкамдир асли банди чегаси,
Банотдан ёлпуши, тилла тўғаси,
Ҳакимбек бўлади бунинг эгаси,
Бойбўри боласи, элин оғаси,
Пойгани олган Қўнғиротнинг оти.

Баҳорда очилар қирнинг лоласи,
Ўзига кўрк экан кокил толаси,
Ҳакимбеги бекдир, Бойбўри боласи,
Пойгани олгандир Ҳакимбек оти.

Қоражон пойганинг пилгасига етиб, пилгани уч айланиб Бойчиборни тўхтатиб, ундан кейин отдан тушди. Дарров Ҳакимбек етиб келиб, Бойчиборга эгалик қилиб, терини қотирмаслик учун у ёқман бу ёққа юргизаётир. Қоражонни қизлар тушириб, иссиқ сув бераётир. Саксон тўққиз алп бўлса, пайтаваси сувга ботиб, подшоҳларининг олдига боргани уялиб, бари уй-уйларига бориб, инқ-инқ касал бўлиб қолдилар.

Бойсарининг одамлари эртасига Ҳакимбек билан ой Барчинга никоҳ кияр тўй қилмоқчи бўла берди. Ўқини урган Ҳакимбек бўлса, тўксон

алпни йиққан Ҳакимбек бўлса, пойгада оти ўзган Ҳакимбек бўлса, энди ой Барчинга ким тўсқинлик килади.

Ҳамма томошабинлар: "Баччағар ўзбек кўп шакаман экан. Унинг устига курашгир полвон экан. Оти бўлса, жуда ҳам чопқир чаққон экан. Шуйтиб, Бойсарининг ва кизининг қўйган шартларининг барини бажарди. Энди киз шу ўзбекники бўлди", – дейишиб, эл-элига, овул-овулига тарқалиб кетдилар. Бу куни Бойсари ўзининг жамоаси билан қолиб, Барчин кизининг никоҳ кияр тўйини бошладилар. Кун кеч бўлиб, коронғи-говгум бўлгандан кейин аёллар ва эркак баччалар ўртага гулхан ёқиб, шуйтиб, далани равшан килиб, куёвни чикардилар. Ҳакимбекка Қоражон дўсти куёв бошлатар бўлиб, салом солмоклик учун гулханнинг ёнига келдилар. Аёллар аллакачон куёв салом соладиган жойга кигиз солиб қўйган эдилар. Ҳакимбек билан Қоражон охиста-охиста юришиб, ана шу кигиз устига келиб, кўл ковуштириб, тикка турдилар. Ўн беш, ўн олтига кирган, келасида куёв бўлишликни машқ килиб, бизлар ҳам бир кун шуйтиб куёв бўлиб коламиз, деб ният килиб юрган бўз болалар ҳам тўккиз тобокка кўшиламиз, деб келиб, Ҳакимбек билан Қоражоннинг ёнбошларидан сафга ўтиб, булар ҳам гулхан ёруғига караб, кўл ковуштириб турибдилар. Куёв бошлатар йигит ким эканини ҳамма билади: Ҳакимбекнинг ўнг ёгида турган кора мўйловли йигит. Шунда кариялар Қоражонга караб: – Қани, энди ота-бобомиздан колган каъдамизни бошлайлик, – деб турибдилар.

Хушлансин, ёронлар, хушлансин,
Маъракада қайғу-кулфат ташлансин,
Салом солинг Добон, Алпин бийларга,
Ўзбекнинг қаъдаси шуйтиб бошлансин.

Киз-ўғлонлар кейинга топ сурилсин,
Бу ерда Жамшиднинг базми қурилсин,
Ўтинни кетма-кет ёқинг, болалар,
Шуъласида куёвнинг юзи кўринсин.

Салом солинг энди макам, бир макам,
Бу ерларга йўлламасин қайғу-ғам,
Аввал ёд этайлик Бойсин-Қўнғиротни,
Бойбўриман Жонтувалга бир салом!

Гапирган гапларнинг бўлсин охори,
Бир гап билан кўчиб келган бу сари,
Ширмон бўзда қўниб турган Бойсари,
Келинчакнинг отасиман энасига бир салом!

Тўй куни оғайин бўлар хизматда,
Оғайинсиз маърака ўтмас албатта,
Чолу кампирлар, кичикдан-катта,
Жоппа-жовлик ҳаммасига бир салом!

Хумор кўз сузилиб қилмайми нозлар,
Қўлга хина қўйган қирқин канизлар,
Ой Барчинга бари мулойим сўзлар,
Қадрли деб келинчакка бир салом!

Қариялар ҳар салом деб айтганида, Қоражон билан Ҳакимбек ва буларга эргашган бўз болалар энкайиб, тиззаларига қўлларини олиб бориб, шуйтиб, салом солиб турадилар. Қариялар: – Кўп яшанг, – деб олгандан кейин: – Туринглар, деса, яна тура келиб, таъзим қўл қовуштириб турадилар.

Ўзбекнинг қаъдаси шундай бўлади,
Салом айтиб, қариялар хитоб қилади,
Салом деб қариялар хитоб қилганда,
Йигитлар энкайиб салом солади,
Салом солиб, гардан эгиб кўпларга,
Қари-қартанглардан олқиш олади.

Кўп яшанглар, кўп йилгача ўлманглар,
Дунёда номардга муҳтож бўлманглар,
Унинглар, урчинглар, топинг барака,
Бир-бирга сира бекадр бўлманглар.

Салом солиш тамом бўлади. Қарияларнинг амри билан аввал куёв бошлатар, ундан кейин Ҳакимбек, ундан кейин ҳавасакка қўшилиб салом солган болалар кигизнинг устига чўккалаб ўтирадилар. Дастурхон ёзилиб, тўққиз табоқ тортилади. Куёвнинг бошидан ошириб тўрсалоқ сочилади. Тўққиз табоққа ҳар кимдан бир ким ўтира бермайди. Нимага деганда, тўққиз табоқ бўшатилгандан кейин куёв, куёв бошлатар ва бошқалар пул ташлаши керак бўлади. Шуйтиб, ҳаваскор болалар ҳам пулларини ғамлаб келган бўлади.

Ўзбекнинг расими шундай бўлади,
Тўққиз табоқ деганини қилади,
Куёв куёв бошлатаридан
Бу ерда бошлаб танга олади.

Ҳавасакка салом солган йигитлар,
Табоққа булар ҳам пул-мул солади,
Шунинг билан салом тамом бўлади,
Ундан кейин қўш янгаси келади.

Куёв бошлатар билан куёвни олиб,
Катта ўтов олдига равон бўлади,
Уйнинг шанглоғидан олиб жавобин,
Ўтов ичра мулла никоҳ қилади.

Катта уйнинг ичида мулла иккита югурдак бола ҳозирлаб, уларни қизга юборди. Қизнинг янгалари югурдак болаларни бир-икки қайтаради. Охир бу ёқдан бериб юборилган пулни тўлиқ олиб, янгалари қизнинг розилигини олиб беради. Ундан кейин югурдак болалар қайтиб, катта ўтовга кирадилар. Мулла буларга ўқийдиганини ўқитиб, жавоб беради. Булар ҳам югурдак бўлгани учун ҳақини олади. Ундан кейин мулла вакил отанинг розилигини сўрайди. Вакил ота ҳам кўнгли тўлганча танга олиб, розилик беради. Ундан кейин қўш янгалари ва куёв бошлатари билан келиб, уйнинг шанглоғидан қараб турган куёвдан розилик олади. Бу ерда ҳам қария бечоралар мабодо жанжал чиқмасин, деб чироғим, чувоғимсан, отамсан, – деб турадилар. Ундан кейин мулла ўқийдиганини ўқиб, никоҳ қоғозини қийиб беради. Бу қоғоз умрбод бир рўзғорнинг қоғози бўлади. Ундан кейин куёв бошлатарни катта уйга киргизади. Қўш янгалар энди фақат куёвнинг ўзини қизнинг ўтовига олиб кетадилар.

Ўзбекнинг каъдаси шундай бўлади,
Бу ерда ит ириллатар қилади.
Қопоғон ит ўтгани кўймайди, деб
Баҳонаман тилла-танга олади.

Ўзбекнинг каъдаси шундай бўлади,
Ичкарида кампир ўлди килади,
Тирилмаса энди ўсал бўлади, деб
Таги пича танга-тилла олади.

Ундан кейин чимилдиққа киради,
Бунда қўш янгаси бирга юради.
Биров келиб ойна тутиб туради,
Қизман йигит унда аксин кўради.

Ойна тутганга ҳам акча беради,
Ундан кейин қўл ушлатар бўлади.
Унданкай йигит-қиз хилват киради,
Барига ҳам куёв акча беради.

Ит бўлиб ириллаган, кампир бўлиб жўртага ўлган, ойнага қаратган, йигит билан қизни қўл ушлаттирган – буларнинг бари шу нарсага ҳакли қариндошлардан бўлади. Бўлмаса, ўпкалаб араз уради. Шуйтиб, ит ириллатар, кампир ўлди, ойна кўрсатар, қўл ушлатар деган расмлар бўлиб ўтди. Ундан кейин Ҳакимбекни иккита янгаси ой Барчин билан хилват чимилдиқ ичига ташлаб кетадилар. Шуйтиб, Ҳакимбек билан ой Барчин мурод-мақсадларига етдилар.

Энди ўзбекнинг қаъдаси бўйича куёв билан келин уч кун қаллиқ ўйнаб туриши керак. Шуйтиб, Ҳакимбек ой Барчиннинг ўтовида уч кунгача қолди. Бунгача ҳар куни янгалари келиб ҳангама қилиб, келиб-кетиб турдилар. Уч кундан кейин куёв кўрсатар деган каъда бўлди. Хотинлар қатлама қилиб, Бойсарининг олдига дастурхон ёзиб, дастурхонга қатламани ташлаб, Ҳакимбекни Қоражон билан шу ерга келтирдилар. Тўрда Бойсари кари-картанглар билан ўтирибди. Пойгакдан кириб, Қоражон Ҳакимбекни бошлаб салом солдираётир. Биров туриб салом айтаётир. Саломдан кейин Ҳакимбек билан Қоражонни пойгакдан турғизиб, бир туюрдан қатлама едиргизиб ташқарига чиқардилар.

Энди ой Барчинни келинчак қилиб, Бойсун-Қўнғиротга узатмоқчи бўлиб, янгалари ой Барчинни кийинтириб, сочини ўриб, ёр-ёр айта бошладилар.

Қулоч газлаб олисга тошлар отдик, ёр-ёр,
Бурунгининг каъдаси, қиз узатдик, ёр-ёр,
Тенг-тенгига бермаса бўй қизларни, ёр-ёр,
Ундай қизнинг албатта шўри қаттиқ, ёр-ёр.

Ёмон қизнинг сочини ким силайди, ёр-ёр,
Ўз ҳолига бир неча зор йиғлайди, ёр-ёр,
Узун сочли келинчак ҳусни ойдир, ёр-ёр,
Сўз устига сухангар сўз улайди, ёр-ёр.

Бурингидан расмдир қиз узатмоқ, ёр-ёр,
Сеп дегани кўр олиб, қўшмоқ-чатмоқ, ёр-ёр,
Бахилларни ишидир ўйга ботмоқ, ёр-ёр,
Карим иши дўстини дўстга қотмоқ, ёр-ёр.

Муна тоғлар оркаси киё экан, ёр-ёр,
Қизнинг кўрки адабман ҳаё экан, ёр-ёр,
Келинчакжон, келинчак суксурдайин, ёр-ёр,
Қараганлар синига тўяр экан, ёр-ёр.

Ўлан-ўлан, ўланнинг чири бўлмас, ёр-ёр,
Ўланчининг кўнглида кири бўлмас, ёр-ёр,
Тенг-тенгига бўлган қиз ўйнаб-кулар, ёр-ёр,
Шодмон бўлар, сира-да шўри бўлмас, ёр-ёр.

Шодлик ўлан айтамиз, шодлик ўлан, ёр-ёр,
Умри ўтсин ҳамманинг шодлик билан, ёр-ёр,
Тенг-тенгига бўлган қиз нега йиғлар, ёр-ёр,
Кула-кула кетмайми шодлик билан, ёр-ёр.

Энди йиғлар душманлар, ҳаргиз кулмас, ёр-ёр,
Сув бўйига тўшалган гуллар сўлмас, ёр-ёр,
Ўйнаб-кулиб Барчин қиз омон бўлсин, ёр-ёр,
Айта берсак ўланни, адо бўлмас, ёр-ёр.

Шуйтиб, янгалари ой Барчинни ясатиб ташқарига олиб чиқдилар. Энди ой Барчинни уловга мингизмоқчи бўлаётир. Бу ерда бирга ўйнаб-ўсган дугоналари излаб келаётир. Ой Барчин ўз дугоналарининг душман юртида қолиб кетишига ачиниб, ўзининг ота юртига кетаётгани эсидан чиқиб, фақат шу дугоналарининг ҳолига хафа бўлаётир. Йиғлаб кўзининг ёши дув-дув қуйилиб бораётир. Йиғлаётгани: ота-энасидан йироқлашиб бораётганигами, ё бўлмаса, дугоналаридан жудо тушаётганиданми, ё бўлмаса, суйган тўраси билан топишганига қувонибми – ҳар калай ой Барчин ҳам ўзидан-ўзи ҳунграб йиғлаб юборди. Ундан кейин ой Барчинни бир маофали уловга миндириб, янгалари Бойсарига қараб: – Қани, отаси, кизингизга яхшилаб оқ фотиҳа беринг, деб турибди:

Қулоқ солинг суханварнинг сўзига,
Барчин ёш олганди кора кўзига,
Оқ фотиҳа тилар сиздан, отаси,
Омин, деб кўлини тортсин юзига.

Турли сўзлар келар шоир тилига,
Шу сабаблан муқом қўнар қўлига,
Омин, деб фотиҳа беринг, отаси,
Ўйнаб-кулиб борсин Кўнғирот элига.

Шунда Бойсари омин қилади,
Икки ёшнинг эсонлигин тилади,
Бунда турган қиз-келинлар барчаси,
Кўрмаймиз, деб чувиллашиб йиғлади.

Кўнгли бўшнинг дарров кўзи ёш бўлар,
Ёмонларнинг ичи муздай тош бўлар,
Чувиллаб йиғлаган қизу келинлар,
Бари ҳам Барчинга қариндош бўлар.

– Кўрамизми-кўрмаймизми юзингни,
Бугундан кай топармизми изингни,
Омон бўл, деб товшинг чиқар бўйингдан,
Эшитайик энг охири сўзингни, –

Деб барча турганлар илтиш қилади,
Ширмон бўзда шундай гаплар бўлади,
Шунда қўл кўтариб шўрли Бойсари,
Ёлғизига энди дуо қилади.

– Илоё, бўлгайсан соғу саломат,
Кўрмагайсан анда ранжу машақат,
Омон бўл, Қўнғиротда сургин давронлар,
Насиб бўлсин сенга умрбод давлат.

Қўнғирот элга бориб ўйнаб-кулгайсан,
Эмин-эркин ўсиб, омон бўлгайсан,
Униб-ўсиб тағи Ширмондай юртга,
Бизларни кўргани қайтиб келгайсан.

Бизлар бунда сендан айро тушамиз.
Гохилар соғиниб куйиб-пишамиз,
Насиб тортган кун бўлган сўнг бизларам,
Бойсин-Қўнғирот деймиз, у ён ўтамиз.

Бойсари Барчин қизига йиғлаб оқ фотиҳа бериб қолди. ой Барчиннинг сеп-сурукларини туяларга ортдилар. Шуйтиб, Ҳакимбек Қоражонлар ой Барчиннинг сепларини бошқарувчи бир-иккита хизматкорлар билан узатиб олиб, Бойсин-Қўнғиротга қараб йўл тортдилар. Булар шу аҳволда йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, Олатоғнинг Бойсин-Қўнғирот ёқдаги

учига етиб, шу ерда бир дам олайик дейишиб, бир кўлнинг бўйнига тушиб, ой Барчиннинг ўтовини шу ерга тикиб, ой Барчинни хизматкорлар билан шунда қўйиб, Ҳакимбек билан Қоражон овга чиқиб кетди.

Бу ёқда саксон тўққиз алплар билан Тойчи подшонинг беклари ҳориғи чиқиб, орадан уч кун ўтгандан кейин йиғилишиб: "Қамайга Алпомишнинг кору боридан хабар бермасак, ёмон бўлар. Қамайнинг бизлардан кўнгли қолар. Нега шу вақтгача айтмадинглар, деб бизни гуноҳкор қилар. Ардисар аввалдан Қамай Алпомишнинг кору борини билганда, унинг урушга бизларни юборар эди. Икки ўртада саксон тўққиз алп билан беклар ўлар эди. Алпомиш ой Барчинни олиб кетса, бизга нима. Лекин дейман айтмасак, унда Қамайга беадаблик қилган бўламиз", – деб бари беклар билан алплар Тойчи подшонинг олдига кириб, бир сўзга чечани Тойчи подшоҳга қараб, бир сўз деди:

Сўзимга, Қамайим, қулоқ сол, эшит,
Тўқсон алпга босим келди бир йигит,
Алпомиш – ўзбек экан шакаман,
Жуда ҳам бир кўзчил, уста мерган,
Минг қадамга қўйилган нишонни,
Кўпчилик ичида ул бўлди урган.

Бошка мерганлар уролмай қолди,
Ўзбек отган ўқи бориб нишонга қадалди,
Шуйтиб ўйинбоши куни, Қамайим,
Биринчиликни Алпомиш олди.

Ундан кейинига кураш бўлди,
Курашда ҳам ҳаммага зўрлик қилди,
Шундай қилиб бу сирага ҳам,
Биринчиликни Алпомиш олди.

Алпомиш дегани ҳаддин зўр экан,
Зўр бўлса ҳам бўйни йўғон ўр экан,
Ул баччағар ўзбекнинг олдида
Тўқсон алплар одам эмас, мўр экан.

Алпомишнинг кўп экандир оҳори,
Қўллари курч, ўзи бир мисли тумори,
Бу ерларга янги тушган гузари,
Унга дуч бўлолмас қалмоқнинг бари.

Пойгада ҳам оти ўзди отингдан,
Ҳаймиқмас, Қамайим, хеч ҳайбатингдан,
Тўйлар қилиб, Бойсарининг қизини
Олиб кетди бел ошириб юртингдан.

Бу ёғини энди ўзинг биласан,
Алпомишга фақат сен тир келасан,
Борар бўлсанг оркасидан ҳали ҳам,
Бир зарб билан банди қилиб оласан.

Алплар унинг ҳайбатидан дириллар,
Кўп зўр экан, йўлбарсдай бўп чириллар,
Фақат сен қиласан унинг иложин,
Оркасидан тушсанг қочиб зириллар.

Бу гапга Қамайнинг ёмон аччиғи келиб кетди: – Баччағарлар, шунча одам бўлиб бир мусофир ўзбекдан қўркасанлар. Алпомишда бўлса, кора куч бордир. Мерган бўлса, мергандир. Ҳай, оти ҳам тулпор бўлса, тулпордир. Лекин минг қилса ҳам ёлғиз бир одам. Ҳали мен кора кучимни токчага қўйиб, бир Алпомишни подшолик сиёсат билан ҳам тутиб оламан. Бойсариси шу Ширмон бўзда колган бўлса, бас. Баринг боринглар, Бойсари мени писанд қилмай, қизини Алпомишга бериб юборгани учун унинг моли – таловда, боши – ўлимда бўлади. Шуйтиб, сизлар бориб, Бойсарини жорғи қилиб, ҳамма молу мулкини подшоҳликка олиб, ундан кейин Бойсари бошлиқ барча Қўнғиротдан кўчиб келганларни банди қилиб, бунда олиб келинглар. Уларни умрбод зиндон қилиб ташлайман. Бари шу зиндонда чириб ўлиб кетсин. Қани, ундан кейин Бойсарининг қизи Алпомишга тегиб, ҳузур қилганини бир кўраман. Ўша Алпомиш мард бўлса, йўлдан қайтади. Кейин унинг бир иложи бўлар, – деб беклари билан саксон тўққиз алпга амр қилди.

Беклар билан алплар Ширмон бўзга келиб, Бойсарини жамоаси билан жорғи қилиб, молу мулкларини подшоликка олиб, ўзларини банди қилиб, Тойчи подшоҳнинг олдига ҳайдаб олиб кетдилар. Бойсарининг бир чўпонини банди қилмай, камчи билан уриб-уриб: "Бор, кўрганингни Алпомишга айтиб бор", – деб кувалаб, ҳайдаб юбордилар. Шуйтиб, Бойсарига Тойчи подшоҳ ғазаб қилиб, жамоалари билан умрбод зиндон қилдиртди. Бу ёқда ҳалиги қамчи еган чўпоннинг кўзи каттариб, Ойна кўлидан ошиб, Қўнғирот йўлига тушиб, Алпомиш билан Қоражон ой Барчинни узатиб кетган из билан йўл тортиб, тўрвасининг кўтидаги қатти-кутти нонларини ивитиб еб, Олатоғнинг Қўнғирот ёқдаги учига якин бир

кўлда ўтов тикиб ўтирган ой Барчиннинг хузурига ўла-тола етиб бориб, зор-зор йиғлаб, чўпон ой Барчин опасига караб, бир сўз деди:

Окар сувлар баландидан лойланди,
Орқангиздан олиб душман шайланди,
Тойчи золим буюрганди жорғини,
Шуйтиб ота-энанг кўли бойланди.
Барча Ширмон бўзда кўнганлар билан
Моллари олиниб, зиндан айланди.

Шуйтиб Тойчи золим жорғи буюрди,
Ширмон бўзликларни хайдади-сурди,
Кўрганингни алпингга айтиб бор, деб
Мендайин шўрни хам жуда кўп урди.

Хайдадим бу ёкка бўлиб мен равон,
Очликдан танамда қолмади дармон,
Арзим шулдир сизга айтсам мен чўпон,
Судралиб зўрға келдим, опажон.

Бу сўзни ой Барчин чўпондан эшитиб, кўп хафа бўлди. Дарров чўпонни овкатлантирди. Шуйтиб, бу чўпон хам ой Барчиннинг хизматкорларига кўшилиб юра берди.

Тойчи вилоятида подшо беклари билан бошқатдан маслахат қилиб, бир айёрини Хакимбекнинг оркасидан жосус килиб юборди. Айёр овчи суратида бўлиб бориб, Хакимбек билан Қоражон Ола тоғда ов қилиб юрганини ва қамчи еган чўпон бориб, Ола тоғнинг учидаги кўлнинг лабида ўтов тикиб ўтирган ой Барчиннинг хизматкорларига қўшилиб юрганини билиб, қайтиб Тойчи подшохнинг олдига келиб, кўрган-билганини айтиб берди.

Бу ёкда кунлардан бир кун Хакимбек билан Қоражон овнинг хуморидан чикиб, кўп кийик, олкар, гаввоз ва бошка жониворлардан тутиб, ой Барчин кўниб ўтирган жойга қайтиб келдилар. Келса, ой Барчин жуда хафа. Шунда Хакимбек ёрига караб, холини сўраб, бир сўз деди:

На бўлди, гул-гул жамолим, на бўлди,
Тоза баргим, навниҳолим, на бўлди,
На учун бундайин холинг паришон,
Суяр ёрим, хур мисолим, на бўлди?

Юзинг гул ғунчаси ерга боқибди,
Кўзингдан дур мисол ёшинг оқибди,
Ҳар бир кўринишинг менга ёқибди,
Тоза баргим, навниҳолим, на бўлди?

Тўрт-беш кун ичида жондан безибсан,
Рангинг оқ, ғам илан бўлиб озибсан,
Билмам нени ўйлаб, кўзинг сузибсан,
На бўлди, гул-гул жамолим, на бўлди?

Бирор жойда бир ҳодиса бўлдими,
Орқа бетдан бунда одам келдими,
Ё кўнглингга душман оғу солдими,
Тоза баргим, навниҳолим, на бўлди?

Йўлбарс босган издан ўзга юролмас,
Мен бор сенга ҳеч ким изза беролмас,
Лекин ошиқларни ёвлар кўролмас,
На бўлди, гул-гул жамолим, на бўлди?

Ғаму кулфат юкларига ортилма,
Олатоғ оралиқ йўлдир юртима,
Айта бер на бўлса, мендан тортинма,
Тоза баргим, навниҳолим, на бўлди?

Чин ёримсан нозинг билан ўлдиргин,
Душманим йиғлатиб, дўстим кулдиргин,
Ҳакимбекка ўтган гапни билдиргин,
На бўлди, гул-гул жамолим, на бўлди?

Шунда ой Барчин ёрининг бу берган саволига жавоб бериб, бир сўз деди:

Сарғаймай на қилсин бул вафодоринг.
Тириклайин отасидан айрилса,
Жондан азиз бир мушфиқи меҳрибон,
Оқ сут берган энасидан айрилса.

Кўзим сузиб ёшим тўкдим сел қилиб,
Ора йўлда ўйлаб, ўзим сил қилиб,

Ким бўлса ҳам йиғлар, ёқа ҳўл қилиб,
Азиз ини-оғасидан айрилса.

Ширмон бўздан бунда чўпон келибди,
Андин билдим, ўсал гаплар бўлибди,
Отамни Тойчи шоҳ жорғи қилибди,
Овулиман барин зор-зор йиғлатиб,
Олиб бориб зиндон ичра солибди.

Мен бу ерда эшитиб бўлдим бекарор,
Шу сабабдан кўзларимга олам тор,
Ким бўлса ҳам йиғлайди-да зор-зор,
Кўзнинг нури – отасидан айрилса.

Қалмоқлар ҳасад қилиб сенинг дастингдан,
Бу гапларни шуйтиб қилган қасдингдан,
Шаштинг келса, қуён қочар пастингдан,
Бостириб келолмай бунда устингдан.

Энди билмам анда қандай бўлади,
Тойчи золим барин зиндон қилади,
Барчин хафа бўлмайин, ким бўлади,
Оқ сут берган энасидан айрилса.

Ҳакимбек Тойчи подшоҳ Ширмон бўздагиларга азоб қилганини билди. "Бу Тойчи ишнинг белига тепди, бу ёрим йўлда", – деб Қоражон дўсти билан маслаҳат қилди.

Ширмон бўзда энди қиёмат бўлганича бўлиб турсин. "Барибир уларни ўлдирмай зиндон қилиб ташлайди. Бизлар бундан Бойсин-Қўнғиротга борайик. Бир тўй қилиб элнинг олдидан ўтиб, ундан кейин Бойсарини жамоаси билан зиндондан қутилтиришнинг иложини қилсак", – деб дарров ой Барчиннинг ўтовини бузиб, кўчларини туяларга ортиб, Бойсин-Қўнғиротга қараб, ой Барчинни узатиб жўнадилар.

Булар шу юрганларича йўл юриб, озгина эмас мўл юриб, Боботоғ деган тоғнинг устига етиб бордилар. Шу ердан Бойсин-Қўнғирот мамлакати кўринар эди. Шунда Ҳакимбекнинг баҳри-дили очилиб, Қоражон дўстига караб, бир сўз деди:

Баҳорда очилмиш наврўз гуллари,
Сайирга чиқмиш Бойсин қизу уллари,

Ана элас урган Қўнғирот эллари,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Бу тоғнинг у ёғи кулотузлари,
Қайнаб чиққан минглаб булоқ кўзлари,
Ер ёналаб ўсган бўтакўзлари,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Чайқалиб тиззадан келмиш ўтлари,
Ҳов нарида юрган гала отлари,
Маяқдай бўп қўзи босган итлари,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Тоғ бетида яшнаб турган аланги,
Анда сакраб юрган олқор куланги,
Ундан гўзал нарги яйпан япанги,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Юрмак учун яхши йўлнинг тўтаси,
Бу сўзларнинг ҳаргиз йўқдир хатоси,
Нарги ошувда туя-тойлоқ, бўтаси,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Жисмим бўлсин гўзал ёрим фидоси,
Неча маҳал бўлдим ҳуснинг гадоси,
Қирдаги коралар Қўнғирот подаси,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Бу жойларнинг гўзал дўнгман ўйлари,
Жойига мос халқин феълу хўйлари,
Яйловда юрганлар Қўнғирот қўйлари,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Бу дўмсаклар Бобохоннинг беллари,
Бу ёғи кетганча Бойсин эллари,
Қўнғирот халқин жондан ширин тиллари,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Тоғдан пастда пасткам-пасткам қўнишдир,
Ҳар қўнишнинг оралиғи энишдир,

Бари жойи Ҳакимбекка танишдир,
Зеҳн соп барини кўргин, Қоражон.

Ундан кейин Ҳакимбек Қоражонга маслаҳат бериб, тағи бир сўз деди:

Бу ерларда расм шундай бўлади,
Келин тушар деган бир тўй қилади,
Одамлар эшитиб, йиғилиб келади,
Шунинг учун аввал Қўнғирот бор энди.

Тўп-тўғри дарадан эниб боргайсан,
Бориб Бойбўрибий уйин сўргайсан,
Бек отамга мендан хабар бергайсан,
Шуйтиб Қўнғиротга аввал бор энди.

Бориб-туриб, Ҳакимбек ўғлинг келди де,
Қалмоқ бориб Барчин ёрин олди де,
Бугун Қўнғирот элга дохил бўлди де,
Шуйтиб бек отамга хабар бер энди.

Ҳар жойда яхшилар даврини сурсин,
Ҳадемай, ўғлиман келинин кўрсин,
Мен етиб боргунча тўй қилиб турсин,
Шунинг учун аввал Қўнғирот бор энди.

Қулоқ солгин Ҳакимбекнинг тилига,
Давлаткуши қўнмиш келиб қўлига,
Меҳмондирсан, дўстим, Қўнғирот элига,
Меҳмоннинг олди бўп, Қўнғирот бор энди.

Коражон Ҳакимбек дўстининг бу маслаҳатли буйруғини қабул қилиб, Бойсин-Қўнғиротга қараб жўнаб кетди. Кўп йўл тортди. Гала-гала йилқилардан, ёйилиб юрган туялардан, тўп-тўп подалардан, қўра-қўра қўйлардан, катта-кичикли овуллардан ўтиб, Бойбўрибийникини сўроклаб, шуйтиб, Бойбўрибийникига кириб бориб кўришиб, сўрашиб, шунда Коражон Бойбўрибийга қараб, мўйловини бураб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Олғир лочининг бордир қўлингга,
Қалмоқ юртдан ошиб келдик элингга,

Кашалмидинг Ҳакимбекдай улингга,
Ўғлинг етиб келди бунда, Бойбўри.

Неча дарбанд, неча беллардан оша,
Ғайрилар юртини айлаб томоша,
Ой Барчин ёрини олиб, бўп қўша
Ҳаким улинг етиб келди, Бойбўри.

Бу дунё деганинг маккор ўйинчи,
Бир нечага шодлик, бирга куюнчи,
Аввал бошдан бергин бизга суюнчи,
Ўғлинг етиб келди бунда, Бойбўри.

Ҳали бир очилмаган лоламан,
Бўз йигити, алпман, ёш боламан,
Ҳакимбек ўғлингга йўлдош бўламан,
Алпомишинг етиб келди, Бойбўри.

Эшитиб ол Қоражоннинг сўзини,
Қалмоқда алплардан дейди ўзини,
Узатиб Бойсари уканг кизини,
Ўғлинг етиб келди бунда, Бойбўри.

Бойсин беги ташла ўзга ўйингни,
Сўя бергин энди тўкли, қўйингни,
Бошлай бер ният қип юрган тўйингни,
Ҳаким ўғлинг якин келди, Бойбўри.

Бойбўрибий Қоражоннинг бу сўзини эшитиб, кувониб, терисига сиғмай кетиб, Қоражонга биядан, туядан суюнчи атаб, одамларига буюриб, Қоражонни бир жойга туширгизиб, остига кўрпачалардан ташлатиб, уни дам олдириб қўйиб, бу ёқда қўйлардан сўйиб осдириб, келинтушар тўйини бошлатиб юбора берди. Бир ёқдан йиғилиб қолган ёш йигитларга бир такани сўйдириб, кокмага бериб юборди. Ана шуйтиб, тўй бошланиб, қоқма кўпкари кизиб кетди. "Ҳакимбек Бойсарининг кизи ой Барчинни Қалмоқдан унинг кўйган шартини бажариб, хаммани қойил қилиб узатиб олиб келаётган эмиш", – деб аллакачон Кўнғирот элларига овози тарқалиб кетди. Кечга томон Ҳакимбек ой Барчинни узатиб, сепу сурук, хизматкорлар, янгалари билан Бобохон тоғидан тушиб кела берди. Йўлда ҳар белдирги жойларда келинчакнинг йўлига боқон ташланиб

турди. Ой Барчиннинг хизматкор янгалари боқон ташлаганларга калапўш, белбоғ бериб ўта берди. Шуйтиб, ахир Бойбўрибий овулига етиб келди. Қўнғиротнинг хотин-халажлари йиғилиб, ой Барчиннинг сепларини тушириб олдилар. Ундан кейин ўртага гулхан қилиб, янгаси ой Барчинга салом солдирта берди. Бу ерда ҳам кайвони қариялар: "Кўп яшанглар, болали-чақали бўлинглар", – деб дуо қилиб, олқишлаб турдилар. Салом тамом бўлди. Энди хизматкор янгаси ой Барчинни ўтовга киргизмоқчи бўлди. Шунда ой Барчин ёйдай эгилиб, таъзим қилиб, ўтовга кирар бўлди. Ҳакимбекнинг энаси Жонтувал буни кўриб, ой Барчин келинини алқаб бир сўз деди:

Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Илоё, номардга муҳтож бўлмагин,
Ҳеч пилла, чироғим, зора қолмагин,
Айланай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Заррин баргак ярашибди бошингга,
Энди кирибсан ўн саккиз ёшингга,
Зулфлар билан қасаба қўй қошингга,
Ўргилай ўзим бошингдан, ой Барчин.

Барчин десам, кўнглима шодлик келади,
Юришингга дўстлар хурра бўлади,
Бастинг кўрган душман ғамда қолади,
Айланай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Узоқ умр кўргин, Барчин келин-а,
Муродингга етиб қўлга кулун ол,
Югуриб чиқсин бий бобоси йўлига,
Ўргилай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Кулганингда қалам қошинг қийилди,
Салом солган пилла қаддинг эйилди,
Қаламингга бўтакўзлар қойилди,
Айланай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Томошага қора кўзлар қарашур,
Қараб-қараб қора зулфин тарашур,
Дол бўйингга оқ ўтовлар ярашур,
Ўргилай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Кипригинг наштардир, кўзинг мастона,
Қоматингга кўплар далли-девона,
Атрофингдан ўзим бўлиб парвона,
Айланай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Юзинг бўстонимдир, тишларинг садаф,
Бошингдан оёгинг турмуши адаб,
Бўйинингга лаълидин маржонлар қадаб,
Ўргилай бошингдан ўзим, ой Барчин.

Деб Жонтувал бунда олкаб туради,
Барчин келин адабман уйга киради,
Бирга келган янгасиман қўшилиб,
Уч саломдан сўнгда ўтиради.

Ундан кейин чимилдиққа ўтади,
Оқ бетига оқ чимматни тутади,
Томошага келган қизу жувонлар,
Маъракадан энди тарқаб кетади.
Мурод-мақсадларига етиб,
Чимилдиққа келинман куёв ётади.

Шуйтиб тонг отади. Бойбўрибий бир қўйни сўйдириб, гўштини пиширириб, оғайниларини чақириб, келин кўрсатар қилади. Бир саккизларга кирган ўғил боланинг қўлига битта чўмич тутказиб қўяди. Бола кўпчиликнинг ичида қайқайиб туради. Янгалар чимилдиқни кўтариб туриб қўядилар. Ундан кейин дастурхон ёзилади. Одамларнинг олдига гўшту патир тортилади. Ой Барчиннинг олдига қўйнинг тўши қўйилади. Янгасининг таълими билан ой Барчин одамларга эгилиб салом солади. Ундан кейин ҳалиги бола чўмич билан ой Барчиннинг чимматини олиб ташлайди. Ой Барчиннинг янгаси болага белбоғ беради. Шунинг билан келин тушар маросими ҳам тамом бўлади.



Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Алпомиш” достони
қўлёзмасининг охирги саҳифаси.

Энди орадан тўрт-беш кун ўтди. Ҳалиги ой Барчин билан бирга келган хизматкор ва янгаси, ҳалиги Тойчининг ғазабини кўриб келган чўпон ҳам Қўнғиротда қолди. Бориб нима қилади. Энди у ёқда қиёмат бўлиб ётган бўлса. Шуйтиб, Ҳакимбек ўзича: "Қалмоққа бориб тўқсон алпни енгиб, ой Барчинни ўзим олиб келдим, тағи Қалмоққа ўзим бориб Тойчининг юртини бузиб, зўрлигимни ўтказиб Бойсарини овул-жамоаси билан ўзим халос қилдириб, олиб келай", – деб ўйлаб, шунда Қоражон дўстига қараб, бир сўз деди:

Мен кетарман тағи Тойчи юртига,
Бунда қолиб, азиз дўстим, омон бўл,
Тойчи номард тепди ишнинг сиртига,
Меҳрибон сирдошим, дўстим, омон бўл.

Мард кишининг савдо тушар бошига,
Тоғу тошлар чидаёлмас дошига,
Қўнгши бўлиб тургин элат қошига,
Бунда қолиб, азиз дўстим, омон бўл.

Ёлғиз бормоқ энди менинг ниятим,
Ўзим кўтарайин ўзим меҳнатим,
Сен бунда бўлиб тур орқа қувватим,
Меҳрибон сирдошим, дўстим, омон бўл.

Ёлғиз бориб Тойчи шоҳни ўлдирай,
Бекларининг билмаганин билдирай,
Ханжарга барининг бағрин тилдирай,
Бунда қолиб, азиз дўстим, омон бўл.

Эсон бўлса нелар кўрар бош энди,
Мард йигитга тушар экан иш энди,
Сиҳат-саломат қолгин бунда, хўш энди,
Меҳрибон сирдошим, дўстим, омон бўл.

Қоражон Ҳакимбекнинг ёлғиз кетишига рози бўлиб: – Мен сен келгунча кўп зерикиб қоладиган бўлдим-да, – деб шу сўзни айтди:

Майли борсанг, бориб кел эсон-омон-а,
Ҳар офатдан сақласин якка-ягона,
Шу ўртада канча ўтса замона,

Менга кунлар бир йил бўлар, жўражон.

Якка-ёлғиз дўстинг қолар, жўражон,
Бунда ким хам нафас бўлар, жўражон,
Бир ерда ўтирган жуда кўп ёмон,
Фирокинг кўксимни тилар, жўражон.

Бундан сен кетарсан Қалмоқ юртига,
Мени кўйиб ёлғизликнинг дардига,
Ҳар замонда Бобохоннинг ортига,
Шуйтиб бунда дўстинг колар, жўражон.

Мени бу Кўнғиротда кўплар билмайди,
Билса хам полвон деб кўзга илмайди,
Қалмокдаги ишларимни айтганман,
Бу ердагилар мени бовар килмайди.

Бориб келгин, дўстим, эсону омон,
Сабр килсам ўтар ҳижрони замон,
Худойга топшириб сени Қоражон,
Тилакдош бўп бунда колар, жўражон.

Қоражон хафа бўлиб: – Сенинг раъйингни қайтариб бўларми. Мен хам бирга борсам оғирлик киларми?! Хай, майли, эсон-омон бориб кел. Сенга йўл кутлуғ бўлсин, менга сабр кутлуғ бўлсин, – деди. Ҳакимбек дўсти билан розилашиб чиқиб, Жонтувал билан Бойбўрибийнинг олдига бориб: – Энди мен Қалмокка бориб, Бойсарини жамоа овули билан зиндондан кутултириб келмасам бўлмайди, – деб бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзни айтди:

Мардларнинг бошига савдо тушади,
Номарднинг бошига нима тушади,
Душман менга кўп маломат дейшади,
Қалмоклар юртига бориб келмасам.

Қулок сол, ота-эна, килган зорима,
Ғаним кулар чала этган корима,
Жавоб бер жўнайин номус-орима,
Бўлмас Тойчи юртига бориб келмасам.

Мард деганнинг иши тоза бўлмайми,
Ҳар бир қилган ишин пухта қилмайми,
Чала ишга дўсту душман кулмайми,
Бориб ишим тамом қилиб келмасам.

Қулоқ сол, ота-эна, қилган фиғона,
Бул ўқ-ёйим қолсин мендан нишона,
Бойсари халқиман тушмиш зиндона,
Бўлмас бориб халос қилиб келмасам.

1940 Ҳакимбек ўғлингнинг ишин кўргайсан.
Сўнг ҳорма деб менинг ҳолим сўргайсан,
Инти-чинтда бир фотиҳа бергайсан,
Бўлмагай Қалмоққа бориб келмасам.

Ҳакимбек ўғлининг бу сўзини Бойбўри билан Жонтувал эшитиб, Бойсарига бир ёқдан кашал бўлса, бир ёқдан Ҳакимбек ўғлини тағи Қалмоққа юборгали кўзлари қиймай, у ёққа ўйлаб, бу ёққа ўйлаб, маъқул гапга қорув йўқ деб, бу ўринда Ҳакимбекни Қалмоққа юбормаса бўлмаслигини билиб, ноилож Бойбўрибий билан Жонтувал овлоққа кириб, маслаҳат қилиб, охир Ҳакимбекни Қалмоқ юртига юбормоққа рози бўлиб, Бойбўри билан Жонтувал оқ фотиҳа бериб, шунда Бойбўрибий Ҳакимбек ўғлига насиҳат қилиб, бир сўз деди:

Насиҳат берайин, ўғлим, укиб ол,
Мен кексаман, айтганимга қулоқ сол,
Сен мулласан, хат биласан, фикринг бор,
Фикр ишлатиб, ўзинг тўғри йўлга сол.

Болам, манманликнинг йўлини тутма,
Олдингдан ким чиқса, бесалом ўтма,
1950 Сенга айтган насиҳатим шул бўлар,
Зинҳор-зинҳор бир мискинни оғритма.

Қўлингдан келганча айла яхшилик,
Ҳар жойга буюрса адаб билан чиқ,
Сенга айтган насиҳатим шул бўлар,
Яхшилик қил, яхшилик қил, яхшилик.

Йўл юзида от узра кеккайиб юрма,

Ҳеч кимга каликаман гапирма,
Сенга айтган насиҳатим шул бўлар,
Бировдан ўзингни юқори кўрма.

1960 Ҳар гавҳар олинар экан садафдан,
Ҳеч гап чиқмас, билгин, мағзсиз гапдан,
Сенга айтган насиҳатим шул бўлар,
Иззат олар ҳар ким хулқу одобдан.

Эл бошига ўзинг бало айлама,
Мол-мулкига кўзинг ола айлама,
Эр номингни ёмонликка чиқарса,
Яхшиман деб, макру ҳийла айлама,
Сенга айтган насиҳатим шул бўлар.

Халқ ҳаққидан киссанг тўла айлама,
1970 Ҳамма жойда қараб юргин кўзингга,
Зинҳор-зинҳор бино қўйма ўзингга,
Сенга айтган насиҳатим шул бўлар.

Қаноат қил доим кўпу озингга,
Ўтар дунё, қиёматни ўйлагин,
Қўлингдан келганча неклик айлагин,
Ўзингдан пастларни кўрсанг ҳар ерда,
Аччиқ бўлмай, аларга ширин сўзлагин.

Айрилиқ кўп ёмон, юракни тешар,
Суюнчихўр юбор, сен агар қайтсанг,
1980 Соғ бориб, саломат келгин, жон болам,
Ок фотиҳа бердим, оллоҳу акбар.

Бойбўрибий Ҳакимбекнинг сиҳат-саломатлигининг тилакдоши бўлиб, Ҳакимбекка оқ фотиҳа бериб, жўнатди. Ҳакимбек ундан кейин ой Барчин ёрининг ўтовининг олдига келиб: – Бойсари билан унинг жамоаларининг қолига кашал бўлиб, мен сенга каттарок тўй килолмадим. Агар бориб, Бойсари билан унинг жамоасини сиҳат-саломат зиндондан кутилтириб, Тойчи золимнинг юртини вайрон килиб, ўзини беклари билан ўлдириб, ғайниларни олиб, эсон-омон Қўнғиротга қайтиб келсам, ундан кейин сенга бошқатдан тўй қилиб, ҳоригидан чикараман. Ҳозирча омон бўл, – деб якка михга келиб, Бойчиборни ечиб, бошқатдан қашов-жўроб қилиб,

абзалини устига уриб, ундан кейин раббано, деб от устига ўлтириб, Барчин ёрига қараб, бир сўз деди:

Омон бўлгин, ёрим, кетмали бўлдим,
Тоғу тошни босиб ўтмали бўлдим,
Саломат бўл таги қайтиб кўргунча,
Қалмоқнинг йўлини тутмали бўлдим.

Мен кетган сўнг уйдан чиқиб ўлтирма,
Дўстим ғамгин, душманларим кулдирма,
Ҳар нечук номардга сиринг билдирма,
Омон бўлгин, ёрим, кетмали бўлдим.

1990 Қарчиғай бор жойга калхат қўнмайди,
Учқур қушлар боши пастга дўнмайди,
Қалмоққа бормасам кўнглим тўлмайди,
Омон бўлгин, ёрим, кетмали бўлдим.

Кўнглим талпинади Қалмоқ кетмакка,
Бир пасилда анга учиб етмакка,
Бориб мазлумларни халос этмакка,
Омон бўлгин, ёрим, кетмали бўлдим.

Ғанимлар юртини вайрон қилмоққа,
Тойчи баччағардан ўчни олмоққа,
2000 Халос қилиб дўстларни олиб келмоққа,
Омон бўлгин, ёрим, кетмали бўлдим.

Ҳакимбек дер номусим сен, орим сен,
Ўзинг жоду кўзли, севар ёрим сен,
Сиҳат-саломат қолгин, вафодорим сен,
Омон бўлгин, ёрим, кетмали бўлдим.

Ҳакимбек ой Барчин ёри билан ҳам хўшлашиб, ундан кейин Қалмоқнинг йўлига тушиб, Бойчиборни оҳиста-оҳиста ҳайдаб, дарадан ўралаб кета берди.

Ҳакимбек Қоражон дўсти, Бойбўрибий отаси ва ой Барчин ёри билан хўшлашиб оламан деганигача куннинг ярмиси ўтиб қўйган эди. Шуйтиб, ҳа демай вақт кеч бўлиб, кун тоққа қадалай деб қолди. Шунда бир бетда кўчмак ўйнаб ўтирган болалардан яна баландда овул борми-

йўқми, деб сўради. Болалар: "Яна бир тошча баландда бир чочовгина овул бор. Ундан кейин у ёғи белгача овул йўқ", – деб жавоб бердилар. Ҳакимбек ўрлаб кета берди. Ҳалиги кўчмак ўйнаган болалар айтган чочов овулга коронғи-говгумда етиб борди. Овулнинг нарги четига чиқиб қараса, бир ердан йилт-йилт этиб гартак ёруғ чиқади. Ҳакимбек Бойчибордан тушиб, отини бир каллак ирғайга боғлаб, ўзи аста-аста халиги ёруғ чиққан жойга борди. Борса, бир тешикка бир боғ жовшон тиқилган. Бу ер бир кампирнинг давлатхонасининг оғзи экан. Ҳакимбек бу ердан қараса, кампир чўлоқ хотиннинг шуъласида ғўза чуваяпти. Ҳакимбек қичқириб: – Ҳўв, момо, сўйлаш! – деди. Кампир келиб давлатхонанинг оғзидан шибоғни олиб, Ҳакимбекни ичкарига киргизди. Кампирнинг чолидан колган бир дўмбираси илмакда илувли экан. *Ҳакимбек дўмбирани олиб, чўлоқ хотиннинг шуъласида чертиб ўтирди*[6]. Шунда дўмбира товушини эшитиб, овулнинг бола-чака, хотин-халажлари, чолу кампирлари йиғилиб келиб колдилар. – Ҳов, момо уйингизга бахши келиб қолибди-да. Ҳай, яхши, бугун ҳангама берасан. Бизларнинг овулимиз чекка, бу ерга бахши жуда оз келади, – деяётир. Ҳакимбек: – Мен мана Бобохон тоғига овга кетаяпман. Йўлда пича чарчадим. Ўзим хам пул олиб айтадиган унчалик катта бахши эмас эдим. Майли, сизларнинг суханларингиз синмасин. Бир терма айтиб берай, – деяётир. Келган кишилар шобирлашиб кампирнинг ғўзасини чувишаётир. Шунда Ҳакимбек дўмбирани чинқирлатиб, торларини таранг килиб чертиб, бахши бўлиб терма айта берди:

Келса ширбаслашмас одамнинг дови,
Алп йигитнинг доим барордир ови,
Оғалар, баланддир Бобохон тови,
Бобохонга келдим шикор килгали.

2010 Шамол тегмас ўйдим-тойпон ерларга,
Қулон сакраб чикар баланд кирларга,
Отимни олвойтиб мункиб ўрларга,
Бобохонга келдим шикор этгали.

Какликларга овчи кўйган жиласи,
Анда бордир осон тутмоқ хийласи,
Сайёддирман, ўзим Қўнғирот боласи,
Бобохонга келдим шикор этгали.

Олқорга сув берар тоғларнинг қоғи,
Қокларнинг кошидир така ўйноғи,

Қани, шакаман мерган шу чоғи,
Ўзим бир ёш Қўнғиротнинг ғўччоғи.
Бобохонга келдим шикор этгали.

Тоғда ўсган бўтакўзнинг тармоғи,
Зулфиқор экандир кўнгил қармоғи,
Мушкул эр йигитнинг чидаб турмоғи,
Шуйтиб келдим шерни шикор этгали.

Қай ерда зов бўлса, баландир кия,
Қияга қўймайми бургутлар уя,
Тақир, яланг жойда шикор борми ё,
Отланиб жўнайман тун бўлса зиё,
Бобохонга келдим шикор этгали.

Оғайнилар, беринг энди ижозат,
Дам олайик ёнбош ташлаб бир фурсат,
Тонг ёришиб қолар, фурсат ғанимат,
Бобохонга келдим шикор этгали.

Буни эшитиб, ҳангамага йиғилиб келганлар тарқалиб, уй-уйларига кетмоқчи бўлдилар. Шунда Ҳакимбек уларга: – Узр оғайнилар, бу ерга бахши кам келса, мен ўзим овдан қайтиб боргандан кейин бир катта бахшини ияртиб келайин. Сизлар жормоқ чақа, мурияларингни йиғиб тура беринглар, – деса, одамлар: – Меҳмоннинг ўзи овга кетаётмаганда, кўп ҳангама берар эди-да! Асли ўзи катта бахши бўлса керак, – дейишиб, уй-уйларига тарқалиб кетдилар. Шу орапиқда Ҳакимбек кўзини илдириб олди. "Вақт тахминан саҳар бўлгандир", – деб ўрнидан туриб, кўзини очиб қараса, кампир момоси юқма пиширибди, дастурхон ёзаётир. Ҳакимбек туриб момосига: – Ҳей момо, менга бекорга уйқудан кечиб, ташвиш тортибсиз-да. Лекин сиздай меҳрибон момоларнинг қўлидан таом емак ҳам савоб иш, – деб турди. Шунда кампир момоси: – Йўқ, айланай, мен ҳар тун кам ухлайман. Ахир, ўғлим, менга канча ёрдаминг тегди. Сенинг барокатинг билан ярим ботмонча ғўзам чувилибди. Энди эртага ҳалажидан ўтказиб, ундан кейин чархга йигираман. Ҳа, айтмоқчи овга очдан-оч кетармидинг, болам, – деди. Шунда Ҳакимбек: – Мен овда оч қолмайман, саноқда талқон, халтада сўк бор, чақмоқ, қозонча ҳам бор, момо, – деб кампирнинг келтириб қўйган юкмасини еб, омин қилиб, саҳар ҳеч ким турмасдан момоси билан хўшлашиб, давлатхонадан чиқиб, Бойчиборнинг абзалини ўхшатиб олиб, Чиборга миниб, сувора бўлиб тоғнинг устига қараб, жўнаб

кетди. Шундан кун кўтарила тоғнинг белига етди. Кўнглида: "Шу ерда бир иш қилиб кетай, Қалмоқдан қайтиб келганимгача одамлар эшитиб, тонг колиб юрсин", – деб тоғнинг бели билан киялаб зов ёқларига қараб кетди. Туш бўлай деганда, бир ёқлардан чийиллаб, шерларнинг наърасининг товуши кела берди. Ҳакимбек ўша шерларнинг овози келаётган ёққа қараб кета берди. Шерлар иккита экан. Узоқдан отли одамни кўриб, вовиллашиб, иккови икки ёқ билан Ҳакимбекка кутириб, от қўйиб кела бердилар. Шерлар Ҳакимбекни от-поти билан йиртиб таламоқчи бўлиб, икки ёқдан шамолдай яқинлаб етиб келдилар. Ҳакимбек кўркмай-шошмай, қулайга келтириб, яқинлаб келган шерларнинг ёлидан икки қўли билан ушлаб олиб, икки шерни бир-бирига шундай тўқиштирдики, иккала шернинг ҳам каллалари пачоқ-пачоқ бўлиб кетди. Ҳакимбек шерларнинг ўлигини Бобохоннинг Кўнғирот томонига ошириб: "Бу шерларни Ҳакимбек ўлдирган", – деб шерларнинг кок манглайларига ёзиб, Қалмоқ юртига караб жўнаб кетди.

Бу вақтгача Тойчи подшо: "Ардисар, Алпомиш қайтиб келади, шунда Алпомишнинг корини ким ҳал қилади", – деб беклари билан маслаҳатни қилиб ётди. Шу ораликда: "Ким Алпомишнинг олдига чиқиб, уни боғлаб, кўксини ханжар билан доғлаб беради", – деб алпларига ҳам гап солиб кўрди. Аммо ҳеч ким бу ишга юрак бетлай олмай, охир Тойчи подшо: "Кимки Алпомишни даф қилиб берса, бўйи баробари зар бераман", – деб қичқиртди.

Тойчи вилоятида Сурхайил деган бир жодугар кампир бор эди. Ана шу Сурхайил подшонинг қичқиртганини эшитиб, оқ эшагига тескари миниб, подшонинг олдига бориб, шоҳим, хизматинг мендин бўлсин, – деб шу сўзни айтди:

Бу тилимда алвон-алвон сўзим бор,
Қартайсамда келинчакдай нозим бор,
Хизматларинг мендан бўлсин, Қамайим,
Учқурдирман, парвозим бор, бозим бор.

Алпомишнинг ўзим корин қилайин,
Ани алдаб аввал бошин силайин,
Хизматларинг мендан бўлсин, Қамайим,
Фириб билан чоҳга солиб келайин.

Аввал айтган шартларимни қиласан,
Танга-тиллаларман кўнглим оласан,
Ширмон бўзга яқин бир уй тиктириб,
Ўша уйга мени қўйиб келасан.

Ундан кейин таги тўрт уй берасан,
Ул тўрт уйни оқ кийиздан қиласан,
Менга канизлик қилдирмоқ учун,
Қирқ сулув қиз анда олиб борасан.

Сулув қизлар менман бирга бўлади,
Не буюрсам хизматимни қилади,
Шунда хизматингни битказирар –
Йўлини Сурхайил яхши билади.

Момонг анда бир кун аввал боради,
Ширмон бўзнинг баланд-пастин кўради,
Қулайига караб туриб, подшоҳим,
Жодугарлик тузоғини қуради.

Тойчи подшоҳ Сурхайил кампирнинг бу сўзини эшитиб: – Мана, сенга танга ва тилла, насия эмас, нақд, дарров хизматга туш. Вакт деганинг шириллаб ўтиб бораяпти. Алпомиш баччағарнинг келиши яқинлаб келаяпти, – деб Сурхайил кампирни қулдириб, танга-тилла билан кўнглини тўлдириб, бир-икки хизматкорни келтириб: – Битта ўтовни олиб, бу момони Ширмон бўзга элтиб, ўзига маъқул бўлган жойга ўтовни тикиб бериб, қўйиб келинглар, – деб бояги бир-икки хизматкорга караб, подшоҳ бир сўз деди:

Хизматкорлар бу сўзларни билинглар,
Момомни Ширмонга қўйиб келинглар,
Сизлар анга тобе бўлинглар,
Не буюрса хизматини қилинглар,
Момомнинг анда йўқ ўчоқ-тандири,
Бел, кетмон, тешаман касов олинглар.

Ширмон бўз бу вақтлар эгасиз қолган,
Бойсари элиман жорғи бўлган,
Момом бориб у ерларга эл қилсин,
У ерлар таги яна бўлсин ободон.

Ширмонни Сурхайил момом жойласин,
Ҳукмим билан у ерларни бийласин,
Худой берса, кўра қилсин, мол қилсин,
Давлатманд бўлиб кўп хизматкор айласин.

Хизматкорлар подшонинг сўзи билан ўтовни уловларга орта берди. Шунда Тойчи подшо Сурхайил кампирга қараб: – Сен ишингни қила бер. Мен эртага қирқ сулув қизни тўплаб, тўрт ўтов билан хизматингга юбораман, – деб шу сўзни айтди:

Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Эсон бўлсанг, давлатингни кам дема,
Ўз ишингни битказа бер, Сурхайил,
Сулув-сулув канизлардан ғам ема.

Сиёсатим тикка қилиб қўйдирай,
Қайда сулув қизлар бўлса йиғдирай,
Ул қизларга шоли-шолдам кийдирай,
Ўз ишингни битказа бер, Сурхайил.

Ўз элимга қаҳаримни тўкдирай,
Эртан қабатингдан уйлар тикдирай,
Ғазаб қилганимни янчиб, сийлаганимни
Неъматимдан бериб бўктирай.

Қадрли Сурхайил, бугун кета бер,
Ўз ишингни тубдан маҳкам эта бер,
Ҳар на бўлса, ҳалок бўлсин Алпомиш,
Макр ишлатиб Ширмон бўзда ёта бер.

Ғам ема, Сурхайил, қадринг биламан,
Ўлганингча сени иззат қиламан,
Алпомишнинг агар қилсанг иложин,
Ундан кейин сени ҳам бек қиламан.

Ана ундан кейин хизматкорлар Сурхайил кампирни ияртиб, ўтовни уловларга ортиб, Ширмон бўзга қараб, жўнаб кетди, Ширмон бўзга етди. Сурхайил кампир бир чуқурлов ерни ўнғай кўриб: – Кампир учун қиш кунлари шамолдан панагина жой экан. Ана шу ерга тикинглар уйни, – дея ётир. Хизматкорлар дарров Сурхайил кампирнинг амри билан кўчларни тушириб, шу чуқурликка уйни тикдилар. Ичига тўшанчи-наматларни тўшадилар. Сурхайил кампирнинг ўчоқ-тандирларигача қилиб бериб, ундан кейин жавоб олиб, қайтиб кетдилар.

Сурхайил кампир бу ерда ўзининг оқ эшаги билан қолди. Асли Сурхайил кампир ҳаддили уста лаҳимчи эди. Хизматкорлар кетгандан ҳалиги бел ва теша билан уйнинг қоқ ўртасидан ҳак, деб лаҳим қазий бошлади.

Лаҳимнинг оғзини одам сиққувдай тор қилиб, нариги ич ёғини томдай кенг қилиб, бамисоли подшоларнинг ғазаб зиндонига ўхшаган қилиб, зиндон тайёрлаб, олдиндан қўйилган йўғон хода билан чиқиб, ҳосил бўлган тупрокларни бир овлоқ жарга оркалаб олиб бориб, тўкиб ташлади. Бу ерда йўғон хода нима қилади десангиз, шамолда уй чайқалмасин, деб уйнинг ўртасига тиркович қилиш учун келтирилган эди-да! Шундай бир ярим том бўйи чуқур зиндондан чиқмоққа ўтовнинг тирковуч ходаси қандай бўлди десангиз, Сурхайил гоҳиларда ходанинг учига караб фол очишим керак, деб ходани узун қилиб кестирган эди-да! Хуллоси, кун кўтарилув Сурхайил кампир зиндонни битказиб, оғзини ялпоқ шохли дарахтларнинг шохини Ойна кўлнинг ёқасидан юлиб келиб, зиндоннинг оғзига қадаб, устидан каштали тикайматни тўшаб қўйиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб, ўтовнинг эшигини қулфлаб, уйнинг олдига чиқиб ўтирди.

Тойчи подшо бекларига қахр қилиб, илондай чийиллаб, заҳрини тўкиб: "Қалмоқ элидан тоза вояга етган, бари бирдай сулув қиркта қизни кун чиқмай топиб келасан. Бўлмаса, барингни жорғи қилдириб юбораман", – деб қичқирди. Беклар эртагисин кун чиққангача бари бирдай, очилган гулдай, узун сочли, қалам қошли, эмчаклари иркитдай, тоза бўйга етиб кетган киркта чиройли Қалмоқ қизини Тойчи подшонинг олдига ҳозир қилдилар. Тойчи подшоҳ: – Тўрт ўтов билан бу қизларни Ширмон бўзга олиб бориб, Сурхайил кампирга хизматкор қаниз қилиб беринглар, – деб бекларига қараб, оғзи эски қопдай, мурти шопдай, ҳар панжалари сопдай бўлиб, урти тўлиб, бир сўз деди:

Эй, бекларим, фармонимни тутинглар,
Фармонимман ҳар мақсадга етинглар,
Шу кирк қизларни тўрт ўтов билан
Сурхайил олдига олиб кетинглар.

Бекор сўзни бекорига шоҳ демас,
Сурхайил ҳам сиз беклардан кам эмас,
Қирк каниз айлабди Сурхайил ҳавас,
Шу қизларни анинг хизматига –
Олиб бориб бермасанглар, дим бўлмас.

Энди бу қизларни олиб жўнанглар,
Қайтиб келиб олдимда бу кеч тунанглар,
Сурхайил турганди катта хизматга,
Алпомишнинг келиш кунин сананглар.

Мукаррар Алпомиш қайтиб келади,
Ўзича биз юртни ожиз билади,
Сурхайил кўп маззанг жодугар,
Жодугар қўлида зиндон бўлади.
Лофиллаганлари бурнидан чиқиб,
Ер тагида қолиб чириб ўлади.

Қалмоқ элда ўзимдирман тождор,
Қўлларим пўлатдан, қаҳрим айдаҳор,
Бу қизларни анда олиб боринглар,
Сурхайил момомга бўлсин хизматкор.

Беклар Тойчи подшоҳдан бу сўзни эшитиб, подшоҳига эгилиб таъзим қилиб, бир-икки хизматкорлар билан тўрт ўтовни олиб, уловларга ортиб, киркта қизни ияртиб, Ширмон бўзга қараб йўл тортди. Шуйтиб, кир, адирлардан ўтиб, текис Ширмон бўзга етиб, Сурхайил кампир кўниб ўтирган ерга келиб, қизларни Сурхайил кампирнинг ихтиёрига топшириб, қизларнинг ҳар ўнтаси учун биттадан ўтовни тиктириб, Тойчи подшонинг беклари хизматкорлари билан қайтиб кетдилар.

Сурхайил кампир қизларга: – Энди, қизларим, баринг менинг ихтиёримдаги канизсизлар. Ҳали сизлар курук ҳавойи бўлиб ўсиб, бўйга етган билан фақат тухумоч билан бўтасолдидан бошқа ўйинни билмай ўсгансизлар. Бу ерда баринг сипоҳича бўлиб, юриш-туриш қилишинг керак бўлади, – деб таълим бера берди.

Ҳар куни эртан-мертан турасиз,
Бирдай менга эгилиб салом берасиз,
Юрганда ҳам, турганда ҳам оғзима –
Қараб, шуни билан ҳар ён борасиз.

Мен турсам – турасиз, ётсам – ётасиз,
Мен сўзласам, сизлар ҳам сўз қотасиз,
Қўлим ёзиб қилар бўлсам ишорат,
Унданкай ётмоққа тарқаб кетасиз.

Мабодо ол десам, бирдан оласиз,
Ора йўлда қол десам, қоласиз,
Сипоҳилик одат шундай бўлади,
Ўл дер бўлсам, бирдан ётиб ўласиз.

Деб Сурхайил кўп маззанглик этади,
Қизларга ётинг деб ўзи ётади,
Мана бул ўл деганим бўлади –
Деса, қизлар сулаб, тошдай қотади.

Мана бу юр деганим бўлади,
Деб қизларга таълим қилади,
Кампирнинг айтганин бажаролмай,
Бир хиллари кийқинглашиб кулади.

Мосиқмай ўлгурлар, бунча кулманглар,
Мендай хўжайин бекага осий бўлманглар,
Биласиз, бу ишлар Қамай буйруғи,
Ҳозир кулиб кейинчаликка –
Жувонмарглар, пушаймон бўп қолманглар.

Деб момоси киркин қизни дўғлайди,
Ўзини бу ерда бир бек чоғлайди,
Сиёсатга шу хитобни урдириб,
Сочин ечиб керагага боғлайди.

Қизлар энди ўз ҳаддини билдилар,
Момосига бари тавба килдилар,
Нима деса, буйруғига бўйсуниб,
Пахтадай мулойим бўлиб қолдилар.

Шуйтиб, Сурхайил кампир киркин кизларга уч-тўрт кун таълим бериб, ундан кейин барига бир сидра бир хилдан кийим кийдириб, кип-қизил гул лоладай яшнатиб қўйди. Шунда Сурхайил кампир кўп маззангликларни қилиб, кошини чимириб кулиб, киркин қизларга қараб, бир неча жойдан тимсол келтирган бўлиб, баччағар жодугар бир сўз деди:

Қизларим қамишдай хар ён буралар,
Буралган сочлари белга ўралар,
Буркабди барингга қоши коралар,
Бу сухбатга бир бўз йигит лозимдир.

Олатоғнинг ошувида киялар,
Қияларга кирғий қўйган уялар,
Кўзларинг хумордир, юзлар зиёлар,
Бу сухбатга бир бўз йигит лозимдир.

Қизлар кулса, қаламли қоши кайрилар,
Қулоққа интилиб, қуйи эгилар,
Баринг соҳибжамол, бурни суйрилар,
Бу суҳбатга бир бўз йигит лозимдир.

Шилдирайди заррин пўпак илмаги,
Лола очилтирар ёрнинг кулмаги,
Қайда бор кирк қизнинг бирга бўлмоғи,
Бу суҳбатга бир бўз йигит керакдир.

Тоғда бўлар бойчечакнинг тармоғи,
Хина бўлар нозли ёрнинг бармоғи,
Қайда бўлган кирк қиз суҳбат курмоғи,
Бу суҳбатга бир бўз йигит лозимдир.

Йигит керак бунда базм курмокка,
Барингга косагул бўлиб турмокка,
Ўйна деса, ўйин қилиб бермокка,
Бу суҳбатга бир бўз йигит лозимдир.

Сурхайил чарх урса, тоғлардан ошар,
Шамолдай бўп юрт-элатга ёндашар,
Қиркингга бир йигит бўлса ярашар,
Бу суҳбатга бир бўз йигит лозимдир.

Шунда Сурхайил момосидан қизлар бу сўзни эшитиб: – Ундай бўлса, момо, ўзингиз биласиз-да. Бу мушкил ишнинг ҳам иложини ўзингиз қиласиз-да. Бизлар нимани биламиз. Не десангиз, шуни қиламиз. Энди бўз йигит борми, бошка борми, ўзингиз топиб келасиз-да, – деяётир. Шунда Сурхайил кампир: – Бўлмаса, сизлар бу ерда тура туринглар. Мен ўзим излаб, бир йигит бачча топиб келай, – деб оқ эшагига тескари миниб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига қараб кетди. Бу ёқда қизлар ўлгур: "Бу момом нималар деб маззанглик қилади", – деса, бир хиллари: "Сен нимани биласан. Қамайнинг олдида юрган, ўтириш-туришини кўрган, ҳамма ўбол – савобни бу момом билади-да", – деяётир.

Алқисса, Сурхайил кампир Ойна кўлининг нарги бетига бориб, Ҳакимбекнинг ўтишини пойлаб юрди. Кунлардан бир кун устида сақирлат чакмон, путида чолбар, Бойчиборни миниб, Ҳакимбек Сурхайил кампирга дуч келиб колди. Шунда Сурхайил кампир тахмин билан Ҳакимбекни таниб, маззанглик билан бикинига кўлини тираб, Ҳакимбекка караб,

билмаган киши бўлиб, толмовсираб, йўл бўлсин, болам, – деб шу сўзни айтди:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Узунли-кискали тўнинг мўл бўлсин,
Ғайри юртдан ошиб келган, бек йигит,
Йўл бўлсин, йўл бўлсин, сенга йўл бўлсин?

Йигитлар ичида бир алп сарасан,
Билмам кимга душман, кимга жўрасан,
Бундан ўтиб қай ерларга борасан,
Алп сиёкли йигит, сенга йўл бўлсин?

Олатоғ тошлари токчама-токча,
Ушлашса ҳам ҳар қайсиси бўлакча,
Тарзингга қарайман, мисли бек бачча,
Қарчиғай сиёклим, сенга йўл бўлсин?

Қалмоқ элатида мен бағри кабоб,
Сендай йигитларман гаплашмоқ савоб,
Ғамзода момонгга бергин-да жавоб,
Талпинган шунқорим, сенга йўл бўлсин?

Давлатлилар қизил-яшил ўрайди,
Борсанг, момонг хизматингга ярайди,
Шуйтиб бунда борар ёғинг сўрайди,
Меҳмон сифат йигит, сенга йўл бўлсин?

Ҳакимбек Сурхайил кампирнинг бу сўзини эшитиб, унга жавоб бериб, кампирга қараб, мўйловини бураб, узангига оёғини тираб, бир сўз деди:

Алпомишман, Қўнғирот элдан келаман,
Тойчида касдим бор, ўчим оламан,
Эшитган чиқарсан ўзинг ҳам, момо,
Барчинни олиб кетган мен бўламан.

Тўксон алпдан тулпорини ўздирган,
Кураш куни барин йиқиб тўздирган,
Минг қадам узоқдан нишонни урган,
Элини тонг қолдирган мен бўламан.

Қалмоқлар бошига битган баломан,
Қасд килган ғанимнинг жонин оламан,
Бориб Тойчи шоҳни зиндон қиламан,
Атанган Алпомиш мен бўламан.

Бир мамлакат ҳайбатимга поримас,
Баланд тоғнинг ёзда қори аримас,
Шерга ҳеч бир пилла тулки доримас,
Наърагар Ҳакимбеги мен бўламан.

Қўнғирот дейди ўйнаб-ўсган жойимни,
Ҳеч ким билмас кўнглимдаги ўйимни,
Кўп тўхтатиб, қайтармагин райимни,
Шаштиман келган паҳлавон мен бўламан.

Тойчи Бойсарини жорғи килдирган,
Эл-элатга менманлигин билдирган,
Шуйтиб менинг ғазабимни келтирган,
Ғазабман келган беги мен бўламан.

Сурхайил кампир Ҳакимбекнинг бу сўзидан аниқ бу келган бегона киши Алпомиш эканини билди. Шунда маззанглик килиб, Ҳакимбекка караб, бир сўз деди:

Тойчи бўлмай ўлсин Қамай атаниб,
Зулмидан нечовлар ёнар ўртаниб,
Ким гартак бой бўлса, жорғи айлади,
Мол-мулкига кўз олайтиб ютиниб.

Мен ҳам бир вақтлар гўзал ой эдим,
Ширмон бўзда от кўтарган бой эдим,
Бир кун Тойчи хароб қилди ҳолимни,
Давлатмандликда шоҳга тай эдим.

Бир кун Тойчи хароб килди ҳолимни,
Зулм билан тартиб олди молимни,
Зиндон қилди ҳар азамат улимни,
Шуйтиб, хазон этди боғда гулимни.

Қирк улим зиндонда чириб ўлганди,
Мен шўрлига шуйтиб хабар келганди,

Қирқ келиним уйда кўздан осилиб
Бариси ҳам есир бўлиб қолганди.

Мен йиғладим ўз-ўзимдан куйиниб,
Йиғлашимга золим беклар суюниб,
Қирқ келинман бунда колиб, чироғим,
Бошқавотдан мол-ҳол қилдим йиғиниб.

Эшитганман, сени яхши биламан,
Тушиб ўтсанг, жон деб хизмат қиламан,
Бойсарининг боришиб-келишиб юрган,
Кўнгилсоз ҳамсоясидан бўламан.

Бой акам мениман қатнашар эди,
Гоҳ мен бориб, гоҳ улар келар эди,
Шуйтиб агар бундан ўтса куёви,
Бир туширсам деб ниятим бор эди.

Юргин, болам, уйга олиб кетайин,
Бир кечага сенга хизмат этайин,
Жойига тушсин қилиб юрган ниятим,
Ўз қўлимман сенга нон-туз тутайин.

Сурхайил кампир Ҳакимбекнинг отининг жиловини ушлай кетди: – Юринг, куёвжон, киркта есир келиним бор. Бариси сенга янга бўлади. Сенга инти-жинти бўлади, жон деб хизмат килади. Мулла Ҳакимжон, ўзингни бир меҳмон қилсам, деб интиқиб кўриб юрган эдим. Айланай, жонимни қоқай, оёкларингнинг остига боқай. Янги топиб олдим сендай улимни, энди экайинда райҳон гулимни. Шошдим, довдираб қолдим боса билмай йўлимни, – деб минг хил вой-воякдардан наъмалар ўқиб, мазанглик билан сўзни сўзга тўқиб, балодай тармашиб, Ҳакимбекни ҳол-жонига қўймай ияртиб, Ширмон бўзга қараб олиб кетди. Ҳакимбек хам Сурхайил кампирнинг бундай айланиб ўргила берганига шошиб колиб, Ойна кўлнинг ёнбошидан ўтиб, Чилбир чўлнинг чеккасига етиб, ундан кейин ҳа демай Ширмон бўзга хам етди. Сурхайил кампир: – Болам, сен ой Барчинжонни олиб кетгали келганингда меникини кўрмаганинг – уйим чукурлок ерда эди. Илгари Тойчи кирк ўглимни жорғи қилмасдан аввал кирк ўтовимиз бор эди. Бари уйларимни золим подшонинг беклари бузиб олиб кетди. Йиглаб-сиктаб, айланиб, беш уйимни тиланиб олдим. Қирқ келиним тўрт уйда туради. Ҳозир сени ўзим ўтирган уйга

меҳмон қиламан, – деб Ҳакимбекнинг олдида ок эшаккинасини халалаб йўрғалатиб бораётир. Шуйтиб, чуқурлов ерга ҳам етиб бордилар. "Момом айтган йигит баччасини топиб келаяпти", – деб киркин қизлар далага чиқиб, бир хиллари Ҳакимбекнинг отини ушлаётир, бир хиллари Сурхайил момосининг эшагини ушлаётир, "Момом тушмагур айттанини келтирибди", – деб бир хиллари кўнглини хушлаётир. "Не балоси келди. Шунча қизнинг ичига бу одамни қўшиб қўйса, уят бўлмасмикан", – деб бир хиллари лабини тишлаётир. "Бу одам олса, мени танлаб олар", – деб бир хил олифтатоблари ғамза билан биқинини ушлаётир.

Шуйтиб, қизлар Ҳакимбек билан Сурхайил кампирни уловлардан туширдилар. Дарров Сурхайил кампир бошқача маззангликни бошлаб йўрғалаб: "Бугун меҳмон сизларга йўк. Ғам еманглар, шу йигитга бўла берингглар. Кўнгил тўк. Ўлгурлар, баринг ҳам жуда қиллинглаган шўх, фақат зиёфатни куюк қила берингглар. Бугундан кейин бу ўғлимнинг кўнглини ола берингглар, унгача пардоз-андоз билан бўла берингглар", – деб Ҳакимбекни қулфлоқлик уйга олиб кириб, буклаб тўшалган такайматнинг устига ўтқизди. Шу пиллаёк, такайматнинг таги лўп этиб ўйилиб, Ҳакимбек осонгина Сурхайил кампирнинг зиндонига тушиб кетди. "Марднинг бошига иш тушади, номарднинг бошига нима тушади", – деб Ҳакимбек бўлар иш бўлганини билиб, ўзи билан чулғошиб тушган такайматни тўшанчи қилиб, зиндонда сабру тоқат қилиб ўтира берди.

Бу ёқда Сурхайил кампир қизларга: "Меҳмонбачча жуда узоқдан ҳориб келган экан, тахминча ўн кунча ухласа керак. Сизлар меҳмонбаччанинг отига ёндашманглар. Бу от анча қийиқ кўринади. Бунга ёндашсанглар, бир ходиса қилиши мумкин", – деб Бойчиборга ўзи аввал-аввал олдига нон ташлаб, кейин аста-аста идишда ем, сув бериб, кейин-кейин қашлаб, емини тўрба билан илиб, Бойчиборни ўргата берди... Хулласи, ўн кунгача Бойчиборни тоза ўзига ром қилиб ўргатди. Ўнинчи кун кечаси Сурхайил кампир тағин бир бошқача маззангликни бошлаб, киркин қизларни ярим кечада уйғотиб: – Ўлгурлар, тез туринглар, ёв келди, – деб қичқириб, бу сўзни айта берди:

Жувонмарг ўлгурлар, дарров туринглар,
Билмай копмиз, Қўнғирот ёқдан ёв келди,
Тезироқ кетайик бундан, юринглар,
Ширмон бўзни жовлик босиб ёв келди.

Жон қизлар ғафлатдан кўзни очинглар,
Тўш-тўшга караб энди қочинглар,
Ҳар кимга керак ўзининг жони,
Илож топиб ҳар тарафга учинглар.

Қайга етар момонгнинг қилган нолиши,
Қизларим, шу экан фалакнинг иши,
Бизга чап сўғибди анинг гардиши,
Бундайда ётарми ғафлатда киши.

Ўлгурлар, дарров-дарров турингглар,
На қиларман, менга жавоб берингглар,
Ойна кўл ёқдан бостириб ёв келади,
Қалмоқ элга қараб коча берингглар.

Бу сўзни уйқу орасида қизлар эшитиб, саросимага тушиб, кўйлак деб иштон кийиб, иштон деб кўйлак кийиб, подшоҳликнинг сиёсати ҳам кўзига кўринмай, жон ҳолида ҳар қайси бўлак-бўлак бўлиб, тўртта бир, бешта бир дуч келган ёғига қараб, қочиб кетдилар. Сурхайил кампир шундай ҳийла билан қиркин қизларни қочириб, ўзи Бойчиборнинг белига миниб, Тойчи подшонинг олдига бориб, ўз қилмишидан, зафарли ишидан хабар берди. Подшоҳ бу куни ишончли одамларини юбориб, Ширмон бўздаги уйларни буздириб келди. Шуйтиб, Ҳакимбек одамсиз бўзда банди зиндон бўлиб қола берди. Тойчи подшоҳ Сурхайил кампирнинг қадрига етиб, уни бекларининг устидан катта қилиб қўйди. Бойчиборни бир маҳкам таблага солдириб, ем-емишдан, сувидан хабар оладиган ҳам Сурхайил кампир бўлиб қолди.

Ҳакимбекдан дарак бўла бермагандан кейин Бойбўрибий билан Жонтувал бетоқат бўлиб, Қоражоннинг олдига келиб, шунда Бойбўрибий бир сўз деди:

Биласан Қалмоқнинг баланд-пастини,
Келмай қолди, Ҳакимбекка на бўлди,
Тортинмай айта бер гапнинг ростини,
Ғайри юртда Ҳакимбекка на бўлди?

Алпимга қалмоқлар ҳийла этдими,
Алдаб-суллаб, кўпайлашиб тутдими,
Шоҳлик даврларим мендан ўтдими,
Келмай қолди, Ҳакимбекка на бўлди?

Бандаргоҳ-бандаргоҳ беллардан ошиб,
Кетдими асир бўп кўлларга тушиб,
Мен бунда ақлу ҳушимдан адашиб,
Ғайри юртда Ҳакимбекка на бўлди?

Ота-эна хунобалар ютибдур,
Келар мудлатидан анча ўтибдур,
Ё умрин офтоби ерга ботибдур,
Келмай колди, Ҳакимбекка на бўлди?

Ўз элингда ўйнаб-кулиб юргансан,
Ўр-кирини-чукурини кўргансан,
Билмаганни билгандан сўрагансан,
Ғайри юртда Ҳакимбекка на бўлди?

Борай десам, йўллар узок,
Бормасам, куйдирар фирок,
Қўйганмикан душман тузок,
На бўлса кўзимдан йирок,
Келмай колди, Ҳакимбекка на бўлди?

Қалмоқ шохи шундай зўрми,
Ўзи золим, феъли ўрми,
Ўғлимдан ғолиблар борми,
Ғайри юртда Ҳакимбекка на бўлди?

Бу сўзни Бойбўридан Қоражон алп эшитди. Шунда Қоражон Қалмоқ юртининг паст-баландини баён килиб, Бойбўрибийга караб, бир сўз деди:

Тойчи деган Қалмоқ элнинг шохи бор,
Калласи гумбаздай, бўйи бир минор,
Панжаси мисоли бир шоҳли чинор,
Ўзи ҳаддан золим, феъли айдаҳор.

Ханжар урса кора тошга ботади,
Ўтовдан тошларни юз газ отади,
Бек алпингдан бошка унга,
Қандайин шаҳбознинг кучи етади.

Ундан кейин боз бир зўри Кўкалдош,
Дев сиёкли, калин кобок, бағритош,
Буниси хам хаддили зўр баччагар,
Алпингдан қўркмас сўккабош.

Қоражон Қалмоқнинг барин билади,
Бошқасининг иложини қилади,
Лекин кўпайлашиб бирдан таласа,
Тўртови ҳам мингга баланд келади.

Шунда ҳам биллдирмай бориб келарман,
Не бўлса ҳам бўлганини билармаи,
Ё мен ҳам азиз дўстимни деб,
Золимларга асир бўлиб коларман.

Ҳарна бўлса сен сабр қил, Бойбўри,
Ўзингсан бу Бойсин-Кўнғиротнинг зўри,
Сен кетиб бу ерни душман олмасин,
Тағи ўғри Ултонтозга колмасин.

Нимага деганда, шу кунларда Кўнғиротнинг ола кўзли бузук тўпидан Ултонтоз деган ўғри бачча чиқиб: "Энди Алпомиш Кўнғиротга қайтиб келмайди. Келса, шу вақтгача келар эди. Бу Бойбўрибий бўлса, кексарай деб колди. Жўралар, куч тўплайлик. Шу юртга ўзимиз эга бўлиб, Алпинбий авлодини боплайик. Буларнинг энди шунча вакт килиб келган бийликлари ҳам етар", – деб бешта, олтита жўраларига гап таркатиб юрганини Бойбўрибий ҳам оз-моз эшитган эди. Шуйтиб Бойбўрибий Қоражонга: – Тўғри айтасан. Мен ҳам бу Қалмокка борган билан менинг қўлимдан нима келади. У Тойчи деган зўр подшоҳ бўлса, ундан кўра бу ерда беш-олти йигитга ҳойборок солиб, Кўнғиротни Ҳакимбек келгунча тутиб турганим маъкул. Майли, сен бор, жосус бўлиб бориб кел. Агар Ҳакимбек банди бўлган бўлса, ҳар йўл билан бўлса ҳам уни кутилтириб кел, – деб Бойбўрибий зор-зор йиғлаб, Қоражонга қараб, бир сўз деди:

Йиғлайман-йиғлайман, зор-зор йиғлайман,
Иложим йўқ, бунда нима қилайман,
Сени ҳам бир ўғлим дедим, Қоражон,
Нетайин, ўзингга кувват тилайман.

Қалмоклар юртига ўзинг боргайсан,
Пасту баландини излаб кўргайсан,
Иложи борича килиб ғайратни,
Алпимнинг йўлига кушод бергайсан.

Юрагимда бир тузалмас ғамим бор,
Кирпигим устида катра намим бор,

Бугунги кун сирдошимсан, Қоражон,
Дардим айтар сендан бошқа кимим бор?!

Яширин кет, кетганинг ҳеч ким билмасин,
Душман билиб тағи қасдлик қилмасин,
Эҳтиёт бўл, Қоражон болам, ҳар ерда,
Тағи эмас жойда бир гап бўлмасин.

Мен бунда тилакдош бўлиб турайин,
Ҳали бекман беклик ҳукмин сўрайин,
Худойдан умидим кўпдир, Қоражон,
Бахт-иқболнинг охирини кўрайин.

Қоражон Бойбўрибий билан гапни бир қилиб қўйиб, кечаси яширинча ҳдан чиқиб кетди. Шу кетгандан кетиб, йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, бир Балх ва Самарқандга ўхшаган савдохона шаҳарга етди. Шу ерда отини абзали билан бозорда сотди. Пулига бир эшак абзали билан ва бир хуржун ҳам майда-чуйда бўёқ, сакич, хина, ипакка ўхшаган нарсалар олиб барини халтачаларга тугиб, халтачаларни хуржунга солиб, хуржунни эшакка ортиб, резавор сотқувчи бўлиб, эчкининг жунидан иягига ширичлаб, ясама соқол қилиб, бошига бостириб қозондай беяроқиқ телпак кийиб, Қалмоқ юртига караб кетди. Шуйтиб, эл кезиб, кўп машақатларни бошидан ўтказиб, Қалмоқ юртига етди. Қалмоқнинг чекка овулларида резаворфурушлик қилиб, гап ангниб юрди. Одамларнинг гапидан маълум бўлса, Ҳакимбек бир номаълум жойда Сурхайил кампир томонидан зиндон қилинибди. Қоражон буни билиб, Қалмоқ юртининг одамсиз адирларини кезиб, зиндонни ахтариб юрди. Биров кўриб колса, резаворфурушман, овуллар қаёқда, деб талмовсираб ўтиб кетар эди. Аммо ҳеч нишонасини тополмас эди. Шу аҳволда Қоражон жуда кўп сарсон-саргардон бўлиб, юриб-юриб гузари Ширмон бўзга тушди. Бугунча Қоражон бир неча кизларни Сурхайил Ширмон бўздан ёв келди, деб қочирганини эшитиб колиб, ўз ақлига иш буюриб, шу Ширмон бўзда зиндон борлигига гумони колиб бўлиб, ҳақ, деб Ширмон бўзнинг жари ҳам колмай, чукури ҳам колмай, дўнгги ҳам колмай, излай берди. Охири, бир кун бир чукурлов ерга келса, ердан қазилган ўчоқнинг ўрнидай кудукка ўхшаган жойни кўриб колди. Дарров эшагидан тушиб чукурга караса, ичи кенг зиндон шаклли жой экан. Қоронғиликдан ичкарида одамми, ё бошқами бор йўклиги билинмайди. Шунда Қоражон коронги кавакка қараб, бу ерда жон борми, деб сўраб, бу сўзни айтди:

Одамзодни бир кўрарга зормисан,
Кўршапалак, укки билан ёрмисан,
Соткувчиман, ахволингни сўрайман,
Қудук ичра бирор жонзод бормисан?

Ер остида диклик тортиб хормисан,
Ёруғлик оламга интизормисан,
Соткувчиман, ахволингни сўрайин,
Зиндон ичра бирор жонзод бормисан?

Мендайин мушфиққа талабгормисан,
Ер тагида ётган мурдавормисан,
Соткувчиман, ахволингни сўрайман,
Қудук ичра бирор жонзод бормисан?

Ким бўлсанг-да билдир менга ўзингни,
Жонинг бўлса эшитайин сўзингни,
Коронғида оз-моз шуъла урган –
Кўраман зўрға кўша кўзингни,
Зиндон ичра бирор жонзод бормисан?

Бундан аввал бу зиндон устидан бир ўтинчи бобо келиб, Ҳакимбекка рахми келиб, хар куни ёрти-юрти нон, оз-моз сув бериб кетиб юрар эди. Шу кунларда ўтинчи бобо касалланиб ўлган эди. Шуйтиб, беш-олти кундан бери Ҳакимбек оч ва сувсиз колган эди. Қараса, худди товуши танишдай биров даладан, бу кудукда жонзод борми, деб туриб сўраган кишининг саволига жавоб бериб, бир сўз деди:

Гунохи кўп, бир осий бандаман,
Қилмишимдан ҳам шармандаман,
Шуйтиб ўз бахтидан афғондаман,
Танишга ўхшайсан, ўзинг кимдирсан?

Худди эшитганимдай хар сўзинг,
Сўрайсан бақириб, кимдирсан ўзинг,
Қулоғимга мойдай ёқар овозинг,
Танишга ўхшайсан, ўзинг кимдирсан?

Тоғдан бери томи-тошдан томолар,
Бу зиндонга бахти кайтган қамалар,

Сени кўнглим дўстдирми деб чамалар,
Танишга ўхшайсан, ўзинг кимдирсан?

Қоронғи зиндонда ғамдир ҳамдамим,
Ичим ёрай дейман, йўқдир ҳеч кимим,
Шу ер бўлди менга байтулҳарамим,
Танишга ўхшайсан, ўзинг кимдирсан?

Бахти ёр бўлганга давлат боқади,
Давлатмандниинг суви ўрга оқади,
Товушинг кулоғимга мойдай ёқади,
Танишга ўхшайсан, ўзинг кимдирсан?

Шунда Қоражон Ҳакимбекнинг саволига жавоб бериб, бир сўз деди:

Камбағалман, ўз бахтидан тинмаган,
Давлат деган тушимга ҳам энмаган,
Кезгувчиман бир манзилда кўнмаган,
Аслим сўрсанг, Кўнғирот элдан келаман.

Соткувчиман, кўп элларни биламан,
Кўп турсам, ҳар юртда бир ой қоламан,
Касбим резоворфурушлик қиламан,
Элат кезиб, Бойсун элдан келаман.

Кўп кезиб, мадорлар қолмади танда,
Соткувчилик касби қурсин, кўп жўн-да,
Келсам, бордай бўлди чоҳда бир банда,
Ўзим сўрсанг, Кўнғирот элдан келаман.

Қашшокликдан бу юраклар кабобдир,
Кўп кеза бермагим жуда нобобдир,
Аммо сендайларни сўрамоқ савобдир,
Оч қолсанг, талқон билан сув берай,
Ундан кейин олай сендан жавобди.

Ана энди Ҳакимбек бу келган одамни кўнғиротлик экан, деб билди. Шунда ота-энасини, ой Барчин ёрини, Қалдирғоч ғамгузорини, Қоражон дўсти ва Култой бобосини сўраб, даладаги одамга қараб, бир сўз деди:

Баланд-баланд тоғнинг боши туманми,
Бу бандлардан қутулмоғим гумонми,
Қўнғиротдан келган бўлсанг, йўловчи,
Бойбўри ғамгузор отам омонми?

Бу жойларга тушган банди зиндонми,
Ё бўлмаса асли бахти ёмонми,
Қўнғиротдан келган бўлсанг, йўловчи,
Мехрибон Жонтувал энам омонми?

Ҳакимбекман, менга охир замонми,
Айру қолиб анда сийнаси қонми,
Қўнғиротдан келган бўлсанг, йўловчи,
Қора кўзли Барчин ёрим омонми?

Баланд-баланд тоғнинг усти кормикан,
Адашганлар бир-бирига зормикан,
Қўнғиротдан келган бўлсанг, йўловчи,
Қоражон деган полвон бормикан?

Одамни ўйлатган номус-ормикан,
Биздайларга кенгиш олам тормикан,
Қўнғиротдан келган бўлсанг, йўловчи,
Қалдирғочдай синглим менинг бормикан?

Ҳакимбекка дарду кулфат ёрмикан,
Шу сабабдан зиндон ичра хормикан,
Баён бергин, қўнғиротлик йўловчи,
Қадри баланд Қултой бобом бормикан?

Ҳакимбекнинг сўзидан Қоражон зиндонда ётган Ҳакимбек жўраси эканини билди. Лекин Ҳакимбек ўзини Барчиндан ҳам кейин сўрагани малол келди: "Ҳе, аттанг, жўрам мендан ҳам ёрини илгари кўрар экан-да! "Қоражон жўрам" демай, "Қоражон деган" дейди", – деб Ҳакимбекка ўзини танитиб, пича ўпкалаб, бир сўз деди:

Мен сени ахтариб келсам,
Йўлингда жон фидо қилсам,
Қоражон деган жўранг бўлсам,
Нега чинингман сўрамадинг?

Кўнглингга бу дўстинг ётдай,
Борми дединг омонатдай,
Омонми десанг уятдай,
Нега чинингман сўрамадинг?

Анчайин бул ҳавасмидим,
Биродаринг эмасмидим,
Мен қиёматлик дўст эдим,
Нега чинингман сўрамадинг?

Отангни сўрадинг хўп дединг,
Энангни сўрадинг жуп дединг,
Ундан кейин ёринг сўраб,
Баридан сўнг мени дединг,
Нега чинингман сўрамадинг?

Майли кечирар Қоражон,
Менга бахтдир бўлсанг омон,
Қўлинг узат, ташлай арқон.
Сўрамасанг ҳам майли мени,
Чиқариб олайин сени.

Шунда Ҳакимбек Қоражоннинг бу ўпкасини эшитиб, даладан келиб чақираётган киши дўсти Қоражон эканини билиб, далага қараб, Қоражон жўрасидан узр сўраб, бир сўз деди:

Ғафлат босган бир нодон эканман,
Сенинг кадринг билмай юрган эканман,
Шуйтиб сени кейин сўрган эканман,
Қиёматлик дўстим, энди кечиргин.

Ташнадирман аввал бир сув ичиргин,
Бошимдаги ғам-аламни ўчиргин,
Озод айлаб, энди кўзим очиргин,
Ҳақиқатли дўстим, мени кечиргин.

Кўзим хира эди таний билмадим,
Яна бири тоза бовар қилмадим,
Душманми деб сени аниқ сўрмадим,
Қиёматлик дўстим, энди кечиргин.

Сенга минглар раҳмат, излаб келибсан,
Излай-излай ётган жойим билибсан,
Қўлинг узат, чиқарай, деб турибсан,
Танимабман, дўстим, мени кечиргин.

Соп бўлгандай бунда сабру тоқатим,
Бир фасл турарга йўқдир ҳолатим,
Зиндон ичра қайғу-ғамдир улфатим,
Азиз дўстим, меҳрибоним, кечиргин.

Шунда Қоражон Ҳакимбекнинг бу сўзини эшитиб, ўпка қилганига ўзи уялиб қолиб: – Жўра, фурсат ғанимат, бу ер айтишиб ўтирадиган жой эмас. Тез бўл, мана арқон ташладим. Дарров белингга боғлаб ол. Мен тортиб чиқарай. Ундан кейин нима бўлса, маслаҳатлашиб кўрармиз, – деб олдиндан тайёрлаб қўйган чўммоқловли арқонни хуржунидан чиқариб ёзиб, зиндон ичига солди. Ҳакимбек сермаланиб Қоражон юборган арқоннинг учини топиб олиб, дарров қўлтиғидан ошириб, белига боғлаб: – Тайёр бўлдим, энди торт, – деб қичқирди. Қоражон қулочлаб ола берди. Зиндоннинг ярмига келганда Ҳакимбек ўйлаб: "Эй, кўнглим билан ақлим, душманинг билан шундай муомалада бўлки, бир кун эмас-бир кун сенга дўст бўлиб қолса, ундан уятли бўлма. Дўстинг билан шундай муомалада бўлки, бир кун эмас-бир кун душман бўлиб қолмаса, ундан бир гап билан изза бўлма. Бир кун эмас-бир кун Қоражон дўстим менга душман бўлмаганда ҳам, бирор ўтириш-туришда "Сени зиндондан мен халос қилган эдим", деб оғзидан чиқиб кетса, билки бошқалар учун менинг шаънимга иснод туғилади. Яхшиси, шу зиндонда қолай. Бахтим бўлса, ўлмай бир кун чиқарман. Бўлмаса, ажалим етса, шу ерда ўлиб кетарман", – деб пичоқ билан арқонни шартта кесиб юбориб, лўп этиб қайтарилиб жойига тушиб кетди. Шунда Қоражон Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Интилган билан чиқмадинг,
Кўришиб қўл сиқмадинг,
Ёки тўғри бокмадинг,
Асли кўнглинг ирик экан.

Ичкаридан Ҳакимбек жавоб берди:

Интилиб чиқар эдим,
Кўришиб қўл сиқар эдим,
Сенга тўғри бокар эдим,

2470 Узилиб кетса, нима қилай,
Бу арқонинг чурик экан.

Қоражон тағи пичи қулоқ солди. Зиндоннинг ичидан бошқа товуш чиқмади. Қоражон тағи бир-икки "Мулла Ҳаким!" деб қичқирди. Лекин қоронғи зиндонда ҳеч шобирни англамади. Энди нима қилади. Қайтиб Тойчининг хизматига борса, алплар йиғилиб буни ўсал қилади, терисини шилади. Кўнғиротга борса, Ҳакимбекни олиб бора олмагани учун Бойбўрибийдан уялади. Охир ўйлаб: "Нима бўлса ҳам Кўнғиротга бориб, Бойбўрибий отамга кўмакдош бўлиб турай. Ҳакимбек дўстим бир бахти чиқиб, зиндондан чиқса, унга ёруғ юзли бўлай", – деб Кўнғиротга қайтиб кетди.

Шуйтиб, бечора Кўнғиротга келса, бу ёқларда "Ҳакимбек Қалмоққа бориб, Тойчи подшонинг қўлида ҳалок бўлибди", деган овоза таркалиб, ундан кейин Ултонтоз Бойбўрибийнинг юртида ўзини подшо деб элон қилибди. Шуйтиб, Бойбўрибий, Жонтувал, ой Барчин, Қалдирғоч, Қаттойларнинг ҳоли танг бўлибди. Ой Барчин Ёдгор деган бир ўғил кўрибди. Лекин хору зордай бўлиб юрибди. Шуйтиб шоҳлик даврини Ултонтоз сурибди. Яхши кўрганларига амал берибди, ёмон кўрганларини сўкиб урибди. Қоражон бундай ҳолларни кўрибди, девонага ўхшаб қолибди. "Кечдим дунёнгдан", – деб Кўнғиротнинг бу бетидаги тоғнинг орасидан йироқда алқор, такани ов қилиб, гўштини чўққа пишириб еб, шу ҳолда юра берди.

Кайқубод кал деган Кўкалдош алпнинг чўпони бор эди. Ўзи сонда йўқ, саноқда йўқ бир етим бечора эди. Кўкалдош Кайқубодга гартак-гуртакгина ҳак бериб, қўй боқтириб қўйган эди. Кайқубод ичида: "Ҳак бермаса ҳам майли, шу эшикда юрсам бўлгани", – деб қўяр эди. Нимага деганда, Кўкалдошнинг ой Товка деган бўй етган қизи бор эди. Кайқубод ана шу Товкага ўлгидай хуштор эди. "Ардисар мендай кални бу писанд қилмас, Кўкалдош менга бермас, менга шунинг бўйини, хулқ-атворини, гапириб кулишини, қўйларга караб юриб келишини, тим кора қуй сочларини, кайрилма кора қошларини ҳар кун бир кўриб, ичимда "эй Товкажон, жоним сенинг хизматингдаман", – деб қўйсам, шуйтиб унинг юзига бир боқиб тўйсам, шунинг кўйида юриб курбони бўлсам, ана шуниси бўлади", – деб юргувчи эди. Якинда Қоражон Ҳакимбек жўрасининг ҳолидан хабар олгани зиндоннинг бошига келиб, пичи нону сув бериб кетган эди. Шундан бери орадан анча кун ўтиб, Ҳакимбек жуда ночор ҳолда зиндонда ётар эди. Шу якин кунда катта гулдурли ёмғир бўлиб, сув ҳам кўп кетиб, зиндоннинг лабига якин жойлари бўшашиб кетган эди. Худди шундай вақтда Кайқубод бу ерларга қўй боқиб келиб қолди.

Кайқубоднинг қўйларининг ичида бир катта ола гўстам бор эди. Ана шу гўстам ўзидан ўзи қиликсиб, зиндон бошига бориб қолди. Лаби нам билан бўшаб-бўшаб турган эмасми, зиндоннинг ўчоқдай оғзи чанғарокнинг тешик андозасидай бўлиб ўйилиб, ола гўстам гуп этиб ичига тушиб кетди. "Ҳа, сабил гўстам чуқурликка тушиб кетди. Бу ер бўрининг уясими десам, тўғри чуқурга ўхшайди", – деб Кайқубод гўстам тушиб кетган чуқурга қараб чопди.

Ҳакимбекка худо берди. Бир пилла қараса, зиндоннинг оғзи пичи кенгайиб, ичкарига оз-моз ёруғлик тушиб, ёруғлик билан бир катта ола гўстам ҳам тушибди. Бирдан очирқаниб Ҳакимбек ола гўстамнинг тити-питини чиқариб ташлаб, калласини бўғизлаб кесиб, терисини шилиб, хом-помига қарамай, гўстамни бир бошидан ғажирлатиб камириб ей берди. Шунда Кайқубод келиб қараса, бўри эмас, худди одамдай, лекин фарқи тирноқлари ўсиб ўткир бўлиб кетган, сочи дувдордай бир бир нарса экан. Кайқубод бирдан қўрқиб: "Вой, мен тўрт оёкли бўрини ернинг устида кўрар эдим. Ернинг остида икки оёкли, одам сиёкли бўри ҳам бўлар экан", – деб юборди. Шунда Ҳакимбек зиндон ичида туриб, Кайқубодга қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзни айтди:

Қичқириб қилмагин кўп доду фарёд,
Мен ҳам бу ерда ётган одамзод,
Бўри деб ўйлама, дўст бўлайлик,
Одамзоддан қўрқиб бақирмоқ уят.

Дам бу дамдир, бошқа дамни дам дема,
Бир гўстамман молларингни кам дема,
Дардингнинг малҳами ўзим бўлайин,
Бунинг учун асло энди ғам ема.

Тил боринда турфа-турфа сўйлайин,
Бугундан кай келасини ўйлайин,
Бир гўстам ўлди, деб асло ғам ема,
Кўнглингда не бўлса, дуо айлайин.

Камбағаллар ўйлар экан ўйини,
Ардисар боқасан биров қўйини,
Бир гўстам ўлди, деб қайғурасанми,
Ҳей ичига ... ундай бойини.

Баланд жойлар бўлар экан туман-а,
Бир сабабдан тушдим таги зиндона,

Дўст бўп сенинг ҳожатингни чиқарай,
Ўлмайин бу ердан чиқсам омон-а.

Хазон урган боғнинг гули сўлами,
Ажал етса, паймоналар тўлами,
Ҳей ичига ... ундай бойларнинг,
Бир гўстамман моли кам бўлами?!

Кайқубод шу дунёга келиб, ҳали бировдан "дўст бўлайик", деган гапни эшитмаган эди. Аксинча, ҳамма уни "тур йўқол, сассиқ кал", дер эди. Кайқубод кал ичида "мен бундан қўрқиб юрсам, бу кайтага худди валидай, одамнинг ичидагини билиб гапирадиган меҳрибон одам экан-ку! Қани, нима дер экан", – деб Кайқубод кал Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Сўз келган сўнг тилим тиймай айтаман,
Қўлим чўнтоқ дея олмай буйтаман,
Боққан молим бировники, албатта,
Гўстамини сўраб қолса, қайтаман.

Чоҳга тушдинг савдо келиб бошингга,
Ким кўндаланг бўлди ичар ошингга,
Дўст бўлсанг, бўлардим, аммо-лекин –
Зиндон чукур, тушолмайман қошингга.

Қалмоқ дейди авлодимни, зотимни,
Кайқубод кал дейдилар отимни
Ўзим сўрсанг, йўқсил бир бечора,
Ҳеч киши тингламайди фарёдимни.

Гўстам учун бошима товон солдирар,
Бирига ўн қип тўлатиб олдирар,
Хўжайинимнинг оти Кўкалдош,
Кўп золимдир, мени уриб ўлдирар.

Ғам тирнатиб, кон айлади ичимни,
Кўкалдошга тенг билмайман кучимни,
Гўстамини сўрса, нима қиламан,
Дўст бўлсанг, қил тадбир-иложини.

Ҳакимбек Кайқубод калнинг бу сўзини эшитиб, унга жавоб бериб, бир сўз деди:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар киши олгани билан қарисин,
Гўстамингни бўри тутиб еди, деб
Кўкалдошга элтиб бер калла, терисин.

Қўшночга сўярлар улоқ сарисин,
Ҳеч кимса кўрмасин жиннинг қарисин,
Гўстамингни бўри босиб еди, деб
Кўкалдошга топшир калла, терисин.

Ҳар бандадан дарду кулфат арисин,
Ундан кейин бахту давлат дорисин,
Гўстамингни бўри ғажиб еди, деб
Кўкалдошга элтиб бер калла, терисин.

Ақлинг бор, ақлингни ишга солгайсан,
Шуйтиб мақсадингга эга бўлгайсан,
Гўстамингни сўрса золим Кўкалдош,
Калла, тери нишонаси дегайсан.

Кўнглингдаги ғаминг ўзим кеткизай,
Кўкалдошдай алпга кучим ўткизай,
Не мақсадинг бўлса, дей бер тортинмай,
Охир сенинг муродингга етказай.

Ҳакимбекнинг бу сўзини эшитиб, Кайқубод кал: – Эй, жўрамисан, жўра экансан-да. Худди валийдай одамнинг кўнглидагини билиб гапирасан. Мен ҳам Кўкалдош хўжайинимга ардисар гўстамингни бўри еб қўйди, дейман-да. Нега териси бутун, деса, терини тилиб-тилиб бўри егандай қилиб ташлаш кийинми. Энди менга жўра бўлсанг, таги бир мақсадим бор. Агар шу сақсадимни ҳам қилсанг, мен ҳам нима мақсадинг бўлса, ҳал қилар эдим, – деб Кайқубод кал Ҳакимбекка караб бир сўз деди:

Юрагимда менинг оҳу дардим бор,
Кўпдан бери тугиб юрган дардим бор,
Ичимда кўринмай ёнган ўтим бор,
Дўстим, деб шуларни сенга айтайин.

Ташкарига чиқарсам ани ўламан,
Чиқармасам тағи нобуд бўламан,
Кал бўлсам-да, кўнглим нозик, жўражон,
Кўнглимнинг иложин нима қиламан.

Кўнгил деган ҳар ёқларга учади,
Одамга эрк берсанг, тувалаб қочади,
Эгам кал деб индамай караб турмайди,
Жабр айлаб бағримга олов сочади.

Кўз деган бало бор қошим олдида,
Дилга ўт урдирар ёшим олдида,
Шу сабабдан кал бўлсам ҳам, жўражон,
Кўп қайғу ғам бордир бошим олдида.

К-к-кў-кў-Кўка, Кўкалдош қизи,
Қуёшдан ўткирдир ку-қу-куёш юзи,
Кўзларим қамашиб боқа билмайман,
Кўйлаги нопармонсимон қирмизи.

Ул қизнинг ҳаваси менга ёпишган,
Билмайман қайдандир ишки бир тушган,
Ўзим бўлсам кимсасиз бир ёлтир кал,
Шуйтиб каллам кўпчиб хамирдай шишган.

Окшомлар осмонда ойга қарайман,
Ўз кўнглимда ани ойдан сўрайман,
Менга нима бало бўлиб қолди, деб
Тақдиримни телбаликка йўрайман.

Болдан хам ширинлир хулқи ҳам хўйи,
Ўзига муносиб ўзининг бўйи,
Боқами-бокмайми менга билмайман,
Нима экан унинг ўйлаган ўйи.

Узоклардан овозини тинглайман,
Босган изин андоз билан англайман,
Куйганимдан тахмин айлаб қаддини,
Ўз бўйимга ўлчаштириб тенглайман.

Шуйтиб унинг ишқи жондан ўтади,
Билмай қолдим охир бир кун нетади.
Анинг исмин биров айтса ангсиздан,
Тобонимгача куйиб кетади.

Умид билан гадо кўнглим тикланар,
Замонлардан замонларга ҳакалар,
Оқшомлари ётолмайман тўлғониб,
Оғнай десам, усти-бошим букланар.

Бир марта кўрганман тиклаб кўзини,
Тўғри боқиб кўролмайман ўзини,
Ўлсам майли эди биргина боқиб,
Тўйиб назар айлаб қуёш юзини.

Шуйтиб ошиқ бўлиб куйганман, ака,
Сенга айтдим сингдиролмай юракка,
Отин айтсам тилим жаз-жаз этади,
Ноилож дейман-да, исми Ойтовка.

Ёмон дейди бу савдонинг ҳилини,
Кимга насиб этар бундай гулини,
Доно бўлсанг, зиндондаги жўражон,
Топиб бер шунга етмакликнинг йўлини.

Ҳакимбек Кайқубод калнинг бу сўзларини эшитиб: – Ҳа, жўра, Кўкалдошнинг қизи тоза сенинг чаккангдан олган экан, ўларингга сал қолган экан. Майли, мен бир илож қилиб бу зиндондан чиқиб олсам, сенга ой Товкани қайси йўл билан бўлса ҳам, олиб бераман. Шунга мен шу ишнинг уҳдисидан чиқаман, деб чин дўстлик ваъдасини бераман. Лекин шунинг учун ҳам жон керак, дармон керак. Жудоликда менга овқат топиб бера берсанг, мен кувватга эниб, бир илож қилиб зиндондан чиқсам, ундан *кейин кўр-да мендан хизматни, – деди. Кайқубод калнинг чўпонликдан орттирган кирқта қўй, бир ола той ва бир қорин мойи бор эди.* Шунда Кайқубод кал Ҳакимбекка: – Агар менинг ҳожатимни чиқариб мақсадимга еткарсанг, ўзимнинг кирқта қўйим бор, бир ола тойим бор ва бир қорин мойим бор. Шуларни келтириб бераман. Ҳар куни бир қўйдан қирқ қўйим кирқ кунга боради. Тойим билан мойим ҳам бир кундан икки кунга боради. Ундан кейин тағи худо подшоҳ чиқар, – деб бугундан бошлаб ҳар куни зиндонга бир қўй ташлай берди. Гўстамнинг бўлса калла-терисини

Кўкалдошга олиб бориб, "гўстамингизни бўри еди", – деди. Кўкалдош: – Ҳа-да, тоғ бўрисиз бўлмас, эл ўғрисиз бўлмас. Энди молларнинг бу ёғига эҳтиёт бўл, – деб кўйди.

Шуйтиб, Кайқубод кал ҳар куни зиндонга бир қўйни ташлаб, қирқ кунда қирқ қўйни адо қилди. Ундан кейин ола тойни зиндоннинг лабига ўрға келтириб, ўлгудай чираниб, тойни зиндонга туширгани итара берди. Лекин той чекиниб, тоқашовлик қила берди. Кайқубод кал зўр бериб, куйиб-пишиб тойни зиндоннинг оғзига каратиб никтаб, итарувини кўймади. Охири зиндоннинг лаби нураб кетиб, ола той зиндонга тушиб кетди. Ҳакимбек ола тойни ҳам таппа босиб сўйиб еб юборди. Бу куни Кайқубод кал бир қорин мойни кўтариб келиб, зиндонга ташлади. Энди ўзининг бисотида ҳеч нима қолмагач, ҳар куни биттадан Кўкалдош алпнинг қўйидан зиндонга ташлайдиган бўлди. Кўкалдош алпга: – Бир ёмон бўри пайдо бўлган, уккағар ҳар куни бир қўйни камайтади, – деб юрди. Кўкалдош аввалларидек бу гапга ишонди. Охир: – Асли ўзинг касофат, барокати йўқ калсан. Бўлмаса, бўри минг ёмон бўлганда ҳам, дуч келганини, олдидан чиққанини егувчи эди. Сен баччағарнинг касофат-шумлигингдан бўри ҳам менинг қўйларимни камайтмакка киришди. Қачон бўлса, кўзингни мўлартиб, қўйларни тўлатиб оламан сендан, – деб Кайқубод кални сўкиб-сўкиб, қувалаб юборди. Ундан кейин Кайқубод кал зиндон бошига келиб, жўра, энди сенга ташлайман десам, ҳеч нарсам йўқ, – деб ўз ҳолини баён қилиб, Ҳакимбекка қараб бир сўз деди:

Эшитгин, жон жўра, қийли-қолимни,
Йўлингда сарф этдим мулку молимни,
Энди сенга баён этсам ҳолимни,
Ўзимга турмоққа макон қолмади.

Кўкалдошнинг эшигидан қувилдим,
Йўқсил эдим йўғиндидан ювилдим,
Сени деб бу йўлда эгасиз қолдим,
Яккаликдан танда дармон қолмади.

Сенга ташлаб турай десам, қўйим йўқ,
Бирор кўмаклашар кўнгил хоҳим йўқ,
Шуйтиб, жўра, уйим ҳам йўқ, жойим йўқ,
Соб бўлдим, умид-армон қолмади.

Беҳол бўлдим, шамол олди оҳимни,
Кўролмасман Товкадайин ойимни,

Адо килдим қўй, мой билан тойимни,
Сени деб, менга деб бир нон колмади.

Бу сўзни Ҳакимбек эшитиб: – Жўра, ноумид бўлма. Ноумид бўлмоқ шайтоннинг иши Кўкалдош кувган бўлса, молинг-нарсанг колмаган бўлса, энди мен Товкаойни олмоқ тугил, дийлоридан баҳраманд бўла олмай қолдим, деб хафа бўлма. Марднинг бошига иш тушади. Номарднинг бошига нима тушади. Ҳали бир кун мен зиндондан чиқсам, Товкаойни сенга олиб берганимни кўрасан. Ҳозир мен сенга тўққизта ўроқ қилиб берай. Далада ёз куни бўлиб ётганга ўхшайди. "Тўққиз жўрам бор", деб ўрокчилик қилмайсанми? Гапни чўччайтиришни ўзинг яхши биласан-ку. Ҳар қалай менга овқат келтириб бера бер. Қимирлаган кир ошар, деган. Зиндон ҳам тойпоклашиб келаётир, – деб суякдан тўққизта ўроқ қилиб бериб далага итқитиб ташлади.

Кайқубод: "Ҳай, тағи бир ғайрат қилиб кўрай-чи, шояд мақсадимга етсам", – деб ўроқларни кўтариб Ширмон бўздан чиқиб, баҳорикорлик ёққа қараб кетди. Бир ерда бораётса, бир бой деҳқон: "Сабил, жуда кун қизиб кетди, арпа учиб кетмаса, яхши эди-да. Дим ўрокчи топилмайди-ёв. Топилган ўрокчиларни ҳам оғзи катта зўрлар олиб кетади. Менга ўхшаган бойчикнинг арпаси учиб ётади", – деб куйиб-пишиб Кайқубод калга дуч келиб қолиб: – Ҳа, кани жўраларинг? – деди. Кайқубод кал: – Ҳе, тўққизта жўрам бор эди. Улар менга "сен бориб, бирор пайкални савдолашиб олиб, ўрокчилик қила бер", – деган эди. Ўрокчига зарурмидингиз, – деди. Шунда ҳалиги деҳқон бой: – Ҳа, зарурмиз. Икки ботмонлик ерда арпам бор, тўрт ботмон арпа бераман. Тўққиз жўранг бўлса, камида уч кун, уч ярим кун, ҳай тўрт кунок денг. Сипириб ўриб ташлайсизлар. Тўққизингга ҳар кунга тўққиз нондан тўрт кун учун ўттиз олтита нон бераман. Одам бошига ҳар куни ярим нимча мойдан тўрт кун учун тўққиз нимқурт мой бераман. Бориб уйдан олиб келиб, ўрокка қўша бер, – деди. Кайқубод кал бой деҳқон билан ияриб уйига борди. Бой деҳқоннинг хотини кечгача нонларни пиширди. Шуйтиб кун ботарда Кайқубод кал нонларни олиб, бир хуржунга солиб, тўққиз нимқурт мойни хуржуннинг бу кўзига солиб, орқалаб бой деҳқон билан ияриб арпа пайкалига келди. Бой деҳқон: – Мана шу арпа. Бу ёғи жар, у ёғи йўл, ана ёғи билан муна ёғи увот, – деб арпа пайкалини кўрсатиб қайтиб кетди. Кайқубод кал эртагисидан бошлаб: – "Ё, Ҳазрат Жолмон", – деб ўрокка тушиб кетди. Ҳар кунги ўрган боғларини оқшомига ташиб, "Мана, бизнинг топганимиз", – деб зиндонга ташлаб кела берди. Ҳакимбек арпанинг донини ситиб еб, полочини тагига тўшанчи қилиб ола берди. Кайқубод кал шуйтиб ўн беш кун деганда, икки ботмонлик арпани ўриб тугатиб, ортиб қолган мой ва нонларни ҳам

зиндонга элтиб ташлаб, пайкалда катта-катта иккита боғ колдириб, ўзи икки кўли билан икки боғни боғлигидан махкам ушлаб, чалқартасига ётди. Бир кун "Энди боғларини уйиб хирмон қилайин", – деб бой деҳқон пайсалга келса, арпасининг ҳангари бору боғи йўк. Оралаб бориб қараса, иккита катта боғнинг боғлигидан ушлаб, Кайкубод кал чалқартасига ётибди. Шунда бой деҳқоннинг аччиғи келиб, бу сўзни айтди:

Қай ердан йўликдинг менга бемаҳал,
Бошига бир тук битмаган ялтир кал,
Асли бир ёлғончи, ишлари жанжал,
Пайкалдаги бовлар қани, баччағар?!

Шум энағар, феълинг эмас ўнғари,
Ўзингсан одамнинг каззоб айёри,
Бов йўқолдиб, фақат қопти ҳангари,
Пайкалдаги бовлар қани, баччағар?!

Не бир шумликларни бошдан кечириб,
Қаёққа юбординг барин учириб,
Саккиз жўранг ўзингдан олдин қочириб,
Пайкалдаги бовлар қани, баччағар?!

Нималар айладинг одамни алдаб,
Хўб тулкилик қилдинг мени бир галлаб,
Айёрликдан ўтиб, бўлибсан қаллоб,
Пайкалдаги бовлар қани, баччағар?!

Одам деган бундай бўлиб юрармн,
Келиб мендай гўлга фириб берармн,
Энангни сотсам пулга борармн,
Пайкалдаги бовлар қани, баччағар?!

Бой деҳқоннинг аччиғи келганини кўриб, Кайкубод кал бой деҳқон бобосига караб, толмовсираб бир сўз деди:

Ё илоҳо, кудратингдан худойим,
Бир мунглик бошимга тушди-да войим,
Мен ҳеч кимни алдамайман ҳар доим,
Дод этарман бул қуюнинг дастидан.

Давлатманд ичгани болман ош экан,
Қай ерда кал бўлса, боши тош экан,
Ҳамиша каллярман қуюн ғам экан,
Дод этарман бул қуюннинг дастидан.

Чарх уриб келади йўлнинг пастидан,
Деву жинни чулғоштириб остидан,
Мендай каллар қутилмади қасдидан,
Дод этарман бул қуюннинг дастидан.

Томоғини чўзиб, кўкни ўпади,
Ғайрат билан дўнг-адрни тепади,
Қай ерда кал бўлса, излаб топади,
Дод этарман бул қуюннинг дастидан.

Хас аралаш гўрга кирар гирдибор,
Баҳорикорда доим унинг бурди бор,
Кайқубоднинг уч қуйруқсиз дарди бор,
Дод этарман бул қуюннинг дастидан.

Ҳужум солиб кетди бовларни олиб,
Титкилаб йиғламан жарларга солиб,
Зўрға шу икки бовни ушладим қолиб,
Дод этарман бул қуюннинг дастидан.

– Бой бобо, жўраларим келмай колган эди. Мен ҳам ўра бердим, қуюн ҳам кела берди. Ҳеч илож қила олмадим. Сизни бир хабар олса, арзимни айтсам деб юрдим. Сиз ҳам ҳеч келмадингиз. Охири-оқибат шу бўлди. "Қуюн учирмасин" деб бовларни қанча катта қилиб боғласам ҳам бўлмади. Шуйтиб, зўрға шу икки бовни ушлаб қолдим, – деди.

Бой деҳқоннинг бу сўзлардан бутунлай кайфи учиб, нашъаси қочиб, – Жоржоқ кал, сенинг билан баробар бўлган мен ҳам аҳмоқ, тур жўна. Иккинчи кўзим кўрмасин. Арпанинг товонига илдирганим шу тўққиз ўроқ бўлди. Бошқа деҳқонларга ҳам айтаман: "Бундай шум кални ўроқчи қилманглар, бехосият, касофати сизларга ҳам уради", дейман, – деб бадирлаб бой деҳқон арпа боғларини отига ортиб, ўрокларни тортиб олиб, қайтиб кетди.

Кайқубод "Энди бу баччағар ҳаммага мени ёмонлаб, ўроқчиликдан ҳам қолдиради", – деб зиндонга қараб кетди. Шу бой деҳқондан эшитиб, "Қуюн билан кал ғаш", деган гапни одамлар чинига айлантириб, хали ҳам

"Куюн келса, калникига бор", дейдиган бўлдилар. Кайқубод кал зиндон бошига келиб, ўз вокеасини Ҳакимбекка айтиб берди. Ҳакимбек: – Ундай бўлса, мен сенга суякдан чанқовуз қилиб берай. Сен нонга сотиб кела бер. Қаерда суяк бўлса, йиғиштириб келтириб бера-берсанг, бўлгани, – деди.

Ана энди Кайқубод ҳар ерда суяк бўлса йиғиштириб, Ҳакимбекка келтириб берадиган бўлди. Ҳакимбек Кайқубодга ҳар куни суякдан учта-тўрта чанқовуз ясаб берадиган бўлди. Кайқубод чанқовузларни олиб, қизларнинг орасига бориб, ҳар чанқовузни бир нондан сотиб, нонларнинг ярмини ўзи овқат қилиб, ярмини зиндонга элтиб ташлайдиган бўлди. Шундай қилиб, Кайқубод кал қизларнинг орасида чанқовузфуруш аталиб қолди. Ўзи ҳам чанқовуз сота-сота чанқовуз чалишнинг кўп мақомларини билиб қолди. Охири бир кун Ҳакимбек жуда ўхшатиб бир катта чанқовуз қилиб, чанқовузни далага чиқариб, Кайқубод жўрасига қараб, бир сўз деди:

Бу чанқовуз чанқовузнинг сараси,
Синмағич тилиман узун ораси,
Шул бўлди бугунги гапнинг сираси,
Ёринг бўлгай шул чанқовуз эгаси.

Суякдандир ҳар бир банди чегаси,
Шунга харидор бўлсин қалмоқ бекаси,
Тили қайқи, жуппай тиғис чеккаси,
Товка бўлсин шул чанқовуз эгаси.

Энди, жўра, ўз ишингни билгайсан,
Товкаойни шунга жазман қилгайсан,
Анинг тўғрайига бориб чалгайсан,
Ул бўлсин бул чанқовузнинг эгаси.

Ҳар кимдан бир кимга буни сотмагин,
Бошқага қўлдан келса, кўрсатмагин,
Ҳеч кимсага мени баён этмагин,
Товка бўлсин шу чанқовуз эгаси.

Чанқовузнинг ўзим дегин устаси,
Ҳар бандига лозимдир бир бўсаси,
Маҳкам бўл ўзингга гапнинг қисқаси,
Ул бўлсин бул чанқовузнинг эгаси.

Кайқубод Ҳакимбекдан бу сўзни эшитди. Худди башорат топгандай кўзлари ўйнаб кетди. Чанқовузни олиб кўрса, бир чанқовузмисан, чанковуз-да! Дарров Кайқубод чанковузни олиб, оғзига солиб "Қўнғирот қизларининг чалиши" мақомига солиб, чалиб кета берди. Жуда кўп вақтлардан бери қиз-жувонлар ўртасида чанқовузфуруш бўлиб танилиб қолган Кайқубодни қизлар ўртага олиб, менга чанқовуз беринг, дея ётир. Кайқубод кал: – Бугун биттагина чанқовуз олиб келдим. Битта бўлса ҳам бирагай чанқовуз. Ўзи жуда қиммат. Бунга сизларнинг кучларинг етмайди, – деб ўтиб бораётир. – Қани кўрсатинг, – деса, – Бу чанқовузни кўргали ҳам кучларинг етмайди, – деб мақомга солиб, чанқовузни чалиб, кетиб бораётир. Қизу жувонлар "Бунга нима бало бўлди. Ҳар куни бир нонга чанқовуз сотиб кета берар эди. Бугун буйтиб чанқовузини қадрли қилиб қолибди", – деб колар эдилар. Кайқубод шу аҳволда ой Товканинг фасли баҳор қилиб ўтирган жойига чанқовуз чалиб бориб қолди.

Тоғларда тош қатор-қатор,
Қатор тошдан қизлар ўтар,
Кайқубод чанқовуз сотар,
Чанқовузни ким олади?

Далада гул ғарам-ғарам,
Яшил барги тарам-тарам,
Чанқовузчидирман мен ҳам,
Чанқовузни ким олади?

Кўкда сузар қалин булут,
Кийганингиз зарбоб мовут,
Ҳозир кунлар охирги ҳут,
Чанқовузни ким олади?

Чанқовузим товши жанғиз,
Ҳангамаси ангир-гунгир,
Кўп мақомчил тили синхўр,
Чанқовузни ким олади?

Қизлар келар гурас-гурас,
Кўринади элас-элас,
Кайқубодман, мени билас,
Чанковузим ким олади?

Ой Товка қараса, Кайқубод кал келаяпти. Бир ажойиб оҳангда чанқовуз чалаяпти. Бундай ёқимли нарсани шунча ёшга кириб, ҳалигача эшитмаган эди. "Ўзи ҳай Кайқуболи тушмагур бу вақтгача анча тўлигиб кетибди. Бу ерда кўй боқиб ювораликдан муррук бўлиб юрган экан-да бу курғур", – деб қўйди ичида. – Қани, тағи бир чал, – деди Кайқубодга. Кайқубод тағи бир майдан чанқовузни чалди. Бу Товка анча ёшга кириб, жуда ёмон балоғатга эниб кетган эди. Кўплар буни "Мабодо Қамай оладими", – деб юрак бетлаб совчи қўйдира олмас эди. Кайқубоднинг бу марта чалиши аввалгидан ҳам Товкага ёқиб, ҳамма жойи бижирлаб кетди. – Майли, бу чанқовузингни қанчага десанг, мен олай. Лекин сен аввал айт. Кўп вақтдан бери чанқовузфурушлик қилар эмишсан. Шу чанқовузларни қаёқдан оласан, – деди. Кайқубод: – Ўзим ясайман, – деди.

Шунда Товка: – Сендай калга чанқовуз ясаш тегиб қолибдими. Хай, ясадинг ҳам дейлик. Лекин мана бу чанқовузингни сени ясади, деб ҳеч ишонмайман. Сен энди шу чанқовузни ясаган одамни менга айтасан. Бўлмаса, сени қўймайман, – деб дўк урди. Аммо Кайқубод: – Чанқовузни ўзим ясаганман, – деб турибди. Ой Товка: "Буни урмасам, чанқовузнинг устасини айтмайди", – деб Кайкубодни гумпиллатиб қучоқлаб ура берди. Кайқубодга ой Товканинг уриши мойдай ёқиб, ичида: "Оз-моз мақсадга етдим, ура берсин, жоним роҳат кўра берсин", – деб турибди. Ой Товка бўлса "буни чимчимасам, айтмайди", – деб: – Чанқовуз устасини айтасанми йўқми, – деб Кайкубоднинг ўйиб-ўйиб чимчий берди. Кайқубод ҳам чидай олмаганидан: – Дод, айтаман-чи, айтаман, қўйиб юбор, – дейберди. Ой Товка қўйиб юбориб: – Қани бўлмаса, айт энди, – деди. Кайкубод: – Майли, қулоғингга шивирлаб айта қолай, – деди. – Бўлмаса тез айт, – деб ой Товка қулоғини тутди. Шунда Кайкубод кал Товканинг қулоғига оғзини яқинлатиб бориб: "Бундай қулоғи гагирдак қай ерда бор. Ардисар, таёқ ерга едим, ё ўлдирар, ё қўяр", – деб ой Товканинг бетидан чўлп эткизиб ўпиб олди. Шунда ой Товка аччикланиб, Кайқубодни баттар уриб, бир сўз деди:

Нима қилаяпсан, палакат, шум, кал,
Сахрода йўликиб менга бемаҳал,
Сени тузук десам, ишингдир ўсал,
Айтасанми, айтмайсанми устани?

Бошларинг ялтирдир, лабинг ялама,
Дунёда сендай ҳам ёмон бўлама,
Афтинг курсин, харом устинг олама,
Айтасанми, айтмайсанми устани?

Қай ёқдан ёндошдинг менга суқанок,
Ҳолингни бил, сенинг жонинг чуқанок.
Ўлгур етимча, бир хаддингга бок,
Айтасанми, айтмайсанми устани?

Ўзим бўлсам, сулувларнинг бўстони,
Ким ўпа олар мендай лаби пистани,
Худойим кўтарсин сендай ташнани,
Айтасанми, айтмайсанми устани?

Билдирмасанг, ўлганингча урарман,
Агар айтсанг, кейин қўйиб юборарман,
Шул устани кўрмакка интизорман,
Айтасанми, айтмайсанми устани?

Ҳа, деб, Кайқубодни аямай, баданини ўйиб-ўйиб чимчий берди. Шуйтиб, Кайқубод кўп овора бўлди. Охири чидай олмай, ой Товкага Ҳакимбекни баён қилиб, бир сўз деди:

Бошимга битган сендай балоди,
Бир ёмон гап айтсам, кўнглинг қолади,
Чанковузнинг устасини сўрасанг,
Бир зиндонда ётган дўстим бўлади.

Ой Товка кўп қилма мени ҳақорат,
Жирканма, устимни дебам палакат,
Кал бўлмай иложи нима кишининг,
Сағирликда ул топмаса тарбият.

Фақирликдан ўйлаб бошим қотади,
Ўйласам, ўйларим ҳар ён кетади,
Чанқовузнинг устасини сўрасанг,
Бир овлоқ зиндонда ёлғиз ётади.

Кал бўлсам ҳам уни жон дўстга қўшдим,
Сабаб билан сендай ойга етишдим,
Урсанг, ура бергин айланай, Товкам,
Кўп йил бўлди, сени деб куйдим-пишдим.

Мен тутишган дўстим, сўрсанг, алп ўзи,
Кечалар чироқдай ловуллар ик кўзи,

Анинг ётган жойин топиб берайин,
Жон Товкаой, йўлчи қилсангиз бизи.

Асли ой Товка алпларнинг ҳангомасини кўп эшитган. Шуйтиб ўзича: "Дунёда алп бўлмаган киши одам эмас. Тегсам, алп одамга тегсам, бир алп учун тўққиз хотин ҳам камлик қилади. Алп эмас, бўйдоқ одамга теккандан, аёли бор алпга теккан яхши. Алп ҳеч ерда зор қолмайди. Алпга подшолар отини миндиради. Қаерга борса, алп тўрда ўтиради. Маъракаларга бош бўлади", – деб юрар эди. Кайқубод калдан: "Зиндонда менинг бир алп жўрам бор. Чанқовузни ул қилиб беради", – деган гапни эшитиб, ғойибона Ҳакимбекка хуштор бўлиб қолиб: – Ундай бўлса, жон Кайқубод мени ўша зиндонга ияртиб бор, – деб ой Товка Кайқубодга караб, бир сўз деди:

Ундай бўлса бўлиб менинг йўлдошим,
Жон Кайқубод, анда олиб бор мени,
Неча йиллар тузим ичган сирдошим,
Энди у зиндонга олиб бор мени.

Ул зиндоннинг қайдалигин билманам,
Билмасам, бу ерда тоқат қилманам,
Беҳол бўлдим, ҳеч ўзимга келманам,
Жон Кайқубод, анда олиб бор мени.

Ул устага ажаб оғди хушларим,
Шуйтиб ҳаргиз қолмас бўлди охларим,
Сенга берай ёнимда ҳар на борим,
Энди у зиндонга олиб бор мени.

Жонимга қувватдир қилган бу сози,
Ақлим олди чанқовузнинг овози,
Бир алп эмиш ясайдиган устаси,
Жон Кайқубод, анда олиб бор мени.

Алп қизиман дедим, дарёдай тошдим,
Турли-туман ҳавасларга улашдим,
У устани эшитиб, ажаб бўшашдим,
Энди ул зиндонга олиб бор мени.

Биз элга топилмас анингдай эрлар,
Тош отсанг, отинг узокка дерлар,

Бетокат бўлмишман, аъзом бижирлар,
Жон Кайқубод, анда олиб бор мени.

Тилла-кумушларман кўнглинг олайин,
Ўзим кўлимман бул киссангга солайин,
Ҳамиша энг якин кишинг бўлайин,
Энди ул зиндонга олиб бор мени.

Шунда Кайқубод кал ой Товканинг бу сўзини эшитиб: "Буни энди шайтон озғирди. Шу ўртада сабаб билан менга буни худо берди. Худой осон қиламан деса, шуйтиб ўнғаради-да одамнинг ишини", – деб кал тушмагур кўп шумликни ўйлаб, жўртагадан ух деб чимда ўтириб сўз бошлаб, ой Товкага: – Сени зиндонга жон деб ияртиб борар эдим, нима қилай, жуда золим бўлсанг, мени кўп уриб, чимчиб, тоза шалҳа қилиб ташладинг-да. Энди юрарга ҳам мадорим қолмади. Агар кўлтиқлаб, суяб кета берсанг, ажаб эмас зўрға зиндонга олиб бора олсам, – деб турибди. Ой Товкада бошқа иложи йўқ. – Келағой, майли кўлтиклаб олай, сен йўл бу ёқда, деб кета берсанг бўбди, – деб Кайқубодни ўзи кўтариб, турғизиб, кўлтиклаб олди.

Кайқубодга жон кирди. Ой Товканинг кўли бунга тегиб, баданига роҳат берди. "Дунёда доим шундай бўлса. Бўлмаса, одам ўлиб кета берса", – деб ой Товкани одамдан холи ёқлар билан "йўл бу ёқда, йўл бу ёқда", – деб олиб кетди. Йўлларда Кайқубод ой Товканинг кўларидан ушлаб олди. Ой Товка бўлса, "бу энди индасам, зиндонга олиб бормай қўяди", деб бу сира Кайқубодга индамади. Лекин ичида: "бизникида қўй боқиб юрганидан бери менга ўлгудай хуштор бўлиб юрар экан-да. Бир одамга бир одам деб шунга тегсам бўлар экан. Аммо бу ўзи алп бўлмаса, мени ниятимдагидай бўлмай қолади. Ўзи камбағал етим. Таги кал. Отам ҳам бўлса буни ёмон кўради. Қўй ўша зиндондаги алп яхши", – деб кетиб бораётир. Шуйтиб бир пилла Кайқубод кўлтиғида ой Товка зиндон бошига бориб колдилар.

Ана энди ой Товка Кайқубодни бир силтаб, ўзидан узоклатиб, зиндоннинг оғзидан пастга қараб, Ҳакимбекни кўриб бўлди. "Бу одам тоза кўнглимда ўйлаб юрганимдай одам экан. Зиндонга тушиб бир кучай сиздай алпни", – деб кўзлари ўтдай ёниб, ўрганиб, ўзини зиндонга ташлаб юбормоқчи бўла берди. Буни Ҳакимбек кўриб, ой Товкага қараб, зиндоннинг тубида туриб, бир сўз деди:

2760 Эй, алп қизи, ўзинг бунда тайлама,
Азиз ёш жонингни ҳалак айлама,

Агар тушсанг кирк бўлак бўп кетасан,
Сен бу ерни тойпокдир деб ўйлама.

Шайтон алдаб ҳар кўйларга солади,
Шуйтиб ҳавас дегани бир балоди[р],
Бу зиндон билан ҳазиллашма, алп кизи,
Тушай десанг, жонинг нобуд бўлади.

Сен бундай ошиклик савдосин ташла,
Бирор тенгтинг топиб дилингни хушла,
Жуда ичинг ачир бўлса, алп кизи,
Мени чикармоклик учун иш бошла.

Келиб-кетганингни ҳеч ким билмасин,
Тағи билиб бирор чатоқ бўлмасин,
Ҳам менга сенинг зарарииг тегиб,
Ҳам ўзингнинг ишинг ўсал килмасин.

Ўлмасин сендайлар, ҳаргиз ўлмасин,
Вакти етмай, паймоналар тўлмасин,
Эҳтиёт бўл юришингга, алп кизи,
Келиб-кетганингни ҳеч ким билмасин.

Зиндон ичи равшан бўлди юзингдан,
Мехринг ўти чақнар ёниб кўзингдан,
Келиб-кетганингни ҳеч ким билмасин,
Душман пой олмасин ногох изингдан.

Ҳакимбекнинг бу сўзини эшитиб, ой Товка кўнглида: – "Бу алп йигит ниҳоятда ўта кетган донишманд алпга ўхшайди. Биринчидан, мени халок бўлмасин дейди. Иккинчидан, менинг бу ерга келганимни ҳеч ким билмасин дейди. Тоза ўзимнинг кўнглимда ўйлаб юрган одамим экан. Гап олувидан ўзи ҳам менга мойил қиладиганга ўхшайди. Бир ҳисобда мен ўзим аҳмоқман. Зиндонда ётган одамга ҳамма нарсадан аввал овқат билан кийим керак. Мен бўлсам, у ёғи билан ишим бўлмай, ўзимни зиндонга ташлайман, деб юрибман. Мен ҳали ҳам бўлса кайтиб бориб, бу зиндони алпга овқат ва кийим келтирай", – деб Ҳакимбекдан ижозат сўраб, зиндоннинг тагига қараб, бир сўз деди:

Ундай бўлса беринг менга ижозат,
Сиз учун овқатман кийим келтирай,

Ўйламаган асли мен бефаросат,
Аввал бориб, овқат-кийим келтирай.

Ҳозир кетиб тонг чоғида келаман,
Келиб сизга кейин ҳамроз бўламан,
Ҳар нима десангиз, қабул қиламан,
Аввал бориб, овқат-кийим келтирай.

Зиндонда ётгансиз албатта бўп оч,
Саватдан бошқаси жанда яланғоч,
Ҳозир сиз шуларга жуда ҳам мухтож,
Сиз учун овқатман кийим келтирай.

Кучим етармикан аркон юборсам,
Аркон билан сизни тортиб чиқарсам,
Ундан кай далада сиз билан юрсам,
Сўнг кўрарман, ҳозир овқат келтирай.

Сочим йўлингизга супурги бўлсин,
Бахтим сизнинг билан жайнасин-кулсин,
Сизни зиндон қилган ким бўлса, ўлсин,
Ҳозир сизга овқат-кийим келтирай.

Ҳакимбек бу сўзни эшитди. Ундан кейин ой Товкага: – Бу сўзинг тўғри. Зиндонда ётган одам учун ҳамма нарсадан аввал овқат билан кийим зарур, – деди. Ой Товка: – Бўлмаса, мен кетдим. Тағи қайтиб келаман, – деб шамолдай югуриб уйига қайтиб келди. Бўхчани ахтариб, Ҳакимбек учун бир сирамадан кийим-бош олиб, пичи гўшт, бир-икки нон ҳам тугиб олиб, саҳар пайтида зиндонга олиб келиб, ташлаб кетди.

Энди гапни Сурхайил кампирдан эшитсангиз. Сурхайилнинг ўн бешга кирган бир шумшук қизи бор эди. Сурхайил кампир қизини саккиз ёшдан бери шумшукликка ўргатиб, ҳар ерда гап ангнитиб, қизи топган гапига қараб, ўзи фол очиб юрар эди. Кўрар кўзга андай, лекин ичидин пишиб колган бу қиз ҳатто бекларникини ҳам, алпларникини ҳам қўймай, ангниб юрар эди. Кеча чанковузфурурш кал билан Ширмон бўзга караб, Товканинг кўлтиклашиб кетаётганин ҳам бу қиз хўп ангниб кўрган. Тағи эрта-мертан ой Товканинг Ширмон бўз ёқдан келаётганини кўриб колиб, югуриб энасининг олдига келиб, бу вокеаларни баён қилиб, бир сўз деди.

Эна, кўрдим, нени кўрдим,
Бугун ой Товкани кўрдим,
Билдирмайин ангниб юрдим,
Кайкубодман ани кўрдим.

Борар эди кучоклашиб,
Ширмон бўзга қўловлашиб,
Шуйтиб кетди қирдан ошиб,
Шундай ходисани кўрдим.

Бу ходиса кеча бўлди,
Баригинасин қизинг билди,
Бугун таги эрта-мертан,
Ой Товка шу ёқдан келди.

Ўзидан-ўзи яланглайди,
Белгинаси биланглайди,
Ҳар тарафга аланглайди,
Шуйтиб ой Товкани кўрдим.

Шалпиллаган ҳар эмчаги,
Қўлида бор тугунчаги,
Ой Товка эмас кечаги,
Келинчакдай ани кўрдим.

Сурхайил мастон бу сўзни қизидан эшитиб, у ёғига ўзича фол очиб, тахмин қилиб: "Демак, ҳали Алпомиш деган ер ютгур тирик экан. Асли Кайкубод кални ишга солган экан. Шуйтиб, шу ўсал бўлган экан. Шум кали тушмагур ўрталикда юриб, чанковузфурушман, деб ой Товка билан Алпомишни топиштириб қўйган экан. Айтдим-ов, Кайкубод кал нега буйтиб чанковузфуруш бўлиб қолди, деб. Асли бу ёғида бир гап бор экан-да. Ҳали ҳам вақт ўтмай, қизим билиб қолибди. Бўлмаса-чи, бўлмаса, Алпомиш пок-мок чиқиб кетса, ҳаммадан аввал мени топиб ўлдирар эди. Ҳай, ҳозир қулоғим ёмон чингғиллаб кетди-ку. Тўп-тўп фалокат келса таги, тошга урсин-ей", – деб дарров ўрнидан туриб, Тойчи подшонинг олдига кириб, бўлган воқеалардан Тойчи подшони хабардор қилиб, бир сўз деди:

Подшоҳим, ўзингсан бу элга сардор,
Тезроқ бўлгайсан сўздан хабардор,

Ғафлатда кўп ётма, энди бўл ҳушёр,
Тирик экан Алпомишдай баччағар,
Кайқубодни ишга собди заниғар.

Алпомиш чанқовуз ясаб берибди,
Кайқубод кал ани сотиб юрибди,
Баҳонаман шу кал туриб ўртада,
Товка Алпомишга кўнгил берибди.
Кайқубодман бирга анда борганин,
Кеча ангниб менинг қизим кўрибди.

Биласан, Алпомиш жуда бир полвон,
Агар чиқса, қилар элларни вайрон,
Иложини қилсанг-чи олдиндан,
Йўқ эрса, бўларсан кейин пушаймон.

Мен қариман, кўп гап билан ишим йўқ,
Эндиликда ақлим билан ҳушим йўқ,
У ёғини энди ўзинг биласан,
Хабар бердим, бошқасиман ишим йўқ.

Бу гапни Тойчи подшоҳ Сурхайил кампирдан эшитгандан кейин ҳар мурти шопдай, оғзи кўҳна қопдай бўлиб, аччиғи келиб, дарров бекларини, саксон тўққиз алпларини бир ерга тўплаб: – Ҳозирча ҳамманг элатга бўлиниб, чиқинглар. Қаерда тош бўлса, одамларни ишга солиб йиғдириб, Алпомиш ётган зиндоннинг оғзидан тўктиринглар. Алпомиш тошлар остида қолиб ўлсин. Кейин Кайқубодни қаерда учратсанглар, шу ерда ўлдириб ташланглар. Кўкалдош, сен билмайсан, қизингнинг нима қилиб юрганини. Жуда эрга теккиси келса, уни менга берасан. Эрта эмас, индинга Товкага тўй қилинглар, – дей берди. Тойчи подшонинг бу ошиғич фармонини эшитиб, беклар ҳам, алплар ҳам ишга тушиб, бўлиниб элатларга чиқиб, ҳамма одамни Ширмон бўзга тош йиғиб келишга далаларга чиқара бердилар. Кўкалдош бўлса: "Кайқубод калнинг нега феъли айниб кетди десам, гап бу ёқда экан-да. Ҳали ҳам ой Товкани Қамай сўраб қолди. Бўлмаса ўзим қўлим билан қайишга ўраб, тақимлаб чиқариб, барча алпларга кўпкари қилиб берара эдим", – деб бу ҳам тош йиғдиришга элатларга чиқиб кетди. Шуйтиб, одам питган дала-даштларга тош излаб чиқиб кетиб, алплар овули овлоқ бўлиб қолди.

Ой Товка караса, энди иш чатоқ. "Ҳа демай, зиндондаги алпнинг устига тош тўкилиб, тош устига тош тиқилиб, зич бўлиб, алп йигит остида қолиб,

ўлиб кетади. Вақт ғанимат, бориб бир кўрай. Элда бўлаётган воқеадан унга хабар берай. Агар арқон ташла деса, ташлаб кўрай", – деб арқонни олиб, Ширмон бўзга қараб югурди. Тезлик билан зиндон бошига етиб келиб, Ҳакимбекка қараб, қичқириб, бир сўз деди:

Баланд-баланд жойни чалди туман-а,
Тириклигинг энди бўлди гумон-а,
Сурхайил билибди менинг келганим,
Айёрликдан ул муғомбир, мастон-а.

Бу хабардан бўлдим дали-девони,
Акл-ҳушимдан ҳам ажаб бегона,
Бу зиндан устидан тиқиб тўкмакка,
Алплар тош ахтариб, кетди ҳар ёна.

Ҳа демайин, бари бунда келади,
Келиб устингдан тошбўрон қилади,
Ҳай аттанг-а, менинг истагим
Энди ҳосил бўлмайин қолади.
Сендай барно бир йигитнинг тани –
Тошларнинг остида нобуд бўлади.

Югуриб келдим бўлмасин деб беармон,
Йўл-йўлакай танимда куриб дармон,
Чиқар бўлсанг, солиб тортай зўр билан –
Деб келтирдим сенинг учун бир арқон.

Ҳакимбек ой Товканинг бу сўзидан Қалмоқ элида бўлиб ётган воқеаларни билди. Шунда ой Товкага қараб, бир сўз деди:

Арқонингни ташлаганман бўлмайди,
Жуда ҳам зилдайман кучинг келмайди,
Хафа бўлма менинг учун гажакдор,
Бу Алпомиш ҳали-бери ўлмайди.

Чини билан агар менга ачинсанг,
Тошларнинг тагида қолмасин десанг,
Бир нима берайин шуни олиб кет,
Мендайин ғарибни ўлмасин десанг.

Кўп вақтлардан бери ётдим зиндонда,
Мен эдим шундай бир гуноҳкор банда,
Бир нима берайин шуни олиб кет,
Берганим мана бу бир қисм жанда.

Бу жандани анда олиб боргайсан,
Шоҳ турган ерларни излаб кўргайсан,
Бойловда бир орик чибор от бўлса,
Ул отнинг олдига бориб тургайсан.

Аввал анга бир қисм тупроқ отиб,
Отган тупроғингни изингга котиб,
Бу жандани чақмоқ билан ул ерди,
Ҳеч кимга билдирмай, юбор тутатиб.

Шунда Чибор от оғзин очади,
Бирдан кишанларни узиб кочади.

Ўзи менинг тушган жойим билади,
Билмаса изингдан искаб келади
Шу амални агар қилсанг тезликда
Зиндандан Алпомиш халос бўлади,
Отнинг ўзи мени тортиб олади.

Эски кийимининг жандасидан далага отиб чикарди. Ой Товка: "Майли, бораман, бир ғайрат қилиб кўраман", – деб қайтиб кетди. Товкаой бир-икки марта зиндондаги алп йигит айтганидай орик чибор отни бир қисилчанг таблада турганини, тўртта сайис упга коровул бўлиб ўтирганини, Сурхайил кампир келиб, сайисларни дўқлаб, ўзини бир катта чоғлаб, у орик чибор отга ем-емиш берганини кўрган эди.

Шуйтиб, тезлик билан у ерга етиб борди. Қараса, бу ёғидаги уйда тўрт сайис ўлгудай арок-шароқ ичиб, маст-аласт бўлиб, хурракни тортиб ётибди. Бошқа ҳеч ким йўк. Ҳамма қир-адирларга тош тергани кетган. Югуриб табланинг оғзидан қараса, худонинг қудрати, пирнинг каромати, ўтган алплар арвоҳининг мадади билан токчадаги отнинг анжом-аслаҳалари отнинг устида бўлиб қолибди. Асли ҳайвонзод, акли одамдан зиёд, бугун саҳар ғойибдан биров келиб, устига эгар-жабдук уриб, эгарнинг қошига Ҳакимбек эгасининг анжом-аслаҳасини осиб кетибди. "Бугун бир ёруғлик борга ўхшайди", – деб жонивор шамшод қулоғини қалам, қуйруғини алам килиб турган экан.

Ой Товка дарров ердан бир кисм тупроқ олиб, ўзининг изидан ҳам пичи гард олиб, икковини аралаштириб, Бойчиборга қаратиб сочди. Ундан кейин дарров ёнидан чакмоқчасини чиқариб, олиб келган бўлак жандани титиб, чакмокни урди. Жанда тутаб ёниб кетди. Шунда бирдан жонивор Бойчибор эгасининг исини олиб, бир гувлаб кишанларни парча-парча қилиб ташлаб, табладан қочиб чиқиб кетди. Ой товка ўзини табланинг ичига олди. Шунда тўрт сайис отнинг дубиридин сесканиб туриб, Сурхайилнинг ҳайбатидан қўрққанларидан булар ҳам бир чопиб кирдан ошиб кетди. Ундан кейин ой Товка ҳам табладан чиқиб, хатарсиз ёкка ўтди.

Сайислар Бойчиборнинг дарагини кўрармиди?! Бойчибор қанотли қушдай учиб, ҳа демай, зиндоннинг бошига етди. Шунда жонивор Бойчибор эгасининг банди зиндон бўлганини кўриб, бир кишнаб юборди. Ҳакимбек Бойчибор отини кўриб, бир сўз деди:

Ақли ҳар нечук одамдан зиёд,
Мехрибоним, хоназодим, келдингми,
Банди кишанларинг берибон барбод
Менинг учун Чибор отим, келдингми?!

Найлайин бизларга етди бул асп,
Полвонлик кучинг менга муносиб,
Устингга анжому аслаҳа осиб,
Мехрибоним, хоназодим, келдингми?!

Кўп йиллар қоронғи зиндонда ётдим,
Турли ўйлар билан ўзим юпатдим,
Озиб-тўзиб худди суякдай қотдим,
Мени йўқлаб, хоназодим, келдингми?!

Анжому аслаҳа устингга солиб,
Кишан-занжирларинг узиб, бўшалиб,
Увада жандамдан исимни олиб,
Мехрибоним, хоназодим, келдингми?!

Ақлинг одамдан зиёд, мехрибон,
Бў чоҳга солдилар мени ногаҳон,
Эндигилик кунда бўлайлик омон,
Асли тулпор, Чибор отим, келдингми?!

Дунёда ўзингсан, хеч тенгинг бўлмас,
Ўзимдан бошқалар кимматинг билмас,
Баданинг тилладир, кўзларинг олмос,
Мени йўклаб, хоназодим, келдингми?!

Ҳакимбек қичқириб йиғлаб юбора берди. Эгасининг ноласига тоқат қилолмай, жонивор Бойчибор ўзини ўнғайлаб думини зиндонга тўғри солиб узатди. Ҳакимбек шу пилла интилиб отининг думига етмади. Шунда жонивор Бойчибор, асли ҳайвонзод, акли одимдан зиёд, эгасини чиқара олмаганига жуда хафа бўлиб, кўзидан ёшлари тизилиб чиқиб кетди.

Ана, ғойибнинг мададига қойил бўлиш керак. Шунда ширт эткизиб, биров Бойчиборнинг абзалини анжом-аслаҳалари билан устидан олиб қўйди. Бирдан жонивор Бойчибор ҳай-ҳайлаб бир кишнаб юборди-да, ундан кейин чимга бориб уч ағнади. Худонинг қудратидан ҳар ағнаганда, думи бир қулочдан уч қулоч ўсиб кетди. Аввал бир қулоч думи бор эди. Энди Бойчиборнинг думи тўрт қулоч бўлди. Дарров келиб, думини зиндонга юборди. Зиндон суяк ва арпа-палачлар билан бир қулочча тойпокланган эди. Шуйтиб Ҳакимбек пастдан туриб, қўлини узатиб, Бойчиборнинг думидан тутиб, қўлига уч ўраб олиб, тармашиб ташқарига чиқди. Чиқиб жонивор Бойчиборнинг юзларини, кўзларини силаб, устига абзал тортиб, Товка келтирган кийимларни кийиб, совут-қалқонни устига дарбад қилиб, ханжарни қўлига олиб, бисмиллоҳ, деб Чиборнинг устига миниб, ҳақ, деб Тойчи подшо турган ёққа қараб қичаб, ижирғаниб бора берди.

Энди Сурхайил кампирдан эшитсангиз. Чиборнинг бўшалганини билиб, келиб таблани кўрса, анжом-аслаҳаси ҳам йўқ. "Бир гап борга ўхшайди, жонгинам қақшайди. Қўнғир отдан Қоражонми, бошқа бировми келмаса, бўлсайди?! Ё бошқа бир гап бўлмаса, бўлсайди?! Нима бўлса ҳам бу назаркарда от, асли тулпорзод зиндонга борган. Қайси йўл билан бўлса ҳам эгаси Алпомишни чиқарган. Энди мен бир ҳийлаи мастонлик қилмасам, бўлмас. Қўйлакни тескари киймасам, бўлмас. Ажали етмай киши ўлмас. Шундай бўлса ҳам, бир баҳона, бу ораликда ўзим ҳалок бўлиб, қолмайин элга бўлиб калака", – деб дарров ҳалпинчоқ, ялпинчоқ, ок ялов, кўк ялов, ўртасида машъал олов қилиб, ок эшагини миниб, Ширмон бўзга қараб, йўл тортди. Алпомиш Сурхайил мастонга дуч келди. Шунда Сурхайил мастон айёрлик қилиб, Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Шошибсан, жон болам, ўзим келгунча,
Ўзим келиб сени халос қилгунча,
Чиқар вақтинг чин муддатинг тўлгунча,
Келардим-ку, шошмай турсанг, Алпомиш.

Тақдирингда асли зиндон бор эди,
Буни аввалдан момонг билар эди,
Золимларнинг банди ичра туширмай,
Овлоқда ётсин деб келар эди.

Чиққанингча бул Чибор отингни,
Парваришлаб тарбият қилар эди.
Бугун чиқар вақтинг тўлган, Алпомиш,
Ҳамма гапни аввалидан билар эди.

Худойимдан эсонлигинг тилардим,
Гартак шошмасанг, ўзим келардим,
Қирқ келиним йўлгинангга интизор,
Тортибгина чиқариб олардим,
Аларнинг олдида меҳмон қилардим,

Ундан кейин кўрсатардим ҳолимни,
Йўлга солар эдим очиб фолимни,
Тойчиман беклари бари бир ерда,
Ўлдирардинг сўнг улардай золимни.

Энди, болам, киргин менинг райимга,
Меҳмон қилай олиб бориб уйимга,
Қирқ келиним йўлгинангга мунтазир,
Бир қўниб ўт бу ёқдаги жойимга.

Шунда Ҳакимбек: – Сурхайил момо, кўр ҳассасини бир мартаба олдиради. Икки марта олдирмайди. Аввал бошда сендай шум кампирнинг қўлига бир тушдим. Энди ҳушёр бўлдим. Билсам, сен ўта кетган пес, меҳов, бойқуш, шайтондан туғилган войвояк экансан. Энди сенга бир дақиқа ҳам омон бермайман, – деб Сурхайилга хез қилди. Шунда Сурхайил эшагидан йиқилиб, осмонга чўрчиган тулкидай вовоблаб: – Ҳали сен мени ҳазил гапирди, деб юрибсанми. Ҳали кўрасан, бошингни олиб, қўлингга бериб қўяй, – деб охирги тулки дўғини қилмоқчи бўлди. Ҳакимбек: – Ҳе, сени алжиратиб ўтирган мен ҳам аҳмоқ, – деб ханжар уриб, Сурхайилни ўлдириб, жасадини ўзи ётган зиндонга элтиб ташлаб кетди. Шу юргандан юриб, Тойчи подшох турган ерга етди. Тойчи подшо оламдан бехабар, бурнининг ҳар тешиги қопдай, мурти шопдай, оғзи отасининг гўридай бўлиб, бир ниманинг шобирини англаб,

далага чиқиб қараса, бир номаълум йигит Чиборни чиқариб, абзаллаб миниб олибди. "Мабодо Алпомишни биров чиқариб юбориб, келиб отини топиб олдимикан, уккағар. Шуйтиб элимга ғорат солдимикан", – деб алчайиб, Ҳакимбекка қараб, дўқлаб, бир сўз деди:

Менда бўлса, давлатнинг мўмайи,
Ўзим бўлсам, бу юртнинг бойи,
Қалмоқнинг энг от кўтарган Қамайи,
Қамайдан қўркмаган сен, ким бўласан?

Ўз умрини ўзига кам кўрган,
Игнадай ақлни бодга учирган,
Ўйноқлаб, маданглаб, талтайиб юрган,
Ғиндича олифта, сен ким бўласан?

Чивинмидинг учиб бу ерга энган,
Қаерда ширани кўзлаб бир қўнган,
Келиб бойловдаги отчани минган,
Жонидан қўркмаган сен, ким бўласан?

Мен билувда Қўнғирот ёқдан келасан,
Алпомишнинг бир нимаси бўласан,
Э, аҳмоқ, ажали етган баччағар,
Бу отчани миниб нима қиласан.
Мендайин қалмоқдан ибо қилмаган,
Ҳозир бўлгин, энди тайин ўласан.

Келибсан бу ерга бемаҳал,
Ўзгинангни ҳайлаб ажал,
Ўз гуноҳинг ўзингга,
Босиб қилай поймол,
Алпомиш бўлсанг ҳам,
Янчилиб остимда қол.

Ҳакимбекка қараб удағайлай берди. Тойчи қандай: бир балойи жондай, бўйи икки юз қари, ҳар пути қирқ йиллик теракдай, боши ўн икки канотли катта ўтовдай, ҳар кўзлари катта қозондай, оғзи ўрадай, муртлари ўра бошига битган шўрадай, бурни тулкининг инидай, лаблари уватдай, қулоқлари супрадай, ҳар киприги ва баданидаги жунлари беданинг узунлигича, ... келисопдай, ... қўйнинг қорнидай, ҳар панжаси паншахадай,

бир хайбатли махлуқ эди. Ўзича: "Бу агар Алпомиш бўлса ҳам бир пуфлаб юборсам, довдираб ағдарилиб ўлади", – деб ўйлаб, шундай лоф-кофларни сўйлаб турган эди. Шунда Ҳакимбек Тойчини кўриб, ичида: "Ух, Қамай бежай жасадинг бор экан-да", – деб Чиборни булай тўғрилаб, Тойчига тўғрима-тўғри бўлиб: – Ҳов, Қамай, бўлмаса билиб қўй, ажалинг етган, кунинг битган. Тағи мени бошқа ўлдирди, деб юрма. Мен ўша Алпомиш бўламан. Энди сени нобуд қиламан. Сенми ой Барчинни мендан жудо қиладиган, никоҳига оладиган, – деб даб солиб, Тойчи подшога караб, бир сўз деди:

Сендайлар бошига келган баломан,
Бугунги кунда лотим оламан,
Тойчи золим, энди етди ажалинг,
Билиб қўйгин, мен Алпомиш бўламан.

Одам деган бунча золим бўлами,
Биров учун кўпни жорғи қилами,
Жоним бўлса, Барчин сулув меники,
Киши ўлмай, ёрин биров олами?!

Ўзингни ким-нималар деб билгансан,
Ёримни олгали сухан қилгансан,
Мен кетган сўнг ололмай Барчин сулувни,
Аламига кўпни зиндон қилгансан.

Сурхайилинг мастон бўлиб на қилди,
Мени ҳийла билан зиндонга солди,
Худой мени халос этди бандликдан,
Бугун вақти битиб Ширмонда ўлди,
Танаси мен ётган зиндонда қолди.

Энди билдим сен экансан Қамайи,
Қалмоқнинг еб ётган энг катта бойи,
Ўзингни ким-нималар деб билгансан,
Менманликда ҳаддили бир савдойи.

Қани энди, кўрсат менга зўрингни,
Янги топдинг олишмокка тирингни,
Бугун етиб экан, золим, ажалинг,
Омон бўлсам кўрсатарман шўрингни.

Тойчи Ҳакимбекнинг бу гапини эшитиб, Алпомиш эканини аниқ билди. "Ҳа, уккағар, заҳари бўлмаса, бини Алпомиш демас эди-да. Ўзи бир сузоқ қовундайгина бўлса ҳам, чийиллаган товуши ёмон ўткир экан. Буни пуфлаб учириб бўлмайди. Яхшиси, буни тарпа босиб, эзғилаб ўлдирмак ўнғай", – деб бирдан келиб, Ҳакимбек билан Бойчиборни қўшасига боса қолди. Кўнглида: "Бунинг отини ҳам, ўзини ҳам бир кўкрагим билан эзғилаб ўлдирай", – деяётир. Лекин шунда Ҳакимбек икки қўллаб Тойчининг кўкрагидан тўрт мушт жўнатди. Ҳакимбекнинг муштининг зарбидан Тойчи ҳиллонглаб терак бўйи отилиб кетди, ўзини ўнглай олмай, оғир нарса эмасми, ўз салдори ўзи билан гумп этиб, бу ёққа ағдарилиб тушди. Ҳакимбек билдики, бу бир худонинг балоси. "Бунинг билан олишиб ўтирса иш чиқмайди. Буни худди шу вақт ўлдирмак керак", – деб Чиборни ҳайдаб, чаққонлик билан Тойчининг томоғининг тагига бориб, бўғзига уст-устига етмиш ханжар уриб олди. Тойчи шунда ҳам ўлмай, тупроқни чангитиб типирлай берди. Лекин, Ҳакимбек ҳам Тойчи ҳар типирлаганида, кўкрагидан бир мушт дўндириб, ҳаракатини пасанда қилиб қўяберди. Шу орада Тойчининг кўзига ҳам бир-икки ханжар суқиб олди. Охир уни ўз ҳолига қўйиб, қараб турди. Тойчи бадбахт шу аҳволда типирлаб, хариллаб, охири жони пангқ этиб, осмонга чиқиб кетди.

Ана энди Ҳакимбек пичи дам олди. Унгача калмоқ беклари билан саксон тўққиз алплар ҳар тарафдан ҳалойиққа тош йиғдириб, Ҳакимбек ётган зиндонга тошларни тўктириб қайта берди. Шунда Ҳакимбек қараса, Ширмон бўз ёқдан қумрискадай қайнаб одам келаётир. Дарров Чиборни бошқатдан абзаллаб миниб, у одамларнинг олдига чиқди. Қараса, одамлардан олдинроқда Қалмоқ беклари келаётир. Ҳакимбек буларни кўриб, Чиборнинг сонига қамчи бериб қўйиб, бориб бари бекларининг бошини қалам қилиб ташлади. Нар ёқдан келаётган саксон тўққиз алплар қараса, Алпомиш отини миниб олибди, кўп ишларни қилибди. Алплар билса, иш ўсал бўлган, Қамай ўлган. Бари толнинг баргидай қалтираб, кўркиб қолиб, қўл кўтариб: "Омон бер, Алпомиш, товба қилдик", – дейберди. Ҳакимбек: "Алп халқи мард келади, алпнинг қадрини алп билади", – деб бари алпларга омонлик берди. Бари билан қучоқлашиб кўришди.

Ундан кейин алплар ва қалмоқ халқлари билан қўшилиб, Қайқубодни излашдилар. Қайқубод бир жиранда устида туякорин ёпиб, яшриниб ётган экан. Ҳакимбекнинг чорлаб, излаб юрганини эшитиб, туякорин солган қокмокларни устидан олиб ташлаб, ўрнидан туриб кела берди.

Ҳакимбек Бойчибордан ерга тушиб, Қайқубод жўраси билан қучоқлашиб кўришди. Алплар ҳам Кўкалдош бошлик Ҳакимбекдан кўркқанидан ҳам Ҳакимбекни ҳурмат қилгани юзасидан Қайқубод билан

бирин-бирин кучоклашиб кўришдилар. Кайкубод Кўкалдошникидан кетгандан кейин чанковузфуруш бўлиб, пичи кириктоб бўлиб юрганидан кали тўкилиб, ўрнига соч чиқиб кетган эди. Энди кўрар кўзга ҳам агар усти-боши бўлса, бинойи бўлиб колган эди. Шунда Ҳакимбек буюриб, Кайкубодга бир от келтиргизиб, миндириб қўйди.

Шунда узангига оёғини тираб, мўйловини бураб, бир сўз деди:

Бир маслаҳатим бордир, баринг билинглар,
Бу гапимга тўхтаб, қулоқ солинглар,
Қалмоқ эли бўлган ҳозир бесоҳиб,
Кайқубодни энди подшо қилинглар.

Тойчи золим ўлди, ўз юки босиб,
Лоши қолмоқ лозим далада сасиб,
Подшоҳлик қиларга энди, ёронлар,
Дўстим Кайқубод бўлди муносиб.

Кайқубоднинг менга дўстлиги ёққан,
Ўзи ҳам оққўнгил, раҳмчил, ҳаккон,
Подшоҳликка энди шулдир муносиб,
Неча йил мени зиндонда боққан.

Худойим ҳукмини айлаб орада,
Каллари тўкилиб бўлди озода,
Кўнсанглар, шоҳ бўлсин энди Кайқубод,
Авлодида ўтмаса ҳам шоҳу шаҳзода,

Кўнмасанглар, баринг яксон этарман,
Бутун элларингни талон этарман,
Қимматли дўстимдир менинг Кайқубод,
Кайқубодни бунда султон этарман.

Ҳакимбекнинг бу сўзини эшитиб, Кўкалдош бошлиқ барча алплар: – Тўғри айтасан, ўзи ҳам Кайкубод сенинг билан дўст бўлганидан бу ёғига сипохинамо бўлиб колибди. Энди нима десанг, гапинг гап, сўзинг сўз, – дедилар. – Бўлмаса, хозирдан бошлаб Кайкубод подшоҳ бўлсин, – деб кобордилар. Кўкалдош алп билан қўшилиб бошқа алплар ҳам: "Майли, Кайкубод подшоҳ", – деб омин килиб юборди.

Ундан кейин бари алплар Кайқубодга подшолик сарпой кийгизиб, бардор-бардор килиб, Тойчининг тахтига чикариб қўйишди. Шу куни

Ҳакимбек: – Кайқуботнинг олдида маслаҳатчи беклар беклиги Кўкалдош қулай эмасми, – деб алплардан сўради. Алплар бунга ҳам рози бўлдилар. Шуйтиб, Кўкалдош беклар беги бўлди. Шунда Ҳакимбек Кўкалдошга караб, ой Товкани Кайқубодга сўраб, бир сўз деди:

Эшитгин Кайқубоднинг ҳолини,
Болаликдан кўргиликлар кўрганди,
Кўксидан ошиқлик санчиб урганди,
Шуйтиб кўп йил кўйинг бокиб юрганди,
Аввалдан Товкага кўнгил берганди.

Ошиқликман кўзлари мўлтиллаб,
Керагадан сийғалаган қилтиллаб,
Ҳайбатингдан қўркканидан ,
Тарса кочган ёруғ чикса йилтиллаб.

Шуйтиб қадалганди кўксига ханжар,
Ошиқлик азоби кўкракни йиртар,
Кайқубодни ҳеч бировдан кам билма,
Одамликда шоҳу гадо баробар.

Беклар беги дейдилар ўзингни,
Амр айласанг, ким қайтарар сўзингни,
Бугунги кунда мен бўлдим совчи,
Кайқубодга бергин Товка кизингни.

Бу сўзни Ҳакимбекдан Кўкалдош алп эшитиб, Ҳакимбекка караб, жавоб бериб, бир сўз деди:

Кўклам бўлса кўкдан булут келади,
Булут келиб оқ ёмғирин элади,
Ундай бўлса, бориб сўра кизимдан,
Бу тўғрида не деса, ўзи билади.

Қаерда алп бўлса, асли мард келар,
Номардлар йиғилган ерга дард келар,
Киз деганинг бўй етган сўнг, Алпомиш,
Ўзининг кўнглини ул ўзи билар.

Шуйтиб энди шомуртингни бурагин,
Совчиликнинг хизматига ярагин,
Бир гапни бошласанг, чала қолмасин,
Буни Товканинг ўзидан сўрагин.

Чин йигласа сўқир кўздан ёш келар,
Қаерда номарднинг бағри тош келар,
Майли мен розиман, бўлсанг донакор,
Сендай алп қўлидан ҳар бир иш келар.

Менга маъқул, тағи сўра Товкадан,
Ё ёқтирмас, ёки анга хуш келар,
Майли мен розиман, бўлсанг донакор,
Сендай алп қўлидан ҳар бир иш келар.

Шуйтиб Ҳакимбек: "Ой Товканинг ўзидан бориб сўрамаса, бўлмайди экан", – деб Кўкалдошнинг розилиги билан ой Товканинг олдига бориб, бир неча жойдан тимсол келтириб, ой Товкага қараб, бир сўз деди:

Ой Товка, кўп қилдинг менга яхшилик,
Чиқмайди ҳаргиз-ҳаргиз эсимдан,
Сендан менга келган ҳар на мададлар.
Дунёда қайтганча кетмас дилимдан,
Шуйтиб, миннатдорман, алп қизи, сендан.

Биламан, кўп гапларинг бор дилингда,
Шамол кўрмай, ўсгандирсан элингда,
Кайқубод дўстимдан бўп келдим совчи,
Зўрламайман, зўмлик эмас, ой Товка,
Ҳар на десанг, ихтиёринг қўлингда.

Жамалагинг бўғин-бўғин туюнди,
Оқшом бўлса, ошиқ этар ўйинди,
Кайқубод сени деб ҳаддан куюнди,
Ошиқлик савдоси шундай қийинди.

Куйган қуллар кияр экан жандани,
Топмайсан Кайқуболдай жунундани,
Ошиқ халқи асли баланд парвоздир,

Худой подшоҳ қилди ундай бандани.

Кайқуботнинг энди бўлмас нозири,
Отанг бўлган беклар беги вазири,
Сенинг билан бирга бўлса арзийди,
Ошиқ-маъшуқ бўлиб кўрса ҳузурни.

Доно кизсан, ақлу эсдан тўласан,
Офтобдирсан, ойга мойил киласан,
Айтар гапим айтдим сенга, ой Товка,
У ёгини энди ўзинг биласан.

Эсон бўлсак, шуйтиб яқин бўлайлик,
Душманлар кўнглини ғамгин қилайлик,
Кўнсанг, сени Кайқубодга берайин,
Қўлимдан келганча қилиб оғалик.

Ҳакимбекнинг бу сўзини ой Товка эшитиб, ичи шув этиб, боши айлангандай бўлиб, юраги қизиб, тобонининг учларигача бижирлаб кетиб, калласи коронғилашиб, чип-чип терга ботиб, донг қотиб, юзи қизариб, лаби гезариб, кўп вақт индай олмай қолди. "Ҳа, асли Кайқубод шуйтибоқ мени ўпиб юран экан. Аввалларн уни кал деб бекорга қарғаб юрган эканман, ўзим каллаварам, кеча кўрдим ўзини, ойдай юзини. Энди бурунги Кайқубод қайда бўлса, майли, шу Кайқубод эрим бўлсин. Бўлмаса, садқаи сарим бўлсин", – деб бирдан оғзи калимага келиб, Ҳакимбекка: – Майли унга бероғанг, ака, – деб юборди.

Ана ундан кейин катта бир тўй қилинди, тездан тўшак солди. Қўш янгалар келиб, қўшиб қўйди куёв билан келинни. Ҳай, майли, сўзни олиб бормайик. Кайқубод ҳам кимдан кам. Шуйтиб, ошиқ ҳам етди муродга, маъшуқ ҳам етди муродга, бизлар ҳам етайлик, эй айланай худой, муродга, душманлар колсин уятга. Барча дўстлар девор урсин ҳаётга.

Ҳакимбек, Кайқубод ва Кўкалдошлар зиндонга бориб, зиндондагиларнинг барисини жамоаси билан зиндондан чикардилар. Барисини Қўнғиротга эҳтиром билан жўнатишни Кайқубод билан Кўкалдошга топшириб, Ҳакимбекнинг кўнгли улардан тинди.

Ана энди Ҳакимбек Кайқубодга ой Товкани олиб бериб, Қалмоқ юртига подшоҳ қилиб, Қалмоқдаги барча алплар билан, Кайқубод ва ой Товка билан хўшлашиб, бориш-келиш қилайик дейишиб, ундан кейин Ҳакимбек Бойчиборнинг белига миниб, бу ёқдан кўнгли тиниб Бойсин-Қўнғиротга қараб юзланиб, жўнади.

Шуйтиб, Ҳакимбек йўлга тушиб, Чилбир чўлидан, Ойна кўлидан ошиб, кўп йўл юриб, Бобохон тоғининг бу юзига етди.

Одам кўпаяётган жуда ҳам бурунги замонда Шом мамлакати ёқдан бир тўда турклар қўй ва туяларини ҳайдаб, Бойсун-Кўнғиротга кўчиб келган эдилар. Келса, бу ерлар шундай ёввойи жийда бўлиб, тирамода қип-қизил бўлиб, бари тўлиб, пишиб турган экан. Ери ўтлоқ, элибойликка кулай ерлар экан. Шунда турклар: "Бу ерлар тоза жийдали Бойсин экан", – деб шундан кейин бу ернинг исми Жийдали Бойсин бўлиб кетган эди. Одам кўпайиб, бу ердаги одамлар яйлов, сойларга сиғмай кетиб, тўқсон олти бовли ўзбек бўлиб, ҳар бови ўзича яйлов излаб бошқа ёқларга кўчиб, *Жийдали Бойсинда ўн олти бов қолиб, Бойсин-Кўнғирот аталган эди.*[7]

Ана шундай кўчиб кетган бовларнинг бири тома уруғи бўлиб, Бобохон тоғининг бу ёғида ўтирар эдилар. Ҳакимбек ана шу ерлардан ўта ётиб, улоқлари тошларда ўйнаб, чолу кампирларнинг кун чувоклаб ўтирганларини кўриб, уларга қараб, тоғнинг у ёғида ўн олти уруғ Кўнғирот элида шу кунларада нима гаплар бор, деб сўраб, шу сўзни айтиб ўта берди:

Ёмғир ёғса, тоғу-тошга сабалар,
Бағдайиклар кулаб, ерга ёпалар,
Олтмишдан етмишга кирган боболар,
Хабар беринг Бойсин-Кўнғирот элидан.

Булутни оралаб сузган сўналар,
Қаерда кўл бўлса бориб қўналар,
Етмишдан саксонга кирган эналар,
Хабар беринг Бойсин-Кўнғирот элидан.

Томи сатта тошдан бўлган томалар,
Йўл билмаган одам келса қамалар,
Саксондан тўқсонга кирган момолар,
Хабар беринг Бойсин-Кўнғирот элидан.

Сўз эшитинг мендай марднинг тилидан,
Ошиб келдим неча дарбанд белидан,
Чилбирнинг чўлидан, Ойна кўлидан,
Хабар беринг Бойсин-Кўнғирот элидан.

Тошни кирқар бедов отнинг тўғаси,
Кумушдандир қамчи дастам чегаси,
Ким экандир ул элларнинг эгаси,
Хабар беринг Бойсин-Кўнғирот элидан.

Қўнғирот бораман сабабдан сабаб,
Борар элни билиб қўймоғим савоб,
Ким экандир ул элларнинг каттаси,
Билсанглар, беринглар, боболар, жавоб.

Бир махмадана, сўзга чечантоб чол Ҳакимбекка қараб, биқингинасига қўлини тираб, мўйлабгинасини бураб, чийиллабгина: – Ҳай, болакай ўзинг қандай боласан, пича эси чаласан, ё бизларни мазах қиласан, бўлмаса, ўзинг биласан, билмасанг, айтайик, айтмай қайтайик, – деб бир сўз айтди:

Гапирсам қулоғинг гапни олами,
Ё гапирган гапим йўлда қолами,
Ултонтоздай донғозали подшоҳни,
Эшитмаган одам ҳам бўлами?!

Азобини бериб чўри-қулларни,
Шод айлаган бир неча дилларни,
Қўнғиротнинг эгаси улуғ Ултонтоз,
Қойиллар этгандир юрту элларни.

Юрт-элатга қанча-канча дон берган,
Жўмардлигига барча одам тан берган,
Ултонтозни билмаган қандай нодонсан,
Ул шўхликка супра очиб нон берган.

Бундай одил подшони даврон кўрмаган,
Ўтгани ҳам бунчалик нон бермаган,
Аввалги бийлар ҳам юрган эканда,
Бий ўтмаган Ултонтозча давр сурмаган.

Дараларга кўй, туяси сиғмаган,
Ҳар ким ўтса, бир тушгизмай қўймаган,
Ултонтознинг ҳар бир қилмишини,
Ҳеч ким йўқдир жўмордликка жўймаган.

Ёш экансан, бамисоли лоласан,
Ёш бўлсанг ҳам ёки эсдан чаласан,
Донғи кетган Ултонтоздай подшони –
Билмаган қандайин нодон боласан.

Билмасанг энди, бола, билиб ол,
Айтсам савоб бўлар, айтмасам убол,
Қўнғиротнинг Ултонтоздир эгаси,
Ким душмани бўлса, бўлсин-да поймол.

Ҳакимбек махмадона чолнинг бу сўзини эшитиб: "Ҳа, айниган чол-да, оғзининг ели бир кетса, кетади-да. Бўлмаса, шу гапни бошқа бир ёшроқ айтганда, оғзига кавушнинг орқаси билан савалаш керак бўлар эди. Лекин бир ҳисобга қараганда, айб буларда эмас. "Кўз кўрганини, қулоқ эшитганини айтади", деган бир гап бор", – деб чолнинг сўзини эшитгали тоқат қила олмай ғазабини ичига ютиб, Бойчиборга камчини бериб, илгарига қараб ҳайдаб кетди. Ҳалиги махмадана чол: "Ўзи чандаки ўпкасининг ели босилмаган бир маст-аласт бола экан-да. Отини ҳайдашидан ҳам маълум. Чамамда Қўнғиротда бўлаётган Ултонтоз подшонинг тўйининг кўпкарисига бораётирми дейман", – деб қолди.

Ҳакимбек бўлса, ўйланиб, ўзига-ўзи суйланиб: "Ҳа-да, "Бели оғримаснинг нон ейишини кўр". Текин мол, текин заминга Ултонтоз каззоб эга бўлиб, ўзининг номидан элу юртга саховат қилган киши бўлиб, бор барсани далага сочиб, ичкарига оғзини илондай очиб ётганга ўхшайди-да, хомасалот нималар қилган экан. Қўнғиротда қандай зўрлик, зуғумликлар бўлган экан. Ҳали, худойим хоҳласа, барини кўз билан кўрарман. Ким бўлса, ота, энам ва Қўнғиротнинг ебир-есирига зулм қилган бўлса, борсам, жазосини бераман", – деб шу ҳайдаганича Чиборни ҳайдаб, бир ерда йилбоши гўжа бўлиб, эру хотин тўпланиб, йигитлар кураш-ўйин қилиб турганларини кўриб қолди. "Ўзи ҳам пичи оч қолибман. Бу ерда бир гўжахўрлик қилиб, қоринни тўйдириб кетадиган бўлдим", – деб Бойчиборнинг бошини йилбоши гўжа бўлаётган ёққа бурди. Отни ушлаган бир бола югуриб келди. Шунда Ҳакимбек: – Ҳой бола, қўй, ўзим боғлайман. Бу от баччағар пичи қийиқ. Таги сенга бир нима қилиб юрмасин, – деб ўзи тушиб, Бойчиборни бир том четрокка боғлаб, бориб одамлар билан кўришиб ўтирди.

Бир оқсоқолтоб одам: – Ҳов болалар, мана бу ерга – бу чўроғасининг олдига ош олиб келинглар. Чамамда бу чўроғаси Керайт ё Қиёт ёқдан келаётган бўлса керак, – деди. Дарров бир йигит чопиб бориб, бир корсон гўжани кўтариб, Ҳакимбекнинг олдига келтириб қўйди. Таги биров сирт ёқдан келиб, Ҳакимбекнинг қўлини ювдириб кетди. Шунда Ҳакимбек гўжани ичаётиб, кўзининг таги билан қуришиб ётган йигитларни кузатиб ўтирди. Қараса, ҳар бир гўжаполвонлар ўтирибди. Билаги енгига сиғмай, мўрилари канордай, бўрбайлари долбордайки, ҳеч қўйинг.

Уруғ бўлиб чиққанидан бери ҳар йили шу ерда булар йилбоши ўтказиб, ундан кейин кураш бўлар эди. Бари курашчиларни бий йиқар эди. Кимда-

ким бийни йиқа олса, бийнинг ўрнига бу йилги йилбошигача бий бўлар эди. Агар бу йилбошида йиқилса, йиққан киши бий бўлиб, аввалги бий бийликдан қолар эди. Агар ҳеч кимдан йиқилмаса, ўзи тағи бу йилигача бий бўлиб қолар эди. Ошхўрлик тамом бўлиб, энди ҳамма курашни томоша қилиб қолди.

Шунда бир кўкракли чалқакўзтоб йигит майдонга кириб, ҳеч кимни писанд қилмай, бир-икки айланди. Ҳалиги гўжаполвонлар дим бўлиб, калласини ерга ташлаб қолдилар. Ҳакимбек қараса, майдонда полвонга ҳеч ким талаб солиб чиқмайди. "У баччағар элга шунча зарбини ўтказганмикан. Энди шунинг билан бир тутишмоқ менга лозим бўлиб қолди", – деб Ҳакимбек ечиниб майдонга чиқа берди. Шунда халиги оқсоқолтоб одам Ҳакимбекка қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Яхши йигит, қоп кетмагин солимдан,
Хабардордирман деб кураш илмидан,
Эсон-омон жўнатай ўз кўлимдан,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Ёш бошинг бор такя айла худога,
Тангрим омон берсин сендай барнога,
Нозанин йигитсан, бўлай садаға,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Бу полвон элимиз бийи бўлади,
Ҳар нечук полвонга ғолиб келади,
Тутган ҳамон эзиб нобуд қилади,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Ёш экансан, бевақт нобуд бўлмагин,
Бундайин одамга талаб солмагин,
Отинг яхши солимингдан қолмагин,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Кўпкари таркамай етиб боргин-да,
Пичи-мичи томошасин кўргин-да,
Қарияларга солим олиб бергин-да,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Бундай паҳлавонга солмагин талаб,

Олсанг, ука, меидан сенга яхши гап,
Ҳалак бўлмагин-да, ишинг тушиб чап,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Тарзингга қарайман, доно боласан,
Доно бўлиб, бўлмағур иш қиласан,
Эсинг бор, тағин ҳам ўзинг биласан,
Алҳазар-о, ҳай-ҳай, қолма балога.

Ҳакимбек ўз кучига ишонмаса, майдонга кирадими. Ҳар кимдан бир кимнинг сўзига кириб мақсадидан қайтиб юрадими. Ҳалиги аксоқолтобнинг сўзига эътибор ҳам бермай, майдонга кириб, халиги кўкракли Чолқакўзнинг тўғрисига бориб, тутиша солиб, баччағар Чолқакўзни қуловчидан кўтариб, эгнидан ошириб, чаппа қилиб урмоқчи бўлди. Бир пилла қараса, Чолқакўз баччағар кўп ҳам илмчи, ғазан экан. Худди чирмовуқдай бўлиб, Ҳакимбекка ўралиб қолибди. Агар Ҳакимбек кучли бўлмаса, Чолқакўз илм билан илдириб, хийла билан йиқиб қўйиши мумкин экан. Ҳакимбек буни билди. "Буни зўрлик билан мазасини кочирмасам, бўлмас", – деб тутган еридан қўли билан ғижимланқираб қоборди. Шунда Чолқакўз баччағарнинг суяклари синиб кетгудай бўлиб, мазаси қочиб, калласи қоронғилашиб илими бўшашиб, шилқ этиб, чолкортомонига бўлиб, ерга тушиб қолди. Ҳакимбек ҳеч нимани кўрмагандай бўлиб, қайтиб кетиб жойига ўтирди. Пичи вақтдан кейин Чолқакўз ўрнидан туриб, аёлларнинг ичидан ғирсдай ғўла, бети тўла, кўзлари керинки, қошлари қалам синглисини етаклаб, Ҳакимбекнинг тўғрисида туриб, Ҳакимбекка салом бериб, бир сўз деди:

Баракалла, қойил бўлдим кучингга,
Барокат куйилсин эрта-кечингга,
Синглимни қабул қил энди кучингга,
Қутли бўлсин сенга тома беклиги.

Чиндан ҳам зўр экансан,
Полвонликда шер экансан,
Беҳад баҳодир экансан,
Қутли бўлсин сенга тома беклиги.

Марднинг кўнглида тотли ўй бўлсин,
Қизинг берсанг, олган бойи бўй бўлсин,
Бугун сенга синглим берай, тўй бўлсин,
Қутли бўлсин энди тома беклиги.

Мард йигитнинг феъли-хўйи кенг бўлсин,
Сулувларга кишталидан енг бўлсин,
Қиз халқининг олган бойи тенг бўлсин,
Қутли бўлсин сенга тома беклиги.

Бизнинг элнинг расми шундай бўлади,
Бийни йиққаннинг ўзи бий бўлади,
Келаси йилгача ўзи бийлик қилади,
Йиқилмаса, доим бий бўп колади.

Бугун менга босим келиб бий бўлдинг,
Бизларнинг расми шул, беклигим олдинг,
Синглим олсанг, кўшилиб ўйнаб-кулдинг,
Қутли бўлсин сенга тома беклиги.

Шунда Ҳакимбек ўрнидан туриб, Чолқакўз полвон билан кўришиб, Чолкакўзга қараб, бир сўз деди:

Бийлигингни, дўстим, қабул қилмайман,
Синглингни хам аёлликка олмайман,
Мен ундайин бу алҳавасдан бўлмайман,
Қутли бўлсин ўзинга тома беклиги.

Бир шартим бор, фармонимга ярайсан,
Қўнғирот элга тобе бўлиб қарайсан,
Бу томани қарамликда сўрайсан,
Қутли бўлсин ўзинга тома беклиги.

Улгонтознинг ҳоли менга маълумдир,
Ундайларга тангрим берар ўлимди,
Бошқа хам кўп гап бор, очсам тилимди,
У баччагар асли ўзи қулимдир,
Вақтинча кип турган эмиш зулмди.

Асли билсан, Қўнғирот беги Бойбўри,
Қалмоқ юртга кетган Ҳакимдай шери,
Улгон бўлса саккиз каззобнинг бири,
Мен борсам, душманнинг курийди шўри.

Бойбўрининг ўғли тоғлардан ошган,
Кела-кела тома элга ёндашган,

Ҳакимбек бўлади бугун курашган,
Дўстим, сенга бахту давлат қарашган,
Қутли бўлсин ўзинга тома беклиги.

Бу сўзни Ҳакимбекдан Чолқақўз полвон эшитиб, кўзи ярқ этиб очилиб, бошига бойчечак гуллар сочилиб, Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Тома элга бий бўлмасанг,
Расмни қабул қилмасанг,
Арз этсам, синглим олмасанг,
Ўз билганинг қил бўлмаса.

Синглим ҳаддан етишган,
Йигирма ёшидан ошган,
Пўпаги оёкка тушган,
Ол десам, ўзинг олмасанг,
Бирор кишига бер бўлмаса.

Бу гаплар мардликнинг иши,
Сендай мард бўлмас хеч киши,
Билмайман, кимга хоҳши,
Ол десам, ўзинг олмасанг,
Тенгини топиб бер бўлмаса.

Шартларинг қабул қилармаи,
Ҳақдан соғлигинг тилармаи,
Ўлганча дўстинг бўларман,
Бугун тўй айла синглимга,
Тенгини топиб бер бўлмаса.

Шунда Ҳакимбек қизнинг авзои-атворига, қоши-кўзларининг сирига фаросат билан боқиб, шу маъракадан қизнинг хушторини топиб, етаклаб олиб келди. – Ана шунга берамиз синглингни, – деди. Тўй бўлди, никоҳ қийилди. Шуйтиб икки ошиқ-маъшуқ топишиб, мурод-мақсадларига етди. Ҳамма шуйтиб етсин муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар колсин уятга.

Тонг отиб, тўрғайлар чулдирак қотгандан кейин Чолқақўз полвон билан хўшлашиб, Чиборга миниб, Қўнғирот юрти қайдасан, деб Бобохон тоғининг белига қараб жўнаб, туш бўлай деганда, тоғнинг устига чиқиб: "Шу кеч бу ерда тунайин", – деб ётди.

Тонг отди турғайлар чўлдирак қотди. Ҳакимбек ўрнидан туриб: "Бугун Қўнғиротга эниб борарман, Ултонтоз баччағарни кўрарман. Гуноҳини бўйнига қўйиб, жазосини берарман", – деб Бойчиборнинг абзалини ўхшатиб, айил-пуштанини тортиб, ўзини ҳам тузатиб олиб, Бойчиборнинг белига ўлтириб, куннинг бурни билан Бойсин-Қўнғирот ёққа қараб эниб бора берди. Бир пилла текисроқ яйпанликка тушса, гала-гала асов йилқилар юрибди. "Булар ардисар отамнинг ва Қўнғиротдаги бошқа оғайни-қариндошларнинг йилқилари. Ҳозир Ултонтоз баччағарники... бўлган чиқар", – деб бораётир.

Бир дўнгликда битта қора уйнинг олдидаги бўзга такаймат тўшаб, беш-олти отбоқар чўпонлар такайматда ўтириб, қимиз ичиб, маст бўлиб, тақияларини буклаб кийган, қичқирлашиб: "воҳ-ҳа, ҳо-ҳо", деб жўнсиз-йўриқсиз ҳар нимани гап қилган, дунёни сув олиб кетса, тўпиғидан келмайдиганга ўхшаб ётган эканлар. Ҳакимбек ўтаётиб, уларга қараб, жўртагадан бу асов йилқиларнинг эгасининг кимлигини сўраб, бир сўз деди:

Бу ерлардир Қўнғирот элнинг чекаси,
Баланд ёқда ўйнар олқор-такаси,
Эй, ёронлар, сиздан бир сўз сўрайман,
Ким бўлади бу молларнинг эгаси?

Сўраганнинг, дўстлар, бўлмас айиби,
Тоғдан оша келмас отнинг майиби,
Эй, ёронлар, сиздан бир сўз сўрайман,
Ким бўлади бу отларнинг сойиби?

Йўловчиман, кўрган қанча жойларни,
Томошалар қилиб дўнгу сойларни,
Эй, ёронлар, сиздан бир сўз сўрайман,
Бу дўнгларга ким тиктирган уйларни?

Кундуз юриб одам ётар кечаси,
Узоқ экан тоғнинг дарбанд очаси,
Эй, ёронлар, сиздан бир сўз сўрайман,
Ким бўлади бу ерларнинг хўжаси?

Йўловчиман, йўлларингдан ўтаман,
Бугун юриб манзилимга етаман,
Ким бўлади бу йилқилар эгаси,
Билганим яхшидир, билиб кетаман.

Бу сўзни кимиз ичиб, маст бўлиб ўтирганларнинг бир хушёртоби эшитиб, тақиясини икки буклаб, манглайига қўйиб, чалқайиб Ҳакимбекка қараб: – Ҳуй, одам, ҳали шуни билмаган кандай аҳмоқсан, шу-шу ўзинг ҳам отдан ағдариб ташлайдиган баччағар экансан-да. Билмасанг, билиб ол бўлмаса, – деб Ҳакимбекка қараб, бир сўз деди:

Кумушдандир совут-тўннинг ёкаси,
Подшо бўлар эл-элатнинг оғаси,
Қандай одам эдинг ҳали билмаган,
Ултонтоз-да бу молларнинг эгаси!

Олдида ўтирар канча нойиби,
Юрмакка ярамас отнинг майиби,
Қандай одам эдинг ҳали билмаган,
Ултонтоздир бу отларнинг сойиби!

Подшо деган бийлар неча бойларни,
Обод этар акир-чукир сойларни,
Қандай одам эдинг ҳали билмаган,
Бу ерга тиктирган подшоҳ уйларни.

Узоқ бўлар бизнинг тоғнинг очаси,
Очанинг сувидан отлар кечаси,
Қандай одам эдинг ҳали билмаган,
Ултонтоздир бу жойларнинг хўжаси.

Ултонтоздай подшоҳ ҳаргиз ўтмаган,
Ўтса ҳам буйтиб донғи кетмаган,
Асли зоти хон авлоддан экан-да,
Ҳеч ким бунингдайин ҳукм тутмаган.

Кел берайик сенга ҳам кимиз-шаробди,
Ичкилик ичмаганлар бир газобди,
Ултонтозга ҳар ким икрор бўлмаса,
Итдан баттар бўлиб кўрар ғазабди.

Ул бадмастдан бу сўзни Ҳакимбек эшитиб: "Ҳа, "Овуз – ҳовуз" деган. Кимнинг оғзига элак бўламан. Шу етти йилнинг ичида шунча ҳам эски гаплар унутилиб кетар экан-да", – деб пастга қараб бора берди.

Бир пилла тағи бир гала йилқининг устидан бориб колди. Бу йилқиларнинг ичида Бойчиборнинг энаси бор эди. Бу ерга келгандан

кейин Бойчибор галага қараб бурилиб кишнаб хайдай берди. Шунда Алпомиш бир кари бўз байтал Бойчиборнинг энаси эканини билди. Шундай хайвонзодни бир-бирига меҳрибон қилиб яратган худонинг қудратига қойил қолди. Отдан ерга тушиб, юганини олиб, бўш қўйиб юборди. Шунда Бойчибор бориб энаси билан искашиб, кишнаб, ана энасини бир-икки айланди. Шунда худонинг қудратидан жонивор бўз байталнинг елини тисарайиб, путига сиғмай тўлиб кетди, шар-шар этиб, эмчагидан сут қўйилиб кета берди. Шундай катта от ҳам эмар экан. Бойчибор чўлпиллатиб бўз байтални эма берди. Ана шуйтиб, бўз байтал хам, Бойчибор ҳам бир-бирларининг меҳрига қониб олдилар. Бир майдондан кейин Ҳакимбек Бойчиборни юганлаб, таги миниб, пастга қараб кета берди.

Шуйтиб, бора-бора Оғзикенг деган бир очага бориб қолди. Бу ерда Қултой деган Бойбўрининг якин одами чўпонлик қилиб, қўй боқиб юрган экан. Ҳакимбек Қултой бобосини таниб, таниса хам жўртагадан танимасмишга солиб, бурилиб бориб, толмовсираб, қўйларнинг эгаси ким эканлигини сўраб, Қултой бобосига қараб, бир сўз деди:

Ярашикка қизил-яшил ўрайман,
Ғуч йигитман, шомуртимни бурайман,
Ростини айт, бобо, сендан сўрайман,
Бу қўйлар Қўнғирот элда кимники?

Мусофирман, оша элдан келаман,
Бугун юртларингга меҳмон бўламан,
Эшитганман, мен кўпларни биламан,
Бу қўйлар Қўнғирот элда кимники?

3270 Баҳри дил очилар кўклам чоғи,
Қўйман аралашган эчки-улоғи,
Бетни тутган, хеч йўқдайин саноғи,
Бу қўйлар Қўнғирот элда кимники?

Бировларга тангрим берар шавкатни,
Бировларга берар курук савлатни,
Бировларга шуйтиб берар давлатни,
Бу қўйлар Қўнғирот элда кимники?

Бўзда манграйишиб ўтлаб ётибди,
Питираб бари жойни тутибди,

Ҳузур қилсин худой насиб этибди,
Бу кўйлар Қўнғирот элда кимники?

Чўпонликнинг ҳам бордир кайифи,
Сурукдан қоп кетар кўйнинг майиби,
Сўраганнинг йўқдир, бобо, айиби,
Бу кўйлар Қўнғирот элда кимники?

Бу сўзни Қултой Ҳакимбекдан эшитиб, Ҳакимбекни Улгонтознинг кўп кунлик кўпкарисига бораётган бир чўроғаси, деб гумон қилиб, Ҳакимбекка қараб, жавоб бериб, бир сўз деди:

Бу кўйларнинг эгасини сўрасанг,
Бойбўридай бийники,
Ҳозиргисин сўрасанг,
Улгонтоз каззобдай баччағарники.

Кумуш дейди пўлат сандиқ чегасин,
Таги ҳам сўрасанг битта эгасин,
Биёбонни жойлаб ётган бу кўйлар,
Жонтувалдай шўрники.
Ҳозиргисин сўрасанг,
Бодом бекач ғарники.

Таги бир эгасин сўрасанг,
Ҳакимбекдай улники,
Таги сўрсанг, бу кўйлар,
Ой Барчиндай тулники,
Ҳозиргисин сўрасанг,
Улгонтоздай қулники.

Таги сўрсанг, бу кўйлар,
Ёдгордайин улники,
Алпомишбекнинг синглиси
Қалдирғочдай гулники,
Ҳозиргисин сўрасанг,
Улгонтоздай зўрники.

Етти йил бўлди Ҳакимбек Қалмоқ кетганди,
Зиндонда ўлди деб хабар етганди,

Шу орада бош кўтариб Ултонтоз,
Қўнғирот элига шохлик этганди.

Бизларга зулими ҳаддин ўтганди,
Пичоқ бориб устихонга етганди,
Бу қўйларнинг чин эгаси Ҳакимбек,
У бўлса Қалмоқда йўқ бўб кетганди.

Ўтар дунё, киёматни ўйлайин,
Тил боринда турфа-турфа сўйлайин,
Болам, сенга ростин баён айлайин,
Бу қўйларнинг чин эгаси Ҳакимбек.

Шунда Ҳакимбек Қултой бобосидан бу сўзни эшитиб: – Мен илгари Ҳакимбекнинг таърифини билганман. Кўп юртларни кўриб келганман. Қалмоқ элида ҳам бўлганман. Қани, айтинг-чи, Ҳакимбек қай тусли одам эди. Балки Қалмоқда бўлганимда кўрган бўлсам, – деб Қултой бобосига қараб, бир сўз деди:

Ҳозирги кунлар баҳор нашаси,
Ҳар гулнинг бор, бобо, ҳар турли иси,
Кўрган бўлсам, балки уни танирман,
Қандайчанги эди алпингнинг туси?

Бу ерларда олма борми, кароли,
Эсон бўлсак ҳаммасини сўрали,
Қандайчанги эди алпнинг тимсоли,
Бу ерлар ётган Қўнғирот эли.

Кеча бўлса, ўлан булур сухбати,
Кўрган бўлсам хабар айтиб кетайин,
Қандайчанги эди алпнинг келбати?

Тошни талқон этар бедов туёғи,
Мерганга панд берар қўлнинг киёғи,
Кўрган бўлсам, ҳолин айтиб берайин,
Не тусли эди алпнинг сиёғи?

Қалмоқда кўп кўрдим алпларнинг зўрин,
Таърифласам, лофга сиғмас ҳар бирин,

Қай сиёқли эди Ҳакимбек алпинг,
Тусмолман айтайин аларнинг барин.

Шунда Қултой Ҳакимбекдан бу сўзни эшитиб, Ҳакимбекка тингилиб, бир сўз деди:

Ҳакимбек эди бир туйғун йигит,
Кўнглида кири йўқ зарра бир йигит,
Кўрган бўлсанг, мен бойқишга нишон бер,
Худди сендай эди алпим, эй, йигит.

Бир кўрмак бўлгандир бобонг тилаги,
Бек алпимнинг шердай катта юраги,
Тумордай туташган болдир билаги,
Худди сендай эди алпим, эй, йигит.

Сенга ўхшаган эди алпим, хой, йигит,
Найзасининг боши сарғич яловдан,
Тангрим ани бино қилган оловдан,
Худди сендай эди алпим, эй, йигит.

Давлатқуши қўниб турган бошида,
Қурчилиқ, тўлалиқ ичу тошида,
Ҳеч бир номард туролмаган қошида,
Сенга монанд эди алпим, эй, йигит.

Қиёнлик ситам қилди, йиғлайман,
Давосиз дардим бор, нима қилайман,
Худойимдан боз кўришмак тилайман,
Худди сендай эди алпим, жон йигит.

Етти йилдир бўлиб кетди бенишон,
Ағдарилиб тушди бир ўзга замон,
Сенга келар эди анинг келбати,
Шуйтиб бўп қолдим, жон болам, ҳайрон.

Шунда Ҳакимбек: – Бобо, тағи бировни Ҳакимбек деб колманг. Одам одамга ўхшайди. Лекин ҳар одамда бошқа-бошқа белги бўлади. Сиз айтинг-чи бедарак кетган алп Ҳакимбегингизда нима белги бор эди, – деб сўради:

Адашганлар бир-бирига зормиди,
Кўришмакка кўпдан интизормиди,
Ҳакимбекнинг сиртқи-симбатидан –
Бошқа ҳам бирор белгиси бормиди?

Қултой жавоб берди:

Хазон бўлиб бевақт сўлган чорбоғи,
Ўртади, куйдирди дарду фироғи,
Бек алпнинг кўкрагига урилган,
Бор эди беш панжанинг доғи.

Ҳакимбек: – Бўлмаса, менинг кўкрагимни очиб, кўриб қолинг. Тағи мен кетгандан кейин шу Ҳакимбек сиёқли экан, деб ўйда қолиб юрманг, – деб Қултойга кўкрагини очиб кўрсатди. Қултой энди бу йигит Ҳакимбек эканини аниқ билиб, кўзи ярқ этиб очилиб, йиғлаб, Ҳакимбекка тармаша кетди. – Қарилиги қурсин, болам, пок бўлмаса, танимай қолай дебман. Болам, бизларда эс қолганми?! Ҳали, Бойбўри, Жонтувалларни сўрасанг, уларнинг ҳолларини ўз кўзинг билан кўрсанг! Ултонтоз каззоб бизларга тоза азоб берди-ку! Қандай, ўзинг эсон-омон келдингми, гўччоғим, тоғим, – деб Қултой ҳўнграб юбора берди.

Қултойнинг ҳолини кўриб, Ҳакимбек ҳам ўзини тўхтата олмай йиғлаб юборди. Шуйтиб, Қултой Ҳакимбекни қучоқлаб, тоза меҳри қониб бўлгандан кейин иккови ерга ўтирдилар.

– Бир шум кампирнинг маккорлиги билан Қалмоқда етти йил зиндон бўлиб ётдим. Бир кал чўпон билан бир алп қизи сабаб бўлиб, зиндондан қутулдим. Қалмоқ юртининг беклари билан у шум кампирни ўлдирдим. Саксон тўққизта алп билан дўст бўлиб, ул кал чўпонни Қалмоқ юртига подшоҳ қилиб, ҳалиги мени зиндондан қутулишимга сабаб бўлган қизни у кал чўпонга олиб бериб, қайтишда тома уруғининг бийини Қўнғиротга қарам қилиб келдим. Шу етта йилнинг ичида ернинг остида кўп қийинчилик-азоблар кўрдим, – деб Ҳакимбек Қултойга кўрган-кечирганларини гапириб берди.

Қултой ҳам: – Ҳей, болам, бу ёқлардан сўрасанг, бу ёқларда замон ёмон бўлди. Қаердаги хосанғур-хусанғур, ўғри-каззобларни йиғиб, Ултонтоз Қўнғиротга хон бўлди. Шуйтиб, бизларга охир замон бўлди. Отанг Бойбўрига ўтин ташитиб, Жонтувал энангга корин-калла ювдириб, Қалдирғоч синглингга туя боқтириб, Ёдгор деган етти яшар ўғлинг бўлган, унга кўзи боқтириб, менга мана бу қўйларни боқтириб қўйибди. Хотининг Ой Барчинни оламан дейди. Ой Барчин: "Сендай

олакўз каззобга тегмайман", – деди. Ултонтоз: "Агар менга тегмасанг, Ёдгор ўғлингни кўзингнинг олдида чирқиратиб сўяман", – деди. Ой Барчин ноилож бўлиб, Ултонтоз энағардан кирк кунга мухлат олди. Ултонтоз энағар: "Шу кирк кунгача одамларни койил қилиб турай", – деб бировнинг текин молига эга бўлган эмасми, солимини аямай, элга кўпкари бераётир. Ҳозир бутун шунга ўттиз тўққиз кун бўлди. Эртага кирк кун тўлади. Қоражон дўстингни сўрасанг, элдан четда ҳардам хаёл одамдай бўлиб, бир чайлани макон қилиб, ҳеч кимга қўшилмай, тоғда ов қилиб юради. Унинг ҳеч ким билан иши йўқ. Бошқанинг ҳам унинг билан иши йўқ. Шуйтиб, болам, бизларга кўп зулм ўтди, пичоқ бориб устихонга етди. Яна бир кун келмай турганингда ой Барчин ҳам қўлдан кетиб, ундан кейин бизларнинг ҳолимизга шоғол йиғлар эди. Бошга солса, кўз кўрар экан, болам. Шу кунларда ўйлар эдим: "Бир от бўлганда, миниб бориб, Ултонтознинг кўпкарисидан бир чиқиб, ой Барчин келиннинг олдидан бир ўтсам. Ҳеч бўлмаса бир кўнгли "бизлардан от чопганлар бор экан", – деб кўтарилармиди, деб қўяр эдим. Ўзи ҳам шу етти йилдан бери қўлимга бир тойча тегмай, тоза юрагимни чер босиб, ўлиб бўлган эдим. "Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам", – деб ҳали Ултонтознинг кўпкарисига сира бориб кўрганим йўқ. Эртага, болам, шу ниятимга етаман. Бойчиборнинг белига бир миниб бориб, Ултонтознинг кўпкарисидаги чавандозларнинг ғиди-бидисини бир чикариб ташламасам, юрган эканман. Болам, сен келдинг бўлди. Энди мен ҳеч кимдан ҳайиқмайман, – деб Қултой ҳам бари бўлган воқеаларни Ҳакимбекка айтиб берди.

Кун ҳам кеч бўлди. Қултой бир тўқлини олиб келиб сўйди. Ўрталиққа гулханни қилди. Гўштларни бурдалаб, бодомчанинг қамишини келтириб, сих қилиб, бурда гўштларни ўтказиб, туз сепиб, чўққа қўйиб, кабоб қилиб, Қултой билан Ҳакимбек ура берди. Шуйтиб, оқшом сухбатлашиб, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ётдилар.

Эртан-мертан тўқлининг юмирини Ҳакимбек бошига кийиб, жўртагадан кал бўлиб, бетини ҳам доғ – жолтириш-буриш қилиб, бир оқ гўстамнинг соқолини киркиб олиб, иягига чўчайма соқол қилиб, Қултойнинг телпагини бошига бостириб кийиб, Қултойнинг чийдамини устига кийиб, Қултойнинг чориғини оёғига кийиб, Қултой сўратига кириб, худди Қултойнинг ўзи бўлиб, Бойчиборни Қултойга ташлаб, пиёда таёкни судраб, хар ёққа қараб, эниб кета берди. Бир ерга борса, Қалдирғоч на устида кўйлаги бор, на путида иштони, рўмол ўрнига бир тор искирти бошида, устида бир йиртик жанда. Олдига ташласа оркаси кўринади, оркасига ташласа олди кўринади. Оёғи яланг, тиканга тўлган, шуйтиб кўп овора бўлган. Йигирматача туяни бокиб, хайдаб келаяпти. Шу аҳволда Қалдирғоч сўзлаб-бўзлаб бораяпти:

Ҳала туям ҳарвона,
Ҳала-ё, ҳала-ё,
Мен бошингдан парвона,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Бесоҳибнинг туяси,
Ҳала-ё, ҳала-ё.
Душманга урсин куяси,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Ҳала туям энгин-а,
Кўзим сенга, сенга-я,
Тушимга кўп гап энган-а,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Оёғимда тикан-а,
Бизлардан давлат кетган-а,
Бошимга зулм етган-а,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Жандам учи тугун-а,
Мушгипарга қийин-а,
Қўшила олмайман йиғина,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Ёлчимайман лачакдан,
Жой тегмайди ўчоқдан,
Мен сизга ҳамдам нечоқдан,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Бўлдим абгор, ялонғоч,
Кун кўрмаган довдир соч,
Суянчиксиз Қалдирғоч,
Ҳала-ё, ҳала-ё.

Қалдирғочнинг бундай аҳволини кўриб, Ҳакимбек кўп хафа бўлди. "Буни бу аҳволда уялтириб, нима қилай", – деб Қалдирғочга ўзини танитмай кетмакни қулай билиб, "Ҳа, энағар Ултонтоз, жазонгни кўрарсан-ов", – деб ичида шибирлаб, ўзини Қалдирғоч синглисига танитмай, Ҳакимбек элнинг ичига эниб бора берди.

Энди Қоражоннинг аҳволидан пичи эшитмак керак. Қоражон нарги бетдаги тоғнинг орасидан бир кичкина чайла қилиб олиб, шу чайлада халққа қўшилмай, егулик нарсаси ода бўлиб, овга чиқиб, овдан олқар, така отиб келиб юрар эди. Кўп одамлар Қоражонни танимас эди. "Бир ёқдан келиб қолган бир хаёлоти одам", – деб юрар эди. Қоражон ҳар замонда яширинча келиб, Бойбўрининг ҳол-аҳволини сўраб, дардлашиб кетар эди. Қоражон чайласида ўтириб, юраги кисилиб, бир диқлигим ёзилсин, – деб тургани:

Шунча юриб, қарорингни билмадим,
На кўйларга солдинг, алдамчи дунё,
Сенга келиб бахту роҳат кўрмадим,
Аклу ҳушим олдинг, алдамчи дунё.

Бирорта мақсадим ҳосил этмадим,
Шунча қилдим, истагимга етмадим,
Доимига вайрон бўлдим, битмадим,
На кўйларга солдинг, алдамчи дунё.

Қанчалар уринсам, шунча қайтардинг,
Доим мени ғам-ғуссага итардинг,
Шуйтиб ҳаргиз ўстирмадинг, мойтардинг,
Аклу ҳушим олдинг, алдамчи дунё.

Мен эдимми, эй маккора, қасдингда,
Не ташладинг, эзиб-янчиб остингда,
Бемаъни, бедардлар кулар устингда,
На кўйларга солдинг, алдамчи дунё.

Нега менга бахтни қийшиқ бокдирдинг,
Ғам тоғини тос елкамга йиқтирдинг,
Қок миямга жафо тошин чақтирдинг,
Аклу ҳушим олдинг, алдамчи дунё.

Ўзгаларнинг амлоғи бор, жойи бор,
Фалакнинг ишидан на парвойи бор,
Ҳамманинг ғамдоши, тенгу тойи бор,
На кўйларга солдинг, алдамчи дунё.

Бахтимни учирдим, тумана дўнди,
Бошимга кийшайиб замона дўнди,

Яхши бўлай дедим, ёмона дўнди,
Ақлу ҳушим олдинг, алдамчи дунё.

Ҳақлик дедим, ҳақ ахтариб соб бўлдим,
Тўла эдим, бир йиртилган қоп бўлдим,
Эл оғзига эрмак учун гап бўлдим,
На кўйларга солдинг, алдамчи дунё.

Ўз-ўзимга қилдим бунда ҳикоят,
Эй, кўнглим, нафсингдан айла шикоят,
Шунчалик зулмга борми ривоят,
Ақлу ҳушим олдинг, алдамчи дунё.

Шу кунларда Бойбўрини бир овлоқ жойда учратиб, Ултонтоз шу вақтларда ой Барчинни оламан, деб элга улоқ бериб, кўпкари қилдириб ётганини, ой Барчиннинг қирқ кунга олган муҳлатининг муддати яқинлаб қолганини эшитган эди. "Бориб кўпкарини томоша қилсам", – деб ичи қизиди: "Борсам Ултонтознинг кўпкарисини кўрсам, отим бўлса экан, пичи-мичи кўпкарисига аралашсам. Қури бориб, деворга миниб, кўриб куйгандан, кўрмай куйган яхши эмасми", – деб кўп кун кўпкарига келмай юрди. Охири чидай олмай, кўпкарининг бўлганига қирқ кун бўлганда: "Ҳей, ҳеч бўлмаса, узоқ-ёвуқдан келганларни кўрарман. Кўпкарини чопмасам ҳам бирор танишимнинг маъракада аралашиб юрганини кўрсам, бир кўнглим кўтарилар", – деб кўпкарининг қирқинчи куни эгнида жанда, бошида йиртиқ телпак, оёғида хом теридан бўлган чорик, бетлари тиришиб, жағи буришиб, қийшайиб бир чеккадан келиб, кўпкарига қараб ўтирди.

Девор питтаннинг усти одам. Бир ёқда боққоллик. "Ҳов, Ултонтоз одилнинг шавкатли тўйига келганда, биздан бир ҳолва олиб колинг". "Мана шу бир чилимдан чакинг", – деб ҳар ким ўзи билан бўлиб ётир. Бировлар "фалончада кетди, пистончада кетди" қилиб, оғиз-кўпкари чопиб ётир. Қоражон деворнинг устида ўтириб, кўпкарига келиб, кўпкари чопишиб ётган пиру жувон, югурук чобонларни кўриб ўтирибди. Шунда Ултонтознинг Кўккашқа отини минган бир оқ жун шимли, оқ чекманли, ола бурма телпакли, қорувли, Кўколасақол чавандоз кўпкарини яшнатиб юрибди. Бугун кўпкарининг охирги куни бўлиб, *чавандозларга майда берилаётиб эди*.[8] Шу баччағар йигирматача майдани олиб кўйди-ёв. Қоражон шу пилла қараб, бирорта кўнгилга ёккан одамни кўрмади. Томошага келиб қараганига минг марта пушаймон еди: "Ҳа, шу топда пешанамга бир чўбир ҳам битмади-да. Ҳеч бўлмаса, шу баччағарнинг

тўғрисига бориб, кўпкарисини ола олмасам ҳам, улоғининг терисидан бир юлиб келганимда, бир ҳордиғим чиқар эди. Эй, Қоражон, эндиги бу ҳаёлларингни сувга айт. Сенинг обрўинг, отинг Қалмоқда қолди", – деб ўзига-ўзи ҳўрлиги келиб, шу сўзни айтди:

Ҳай, аттанг-а, бундай мунглиқ кунимда,
Остимда бир бедов отим бўлмади,
Кишининг элида қўқиб парларим,
Учай десам, қўл қанотим бўлмади.

Элимдан айрилиб, бўлдим бегона,
Дилимдан айрилиб, бўлдим девона,
Тоғларни кезаман масту мастона,
Во дариғ, минмакка отим бўлмади.

Бошим ололмайман, бунда ҳушим йўқ,
Бирор кўнгилсоз, кўнгил ҳушим йўқ,
Ғарибдирман, ҳеч ким билан ишим йўқ,
Аттанг-а, бир бедов отим бўлмади.

Кўпкарига келиб ортди аламим,
Топилмаса, нетай, бирор ҳамдамим,
Остимда отим йўқ, таркатсам ғамим,
Во дариғо, хоназотим бўлмади.

Ёмонларнинг шашти чиқмиш баландда,
Бечора мазлумлар қолмиш армонда,
Нетар девор миниб мендайин банда,
Шу топда бир чопқир отим бўлмади.

Худойим қилмади чўбир ҳам насиб,
Чўбирни кўрардим бир ясов уриб,
Хаёлим қайларга борасан суриб,
Сурмакка бир бедов отим бўлмади.

Энди Қоражон деворнинг устидан кўпкарига караб турсин. Бу ёқда Султойдан эшитинг.

Султой усти-бошини кийгизиб, Ҳакимбекни ўзи килиб жўнатиб, ундан кейин ўзи Ҳакимбекнинг кийимларини кийиб олиб, Чиборни миниб, бошка овлоқ йўл билан Улгонтознинг кўпкарисига кетди. Бир

ёклар билан айланиб, тушда кўпкарига етди. Худди шу пилла майда тамом бўлиб, энди охирги хўкиз ўлдига бир катта гўстамни ташламоқчи бўлаётган эди. Қултой шунда Чиборни тўдага солиб юборди. Чибор жонивор ҳам бугун бир иш кўрсатиш керак бўлганини билиб, ўзини ўқлай тўдага уриб, тўдани қоқ ёриб, йўл бермаган кўп отларнинг оралиғидан хийиллаб, ўзини ирғитиб ташлаб юбориб, қимтиб аввалги сафга етиб олиб, Улгонтознинг Кўккашқа отининг чап ёғидан бориб турди. Худди шу пайт гўстам Кўккашқанинг тумшиғидан ошиб тушди. Дарров ола телпакли, Кўколасоқол баччағар гўстамнинг бир томонини эгарга олиб, "ют", деб ҳайдади. Шунда Қултой ҳам Чиборни қимтиб, ажабаси қўзиб, кўпкарини еб қўйгудай бўлиб, гўстамнинг бир томонини тақимдан ўтказиб олиб, бу ҳам: "Қани, ҳайдашиб кўр биз билан", – деб ҳайдаб юборди. Кўзига ҳеч нима кўринмайдиган тенг чавандозлар гўстамнинг ҳар еридан торткилаб бораётир. Бир пилла тўдадан Кўколасоқол билан Қултой узилиб чиқди. Шунда Улгонтознинг хушомадчилари эргашиб, иложи келса, гўстамни Кўколасоқолга олиб бермоқчи бўлиб, Кўккашқанинг ёнбошидан, оркасидан уриб бораётир. Шунда Қултой: – Ҳа-ҳа, энангни..., Олакўз, энди даврянг ўтди, Кўккашқангнинг мадори кетди. Энди шону шавкатингга ишонсанг, ишонган одамингнинг кўзини ўяман, – деб бораётир. Кўколасоқолнинг қабатини олиб бораётганлар Қултойнинг бу сўзини эшитиб, Қултойга: – Ҳа-ҳа, ҳой, миясини еган, асти кимсан ўзинг?! Ким билан ушлашиб бораяпсан ўзинг кўзинг бақратиб. Ҳар қайсимиз бир қамчидан берсак, ҳозир ўласан ўзинг, – деб бораётир. Қултой у одамларнинг гапларини писирикча ҳам билмай, уларга қарамай, Чиборга камчи босиб бораётир. Шунда ола бурма телпакли Кўколасоқол чавандоз Қултойга: – Қўйиб юбор, – деб дўқлаб бораётир, Қултой унга жавоб бериб бораётир:

Акангни азайлаб
Мазанг қочади, қўйиб юбор,
Кўп андармон кип бойлама,
Кайфинг учади, қўйиб юбор.

Хозир суриб кетаман,
Ҳуйт деб олдингга ўтаман,
Отинг билан жуббай қилиб,
Ерга бир уриб кетаман.

Минган тулпорим Кўккашқа,
Чополмайди мендан бошқа,
Ҳалдингдан ошма, баччағар,

Бир урарман кора тошга,
Бўп кетарсан бошқа-бошқа.

Салимини килдим тенг ярим,
Шоҳимнинг хўжаси пирим,
Ҳар жойда бўлса дастгирим,
Сийинг борида қўйиб юбор.

Қултой:
Ҳали мени бўш дебмидинг,
Қари чақа гўшт дебмидинг,
Энди момонгни кўрсатай,
Ажалингни хеч дебмидинг.

Кетибсанда бежай ортиб,
Кўп чавандозни ияртиб,
Қўлингдан келса, аяма,
Кучинг етса, кўр-да тортиб.

Минган отинг Кўккашкади,
Билмайман неча ёшдади,
Кўп кеккайма, эй, баччағар,
Урадиганинг бошқади.

Шу бугун куригай шўринг,
Қўллай олмайди дастгиринг,
Пошоҳинг билан бир бўп,
Нетарди ул гадой пиринг?!

Аҳа-ҳу, деб Қултой Чиборга камчини босиб юборди. Кўколасокол ҳам унча-мунча чавандозлардан эмас. Бу ҳам бўш келмай, кам-кам гўстамни эгарга кимтиб, маҳкамлаб бораётир. Бошқа чавандозлар ҳам сўнгги келиниш умидида кувиб бораётир.

Шунда Қоражон қараса, худди Бойчибор сиёкли бир отни минган, бошида калмоқи телпак, чуча соқолли, мўйсафид келбати Қултойдай, оёгида нўғойи этик, устида қора чакмон, қора шим, Ултонтознинг чавандози билан қўштақим бўлиб, шу деворнинг тагига қаплаб келаётир. Бу воқеа Қоражоннинг тушида бўлаяптими, ўнгидами бўлаяптими – ҳар калай Қоражонга от ҳам, устидаги мўйсафид ҳам худди танишдай

иссиқ кўриниб кетди. Жуда кофия танг эди. "Ҳай, аттанг, Олателпак гўстамни олиб кўяди-ёв". Қани энди, шу топда Қоражоннинг остида чўбиртоб битта оти бўлса, бора солсаю, шу мўйсафидга бу ёғидан туриб ёрдамлашса. "Олателпак чатоқ одам, бобо, маҳкам бўл, маҳкам бўл, оп қўймасин, оп қўймасин гўстамни", – дейберди. Шунда Қоражоннинг хаёлида чиқиб ўтирган девори бир бўз саман от бўлди. Қоражон қамчини бериб мўйсафиднинг бўйин бошидан бориб бир пойчага қўли илинди. Пойчанинг учини эгарнинг қошига тортди. "Бобо, маҳкам бўл, қабатингда ўзим борман", – деб ҳайдаб юборди. Шунда Қултой: "Аҳа-ҳа, қаддингдан, Чибор", – деб Чиборни ҳайдади. Кўккашка бир арикда сурлигиб, умма бўлиб, Кўколасоқол лойга қорилиб қолди. Шуйтиб Қултой: "Ҳа-ҳа-ҳа, Олакўз, балокўз, амакинг эмасда бу бобонг", – деб гўстамини олиб, бир бўйин тўдадан узиб чиқиб кетди.

Илгари кўпкарининг қоидаси ё бир йўл, ё бир хирмон жой, ё бир ўтовнинг ўрни, ё бир ўтовнинг ўзидан кесиб ўтса, ундан кейин олган кўпкари чавандозники деб ҳисобланар эди. Бўлмаса, етиб олиб тағи унинг билан тортишмоқлик мумкин эди. Қултой қараса, ой Барчиннинг ўтовининг устидан чиқиб қолибди. "Айни муддао", – деб гўстамни гумп эткизиб ой Барчиннинг ўтовининг олдига ташлаб кетди. Ой Барчин шундай кераганинг орасидан Чиборни орқа томонидан кўриб қолди. От ҳам, устидаги мўйсафид ҳам кўзига иссиқ кўриниб қолди. Отнинг устидаги "Қултой бобомми", – деса, усти-боши башанг бир чол. Ой Барчин ҳам бу воқеани ҳеч ёққа мингаролмай, лол бўлиб: "Ҳар қалай, ким бўлса ҳам бизларга қайишган одам, деб шодмонлик кунлар келар-ов", – деб бир суйсиниб қолди. Кўпкари бўлса, тарқаб кетди.

Қултой ҳам бир кирдан ошиб, бошқа йўл билан қўйларнинг бошига кетди. Бу ёқда Қоражон хаёлида: "Бўз саман миндим", – деб деворни миниб ишкалай бериб, чуқур катик қилиб юборибди. Ким билан кимнинг иши бор, дейсиз. Кўпкарида бундай бўлган одам кўп бўлади. "Ҳар қалай бир гап борга ўхшайди. Ҳар эҳтимолга кўра эртан ҳам келиб, бу ерлардан бир хабар олмоғим керак", – деб Қоражон тоғдаги кулбасига қайтиб кетди худди елкасидаги тош гартак енгиллашгандай бўлиб.

Энди Ҳакимбекдан эшитамиз. Ҳакимбек Қултой бўлиб, чориғини судраб овулга тушиб борди. Шу овулда Ойзарбоб деган бир лабиннинг жияги бурилмаган маҳмадана, ҳангама талаб аёл бўлгувчи эди. Иш деса, сиёҳтоброк, гап деса, коп-коп. Бу хотин: "Бир рўзғорга бир сигир бас-да, нима керак ушоқ мол қилиб овора бўлиб, ҳангамадан қолиб, айниқса, эчки мол бўлмайди. Дик этиб у деворга чиқади, дик этиб бу деворга чиқади. Шуйтиб, эгасини жонидан безор қилиб юборади. Бўлмасин эмас, бўлсинкуя, одамга беташвиш ўзи кўпайиб ётсин", – деб илгари биттагина эчкига келган эчкисини кўрага қўшиб юборган эди. Буни Ҳакимбек

валлдан билар эди. Шу Ойзарбобга: "Эчкинг кўпайиб кетди, суюнчи бер, деб борай. Қани, нима бўлар экан", – деб Ойзарбобнинг уйини сўраб бориб, Ойзарбобни чақириб, эчкинг туғди суюнчи бер, деб Ҳакимбек Қултой бўлиб, бир сўз деди:

Лопиллаб келаман йўлларга тушиб,
Неча газа, неча сой, кир ошиб,
Куйиб-пишиб, Қултой келганди шошиб,
Эчкинг туғди, қўш улоғи манграшиб.

Бермайсанми, келин, бизга суюнчи,
Болангга келган ул чолғи энчи,
Бобонгдан хабарин эшитсангчи,
Ҳозир кўпайиб бўлибди олтмиш,
Шулар учун, келин, бергин суюнчи.

Эчки қўшганингга саккиз йил бўлди,
Улоғини улоғи улокли бўлди,
Ўрта ҳисоб билан сони олтмишта,
Охири улардан нечови ўлди.

Шу бугун бир бултурги тўчанг,
Худо бериб, икки улокли бўлди.
Бобонг шуйтиб, кирлар ошиб лопиллаб
Бир суюнчингни олай деб келди.

Бу сўзни Ойзарбоб "Қултой" бобосидан эшитиб: – Ҳей, ўлгани ўлгандир, қолгани сизнинг айтишингиздан олтмиш бўлгандир. Ҳей, бобом бечора шундан суюнчи оламан деб келибсиз-ов. "Ўзи ҳам бобом бечора далада кок бўлиб мойиши кочиб юргандир. Энди бобомга аввал мижмантой қилиб бериб, корнини тўйдириб, дуосини олиб, ундан кейин суюнчисини берайин-да", – деб "Қултой" бобосини уйга киргизиб, ўзи мижмантойга пича ун эламакчи бўлди. Мижмантой деб иссиқ қотирма билан саримойни аралаштириб янчганини айтар эди. Шунда Ойзарбобнинг ўзи "Қултойнинг" бошига тушиб: – Ҳа, бобо, кал бўлиб колибсизми, – деди. Шунда "Қултой": – Ҳа, "ғазабли кул қариганда кал бўлар эмиш" дегандай, келин, шуйтиб қариганда меҳнат қисиб кал бўлиб колдим. Э, келин, одам қаригандан кейин нима бўлар эди. Дарахтга чирик тушгандай гап-да. Боши кал бўлади, кўзи тиртиқ, ҳар жойи йиртиқ бўлади. Шуйта-шуйта адо бўлади. Одамзод қандай қилиб йўқ бўлар эди, дейсан. Шундай

қилиб, бир кун ўлади. Ҳой, келин, дам ғанимат мижмантойингни тезрок қил, тезрок еб қўйларнинг бошига борай. Ҳали Ултонтознинг тўйидан ҳам бир шибоға еб кетсам, деган ўйим ҳам бор, – деди.

Ойзарбоб бўлса, унни элаб қараса, ўчоқда ўт ўчиб қолибди. – Ҳов, гап билан бўлиб, ўчоқдаги куримтани ўчмаган деб юрибман. Энди, бобо, сиз пичигина дам олиб туринг. Мен ҳамсояларнинг бировиникидан ўт олиб келиб, сизни бир тўйдирай. Шунда Ултонтоздай яхши одил одам полвон бўлиб, элни қойил қилиб тўй бераётган савобли кунда бир мижмантой ем. Ундан кейин мен ҳам кўп қатори тўйга борайин-да. Ҳеч бўлмаса, Бозор бекачнинг кўз қири тушиб кетса, бизларнинг уйимизга ҳам кут-барака энар. Юзимизга файз кўнар, – деб Ойзарбоб ўт излаб ҳамсоясиникига чиқиб кетди.

Ойзарбобнинг қилиғи, гапи Ҳакимбекка ёқмай, бевафо дунёдан шикоят қилиб, бир сўз деди:

Ғамхона дунёнгнинг ташвиши битмас,
Шунда ҳам одамзод мақсадга етмас,
Тағи умид дилдан яраклаб кетмас,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Нурилар ўрнида битган гул бўлди,
Бешаёқ сўзлаган қизил тил бўлди,
Элатлар суюлиб, ётлар эл бўлди,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан берман ишинг шул бўлди.

Биз деган одамлар кўзга кўринмас,
Бахти қайтмай, бек отидан суринмас,
Шоир деган гапирмакдан эринмас,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Кўнгиллар юкини таркатиб яйра,
Чин сухангар бўлсанг, бу ерда сайра,
Тўти булбул бўлар бир-бирига ошна,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Давлатмандга хушомадгўй кўп бўлди,

Ўз-ўзидан бу иш кўпга эп бўлди,
Ҳақгўй одам хаклик излаб соб бўлди,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Ҳикмат турур Раҳматулла бу байти,
Юзгўй, сийпончиғинг дўзахнинг ити,
Ҳар ишнинг бўлмайми бир куни кети,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Нелар келмас бунда сенинг дастингдан,
Қутилмади бир нечалар касдингдан,
Дарров чиқар хак одамлар эсингдан,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Ҳакимбегинг бугунги кун кал бўлди,
Суратин тузатиб Қултой кул бўлди,
Ҳаклик излаб бизга кисмат шул бўлди,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Каклик кетиб, бу тоғларда зоғ кўнди,
Ғамхона кўнгилга андан доғ кўнди,
Палач тегиб, тулпор оёғи синди,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Яхши давронларнинг ёмони дўнди,
Баланд беллар боши тумона дўнди,
Қултум сувлар тошиб уммона дўнди,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Полвонлар нас бўлиб, наслар зўр бўлди,
Ғафлат босиб бир нечалар кўр бўлди,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Отамнинг макони кўринар эласма-элас,
Тўйга кетар эллар гурасма-гурас,
Ит семирса, эгасини танимас,
Ҳийвогар, алдамчи, бевафо дунё,
Азал кундан бери ишинг шул бўлди.

Умр ширин, сенга келиб ким тўяр,
Тўйга борсанг, саркитидан шибоға қўяр,
Мен билмайман воллоҳаълам эртанга,
Қудағайим кимга қараб қўй сўяр.

"Ўтга борган хотиннинг ўттиз оғиз гапи бор" дегандай, Ойзарбоб ўт излаб борган уйдан осонликча кела қолмади.

Бугун Ҳакимбекнинг алплиги тутган. Дам-бадам теварагига чирпиниб, теварагидаги тошни ғижимлаб ун қилиб юборгудай бўлган, жуда ҳам аччиғи келиб, кўзларига қон тўлган. Шундай пилла Ойзарбобнинг мижмантойини ейман деб кунни бекорга ўтказиб ўтирса, бўладими?! Уйининг олдига шундай қараса, бир қоп иркит турибди. Бориб иркитни кўтидан кўтариб, қопнинг лабини оғзига олиб бориб, бир симирди. Худди бир пиёла курутни ичиб юборгандай, яна борми, деб аланглаб қолди. Иркит қопини бўшатиб, уйга кирса, бир меш чалоб турибди. Мешнинг оғзини кўтариб, бир симирди. Худди ярим пиёла чалобни симиргандай, яна борми деб аланглаб қолди. Уйининг бу ёғига қараса, бир корин ва бир юмур мой бор экан. Қорин билан юмурни бир бошидан тишлаб, ҳа, деб еб олиб, худди икки тухум егандай бўлиб, тағи борми, деб аланглаб, саночда ва супрадаги уларгача капалаб, еб қўйди. Бир пилла Ойзарбоб бидирлаб гапириб, ўт олиб келиб қолди. Шунда "Қултой": – Келин, тезликда келмадинг. Сеникидан мижмантой ейман, деб тўйининг шибағасидан қолиб кетадиганга ўхшадим. Энди суюнчи ўзингга насиб қилсин. Мен бўлсам, қаттиғингни камириб, суюғингни симириб, ҳар қалай, пичи қовзаниб олдим, – деб таёғини судраб уйдан чиқиб, жўнамакчи бўла берди. Ойзарбоб қараса, иркит қопи бўшаб ётибди. Югуриб уйга кирса, меш ҳам бўш, саноч бўш, қорин билан юмурнинг дараги ҳам йўқ. "Қаттиғингни камирдим, суюғингни симирдим", – деб "Қултой бобоси" ҳаммасини пайҳон қилибди. Шунда Ойзарбоб далага югуриб чиқиб, "Қултойни" қарғаб, икки қўллаб ерни муштлаб, бир сўз деди:

Муродингга етмай ўлгур "Қултой кал",
Қаердан ҳам келдинг бунда бемаҳал,
Айдарҳодай ютаб келиб, иймонсиз,

Мен келгунча кипсан уйда кўп ўсал.

Келиним, деб ялмонглаб ҳол сўраб,
Мендай анойидан суюнчи сўраб,
Далада каровсиз қолган, тентак чол,
Кетибсан-ку қилиб хонамни хароб.

Одам деган ҳам шундай бўларми,
Анойисин топиб, гўл кип келарми,
Ултонтоздай одил шоҳнинг даврида,
Шундай ёмон ишни киши қиларми?!

Дала-даштда феълинг ёмон бўлдими,
Қаттимни камириб, суюғим симириб,
Мечкай кул, тўлмаган еринг тўлдими?!

Мечкай кул, ютуниб қаердан келдинг,
Мендайин анойингни гўл қилдинг,
Ултонтоздай одил шоҳнинг даврида,
Берганига сен ношукурлик қилдинг.

Шу вақти Ултонтоз элни тўйдирган,
Чўпон-чўликига сарпой кийдирган,
Сендайчанги ношукурларни –
Билса агар, икки кўзни ўйдирган.

Ойзарбоб дер менга ҳам кийим беради,
Бул замонда кўп қаторида сўради,
Юрт бекаси Бодомдай ойимни,
Тақдир қилса, бугун кўзи кўради.

Ойзарбобнинг бу сўзларига Ҳакимбекнинг аччиғи келса ҳам, ўзини босиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, Ойзарбобга қараб, "Қултой" бўлиб бир сўз деди:

Келин дегани шундайин бўлами,
Одамни буйтиб беҳурмат қилами,
Гуноҳимдан оқсоқол деб ўтмайин,
Шартиллатиб бул юзига солами?!

Чалобингга ғамгин бўлма, келин-а,
Иркитинг илинди бобонг қўлина,
Мойинг, унларингнинг ўрнига,
Эртандан кай биздан бия-кулин-а.

Ултонтознинг шавкатига учмагин,
Гапман бўлиб бул бобонгдан кечмагин,
Чалобинг ўрнига асов от берай,
Тининг турган ерда лойқа ичмагин.

Ултонтоз йиққандир ғарам-ғарамди,
Ғирромликман йиққан моли ҳаромди,
Бировнинг мулкидан тўплаб тўй қилиб,
Ҳийламан олганди бир яхши номди.

Асли билсанг Ултонтоз элнинг мохови,
Бекач бўлармиди Бодом соқови,
Бировнинг мулкидан тўплаб тўй қилиб,
Итнинг ҳам келади бир марта дови.

Рўмолингни қия қўйиб керилма,
Ҳақ бўлсанг, ҳаклигингдан сурилма,
Ултонтозни одил деган гап ёлғон,
Эсинг бўлса, бундайларга берилма.

"Қултой" бобонг айтар гапнинг ростини,
Эрта-индин олар андан қасдини,
У каззобнинг кесиб олиб бошини,
Эгаллар элатнинг баланд-пастини.

Ойзарбоб Ҳакимбекдан бу сўзни эшитиб, боши айланиб, кўзи мўлариб, ичи шувиллаб, қўрқиб кетди: "Ахир, ким подшонинг ҳақига шундай гапларни айтган. Бундай ўйласа, "Қултойнинг" бахти кайтган, ўлгиси келган. Шундай қилиб, жавраб, сандираб кўп елган. Охири ҳам менинкига келган. Тентаклиги шуйтиб, ўлар чоғида дунё кўзига кўриниб, бор нарсамни ютган экан. Мен бўлсам, бунинг гапига ишониб, бошим котган экан. Ўлибман, ўлибман, асли мен ўлибман. Қурут йўқ бўлса, чалоб йўқ бўлса – гўрга. Мой ва ун йўқ бўлса – гўрга. Ҳали биров "сеникига Қултой келиб, шундай-шундай гапларни дебди. Сен унга мижмантой қилиб беribсан", – деса, ялпиллаб, дорнинг учига илиниб кетмайманми?! Вой-эй,

Ҳа, айтмоқчи, мен "Қултойга" эчки қўшганим йўқ. Ўзини танимайман ҳам. Тўйга бораётган аёлларга ўзимни уриб, аралашиб кетмакдан бошқа гап йўқ". – Ҳой, жинни чол, кимсан ўзинг? Кет, танимаган уйда ишма қиласан. Мени йўлдан қолдириб, гапга андармон қилма, – деб бир боланинг яктагини ёпина солиб, наррокда гурас-гурас бўлиб тўйга кетаётган аёлларга қўшилиб кетди.

Хакимбек хам "Қултой" бўлиб, таёғини судраб, йўлга тушиб, тўйхонага қараб кета берди. Шуйтиб, бир тўда хотинларнинг орқасидан тушиб колди. Хотинлар: "Барчин сулуви қандай экан? Тўйдан айрилиб чиқиб бориб, қараб ўтмаймизми? Ултонтоз подшоҳ шундай ўн минг уйли, ўн олти уруғли Кўнғиротдан ўртан қўлдай қизларни хоҳламай, есир бўлса хам уни олаётганига қараганда, жуда хам сулув бўлса керак-да", – деб бораётир. Аммо бари билкиллаган, мой босган, беўй хотинларга кигама-бовурсоқлар хам дардисар бўлиб, бесаранжом қилиб бораётган эди. Улар "Қултойни" кўриб: – Ҳов, чўпон бобо, бизларнинг қатлама дастурхонларимизни пичи кўтариб юрсангиз қайтади, – деб колишдилар. "Қултой" бўлиб бораётган Хакимбек: – Хўп, бўлади, – деб хотинларнинг кигама-бовурсоқларини йиғиштириб олиб, кўтариб кета берди.

– Ҳа, болларим, аста-аста бора берингглар. Мен анов ариқнинг лабига дастурхонларингни ташлаб кетаман, – деб хотинларга айтиб, қичаб юриб, ўша арикка етиб бориб, хотинларнинг қатлама-бовурсокларини бир боқдан еб олиб, дастурхонларини ариқнинг лабига тахлаб қўйиб кетди. Бир пиллалар семиз хотинлар ўлдик-толдик, деб куйиб-пишиб ариқнинг лабига етиб бордилар. Бориб дастурхонларини кўрдилар. Қарасалар, барч дастурхонни чўпон бобоси пайҳон қилиб кетибди. Энди "бекатлама, бебовурсоқ қандай қилиб тўйга борамиз", – дейишиб чувиллашиб колдилар. Шунда аёлларнинг ичидан бир кайвони тоби: – Ким кўп, тўйга борган хотин кўп. Тўйдагилар кимга сер солиб ётибди. Иккита, битта бўлиб, хар овулдан борган аёлларга қўшилиб кетамиз. Ахир, хар овулда битта-иккита камбағал хотин бўлмайдими?! Биров кўрганда хам шу овулнинг камбағал хотини дейди кўяди-да! Авваласи, ким бизларга қараб ётибди. Тўйни еб, пичи томоша қилиб, таги кўп билан қўшилиб, кайтиб кетамиз-да, – деди. Бу гап барча аёлларга маъқул бўлиб: – Майли, шундай киламиз, – дейишиб, тўйхонага қараб кетдилар.

Шуйтиб Ҳакимбек "Қултой" бўлиб тўйхонага кириб борди. "Қултойдай" одамнинг қўлини биров ювдирармиди, ўзи қўлини ювиб келгани сойга тушди. Қараса, Жонтувал энаси, бир искирти устида, куйиб-пишиб калла, ичак, корин тозалаб ўтирибди. Афтига қараса, шундай куйиб, човлаб кетибдики, хеч қўйинг. Шунда Ҳакимбек "Қултой" бўлиб, Жонтувалнинг холини сўраган бўлиб: – Ҳа, калай, ҳоримаяпсизми? – деди.

Шунда Жонтувал бошини кўтариб, ялт этиб "Қултойга" каради. Шундай кунда Жонтувалга "Ҳорма" деган ҳам катта гап эди. Бирдан Жонтувалнинг кўнгли бузилиб кетди. – Ҳа, бобо, шуйтиб қолдим, – деб тўла бадани сув бўлиб кетиб, "Қултойга" қараб, бир сўз деди:

Қари чолсан, не ҳам келар қўлингдан,
Душман ангниб юрар соғу сўлингдан,
Ҳолим сўрайман деб ҳалак бўлмагин,
Бу ер хатар, тезроқ қолма йўлингдан.

Шуйтиб қолдим, бир ёмон кун ўтади,
Ҳорма дединг, шунинг ўзи етади,
Меҳнатдан ким ўлибди, бобожон,
Буларнинг иззаси жонга ботади,
Келганингга катта рахмат, жон бобо.

Сўзлай десам, туз қолмаган сўзимда,
Йиғлай десам, ёш қолмаган кўзимда,
Келами, келмайми, оллоҳ билади,
Икки кўзим бек Алпомиш кўзимда.

Ўз-ўзидан банди бўғним қақшайди,
Шайтон мени ҳар хаёлга ҳайдайди,
Нобуд бўлганми десам алпимни –
Кўнглим қабул қилмас, борга ўхшайди.

Ҳакимбек "Қултой" бўлиб Жонтувалга қараб, тасалли бериб, бир сўз деди:

Кун исигач, тоғдан туман кетади,
Шодлик мавруддари ҳам етади,
Тақдирингга ғамгин бўлма, Жонтувал,
Бу ҳасратли кунлар ҳам ўтади.

Ойнинг ўн беши коронғи, ўн беши ёруғ,
Бирлашиб қўзғалар ўн олти уруғ,
Тақдирингга ғамгин бўлма, Жонтувал,
Бу ғамлардан ҳам бўлармиз фориғ.

Бул кеча тушимда ажиб туш кўрдим,
Улгонтознинг ошин жойдан бўш кўрдим,

Бу кунларга ғамгин бўлма, Жонтувал,
Ўнг қўлингда бир қарчиғай қуш кўрдим.

Ажаб эмас, бир яхшилик бўп колса,
Бугун-эртан Ҳаким улинг кеп колса,
Улгонтоздай энағар золим каззобдан,
Вақтида келиб бир ўчини олса.

Сойдан тўйхонага караб чика берди. Жонтувал бўлса довдираб: – Бобожон, оғзингизга мой. Вой, бу ўзи ўнгтимми, тушимми, – деб сойда кола берди.

Ҳакимбек тўйхонага чикиб, у ёк-бу ёкка караб пичи юрди. Қараса, ҳеч ким Ҳакимбекка "Қултой" деб ош бера қолмади. Ҳакимбекнинг ҳам аччиғи келиб, ош еб ўтирган одамларнинг қошига бориб, чўккалагиси келмади.

Шунда Бойбўри яланг оёк, усти-боши жанда, тарашадай қотган, эт бориб устихонга ботган. Бир орка ўтинни оркалаб, тоғдан тушиб келиб, палов осилаётган ерга якин бир ҳандакка ташлади. Тулкидай билтанглаган бир ёламир баччағар уч олифтадан ортган гарттак паловни олиб келиб: – Ҳа, ўзи ҳам қорнинг очқаб қолгандир, ма, шуни е-да, тағи дарров токка жўнаб кол, – деб Бойбўрининг олдига қўйиб кетди. Бойбўри бечора кўли мойшанглаб ош ей бошлади. Буни кўриб, "Қултой" бўлиб корган Ҳакимбекнинг аччиғи келиб ошпазга бориб: – Ҳой, ана у одамга бир товоқ ош берсанг-чи, – деди. Ошпаз: – Кўр кўрни қоронғида танийди. Сенинг кўзингга шу Бойбўри бадрак кўриниб қолдими. Бор-бор ишингни кил. Ҳаддингни бил. Сенга мендан полов сўрамокни ким қўйибди. – деди. Ҳакимбек: – Мана, бермасанг, – деб капкирни ошпазнинг кўлидан юлиб олиб, бир бўш товоққа тўлдириб полов солиб, олиб бориб Бойбўрининг олдига қўйди. Ошпаз олариб Ҳакимбекка караб: – Ҳа, бадрак кул, ҳали кўрасан сен, – деди.

Ошпаз: "Киши билан бола-чакам билан еб ётаман", – деб половнинг кирмичини кирк кундан бери бир копга солиб кўяётган эди. Ҳакимбек ошпазнинг ғашига тегиб, копдаги кирмичларни еб қўйди. Ошпаз бир пилла караса, копдаги кирмични "Қултой" еб қўйибди. – Сени баковулга айтиб, урдирмасам, ҳаддингдан ошаяпсан. Менинг бола-чакам билан ейдиган бир кишилик кирмичимни еб қўйибсан. Боя бўлса менинг кўлимдан капкирни олиб олдинг, – деб ғовға кўтара кетди. Шунда Ҳакимбек ошпазга караб: – Ҳой ошпаз, "Бойнинг ошини бойтебат кизғанади", деган. Сенга нима, Улгонтоз ё бўлмаса, кўхна иштонини ечиб берадими. Берадигани шу бир коп кирмич бўлса. ...Шундай тутруксиз подшохни. Ҳа, ҳали менга тўйдан ким шибага берди?! Қандай бўлса, бир корнимни тўйдираман-

да. Нима, менга нима дейсан. Ё бўлмаса, мен одам эмасманми, Бойбўри одам эмасми?! Келағой талабгор бўлсанг, ёқалашсанг, ёқалашаман, тепалашсанг, тепалашаман, – деб ошпаздан баландроқ келиб турди.

Шу пилла баковул ҳам бу ерга келиб қолган эди. Шунда баковул ошпазга қараб: – Ҳой, обрўйинг сенинг шу "Қултойми". "Қултойнинг" ўзи нимаю, бўзрайган кўзи нима, индама унга. Бир жавраб юрган чол-да! Қирмичнинг ғами ҳам ғамми? Қирмичнинг ўрнига оладиган ҳақингдан бошқа тўрт обгардон гуруч бердираман. Ишинг бўлмасин у ёғига. Тўйнинг бир чеккасининг ихтиёри ўзимда, – деб ошпазни кўндирди.

Ҳакимбек тўйхонада оралаб, яхши-ёмонни кўриб юра берди. Бир пилла қараса, бети тўладан келган, ўзи ғўладан келган, қизил юзли, чиройлик, қийиқ қошли бир бола, бошида эски такия, устида кир кўйлак, кир иштон, яланг оёқ, ялтанглаб, ҳар кимнинг бетига қараб, етим кўзидай телмуриб юрибди. Ҳеч ким бу болага ё пичи ош берайлик, ё гўшт берайлик демайди. Ҳакимбек болага син қўйиб, боланинг келбатини ой Барчинга ўхшатиб, шул ўғлим Ёдгор, деб фаросат билан ишониб: – Ҳой, бола, юр бу ёкка, – деб қўлидан етаклаб келиб шўрва қайнаётган қозонга қўл узатиб, бир тўқморбош илик олиб берди. Ёдгор иликни олиб, қувониб уйига қараб чопиб кетди. Бу ёқда ошпаз "Қултойни" еб қўйгудай бўлиб, хўмрайиб ёмон кўриб қолди.

Ёдгор иликни олиб уйига борди. Буни ой Барчин кўрди. – Сенга бу иликни қандай худо ёрлақагур берағойди, – деб ўғлидан сўради. Ўғли: – "Қултой" бобом берди. Эна, "Қултой" бобом жуда зўр бўлиб кетибди. Ошпаздан қўрқмай, ўзи қозондан менга шу иликни олиб берди, – деди. Ой Барчин кўнглида: "Мабодо бир шафоат кун бормикан? Боя эшигимнинг олдига "Қултойга" ўхшаган биров гўстам ташлаб кетган эди. Таги "Ёдгор "Қултой" бобом илик берди", дейди. Ҳеч ипнинг учини топмай қолдим-да", – деб кўп ўйлаб қолди.

Шу орада Ҳакимбек бир ерга борса, одамлар йиғилибди. Бир жойдан нишона қўйиб, ўқ отиб, ҳеч қайсиси нишонани уролмай ётган экан. Шунда Ҳакимбек Қултой бўлиб: – Ҳа, йигитлар, Алпомишнинг парли ёйи бўлмаса, минг отган билан нишонга уролмайсизлар, – деб юборди. Шунда йигитлар "Қултойга" қараб: – Ҳой, "Қултой", сен қаёқдаги гапларни гапирасан. Ўттиз олти ботмон парли ёйни ким кўтариб отади. Ўзи Алпомишнинг йўқ бўлганига етти йил бўлди. Ундан бери ерда ётган ёйга таги тўрт ботмон занг ўрнашган бўлса, қирқ ботмон бўлади. Уни Алпомиш тирилиб келиб кўтармаса, бошқа кўтара олмайди, – дедилар.

Шунда Ҳакимбек "Қултой" бўлиб: – Агар Ёдгор ўғли шу Алпомишнинг пушти камаридан бўлган бўлса, ота қилганини бола қила олмайдими?! Ўттиз олти ботмон парли ёйни кўтарса ҳам, ажаб эмас, – деди.

Ҳакимбекнинг бу сўзини эшитган, бари қутирган, ел ўпка баччағарлар югуриб Ёдгорни излаб кетдилар. Шу баҳона билан Ёдгорни ҳақорат қилмоқчи бўлиб, Ёдгорни бир ердан топиб, Ҳакимбекнинг ўттиз олти ботмон парли ёйи ётган жойга қувалаб ҳайдаб бордилар. Бу воқеани чеккадан кўриб турган ой Барчин довдираб, кўзлари жовдираб, телбадай бўлиб қолди. Дод деса, додини ҳеч ким эшитмайди. Чиқиб ёқалашса, муштипар аёл, бир ёғи подшоликдан кўркади. Шунда йигитлар парли ёйнинг тасмасини Ёдгорнинг бўйнига илиб: – Торт, энағар, қани тортмай кўр-чи, ўзингнинг кимлигингни биласанми?! Ғардан тушган, ўлсанг, ўлиб кет, бўлмаса, ёйни торт, – деб бари Ёдгорни қамчи билан савалаётир. Ёдгор бўлса, илгарига мункагани билан занг-панги билан қирқ ботмон бўлиб кетган парли ёй жойидан қимирламайди. Бу томошага кўзи тушган Барчиной қайтарилиб қарай олмай, кўзини шартта юмиб, шув-шув йиглай берди:

Шоир деган ҳам тўйга боради,
Бундайларни кўзи билан кўради,
Торт энағар, деб йигитлар
Ёдгорни қамчи билан уради.

Бу гапларни Барчин кўриб туради,
Эссиз, болагинам нобуд бўлди, деб
Кўзин юмиб кўксига мушт уради,
Не қиларин билмай энди муштипар,
Ўксиб-ўксиб шув-шув йиғлай беради.

Ё, олло, қудратингдан, худойим,
Қисматим надандир, нима гуноҳим,
Дод десам, ҳеч кимса эшитмас оҳим,
Ўзинг бўлгин бугунги кун додхоҳим.

Ёдгоржоннинг нима бўлди хатоси,
Қалмоқ элда ғойиб бўлди отаси,
Мунгтадак мазлумдир бунда бобоси,
Бу кулфатнинг борликан ҳеч давоси.

Йиғласам, кўпаяр кўзимнинг оғи,
Ёдгорим бир азизнинг оппоғи,
Бугунги кун келиб кўлдош бўлинглар,
Алпин билан Добон бобом арвоғи.

Тўрам эмасмиди Қўнғиротнинг шери,
Йўқ экан элатлар ичида тири,
Бугунги кун келиб мадад берсанг-чи,
Назаркарда алпимнинг назари пири.

Йиғлайман, йиғлайман, зор-зор йиғлайман,
Йиғламайин қандай илож қилайман,
Мағрибда, Машриқда ётган эранлар,
Бугунги кун сиздан мадад тилайман.

Ёдгор олдинга ўмган ташлади,
Кўп чираниб, икки кўзин ёшлади,
Йигитлардан зарб еган сўнг ёш бола,
Мункиб-мункиб ғайрат қила бошлади.

Олдинга энкайиб ғўлайман кетди,
Чоптирилиб мурнидан қон кетди,
Шу маҳалда чоригини судираб,
"Қултой" бўлиб Ҳакимбек етди.

Шер боласи шер экан-да, шер экан,
Ёдгоржон аслида бир эр экан,
Ҳа де, ҳа-ҳа, ҳа де, ҳа-ҳа, бўшама,
Ёйни тортган бу ёш бола зўр экан.

Ёдгор шунда "Қултойни" кўради,
Бир раҳбар топилгандай бўлиб,
Бошқатдан бир ғайрат килиб кўради.

Шунда Ёдгорга ғайбдан бир қувват етишгандай бўлди. "Қултой" бобоси турган ёққа караб бир ғайрат килиб, судраб кела берди. Зан... билан кирк ботмон бўлиб кетган парли ёйнинг судралиб келган ўри... ерни чукур килиб тилиб кетди. Ҳакимбек ҳам "Қултой" бўлиб: – К... баракалла, шоҳбоз, асли шер боласи-да, – деб Ёдгорга далда бериб, ... бўйин илдайига юриб кетди. Ёдгор ҳам парли ёйни судраб, пагага ет... Ёдгорни хайдаб келаётган чапани йигитлар энди Ёдгорга қамчи ўқта... пичи ховридан тушиб колдилар. Энди Ҳакимбек "Қултой" бўлиб Ёдгор... – Мана, ёйни бундай ушла, мана бундай кўзла, ана-ана бундай ... деб ўргатиб турибди. Ўзи ётиб, шинагини тўғрилаб кўриб: – Ана ... торт, ҳа бўлди, баракалла. Энди ўкни бўшатиб юбор, – деди. Ёдгор ...

томошабинни ҳайратда қолдириб, ўқини бўшатиб юборди. Ўқ шип этиб бориб нишонага тегди. Томошадагилар таҳсин ва офарин этиб, ҳайратда бақларини ушлаб қолдилар. Худди шунгача Бойбўри тағи бир орқа ўтин келтириб, тўйхонага ташлаб, кун ҳам энди ботай деб қолган эди. Кулбасига қараб йўл олди.

Шу пилла бир ёқдан Кўккашка от остида, билмайман кимнинг ҳақида, кулокларигача қалинга тортиб, семирган Ултонтоз энағар келиб қолиб, Бойбўрига қамчи ўқталиб: – Бугун оқшом Қалдирғоч қизингни Барчиной-нинг ўлан оқшомига чиройпояликка берасанми, йўқми? – деб дўқлади. Бойбўри довдираб қолиб: – Бераман, ҳозир олиб кетсангиз ҳам, бераман, – дей берди. Шунда Ултонтоз золим одамларига: – Қалдирғочни дамда чиройпояликка олиб борасизлар, – деб ўзи давлатхонасига қараб кетди. Ичида: "Бу Бойбўри билан Жонтувал кексариб, дунёдан совиб, ожизликда ҳар нимага кўниб қолган. Қалдирғоч бўлса, ёш ҳамда қиз болани-нг куйиши ёмон бўлади. Менга мақсад: шу авлодни куйдириш, ашратларини кўз-кўз қилиб, кўзларини ўйдириш", – деб бораётир.

Шу топда Ҳакимбек Ултонтознинг тит-питини чиқариб, қирқ бўлак қилиб ташлагиси келди. Аммо на чора, бугун сир очилиб қолмаслиги керак. "Ўч олишга ошиққан аҳмоқ, сабр қилиб пайт кутган доно", – деб Ҳакимбек сабр қилди.

Худди шу топда одамлар ой Барчиннинг ўтовини бузиб, Ултонтознинг давлатхонасининг олдига келтириб тикдилар. Ой Барчинни ясаб, уй жиҳозлари билан ўтовига келтириб қўйдилар. Янгаси ялпиллаб, ой Барчин билан Ёдгор ҳам эргашиб келди. Ултонтоз бўлса, бир нечи улфатлари билан чоғир, бўза ичиб, маст бўлиб, давлатхонасида ётиб қолган.

Ой Барчиннинг ўтовида бўлса, элда бўладиган барча расм-қаъдалар ўтаяпти. Илгарилари оқшомда бир ўлан деган расм бўлиб, барча расм-қаъдалар шунинг билан тамом бўлар эди. Бугун ўланни Бодом бекач бошлаши керак эди. Аммо ҳеч ким ботиниб, Бодом бекач билан ўлан айтишга бетлай олмас эди. "Қултой" бўлиб юрган Ҳакимбек: "Ҳеч ким унинг билан ўлан айтиша олмаса, ўзим айтишаман", – деяётир. Шунда кайвонилар: "Ҳа, ёши Бодом бекач билан тенг, иккови ҳам кўҳна қадрдонлар, айтишса бўлади", – деб маъқуллашаяпти. Шуйтиб, алқисса, ўлан бошламоқчи бўлиб, ой Барчиннинг уйига Бодом бекач билан "Қултойни" келтирдилар. Қалдирғоч бечора бир нима ёпиниб, ўтовнинг бурчасида ўтирибди. Тепасига бир қора чироқни ёқиб, уйнинг ичи шу чироқ шуъласи билан кўриниб турибди.

Илгари Ултонтоз ҳар ерда эшак ўғрилик қилиб юрганида, Бодом бекач Бойбўрининг қовун-тарвузининг кўрикчиси эди. Бир кун тарвузнинг ичида ухлаб қолди. Ўзи ялтироқ, қораширғай нарса эди. Бир гўнг қарға

келиб, бир чеккаси тешилиб, тухуми кўриниб колган кора тарвуз гумон қилиб, Бодом бекачнинг тилини чўқиб, узиб олиб кетган эди. Шуйтиб Бодом бекач соқов бўлиб қолган эди. Шунда Бодом бекач Ҳакимбекка қараб: – "Қултой" ўланни сен аввал бошлайсанми, ё бўлмаса, мен аввал бошлайми? – деяпти. Ҳакимбек: – Сиз янгасиз, сиз аввал бошланг, – деяпти. Ана шуйтиб Бодом бекач ўланни бошлаяпти, "Қултой" бўлиб Ҳакимбек жавоб бераётир:

Бодом бекач:

Ўтов куйки бошқўйман узук бўлай, ёй-ёй,
Ўнг кўлимда ўн тилла юзук бўлай, ёй-ёй,
Қизиқ-қизиқ айтинглай, қиз-келинай, ёй-ёй,
Ултонтоз ўлан тўйлайи кизиқ бўлай, ёй-ёй.

"Қултой":

Ипак чолма ярашар бўёв тўнга, ёр-ёр,
Қўйим ташлаб келганман Огзи кенгга, ёр-ёр,
Қизиқ-қизиқ айтинглар, қиз-келинлар, ёр-ёр,
Тегишмакка тайёрман Бодом янга, ёр-ёр.

Бодом бекач:

Чайиғингни судияб қўйдан келдинг, ёй-ёй,
Оқи-чўқи ўйдимман сойдан келдинг, ёй-ёй,
Тегишмакка бекачга ҳаддинг сиғмас, ёй-ёй,
Кўк ғойғадай ғанқиллаб қайдан келдинг, ёй-ёй.

"Қултой":

Керагангни бўш дема, чегаси бор, ёр-ёр,
Чаноғида тизилган тўғаси бор, ёр-ёр,
Текин молга эга бўп, бекач бўпсан, ёр-ёр,
Бу мулкларнинг, шошмайтур, эгаси бор, ёр-ёр.

Бодом бекач:

Бемаҳалда бундай кип андияма, ёй-ёй,
Ҳай найсани гап қилиб сандияма, ёй-ёй,

Ултон улим давйида ўлан айтай, ёй-ёй,
Бузиб айтиб бетима мандияма, ёй-ёй.

"Култой":

Шамолингни қўзғатма, андирингдан, ёр-ёр,
Оловингни ўчирма, тандирингдан, ёр-ёр,
Баланд келсам ўзингдан чибжинглайсан, ёр-ёр,
Чимчилаб олибмидим чандирингдан, ёр-ёр.

Бодом бекач:

Гаяк бўлган такадай мангтияма, ёй-ёй,
Томдан чиққан танадай тангияма, ёй-ёй,
Ҳай несани гап қилиб, оё "Култой", ёй-ёй,
Овсойи йўқ эшакдай хангияма, ёй-ёй.

"Култой":

Ҳиймарилмас гапларинг, мағзи нима, ёр-ёр,
Одамзодга хайвондан лақаб қилма, ёр-ёр,
Эшак дейсан, эшак бўп искабмидим, ёр-ёр,
Така, тана деганинг таги нима, ёр-ёр.

Бодом бекач:
Бекач бўлдим, эл-элат қўйқай мендан, ёй-ёй,
Босим экан давлатим азал кундан, ёй-ёй,
"Култой", менга ўзингни тенглай бейма, ёй-ёй,
Ўзим тугил, зиёддий итим сендан, ёй-ёй.

"Култой":

Чор атрофга дамимни сочайинми, ёр-ёр,
Тугилиб ётган тугунинг ечайинми, ёр-ёр,
Бекач-бекач деганга ўздан кетма, ёр-ёр,
Бодом чўри обрўйинг очайинми, ёр-ёр.

– "Култой", сен нега дим одамнинг жўнига жуймай жавяйбеясанми? Кўй, айтсанг ўланни, ўзинг айтабей, мен айтишмайман сенинг билан. Сен эбини билмасанг, хуйматни билмасанг, – деб Бодом бекач бидирлаб,

ўтовдан чиқиб кетди. Кайвонилар: "Энди ўлан қизиган пилла бузилмасин, "Қултой" билан Барчин келин айтишсин", – деяётир. Ой Барчин: "Майли, айтишаман", – деб талабгор бўлаётир. Шуйтиб таги ўлан бошланди. Бирни "Қултой", бирни Барчин айта берди.

"Қултой":

Барчин келин кўски деб кочма мендан, ёр-ёр,
Касбим бўлди кўй бокмок азал кундан, ёр-ёр,
Бир гапим бор кўнглимда, айтолмаган, ёр-ёр,
Шу гапимни, майлими, сўрсам сендан, ёр-ёр.

Барчин:

Ҳар кимнинг ўзигадир ўз хавоси, ёр-ёр,
Худой берган маназнинг йўк давоси, ёр-ёр,
Жавоб берай, айтмоқлик мумкин бўлса, ёр-ёр,
Сўрай беринг тортинмай, хой бобоси, ёр-ёр.

"Қултой":

Қўлинг узун, хулкарни ерга қўйдинг, ёр-ёр,
Душман туриб, дўстларнинг кўзин ўйдинг, ёр-ёр,
Кўнглинга оғир олмасанг, айтай келин, ёр-ёр,
Ултонтоздай каззобга нега тейдинг, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Хулкарни ерга олиб қўймам, бобо, ёр-ёр,
Дўстларимнинг кўзини ўймам, бобо, ёр-ёр,
Бу кўрганлар шунчаки бир расмият, ёр-ёр,
Бундай каззоб дўзларга теймам, бобо, ёр-ёр.

"Қултой":

Мен билмайман, кўнглида унинг нима, ёр-ёр,
Қатор-қатор сўйилган қўйинг нима, ёр-ёр,
Ултонтозга тегмасанг, Барчин келин, ёр-ёр,
Бу неча ташвиш, томоша, тўйинг нима, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Тоза гуллар тиканга бўйин эймас, ёр-ёр,
Босиринти гапларни юрак жўймас, ёр-ёр,
Ултонтозга тегади деб ғамгин бўлманг, ёр-ёр,
Ўзим тугил, каззобга итим теймас, ёр-ёр.

"Култой":

Дўстларингнинг кўнглини бузибмидинг, ёр-ёр,
Аёллардан ҳаккалаб ўзибмидинг, ёр-ёр,
Тағи сўрай ўзингдан, Барчин келин, ёр-ёр,
Ҳакимбекдан умидинг узибмидинг, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Қоронғида ҳаккалаб кезмам, бобо, ёр-ёр,
Дўстларимнинг кўнглини бузмам, бобо, ёр-ёр,
Бек алпимни тирик деб ишончим бор, ёр-ёр,
Ўлганда ҳам умидим узмам, бобо, ёр-ёр.

"Култой":

Ўтиб кетган гапларни қўя қолгин, ёр-ёр,
Тушларингни ҳозирга жўя қолгин, ёр-ёр,
Ултонтоздай каззобдан ўзим яхши, ёр-ёр,
Есиримсан, ўзимга теяколгин, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Ҳай бобоси, бу сизга нима бўлди, ёр-ёр,
Ё бўлмаса, кўзимни ғафлат олди, ёр-ёр,
Кўнгил қўйган алпимни ўлган деманг, ёр-ёр,
Шундай бўлса сиздан ҳам кўнглим қолди, ёр-ёр.

"Култой":

Ой Барчиним, ёр-ёр, гул Барчиним ёр-ёр,
Ёш ўтмасин, вактингда кул, Барчиним, ёр-ёр,
Ултонтоздай каззобга нега тегдинг, ёр-ёр,
Бу нокасга текканча, ўл Барчиним, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Тегирмонга сув бўлиб оққим келмас, ёр-ёр,
Маржон туриб, тошмунчоқ тақким келмас, ёр-ёр,
Улгонтоздай каззобга нега тегай, ёр-ёр,
Золим қулнинг бетига боққим келмас, ёр-ёр.

"Қултой":

Бизнинг деган сўзларни оғир синдинг, ёр-ёр,
Асров қушдай бўлибон, осон қўндинг ёр-ёр,
Шу ақлингман, кўркингман, Барчин келин, ёр-ёр,
Каззобман тўй қилмоққа қандай кўндинг, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Муштипарман, зўрлашиб қўймади-да, ёр-ёр,
Тирикликка дил қурғур тўймади-да, ёр-ёр,
Ёдигоржон ўғлимни сўймоқ бўлди, ёр-ёр,
Гўдакни кўзим ўлимга киймади-да, ёр-ёр.

"Қултой":

Тўғри йўлни, хай келин, тутмадинг-да, ёр-ёр,
Тўғриликман муродга етмадинг-да, ёр-ёр,
Улгонтоздай каззобга текканингча, ёр-ёр,
Кўнглим учун олдимдан ўтмадинг-да, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Ўйлаб борсам, баданим бўшаб кетар, ёр-ёр,
Банди-буғним шовуллаб қақшаб кетар, ёр-ёр,
Бир гапим бор, майлими, сўрсам, бобо, ёр-ёр,
Овозингиз алпимга ўхшаб кетар, ёр-ёр.

"Қултой":

Барчин келин, хой сенга нима бўлди, ёр-ёр,
Бундай ўйлар кўнглингга қандай келди, ёр-ёр,
Тегарига тегиб сен Улгонтозга, ёр-ёр,
Ундан кейин Ёдгорга нима бўлди, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Ўлан айтиб ўландан белим толди, ёр-ёр,
Фалак мени ғамларга неча солди, ёр-ёр,
Ёдигорни сўрайсиз билиб туриб, ёр-ёр,
Отасининг қошида ухлаб қолди, ёр-ёр.

"Қултой":

Кўк-кўккина қўзилар қўй бўлибди, ёр-ёр,
Баланд-баланд тепалар уй бўлибди, ёр-ёр,
Биздан қолган Барчиной бўй бўлибди, ёр-ёр,
Ултонтоздай каззобман тўй бўлибди, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Ўлан айтиб бўғиним бўшатманг-чи, ёр-ёр,
Ҳар гап билан сўнгагим қақшатманг-чи, ёр-ёр,
Тушимми, ё ўнгимми, билмай қолдим, ёр-ёр,
Товишингни алпимга ўхшатманг-чи, ёр-ёр.

"Қултой":

Кашал бўлма, келин-о, алпинг ўлган, ёр-ёр,
Қултой бобонг шу кунлар кал бўп қолган, ёр-ёр,
Кал бўлса ҳам есирин сўрмоқ бўлиб, ёр-ёр,
Таёғини судираб бунда келган, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Шолпар кийиб шу кунлар шайланайин, ёр-ёр,
Сиздай "Қултой" бобомга бойланайин, ёр-ёр,
Кал бўлдим, деб олдимда мункаймангиз, ёр-ёр,
Шу кечаси калингиздан айланайин, ёр-ёр.

"Қултой":

Бундай қалтис гапларни қўйсанг, бўйма, ёр-ёр,
Калларим бир ёпишқоқ, сассиқ ўйма, ёр-ёр,
Жўртага кўп сўзладим, Барчин келин, ёр-ёр,
Бегоналар билмасин, элга ёйма, ёр-ёр.

Ой Барчин:

Ўлан дейман, ўланим эрмак бўлар, ёр-ёр,
Сиздай билан даврни сурмак бўлар, ёр-ёр,
Кал бўлдим деб мунғайма, ҳой бобоси, ёр-ёр,
Очиб калнинг калини кўрмак бўлар, ёр-ёр.

Ой Барчин "Қултой" бўлиб ўтирган Ҳакимбекнинг бошига қўз урмоқчи бўлиб, баҳона қилиб, "Қултойнинг" телпагини олиб, кимлигини аниқ кўрмоқчи бўлди. Лекин "Қултой" бўлиб ўтирган Ҳакимбек: – Йўқ-эй уяламан-эй, – деб икки қўллаб телпагини босиб, уйдан далага қочиб чиқиб кетди. Ўтовнинг ярми аёл-қизга ва ярми эркак-ўғилга тўла эди. Сатта йигитлар: – Калини кўринг, ҳа-ҳа, "Қултойнинг" калини очиб кўринг, – деб "Қултойни" қувалаб чиқдилар. Тирамо-мезон, ҳаво булут, тун тўртма қоронғи эди. Ҳамма "Қултой", "Қултой", – деб бақириб, Ҳакимбекнинг дарагини топмай қолди. Ҳакимбек бўлса, Қултой бобосининг олдига етиб бориб, бўлган воқеаларни гапириб етди. Қултой ҳам кундуз келиб кўпкарида бўлган гапларни айтиб ётди. Бу ёқда бўлса, маърака тарқаб, Қалдирғоч ҳам ўзича пичи-пичи суюниб, кулбасига кетди.

Тонг отди, бузтўрғай, ғазалойлар далада чулдираб фарёд қотди. Энди Ҳакимбек кийиниб, ханжар тақиниб, йўлбарсдай чопиниб, Бойчибор абзаллаб олиб миниб, Қултойни ияртиб, Ултонтознинг ўрдасига қараб йўл олди. Тоғ-қирлар, жўнағарлар оркада қолди. Куннинг бурни билан ҳали ҳеч ким ўрнидан қўзғолмай, аста-аста юриб, овулга етиб қолдилар. Овулнинг тоғ томонида шундай бир тепачак бор эди. Ана шу тепачакнинг панасида Ҳакимбек тўхтаб, халққа билдиртиш учун Қултойни тепачакнинг устига чиқарди. Ана энди Қултой зинкийиб, тепачакка чиқиб, овулга қараб, кичқириб, бир сўз деди:

Бойбўри, бергин суюнчи,
Ҳакимбекдай улинг келди.
Жонтувал, бергин суюнчи,
Боғингдаги гулинг келди.

Ой Барчин, бергин суюнчи,
Бир тушишган ёринг келди.
Зарбоб-кимхобдан кийин-чи,
Асли харидоринг келди.

Қалдирғоч, бергин суюнчи,
Асил олтин соқанг келди.

Бирга ўйнаб, бирга ўсган,
Эмакдошинг, оғанг келди.

Қоражон, бергин суюнчи,
Номус билан оринг келди,
Қалмоқ элда дўст тутишган,
Азиз биродаринг келди.

Ёдгор, бергин суюнчи,
Ўрими зар пўтанг келди,
Қулоч очиб чиқ олдига,
Ҳакимбекдай отанг келди.

Халойиқ, бергин суюнчи,
Қайтабошдан даврон келди,
Золим Ултонтоз ўрнига,
Адолатли султон келди.

Қоражон: "Бугун ҳам шу тўйхона атрофини бир кўздан кечирай. Қани, янги ҳангамалар бўлар экан", – деб гарангсираб эрта билан шу ерларга келган эди. Қултойнинг чақириғидан саросимага тушган Ултонтознинг беш-олти навкарларини шу шобирнинг ичида ушлаб, бўғиб ўлдириб қўйди. Бу шобирни ҳамма – ўрда ва овулдагилар эшитди. Кимки, Ҳакимбекни деб юрган бўлса, Бойбўри бошлиқ, тепачакка караб югура бердики, хеч қўйинг. Кимки, Ултонтозни деб юрган бўлса, шошиб такбиридан адашиб, кўйлак деб иштон кийиб, иштон деб телпак кийиб, жундай кўркиб қолди. Бир хиллари қочаётир. Қочган билан мушукдан қочиб қутила олмаган сичқондай ҳар ёкка ўзини ураётир. Шунда Ҳакимбек Чиборни бу ёк билан шитантириб бориб, қочганларни дам тиғидан ўтказаётир. Қочмаганга ёндамаётир. Қоражон ҳам бировнинг бир сувори отини тортиб олиб, бу ҳам чекка-четга тайсаллаб бораётганларни узанги билан бир уриб, ишини ктаётир. Шуйтиб, ҳа демай ҳамма ёкка сув сепгандай бўлиб, хоҳ дўст, хоҳ душман жим бўлиб қолди.

Ҳакимбек тўбачакка келиб, Чибордан тушди. Шу пилла бу ерга Қоражон ҳам етишди. Ҳаммадан аввал икки дўст бир-бирлари билан қучоклашиб кўришдилар. Ундан кейин Қалдирғоч, Бойбўри, Жонтувал, Ёдгорлар қучоклашиб кўришдилар. Фақат ой Барчин уялиб енгини тутиб, тўраси билан кўришди. Чаласи қолса, у ёғини овлоқда кўришади. Кейин тўп-тўп бўлиб келиб, Қўнғирот аёл-эркаклари кўриша берди. Ултонтоз бошлиқ бир неча ярамас одамлар шилқимлик қилиб: "Асли

бизники хизмат-да", деб қаердаги кир чопонларини кийиб, Ҳакимбекнинг олдига саломга келаётир. Ҳакимбек ҳаддан зиёд аччиғи келиб тепачакли ханжарига таяниб турибди. Ултонтоз: – Ҳа, одамдан хато ўтади-да, хато қилдим. Энди тавба қилиб, хизматингга келдим. Қайтиб келганинг, яна ўз юртингга ўзинг эга бўлганинг учун жуда хурсандман. "Эндиликда бир ёмон акам менинг йўқлигимни билдирмай турган экан", деб ёрлақасанг, яна ҳам кўпроқ хурсанд бўламан, – деяётир. Ҳакимбек: – Ҳа, албатта, ким ёмон бўлса, биздан жазосини топади. Ким биздан хурсанд бўлса, мукофотини олади, – деб Ултонтознинг бошини шартта кесиб ташлади. Қоражонга буюриб, кимнинг ўлими керак бўлса, ўлдиргизиб, кимнинг афв қилиниши керак бўлса, бўшатиб, хотиржам бўлиб, Ҳакимбек халойиққа қараб, бир сўз деди:

Халойиқлар, тинчланинглар,
Юртлар омон-омон энди,
Зулм ичра эзилганлар,
Суринг барча даврон энди.

Қарчиғай келди, зоғ ўлиб,
Чор атрафга шодлик тўлиб,
Сайил айланг ўйнаб-кулиб,
Алпомишдир султон энди.

Арийди кўзлардан ёшлар,
Яйранг, бари қаламқошлар,
Бермап бокинг тоғу тошлар,
Кўтарилди туман энди.

Сайрасин бу қизил тиллар,
Хуррам бўлсин Қўнғирот эллар,
Неча-неча юз-юз йиллар,
Бўлур яхши замон энди.

Юзга қўйинг нилдан холлар,
Ой бир неча ойжамоллар,
Ўйнаб-кулинг қизлар-уллар,
Кунлар бўлмас ёмон энди.

Шуйтиб Ҳакимбек мухтожларни тўйдириб, ёмонларни ёмонликдан тийдириб, бошқатдан тўй қилиб, қўйлар сўйдириб, Ойзарбобни ҳам

айтиб келтириб, сигир-қўй бердириб, устига зарбоб кийдириб юборди. Ҳакимбек Қалдирғоч синглисини ясатиб Қоражонга никоҳ қилиб берди. Бу орада Кайкубод шоҳ Бойсарини жамоаси билан Кўнғиротга юборди. Бари эсон-омон етиб келиб, оғайнилар билан топишиб шоду хуррам бўлдилар. Шундай қилиб, Ҳакимбек ўн олти уруғ кўнғирот, Тома уруғи билан Қалмоқ кортини кўшиб катта султон бўлди. Барча дўстлар шод бўлиб, душманлар ғамгин бўлиб, мурод-максадларига етдилар. *Кўнгиллардан ғам кетсин, ҳамма ҳам шулардай бўлиб, мурод-мақсадларига етсин*[9].

“ЁДГОР”
(достон)

Айтувчи: **Фозил Йўлдош ўғли**
Ёзиб олувчи: **Ҳоди Зариф**
Нашрга тайёрловчилар: **Ҳоди Зариф ва Тўра Мирзаев**

Ўн олти уруғ Қўнғирот элинда Алпомишнинг даврида бир уруғда бой Шомурод деган бор эди. Алпомиш билан ҳам қариндош, ҳам узанги йўлдош, жуда қадрдон эди. Бир-бири билан бирга ўтирса: "Агар бизларга худо фарзанд берса, сеники, меники демаймиз, куда бўламиз", – деб юрар эди. Аниқ билмаган одамлар: "Булар ака-ука-да чоқдан", – деб гумон қилар эди. Алпомиш билан Шомуроднинг кўнгли шундай яқин эди.

Шул ўртада Алпомиш Бектемир куёви билан Бойсарини излаб, Қалмоқ бориб, банди зиндон бўлиб, "қалмокнинг қўлида ўлиб кетди", – деб хабари Қўнғирот элга келиб, ўли-тириси тоза аниқ бўлмай, халқнинг оғзида гап бўлиб қолган эди.

Алпомиш Қалмоқ кетганда Барчиннинг бўйида ҳомила бор эди. Ойи-куни етиб, ўғил топди. "Отаси ўлмаса, келиб кўрар, агар отаси ўлиб кетган бўлса, ўрнини босиб, отасининг жойида ёдгор бўлиб юрар", – деб отини Ёдгор қўйди. Неча кунлардан кейин Шомуроднинг хотини қиз туғди. Бул қизининг отини Ойдиной қўйди. "Ёдгорнинг отаси шундай деб айтиб юрар эди, кўзи йўқ учун булар айрилишиб кетди, демасин. Тирик бўлса қувонар, агар ўлиб кетса, арвоҳи шод бўлар", – деб Барчиннинг кўнглига келиб, бир кария кампирни *эшигини шипириб келгани Шомуродникига юборди*[1].

Кампир бориб Шомуроднинг эшигини шипирди. Шомуроднинг хотини Ойжамол кўриб: – Момо, нима қилаяпсиз? – деди. Кампир айтди: – Болам, илгаридан яхшиларимизнинг оғзида бор гап эди. Бундай ишлар бўлиб кетди. Жойи курук эмас: Алпомишга худо ўғил берибди. Шуларнинг нияти тўғри бўлсин, деб Ёдгорга қизингни атаб, келиб эшигингни шипирдим. Ойжамол: – Ҳа, бинойи, – деб жавоб айтиб қўйди. Кампир шибирткини ташлаб: – Ана энди Барчиннинг келини бўлди, – деб қайтди.

Бул қайтгандан кейин молнинг бошидан Шомурод уйига келди. Хотини айтди: – Эшигингизни шипириб, қизингизни Алпомишнинг ўғлига аташтириб кетди. Шомурод айтди: – Э, қўй, десанг бўймиди?! Бизнинг бурунги хаёллар бўлмай кетди. Бул бизнинг қўнғирот даври айниб, шу вақти замон қулга ўтди. Ул Алпомиш бўлса, Қалмоқ юртида йўқ бўп кетди. Хотини айтди: – Қаёқдаги ўйни ўйлайсиз. Қул замони бўлса, бўпти-да! Унинг билан Барчин ҳам қул бўп кетдими?! Бул ҳаммага

маълум турган Бойсарибойнинг кизи-да! Тақдири бўлса, битишиб колар, тақдири бўлмаса,эр етганда ҳам айрилишиб кетар.

Шунда куда, куда-андали бўлиб, орадан неча вакт ўтди. Замон айналиб, Алпомишнинг беклик даври Ултонтозга ўтди. Шунда алкиб-чалкиб юрган бойлар бир кунлари йиғилиб, оғзининг борганича гапириб, қисилмаса ҳам кисилгандай бўлиб, маслаҳат қилиб ётди. Маслаҳатда ўтириб, бой Шомурод бу сўзни айтди:

Билмайман Кўнғиротга энди не бўлди,
Кўнғиротнинг уруғин бул фалак урди,
Кўнғиротнинг давлати қулларга борди,
Қулларнинг олдида элат бекорди[р].
Ҳар на деб сўйласа, сўзлари эбди[р],
Йиғилиб қуллар Бойсин элни ёйлабди,
Кўнғиротнинг каттасин барини тепди,
Энди тургилигимиз бунда колмабди.
Қайси қулман бунда мамла қиламиз,
Сеники маъқул деб кунни кўрамиз,
Бу сўзинг ярамас деб агар гапирсак,
Бу қуллардан тааддида ўламиз.
Қулларнинг шавкати Кўнғиротни тутган,
Илгаридан оз деб билмай юрибмиз,
Энди чикди: қуллар кўпайиб кетган.
Кўнғирот элда бўлди қуллар зўрабор,
Нима деса, шулардадир ихтиёр.
Бойсин элатининг замони ўтди,
Армон билан бунинг бошчиси ўлиб,
Бойларнинг сўзлари кейинга кетди.
Бул элатда бойнинг ҳоли танг бўлиб,
Бошини кўтариб ҳеч ким сўзламай,
Бош одам йўк, бари колди ганг бўлиб.

"Кўпдан кўп гап чикади" деган гап бор. Унда кўп [одам] йиғилган. Қўйларни сўйиб, димоғини чоғлаб ўтирган бойларнинг ҳар кайси билганини гапириб, шунда бир неча бойлар Шомуроднинг гапини маъқул деб, булар ҳам билганини сўйлаб, бир сўз айтиб турган экан:

Ҳозир қўлингдадир сенинг давлатинг,
Қуллар билан сира бўлмас сухбатинг.
Неча ерда маслаҳатни қилади,

Тура берса, бу давлатни олади,
Ҳали куллар кўп ишларни килади,
Моли-ҳолдан, билинг, бойлар ажралиб,
Ҳаммаси тентираб, охир ўлади.
Ҳали кўп иш бўлар бунда албатта,
Одам тургилиги йўқдир Қўнғиротда,
Ҳозир молимиз бор қўлда, кувват-да,
Молнинг оркасидан жонинг роҳатда,
Эсли одам асло турмас Қўнғиротда.
Фалак урмай боғнинг гули сўлмади,
Қўнғиротнинг элатлиги қолмади.
Бежой билдим бу кулларнинг ишини,
Фалак урса, шундай қилар кишини,
Гангитади кўп одамнинг бошини,
Бунда туриб билмам нима қиламиз,
Турмаганда энди кайда борамиз,
Йиғилишиб маслаҳатни қиламиз,
Қайси кулдан тааддини кўрамиз.
Биласан Бойбўри колди термилиб,
Ҳар на бор давлатин кўлдан олдириб,
Суянган ўғлидан ёлғиз айрилиб,
Бекор молга куллари эга бўлиб.
Қайсига гапирсанг, жавоб айтади,
Ўзимизнинг молимиз деб ётади.
Беклик давлат Улгонтозга етганди,
Қўнғиротдан энди навбат кайтганди,
Ўзимиз мехнат кип топган моллар, деб
Кулнинг бари эга чиқиб ётганди.
Ҳали бизга неча сўзни айтмаган,
Бек бўлди, кулларнинг шашти кайтмаган.
Бу кулларнинг авзойини биламиз,
Ўйлаб бергин энди баринг маслаҳат,
Бунда турсак, Бойбўридай бўламиз,
Курсин, бу Қўнғиротни нима қиламиз.
Эсинг борда этагингни ёп деган,
Йўл танисанг, ўз жойингни топ деган.
Маслаҳат шул, бундан кўчиб жўнайик,
Қўнғиротни шу кулларга берайик,
Хитой тарафига ўрлаб борайик,
Аймоқ чегарага ўтиб кўнайик,

Ултонтоздан энди ҳазар қилайик,
Бу сўзларга нима дейсан, халойиқ?!
Ўйланиб бу ерда ҳаяллаб туриб,
Бекорига моли-ҳолни олдириб,
Қолмайик баримиз ялонғоч бўлиб,
Кун кўрайик бошқа элларга бориб.
Ултоннинг қошига ким ҳам боради,
Бегимиз деб қандайин кун кўради,
Ултонтозман бунда мамла қилганча,
Аймоқ қараб кетсак, яхши бўлди.
Бир кўзғалиб тушиб қолсак қўлига,
Ўт кўяди бу бойларнинг борига.
Бу қуллар бойларнинг қадрини билмас,
Ҳеч бир одам бундан омон қутулмас,
Бою бадавлатни бул роя қилмас,
Сўнгра қилган пушаймондан наф бўлмас.
Нима дейсан бу сўзларга, халойиқ,
Омон-эсон турган вақтда жўнайик.
Яхши ўйлаб бергин маслаҳатини,
Кенгиш яйлов дейди Аймоқ юртини.

Ҳар кишидан шундай гап чиқиб ётди.

Ўл вақтида Ултонбек бек бўлиб, ҳеч қайсига бир ёмон сўз айтган йўқ. "Ё молингни берасан, ё бунда турсанг, ўласан" деган гапни ё Ултондан, ё бўлак қулдан эшитган йўқ. Буларнинг муддаоси авлод қувиш. Қулларнинг тухми асли қизилбош мамлакатидан. Булар хайдалиб, сотилиб, молдай бозорга тушиб, қўлма-қўл овишиб юрган одамлар эди. Илгари бошчиси – Алпомишнинг отаси бек вақтида улар қисилиб, кўзга кўринган йўқ эди. Бул қўнғирот халқнинг давлати катта. Қулу чўрини кўп олиб, қуллар ҳам кўпайиб кетган экан. Энди булар: "Биз урувли эл, ул бир юрт оғишиб келган бетайин қул. Эл бор ерда сўз бўлади. Энди бир ишимиз бўлса, катта, деб бош эгиб, қулдан бўлган бекнинг қошига борамизми?" – деб маслаҳат қилиб, кўчмакчин бўлди.

Маслаҳатни шундай қилди: – Биз туюқсиндан кўчсак, мол-ҳол билан бориб, жам бўладиган ернинг тайинини билмасак, ҳалак бўлмайик.

Бир нечаси айтди: – Бизнинг бу ерда солиб кўйган иморатимиз борми?! Биз элибой одаммиз-да! Беш кун чўлда, беш кун кўлда, тоғда-тошда – қаерда молга ўт бор деса, бориб кўнган одаммиз-да!

Бир нечаси айтди: – Бул ўзингнинг, ота-бобонгнинг ўтиб, яйлаб келаётган яйлови. Ул бўлак чегара. Ҳозир бизга Ултон таадди қиган йўқ.

Қилмаса ҳам, қиладигандай. Шу юриши ҳам таадди кўринаяпти. Бўлак уруғларда гап бўлса, одамни уялтиради. Ҳар элди катта оғиз одамлар бўлади. "Ў, кўнғирот иттифоқ, яхши эл. Алпомиш Қалмоқ бориб ўлиб эди, сотиб олган қулидан бек қилиб олди", – деб ҳамма гапиради. Сўнгра уруғнинг номига ҳам яхши бўлмайди. Ҳали кўрасан, бул тура берса, ўзингнинг кўнғиротингдан кўп одамлар чиқиб, шул қулнинг қўлтиғига бориб, "яхши кўринамиз, кўнғиротнинг каттаси бўламиз", – деб қулларга қизини бериб, куда ҳам бўп қолар.

Ҳар қайси ҳар турли гапириб, нари-бери ўйлашиб, орада бир йил, олти ой ўтиб кетди. Булар энди маслаҳатни бир ерга қўйиб, олди кўча бошлаб ётибди.

Бой Шомурод туриб, хотинига айтди: – Мана, замон бундай бўлади экан. Мана, элнинг маслаҳати битди, Аймоқ чегарасига қараб олди кетди. Сен ўйламай, бир ишни қилдинг. Бул ойдан ой, йилдан йил ўтиб, бир кунлари қизинг бўй етиб қолади. Сен йўқ ердаги ишни қилиб, қизингнинг бошини бойлаб қўйдинг. Биз унда бориб, жойлашиб қолсак, қайтиб келмаймиз. Биз Бойбўрининг ўғлидан қолган сағирнинг йўлига тикилиб ўтирамизми?! Мина эл кўчиб бораяпти. Олди бўлмасак ҳам, кейнига аралашиб кўчамиз. Энди ўзинг қилиб, ўзинг қилган ишдан ҳузур қилиб, беғам бўп ўтирма. Бориб, қизингни бир ёкли қилиб келгин. Ё биратўла шўники бўлсин, ё биратўла боши очилиб, ихтиёри ўзингда қолсин.

Бу сўзни эшитиб: – Рост айтасиз, – деб Ойжамол эртанига туриб, Барчиннинг қошига борди. Куда-кудағай бўлиб, бир-бирини жуда иззат қилиб колди. Шунда Ойжамол Барчинга гапирди: – Биз бўлак чегарага ўтиб, мол ўтлатмоқчимиз. Шунга одамлар кетиб бораётир, биз ҳам кетмакчимиз. Шуйтиб, сизинг олдингизга гаплашгани келдик. Биз олис кетгандан кейин бир-биримизга йўлиқмоғимиз қийин. *Бизга ич ачиғудай бир нима бериб, белгили қилсангиз*![2]

Барчин айтди: – Бизинг боламиз ёш, сизинг қизингиз ёш. Гапирмакка ҳозир бош одамимиз йўк. Мина бий бобоси гапирган билан бул ўз кунини кўролмайди ҳам, сизга жавоб беролмайди ҳам. Молнинг ихтиёри ҳам бундан кетган. Менинг молим деёлмайди ҳам.

Шунда Ойжамол шундай деб айтди, деб кета берсам, яхши бўлмас, бир ёкли қилиб кетайин, деб бир сўз айтиб турибди дейди:

Барчин, сен сўзимни билгин,
Қизимнинг жавобин бергин.
Беҳуда сўзни гапирма,
Менга ўлармонлик қилма,
Мол бергани кўзинг қиймай,

Топшириб кўйганинг борма,
Қизимнинг жавобин бергин.
Қачон караймиз ҳолига,
Ҳар ким кетар ўз йўлига,
Бизлар хам кўчиб борамиз,
Билгин, Аймокнинг элига.
Қизимнинг бошини бойлаб,
Сен сўйлама шумлик ўйлаб,
Қизимнинг жавобин бергин.
Яхши билмайман ишини,
Излайман кўнгил хушини,
Ҳеч ниманинг тайини йўк,
Бойлама қизим бошини.
Бу сўзимни англаб билгин,
Хўп ўтириб ўйлаб кўргин,
Сўзнинг маъқул ёғин килгин,
Қизимнинг жавобин бергин,
Бермакка топмасанг молди,
Сенинг сўзларинг поймолди[р],
Ўз молингга важинг ўтмай,
Барчиной, сенга не бўлди?!
Қизимнинг жавобин бергин,
Бул сўзингга кулоқ солмай,
Мен кетаман йўлдан колмай,
Қизим бошини бойламай,
Қизимнинг жавобин бергин.
Менга ажаб сўзлар айтдинг,
Катта эди сенинг элда,
Асли биламан, давлатинг,
Ўз молингга сўйламакка,
Барчин келмайми кувватинг?!
Кўнглингдаги бўлмаганди,
Сенинг кўзинг киймаганди,
Уйлантирмас бўлсанг улди,
Қизимнинг жавобин бергин.

Бу сўзни эшитиб, Барчин: – Э, кудағай! "Кўнок устига чўнок" дегандай, сизнинг бу гапингиз ажаб бўлди. Бизнинг войимимиз хозир ўзимизга кўплик килиб ётибди. Азизлаб, бойвачча бўп юрадиган бола – Ёдгор кандай бўп юрибди. Алпомиш отаси бўлганда, бул бола нимага

зарил бўлар эди. Мен бир аёлман. Ёдгорнинг кийган кийими – чиғаноқдан янги йўқ, етимликдан ками йўқ. Ҳозир қизингиз уйда. Чанғароқдан чиқиб кетиб бораётгани йўқ. Тақдири қўшилса, иккови эр етса, каерда бўлса, қўшилар. Мана, менинг отам акаси билан ўрлашиб, мени олиб Қалмоқ ортига кетди. Қалмоқ подшосининг қанча полвони бор эди, бари алп, зўр эди. Мен шуларнинг талашида қолдим. Мана, тақдирим шу ёқда экан, Ёдгорнинг отаси борди, тағи қайтиб Қўнғиротга келдим. Бул тақдири қўшилган бўлса, сиз табгил қилиб, йўқ қилолмайсиз. Тақдири қўшилмаса, бизнинг давлатимиз қўлимизда бўлиб, қанча молу дунё берсак ҳам, кеткиси келса, кета беради, уни сиз бирга қилолмайсиз, – деди.

Бул сўзни Барчиндан эшитиб: – Энди гапингиз шул бўлди-да, – деб Ойжамол уйига қараб қайтди. Уйига келди. Бой сўради: – Қандай кип келдинг?

Хотини айтди: – Беш-олти оғиз гапириб, андай кип келдим. Ундан бошка нарсанинг тайини йўқ. – Шул замонда сенинг қиладиган ишинг асли шул эди-да, – деб энди булар ҳам кўчмакнинг ҳаракатида бўлди.

Тўполон-ғулғула Қўнғирот юрти,
Бойлари йиғилиб кўчмакчин бўпти,
Ҳеч таадди ўтмай Ултон бегидан,
Беҳуда ўзлари ҳазар қилибди.
Ултон деб нечови бағрини эзиб,
Нор туяга ортди уйини бузиб.
Чўпонлар қур ҳайтлаб қўйни ҳайдади,
Аймоқнинг юртига талаб айлади,
Юкорига ўрлаб кетиб боради,
Жамъи молни бундан ҳайдаб жўнади.
Ҳаммаси элибой, давлати катта,
Аймоқ бориб кўнсак дейди, албатта.
Бойликнинг даврини булар суради,
Чарчаганда жойли ерга қўнади,
Тоғ ёқалаб бойлар кетиб боради.
Мавж уриб тошади йўлларда бойлар,
Бойларнинг ададсиз бунда моли бор,
Ҳайдаган уюрда шундай йилкилар.
Чори кўйлар борар эди чайқалиб,
Човлаб қолганини бул сўйиб олиб[3].
Шундай бўлиб қўнғирот халки довриқди,
Кўра-кўра қилиб чўпон ҳайдаган,
Чорига қўшмайди канча совликди.

Бойваччалар миниб бул бедов отни,
Олдин тушиб булар килар ғайратни,
Йўл бошқариб, яйлов кўриб боради,
Эргаштириб энди шунча элатни.
Йўл тортади гохи ерларга қўниб,
Беш кун, ўн кун турар молга дам бериб,
Шундай бўлиб Аймоқ кетиб боради.
Қўй оёғи билан кирқ кун йўл юрди,
Бўлак чегарага якинлаб қолди.
Неча тоғу неча беллардан ошиб,
Борди Аймоқ чегарага ёнашиб,
Олди бориб кўрди энди ажаб жой,
Бир ёғи Аймоқдир, бир ёғи Хитой,
Бойлар кўрди бунда яйлов, мазгил-жой.
Бойларнинг ахтарган ерлари шулди[р],
Топдик, дейди, юриб бу яхши ерди,
Жойи кенгиш экан, мазгили ўтлоқ,
Ҳар ёғида кўрди ажойиб кўлди.
Бойлар кўчиб, энди вакти хуш бўлди,
Тушиб шул замонда яйловга қўнди.
Бойлар айтар, кўрдик энди яхши жой,
Қайда борсак, мехрибондир бир худой,
Мол семиртиб яхши даврон сургудай,
Бий элларни кўриб энди суюндик,
Кенгиш экан юрти яйлаб юргудай.
Бул бойларнинг кўнглидаги бўлди шул,
Мол сувласа, кўринади катта кўл.
Бундан бу ёғини Аймоқ сўрайди,
Аймоқ каттасига бул жой карайди.
Бойлар яйлаб қолди бу ерда тинчиб,
Келди молин ҳайдаб бунда етказиб,
Давлатини Ултонбекдан кутказиб.
Бу сўзлар Ултоннинг кўнглида йўқди,
Бойлар ўз кўнглида сўйлаб юрибди.
Фалокатга чулғашмайин келдик, деб,
Жуда яхши, энди йўлли бўлдик, деб,
Кенг яйловга эга бўлиб колдик, деб.

Шуйтиб, бу ерда бойлар думоғи чоғ бўлиб, кенгиш ер, катор кўп уйни тикиб, молни ўтлатиб, сувлатиб, гўшт еб, қимизини ичиб, неча вақт думоғини чоғлаб ётди.

Аймокка тобе ернинг хонини Арасхон дер эди. Кенгиш чўл ер. Бир хил одамлар бу кўчиб борган элни танимайди, бир киши келиб гаплашмайди ҳам, сўйлашмайди ҳам. Арасхоннинг Ойқашка деган бир полвони бор эди. Товда, овда юрар эди. Бир куни тоғдан икки олкор отиб, иши бўлмай ўтиб кетиб бораётиб эди, ўтирган маст бойлар:

– Мина одам зўр кувватли одам экан. Кўп одам тоғда кийикни отиб удда чиколмайди. Икки олкор отибди. Шундай мерганлар ўзимизнинг элда бир ишма отиб келаётса, широлға, деб олдидан чиқса, иккита бўлса, биттасини, битта бўлса яримтасини широлға, деб бериб, курук қўймайдиган расми бор. Шунинг олдига чиқиб, бир широлға сўрайик, мерганнинг расми, мард бўлса, бировини берар, номард бўлса, биттасининг ярмини берар,ҳайтовур курук қўймас. Олкор гўшти еб кўрганимиз йўк. Пишириб еб, қимиз ичиб, бир кайф қилайик, – деб иккита шағалмастини буюрди.

Булар: – Широлға! – деб олдидан чикди. Буларнинг широлға деган гапига Ойкашка полвон тушунмади. Шунда полвоннинг аччиғи келиб, буларга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Қулоқ солгин менинг айтган тилима,
Нега чикдинг менинг юрар йўлима.
Нима деб сўйлайсан, асло билмайман,
Мен тилингга тушуб кулоқ солмайман.
Йўлга чиқиб сендай одам кайтади,
Широлға деб асли нени айтади?
Бий элларда мени ёлғиз билдингми,
Йўл тўсмокчин бўлиб чиқиб келдингми,
Йўлдан ўтган нечовларни олдингми,
Сен ҳам мени шулардайин кўрдингми?!
Арасхон дейдилар менинг хонимди,
Танингдан узарман ширин жонингди.
Аймок чегараси менинг юртимди[р],
Ойикашка полвон дейди отимди.
Сендай нечовларнинг кўнглин бўларман,
Не кунларни сендай шўрга соларман,
Сен яқинлаб келсанг менинг кошима,
Ерга уриб, пора-пора қиларман.
Юрар йўлингни сен хўп билиб юргин,
Қувватинг келгудай ишларни қилгин.
Бир мамлакат, элда ўзим зўрабор,
Ҳеч маҳал бўлмайсан менга баробар,
Йўлга чиқиб сен ҳам ғариб ўлмагин,
Ўз тилингдан менга бўлдинг гуноҳкор.

Бул сўзни айтиб, қарамай ўтиб кета берди. Булар: – Широлға, деб бир балоға учраб қолдик. Йўқ ердаги ғовғани бошимизга сотиб олдик. Олиб гўшти бўлмаса, бўлак гўшт бизни тешиб чикаётибмиди?! Қай махал бир мерганлик қилиб, анг гўшти еб юрган одам эдик, – деб қилган ишига пушаймон еб ётди.

Полвон ўз мазгилига етди. Широлға деб йўлга чиққани Ойкашкага жуда ботиб кетди. Олиб борган ангини тозалагани ҳам қарамай, қичаб Арасхоннинг қошига етди. Бориб, Арасхонга кўриниш бериб, шундай Арасхон: – Келинг, полвон, – деди. Бу Арасхоннинг инок полвони, ўзи ботир, урушда неча душманлардан Арасхоннинг кўрикчиси бўлиб, душманларининг додини бериб юборган одам. Шунда широлға деган гап ўтиб, бўлган вокеани Ойкашка полвон Арасхонга айтиб турган экан, дейди:

Ов овладим, тоғу тошларда юрдим,
Неча душманларнинг додини бердим,
Ангни отиб яна баланд тоғлардан,
Чўлнинг чегарасига мен етиб келдим,
Бехад ётган бунда элатни кўрдим,
Келар эдим мен ҳам ўз ҳолима,
Икки газандаси чиқди йўлима.
Қошима ул замон якинлаб етди,
Широлға деб менга бир сўзни айтди.
Мени билмай, ўзгалардай кўрганди,
Нечов отли бўлса, яёв қилганди,
Йўл тўсари одам пойлаб юрганди,
Шу ваккачай айтганим йўқ ёлғонди,
Кўриб менинг тарзи сиёсатимни,
Сўнгра улар ботинолмай колганди.
Қилар эдим уни ер билан яксон,
Мен сизни андиша қилдим, Арасхон.
Нима бўлса Арасхоннинг мулки, деб,
Булар писиб урлаб юрган тулки, деб.
Билмай келди, энди нобуд бўлмасин,
Арасхон ишимни уят демасин,
Йиғиб олсин бундай ёмонларини,
Мундайғача хабош-бебош кўймасин.

Арасхон амалдорларини чақириб сўради: – Қандай одам бор бу чегара чўлда? Амалдорлар айтди: – Биз сира билмаймиз нима борини. Биз янги сиздан эшитдик бундай гапни.

Арасхон айтди: – Ойқашка полвон ўтирик гапирмайди. Бир ёқдан оғишиб келган ўғри-газанда бўлса, унча эл билан юрмайди. Чегарага шунча эл келиб қўниб ётибди, қайси амалдордан сўрасам билмайди.

Амалдорлар от белига мининглар,
Қандай одам кепти, англаб билинглар,
Манов яхши, манов ёмон деманглар,
Қанча бўлса, барин ҳайдаб келинглар.
Элаб-эҳчаб ундан сўраб кўрайик,
Полвоннинг йўлини нимага тўсди,
Ёмон бўлса, каттиқ ишлар қилайик.
Бунда келиб ёмонликни қилмасин,
Касирига яхшиси ҳам ўлмасин,
Ҳаялламай боринг чегара чўлга,
Қанча бўлса ҳайда, унда қолмасин.
Қандай элат экан, аввал сўрайик,
Менга хабар берган йўқдир халойиқ,
Ёмони ким бўлар, сўраб билайик.
Юрт оғишса, одам бўлар мусофир,
Қандайин эл экан ҳолидан ғофил.
Мусофирлар ўз ҳолини билмайми,
Ҳолин билиб тўғри йўлга юрмайми,
Хонларнинг қўлида душман ўлмайми,
Амалдор, эртароқ борсанг бўлмайми?!

Бул сўзни эшитиб, ўн тўрт киши ёв-ярокли, сиёсат-ҳайбатли бўлиб, отини эгарлаб миниб, от терлатиб чопиб, чегара чўлига келиб қолди. Бул мусофир бойларнинг онги кетиб, ҳаёли қочиб: "Бул қандай ҳикмат бўлди. Ултонбекни ёмон деб бир балодан қутилиб, минг бир балога тутилиб қолдикми?" – деди.

Борган амалдорлар бойларга ҳа деб гапиради, бирининг гапига бири тушунмайди. Ундан кейин хоннинг одами битта-яримтасини дўқлаб, қамчи билан ура бошлади. Сўнгра бу бойлар бир-бирига қараб айтди: "Бул, чоқтан, шу ёққа юр дейётир. Буйтиб туриб ўлганча, юриб ўлайик, баримиз борайик, юринглар". Шунда эркаклар бари амалдорнинг олдига тушиб жўнади.

Амалдорлар бойларни ҳайдаб, Арасхоннинг қошига етди. Шунда Арасхон чиқиб, булардан сўраб, бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Аввал сўрай, қайси элдан келдингсан,
Бунда келиб беадаблик қилибсан.
Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни,
Маълум қилгин келган мазгил-жойингни.
Арасхон дер, бул мамлакатнинг хони,
Қўлингда узилар душманнинг жони,
Мусофирсан, энди мен ҳам билмайман,
Қаерларда бино бўлган макони.
Макон, мазгил, ўсган жойинг сўрайман.
Бехуда қилмайман сенга зулмни,
Қўркмай гапир асли келган элингни.
Келганинг аввалдан маълум қилмадинг,
Шул сабабдан кимсан, сени билмадим.
Хабар берди бир Ойқашқа полвоним,
Ёмонликман маълум бўлди аҳволинг.
Ойқашқа полвонга дучор бўлибсан,
Қайсинг келиб йўлни тўсиб олибсан,
Баракалла, зўрнинг оғирлигига,
Ҳали ҳам ўлмабсан, омон қолибсан.
Бизнинг халклар ҳайрон қолиб ётади,
Кўп гап энди бул орада ўтади,
Широлға деб сўйлаган бирор сўз бор,
Широлға деб асли кимни айтади.
Широлға маънисин бизлар билмаймиз,
Ўғри-газзоб деймиз, омон қўймаймиз.
Яхши бўлсанг, элни ёйлаб юринглар,
Ёмон-яхшилигинг маълум қилинглар,
Ичингда йўл тўсар газзобинг бўлса,
Мана шул деб менга айриб берингглар.
Ўлдирмайман, хозир сўраб тураман,
Ёмонларнинг бошин тандан юламан.

Бу сўзни эшитиб, хоннинг нима деганига булар ҳам тушунмади. “Бул подшо биздан бир нима сўраётир, гапирсак, биларминкан”, – деб бойлар ҳам бир сўз айтиб турибди:

Бизлар келдик Бойсин-Қўнғирот элидан,
Не иш келсин мусофирнинг қўлидан.
Бу юртларни, элни ҳавас қилганмиз,
Сизнинг жойингизни яхши билганмиз,
Аймоқ хони халкни яхши кўрар, деб

Хоним, сизга биз суяниб келганмиз.
Бизлар асло ёмонликни қилмаймиз,
Қилмоқ тува, хеч қайсимиз билмаймиз.
Сизнинг оркангиздан биз бўлиб хурсан,
Овдан келаётган экан бир полвон,
Икки олкорни хам бирдонга урган,
Ортиб икковини, кўрдик, тенг килган.
Тушганимиз йўқди полвон кўлига,
Широлға деб сўраб чиқдик йўлига,
Яхши сўз деб ул ботирнинг шаънига.
Аччиғланиб полвон неча сўз айтди,
Сўраган кишилар уялиб қайтди,
Биз билмаймиз нима кўтоҳлик ўтди.

Булар бул сўзларни гапириб бўлгандан сўнг Арасхон сўради: – Булар шунча гапирди, биз хам гапирдик. Ў, билдингларми нима деди, англаганинг борми?

Шул вақтида қайси амалдор, қайси томошамон, фукаро нима деса, деб ётганди: – Ўзининг қимирлаганини билдик. Довшини билдик, бўлак нима деганини билмадик, – деди. Бу сўзни эшитиб, Арасхон ўйланиб, амалдорларга айтди: – Бугун бозор. Савдо-сотиқ қиламан, деб олисдан, ёвуқдан, хар ердан одам келган. Буларнинг хам тилини билгич одам чиқиб қолар. Бозорга хабар қилинглар.

Шунда бир ясовул отланиб, раста-расталарни оралаб, чақириб, хабар қилиб юру дейди:

Шаҳарма-шаҳар юрганлар,
Савдо йўлини билганлар,
Қайси элатдан келганлар,
Хон олдига бориб ўтинг.
Тарозини ушлашганлар,
Бир-бириман тишлашганлар,
Жой топмаса мушлашганлар,
Хон олдига бориб ўтинг.
Нима деб хон сўраганин,
Ҳамманг жавоб бериб ўтинг.
Қўй савдони, халойиқлар,
Хон чақирди, бориб ўтинг.
Нима дейди, савол сўрар,
Ким сўзига жавоб берар,

Хоннинг гапин билиб ўтинг.
Савдобон, савдонгни ташла,
Қандай ишинг сўнгра ишла,
Бориб хоннинг кўнглин хушла,
Жавоб сўрса, бериб ўтинг.
Шохнинг сўзи шундай бўлди,
Келиб ясовул чақирди,
Ҳаялламай бориб ўтинг, –

деб одамни жўната берди.

Бозор. Кўп йиғилган ер. Одамлар хоннинг қошига йиғилишиб борди. Хон бойларга гапирган сўзини гапирди. Бир нечаси билди, билмагани қайтиб кетди. Билгани: "Буларга ўзимиз тушунтирамиз", – деб колди. Шунда булар бойларга хоннинг гапини тушунтирди. Бойлар Арасхонга гапирган гапни бул одамларга бўлакдан мааллатип чикди. Боғонаги "широлга" деган гапдан бўлак гап йўк. Одамлар Арасхонга бойларнинг гапини тушунтирди. Шунда Арасхон билди: улар Қўнғиротдан келган экан, молдор халк экан. Ери кенгиш, ўтлоқ, ўзга хонлардан Арасхон халққа фукаропарвар, деб суяниб келган экан. Бул широлга деган гап ботирларнинг шаънига ботирни ўзидан баланд билиб, бир нима тилаб турган гап экан. Арасхон энди билди: бул ўртада бир-бирининг тилига тушунмайётгани чатоқ экан, ундан бошка ҳеч гап йўқ экан.

Шунда Арасхон: – Энди билмасликдан биздан кўрган тааддини кўнгилларингга олманглар, бекор тааддн килган одам бўлса, караб турманглар, ўз нафларингдан колманглар. Мана яйлов, ана жой. Бизга суяниб келсанглар, молларингни ёйиб юра берингглар, оёкни узатиб ёта берингглар. Нима ҳоли-аҳволларинг бўлса, ҳар замон келиб, хабар бериб туринглар, элчилик, ё биров баланд-паст гапирса, бизга хабар бериб туринглар. Аралашиб, бозор-ўчарда гаплашиб, бир-бирингнинг тилингга ҳам тушуниб қоласан, – деди.

Нечовлар бу сўзни бойларга тушунтириб, "бозор савдоси ўтди", – деб бозор қараб кетди. Бойларнинг Арасхондан думоғи чоғ бўлиб, хўшлашиб, булар ҳам: "Бозорни оралаб ўтайик, кандай бўлди, – деб бола-чака кўриб ётган эди, эртароқ бозордан уни-буни олайик, яйловга бориб болаларнинг думоғини чоғ қилайик. Арасхон деган хони бор экан. Баччағарнинг хони ҳам яхши экан, эли ҳам. Бир-биримизнинг тилимизга тушунмаганимиз ёмон бўлиб турибди. Буни ҳам булай-шулай қилиб ўрганиб олармиз, бу баччағарнинг ҳам тилига тушуниб қолармиз", – деб бозордан уни-буни олиб, манзилига етди. Бола-чака, бирла-ярим қолганлари: – Қандай воқеа бўлибди, – деб сўраб ётибди. – Э, ҳеч гап эмас экан, бари тил билмаганнинг айби, – деб бўлган гапни айтди.



Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Ёдгор" достони
кўлёзмасининг илк сахифаси.

Баринниг думоғи чоғ бўлиб, жойлашиб ётди, орадан неча вакт ўтди, бир-бирига кўзи сингиб қопти, аймоклар хам ўз элидай бўлиб, нари тур-бери тур гаплар хам йўқ бўпти.

Арасхоннинг бир тарафини сўраб турадиган бир кўргонбегиси бор эди, отини Ўрозали қушбеги дер эди, қушбегилик амали бор эди, Ўрозали қушбегининг қошидаги амалдорлардан бошқа олти юз оломон одами бор эди.

Бир кунларда бориб-келиб юрган, кўрмагани эшитиб билган ёшу қари беш-тўрт аёл кидириб, Ўрозалининг кўрғонидан чегара чўлга келиб қолди. Шунда келган аёллар бой Шомуродникида мехмон бўлиб, бир кеча ётиб, бойларнинг зиёфатини еб, қанча иззатини кўриб кетди.

Шомуроднинг Ойдиной деган қизи бўй етиб, кўзга кўриниб қолган. Шунда кидириб борган аёллардан қушбегининг уйига бориб, Ойдинойни кўп таъриф қилиб, гапириб ўтириб эди, шул вақтида қушбеги кириб бориб, бу гапни эшитди. Ул вақти гапиргани ўз[4] хотинидан андиша қилиб, борган аёлни бўлак вақтда овлоқ жойга чақириб сўради. Қушбегига ул аёл шундай хабар бериб турибди:

Сиз эшитинг мендай мунглуқ сўзини,
Кўриб келдим бой Шомурод қизини,
Ҳар ким босолмайди унинг изини,
Тўлишиб, балқ уриб турган юзини.
Одам кўрса, тоза кўнгли тўлади,
Одобли, хурматли, ўзи доноди[р],
Мен хам кўрдим, саҳал ёшроқ болади[р],
Жамоллари кунни хира қилади.
Полвон сифат, ўзи шундай тўлади[р],
Бетига караса, балқиб қолади,
Ўзбак халқнинг қизи шундай бўлами,
Ким кўрса хам, тоза аклин олади.
Кўрганнинг кўнглида қолмайди ғубор,
Жамоллари ўн тўрт кунлик ойча бор.
Ўзга сулув билинмайди қошида,
Бир кўрмаклик сиздай кишин ишиди[р].
Қийғир деган қуш юради қиёда,
Бундай сулув йўқдир ушбу дунёда,
Одамзод сулуви олдида бекор,
Ой тува, жамоли кундан зиёда.

Бу сўзни эшитиб, Ўрозали қушбеги: – Эса бир одам юбориб кўрамиз, – деди. "Биз ўзимиз борсак, биздан кўнгли оғриб, навода таадди кўрса,

Арасхон айб, деб айтар. Бир мусофирнинг қизига бориб, таадди қилдинг, деб уялтар". Бу гапни кўнглида маъқул қилиб, ҳеч кимга сирини айтмай, одамни алдамоққа эпчилнамой бир Чандана чол деган хизматкор сипоҳи одами бор эди, шўғи сирлашиб, Чандана чолга гапирди. Шунда сирижавобини айтиб турган экан:

Ўтар дунё ўтарини ўйладим,
Эшитганим сизга баён айладим.
Қандай дейсан кушбегининг ўйига,
Бориб келсанг Шомуроднинг уйига,
Бир йўлиқсанг Қўнғиротнинг бойига,
Меҳмон бўлсанг ётиб мазгил-жойига.
Эшит мендай кушбегининг сўзини,
Кўрган таъриф қилди бойнинг қизини,
Назар солиб ўзинг кўрсанг юзини.
Кўрганлар жуда ҳам таъриф айлади,
Овоза, таърифи мени қийнади.
Бой халқи дунёга бўлар ишқибоз,
Дунё деса, аямайин бермакка,
Маъқулла сўзингни қабул қилмакка.
Ул сўраса, қатор-қатор нор бергин,
Нор кўтарганча ортиб ўқун зар бергин,
Нима деса, аямагин, мол бергин,
Таърифини баланд эшитдим қизди,
Қандай бўлса, отасини кўндиргин.
Қариганда шундай хизматни қилгин,
Хизматингга мендан инъомни олгин.
Чандана чол дейди сенинг отингди,
Ғайрат қилиб кўрсатгин хизматингди.
Бўлаклардан яхши билиб ишингди,
Жўнатай жовчи қип сендай кишимди.

Бу сўзни кушбегидан эшитиб, Чандана чол айтди: – Ундан ғам ема, мен борган ишни битмай қолади дема. Ул бойлар Қўнғиротдан. Кушбеги, сен ҳали менинг қадримни билмайсан. Жамъи ўзбекнинг ота пири бўламан, қандай бўлса, кўндириб йўлга соламан. Бир ишинг бўлса, менинг ўзим ўрин қилиб келаман, – деб бир чўнтоқ чўбирни миниб, остига хуржунни солиб, кушбегининг қошидан чиқиб, чегара чўлига келиб, Шомурод бойникини сўраб, Шомурод бойнинг мазгилига кўнди.

Илгари кўрган эмас, гаплашиб, бир-бирини билган эмас. Шомуродбой каради, бир гапга эпчил, гапда ўзидан баланд одамга навбат бермайдиган

чол. "Жуда дунёдан хабари бор одам экан, бул қаердан келган экан", – деб олдига дастархон ёзиб, хар турли овқатлардан опкеп қўйиб, бешта-тўртта йиғилиб, бул бобонинг думоғини чоғлаб ўтирди, қаернинг одами эканини, нима ишга юрганини билмай ўтирди.

Ўзбак халқ, қочув-писув йўқ. Бул энди қиз учун борган, Ойжамол қизини унга-бунга буюрган, қизи ҳам у ёк-бу ёкка чиқиб, бориб-келиб, буюрган хизматини қилиб юрган. Бул қизни кўриб: "Қушбегининг айтганидан ҳам зиёда экан", – деб кўнглида кечириб турган.

Шунда ўтирган одамлардан: – Бобо, сиз қай ердан келдингиз? – деб сўраб турган. Ў, Чандана чол шундай одам: неча тилларни ҳам билган. Чандана чол бу сўзни айтиб турган:

Мени билсанг, Шероддан келаман,
Қўнғиротларнинг ота пири бўламан,
Келолмай, сизларни кўп сўраб юрдим,
Асли ўзим тарки дунё қилганман.
Сизларни ахтариб Бойсинга келдим,
Бойсинда сўроқлаб, кетганинг билдим.
Ота-бобосидан келгандир мурид,
Эшитдим, Аймоққа кетгандир бир юрт,
Олис деб аввали қайтмоқчи бўлдим,
Тағи ҳам қайтмадим, ахтариб келдим.
Катта-кичисини бориб кўрай, деб,
Дуо қилиб оқ фотиҳа берай, деб,
Кўз кўрмаган юртга бойлар кетибди,
Қандай бўлса, бориб ҳолин сўрай, деб.
Қулоқ соп эшитгин, бойлар, нолага,
Мурид овлаб мен чиқмайман далага,
Халққа чиқмоқ ишни яхши кўрмайман,
Бир нима олмайин бердим фотиҳа,
Назир олмоқ ишни яхши кўрмайман.
Оқшом ётмай, тун уйқумни бўламан,
Кеча-кундуз худогўйлик қиламан,
Сизлар келибсизлар Аймоқ юртига,
Аҳволингни билмоқ учун келаман.
Мен қаридим, дунё даркормас манга,
Азобни кўпайтмай бу ширин жонга,
Агар менинг авлодимни сўрасанг,
Суриштирсанг, борар Ҳасан-Ҳусанга.
Дунё учун сира келмадим бунда,

Холисликдан ўзим дуогўйман-да,
Бугун оқшом энди ётарман бунда,
Оқшом билан насиҳатни гапириб,
Эртан кўрасизлар сиз мени йўлда.
Бугун оқшом ҳаммаларинг кўраман,
Эртан мен ётмайман, кетиб бораман.
Албатта, сизларга насиҳат даркор,
Мендай эшон бўлар сизга хизматкор,
Ота пирдан бошқа эшонинг бекор,
Пулу дунё, ўйла, бизга недаркор.

Бу сўзни Чандана чолдан эшитиб: – Биз англамай қолибмиз. Бир кўшиб ўтадиган йўловчи дебмиз, – деб ичкари уйга бошлаб, тоза кўрпа, кўрпачалардан остига ташлаб, жуда иззат-икром билан уйга бошлаб, Чандана чол кўрпанинг устига чикиб ўтириб, ёнбошига ёстиқ қўйиб, ёнбошлаб ётди. Шунда "илгаридан англамабмиз", деб бир-бирига хабар килиб, бари йиғилиб, қўйлар сўйиб, гўштини пиширив, "пирим, пешвозим", деб олдига олиб келиб қўйиб, шу айносда иззат билан оқшом ўтди. Нечовлар: – Сиз кепкопсиз. Мана бугунги ҳаракатни Шомуродбой қилди. Ҳар қайсимиздан ҳам шунча иззат, давлат чиқади. Ҳали сизга жавоб йўк. Ҳафта-ўн кун туриб борасиз-да, – деди.

Унда Чандана чол айтди: – Биз сизларни сўнгра эшитдик. Илгари келиб, сўнгра кўп вақт келмай кетганмиз. Бу ерда бизга хабари неча марта бориб турган хос муридимиз, бир қўрғонни сўраб ўтирган Ўрозали қушбеги деган киши бор. Бизни ул ҳам юбормайди. Қўнишларинг яхши тушиб, хўп бой, яйлайдиган ерга йўлиққан экансизлар. Мен бир кари одамман. Унга ҳам, сизларга ҳам гапириб, сизларни тоза тинчитиб, балки мамлакатнинг эгаси қилиб, қушбеги билан бой Шомуродни – икковини зимор қилмай қўймасман. Бир киз-да. Ихтиёрни бизга берар, яхшилик-эзгулик ёғини бўйнимизга қўяр, сўнгра бу мамлакатнинг ҳаммаси билан биркишиб-чегишиб қолар. Албатта, бундай яхшилик ишларни мендай одамнинг қилмоғи даркор. Эл-элатсан, баринг ўтирибсан, ҳамманга ҳам менинг сўзим маъқул келар, сўнгра бир яхшилик иш бўлар, – деб Чандана чол тулкилик билан ўрганган касалини қилиб, алдаб, бўйнига қўймокчи бўлиб берди.

Шунда ўтирган бойлар ҳайрон бўлиб, эшоннинг бетига караб, гапиролмай қолди. Чандана чолнинг гапи Шомуродга ботиб, Чандана чолга караб, бул сўзни айтиб турибди:

Пирим бўлсанг, эшит менинг сўзимни,
Оғзингга олмагин ёлғиз қизимни,
Иззат билан энди сени жўнатай,
Пирим, айта кўрма бундай сўзингни.
Қўндинг келиб бойнинг мазгил-жойига,
Қизим аташтирилган Қўнғирот шойига,
Бойлар ахир борар ўсган элига,
Аташтирган Алпомишнинг улига.
Пирим бўлсанг, кетгин тўғри йўлинга,
Асло қонлашмайман Аймоқ элига.
Бир гап билан бизлар бунда келибмиз,
Кун ўтказмак бўлиб сўйлаб турибмиз.
Киши юрти сира юртлик қилмайди,
Келган меҳмон, энди сиз ҳам эшоним,
Бу сўзларинг бизга маъқул бўлмайди.
Қандайин қиз берай Аймоқ элига,
Қарамаймиз аймокларнинг кўлига,
Пирим, шул гапингни асло гап дема,
Эннаиқман кетгин тўғри йўлинга.
Бойларни сен аҳмоқ, нодон билмагин,
Бундай сўйлаб бизни йўлга солмагин,
Қушбеги деб бизлар томир бўлмаймиз,
Пирим бўлсанг, ўз йўлингдан қолмагин.
Эшон халқи тўғри йўлига юрар,
Келган эшон совчиликни не билар,
Янгитта кўрибмиз сени эшоним,
Бу сўйлаган сўзинг қандай гап бўлар,
Мен тува, элатнинг кўнгли қабарар.
Ҳамма сизни яхши иззат қилади,
Бул гапингиз аҳмокликка боради,
Эшоним деб мен уялиб турибман,
Мен тува, элатим аччиқ қилади.
Илгаридан бунда келиб юрмасанг,
Ота пир бўп сен бизларни кўрмасанг,
Бизларман аввалдан сирдош бўлмасанг,
Хўп ажаб сўйладинг, гапингни билмай,
Кетгин, эшон бўлсанг, йўлингдан қолмай.
Бир облога етган аниинг ноласи,
Банди бўлиб кетган Қўнғирот тўраси,
Келар элга Бойбўрининг боласи.

Тирик деган ҳозир хабари борди[р],
Бул сўзингга жуда кўнглим қабарди,
Бундай сўзлаб, эшон, сенга не бўлди,
Эшон бўлсанг, кетгин, йўлингдан қолма.

Бу сўзни эшитиб, эшонсиниб ўтирган Чандана чол бир сўз айтди, дейди:

Бойлигингга сен ҳам бунча лоф урма,
Кўтарилиб, менинг кўнглим қавартиб,
Жўна, деб, Шомурод, таадди қилма.
Кет демасанг, ўзим туриб кетаман,
Қушбегининг мазгилига етаман,
Мени изза қилдинг энди, Шомурод,
Бой деб сени қарамайман бетингга,
Ҳар на деганингни, борсам, айтаман.
Бойлигинг каттадир, маъруф бўласан,
Сўнгра ўзинг хушомадга берасан.
Борганинг йўқ аларнинг мазгилига,
Бир кўрғоннинг ул ултирган шойига,
Кўзинг тушса обод мазгил-жойига.
Бойлик билан сен билмадинг сўзингди,
Кўрсанг берар эдинг, айтмай, кизингди,
Мен сенга қайишиб, сўзни сўзладим,
Сенинг кизинг қушбегига лозимди[р].
Бўлсанг бўпсан-да Алпомишман куда,
Худо килса ўзинг бўласан жудо,
Томир бўлсанг, бир йўриғи бўлар-да,
Алпомишнинг ўғли ўшал Ёдгор-да,
Ўз тенгин шў ёқдан топиб олар-да.
Тўғри сўйлаб мен гапирдим юзингга,
Оғиз солдим уйд ўтирган қизингга.
Менинг кизим кетса, бўйдоқ колар, деб
Алпомиш ўғлининг ғамини ема.
Эшонинг кўнглини наза қиласан,
Қараб турсам, феълинг озиб борасан,
Шу сўзларни билиб колса қушбеги,
Нима деса, айтганига кўнасан,
Кўнмаганда армон билан ўласан.

Эшоним, деб жуда иззат қилиб ўтириб эди, чатоқлашиб қолгандан кейин аччиғи келиб, Чандана чолга тағи бир сўз айтиб турган экан:

Менинг сўзим ола бердинг киёма,
Айтиб боргин ул суянган тоғингга,
Қўлидан келганин қилсин, аяма.
Эшоним, деб маъзур тутиб ўтирдим,
Охирида неча сўзни билдирдинг,
Ёмон сўйлаб халқни бунда кулдирдинг,
Энди сенинг ҳеч қолмади иззатинг,
Пирим, сени изза бериб ўлдирдим.
Бориб айтгин қушбегингнинг ўзига,
Қулоқ солгин мендай бойнинг сўзига,
Қандай аҳмоқ оғиз солар қизига.
Оғиз солмоқ илгаридан қолганди,
Мен гапингнинг жўясидан англадим,
Билдим, сенинг эшонлигинг ёлғонди[р].
Қушбеги деб сен оғзингга оласан,
Қушбегидан келган жонсиз бўласан,
Ўйла, сенинг эшонлигинг йўқ бўлди,
Айёр чолсан, армон билан ўласан.
Баҳорда очилар боғнинг бодоми,
Мен биламан, қушбегининг одами,
Эшонман, деб қанча иззатни кўрди,
Қандай етди бадбахт чолнинг кадами?!
Эшон халқи бундай сўйлаб турмайди,
Менинг қизим ҳеч оғзига олмайди,
Ўлмай кетгин, айтган сўзинг бўлмайди.
Қушбегининг давлатидан келибсан,
Шунча элнинг барин аҳмоқ қилибсан,
Мен сизларнинг ота пиринг бўлдим, деб
Уй тўрида чалқайиб ўтирибсан.

Эшонига шундай сўзни айтади,
Сўз билан эшоннинг шашти қайтади,
Ўтирик сўз чиқиб қоладигандай,
Эшонининг кўзи аланглаб ётади.
Шул замон одамлар насиҳат қилди,
Насиҳатни булар қулоққа олди,
Қиз устида сўйлаган сўз соп бўлди.

– Ҳа, – деб Чандана чол қаради, бойнинг жуда аччиғи келган. Чандана чол туриб айтди: – Бизнинг янги кўрган муридимиз. Нима десак, сўзимизни ташламас, деб эркинлик қилиб гапирдик. Бой кўнглига бежой оғир олди, бизнинг эшонлигимиз ҳам номаълум бўлиб қолди. Кет демасанг ҳам, ўзимиз кетармиз, – деб отланди.

Ўзга кишилар: – Тақсир, икковингизнинг орангизда кўп гап оралаб келди. Ул ҳам ўзбагингиз-да, муридингиз. Кўнглингизга оғир олманг, бир-бирингиз билан синашта бўлган эмассиз. Ўзбакчилик-да, саҳал гапга шундай кўскулик қилиб, кўтарилиб кетадиган одат бор, гина қилманг, – деб отлантириб йўлга солди.

Чандана чол хуржун-қулокни эгарнинг устига солиб, чўнток чўбирнинг белига миниб олди, шунда йўлга равона бўлди.

Ўзга одамлар туриб, Шомуродбойга айтди: – Эшонлик қилиб юрибди, ўзида бир нима бор, ўзида бўлмаса, ота-бобосида бор, бул гапларингиз эшонга бекор, – деб насиҳат қилмоқчи бўлди. Шомурод айтди: – Бизга эшонлиги маълум эмас. Жағи қувушиб, одамга гап бермагич баччағар экан. Эшон бўлса ҳам, бўлак бўлса ҳам ўз йўлига! Аввал мен ҳам ихлос қилиб эдим, сўнгра совуқ оёқдай кўзима кўп ёмон кўринди.

Булар ўзавонида бу сўзни гапириб ётди. Чандана чол ҳам қушбегининг даргатига етди. Қушбеги сўради: – Қандай юришингиз? Бўри бўладигандайми, тулки бўладигандайми? Чандана чол туриб айтди: – Бир боргандан иш битириб, улар тайёр бўлиб турибдими йўлга қараб?! Совчи икки-уч бормайми?! – Борган одам гап-авзойидан билмайми? – деди қушбеги.

Шунда Чандана чол қушбегига бир сўз айтиб турган экан:

Қизи яхши, бойнинг ўзи ёмонди[р],
Чўчқа қобоқ кўрдим шундай қобонди,
Биз бермаймиз сира унга омонди,
Ҳеч билмайди бунда Аймоқ замонди.
Ҳеч кўнмаса, айтганима кўндириб.
Ул бойларга зўрлигимни билдириб,
Қўлидан оларман ёлғиз қизини,
Оломонлар борса, уни ўлдириб.
Қушбегисан, қанча шавкатларинг бор,
Олти юз оломон – булар айдахор,
Булар билан бойлар бўлмас баробар,
Сўнгра бўлар ўзимизга милладор.
Шуйтиб ўйиб баччағарнинг кўзини,
Қўлидан олайик унинг қизини.

Нах уради, ҳеч тоймайди тилидан,
Ўзи мусофирдир Аймоқ элига,
Не иш келар мусофирнинг қўлидан.
Зарб кўрган сўнг кўп пушаймон қилади,
Ҳеч сўзга кўнмайди, қанча ўрлади,
Ҳар бир сўзи унинг калтакдан ёмон,
Сўйлаганда менга ботиб боради.
Ҳеч кўрган йўқ Аймоқларнинг ишини,
Таммайини бериб ундай кишини.
Кўзи кўрққандан кай айтганга кўнар,
Сўнгра колар ўзимизда ихтиёр,
Кўп лоф уриб, неча сўзни сўйлади,
Айтган сўзга ўзи бўлар гуноҳкор.

Бу сўзни Чандана чолдан эшитиб: – Сабр қилиб тур. "Сабр туби – сари олтин", деган гап бор, – деди. Унда Чандана чол айтди: – Мен буларни ёмон билдим. Қушбеги айтди: – Олти юз оломонни ияртиб борсанг, яхши бўларми? Бунинг билан ҳам қўймай, Чандана чол этана бўла берди: – Қўрқиб сесканмаса, ҳеч маҳалда қайиш қилмайди, – деди.

Бул сўзни Чандана чолдан эшитиб, қушбеги бир сўз айтиб турган экан:

Мен сўйлайман энди сенга бир тимсол,
Бул сўзима, Чандана чол, қулоқ сол,
Мамлакатни безга деб юрибсан,
Юрт эгаси Арасхондай подшо бор.
Қушбегиман, мен ҳам, билсанг, амалдор,
Мусофирни нега хўрладинг дейди,
Айиб қилиб бизга кулар катталар,
Бир иш бошлаб биз бўлмайик гуноҳкор.
Сенинг айтганингни мен ҳам қиларман,
Сўз билан бир куни йўлга соларман,
Таърифин эшитдим бойнинг қизини,
Ўзиман гаплашиб, тоза биларман.
Бундай қила берсанг, бул ердан кетар,
Биз қолармиз мазгил-жойда бехабар,
Ўйлаб турсам, сабр билан иш битар.
Бориб-бориб бойнинг ақлин оларман,
Бу гаплар поёмин ўзим биларман,
Ҳар бир сўзга ошиқмагин, Чандана,
Кўп ошиқиб пушаймон қип қоларман.

Бандаргоҳда неча одам кўярман,
Бул бойларнинг эҳтиётин қиларман,
Сен ошикма, бойнинг қизин оларман,
Ўйла буни, яхшиликман кўрарман.
Бунда амалдорман, борин билдириб,
Юборай мастондан, уни кулдириб,
Яхши сўзга ғарқоб қилиб кўндириб.
Ҳалитдан зўр талаб қилмагин ишди,
Яхшилик ишига кўнгилим хушди[р].
Мудом сен ҳам ёмонликни ўйладинг,
Менманлик сўз айтиб, гапман қийнадинг,
Сўзим шулдир, ёмонликни тайлагин,
Сен каридинг, яхшиликни ўйлагин,
Бировнинг кўнглини шодмон айлагин.

Бу сўзни эшитиб, Чандана чол ўз кўнглида: "Бу баччағарга чоқдан бизнинг гапимиз маъқул бўлмади. *Бизнинг тўғри гапимиз ҳам қишига кетиб берди*[5]. Қандай кип уйлансанг, шундай кип уйлан", – деб ўз хизматига кетди.

Қушбегининг Анор айёр деган бир мастон кампири бор эди. Қушбеги Анор айёрни чақириб олиб, бу мастонга дардини ёриб, сири-аҳволини айтиб, бир сўз деб турган экан:

Сен эшиттин қушбегининг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини,
Бориб кўрсанг ул бойларнинг қизини,
Билиб келгин Ойдинойнинг ўзини.
Бизинг мамлакатга таърифи етди,
Кўрганим йўқ, менинг кўп ишқим кетди,
Чандана чол бориб гапни улғайтди,
Яхши сўйлаб, ўйлаб қилсанг хизматди.
Сен эшиттин қушбегининг сўзини,
Кўрганлар жуда ҳам таъриф айлади,
Ойдан сулув дейди қизил юзини.
Гаплашиб, уларга таърифим айттин,
Менинг учун хизмат қилиб сен етгин,
Таърифига ишқибоз бўп юрибман,
Яхши сўзман бориб кўнглини топгин.
Душман бўп сўйлама, оғир олмасин,
Сенинг маккорлигинг ҳеч ким билмасин,

Бир кечада кўчиб йўлга кирмасин,
Бориб келгин ул бойларнинг кизига.
Ғам тортаман бунда, ўйлайман неча,
Сенга ҳамроҳ бўлсин неча бойбича,
Хўп гаплашиб, ётиб келсанг бир кеча.
Дунё даркор бўлса, навода қайтма,
Таъриф килгин, ҳеч бир ёмон сўз айтма,
Айтган сўзим хаёлингдан унутма.
Бориб келгин сен чегара чўлига,
Меҳмон бўлгин бойларнинг мазгилига.

Бу сўзни эшитиб: – Бир кизнинг хизмати бўлса, бориб кўрармиз, уйтиб-буйтиб сизга олиб берармиз. Шунча давлатга, беклик савлатга бермай, кимга берар дейсиз? Ундан ғам еганча, катта-катта нон ей беринг, – деб бормоқчи бўлди.

Беш аёл қаватига қўшилиб, кампир билан олтов бўлиб, кампир бу сўзни айтаётир: – Мен ичларингдаги қария. Мен қуруқ кета берсам майли. "Қулчали бола суймали келади", деган гап бор. Сизлар ҳам мендай қурук бурунларингга қўлларингни суқиб юрманглар. Биз бориб кўрмакка зарил эмасмиз, қулай бўлса, куда бўлиб келамиз, деб бораётирмиз.

Бу гап буларга ҳам маъқул тушиб, товоқ, дастархон тузаб, ўз лозиматлисини ғамлаб, булар жўнади. Йўл юриб, терлаб, пишиб бойларникига келди. Шомуродбойникини сўраб, меҳмон бўлди.

Бир-бирини танимайди. Буларнинг қилиб борган дастархонини кўриб, бойбича ҳайрон қолди. Хаёлида: "Бизникига келган меҳмон десак, илгари кўрмасак, билмасак. Навода борадиган ери олис бўлиб, чарчаб бурилдимикан?" – деб буларнинг олиб борган товоқ-дастархонига ботина олмай турди. Кўришиб, сўрашиб ўтиргандан кейин товоқ-дастархонини Анор кампир олиб, бойбичанинг олдига қўйди. – Сизлар келгандан бери бизлар келолганимиз йўқ. "Элга эл қўшилса – давлат, элдан эл кетса – меҳнат", деган гап бор. Бир борайик, танишиб, қўниш кулли бўлсин қилиб келайик, улар ҳам ўз-ўзи билан бўлиб ётмасин, бориб танишсак, улар ҳам хаёли тутганда, келиб-кетар, бу дунёнинг зийнати – бормоқ-келмоқ, яхши-ёмонни кўрмоқ, – деди. Кампирнинг сўзи бойбичага маъқул кеп қолди. Ўзи ҳам, кизи ҳам меҳмонларнинг хизматида бўлиб, бир кўй сўйиб, буларни сийлади.

Меҳмонлар оқшом ётди. Эрта-мертан, оқшоми билан ҳам Ойдинойнинг хизматини кўрган. – Қизингиз яхши бола экан. Қандай бўлса, биз кўчиб келган одам, деб турманг. Буни ўз тенгини топиб беринг, – деди кампир.

Унда бойбича айтди: – Биз ҳам тенгини топиб берсак деймиз. Қизимиз бўй етди. Кўнглимизнинг соз вактида бир одам меники, деб эшигимизни

шарган эди. Элатчилик. Бировга беролмай, шунга бойланиб турибди. Чол кампир айтди: – Мен бир одам сўмлаб турибман. Қизингизнинг жуда ҳам тенги, ҳам бопти. Кампир жуда раъйини топди. Бу сўзни эшитиб, бойбича ҳам майли дегандай бўлиб: – Тузук одам бўлса, ўйлашиб кўрамиз-да, – деди.

Шунда кампир бойбичага қараб, бир сўз айтиб турибди:

Душманни куйдирар кўрсанг савлати,
Урушли кун Рустамча бор ғайрати,
Белида яркиллар шамшир пўлати,
Шунга қарар унинг қанча элати,
Ўрозали дейди, билсангиз оти.
Душман келолмайди изини босиб,
Ойдинойжон, билдим, шунга муносиб.
Боғбон бўлса қизил гулни терайик,
Боришли-келишли бўлиб юрайик,
Кимни яхши десангиз, шунча бордир,
Ўзим айтган эр йигитга берайик.
Ғазот қилмоқ – умру жондан кечилар,
Олтин пиёлада боллар ичилар,
Сўз сўйласа, дуру гавҳар сочилар,
Ўрозали юртимизнинг улуғи,
Шунга тегса қизинг бахти очилар.
Одам бўлиб ҳеч кимнинг дамин еган йўқ,
Унга баробар келадиган одам йўқ.
Мен кўнглимда шундай сўмлаб тураман,
Қабул қилсанг, Ойдинойни бераман.
Ўзинг кидириб борсанг, уни кўрасан,
Кўрсанг, айтганимдан зиёд биласан,
Юриш-туришидан ҳавас қиласан,
Ишонмасанг, сен, бойбича, сўзима,
Ўзинг ҳам бир куни қидириб борасан.
Мен биламан баҳодирлик номи бор,
Қанча амалдорлар хизматин қилар,
Ойдинойман ул тақдири қўшилса,
Жуда ҳам болангиз бахтидан тинар.

Аёлнинг тилини аёл билади. Кампирнинг сўзи бойбичага маъқул бўлгандай бўлиб: – Мен сизлар билан бирга бормайин. Бир ўйлашиб кўрайик, қизимизни ҳам гапириб билайик. Бизнинг халқ ориятчил халқ

бўлади. Мен меҳмончилата сизлар билан кўриб келайик, деб бора
десам, дарров булар гап қилади. "Қизига эр қараб кетган эмиш", д
юради. Нима бўлса, хабарини ўзимиз айтармиз, – деб буларнинг вакти
хушлаб, йўлга солди.

Булар қушбегининг қошига бориб, бўлган воқеани гапириб
Кўндирган ҳисоби қилиб келдик, – деб унинг думоғини чоғлади.

Бойбича кампирдан эшитган сўзини бойга гапирди[6]. Шунда бой
туриб айтди: – Мен нима дейман. Қизинг билан ақллаш. Тушм
ўзимизнинг эшонга ўхшаб аҳмоқ бало бўлиб чиқмасин тағи.

Бойбича айтди: – Ул эшонингизни гапирманг, жағи қуришиб қол
шақиллаб, ҳеч кимга гап бермайдиган бало эди-да. Булар аёл ҳам бў
бир салдорли, гапи мазали, борди-келдини билган одамлар экан. Бу
аёл, деб эшонингизга тенгламанг. Мен уларга хабарини ўзим айта
деб қолдим.

Бой айтди: – Сен унчалик деган бўлсанг, қизингнинг ўзи билан гапла
Ўзи маъқул деса, мен нима дейман. Мен қалинини солиб олмоқни билам
Қўйини олиб, элнинг тўйини бераман. Бўлак гапинг билан менинг ка
ишим бор?!

Шунда Ойжамол овлоқ ўтирган пайтда қизига гап ташлаб кўр
Болам, сен ҳам бўй етдинг, энди эр етдинг. Энди ҳар ердан одам чиқ
Тузук, тенгинг бўлса, берсак. Энди Қўнғирот юрт – қолган юрт-да
*сенинг бошингга бир рўмол ўраб, бешикарт қилибмиди?! Бир эшилмас
шипирди, шипирди-да*[7]*!* Биз бунда келиб ўтирган элмиз. Сенинг орқа
томир бўлиб, бир-биримизга орқа-ўриш бўлиб, яйловимиз кенг
хурматимиз ҳам тузук бўлиб қолади. Ҳозир қандай бўлса мусофир
Аймоқ уруғидан ўргиб келган қандай одамни кўрсак, эйнимизни кий
турамиз. Шундай бир тузук одам билан томир бўлсак, ҳар қандай ни
келиб бизга беҳуда гапиролмас.

Қизининг қанча қуввати бор-йўғини энаси унча чокламай юрар э
Ойдиной энасининг сўзига кулиб, бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Эна, бунча ночор қилма ўзингди,
Етаклаб юрмагин мендай қизингди,
Менга айтма, эна, бундай сўзингди,
Асло ташлаб мен кетмайман Бойсинди.
Эна, аёллик қип кўнглинг бўласан,
Мени ҳам ўзингдай мунглуқ биласан,
Куч-кувватим Барчинойдан кам эмас,
Аймоқ халқдан нега ҳадик оласан.
Соларман жафолар тандаги жонга,

640

Аймоқнинг полвони келса майдонга,
Ушласам отарман мен ҳам осмонга.
Шунча ҳам қувватим бордир ўзимди,
Мунглукларга сен тенглама қизингди.
Агар биров келиб ҳаддидан ошса,
Таадди эшитиб, ғайратим тошса,
Қирқ минг аймоқ бўлиб майдонга тушса,
Менинг билан ул майдонда савашса,
Ундай кунда жавобини берарман,
Ким зўр бўлса, ҳисобини қиларман.
Урушли кун не ишларни битказиб,
Қиличнинг дамидан уни ўтказиб,
Қолганини ўз жойига етказиб,
Шунча ҳам ғайратим бордир, энажон.
Сен мунглукка тенгламагин қизингни,
Эшитмайман, эна, сенинг сўзингни,
Қўя бергин ўз ҳолима ўзимни.

Ойдинойдан бу сўзни эшитиб, энаси ҳайрон қолиб: – Бу нима деган сўз бўлди, болам, – деб қизининг сўзини отасига айтди. Бой туриб айтди:

– Мен сенга қизинг билан гаплаш, деб шуйтиб айтиб эдим. Бу бола ақлга деса қилади, жуда алп жасадли, сахтли келган. Мана, борувчи-келувчи карвонлар кетиб бораётир. Энди шулардан бир хат қилиб бериб юборайлик. Ёдгор одам бўлиб, тузук бўлиб қолдими, ё ҳали ҳам шундай бўлиб, Ултонтознинг хизматида ўлдими?! Шунинг аниғини билайлик.

Бойбича айтди: – Ундай бўлса, ўзингиз биласиз. Бир хабарини билганингиз тузук. Мен бу қизингиздан тингилдим. Бунга гапиргилигим келмади.

Шунда неча йиллар ўтиб кетган. Борувчи-келувчи карвонларга хат қилиб, жўнайдиган карвонларга хатни бериб, бой бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Бойсиннинг юртида қолган элатим,
Ёру жўра, бордир қанча улфатим,
Ёдгор учун ўтиргандир фарзантим,
Ўлдими-келдими Ҳаким бекзотим,
Шу юртларда бордир қанча авлотим,
Аймоқнинг юртида ҳозир давлатим,
Гоҳ вақтларда бошда бўлар кулфатим,
Элатим, деб йўлга қарар фарзантим.

Бунда келдик, неча бир йиллар ўтди,
Ҳеч хабар улардан бўлмасдан кетди,
Неча ердан кизга совчи келибди,
Қизимиз бўй етиб, баркамол бўлиб,
Қўнғирот элда Ёдгор дебди, турибди.
Эр етса, келиб одамин олсин,
Бўлмаса, кизимнинг жавобин берсин,
Бошин бойлаб, йўлга қараб турмасин,
Бундайин илинжи сўздан қутилсин.[8]
Қулоқ сол, карвонлар, айтган нолишима,
Салом дегин қавму қариндошима,
Хатни бергин Ёдгор деган кишима,
Одам бўлса, келсин менинг қошима.
Қўйсин деса хатда, умидин узсин,
Не деган хабарин бизга етказсин.
Жўнасанг, карвонлар, яхши боринглар,
Элу юртлар қандай бўпти, билинглар,
Салом денглар қавму қариндошима,
Яхши сўз эшитиб, омон келинглар.

Неча сўзни карвонларга бой айтди,
Карвон туясига юкини ортди,
Салқинда карвонлар туяни тортди,
Мазгилидан энди жўнади, кетди.
Йўлда кичаб бу карвонлар боради,
Кундуз қўниб, оқшом йўлни олади.
Неча кун, неча тун орада ўтиб,
Бир кунларда борди Бойсинга етиб.

Шунда карвонлар орада бир ой ўтиб, бурунги юрган жойларига етиб борди. Буларни биров танийди, биров танимайди. Карвонлар ки ташлаб, қўниб, битта-яримта олдига келиб гаплашиб ўтирганлардан – Мамлакатингиз қандай? – деб сўради. Қошига келган у одамлар – Мамлакатимиз яхши. Илгари неча вақт Ултон бек бўлиб чиқди. У вақт бойларга кун бўлмай, бир сидра ёмон бўлиб эди, неча бойларимиз хазр қилиб, бир оқшомда мол-ҳолини олиб, қайси бир юртларга ошиб, йўқ бўлиб, қочиб ҳам кетиб эди. Қолган бойларга ҳам чичқон ини минг тан бўлиб, қочмоққа жой топмай қолиб эди. Унинг устига, ўлгани йўқ экан, бе Алпомиш келиб қолиб, юрт эгали бўлгандай бўлиб, ҳамма шуни кора қолди. Зўрнинг олдида амалдорнинг ҳам ҳеч нима қурби бўлмайди эка Алпомиш келиб, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, яхши бўлиб қолди, – деди

Бу сўзни эшитиб, карвонларнинг думоғи чоғ бўлди. – Шу хабарни топтиб, одамдай бўлдик. Бўлмаса, кадимгидай бўлиб турса, элатчилик, катта-каримта таниб қолса, "кочиб кетган бойларнинг карвони", деб алломизнинг барисини тортиб олса, ундан кейин келишимиз кийин бўлиб колса, кандай бўлар экан, деб келаётиб эдик. Энди бозорга тортинмай кира берамиз, – деб юкини ортиб, шахарга етиб, туширди.

Карвонлар олиб келганини сотиб, оладиганини олиб ётди. Шу вактда бир неча амалдорлар карвонсаройга келиб қолди. Олгани, олгани бож килиб, божини олди. Карвонларнинг бошчиси: – Бул келган амалдорларнинг қайсиси катта, қайсиси кичик, биз билмаймиз, – деди. Бирови айти: – Ёшининг катта-кичигини сўрайсизми, ишининг катта-кичигини сўрайсизми? Карвон: – Ёшини сўраб, каррими-сиррими, качон ишимиз бор? Биз ишини сўраймиз, – деди. Бир одам туриб айтди: – Ундай бўлса, бошчимиз одамларнинг ичида аралашиб юрибди. Ёш бола, оти Ёдгор. Алломишнинг ўғли, бошчимиз шул.

Шунда карвонларнинг бошчиси Ёдгорнинг кошига бориб, салом бериб, хатни Ёдгорга тутди. Ёдгор хатни олиб ёнига солди. Карвонлар хам нега нима деёлмай, ўз иши билан бўлиб кетди. Амалдорлар хам оладиган нарсасини олиб, ўз жойига кайтди. Энди Ёдгор ёнидаги хатни чикариб, бир амалдорнинг кўлига берди. – Бир карвон бу хатни кўлимга берди, мен нимага солиб кўйдим, нима деган хат экан?

Ул амалдор ўкиб, бўлган вокеани Ёдгорга эшиткизди. Ёдгор бу хатнинг мазмунини билиб, энасининг кошига бориб, хатдаги гапни энасига гапириб, энасига караб, бир сўз айтиб турган экан:

Эна, эшит мендай ўғлинг сўзини,
Бошин бойлаб Шомуроднинг қизини,
Шу вақтгача, эна, хабар бермадинг,
Ҳамиша сағир билиб Ёдгор ўзини.
Бошга олдинг мудом ғаму кулфатди,
Илгаридан айтмай сенга не бўпти,
Хат келибди, энди турмок уятди[р],
Аймоқнинг юртига қилай ғайратди.
Насиб бўлса бир бедовни минайин,
Эртами-кеч демай, бундан жўнайин,
Аймоқнинг юртига бориб-келайин,
Сўз сўзлайман, эна, эшит зоримди,
Ориятим бордир, номус-оримди,
Бориб олиб келай мен хам ёримди.
У юртларга от ўйнатиб борарман,

Борсам, насиб этса, эрлик қиларман,
Душман бўлса, бошин боғдай чаларман,
Омон-эсон тағи қайтиб келарман.
Илгаридан, эна, хабар бермадинг.
Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Ёдгорни ёлғиз деб сира ғам ема,
Душман бўлса, омон кетмас қўлимдан,
Полвонлик бобида мени кам дема.
Эна, бориб келай Аймоқ юртига.
Элда киши нима гапни билади,
Элатим деб уй айланиб юради,
Юрт кидирган кўп ишларни кўради,
Кетган ёрга Ёдгор талаб килади.
Устингга кийибсан яшилдан кўкди,
Ўйлаганинг, эна, сенинг шумликди,
Мен сира билмадим, неча йил ўтди,
Бир неча ёримни олмоқчи бўпти,
Хатдан билдим, неча совчи келибди,
Совчини қайтариб жавоб берибди,
Шу бугун карвондан хабари тегди,
Турган ерин хатда таъйин қилибди.
Ёдгор бормоқ бўлди Аймоқ юртига.
Аёллик қип, эна, кўнглинг бўлмагин,
Бир нечадай мени ночор билмагин.
Мен ҳам белгилиман, элда зўрабор,
Душман бўлса, мен бўларман баробар,
Ғайрати кўп, билгин, бу ўғлинг Ёдгор,
Қобоғингни уюб, қошинг читасан,
Мени йўлдан урма, эна, муштипар.
Мен турмайман, энди бундан кетаман,
Кечикмайин борсам, ундан қайтаман,
Эна, омон-эсон элга етаман.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, энаси Барчин айтди: – Болам, сен кайдан эшитдинг? Сенинг қулоғингга тегмасин, деб юрар эдим. "Баликнинг ёруғлиги сув билан" дегандай, менинг ёруғлигим сен билан. Биз юрт чайди бўлиб қолган одам. Мана, менинг отамни излаб отанг борди. Қанча одамлар ўлиб, йўқ бўлиб кетди. Ўлди, деган хабари неча марта Қалмоқ юртидан ўзимизга етди. Шу кўрган азоб-укубатнинг соққаси хали кўнглимиздан кетмайди. Етти йил бандиликда ётган, кўзимиз

кўринганча орада саккиз йил ўтган, сен ҳам, мен ҳам қанча хорлик кўриб, азоб тортган. Отанг бурун қандай эди, энди қандай?! Дунёнинг жабру жафосини бошидан ўтказган, ўлмай тағи сени кўрганига шукур қилган, шу кўрган кунлари эсидан чиқмай юрган. Ҳеч бир одамга бурнидан оша тапирмайди. Қайғу-ғамдан энди қутулдикми деганда, болам, бу гапни тағи қаёқдан топиб келдинг?!

Ғариб қулман, эгам бўлсин меҳрибон,
Жоним болам, бўлгин дунёда омон,
Оша юртга талаб қилма, Ёдгоржон!
Сен кетган сўнг энанг бул зардоб ичар,
Оқшомлар ўйлайман, бул уйқум қочар,
Дарду ғамга қайтадан қилма дучор,
Сен кетсанг, туманда қолар муштипар,
Энанг йиғлаб, бунда умири кечар,
Аймоқ юртга бора кўрма, Ёдгоржон!
Сен кетсанг, энанг дунёдан кечар,
Тириклай ўлдириб, кафаним бичар,
Қон йиғлатиб ташлаб кетма, Ёдгоржон.
Сен боринғда обод мина маконим,
Сенга қурбон бўлсин бу танда жоним,
Кўрар кўзим, сенсан руҳи равоним,
Суянган фарзандим, сен Ёдгор жоним,
Болам, талаб қилма Аймоқ элига.
Бир соат кўрмасам, қолмас қарорим,
Ҳар на бор давлатим, мулким, мадорим,
Ёлғиз болам, қўлимдаги шунқорим,
Талаб қила берма Аймоқ юртига.
Бул ишлардан неча жафо кўрганди,
Отангнинг аҳволи қандай бўлганди?!
Жон болам, отангдай бўлиб, Ёдгоржон,
Қайта бошдан ғамли кунда ўлмагин,
Қурсин, шу юртларни ҳавас қилмагин.
Ёдгор болам, энди сенга не бўлар,
Ўз даврингда, болам, қанча элат бор,
Отангдай кулфатни ўзингга олма,
Қўнғирот элдан сенга бир қиз топилар.
Ўртанган ўтларга ўзингни солма,
Бир хотин деб душман юртига борма.
Отам билан ўзим бордим мен аввал,

Ҳар куни таадди қилди қалмоқлар.
Чирпиндим, бор эди кучу қувватим,
Баробар кеп, жон сакладим, фарзандим,
Кеча-кундуз менинг қўнар работим,
Мусофирлик юрти қурсин, фарзандим.
Эшитиб ҳайрон қолдим сенинг ишингга,
Таадди қип мина Қўнғирот элатда,
Ўйла, болам, ким келади қошингга.
Киши юрти, болам, ўйла, қийинди[р],
Хаёлингда бориб-келмоқ ўйингди[р],
Шул сафарни, Ёдгор болам, қўй энди.

Бу сўзни энасидан эшитиб, Ёдгор: – Э, эна, аёллик қилма, ўтган гапни кўнглингга олма, буйтиб эди, шуйтиб эди, деб қайтадан гапириб, ҳалак бўлиб юрма! Отам ҳам зўр одам, борди, бориб келди, кўрмагандай бўп ўтиб кетди. Ҳеч гап эмас. Банданинг бошига не ишлар тушади, алам ҳар кимнинг бошига туша бермайди. Баҳодирлар, ботирлар бир нарсадан шундай бўлади экан, деб ҳазар қилиб турмайди, дунёнинг ғурбатидан ҳеч маҳалда узоқ юрмайди. Эна, бегурбат ерда ботирлар ҳам кўп турмайди, бу насиҳатларинг менга ҳеч таъсир қилмайди. Энди гапни калта қилгин. Ўзининг қилган иши-да, бир яхши маслаҳат беради, деб отамдан бурун сенга келиб эдим. Қайтам сен "Болам қанча азоб-уқубатдан қутулди, қайтадан дунёга келгандай бўлиб, бул ҳам одам бўлди. Энди уйдан чиқмай, қошимда юрсин", – демакдан ортиқ гап айтмадинг. "Менинг ҳам болам одам бўлди, кўзга кўринди, бир юртдан бир юртга талаб қилди", – деб сенинг кўнглинг кўтарилсин десам, бола кундаги ўтган кулфатингни гапириб, мени йўлдан уриб, кўнглимни чўгариб, мени қайтам овора қилдинг. Мен бир гапни айтмайман, айтган сўзимдан сира ҳам қайтмайман. Вақтихушлик билан жавоб бера бер, – деб бир сўз айтиб турибди:

Меҳрибоним, эна, хафа бўлмагин,
Менинг войимимни асло қилмагин.
Таваккал айлагил қодир худога,
Яхши жавоб бергин мендай болага,
Мендай боланг, эна, сендан садаға.
Отанинг давлати – элда тўраман,
Излаб бормай, қандай бунда юраман,
Бул ишларни мен орият киламан,
Йўлдан урма, кетдим Аймоқ юртига.
Эшит, эна, менинг айтган зоримни,

Қўнғирот элда англа номус-оримни,
Аймоқ юртга ташламайман ёримни,
Сарф киларман, борсам, ғайратларимни.
Душман койил бўлар марднинг ишига,
Қандай бўлса, етай ёрнинг қошига.
Мусофирнинг бари Бойсиндан кетган,
Гапирдим, энажон, ўзингдан ўтган,
Умид тортиб арза-хатни жўнатган,
Камлигим йўқ, эна, кучу қувватдан.
Ёрга талаб килди ўғлинг Ёдгорхон,
Хафа бўлма, дуо килгин, мехрибон.
Ғамли куллар оху фиғон этганди,
Душманнинг сўзлари унга ўтганди,
Шу юртда йўлимга қараб ётганди,
Йўл интиғи килмай етай, энажон.
Беҳуда сўз айтиб, ишим биткизиб,
Битадиган ишга зарар етказиб,
Мен борарман бир кун нордай чирпиниб,
Йўликкан душманга зарбим ўтказиб,
Мусофирни қайғу-ғамдан кутказиб,
Бош бўлиб Бойсинга олиб келарман.
Эр етгандир мендай ўғлинг азамат,
Кўнгилимда, эна, бордир бу хизмат,
Йўлдан уриб, айтма панду насиҳат,
Мен борсам, душманга бўлар аросат,
Менман бўлиб келиб тушса қўлимга,
Сира омон кетмас мендан саломат.
Бола деб сира ҳам сен гумон килма,
Мен кетган сўнг тағи ғам тортиб колма,
Бепарво бўп юра бергин Қўнғиротда,
Кунда йўлга караб, эсингга олма.
Ўйлай берсанг, эна, кулфатинг ортар,
Ўйлаган ғам ахир сени йиқитар,
Ҳеч гап эмас, эна, бул мамлакатлар,
Ғам емагин омон келар Ёдигор.

Бул сўзни эшитиб, Барчин айтди: – Болам, сени аста-аста ҳазиллашиб айтади десам, чини билан сенга бир гап бўлган экан. Бурунги расмни килиб, бир хаёлга бориб, отангнинг ўзи йўк, сўзи ҳам колиб кетмасин, деб бир эшигини шипириб, сеники килиб эдим. Унга ё бир рўмол ўраб,

белгили қилган ерим йўқ эди. Мен ке, қолиб кетган нарса, деб отангга ҳам билдирганим йўқ. Мана, отанг айтиб юрибди, "Болам Қўнғиротда кимни хоҳласа, шуни олиб бераман", – деб турибди. Менга гапиради, отангнинг хаёли шундай, ўйлаб юрибди. Болам, хотин олсанг, шундай элдан топилар. Мен отангга шундай гап бор, деб тиш ёриб айтганим йўқ. Энди бизларнинг ихтиёримизга ҳам қарагин сен. Менинг ўзим эр етдим, ўзим одам бўлдим, деб ўз бошингга бир иш бошлаб кета бермагин. Омон-эсон борсанг, келсанг, яхши. Одам сонига қўшилиб, янги кўзимиз очилган вақтида бир шикаст топиб, қайта бошдан бизни коронғиликка солиб ўтирма.

Ёдгор айтади: – Эна, менга Қўнғиротдан, шунча элатдан бир киз топилмайди, деб ётганим йўқ. Шунча элат Бойсиндан кетган, шунча вақтдан бери бори-йўғи маълум бўлмай ётган. Албатта, бир ситам ўтиб, бунда арза жўнатган. Номус-ор деган гап бор. "Унга арза юбордик, баччағар қулоқ солмади", – деб айтиб қолар. Бул ўртада уларнинг элга қайтиб келмаган кийин бўлар. Одам бўлиб, шу дунёга келиб, яхшими, ёмонми, биздан ҳам бир гап қолиб, сўнгра қолган одамлар гапириб юрса, яхши бўлар. Отамдан ҳам сўрайман. Сенинг хаёлинг қандай? Сен оқ фотиҳа бермагинг даркор. Мен шу дунёга келиб, кўзимни очиб, аввал сени кўрганман. Отам борми, йўқми, билмай қолганман, менинг ҳам отам, ҳам энам, деб юрганман. "Бул одам сенинг отанг", – деб кўрсатдинг, ундан кейин мен таниб билганман. Агар илгаридан отам билан элда бўлиб, икковинг бирдай бўлиб, менинг кўзимга тушганингда, сендан бурун отамга гапирсам, тузук эди. Отам ҳам менинг нимамни кўрган?! Ул ҳам сенинг гапинг билан: "Шул менинг ўғлим экан", деб юрган, – деб гапириб ўтириб эди, икковининг устига бек Алпомиш: – Нима гапириб ўтирибсизлар? – деб кириб келди. Шунда Барчин Алпомишга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Хоним, эшит менинг айтган тилимни,
Бежой билдим, тўрам, Ёдгор улингни,
Кўзга илмай Бойсин-Қўнғирот элингни,
Аймоқнинг юртига талаб килибди,
Қандай жўнатасан жону дилингни?!
Неча сўзлар айтиб, мендай санамди
Юрагимга солди доғу аламди,
Ўтга солиб менинг гулдай танамди,
Аймоқнинг юртига бормоқ бўлибди,
Хоним, жўнатмагин ёлғиз болангди.
Ёлғиз бола уруш ҳавас килибди,
Ботирликнинг талабинда юрибди,

Душманнинг юртига талаб килибди,
Жуда хам сўзлари мени хор этди.
Кўп ялиндим менинг жону дилим, деб,
Искаб юрган боғдочилган гулим, деб,
Сен кетганда танг бўлади ҳолим, деб,
Ёлғиз бола, сенсан жону дилим, деб.
Кўп сўйладим, қулоғига олмади,
Сўйлаганман сўзим маъқул билмади,
Қайтайин, энам деб писанд қилмади.
Кўнгилида неча сўзни ўйлади,
Аймоқнинг шаҳрига талаб айлади.
Бундан кетмак бўпти болам Ёдгоржон,
Ёдгорга суяниб, ўзим меҳрибон,
Ёдгор мени ташлаб кетса Бойсинда,
Атрофимни олар қайғули туман.
Эр етган, баркамол, ўзи тўради[р],
Аймоқ борса, нима ишлар қилади,
Қилар иши бир қиз олиб келади,
Жўнатмагин, хоним, Ёдгор ўғлингни.
Болалик қип лодон кўнглин бўлмасин,
Ўзи ёлғиз, ёмонликни кўрмасин,
Не аломат кунлар ўтди бошимдан,
Душманнинг юртига ўғлим бормасин.
Ёдгорнинг сўзига кўнглим қабарар,
Аймоқнинг юртида бунга нима бор?!
Илгаридан зўрдир Аймоқ авлоди,
Оламга машҳурдир зўрлик-ғайрати,
Кўнгилида яхши ўйлаб олибди,
Аймоқ юртда бордир ёри, давлати.
Бир қиз учун бормасин душман элига,
Тулки, шақал кулмасин-да ҳолига,
Тушмасин-да зўр аймоқлар кўлига,
Жўнатма болангни Аймоқ юртига.
Сўйласам, сўзима жавоб беради,
Бор хаёли Аймоқ элда бўлади,
Қўйгин, болам, десам, ёмон кўради,
Ёлғиз бола дейман энди муғойиб,
Кетамани мени хафа қилади.
Аймоқ деса, жуда кўнгили хушди[р],
Кўнгли чопиб Аймоқ элга етишди,

Шу юртдан ахтариб топмоқ бувишди,
Мени деса, Ёдгор қўйсин бул ишди.

Бек Алпомиш Барчиндан бу сўзни эшитиб, хаёли қочиб: – Бу не деган гап, болам? Бурун-сўнг бормаган, кўрмаган, бир илинжи бўлмаган юртга талаб қилиб, бораман, деб? Аймоқ юртда бировга бир нима топшириб қўйганинг бормиди?! Аймоқ мамлакати ҳам бир орка юртдай гап. Бул одатни ташла. Сен илгари бориб, Аймоқнинг шаҳрини кўриб, ёру жўра орттириб, ё бировга ишқивоз бўлиб қолган еринг йўқ. Биров сени ахмоқ қилиб, сенинг шаънингга бўла гапирганми?! "Бизлар сендай бўлсак, Аймоқ юртга борардик, уйтардик, буйтардик", – деган алпози сўзларни эшитиб, гапириб юрибсанми?! Ундай бир юртга бораман дема, ўзингни ўзинг гаранг қилма. Шул катталик, шул юришингни худой кўпсинмаса, сен озсинма! Отангнинг сўзини, энангнинг сўзини қулоғингга олиб, бойваччa бўлиб юра бер. "Бойваччаликдан гадойликни жуда яхши кўраман, қандай бўлса, бораман", десанг, бир таёқни эгнингга солиб, яёв-ялпи Аймоқ юртини ахтариб бора бер. Биз сенга от, анжом-аслаҳа бериб, Аймоқ юртига юбормаймиз. Унда сенинг қандай борадиган еринг, қандай дўстинг бор?! Бундан бошқа ахмоқлик қуридими сенга?! – деди.

Ёдгор бу сўзни эшитиб, отасига қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан, дейди:

Икковлаб сен, ота, қилдинг зулмни,
Сўрамайсан икковинг ҳам кўнглимни,
Мен биламан бундан кетган элимни.
Бермасанг, бермагин минмакка отди,
Мен ўкиб эшитдим қўлимда хатди,
Шундан бери колмас Ёдгор токати,
Илгаридан қачон эсима кепти?!
Элатим деб Қўнғирот элда юраман,
Бир хабар бўлмаса, нима биламан,
Аймоқ элдан келган хабарни кўриб,
Икковингдан жавоб сўраб тураман.
Мен айтмадим, ота, бирга юринг, деб,
Аймоқ борсак, бирга йўлдош бўлинг, деб.
Ёлғиз ўзим қилиб энди ғайратди,
Хоҳи бергин, хоҳи бермагин отди,
Аймоқда ёримдан бир хабар кепти,
Ёдигор сизларга ахмоқ бўлибди,
Бунда караб турмокликни ор билиб,

Аймоқ элга шуйтиб талаб қилибди.
Карвонлардан теккан бул арза-хати,
Шуйтиб қолмас мендай ўғлинг токати.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, отаси сўради: – Бу нима воқеа? Бул хат деб айтади. "Сўнгги келган – сангров", деган. Мен тушунмаяпман. Бу сўзнинг маъносини билсанг, сен гапир, – деди.

Шунда Барчин Алпомишнинг ниятини, Шомуроднинг кизига ошиқтириб қўйганини, бўлган воқеани айтди. Шунда Алпомиш, ёлғиз бола-да, қўлдан чиқариб юборгиси келмай, насиҳат қилайин, деб Ёдгорга бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ёдгор болам,яхши хизмат қилайин,
Кимни сулув десанг, олиб берайин,
Ёлғиз улсан, сенинг вақтинг хуш этиб,
Ирам боғда паризоддан кўрсатиб,
Чин сулув паризод олиб берайин.
Қўйгин, болам, Аймоқ юрти демагин.
Аймоқ, қалмоқ икковидир бир киши,
Иккови оғайин, ёмондир иши,
Аймоқ бориб бир балога йўлиқма,
Сўнг чиқар фалакка отанг нолиши.
Ниҳояти одами катта, зўрабор,
Хўп хайбатли полвонлари кўп бўлар,
У юртларни эсингга олма, Ёдгор,
Ул элларда, болам, сенга нима бор,
Уйлантирай сендай жону дилимни,
Сенга боп қиз Қўнғирот элдан топилар.
Сенинг ихтиёрингга қараб тураман,
Қаердан хоҳласанг, олиб бераман.
Сенинг учун, болам, ғайрат қиламан,
Ёлғиз ул деб сенинг кўнглинг оламан.
Қурсин Аймоқ юрти, бермайди омон,
Кўп одами ваҳший, юриши ёмон,
У юртларга ҳавас қилма, Ёдгоржон,
Хоҳласанг, опберай кайси элатдан.
Давлатим бор, савлат билан қарайман,
Ёлғиз ул деб сенинг кўнглинг сўрайман,
Хотин излаб борсанг Аймоқ юртига,
Сенинг учун мамлакатни сўрайман.

Ёш баччасан, ўзинг ўрлаб турмагин,
Бизнинг сўзимизни душман билмагин,
Отам менга шундайин сўзлади, деб
Ёлғиз қўзим, мендан хафа бўлмагин.
Сен эшиттин хон отангнинг сўзини,
Элдан бўлса, билмам кимнинг қизини,
Шулардан оп берай сарвинозини,
Аймоқ деган юртни кўйгин, Ёдгоржон.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Ёдгор: "Энам билан отамнинг сўзи бир бўлган экан", – деб отасига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Ота, эшит менинг айтган тилимди,
Ёш бола, деб йўлдан урма улингди,
Мен билиб юрарман юрар йўлимди,
Холисилла дуо қилиб кол энди,
Менга пеша қилма неча кизларни,
Холис туриб менга жавоб бер энди.
Кетар Ёдгор ўғлинг, йўлидан қолмас,
Паризод оп берсанг, бул қабул қилмас,
Бир излаб Аймоққа бормасам бўлмас.
Мен ўйласам, йўқдир сабру карорим,
Бул элда турмоққа йўк ихтиёрим,
Аймоқлар қўлида бул замон ёрим,
Эсима тушади менинг дилбарим.
Шунқордай талпинар бул ширин жоним,
Мен бормасам, колар бунда армоним,
Омон-эсон бориб келсам Амйокка,
Сўнгра бўлар, ота, элда давроним.
Ёш бола деб лодон кўнглинг бўлмагин,
Ҳар бир йўл кўрсатиб, йўлга солмагин,
Мен кетарман энди Аймоқ юртига,
Мехрибоним, мени лодон билмагин.
Каъбам, сен ҳам менга бўлгин мехрибон,
Шу хизмат бошимда бир катта туман,
Бориб келай мен ҳам Аймоқ юртига,
Дуо килиб, жавоб бергин, отажон.
Ҳақ деб чикар ғамли кулнинг довуши,
Кажгайланган шум фалакнинг гардиши,
Туз-насиба тортган, тақдирнинг иши,

Йўлдан урмас, билинг, мени ҳеч киши.
Хоҳи жавоб бериб, хоҳи бермайсан,
Ўғлингнинг дардини англаб билмайсан,
Лодон бола деган сўзни қўймайсан,
Сўзимданглаб бўлинг, ота, меҳрибон.
Мен чиқарман энди узоқ йўлига,
Қарамайман лодон душман ҳолига,
Сен кўнглингни қора қилма, хон ота,
Турмайман, кетаман Аймоқ шаҳрига.
Бий элларда ҳозир турганим бекор,
Аймоқнинг юртида ёрим интизор,
Хизмат қилиб бориб келмагим даркор,
Ўзимиздан кетган унда элат бор.
Бола дейсан, назарингга илмайсан,
Эр етгандир, деб сира писанд қилмайсан,
Ғайратимни, ота, англаб билмайсан,
Меҳрибонлик қилиб йўлга солмайсан.
Йўлдан урма, мен турмайман элинга,
Чиқолмайди душман менинг йўлима,
Жавоб бергин, ота, ёлғиз улинга,
Бориб келай мен ҳам Аймоқ элига.
Аймоқ борсам, омон-эсон келарман,
Йўллар таниб, неча юртни кўрарман,
Душманларнинг бошин боғдай чоларман,
Аймоқ элдан бориб ёримни олиб,
Кўп кечикмай, Қўнғирот элда бўларман.
Хафа қилма, ота, ёлғиз фарзандди,
Албатта, жўнатгин Ёдгордай мардди,
Энди кўп сўйламак сизга уятди[р].

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, отаси: "Энди бунга гап поримайди экан, бул ўйлаган ўйи – Аймоқ юрти экан, ҳарчанд сўйлаган билан Аймоққа бормай қайтмайди экан. Тоза гапира берсанг, булар бизни жўнатмайди, деб бежавоб ҳам кетади. Ўз ихтиёрида кета берса ҳам, кета беради. Шунчалик жавоб сўраб тургани ҳам ғанимат. Энди хуш-хушвақт оқ фотиҳа бериб жўнатайин", – деб Ёдгорнинг кўнглини сўраб, ўғлини синаб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Энди, болам, эшит менинг додимни,
Ўзинг хоҳлаб мингин, болам, отингни.

Мени десанг, кўзим Чиборни мингин,
Жонивор дунёни хўп кезиб кўрган,
Одамзоддай неча ғам тортиб юрган,
Минганнинг кўнглини кўп шодмон қилган,
Қалмоқ урушида неча вақт юрган,
Жонвор энди кариб, қуввати кетган,
Қари дема, Чиборни мин, Ёдгоржон.
Учар қушдан улги олган жонивор,
Минганнинг кўнглида қолмайди ғубор,
Душманларга йўл бермайди Бойчибор,
Ҳожат бўлса, битказади жонивор.
Юрса яқин қилар узоқ йўлларди,
Ул билади сен билмаган элларди,
Қари дема, болам, мингин Чиборди,
Камситмагин назаркарда тулпорди.
Келиб обод қилсанг мамлакатингни,
Қичасанг, битказар ул мақсадингни,
Эгарлаб берайин Чибор отимни,
Отлантирай сендай валламатимни.

Бу сўзни отасидан эшитиб, Ёдгор: – Ота, сизнинг вақтингизда Бойчибор бўлиб ўтди-да, ҳамиша Бойчибор бўлади-да турадими?! Мен энди бир юртдан бир юртга бораётирман. "Отасининг вақтидаги қари чўбирнинг қуйруғини чўчонглатиб, боласи ҳам шуни миниб юрибди", – деган гапни эшитиб, кулки бўлиб юрмайман. Мен Бойчиборнинг йўлига қараб ўтирганим йўқ. Менинг ўзимнинг отим ҳам Бойчибордан кам эмас, мен ўзимнинг Жийрон отимнинг устига минсам, тоғу тошлар кўринмас. Ота, қаранг, Бойчибор унга баробар эмас. Мен ўз отимни миниб борайин, – деди.

Бек Алпомиш ўғлининг розилигига қараб, Ёдгорни эргаштириб, отларнинг қошига олиб келди. Қараса, Жийрон от Ёдгорнинг айтганидан зиёд бўлиб турибди. Отнинг қадди-жасадини кўриб: "Ёдгор неча вақт сағир ном кўтариб, сағир оти янгитта қолиб, бул нимани билади десам, буни мен ҳам англамаган эканман, одам бўлиб қолган экан. Қаерга борса, ишини удда қилгудай, агар душман бўлса, ҳарби даф айтиб тургудай, биров сўз сўраса, сўзига жавоб бергудай, дўсту душманни таниб билгудай бўлиб қолган экан", – деб Ёдгорнинг отини яланғочлаб, шипириб, қашлаб, эгарлаб, жўнатмакчин бўла берди. Отини чоклаб, созлаб қўйиб, бўлакдан кийимлар кийгизиб, нима бўлса, душманнинг юрти, деб урушга керак бўладиган аслаҳаларни Ёдгорга бериб, қилич-асбобларини белига бойлаб, Ёдгорни от устига миндирди.

Ёдгорнинг отасидан ҳам энасига меҳри баланд. Ёдгор отланиб, энасига қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ох урганда кўздан оққан ёш энди,
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди,
Мен кетарман энди Аймоқ юртига,
Оқ сут берган меҳрибоним, хўш энди.
Болам дединг, канча хуноба ютдинг,
Мени парвариш қип, хўп азоб тортдинг,
Дуо қилиб Аймоқ юртга жўнатдинг,
Оқ сут берган меҳрибоним, хўш энди.
Кетдим Аймоқ юртга ёримни излаб,
Ёрининг ишқи менинг бағримни тузлаб,
Кетсин ғайратимдан душманлар бўзлаб,
Ғамхўр энам, меҳрибоним, хўш энди.
Мен кетарман Қўнғирот элимдан чиқиб,
Ҳаялласам, йиғлама мотам қилиб,
Хафа бўлма сира, эна, ўксиниб,
Тургин таваккални тангрига қилиб,
Меҳрибоним, жоним энам, хўш энди.
Жавоб бериб, сен жўнатдинг кўзингни,
Омон келиб, кўрай қизил юзингни,
Эсимдан чиқармай ширин сўзингни,
Йўлга тўрт қилмагин икки кўзингни,
Мен келарман, сен кўрарсан кўзингни,
Сўлдирма, энажон, гулдай тарзингни,
Жоним энам, меҳрибоним, хўш энди.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, энаси Ёдгорга қараб, яхши бор, деб бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Омон бориб, омон келгин, Ёдгоржон,
Илгаридан, болам, ўзинг меҳрибон,
Келмасанг, кўп бўлар кайғуман армон,
Эрта қайтгин, кечга қолма, Ёдгоржон.
Сен боринда бул отангнинг давлати,
Бизга ўтган жудоликнинг кулфати,
Сен ҳаяллаб кетсанг Аймоқ юртида,
Ўртайди сендайин боламнинг дарди,
Сенсан, Ёдгор, бул энангнинг қуввати,

Омон бориб, омон келгин, Ёдгоржон.
Ҳар кимни ўзингга дўст билмагин сен,
Дуогўйинг бўлиб турдим мудом мен.
Бошингдан ўткиздинг қанча кулфатди,
Шукур қилай, сендай болам эр етди,
Янгитта юрагимдан чер кетди,
Соғ бориб, саломат келгин, Ёдгоржон.
Омон-эсон олгин, болам, ёрингни,
Чикаргин ўйлаган бул ғуборингни,
Йўлингга қаратиб, интиқ қилмагин,
Мендай ночор эна муштипарингни,
Омон бориб, омон келгин, Ёдгоржон.
Дуо қилай, йўлга кириб кетасан,
Аймоқ борсанг, неча кунда қайтасан,
Мўлжалингни биларсанми, Ёдгоржон,
Сўз сўрасам, нима жавоб айтасан?
Ҳаялласанг, тангдир энангнинг ҳоли,
Эсга олса, забун бўлар аҳволи,
Узоқми, яқинми Аймоқнинг эли,
Келарингни айтсанг, борми мўлжали?
Мен мунглукман, йўқдир энанг хабари,
Мендайин мунглукнинг сенсан шунқори,
Соғ бориб, саломат келгин, Ёдгоржон.
Кўрар кўзим, сенсан ёлғиз боламсан,
Тоғдочилган менинг тоза лоламсан.
Илгаридан қолдим сенга суяниб,
Жону дилим, ёлғиз болам сен бўлиб,
Неча кун қоларман сендан айрилиб,
Омон-эсон элга келгин, Ёдгоржон.
Бўлмагин-да душманларга дармонда,
Одам бўп отландинг, бўлма шарманда,
Мен қолмайин бунда ғаму армонда,
Омон бориб, омон келгин, Ёдгоржон.
Шул замон жўнатдим сендай қўзимни,
Отлантириб сендай добилбозимни,
Кўп йўлингга қаратмагин ўзимни,
Соғ бориб, саломат келгин, Ёдгоржон.

Бул сўзни энасидан эшитиб, Ёдгор: – Эна, сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман. Илгари ул элларни кўрганим йўқ, узоқ-ёвуқ йўлларини юрганим йўқ. Мен ҳам таваккал қилиб отланиб бораётирман. Мендан

келар мўлжалимни сўрадинг. Ишим битса, бекорга турмайман, бир нарсани билмай айтиб, сени интиқ қилиб юрмайман. Энди тавакkални худога қилиб тура бер, – деб ота-энасидан дуо олиб, жўнади.

Чечан одам гапни гапга улади,
Бедовнинг сағрисин силаб минади,
Аймоқнинг юртида ёрини сўраб,
Талаб қилиб энди Ёдгор жўнади.
Отасиман бирга бўлиб энаси,
Ёдгорнинг кейнидан қараб қолади.
Шул замонда йўлга тушиб боради,
Чув, дейди бедовга шиддат килади,
Қўнғиротдан Ёдгор чиқиб боради,
Кўринмай кетганча ота-энаси,
Икков бир бўп бунга тиклаб туради.
Ёдгор қулоқ солмай булар сўзига,
Жўнатган, жавоб бериб шундай кўзига,
Қарамайди отаман энасига,
Ёдгор етсам дейди сарвинозига.
Ғайрат кип боради Ёдгор зўрабор,
Кам-кам бадани қизиб бул минган тулпор,
Йўлнинг танобини тортар жонивор,
Кейнида қолади Қўнғиротдай эллар.
Шундай қилиб энди Ёдгор йўл тортди,
Элатдан ажираб бул ёлғиз кетди,
Чув, деди, отига бул қамчи чотди,
Урган қамчи отга чирпиллаб ботди.

Кўнгилдаги ғусса-доғди[р],
Ёдгор минган тўбичоқди,
От бошини қўйиб олар,
Якин қилмоққа йирокди.
Кўрмай айрилиқ балосин,
Кезиб қулотуз даласин,
Хон Алпомишнинг боласин,
Кўринг Қўнғиротнинг тўрасин.
Остида бокилган тулпор,
Кўнглида бор санам дилбар,
Бедовнинг ирғиганига
Изғор чўллар само берар.

Неча вақт чўлда йўл юриб,
Неча ул тоғлардан ўтиб,
Борсам дейди бир кун етиб,
Ҳар тарафга кўзин тутиб,
От устидан тушмай кетди,
Кеча-кундуз бирдай йўртиб,
Саккиз кеча, саккиз кундуз
Ёдгор шуйтиб йўлни тортиб,
Йўлбарсхона тоққа етиб,
Отнинг жиловин тўхтатиб,
Бул кўнгилга маъқул тутиб.

"Кел-е, – деди, – тоққа чиқиб қарайин,
Баланд тоғда ўнгу сўлни кўрайин,
Қанча қолган, мўлжалини билайин,
Йўликса, одамдан сўраб кўрайин".
Бу сўзд ўйлаб тоғни ўрлаб боради.
Азаматлар олмос бойлар дастига,
Душман тушар кам давлатнинг касдига,
Ўрлаб бораётир тоғнинг устига.
Қулоқ солинг бундай марднинг тилига,
Йўл билмакчин бўлди Аймоқ элига,
Остидаги бедовини ўйнатиб,
Энди чиқиб колди тоғнинг белига.
Тоққа чиқиб ҳар тарафга қаради,
Ўнгу сўлга караб, хабар билмади.
"Шу тарафга кета берсам етарман,
Тоғ бошида бекор туриб нетарман".
Бу сўзд ўйлаб тоғдан тушиб боради,
Тоғдан тушиб яна йўлга киради,
Шундай чўлда бир корани кўради.
Ёдгор шердай бўлиб белин бойлади,
Шул корага от тиклатиб ҳайдади.
Ул қора нимадир, Ёдгор билмади,
Ғуборланган чўлда кетиб боради.
Иссиқда қичайди бул минган тулпор,
Оқ кўпикка ботиб ҳайвон жонивор,
Якинлаб етишди ул замон Ёдгор,
Кўзига кўринди шундайин чинор,
Одамизод юрмас, унда нима бор.

Боғбон бўлсам, кизил гуллар терай, деб,
Бу чинорнинг ости қандай, кўрай, деб,
Яхши бўлса, бир фароғат қилай, деб,
Бўлмаса, мен кўриб ўтиб юрай, деб
Чинорнинг остига якинлаб етди.
Кўҳна замонлардан чинор қолибди,
Сояси кўп ерни тутиб турибди,
Наъма кип булбуллар сайраб юрибди,
Тўти қушлар бола очиб турибди.

Бу чинорнинг остига борди. Ҳар тарафга қаради. На одамзод, ё бир ёвуз хайвонзод – ҳеч нарсани кўрмади. Чинорнинг туришига қаради: ости шосупалар, себаргилар, сувлар оқиб, бир-бирига ғалт уриб турибди. Ёдгор кўнглида айтди: "Бул ҳам бировнинг қилиб қўйган жойи экан. Ҳориган, чарчаган одам салқинлаб ўтадиган ер экан. Ё хон чорбоғи дегандай подшолик қилган жойдир, ё чўлда биров савоб оламан, деб қилгандир. Нима бўлса, отдан тушиб, бир дамимни ростлаб жўнайин. Агар эгаси бўлса, келиб қолса, йўл сўрайин, бекорга ўзбошимчалик ҳам қилмайди. Одамларда гап бор эди: "Йўл билмасанг, йўл сўра юргандан; гап билмасанг, гап сўра билгандан", – дегич эди. Илгари кўрмаган юртни кўргандай бўлиб кета бермайин", – деб бу чинорнинг остига отдан тушди. Чечиниб, соя-салкин ерга етишиб, бети-қўлини ювиб, ўтириб, унча-мунча овқатланиб, бир майдон дамини олиб, у ёк-бу ёк қараб, йўл тортиб чарчаб келаётган одам, сояда эриб, кўзи уйқуга бориб, ухлаб қолди.

Унда бир тоғнинг изасида зангиларнинг макони бор эди, ундан Ёдгор бехабар эди. Зангилар йўлга, кўлга, чўлга, овга чиқса, куннинг иссиғида келиб қолса, салқинлаб ўтадиган жой қилиб қўйган эди. Ёдгорнинг бундан хабари йўқ, маст бўлиб ухлаб ётди. Олти занги овда юриб, йўлга етди. Кўрса, бир отнинг изи ўтибди. "Билмай қолибмиз, ажраб кетибди", – деб отнинг изи билан келаётир. Отнинг изи йўлдан чиқиб, чинорга бурилиб кетибди. Зангилар айтди: "Бул нима бўлса, нар ёққа ўтиб кетган йўқдир, бу чинорнинг остига қўниб ётгандир". Чопа-чопа чинорнинг остига етди.

Буларнинг шовири билан Ёдгорнинг оти уриниб, кишнай берди. Бу галвада Ёдгор уйқудан уйғонди, бошини кўтариб қаради. Қараса, пилпалари кападай, жасади тепадай бўлиб, бир катта минордай зинкийиб, олдида бир нима келаяпти. Нима эканини билмади. Ёдгор айтди: "Бул кўриб юрган одамларга ўхшамайди. Ҳар турли нарса кўп бўлади экан, бу қандай яратилган жондор экан?"

Ёдгор ўрнидан туриб, ўз ҳаракатини қилаяпти, зангилар бу сўзни айтиб боряпти:

Сен бундан кетмайсан омон,
Ўнгу сўлни олса туман,
Ризқимизга худо берган,
Келгандир сендай ёш ўғлон.
Қилсак энди изинг тавоф,
Сўзимизга берма жавоб,
Гўшинг қилиб энди кавоб,
Хазон қиламиз боғингни,
Кимга айтарсан доғингни,
Ҳеч ким билмас сўроғингни,
Ризкимизга келган ўғлон.
Боғча-боғларинг боғ этиб,
Суякларингни кок этиб,
Ота-энангни доғ этиб,
Бугун бўлдинг бизга дучор,
Пиширмасдан сени ютиб.
Ўлдирарман энди сизни,
Эшит, ўғлон, айтган сўзни,
Йўлбарс занги дейди бизни.
Йўл тўридим, ангни топмай,
Мен қўймайман кабоб этмай,
Сендайни баччани ютмай.
Қилармиз бул замон ишинг,
Қошингда йўқдир ҳеч кишинг.
Бизга тақдир қилган гўшинг,
Камирармиз бул кун бошинг,
Ўзинг бачча, кабоб бачча,
Бизга тақдир қилди гўшинг.
Ҳеч кимга етмайди додинг,
Кўп уриниб уйготганди,
Миниб келган сенинг отинг,
Бу ерда йўқдир авлодинг,
Учди бошингдан давлатинг,
Ўтди даврли навбатинг,
Қўлга тегар ажал хатинг.
Ўлар вақтинг якин етган,
Тайёр бўл, кочма, ёш ўғлон,
Олти занги излаб етган.
Билгин Йўлбарс занги ишин,
Талашиб ерман-да гўшинг,

Бизга поримас нолишинг,
Еб юрганмиз одам гўшин,
Олиб ҳар ердан улушин.

Бу сўзни зангилардан эшитиб, Ёдгор айтди: "Одамлар гапирар эди: Занги деган халқ ҳам бўлади. Бу одамларни кўрса, еб қўяди, – деб элда сўз бўлар эди. Шў карияларнинг гапириб юрган зангиси шулар экан-да! "Эшаклига тулки учрайди" дегандай, ҳеч кимга йўлиқмай, отланиб чиққанда, бизга йўлиқиб, тайёр бўлиб, қайси гўрдан келиб қолди булар. Бир хайбатли, сиёсатли нарсалар экан. Булар билан курашиб бўлмаса, булар одам ейдиган бўлса, қўлига тушсанг, сен олишиб ўзингни ростлагунча, бу баччағарлар ҳам еб якинлатади. Энди эгнимни қисиб турмайин, қандай бўлса, буларга бир сўз айтайин", – деб Ёдгор бир сўз айтаётир:

Баччағар хисоби йитган,
Мен биламан, куни битган,
Излаганга сўраган бўп,
Тугал бўп олтови етган.
Ҳар тарафни юрдим сўраб,
Бул олти зангини қараб,
Олтови ҳам келиб қолди,
Куни битган, ажал хайдаб.
Тоғу чўл қолмади кезиб,
Душманларнинг бошин узиб,
Олти зангини изладим,
Нечовнинг калъасин бузиб.
Кўп сўрадим сўроғини,
Дори қиларман ёғини,
Бузиб занги чорбоғини.
Қирк кун бўлди, юрдим излаб,
Суягингдан жудо қилай,
Бул замон гўштингни тузлаб.
Зангиларга кушандаман,
Тополмаган дармандаман,
Ҳориб, чарчаб бу чўлларда,
Занги деб юрган бандаман.
Олтови ҳам тугал келди,
Мурод-максадим топилди,
Худодан тилагим шулди[р],
Олтови ҳам тугал бўлди.

Қочиб бундан кетолмайсан,
Ҳеч мазгилга етолмайсан.
Ўзингни айлама сарсон,
Энди қилмагин пушаймон,
Отдан тушгин, бўл пиёда,
Чангимдан кетмайсан омон.
Билгин худонинг бандаси,
Мен зангининг кушандаси,
Онгда келиб қўлга тушдинг,
Сен бу чўлнинг шармандаси.
Энди қилай сенинг ишинг,
Кесай олтовингнинг бошинг,
Олтовингни таътил қилсам,
Тўйгудай чиқарми гўшинг.

Бўлгандир Ёдгор валламат,
Қилиб зангига бул ҳайбат,
Қўрққанини билдирмайди,
Қилиб турибди сиёсат,
Бу сўзларни эшитади,
Қолмайди зангида тоқат.
Бир-бирига қарашади:
"Кимга ишимиз тушади".
Зангининг бўғни бўшади,
Бир-бирига қарашади:
"Одамга келар жасади,
Бежой, – дейди, – сиёсати".
Абзалловли тайёр турган
Шул замон Ёдгорнинг оти,
Ғилофдан суғуриб олди,
Яркиллар шамшир пўлати.
Қизил, яшил кўринган-да,
Ерни босса қабосати,
Ёдгор туриб минди отди.
Занги бир-бирига караб:
"Кушандамиз қайдан етди?"
Олтови бургандир отди,
Кўринг Ёдгор валламатди,
Занги бурилганин билиб,
Ёдгор бўшатганди отди.

Занги отга қамчи урди:
"Одам эмас, кушандамиз
Бизларга йўлиқиб қолди".
Олтови ҳам қочиб берди:
"Қўлга тушсак ўлдик, дейди,
Етган экан ажалимиз,
Қайдан дучор бўлдик, дейди,
Нега овга келдик", дейди.
Қарамайди олди-ортига,
Сира бурилмай кетига,
Олти занги тоб бермайди
Ёдгорнинг сиёсатига.
Тоғу чўлни тўзанг олиб,
Ёдгор қувди йўлга солиб,
Қилични қўлига олиб.
Ёдгор бунинг сирин билди,
Қувиб тоққа яқин борди,
Адир йўлга занги солди,
Қутулдикми, деб бурилса,
Тағи ҳам Ёдгорни кўрди.

– Қочиб бундан кетолмайсан,
Маконингга етолмайсан.
Тўхта, – дейди сағир Ёдор,
Зангида қолмади қарор.
Сўз айтмас бундай кишига,
Ҳар қайсиси ўз бошига,
Оралаб адир-тошига,
Етишди тоғнинг бошига,
Қутулдик, деб энди турди.
Тоғ жангирлаб само қилар
Ёдгор полвоннинг довшига.
Занги кўриб ўйланади,
Бир-бирига сўйланади
Бизга тингилган бало, деб
Олти занги қийналади.
Тоғда ёввойи дарахтлар,
Бориб дарахтга оралар.
Аланглашиб етди, дейди,
Бул ишимиз битди, дейди,

Бош-бошига дарахт ичига
Олти занги кетди, дейди.
Ёдгорга олтови душман,
Йўликиб қилди пушаймон.
Катта гапдан наф топганди,
Кўрингиз энди Ёдгорхон.

От жиловин Ёдгор тортди,
Йўликмади, яхши бўлди,
Топмай Ёдгор бундан қайтди,
Бир хатарли жой экандир,
Катта гапидан наф топди,
Ёдгор бундан омон ўтди,
Қайтиб йўлга тушиб кетди,
Неча кун бир-бирин кўрмай,
Тоғда зангилар жой тутди.
Ким эканин занги билмай,
Аввал уни писанд килмай,
Кўп ҳоришиб тоғда юрди,
Кетдими дейди, тушолмай.
Ул тоғда тўқайда юриб,
Дарахт ичра кун кўриб,
Булар билан не иши бор,
Ёдгор кетгандир йўл юриб.

"Қайда бўлар ёрим, дейди,
Элда номус-орим, дейди,
Бир зангига йўликкан-да,
Омон қолди жоним", дейди.
– Алар жондори баҳайбат,
Юрган юришлари кулфат,
Мен чангига бўлсам дучор,
Қилар эди бир қиёмат.
Назаркарда, сен жийрон от,
Менга ҳамдам, бердинг қувват,
Уйқу босиб олган – ғафлат,
Сенсан назаркарда ҳайвон,
Ёмон кунда бердинг мадад.
Сен ҳам мендай беғам бўлсанг,
Мендайин ғафлатда қолсанг,

Ул бадбахтга дучор бўлсам,
Ажал етиб бунда ўлсам,
Ота-энам сарсон қилсам,
Қаттиқ иш бўларди, билсанг.
Шул армонлардан қутқаздинг,
Дўстлигингни сен билдириб,
Ўлим ишларни битказдинг.
Қамчи урмоққа кўнглим бўлмас,
Назаркарда, ўзинг билгин.
Йўлда икковимиз йўлдош,
Тилинг йўқдир, менга сирдош,
Кокилингдан, бедов отим,
Сен бўлдинг бизга қариндош.
Отнинг кокилин силади,
Ёдгорбек кетиб боради.

Ёдгор оти билан ўзига ўзи гапириб, бораётиб эди, бир чўнтоқ чўбирни ушлаган, жағи қуришган, оғзи буришган бир чол чопиб келиб Ёдгорни йўлдан берди. Қаёқдан келганини билмай қолди.

Бу Чандана чол эди, ҳар ишдан хабари бор эди, ҳали ҳам Ойдинни ғанимга олиб бермакнинг ҳаракатида эди. Бул орада олти юз оломон неча марта бориб, мусофир бойларни оёқ-ости қилиб турар эди. Қўнғиротга хабар борганидан Чандана чолнинг хабари бор эди. "Шу ёқдан одам келиб келар", – деб мудом йўлга чиқиб юрар эди. Ҳар бандаргоҳ ерларда ғанимдан коровул қўйилган, биқтирма одамлари бор эди. Булардан Чандана чол хабар олиб юрар эди. Ёдгорни кўриб, келиб Ёдгорни неча марта айланди. Ёдгор бул одамнинг қандай чол эканини билмади. Назарида Ёдгорга кўп меҳрибонлик қилгандай бўлди. Қаёқдан келиб қолганини билмай, бул бобога қараб, бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Не сабабдан, бобо, бўлдинг меҳрибон,
Ё бўлмаса, сен тушдингми осмондан?
Шамолдай ғувуллаб қаёқдан келдинг,
Парвонадай неча марта айналдинг,
Раҳбар бўлдинг, бобо, ақлимни олдинг,
Сўйламайин менинг ҳолимни сўрдинг,
Қайдан келдинг, бобо, ажаб иш қилдинг,
Сен айналдинг, бобо, мени ким билдинг?
Қарайман тарзингга дунёни кўрган,
Қайси шаҳарларда умиринг ўтган?

Сен колибсан, бобо, кўхна замондан,
Сендан савол сўрар энди Ёдгорхон,
Жонимни қилайин тарзингга қурбон.
Юришингдан хабар бергин, бобожон!
Қай шаҳардан, қайси юртдан бўласан,
Не хизматда меҳнат тортиб келасан,
Адашган кишини йўлга соласан,
Хабар бергин, бобо, қайдан бўласан?
Мен билайин сенинг юрган элингди,
Сўнгра мен сўйларман сири ҳолимди,
Сўйласанг, биламан вафоларингди,
Хабар бергин, бобо, қайдин бўласан?
Ўлганча бу йўлда тангрима росман,
Тарзинг кўриб, бобо, ўзингга дўсман,
Ё мазгилинг баланд, жойингми осмон,
Мардикалон бобо, қайдан бўласан?
Бобо, эшит менинг айтган тилимди,
Сўрамадинг келиб менинг ҳолимди,
Сен келиб айналдинг мендай улингди,
Сўйлашайлик, бобо, берман кел энди,
Меҳрибоним, бобо, қайдин бўласан?
От чопиб чўлларда ўзинг ҳориган,
Ёшинг етиб, хўп улғайиб, қариган,
Қарайман тарзингга комил мусулмон,
Хабар бергин, бобо, қайдан келасан?

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, бобо Ёдгорга қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Жойларим гулистон, келдим узоқдан,
Пайғамбар амрини тутиб бул замон,
Асли мазгил жойим Арабистондан,
Пайғамбарнинг сўзи тушимда аён.
Ёдгор Аймоқ кетди, деган, билдирган,
Йўлга солиб, бўлгин, деди, меҳрибон.
Азизнинг яқини, хизмат қиламан,
Сўрамасдан авлодингни биламан,
Суриштирсанг, ота пиринг бўламан,
Сен адашсанг, болам, йўлга соламан,
Икки дунёда қўллаб пирлик қиламан.

Бул дунёда раҳбарлигим кўрсатиб,
У дунёда жаннат ичра жой тутиб,
Мен кўлларман яхши мазгилга элтиб,
Йўликсанг, душмандан сени қутқариб,
Зарур бўлсанг, ҳожатингни биткариб,
Тонгла маҳшар пулсиротдан ўткариб,
Қўллайдиган комил пиринг бўламан.
Азизнинг амриман бул сенга келган,
Бир зарар етказмасин-да душман,
Ул сабабдан бўлиб келдим меҳрибон,
Ўйласам, мақсадим шулдир, Ёдгоржон,
Сени сақлаб юрсам душмандан омон,
Ота-энанг ҳеч бўлмасин паришон,
Сенинг учун меҳнат тортиб келдимман,
Бошқарай, ўлганча бўлайин ҳамдам,
Бирга-бирга юра бергин, Ёдгоржон.
Йўл юриб, ҳоритиб бул тулпорингди,
Каромати зоҳир мендай пирингди,
Сенга ҳамроҳ бўлган комилларингди[р],
Йиғлатарман, билсанг, душманларингди,
Комил пир ҳамдамингг, йўлдошларингди[р],
Оп берарман сен излаган ёрингди.
Сенинг билан мен ҳам бирга кетаман,
Омон-эсон мен кўндириб Қўнғиротда,
Сўнгра ўзим Арабистон ўтаман.
Ёдгор, ўзинг ақли расо, доносан,
Бир хил ишга ҳали ёшлик қиласан,
Ким яхши, ким ёмон, нима биласан,
Билмай, душманларга кўнгил берасан,
Йўлбошчи пирингга йўлдош бўласан,
Юра берсанг, карорматни кўрасан,
Сен пирингман йўлдош бўлгин, Ёдгоржон.

Бу сўзни Чандана чолдан эшитиб, Ёдгор ҳайрон қолиб, бобосининг рангги-рўйига, қадди-жасадига, сўйлаган сифатига қаради, гапига гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас бўлади. Ишонмайин деса, ҳар сўзида пайғамбарни шафе келтириб туради, сўзига ишонайин деса, икки юзида қони йўқ. Ҳар кимга исбот бўлиб юргандай одам, бетига қараб бўлмайди, танида имони йўқ. Ёдгор айтди: "Эшон ҳам ҳар турли бўлади эканда! Қўллаб, у дунёга ҳам бирга олиб бориб келаяпти. Агар эшон бўлса ҳам, бундай

истараси совуқ эшон бу дунёга бундан илгари келган йўқдир. Навода бир алдамчи, ёлғончимикан? Одам одамни билиб бўлмайди, пайғамбарни тилидан қўймайди. Мен илгари ҳамиша эшон билан бирга юрибмидим?! Одамлардан эшитган гап: эшон ҳам кўпдир. Бунинг ҳам ҳар турлиси бўладигандир-да", – деб Ёдгор гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас бўлиб, бир сўз айтиб турган экан:

Рангинг ўчиб, сенинг жағинг қуришган,
Неча марта худо билан уришган,
Эшонман, деб менга лофи айладинг,
Жасадингда сира турмайди иймон,
Рост кўнглингни менга сўйла, бобожон.
Ажаб беярашиқ ҳайвондир отинг,
Эшонга келмайди сира келбатинг,
Кўрмасам ҳам эшонларни эшитдим,
Бир ҳийлагар, кашмир сифат жасадинг.
Эшонман, деб мени лодон билмагин,
Ҳийлагарлик қилиб, бобо, ўлмагин,
Мени сен қонингга зомин қилмагин,
Ҳийла қилиб, бобо, йўлдош бўлмагин,
Бир ёлғончи, каззоб, йўлдан қолмагин.
Бобо, эшит менинг айтган тилимни,
Баён айла сиру аҳволларингни,
Бошингга соларман қайу-зулмни,
Эшонман, деб кўрма ноҳақ ўлимни,
Танимайман, бобо, сендай пиримни,
Кетгин, бобо, энди йўлдан қолмагин.
Меҳнат тортиб олис йўлдан келаман,
Ким бўлса, бошини боғдай чаламан,
Жодугар, деб сени гумон қиламан,
Қилич уриб, балки бошинг оламан.
Неча сўзни, бобо, айтаман сенга,
Танимасдан йўлдош бўлгансан менга,
Қайта бошдан, бобо, сендан сўрайин,
Ўсган жойинг, наслингни билдир менга.
Рост турганда, ёлғон сўзни гапирдинг,
Пайғамбар буюрди, дединг-да турдинг,
Пайғамбар ўтгани неча вақт бўлди,
Ўлган киши қачон сенга гапирди?!
Гапингнинг ёлғони билиниб қолди,

Бобо, айёрлигинг кўнглима келди.
Менга яқин юрма, кашмир, ўласан,
Сўзинг бирикмайди, ўзинг биласан,
Бир ёмон чўнтоқни ўзинг минасан,
Бир алдамчи, ўзинг кашмир бўлмасанг,
Мадинадан, бобо, қандай келасан?!
Мадина деганинг кўп узоқ йўлди[р],
Бу йўлда юрганнинг ақили борди[р],
Сени биров аҳмоқ қилиб юборди,
Энди, бобо, кетгин, йўлдан қолмагин.
Сенинг билганингни ўзим биламан,
Йўл билгандан шунча йўлдан келаман,
Уялмай сениман ҳамроҳ бўламан,
Қонинг тўкиб, энди бошинг оламан.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб: "Бул унча-мунчага кўнмайдиган жардумчагина жувонмарг экан. Отасини Алпомиш дейди, у бир шумлиги йўқ анг одам. Бул илгаридан отаси йўқ сағир бўп ўсиб, илкув-силкувни кўп еб, қаттиқ бош бўлиб қолган экан. Бунинг сўзи билан айрилиб кета берсам, ўтиригим ёқамдан чиқиб қолгандай бўлиб, бул мени бир ёлғончига чиқариб юборар. Не бўлса, тағи бир гапириб кўрайин", – деб бир сўз айтиб турган экан:

Ўз тилингдан, болам, бўлма гуноҳкор,
Сўрамай биламан, отингдир Ёдгор,
Ғойибдан хабаринг берган пайғамбар,
Йигитлик қип энди бўлма гуноҳкор.
Бобонг Бойбўридир, отанг Ҳакимбек дерлар,
Сўрамайин қандай билдим, жон болам,
Илгаридан маълум қилган азизлар.
Қиёмат ваҳмидан хаёлим кочиб,
Окшом ухламайман, бу рангим ўчиб,
Сен билмайсан ҳақиқати валини,
Кўрсатаман карокатнинг мўлини,
Лодон кўзим танимаган пирини.
Отанг Қалмоқ элга сафар қилганда,
Курашда айланиб ёлғиз турганда,
Мендай пири шунда ёри берганди[р],
Кўп каромат қилдим, ёлғони йўқди[р],
Неча зўр калмокни осмонга отди.

Бобонг каромати кўрсатди ишди,
Пир йўлига юрмай, йўлдан адашди,
Отанг сендай бўлиб, зиндонга тушди,
Аввал бир кўнглига менманлик кечди,
Отангдан ҳазар қип чилтанлар қочди,
Нодонликдан неча сўзни сўйладинг,
Отангнинг кунлари эсимга тушди.
Қўллайдиган мен ҳам мададкорингман,
Ҳамма вақт ёрдамчи бўлган пирингман,
Сиғинганда хабар олиб ҳолингдан,
Муртад бўлиб, умид узма пирингдан.
Лодон бола дедим, гапинг кечирдим,
Кўнглима олмайин, мен бирга юрдим,
Азизлар сўзини икки қилолмай,
Сендай лодон билан мен жўра бўлдим.
Ўйласанг бир сенинг савдонг ғолибди[р],
Пирсиз одам бир чуқурда қолибди,
Йиқилсанг, суринсанг, пирим дейсан сен,
Қўллайдиган пиринг бирга юрибди.
Пиринг йўл бошқариб бирга боради,
Сендай лодон болам бирга келади,
Сўзинг суягимдан ўтиб боради,
Гапинг айниб, менга ботиб боради,
Айланмасам, куининг қаттиқ бўлади,
Ён-ёғингни қанча душман олади.
Излаганинг сенинг Аймокнинг эли,
Якин колди борар еринг мазгили,
Ҳали туғиб колар пирингнинг куни,
Шў вактида қўллар бул бобонг сени.

Ёдгор от устида бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлди. “Бир хийлагар анчайин одам бўлса, мен сенсиз йўл топмайманми, деб аччиқланиб кетса, кетар эди. *Эшоннинг ҳам шундай очкузанга ўхшаган, одамнинг кўзига совуқ кўринадиган балоси бўлади экан*[9]. Бул одамни илгари кўрмасам, бировдан эшитмасам; мен ўқиб мактаб кўрганим йўқ, ким иссиқ юлдузли, рангги тузук бўлса, яхши одам; рангги совуқ, беёким кўринса, ёмон одам, деб кета бераман-да! Ёмон бўлса, ўлсин, менинг отимни ағдариб олами? Қани, бирга юрса, юрсин; гапирса, гапига жавоб берайин; бўлмаса, қандай чолсан, деб бунинг кўнглини кора килиб, нима қилайин”, – деб бирга-бирга иккови йўл юриб кета берди. Шунда боғонаги сўзлардан икковининг

чап тушиб, йўлда юриб бораётиб эди, бобоси тағи гап бошлади:

– Мен илгари бу юртларни келиб кўрганим йўқ, ҳеч қайси билан таниш, ошна бўлганим йўқ. Сен Аймоқ шаҳрига борасан. Катта мамлакат, кенг шаҳар, ҳар номдор полвонлар бор, улар олдингга чиққанда, мендай бобонг борлар. Мен сенинг учун келганман. Юз Аймоқ одами менинг оёғимга йиқилганда, бий элларга келмайман, ҳеч назар кўзимни солмайман, ит қопини бир пулга олмайман, мен сендан бўлакни демайман, деб ишонтирман. Мана, тағи бир майдон юрсак, бир гулистон чорбоққа етамиз. Унда тушиб, отларни хўп тўйдириб, дамимизни ростлаб ётамиз. Ҳаромат билан шундай жойлар, пишиб ётган олма-анорлар кўзимга кўриниб келаяпти. Сен ёш боласан, дунё қандай ўтишини билмайсан.

Ёдгор айтди: – Хайр, бобо. Сиз ҳам биздай илгари бу юртни кўрмаган бўлсангиз, шу айтганларингиз йўлда ҳозир бўлса, гапингизнинг ўтирик-чини шу ердан билинади-да!

Бу сўзларни айтиб бораётиб эди, айтганидай бир чорбоқ кўринди. Ул бобоси айтди: – Мана, болам, бул чорбоққа кириб, ажойиб-ғаройибларни кўриб, бу гулистон жойларни томоша қилиб, ё гапимнинг ростини, ё ёлғон эканини англаб билиб, бобонгнинг сўзига тан бериб қоларсан, – деб йўл айритта бориб колди. Чорбоққа қараб юрадиган йўлга бобо бурилди. Шунда Ёдгор иркилиб, отининг жиловини тортиб, бобога қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Юракка тушмасин қайғули доғи,
Бўлмасин-да бир душманнинг чорбоғи.
Ўйланиб гапирди мендай валламат,
Бизга атаб ким қилган боғу иморат,
Бўп колмасин бунда турли аломат.
Сўрамасдан йўлга тушиб жўнадинг,
Бобо, билмай қолдим сенинг муродинг.
Душман бўп устига бошлаб бормагин,
Ҳийла билан банди қилиб турмагин.
Сира кўнглим чопмас бу юришингга,
Сира ичим илимайди ишингга,
Қайтарма, жавоб бер мендай кишингга,
Бобожон, борсанг бор бир ўз бошингга.
Кўнгли чопган ишни киши қилади,
Оёғи тортмаса, қандай боради,
Сира кўнглим тортмас боққа бормоққа,
Менинг кўнглим йўлга парвоз қилади.
Ўзинг боргин, мени сен йўлдан урма,

Бир ёмон жойларга мени бошқарма.
Майдонда сотилар мардларнинг жони,
Нечовнинг дарёдай оқади қони,
Мен билмайман қандай одам макони,
Бул маконга, бобо, мени бошлама.
Менинг ўзим юрган бир ёш боламан,
Дашт ерларда мен очилган лоламан,
Боғу чорбоқ билан ишим бўлмайди,
Эгасиз чорбоқда нима қиламан.
Эгаси бизиман сирдош бўлмаса,
Бу йўлларда бизга йўлдош бўлмаса,
Кўрганда келинг деб жойни солмаса,
Отингдушлаб хизматингда бўлмаса,
Бетайин жойларда нима қиламан?!

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, бобо Ёдгорга қараб айтди: – Болам, сен бир иркилчак ёзган бола экансан. Ўзинг бир нимани билмайсан, билганнинг тилини олмайсан, ўрлаган ёғингни бермайсан, ўзингдан бошқани ўзингга дўст билмайсан. Сени ким айтади Ҳакимбекнинг ўғли деб?! Илгари сағирлигинг билан турган экансан. Билдим, кўкрагингни кўтариб кабк бўлмайсан экан. Сен кўнглингда бул боғ бировнинг солиб қўйган чорбоғи деб турибсанми?! Боғона ажойиб-ғаройибларни кўргин, деганимни билмадингми?! Бул ҳар кимнинг кўзига кўрина бермайди. Бу бир азизнинг шафоати билан бўлган боғ. Сени жаннат меваларидан есин десам, кейин тортарлик қилиб, шундан ҳам қуруқ қоласан.

Бу сўзларни айтиб, Ёдгорни алдаб, яна бир сўз айтиб турган экан:

Айрилмагин, болам, э, бирга юргин,
Пирингнинг амрини мухтасар билгин,
Беҳуда ўрлама, чорбокка юргин,
Бул чорбоғда, болам, роҳатлар кўргин.
Бул чорбоққа кирсанг, қувват оласан,
Асли ўзинг соҳибқирон бўласан,
Бошингдан кўтариб канча ғурбатни,
Ўтиб кетган валиларни кўрасан.
Остингга минибсан, яхши Жийрон от,
Валилардан дуо олсанг, шафоат,
Англамайсан, кўпдир бунда хосият,
Менинг билан бирга бўлгин, валламат.
Менинг билан бирга бўлиб сен юргин,

Бу чорбоғда меҳмон бўлиб ўтиргин,
Албатта чилтанлар дуосин кўргин,
Боргандан кечикмай ёрингни олгин.
Мен биламан ўзинг лодон боласан,
Пирингнинг хизматин билмай борасан,
Бундан кетиб кўп пушаймон қиласан.
Аввал азизларнинг суҳбатин кўргин,
Беҳуда ўрлама, Ёдгоржон, юргин,
Бир кеча бу ерда меҳмон бўп тургин.
Сен борган ерларга мен ҳам бораман,
Қўллайдиган комил пиринг бўламан.

Ёдгор бу сўзни эшитиб: "Шу баччағар менга тармашди. *Бунинг гапи ё ҳут, ё жут*,[10] ё қўллаганини кўраман, ё ҳеч нима бўлмай қолганини кўраман. Агар душманнинг макони бўлса, агар пирим бўлса ҳам, бунинг панасидан бошини оламан", – деб ўйлаб: – Юринг эса, бирга бораман, – деб чорбоққа бурилди.

Чорбоқнинг дарвозасига етди. – Чорбоқнинг эгаси, бормисан? – деб бобо чақирди. Бир киши келиб дарвозани очди. Эшик очган кишига Ёдгор қаради: одамга дўстлик қиладиган одамга ўхшамайди, бир бўлак жамлакатнинг одамига ўхшайди. Кўрди: ажаб боғ, ҳар турли мевалар пишиб, остига тушиб ётибди. Ў, бир тарафда гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чак-чак учириб, сайраб турибди. Чандана чол айтди: – Ана, кўридим, бул ҳам ўз юртинг, Кўнғиротда юрганда, нимани кўрар эдинг, дунёда нима борини билардинг?! Ана, бундай жойларни кўрдинг. Сенга кир десам, бировнинг жойидир, деб кейин тортарлик қиласан. Кўнғиротда кориб, камишзор кўл билан зинграган чўлни кўрасан. Мана, шундай макон: катта-кичик, баланд-паст шосупалар, себарги-салқин, ажаб обод жойлар. Бунда душманнинг нимаси бор, бу макон душманнинг кўзига тушмайди. Қандай юрсанг, шундай юриб, чечиниб, томоша қилгин, Ёдгоржон!



"Ёдгор" достонининг 2000 йилги нашри.

Ёдгор кўриб, отидан тушиб, отини ўтга қўйди. Чандана чол: – Чечиниб, томоша қила бер, кун кайтса, азизлар ҳам келиб, бунда суҳбат қуради. Шунда сенинг ишинг ўнг келади. Мен сени яхши-ёмонни кўрсин, билмаган ишларни билсин, ҳамиша пирга ихлоси баланд бўлсин, деб бу ерга кайтариб кирдим, – деди.

Ёдгор бундай тартибли жойларни кўрмак тува, илгари эшитган ҳам йўқ. Ёдгор кўнглида айтди: "Бизнинг Қўнғиротда ҳам эл бор эди, қариялар ҳеч гапирмас эди. Фалон авлиё, фалон азиз фалон ердан чорбоғ солибди, шундай бир жойни обод қилибди, ўзларига кўриниб, бўлакка кўринмайди, деб ҳеч ким гапирмас эди. Бу ер ё бир паринниг жойи, ё бир девнинг жойи. Дев, деб эшитаман, кўрганим йўқ. Девни қариялар айтар эди: ўлтириши султонидай палас халқ бўлади. Унга караганда, бу девнинг жойи эмас. Бир мамлакатда бир белгили одамнинг жойи-да бул", – деб бобосига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Қозининг олдида шабгир нойиби,
Урушда панд берар отнинг майиби,
Бўлмасин сўзимнинг, бобо, айиби,
Ким бўлади гулистоннинг сойиби?
Бу чорбоғни кўриб, қилдим пушаймон,
Бўлмасин эгаси бизларга душман,
Бу боғнинг эгасин айтгин бул замон,
Ёмон бўлсанг, сенга бермайман омон.
Пирингман, деб бундай ерга бошладинг,
Неча сўзлар билан вактим хушладинг,
Сўзингни қайтариб кейин ташладим.
Шунда ҳам қайтмадинг, якинлаб келдинг,
Неча валиларни ўртага солдинг,
Азизлар макони дединг, оп келдинг,
Қани бунда суҳбат курган азизинг,
Чилтанлар суҳбати дединг, гапирдинг,
Бул чорбокка келиб кўп беғам бўлдинг.
Менинг отамдир Қўнғиротда султон,
Қани, бобо, кўрсат энди кирк чилтан,
Бул гапингдан мен ҳам топганман ёлғон,
Эндўларсан, бобо, бўлдинг бейимон.
Ёмон билдим, бобо, сенинг ишингни,
Дўст кўрмадим дарвозабон кишингни,
Бобо, кессам дейман сенинг бошингни,
Ҳийлагарга ўхшатдим юришингни,

Сира билмай қолдим сенинг ишингни,
Бул жойнинг эгасин гапир бул замон.
Бир шаҳарнинг у ҳам юрган хоними,
Ё билманам, давлати катта ганими[11],
Бул макон эгасин сендан сўрадим,
Юртининг эгаси меҳрибонингми?!

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, Чандана чол айтди: – Ёдгоржон, сен ҳам отангга ўхшаган бир ангқиллаган бир кавак аҳмоқ бола бўлган экансан. Мен сенга бўлган гапни гапирдим. Ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, ўзингдан ўзинг ҳуркиб, ўзавонингда шунча меванинг ичида ўтириб, қўркиб, шул юрагинг билан аймоқлар билан тараф бўлиб, қайтиб хотин оламан, деб юрибсан. Гоҳ менинг билан бирикиб, гоҳ тескари бўлиб, дам-бадам пирингдан қайтиб, ўзингни-ўзинг гуноҳкор қип ётган бола экансан. Сен бу сўзларни гапириб, бир нарсанинг тайинини айтмаса, ишонмайсан чоқдан, – деб бир сўз айтиб турган экан:

Жон болам, кировка тўннинг ёқаси,
Сенинг отанг қўнғиротларнинг оғаси,
Сатта азиз, билсанг, боғнинг эгаси.
Сухбат излаб келиб колар ҳар замон,
Шунда беадаблик қилма, Ёдгоржон.
Кўрган вақтда, болам, кўнглингни хушлаб,
Ҳар на бор яроғинг сен ерга ташлаб,
Отининг жиловин ол ўзинг ушлаб,
Азизлар ишини кўргин, Ёдгоржон.
Мен турибман бунда, ҳаммаси келар,
Азизлар йиғилса, бул чорбоғ тўлар,
Гулистонда, болам, ажаб иш бўлар,
Аларнинг дуосин олгин, Ёдгоржон.
Лодонлик ишларни кўнглингга олма,
Кўрганда сесканиб, ҳеч душман билма,
Сен юрар йўлингдан, болам, янгилма,
Пирингнинг сўзини ҳеч ёлғон билма,
Хаёлингга ҳеч бир ишни келтирма,
Ихлос қил, албатта, ёмон гапирма.
Пирингнинг ишини улар билганди,
Келар вақти хўп якинлаб қолганди,
Гумондан гапирма, болам, ёлғонди,
Аҳволинг уларга маълум бўлганди.

Бу боғнинг эгаси, дединг, сўрадинг,
Шунда ҳосил бўлар сенинг муродинг.
Қандай бўлса, жоним болам, кувватим,
Тинч ўтиргин, мана, мазгил-работим,
Кўрасан-да, жон болам, карорматим,
Ахир хурсанд қилар сени меҳнатим.
Алвон-алвон сўйламагин, Ёдгоржон,
Сағал қолди, билсанг, вали етади,
Беадаблик қилсанг, энди Ёдгоржон,
Бил, сени азизлар уриб кетади,
Бирининг кўнглига малол келган сўнг,
Бу дунёни, билгин, яксон этади.
Шундайин кишилар келар, Ёдгоржон,
Ўйнаб-кулиб юргин, мана, гулистон.
Ҳар гап бўлса, яхшилик иш пирингдан,
Душман, деб ғамингни ема бурундан,
Замонани сен келтирма кириндан,
Дунёнинг ишини кўргин, Ёдгоржон.

Бу сўзни Чандана чолдан эшитиб, Ёдгор айтди: "Хайр. Энди мен авлиё бўлсам экан, бунинг кўнглини билсам. "Оқсоқнинг охирига бок", деган гап бор. Нима бўлса бўлди. Энди, қани, шунинг етагига юриб турайин, нима иш бўлганини кўрайин. Ҳар гап бўлса, тақдирдан зиёд бўлмас. Тақдирдаги иш бўлади-да! Ажал етса, киши ўлади, нимани тақдир этса, банда кўради", – деб Ёдгор бир супанинг устида ечиниб, ёв-яроқларини қўйиб, балки елвагай бўлиб турибзди, шу вақтда дарвозадан дурмак-дурмак бўлиб отлиқ кира берди. Буларнинг тарзига Ёдгор қаради: ўзининг юртида кўриб юрган одамлар эмас. Ёдгор айтди: "Бунинг сира азизга келбати келмас, бари кирчиллаган йигит, желмас. Бул эгаси – азизлар келади, деб зди. Азизлар бундай отланиб, ёв-яроқли бўлиб юрмас. Бул пирингман, деб бир иш бошлаган ўхшайди". Бу сўзлар Ёдгорнинг кўнглидан кечди. Бобо Чандана чол Ёдгорга бир сўз айтаяпти:

Бўғинма, Ёдгоржон, қилични ташла,
Азизларнинг энди вақтини хушла.
Бўлиб қолма жоним болам, шарманда,
Олдида ўзингдир, ўйлагин банда.
Боғ эгаси дединг, мендан сўрадинг,
Келганча ошиқдинг, бўлди муродинг,
Энди, болам, булар ул кўнгил шодинг,

Пирингга етишар сўйлаган додинг,
Ушламагин, ўтлаб юрсин-да отинг,
Энди етди кўнгилдаги мақсадинг,
Буларнинг ишини кўргин, Ёдгоржон.
Сайл этиб жаҳонни барча юради[12],
Сен билмасанг, уруш таълим беради,
Душманингга неча ишларни солиб,
Мақсадинг булардан ҳосил бўлади.
Душман била кўрма, жоним болам, деб,
Пиринг қўллаб турар, Ёдгор болам, деб,
Кетди юрагимдан доғу алам, деб,
Сенга тақдир қилди ёринг-санам, деб.

Бу сўзни бободан эшитиб, Ёдгор ҳам бобосига қараб, бир сўз айтиб турган экан.

Бобо эшон эмас, билдим жодугар,
Ҳийла билан тўрга туширдинг мени,
Одамларинг барин кўрдим анжомдор,
Сўйлаган сўзларинг, жон бобо, бекор,
Энди етагингга юрмайди Ёдгор,
Ёв-яроғин олиб, бари отланиб,
Шундай бўп юрами, бобо, чилтанлар?!
Бу сўздайтиб Ёдгор бўлди даркаҳар,
Дарвозадан кираётир одамлар.
Бўлакдан кийиниб Ёдгор шул замон,
"Булар менга сира бермайди омон",
Қиличин белига бойлаб Ёдгорхон,
Отга қараб юриш қилди шул замон.
"Бобо, валиларинг ишин билай, деб,
Азизингни ерга яксон қилай, деб,
Кўнглида не борин анинг билай, деб,
Душман бўлса, барин бошин олай, деб,
Не кунларни энди бунга солай, деб,
Не мақсадда юрганини билай", – деб.
Неча сўзни Ёдгор кўнглида айтди,
Отининг қошига бул замон етди,
Ёдгорнинг тошиб ғайрати кепти.
Чандана чол, бул ҳам минганди отди:

– Жон болам, раъйингдан қайттим, уятди[р],
Ўтириб, гаплашиб, килгин суҳбатди,
Асли сенинг, билсанг, ота пирингман,
Менинг гапим ерга ташлаб не бўпти?!
Бек Ёдгор минганди отнинг устига,
Тушсам, дейди душманларининг қасдига,
Қон тўкишиб, дейди боғнинг устига.

– Армон билан ўлдинг, ғаминг е, – дейди,
Насиҳат қип ул бобоси не дейди.
Ҳар сўзи Ёдгорга жуда ботади
Чўнтоқ чўбир остидаги бу чолнинг
Пирингман дамба-дам чопиб ўтади.
Сенга ёқсин энди менинг сўзим, деб,
Беадаб бўлмагин Ёдгор қўзим, деб,
Пир сўзига қулоқ солмоқ лозим, деб
Неча марта бу Ёдгорни айланди.
Келган одам бари хурушга кирди,
Бобоси Ёдгорнинг шаштин қайтарди.
Одамлар Ёдгорни ўртага олди,
Айланиб, югуриб ул бобо юрди.
Энди келди Ёдгоржоннинг ғайрати,
Тутиб кетди сипоҳилик одати,
Суғуриб қўлида шамшир пўлати,
Бу сўзларни бобога Ёдгор айтди:

– Айланма, жодугар, энди ўласан,
Пирим бўлиб не ишларни қиласан.
Неча сўзни шундайин бобо эшитди,
Пирингман, деб бул тағи ҳам сўз айтди.
Қулоқ солинг Ёдгорбек нолишига,
Рози бўлар ўзи қилган ишига,
Пирим бўлсанг, энди шундай бўлгин, деб
Қилич солди Чандана чол бошига.
Шул замон Ёдгорбек кўнглин хушлади,
Эшонини энди чопиб ташлади.
Ҳеч иш қилмай Чандана чол ўлганди,
Ёдгорга айтибди неча ёлғонди,
Сўйлаган сўзлари бекор бўлганди,
Азиз эмас, баҳодирлар келганди,

Бари бирдай уруш излаб юрганди,
Ёдгорнинг пайида булар турганди.
Майдонда ўртада Чандана ўлди,
Ҳеч ким келолмайди бунинг қошига,
Эшоннинг ўлиги ўртада қолди.
Ёдигорни булар анча шум билди,
Саф-саф бўлиб келган одам йиғилди,
Ташқари ҳам, билди, одамга тўлди.

Шунда Ёдгор булар кандай одам эканини ҳам, нима ишда юрганини ҳам, ё бул боғнинг эгаси эканини ҳам билмайди. "Бир-бирига сўз қотмаса, душманлиги маълум бўлмаса, бирданига от қўйиб, уруш қилмокнинг ҳисоби бўлмас. Бу чол ўлди, ўзининг ёмонлигидан нобуд бўлди. Отимнинг олдини кўп ўраб, пирингман, деб мени кўп айланди, пирим бўлса ҳам, нобуд бўлди", – деб турган вақтида бу турган одамлардан Жайнар деган полвон чиқиб, Аймоқ уруғидан даражали зўр полвон, Ёдгорни одам ўрнида кўрмай, кўзга илмай, қанча қуввати бор, чокламай, бир сўз айтиб турди:

Хабар бергин, бола, қайдан келасан,
Бул бобони нега нобуд қиласан?
Писанд қип қадирига етмадинг,
Бекорига нега чопиб ташладинг?
Табаррук, деб бизлар бобони излаб,
Бола-чақалари қолганди бўзлаб,
Сени ҳам ўлдирса бағрингни тузлаб,
Сен нега ўлдирдинг ота пирингни?
Бу элларда нима ишда юрибсан,
Қай эллардан келиб бунда турибсан,
Бир бедов тулпорни сайлаб минибсан,
Беадаблик, ёмон ишни қилибсан.
Менга хабар бергин юрган ишингни,
Менман бўлсанг, тандан кесай бошингни,
Менга айтгин қовму қариндошингни,
Ҳозир ёмон билдим бул юришингни,
Айиб билдим, бола, қилган ишингни.

Ёдгор бу сўзни эшитиб, ул Жайнар полвонга караб, бул ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сўз эшит, баҳодир, менинг тилимдан,
Мен чиққанман Бойсин-Қўнғирот элимдан,
Умид қилиб тар очилган гулимдан,
Пирингман, деб бу чол чиқди йўлимдан,
Охирида нобуд бўлди қўлимдан.
Билдим мен сўйлаган гаплари ёлғон,
Сўйлади: "Шул боғни азизлар қилган",
Айтган азизининг бари йиғилган,
Авлиёси сендай баҳодир бўлган,
Сўйлайин, сўзимда бўлмасин ёлғон,
Неча кундан бери бул йўлдош бўлган.
Қўлимдан кетгандир лочин хиромон,
Шу лочинни излаб бунда келганман.
Бу элларда сенга дучор бўлганман,
Отим Ёдгор, мен белгили полвонман.
Мен ҳам келдим Аймоқ юртин кўрай, деб,
Ойдиной ёримни бундан олай, деб,
Мамлакатга бирга олиб борай, деб,
Қўнғиротнинг элида даврон сурай, деб,
Неча баҳодирни ерга урай, деб,
Зўрлигим душманга маълум қилай, деб.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб: – Э, ўз ҳолини билмаган лодон бола! Бунда келиб, ёримни олиб кетаман, деб юрибди. Сен ўз йўлингни топдингда, ёринг қолдими?! Сендан катта-катта ҳар бир баҳодирлар, ҳар бир амалдорлар ҳисобини қилолмаяпти. Бул бекор аҳмоқ бўлиб юрибди. Не айнос қилиб, ҳеч кимга бермайман, мен ўзим оламан, деб юрсам, ёримни излаб келдим, деб бул ҳам галдираб турибди, – деб Жайнар полвон Ёдгорга бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Ёрим деб изласанг, йўлингдан қолма,
Зўрларнинг чангида эзилиб ўлма,
Бу ерда топширган ё ёринг борма,
Кета бер, ёш бола, йўлингдан қолма.
Ёрингнинг ишқида полвон югурган,
Бизи билан неча ваъдалар қилган,
Ёрим дема, жуда баҳодир бўлган,
Ёрингнинг тенгидир мендайин полвон,
Ёрим дема, Ойдин кўнгил қип юрган,
Бизи билан асли сурмакчин даврон.

Боролмайсан Ойдинойнинг қошига,
Тоб бермайсан майдондаги ишига.
Аймоқ полвонларин бариси келган,
Неча марта Ойдин кўп уруш қилган,
Ойдиннинг зарбидан не полвон ўлган[13],
Ёрим деган сўзинг ёлғон кўринган,
Бизи билан унинг гапи бир бўлган,
Менинг кўнглим сенда, деб менга гапирган.
Ул сабабдан ҳали яйловда турган,
Ўзингни мард чоқлаб бу ерга келган,
Ҳолинг бил, қўлингдан нима иш келган,
Кета бер, йўлингдан қолма, ёш ўғлон.
Ойдиннинг кўйида барча отланган,
Сен билмайсан, бунда канча иш бўлган,
Неча полвонларнинг қони тўкилган,
Урушли кун улар отдан йиқилган,
Кўп баҳодир, кизнинг ҳусни хиромон,
Ёриман, деб, бола, гапирма ёлғон.
Билгин, Ойдин сени нима қилади,
Ҳолин билмай, сендай лодон ўлади,
Майдонли кун бўлсанг чангига дучор,
Қўлга тушсанг, парча-парча қилади.
Эшитмабсан Ойдинойнинг таърифин,
Юлдузни кўзлайди урушда оти,
Қиз ҳам бўлса Рустамча бор ғайрати
Аймокнинг юртига кўп зарби ўтди,
Неча полвон урушда ўлиб кетди,
Овозаси бизнинг юртни кўп тутди,
Сендай лодон энди ҳалак бўлибди.
Ҳалак бўлма, ҳали йўлингдан қолма,
Ойдин деган сўзни оғзингга олма.
Ойдин юрмас сенинг айтган йўлингга,
Аччиқ қилса, қарамайди ҳолингга,
Бўйнин эгиб келмас сенинг қўлингга,
Кета бергин ҳали қайтиб элингга,
Ойдиндан сен ўзинг ҳеч умид қилма.
Ойдин отли бир қиз пайдо бўлибди,
Полвонларнинг жазосини берибди,
Аймокнинг юртида полвон йиғилиб,
Ҳар қайсиси бир йўликиб кўрибди,

Ҳаммаси ҳам кетди умидин узиб,
Шу вақтда Ойдиной бизга колибди.

Ёдгор бу сўзни эшитиб: "Кўп ишлар бўлибди-да", – деб ғайрати тошиб, ўтдай туташиб, Жайнарга яқинлашиб, Ёдгор бир сўз айтиб турган экан:

Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Юз полвон йиғилса, мени кам дема,
Аймокнинг полвонин баробар дема,
Кета бер йўлингга, сендан кўркмайман,
Мени ўлади, деб сира ғам ема.
Оларман, деб сира кўнглингга олма,
Бекорига лоф уриб аҳмоқ бўлма,
Аймокнинг аҳмоғи, йўлингдан қолма.
Сен ўзингга караб мени хўрач биласан,
Аччиқлансам армон билан ўласан,
Ойдиной деб неча сўз гапирасан,
Кетгин, лодон, энди нобуд бўласан.
Сен билмайсан яна мендай хонингни,
Узарман танангдан ширин жонингни,
Ўтда куйдирарман сенинг танингни,
Ойдин десанг, мен кирарман барингни.

Бу сўзларни шул замон Ёдгор айтди,
Аймок полвонлари гирдини тутди,
Нечови кўнглида сўзни ўйлабди,
"Ҳолин билмай бунинг ажали етди".
Ғуруллашиб, бари гирдини олиб,
Бирови бўлгандир биридан ғолиб,
Савашмокка бўлиб полвонлар толиб,
Ойдиннинг устида шундай иш бўлиб,
Иш кўрсатиб, Ойдин жойида туриб,
Ёдгор ёлғиз туру нордай чирпиниб,
Олмос киличини кўлига олиб.

Шунда полвонлар бир-бирига яқинлаб, Жайнар полвон: – Э, бачча, сен менинг сўзимни ҳазил билма! Далада бекорга кўнглинг ўсиб кетгансан, бир лочиннинг чангига бир каптар тушиб қолгандай бўлма, полвонларнинг қўлида бекорга ўлма. Бу полвонларнинг олдида мен Ойдинни излаб келаяпман, деб гапирма. Ў, канча иш бўлган. Бировининг

оғаси, бировининг тоғаси – қанча одам ўлган. Агар Ойдин сенинг билан кетиб бораётганда ҳам, бул одамнинг барини ўлдириб олиб кетмасанг, кетмакка йўл бермас, – деб бу насиҳатларни айтиб туриб эди, шунда Ёдгор:

Э, аймоқлар, аламинг ўтди,
Ҳар бир сўзинг ўртаб кетди,
Қасдингга эр Ёдгор етди,
Йиғлай бергин куининг битди,
Жон олгич жаллодинг кепти,
Энди сендан замон ўтди.

Бу сўзни айтиб Ёдгорхон,
Тўкмоқчи бўлиб қизил қон,
Аймоқлардан кўпдир полвон,
Довуш килгандир шул замон,
Бермасам деб сира омон.
От қўйди ёлғиз Ёдгорхон,
Юлдуз учгандайин бўлиб,
Кўп полвон ўртага олди,
Карвон кўчгандайин бўлиб.
Мард йигит ўтдай туташиб,
Қўркокларин акли шошиб,
Ботири дарёдай тошиб,
Ёдгор қайтмайди савашиб.
Кўринг энди Ёдгорбекди,
Ойдинойни кўрган йўқди[р],
Ойдин бунга кўнгил тўк-да,
Ёрдан ўзга максад йўқди[р],
Полвоннинг боши кесилиб,
Нечовларнинг конин тўкди.
Ёдгор ёлғиз бора борди,
Ҳар тарафга тўплаб сурар
Майдондаги полвонларди.
Остида ўйнайди тулпор,
Акли шошади аймоклар,
Кўп полвонга танҳо ўзи
Бўлиб майдонда баробар.
Полвонлар келар ёнаша,
Узокдан туриб караган
Кўргандир кизик тамоша.

Ёдгор ўзи эрдай бўлиб,
Тоғда ақирган шердай бўлиб,
Кўп душманман бирдай бўлиб,
Ҳар яғрини кирдай бўлиб.
Ёдгорбек ёлғиз саваша,
Урушли кун мардлар тоша.
Бу Жайнар полвон қўзғолди,
Калтакни қўлига олди.
Нечовлар бўлиб яралар,
Яркиллар бунда киличлар.
"Беҳуда ўлди кўп полвонлар,
Тотигина бул энағар,
От суриб майдонга борай,
Бул боланг жавобин берай,
Калтак билан бирни солиб,
Энағарни нобуд қилай".
Бу сўзларни кўнгли олиб,
Полвонлар ичинда ғолиб,
Етишди кобоғин уйиб,
Ким йўликса кетар куйиб,
Бор кучин билакка жийиб,
От қўйди майдон устига.

– Э, ёш бачча, ўлдинг, – дейди, –
Ойдин дема, кетгин бундан,
Жон қутулмайди полвондан, –
Бу сўздайтиб якин етди,
Ёдгорга отни тўғри кипти.
Ёдгор шундай қилич сермаб,
Қиличга Ёдгор рад бериб,
Тиғу дамдан омон ўтди,
Ёмон бургандир отди,
Ёдгор ёлғиз, кўпдир аймок,
Атрофини душман тутди,
Яғринига Жайнар полвон
Калтак билан солиб ўтди.
Кўринг майдонда Ёдгорни,
Бош айланиб, кўзи тиниб,
Қулоклари чирпа битди.
Қолмай Ёдгорнинг токати,

Бу таёкнинг зарби ўтиб,
Қолмай Ёдгор ҳаловати,
Ёдгор жуда бўшаган сўнг,
Чиқиб кетди минган оти,
Боғнинг бир четига кетди,
Келмас Ёдгорнинг ҳолати.
Тушмайди одам сўзига,
Ҳамма ер коронғи бўлди,
Жаҳон кўринмас кўзига.
Оти тўхтаб, Ёдгор тушди,
Полвонлар бари етишди.
Бориб Ёдгорхонни кўрди,
Калтак зарби ёмон бўлди,
Ҳоли забун, туман бўлди.
Жайнар полвон айтар унда:

– Қўй деганда, сира қўймай,
Ҳолин билмай менман бўлди,
Менманликдан бул ёш ўғлон,
Армон билан энди ўлди,
Ойдиной ўзимга қолди.
Ота-энаси кўрмайин,
Ёш болайкан нобуд бўлди,
Иш билмас аҳволи шулди[р],
Менманлигидан илинди.
Мендай полвон аччиқ қилиб,
Калтак билан қаттиқ урди.
Аймоқ полвонлар қўлига
Ёдгор шундай банди бўлди.

Ёдгор ётиб-ётиб, калласи ғувлаб, кўзини очиб, ўзини бу ҳолда кўриб, ҳуши ўзига келди. Полвонлар билди: ўлган йўқ экан.

Бу чорбоғ соп полвонларнинг йиғилиб ётадиган макони эди. Жайнар полвон: – Ўлмабди, ўлмаса ҳам, ўлим учи бўлибди, бу қайтиб сенга қўшилмайди, сенга қўшилмаса ҳам, шул катта гапини қўймайди. Полвонга олиб бориб берсак, бир болани банди қилиб, нима қилиб юрибсизлар деса, кўзини очди, деб уриб ўлдирсак, номардлик бўлса, ундан кўра тагсиз замин жойга солиб, ўзимизнинг ишимиз бир ёқли бўлганча, боғбонга топширсак, полвон қизни кўндириб олгандан кейин, майли, шу ерда юрсин, майли, элига кетсин, – деб боғбонни чақириб келиб, Ёдгорнинг

отини ҳам боғбоннинг қўлига бериб, аслаҳа-анжомларини ҳам топшириб, боғбонга айтди: – Мана бу баччани таги заминга соламиз. Мана, ош бўлса, ошпазда; нон бўлса, нонвойда, раҳм қилсанг, кўпроқ қарарсан, раҳминг келмаса, озроқ қарарсан, ўлса, ўлди, деб жавобини берарсан, энди бунинг ихтиёри сенда, – деб Ёдгорни таги заминга солиб, боғбонга топшириб, калитини ҳам боғбонга берди.

Илгари Ойдинойни кушбеги оламан, деб юрган эди. Сўнгра-сўнгра ул камолга кириб, полвонлар бунинг қадди-жасадини кўриб, ҳар қайсиси бир харидор бўлиб юргандан кейин: "Энди бизга бу иш тўғри келмас. Биз полвонларнинг ўртасига суқулиб, бунинг билан баробар бўлмасмиз", – деб оламан, деган гапи йўқ бўлиб кетган эди.

Ойдиной полвонлар билан ҳар олишганда, гапнинг ўролида: "Қўнғиротда аташтирган шундай одамим бор. Хабар юборганман, ё ўзи келар, ё бир хабарини берар", – дер эди. Шунда полвонларга бу гап нукта бўлиб юрар эди. "Шунинг одами ким бўлса, Ойдинга кўрсатмай, бизнинг устимизга бошлаб келасан", – деб Чандана чолни тайинлаб қўйган эди. "Агар бизга йўлиқмай бориб, иккови бир-бири билан топишиб, икковининг гапи бир ердан чиққан сўнг, бизнинг ўламан-қоламан деганимиз, уни қўй, бизга тей, деб юрганимиз бекор сўз. Яхшидир, ёмондир ўз одамини қабул қилиб кетади", – деб юрар эди.

Полвонлар: – Бул чол бечора бизнинг айтганимизни қилди. Ўртага тушиб, бунинг ҳам бекорга ўлгани қолди. Ойдиннинг одами ҳам излаб келиб, ўлди ҳисоб бўлди. Энди борайик, нима жавоб айтар экан, кўрайик. Подшо ҳам эшитса, уят қилиб юрар. Бира тўла бир ёқли қилайик, – деб бундан жовлик отланди.

Полвонлар чўлни ёйлаб ўтирган бойлар мазгилига қараб чиқиб кетди. Булар неча марта бориб, ҳаммаси юрак чайди бўлиб қолган. Буларнинг келаётганини кўриб, ул мусофир бойлар: "Бу сатта бало тағи келаяпти. Бир нимамизни олса, ё молимизни олса, қўй, деб айтолмасак, бир ерга дотка бўлиб боролмасак; Шомуроднинг қизи қиз бўлмади, бир бало бўлди. Ари бул ўлмади, ё бул аймоқнинг бирови билан бўлмади. Шу йўқ бўлса, тинчир эдик", – деб бу сўзни ўз шаънига гапириб турди, кўзга тушмайик, деб даладагиси уйга кириб ўтирди.

Ойдиннинг энаси бул полвонларнинг келаётганини кўриб: – Болам, иш ёмон бўлди, бу балолар тағи йиғилиб келди, – деди. Ойдиной энасига тасалли бериб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

1980 Аймоқларни кўриб ҳазар қилмагин,
Эна, қўркиб мунча безор бўлмагин.
Келса, келади-да булар лоф уриб,

Юрибди беҳуда ул сарсон бўлиб.
Не иш келар келган билан қўлидан,
Юрибди янглишиб юрар йўлидан.
Аччиқлансам, эна, ғайрат қиларман,
Полвонларга не кунларни соларман,
Қиличлашса, унинг бошин оларман,
Курашса, ер билан яксон қиларман.
1990 Парвойим йўқ, кувватим кўп, энажон.
Булар ҳам бир ўз тенгига зўрабор,
Бўлолмас майдонда менга баробар,
Хаёлингда ёлғиз қизинг муштипар,
Қиз бола, деб ғам емаклик не даркор?!
Ўн минг бўлса, менга бўлмас баробар,
Бу полвонлар сизга ғаба кўринар,
Менинг олдимда бул бир заррача бор,
Ҳар нарсадан кўркиб, эна, не бўлар,
Сен кўркасан, ҳазар қилган одамлар.
2000 Ўлмаса, Қўнғиротдан келар-да Ёдгор,
Қарайман, бўлмади ул хондан хабар,
Ул келганча юра берсин полвонлар,
Булар билан, эна, не парвойинг бор.
Буларнинг калтаги менга кор қилмас,
Булар мени сира йўлга сололмас,
Оғирланиб хафа бўлма, энажон,
Йиғилганман Аймоқ мени ололмас.

Бу сўзни Ойдинойдан эшитиб, энаси: – Не билай, болам, эт-юрак-да, мусофирчилик юртда сесканамиз-да! Сенда шунча қувват бор, гапириб ўтирибсан. Агар яланг қатори қизлардай бўлиб, мен бир аёл-муштипарман-да, деб ўтирсанг, булар судраб олиб кетганда, буларнинг қўлидан ажратиб оларга бизнинг қўлимиздан келарми?! Ким ҳарба қилади? Ўзига инсоф бермаса, нима иш деса, қилади-да. Бул ўтирган элда булар билан ким баробар бўлибди, – деб бир-бирига сўйлашиб турган вақтида полвонлар ҳам етиб келди.

Ойдиной уйдан чиқиб: – Ҳа, келинг, яхши йигитлар, нима ишда юрибсизлар, – деди. Бир полвон туриб айтди: – Бизнинг юришимиз – илгариги сўзинг бор эди: "Қўнғиротга хабар юборганман, шул ё ўзи келса, ё сўзи келса, ундан кейин гап очилади-да", – деган гапинг бор эди. Шу гапни билайин, деб келдик-да! Жайнар полвон туриб айтди: – Э, шап-шап деганча, шафтоли де, қўй-да, деган гап бор. Уни ҳар ёкка жавратиб юрганча, тўғрисини айта бер-да, – деб бир сўз айтиб турган экан:

Ишонган одаминг Қўнғиротдан келди,
Ойдиной мақсадинг сенинг топилди,
Полвонлар сўради, аниғин билди,
Аввал кеп бизларга йўлиқиб қолди,
Оти Ёдгор экан, майдонда ўлди,
Менманликман келиб бизга дуч бўлди.
Ҳолин билиб, милладорлик қилмади,
Ёш экан, бизларни писанд қилмади.
Шердай бўп талпиниб майдонга кирди,
Етар-етмас нечовларни ўлдирди,
Охирида келиб менга дуч бўлди,
Ҳолин билмай, менинг чангимда ўлди,
Полвонлар йиғилиб қошингга келди.
Эндиги мақсадинг сенинг не бўлди?!
Қиз боласан, баҳодирлик қиласан,
Сен қилар касбингни ўзинг биласан,
Бир одамман иккибошдан бўласан,
Бир рўзғор эгаси бўлиб қоласан.
Бурунги ишингни Ойдиной ташла,
Биримизни хохлаб, ё ўзинг ушла,
Уй-рўзғор қилмоққа энди иш бошла.
Кўнгилда одаминг дунёдан ўтди,
Энди кўп талпинма, мақсадинг битди,
Бул Жайнар раъйингга бўлар сўз айтди,
Қиз бошингман уруш қилмоқ уятди[р].
Қизларнинг хизмати бир чарх йигирмак,
Ўзбак қизлар тўқийди, билсанг, ўрмак,
Йигитларнинг иши полвонлик қилмоқ,
Бировман талашса, юриб ўч олмоқ.
Келар деб Қўнғиротдан сен умид қилма,
Бул аҳволда юриб ишинг биткарма.
Бешгина кун, сенинг замонинг ўтар,
Бу ҳусну камоллар ҳам сендан кетар,
Қарилик навбати бир куни етар.
Йигитлик мавсуми хўп сабза баҳор,
Йигитликни ўткармагинг на даркор?!
Бир кизсан-да ўзинг, мунглик, муштипар,
Ҳар кимман талашиб, бўлма баробар,
Сен хохлаб, ватанни қилгин ихтиёр,
Кўнглингда қолмасин бир гуфти ғубор,

Сенга неча сўз айтгандир бу Жайнар.

Бу сўзни Ойдиной эшитиб, бағри эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, полвонларга караб, бир сўз айтиб турган экан:

Ёдгор ўлган бўлса қўлингга келиб,
Сен келдингми уни менга билдириб,
Қаерга борарсан сен омон колиб,
Ёдгорнинг кунини бошингга солиб,
Молу мулкинг ул куни вайрон килиб,
Қўлимда ўларсан Ёдгордай бўлиб.
Ўз холима бунда фиғон этарман,
Урушда киличга қонлар котарман,
Чангалима келсанг, чирпиб отарман,
Аймоқсан, барингни ҳам бўзлатарман.
Зўрман, деб дунёда аҳмоқ бўлибсан,
Ёдгорни ўлдириб, бунда келибсан,
Энди, билгин, менга дўстлик килмайсан,
Аймоқ халқи, баринг душман бўлибсан.
Энди кўргин Ойдинойнинг ишини,
Рахм килмай, кесай душман бошини,
Сен ўлдирган бўлсанг келган кишини,
Сенга қилай Рустамнинг урушини.
Не бўлса мен энди қонлар ютарман,
Суякларинг майда-майда этарман.
Писанд қилиб келдинг менинг қошима,
Етайин, аймоклар, сенинг бошингга.
Билмасликдан келиб ҳам дуч бўлмайми,
Полвон халқи сира рахм килмайми,
Ўлдирдим, деб кўтарилдинг сен менга,
Ўлдирмак полвонга айб бўлмайми,
Полвон халқи ғайратини кўрсатиб,
Йўл билмаса, ғапман йўлга солмайми?!
Полвонлик номини булғаб келибсан,
Айб ишни менга сўйлаб турибсан,
Мени оларман, деб умид қилибсан,
Энди сен ҳам ўларингни билибсан.

Бул сўзни Ойдиндан эшитиб, полвонлар бир-бирига караб: – Бул бировимизни хохлаб тегади десак, энди бўлди биз билан тараф, – деб

жойин серпилиб, бурунгидай ўзини якин билмай, Ойдиннинг сўзидан ҳазар килиб колди.

Ойдин қайтиб, ичкари кириб, уруш кийимларини кийиб, калтак-лакомини қўлга ола берди. Энаси: – Э, болам, сен бўлакдан харакатга шардинг, булардан нима гап билдинг? Сен бир уруш тарадди килдинг. "Бало тегмаса, балода сенинг ниманг бор", деган. Булар нима деса, деб айтиб кетиб бораяпти. Буларнинг кейнидан отланиб, тегинмаган балони тиб олиб, нима киласан. Болам, булар кўп-да! Арининг уясига тегинсанг, тага олиб талайди. Сен бир ўзинг кўпга тупрок сочасанми?! Булар сенга дигини ўтказиб, оёк ости килмаса, сенинг буларга тегинишинг айб. Биз бир оз эл, кўчмана халкмиз. Тебранса, баримизни босиб, оёк ости килиб кетади, булар билан баробар бўп бўлмайди, – деди.

Ойдиной: – Эна, сен бизнинг ишни билмайсан. Сен ўз ишинг билан бўлгин. Менинг учун ғам хам ема, беғам хам бўлма, – деб чикиб, отини миниб, полвонларнинг кейнидан юриб бора берди. Кетмокни ор билиб, ул полвонлар хам караб турди. Ойдиной полвонларга якинлаб бориб, бул сўзни айтиб бора берди:

Полвонлар сенга етишдим,
Полвон борсан, тараф тушдим.
Мен отландим сенга караб,
Қўлингда ўлган бекни сўраб.
Мени деган мехрибонди[р],
Хонни ўлдирган душманди[р].
Қаерда ўлиги колди,
Кўрсат менга Ёдгоржонди.
Тоғ бошини чалар туман,
Кўрсатмасанг Ёдгоржонни,
Бермасман сизларга омон.
Лазза тушиб ширин таним,
Ёдгорнинг йўлида жоним,
Мени излаб ғариб ўлган,
Қайда колди мехрибоним?!
Борсам калангни бузарман,
Танингдан бошинг узарман,
Жигар-бағрингни эзарман,
Мен айрилмас дардисарман,
Қайда колди Ёдгор жоним?!
Ўз тилингдан сен хам айтдинг,
Аъзо-баданим қақшатдинг,

Менинг бағрим доғлаб кетдинг,
Ёдгор дедим, энди етдим,
Ўлик-тиригини топсам,
Шунда топилар мақсадим.

Бу сўзни эшитиб, Жайнар полвон Ойдинга бир сўз айтиб турган экан:

Ҳаддингдан ошма, муштипар,
Бу йигитлар Ёдгорча бор,
Ёдгорингдан, билсанг, зиёд,
Ҳар қайсиси Қайсарча бор.
Аччиқ қилса, қовоқ уяр,
Кучини билакка жияр,
Ҳар биттаси мингга тияр,
Бил, ғайрати Рустамча бор.
Лоф уриб, йўлдан адашма,
Тўхтат ўзинг, мунча шошма.
От ўйнатиб бунда келдинг,
Сен ўзингни нима билдинг,
Бир қиз десак, раъя қилсак,
Сен бизларни мазақ қилдинг.
Бизлар чиқибмиз йўлингдан,
Аяма келса қўлингдан.
Урушли кун ўлган Ёдгор,
Биз бўлибмиз-да гуноҳкор.
Сўзимни олдинг қиёма,
Келса қўлингдан аяма,
Бунча бизга дўқлай бердинг,
Солиб қўйган новчанг борма?!
Бул полвонлик ном кўтарган,
Подшолардан инъом олган,
Қаттиқ кунда керак, дейди,
Инъом бериб, боқиб юрган,
Ихтиёримиз ўзимизда,
Подшоларга хизмат қилган.
Бизлар айтдик бўлган сўзди,
Ҳеч кўрмадик сендай қизди,
Бизни хизматкордай қила бердинг,
Билмай қолдик қандай сўзди[р].
Мана, оранг якин қолди,

Нима килсанг, ихтиёринг,
Энди айтган сўзим шулди[р].

Ойдиннинг устида уруш-аслаҳа кийимлари, бошида кундуз суяган телпак, шундай от устинда турса, бунинг қиз-ўғиллигини ҳеч ким билмайди. Неча дўғилиб, неча кўриб юрган бул полвонлар танийди, булардан ўзга одам танимайди. Шунда Ойдин:

Юрибсан овингни овлаб,
Ёдгорнинг хунини довлаб,
Полвонларга бул от кўйди,
Ойдин омин, деб ҳай-ҳайлаб.
Ёдгор учун кечай жондан,
Ўчим олай бу душмандан,
Юз кайтармайин майдондан.

Бу сўз айтиб энди Ойдин,
Полвонга Ойдин етишди,
Бир ўзи ўртага тушди,
Қайтмайди, ёлғиз савашди.
Тоб бермас Ойдин ишига,
Юрак килиб нечовлари
Келолмас Ойдин кошига,
Кўрингиз Жайнар полвонни,
Ойдиной урди бошига.
Кўплашмакчин бўлиб булар,
Отин суриб етиб келди.
Шул замонда ёнбошига.
Ойдин отли шундай кизди[р],
Шул замон белидан ушлаб,
Полвонни отидан узди,
Айналтиб отди далага.
Полвонларнинг онги кетди,
"Дуч бўлдик қандай балога".
"Кўрсатмасанг Ёдгоржонни,
Энди сенга бермай омон".
Ойдиннинг таёғи тейган
Қанчалари ярадор бўп,
Сулаб ётир ичи куйган.
Бирор майдон уруш килди,

Бул майдонда юриш қилди,
Бешта-ўнта полвон ўлди,
Бул Ойдиной хўп иш қилди.

Шунда боғонаги Жайнар полвон Ойдинга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Лодон бола, сен бир ёмон иш қилдинг,
Бул эр йигит полвонларни ўлдирдинг,
Жуда сен ҳам зўрлигингни билдирдинг,
Ханжар чалмай бағрим қона тўлдирдинг,
Қизил юзим заъфарондай сўлдирдинг,
Ҳазил сўздан гапирибдик бир сўзни,
Чинга олиб бунда ажаб иш қилдинг.
Элатимда шоҳлик ғамин еб эдик,
Биз ҳам сени синамоқчи бўб эдик,
Ёдгор деб устидан савол қиб эдик.
Бунча ҳам айлантирмагин-да бизни,
Ёдгор деб гапирдик сенга бир сўзни.
Ёдгоринг ким бўлар, нима биламиз,
Ёдгорингни бизлар қайдан кўрамиз.
Бир келса, албатта ул сенга келар,
Хабар топса, анда қандай иш бўлар,
Ҳазил сўзга сенинг урушинг бекор,
Бир сўз айтиб биз бўлдикми гуноҳкор,
Ўзинг бўлдинг айрилмасдай дардисар,
Уруш ҳавас қилсанг, жанжал топилар,
Ўзинг аёл, сенга уруш на даркор?!

Бу сўзни эшитиб, Ойдин шаштидан қайтиб: "Ҳали ҳам шуларнинг инсофи бор, ҳаммаси бирдан интила бермайди. Ҳазиллаган сўзга шунча аччиқ қилибман", – деб уялиб қайтди.

Энди полвонлар айтди: – Бунга бир маслаҳат қилайик. Маслаҳат шундай бўлсин: Биз Ойқашқа полвонга хабар берайик, унинг қошига борайик. Бир кўчманчининг қизи аймоқ полвонларини саф синдириб, оёк ости қилиб юборибди, деган ланқа бўлмасин.

Шунда ўзга полвонларнинг ҳаммасини ётоқ жой-мазгилига юборди. Жайнар айрилиб, Ойқашқа полвоннинг олдига борди. Жайнарни кўриб, Ойқашқа полвон туриб айтди: – Сизлар боғда, баҳор чоғда, жуда кайфу сафо устида. Нима ишда келдинг, торинг суст? Менинг назаримда, анча илкув-силкув еб, эгасидан таёқ еган маймундай бўлиб қолибсан!

Шунда Ойқашқа полвонга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Эрисин, тоғларнинг кори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин,
Илоҳим, полвонлик касби курисин,
Бир забардаст полвон кизга учрадим.
Зўрман, деб дунёда лоф уриб юрдим,
Полвоннинг зўрини бу ерда кўрдим.
Ойни хира қилар қараса юзи,
Одамга чирпиллаб ботади сўзи,
Оти Ойдин экан, кўчманчи кизи,
Бир забардаст полвон кизга учрадим.
Неча марта бориб, дўғилиб кўрдим,
Ул кизни Қайсардай юракли билдим.
Рустамдай чирпиниб майдонга келар,
Ақлим кетиб, бўлиб эдим харидор,
Майдонда зўр бўлиб, кучларим бекор,
Полвоннинг туғдори бўлса, йиқитар,
Бир ажойиб полвон кизга учрадим.
Ўйласам, кўп бўлар юракда дардим,
Ростин айтсам, келмас менинг қувватим,
Полвон дедим, сендан бўлди умидим.
Ҳосил бўлиб келсин энди мақсадим,
Бир забардаст полвон кизга учрадим.
Олишиб кўрмакка хаёлим қочар,
Чангалига бўлиб бўлмайди дучор,
Агар сен майдонда бўлсанг гирифтор,
Кафан тўнинг бича бермагинг даркор.
Полвонлик таъма қип бизлар кўп юрдик,
Неча шаҳарларни зўрликман олдик,
Арасхон мулкида кўп эркин бўлдик,
Бундайин қувватли кизни кўрмадик.
Аччиғланиб магар қилса сиёсат,
Қошида ҳеч кимда қолмайди тоқат,
Зўрлигига ақлим етмас, аломат.
Бир йўлиқсанг, қутулмассан саломат,
Шундай ажаб бир зўр кизга учрадим.
Ушлашиб кўрмадим, ҳолимни билдим,
Мен ушлашсам, ўларман, деб сескандим,
Суяниб Ойқашка-ё сенга келдим.

Не гап бўлса, сенда бўлсин ихтиёр,
Юрак килмас кўриб сира полвонлар,
Менда унга ишкибозлик дарди бор,
Ўзгаларнинг юриш-шавкати бекор,
Бир забардаст полвон қизга учрадим.
Унга борган одам нобуд бўлади,
Овозаси юртни тутиб боради,
Полвонларнинг бари қойил қолади,
Бир забардаст полвон қизга учрадим.

Бу сўзни эшитиб, Ойқашқа полвон: – Бир боғда ётган канча одамсан Бир кўчманчининг қизидан қўрқиб, зўр экан, деб тайсаллаб, ўз бошингни қутқаролмай, мунда келибсан. Тағи сен ҳам подшонинг бир атоқли полвонисан. Бул полвоннинг чангига тушса, қизнинг нима жони бўлади Майдаланиб кетмасин, деб авайлагандирсан-да, – деди.

Жайнар полвон айтди: – Гапни ҳазилга айлантирманг. Унинг ишини кўрсангиз. Жайнок полвон ҳам мендан кам эмас эди, отнинг устидан узиб олиб, айлантириб отиб юборди, ерга тушиб, майда-майда бўлиб кетди Баримиз олдин-кейин полвонмиз. Ерда олишган вақтда ҳам ҳеч маҳалда бир қўллаб бошидан айлантириб отиб юборолмайди. Қайсиси зўр бўлса, бул отнинг устида ерга жўн йиқитади. Агар ерда олишса, ким нима ишлаш қилади. Бул ишини кўргандан кейин қандай одам у билан баробар бўлади?

Бу сўзни эшитиб, Ойқашқа полвон айтди: – Сенинг ўзингда ҳам бадфеъллик бор. Тегмай, жўн юрсанглар, шунда ҳам отланиб чиқиб сизларни қувиб, ура берадими?! Тўғри юрган киши билан ҳеч бир кишининг иши бўлмайди. Бул элга суяниб келиб ўтирган бир мусофир бой экан, молини ўтлатиб, кун кўриб юрган одамлар экан. Одамсираб ҳар қайсинг бориб, тегина бергандирсан-да! Бориб, бир қиз билан уруш қилиб, унинг қайси кўргон, қайси шаҳарини оламан, деб аҳмоқ бўлиб юрибсизлар. Биров эшитса, уят қилар, деб эсларингга келмадими?!

Шунда Жайнар полвон айтди: – Уни биз ҳам биламиз. Унинг кўргони тува, солиб қўйган битта томи ҳам йўқ. Ўзи полвонларга тир келадиган шуйтиб кўриб, Ўрта чўлда айланиб қолдик. Сенга ёрдам сўраб келиб эшитмаган гапларни эшитиб, қайтам сендан изза бўлиб кетадиган бўлдик.

Бу сўзни эшитиб, Ойқашқа полвон айтди: – Изза бўлма. Бир ерда унинг одами бордир. Одами бўлмаса, сизларга бунча ҳарби даф айтиб юрмас эди.

Жайнар: – Одамини бизлар банди қилиб олганмиз, – деди.

– Бошдан ишингни созлаган экансан! Фалон ерга фалончага боринглар деб биров келаётса, унга сизлар йўликсанглар, фалон ерга борадиган сенмидинг, деб камаб куйсанглар, ул одами келса, майдонга тушса,

...санг, мард бўлсанг, ишингни майдонда кўрсатсанг, ҳар ким тан беради. Бегор боғда булар томоша қилиб, кўнгли ўсиб юрибди деса, баринг шаҳарликнинг текин овқатини еб, дунёнинг ғурбатини бошингга йиғиб, шайу-ваҳмни орқалаб юрган экансан-да. Сен кай аҳмоқ ўйинг билан менинг қошимга келдинг? "Бизнинг полвонларимизга дам бериб сан, чиқ, курашсанг", – деб қайси кўчманчиникига бориб, кимнинг қизига таъраф тортиб, кимнинг уйини безовта қиламиз бориб? Бир ерда экса ҳам, ўзи ўрмайдиган аҳмоқ экансан! Мени эси йўқ фаҳмладингми? – деб неча сўзларни айтиб, энди уялганини билиб, Ойқашқа бир сўз айтиб турган экан:

Ҳалак бўлиб Жайнар келибсан маган,
Бир қиз бўлса, олиб берайин сағаи,
Ҳали сен йўлингдан қолма бул замон,
Юбормаймиз уни юртига омон.
Кечикмайин мен ҳам бундан борарман,
Бир хизматинг бўлса, ўрин киларман,
Кўнглингда муддаонг сенинг шул бўлса,
Кўчманчидан хотин олиб берарман.
Бепарвой бўп юра бергин, ғам ема,
Войим қилиб сен овқатни кам ема.
Қулоқ солгин Ойқашқанинг тилига,
Ҳеч ким киркиб чиқолмайди йўлига,
Сенинг учун бориб қолсам майдонга,
Қарамайман мусофирлар ҳолига.
Борсам мен, ўзимни маълум киламан,
Бир қизни ҳамма вақт олиб бераман.
Келибсан сен менга бошингни ийиб,
Бадҳаво юришли феълингни қўйиб,
Аввал гапирарман бойларни жийиб,
Душман бўлса маконига ўт қўйиб,
Бир қиз бўлса, шуйтиб олиб берарман.

Шундай қилиб, қайтариб юборди. Гапига ишонар-ишонмас бўлиб, Жайнар полвон ҳам қайтди. Бу полвонлар қаради, Жайнар келаяпти. Юришини кўрди: соли сувга кетган, ҳисоби йитган келаяпти. Полвонлар айтди: – Бунинг юришига қараганда, ўз гапидан ўзи уялиб, нам тортиб келаётганга ўхшайди.

Жайнар келиб отидан тушди. Бари сўрашди: – Маслаҳат қандай бўлди, одамни каерга қўйилди?

Жайнар полвон айтди: – Маслаҳатни ҳам билмай қолдим. Бу гапнинг олди-кетини англамадим. Энди ўзимизнинг маслаҳат шул: Ойкашка келганча ўз ишимиз билан юрамиз, ўнгу сўлдан хабар олиб турамиз. Булар шул маслаҳатни қилиб, бул маконда ётди. Кундуз куни бари шикор қилиб овда, товда юради, оқшом ётар жойга йиғилиб келади. Булар ҳеч ним билан иши бўлмай, ҳеч нимани билмаган киши бўлиб юра берди.

Бул ўртада неча кун ўтди. Ёдгорга боғбон караб юрибди. Боғбоннинг бир қизи бор эди. Баркамол, бўй етиб қолган эди. Бир кун Ёдгорни кўриб қолди. Кунларда бир кун вақтини топиб, эшикни очиб, ичкари кирди. Ёдгорни кўриб, Ёдгорга караб, ҳолини сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Сендайин ўғлонни бул жойда кўрдим,
Қайдан бино бўлиб, қаердан келдинг,
Ўзинг келиб бунда қафасда қолдинг,
Нега полвонларга сен дучор бўлдинг?
Буларнинг устига қилдинг юришди,
Кимни кўрса, булар қилар хурушди,
Бундай жойга сен қаердан етишдинг,
Лочинлар қўлига сен нега тушдинг?
Менга хабар бергин ўсган элингдан,
Чиқиб келган гулшанли мазгилингдан,
Кунда хабар олай сенинг ҳолингдан,
Нима даркор, бериб турай қўлимдан.
Отам боғбон, сени сўраб оларман,
Гуноҳкорсан, ўлим-ўтинг тиларман,
Тақдир этса, сенга жавоб берарман.
Не сабабли келиб тушгансан тўрга,
Сен нега йўлиқдинг ўзингдан зўрга,
Одаминг йўқмиди сениман бирга,
Сен юриб кетмабсан бир тўғри йўлга,
Келиб қопсан бу хатарли мазгилга.
Элу халқ полвони бунда йиғилган,
Сендай ўғлон зўрларга дучор бўлган,
Сени мазоқ қилиб бу ерга солган.
Сен ҳам ўз юртингда белгили полвон,
Ёлғизлик асари шундайин бўлган,
Бир иш учун келиб, бунда илинган.
Сиру аҳволингдан баён айлагин,
Ўтириш-туришинг яхши кўринган,
Сенинг тарзинг кўрган одам суюнган,

Ҳамиша қўлингдан яхшилик келган,
Ёмонлик ишини ташлаб сен юрган.
Муддао-сирингни гапиргин, полвон,
Қайси элдан бунда келиб қолдингсан?
Полвон сенга зўрлигини ўткариб,
Ҳийла билан сенинг ишинг биткариб,
Сени ким оп келди мунда еткариб,
Билиб, ҳеч ким келмас сени ахтариб,
Сен ётибсан бу ерда ғариб бўлиб.

Бул сўзни ул киздан эшитиб, кизга караб, Ёдгор сиру аҳволини гапириб, бир сўз айтиб турган экан:

Одам бўлиб чиқдим Қўнғирот элимдан,
Ҳар ким тўғри бўлолмаган йўлимдан,
Ақлим шошиб бу элларга келдимман,
Юртимда белгили юрган лочинман.
Фалак менинг бахоримни хуш этди,
Ода бўлмас бу савдога дуч этди,
Азизман, деб бир чол бошлаб келибди,
Ёмонлиги менга маълум бўлибди,
Эшонман, деб шу йўлларга солибди,
Ахири қўлимда ул чол ўлибди,
Атрофимни қанча полвон олибди,
Мендай мард ёлғиз-да, уруш қилибди.
Қўнғиротнинг юртида мардниинг макони,
Хазон бўлди ўйнаб-ўсган гулшани,
Бундай эмас эди отам фармони,
Чангалига олди полвонлар мени,
Бий элларда ғариб Ёдгорнинг тани,
Кўрса, айланади нечовнинг жони,
Қоронғи том мендай бекнинг макони,
Ўтган гаплар ўтиб кетсин, гулюзли,
Сенга курбон бўлсин хонингнинг жони.

Шундай бўлиб, Ёдгорнинг аволини билиб: "Бир юртда белгили одам экан, фалакнинг гардиши билан полвонларга бир тараф тушиб колган экан, полвонлар кадр-кимматига етмай, буни таги заминга солган экан. Ҳар иш мардларнинг бошида бўлади, номардда нима иш бўлади. Келиб, англамай, буларнинг қўлига тушиб колибди. Нима бўлса, бунинг хизматида

бўлайин, бир нарсага зарил килмай, айтганини мавжуд килиб турайин, хизмат билан кўнглини олайин. Полвонлар эсига олса, ўзидай баходир билса, агар бунга жавоб берса, шундайин хизматимнинг оркасидан мени кўздан ташлаб кетмас. Йўк, агар эсига олмаса, не айнос килиб, шу ердан халос килиб юборайин. Бир отланиб далага чикса, хар кандай одам бунинг жиловидан ушлай олмас. Сени ким бўшатди, деб туртиб, хайдаб олиб келиб, яна қамай олмас. Душмандан ўчини, дўстдан кекини олиб юрган одам экан", – деб неча кун бунинг хизматида бўлди. Бу кизнинг ишини хеч ким билмади. Ўлдими-қолдими, Ёдгордан ҳеч ким хабар олмади.

Кунларда бир кун Ёдгор айтди: – Хўп яхши хизмат килдинг, хурмат килиб, қарашиб турдинг. Менинг от-анжом, ёв-ярокларим каерда қолди экан, биласанми?

Ул киз айтди: – Хар на анжоминг отамга берилган. Ул полвонлар ёв-ярок, анжомга зарил одам эмас. Барининг ўзининг керакли нарсаси бор. Улар бировнинг яроғини олмайди. Агар яхши кўриб биттаси олса, ўзаси қурук колса, кўнгил қоралик қилади. Шул сабабли яхши кўрса хам, биттаси менга бер, деб айтолмайди.

– Менинг керакли нарсаларим отангнинг қўлида бўлса, бу полвонлар бизга душман, буларга билдирмасанг, вақтини топиб, менга етказиб берсанг. Агар шу ердан халос килсанг, мен хам сенинг яхшилигингни кўнглимдан чикариб кетадиган одам эмасман. Танада жоним бўлса, бу хизматларингни унутмасман, – деди.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, Ёдгорга ул кизнинг мехри зиёда бўлиб, кунларда бир кун кийим-кечак, ёв-ярок, асбобини олиб келиб, Ёдгорнинг қўлига берди. – Вақтини топиб, келиб хабар бераман, отингни хам миндираман. Ундан кейин хизматингни ўзинг биласан. Дунё-молинг керак эмас. Кўп гапириб юрамизми, бу ёгига ўзинг хам тушуниб турасан, – деди.

Бул киз бу сўзларни айтиб, отнинг пайида бўлиб юрди Бир куни бов овлоқ бўлди. Хар ким хар тегишли ишига кетди. "Бундан кулай вакт бизга ўнгай келмас", – деб Ёдгорни таги заминдан чикариб, отининг қошига ияртиб бориб, Ёдгор отини кўриб, ул кизнинг хизматидан кўнгли тўлиб, отининг устига минниб, киз Ёдгорни отлантириб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Бир нечук номардга кўнгил бермагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,
Хизматимни кўнгилингдан чикариб,
Хоним, ўйла, мени хафа қилмагин.

Ҳар қаерда юрсанг, кўнглингга олгин,
Омон-эсон тағи бурилиб келгин,
Мени сен ўзингга хизматкор қилгин,
Менинг билан бирга умринг ўтказгин.
Отингга миндирдим, ўйлагин, сани,
Сенга қурбон мендай ойимнинг жони,
Сира ҳам эсингдан чиқарма мани,
Ўзинг айтдинг, билдим Қўнғиротнинг хони,
Кетарингда бирга олиб кет мани,
Кетсам, йўқдир бу кўнглимнинг армони,
Қайда борсанг, омон бориб, омон кел,
Мен ҳам бир кўлингда сенинг кизил гул,
Ўзинг ўйла, сўлдирмагин, вақтим шул,
Кўп кечикма, қандай бўлса, эрта кел.
Мени бирга олиб кетгин элингга,
Қаттиқ кунда мен қайишдим ҳолингга.

Бул сўзни эшитиб Ёдгор: – Э, сен мени номард билма, индамай кета беради, деб хафа бўлма. Бу хизматингга қайтарда сени олиб кетарман, – деб хўшлашиб, боғдан чиқиб кета берди.

Бирор майдон йўл юрди. Ўрта чўлда булдираб бойларнинг мазгили кўринди. "Бул кўчманчи халкнинг эли-да", – деб бораётиб эди, ҳар тарадан, товдан, овдан полвонлар тушиб, тўп-тўп бўлиб келаётиб эди, Ёдгорнинг олдидан чиқиб колди. Ёдгорни кўриб, полвонлар рўпарай бўлиб, бул сўзни атаяпти:

Бандиликдан озод бўлган,
Ким сени бу йўлга солган,
Олдингдан чиқишди полвон,
Хабар бер, қайда борасан?
Боз йўлиқдинг келиб менга,
Ларза тушиб ширин танга,
Ул шаҳарга ҳайдаб бориб,
Сени соларман зиндонга.
Кўзингга кўринмас осмон,
Ернинг ости сенга макон.

Бу сўзни полвонлар айтди,
Узоқдаги яқин етди,
Бир-бирига бул ушлашиб,

Полвон кўпдир, жам бўлибди.
Кўринг ёлғиз ботир Ёдгор:
– Қоча бер энди, полвонлар,
Зиндон дединг, бир сўз айтдинг,
Омон қуймас, келди Ёдгор,
Ёдгорбек ёлғиз айдаҳор,
Қўлга олувдинг, полвонлар,[14]
Сенинг ул ишларинг бекор,
Йўл кўрсатди парвардигор.
Зўрлигингни билдирганинг,
Айтганингга кўндирганинг,
Энди бунда, лодон полвон,
Қани мени ўлдирганинг?!
Менинг ғайратимни кўргин,
Мана, майдон, уруш қилгин,
Бўлиб қолсин энди қирғин.

Сўз айтгандир алвон-алвон,
Ханжар қўлида Ёдгорхон,
Гуруллашиб қанча полвон,
От солди Ёдгор устига.
Ёдгорни ушлаб олсак дейшиб,
Қўлга банди қилсак дейшиб.
Ачинғган Ёдгорнинг иши,
Атрофида сонсиз киши,
Ёлғиз Ёдгорнинг саваши,
Кесилди нечанинг боши.
Полвон отга амчи уриб,
Ушла, дейди, довуш қилиб,
Ёдгорга боргани ўлиб,
Кам-кам уруш қизиқ бўлиб,
Ёдгор бўлиб келар ботир,
Дустуман бўп неча полвон,
Қумни қовиб сулаб ётир.
Бир изи-чув уруш бўлди,
Қумқуют бўп, хўп иш бўлди,
Атрофини тўзанг олди,
Кўрган одам ҳайрон қолди.

Шундай бўп уришиб ётди,

Ойдинойга шовким етди,
Бу шобирни ул эшитди,
"Билмам қандай аломатди[р]",
Ҳамма писиб қараб ётди,
Билмас Ойдин не гап бўбди,
Ойдинойим миниб отди,
Ёви-яроғи қўлида,
Бул урушга кичаб етди.
Ойдин борганини кўриб,
Полвонларга оғир бўлиб,
Ойдинойнинг ғайратидан,
Мунда зарба қувватидан,
Полвоннинг бари сесканиб.
"Ойдин бунда келди, дейди,
Турган полвон ўлди, дейди.
Ёдгор эди бунда эрмак,
Жуда қийин омон қолмоқ,
Иш онсон урушда ўлмоқ,
Кеп қолди бул қиз жувормак.
Урушнинг устига келди,
Дўсту душман билмай қолди.
Не уруш деб сўрамайди,
Баланд-пастга қарамайди".
Келар қилич алаб-ялаб,
Олтин коса, гулгун шароб,
Ойдинойим қилар талаб,
Кетди урушга оралаб.
Шул бўлди Ойдиннинг иши,
Душманнинг кўзида ёши,
Сулади полвонлар лоши,
Рустамдай бўлди саваши.
Не полвонлар қонлар ютди,
Бундан фано бўлиб кетди,
Бирга олиб қанча одам,
Ойқашқадай полвон етди.
Келиб бул урушни кўрди,
Ойдиннинг ишини билди,
Қанча сонсиз полвон ўлди,
Ўлик деган қийраб қолди,
Қон тўкишиб Ўрта чўлда,

Қандайин аломат бўлди,
Келиб бул энди Ойқашқа,
Қолганини айиришга.

– Лодон бўлиб бир иш қилма,
Энди урушиб, баринг ўлма,
Ойдин, дейсан уруш қилиб,
Бир топширган ҳақинг борма?!
Ҳар ким кетсин ўз бошига,
Кет энди, ишингдан қолма.
Ёдгор билан Ойдинойни
Полвонман, деб йўлдан урма.
Ҳар ким ўз жойида юрсин,
Кўнглида борини қилсин,
Энди уруш охир бўлсин!

Шунда ўлган ўлиб, қолгани айрилиб кетди. Ёдгор Ойдинининг қошига келди. Ойдин сўради: – Қандай одамсан? Бул нима уруш? Сен ул полвонлардан айрилиб келдинг, ул полвонлардан эмасмисан?

Шунда Ёдгор айтди: – Мен Кўнғиротдан. Неча вақт бўлди келганимга. Илгари ҳам бир уруш қилиб, мени бандга олиб, қўлга туширган эди. Бирор сабаб бўлиб, ул банддан мени чиқариб, йўлга солган эди. Мени бу ерда кўриб, тағи банди қиламиз, деб уруш қилиб турган эди.

– Кўнғиротдан нима ишга келдинг?

– Менинг отим Ёдгор, Алпомишнинг ўғлиман. Бир аташтирган ёримдан хабар бориб, шуни ахтариб келаётганман. Келиб, буларга дучор бўлиб, неча вақтдан бери шул ҳалакчиликда қолиб, айланиб юрибман.

Ойдиной айтди: – Эса, энди душманларинг умидини узиб кетди. Бизнинг меҳмонимиз экансан, биз ҳам Кўнғиротдан, қариндош эканмиз, – деб эргаштириб кетди, мазгилига етди. Бир ўтовни созлаб туширди. Ундан бул, бундан ул эшитди. "Алпомишнинг ўғли келибди", – деб овоза бўлиб, катта-кичик бари келиб кўрди, отасининг бандиликдан келганини ҳам сўраб билди.

Ёдгор неча кун бунда турди. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Ёдгор айтди: – Мен сизлар учун келганман. Барингни олиб бориб элга қўшаман. Кишининг элида, бир подшонинг қўлида туртки еб, ҳеч кимдан бир гап эшитиб, гапирганинг эм бўлмай, маърака-майлисда пойгада қолиб, хор бўлиб, оёқ ости бўлиб юрганларинг яхши эмас. Баринг элга боринглар. Бари кўнғирот жам бўлиб, ўз элларингни обод қилинглар. *Баримиз чўлукамимизда турайик*[15]. Мана, мен бир ботирман,

Қўнғиротнинг полвониман, деб юрибман. Менинг отам Алпомиш бир алп одам. Ўзларингга маълум. Биз элни душмандан, ёвдан қўриклаймиз, элдан ёмон чиқса, жазосини берамиз. Баримиз йиғилиб, элни обод қилмокнинг пайида бўлайик, тўп-тўп бўлиб, ҳар тарафга тўзиб кетмайик, – деб шуларни излаб келдим.

Бу гап барига маъқул тушиб, эрта саҳардан кўчмакнинг пайида бўлди. Ёдгор Ойдиной билан топишиб, Ойдинойнинг уйида мехмон бўлиб, тўйни Қўнғиротда қилмоқчи бўлиб ётди. Кўчманчи эл, эрта саҳар молларини йўлга солиб, бариси бирдан отланиб, Арасхонга ҳам хабар бермай, Аймоқ элга билдирмай, жўнаб кетди.

Хабар қилиб елиб-йўртиб,
Салкин вақтда уйни ортиб,
Қўнғирот қараб йўллар тортиб,
Қўю йилқини жўнатиб.
Булар кетди йўлга тушиб,
Йўлда чўпон айҳайлашиб,
Ойдинман Ёдгор отланди,
Бу элнинг кейнидан тушиб.
Шундай бўлиб борар бойлар,
Обод бўлар мазгил-жойлар
Душман келса, даф айтсак, деб
Ойдин, Ёдгор шундай ўйлар.
Гоҳи қўниб, гоҳ йўл юриб,
Элатини ҳавас қилиб,
Ўз юртини эсга олиб.
Аймоклар қилди зулм, деб,
Бурунги жой – мазгилим, деб,
Қанча йўлни юриб кетди,
Қани, Бойсиндай элим, деб.
Бошимиздан кетди ғубор,
Қанча ҳалак қип аймоклар,
Фано берса парвардигор,
Омон-эсон етсак бизлар,
Адашган жойини излар.
Баходирлик ном кўтарган,
Аймоқда овоза бўлган,
Бораётир Ойдин қизлар.
Неча вақт чўлда йўл юриб,
Элатига якин қолиб,

Қўй оёғи билан тинмай,
Қирқ кеча, қирқ кундуз юриб,
Бойсиннинг мулкига кириб,
Нечовлари йўлда хориб,
Буларнинг элга келгани
Бойсинга овоза бўлиб.
Олиб бориб энди буни,
Бирга келган бунда эли,
Ёқалашиб энди қўнди,
Бойсинда Кўккамиш кўли.

Буларнинг келиб бурунги жойига қўнганини халқ эшитди. Ойдин [illegible] жойида қолди. Ёдгор буларни қўндириб, қайтиб ўз уйига келди. Энаси отаси кўрди: Ёдгор бир ўзи зингкийиб келди. Шунда энаси Бар[illegible] Ёдгорнинг қошига бориб, юришига қаради: Хеч ниманинг тайини йўқ[illegible] "Бу бош болам, Аймоқ юртига бораман, деб тополмай, йўлдан қайт[illegible] келдимикан?" – деб Ёдгорга бир сўз айтиб турган экан:

Болам, йўқдир номус-оринг,
Қани олиб келган ёринг,
Қай элларга бориб келдинг,
Хориган йўқдир тулпоринг.
Муддат килган ерга бормай,
Қириб-жўйиб обрў олмай,
Ёлғиз келибсан уялмай,
Баркамолсан, иш кўрсатмай,
Қимирламай турсанг бўймн,
Жоним болам, халак бўлмай.
Тентираб қаерда юриб,
Ёлғиз келдинг сарсон бўлиб,
Халкка ўзингни гап қилиб,
Хотин олмай, ёлғиз келиб.
Болам, бўшлигинг қолмади,
Энанг максади бўлмади,
Ўзинг шундай ёлғиз келдинг,
Ёринг қани, кўринмади.
Қолмас энангнинг токати,
Бўшгина бекнинг фарзанди.
Тоғларда очилган лолам,
Қани ёринг бўлса санам,

Сен борида омон бўлар
Бунда менинг кулбахонам.
Бўйингдан айлансин энанг,
Нега ёлғиз келдинг, болам,
Ёрга тушдими назаринг,
Ҳеч кимга йўқдир ҳазаринг,
Бир қарчиғай сен шунқорим,
Нега ёлғиз келдинг, болам?!
Ёр ахтарган сендай бўлмас,
Бундай бўлиб қуруқ келмас,
Сендай бўлиб элга келса,
Уялиб элда туролмас.

Бу сўзни энасидан эшитиб, Ёдгор: – Эна, ёлғиз келдинг, деб мени бунча ерга урма! Мен ақлимни еганим йўқ, ҳар кимникида бир кун ётиб кеганим йўқ. Мен ҳам бир ишнинг устида юргандирман, – деб энасига бир сўз айтаётир:

Эна, қулоқ солгин ўғлинг тилига,
Тушиб қолдим бориб душман қўлига.
Омон-эсон ўғлинг келди, ғам ема,
Сўз айтиб сен, эна, кўп изза қилма.
Банддан халос бўлдим, майдонда турдим,
Аймоқ полвонлари билан урушдим,
Неча полвонларни унда ўлдирдим,
Ойдиной ёримни майдонда кўрдим.
Аввал полвон дедим, ундан тингилдим,
Уруш тарқаган сўнг сўрашиб билдим,
Бойлар мазгилини мен бориб кўрдим.
Неча кун у ерда меҳмон бўп ётдим,
Кўчу кўрон – барин бирга оп кайтдим.
Неча кунлар тинмай бери йўл юриб,
Кўккамиш кўлига якинлаб келиб,
Улар қолди Кўккамиш кўлга қўниб,
Кўлни ёқалашиб, яйловни кўриб,
Ўғлинг омон-эсон келди иш қилиб.
Хотин олган оп келами миндириб,
Келин керак бўлса, олгин тўй бериб,
Адашган элларинг жойига келиб.
Сен номаъқул дема Ёдгор сўзини,

Аҳмоқ дема Ёдгордайин кўзини,
Ўзбакчилик расми шундай бўлами,
Тўй олмаса, миндирами кизини.
Мен ҳам кўрдим, ул ҳам сендан дам емас,
Унинг қизи Ёдгорингдан кам эмас.
Қиз ҳам бўлса, баҳодирлик номи бор,
Титраган зарбидан қанча душманлар.
Тўй-томоша бериб, олмоғинг даркор,
Эндиги ихтиёр ўзингда турар,
Эна, менинг нима парвойларим бор.
Отамман икковинг маслаҳат қилгин,
Дунё даркор бўлса, анга мол бергин,
Нима деса, унинг айтганин бериб,
Шундай қилиб, унинг қизини олгин.

Шунда бу сўзни ўғлидан эшитиб: – Э, бу гапингга қараганда, болам сен отангдан тузук бўлибсан. Отанг сенга қараганда бўш эди, колган-кетган билан иши йўқ эди. Сен менга тортиб, тузук бўлибсан, хаммасини куймай, йиғиб олиб келибсан, – деб димоғи чоғ бўлди.

Ёдгор ҳеч нима билан иши бўлмай, энди ечиниб, елвагай бўлиб: "Уни бир олиб келиш бўлса, олиб келдим. Аймоқ юртида колиб кетди деган ланка қолмади. Энди олиб берса ҳам ўзи билади, олиб бермаса ҳам. Энди мен бўйнимдаги карздан кутулдим. Эндиги ихтиёр буларда колди, – деб ёта берди.

Бул хабарни Барчиндан Алпомиш билди. Ёдгорнинг ишидан отасининг вақти хуш бўлди.

Кўчиб келган эл жойлашиб бўлгандан кейин қанчаси йиғилиб, Алпомишни кўргани келди. Бир-бирини кўриб, бир неча меҳмон бўлиб туриб, оқшом катта-кичик ўтириб, тўй-томошасини гапириб, ёлғиз бола Ёдгорнинг орзу-ҳавасини қилиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, тўй-томоша берди. Неча кун халққа ошу об бериб, Ёдгорни кайнотаси уйига чакириб, *ирга кўрсатди расмларини қилиб*,[16] энди Ойдинойни узатиб келиб, муроди-мақсадига етди.

“ЁДГОР”
(достон)

Айтувчи: **Чори бахши Умиров**
Ёзиб олувчилар: **Абдиолим Эргашев ва бахшининг ўзи**
Нашрга тайёрловчилар: **Абдиолим Эргашев, Тўра Мирзаев**

Ҳў, кадим ўтган замонда, кун чиқар томонда, очилган гули чаманда Бойсин-Қўнғирот деган мамлакат бўлиб, унда Бойбўри деган подшолик қилар эди, элатининг қадрини билар эди, яратган Оллоҳдан элатининг тинч-тотувлигини тилар эди. Бойбўрининг элати чорвадор бўлиб, чорва билан умргузаронлик қилиб кунини кўрар эди, чорвадор бойлар тоғу чўл яйловларда юрар эди.

Бойбўрининг Ҳакимбек деган ўғли бўлиб, Қўнғирот барчаси уни ҳурмат иззат қилар эди,алплигига, ақл-фаросатига қойил қолар эди, келажакда ўзига бош бўлишини билар эди. Бойсин-Қўнғиротда қўнғирот деган уруғ бўлиб, унинг тортувли деган шоҳидан Пармонбой деган бадавлат бой бор эди. Унинг Шомурод деган ўғли билан Алпомишнинг ёшлари бир-бирига тенг эди, ҳар иккисининг феъл-атвори кенг эди, қилган ишлари ўнг эди, бир тўнда бири ёқа бўлса, бири енг эди. Улар йиғинларда ҳам, овда ҳам доим бир бўлар, бир-бирини ҳурмат-иззат қилар, қадрларини билар, бир-бирига кўнгли тўлар, бири нима деса, иккинчиси шуни қилар эди.

Кунлардан бир кун иккиси овда юрганда, Шомурод Алпомишга қараб: – Ҳакимбек ошнам, ҳар бир орзу-тилак уйланмасдан ёшликда бўлса, у кишининг қалбида муҳрланиб қолади. Менинг сенга айтадирган бир орзуйим бор. Мана, иккимиз худони ўртага солиб, бир-биримизни айтганимизни қиламиз, тўн ёпишиб, дўст бўлмадик. Яратган Оллоҳга шукурлар бўлсинким, дўстлардан зиёдамиз, бир-биримизни иззат-ҳурмат қилиб қадримизни биламиз. Шу сабабли уйли-жойли, рўзғорли бўлганда ажралиб кетмасак, деб бир нарсани ният қилдим, эшитгин, – деб бир сўз айтиб турган экан:

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Шу фикрни туйди ошнанг дилига,
Обрўли бўлайлик Қўнғирот элига,
Яратгандан бир ниятни тиласак,
Қулоқ солгин Шомуроднинг тилига.

Душман кўрсак чанг соламиз юзига,
Раҳм-шафқат қилмаймизда ўзига,

Мардлар қарамайди ҳаргиз изига,
Яратгандан шу нарсани тилайлик,
Қулоқ солгин бу ошнангнинг сўзига.

Қуръонда битилган қанчалар оят,
Ҳаммасини ўқиб қилдик зикриёт,
Шукур қилай берилгандир бу ҳаёт,
Яратгандан шу нарсани тилайлик,
Ошна бўлиб қолайликда умрбод.

Осмон аёз бўлса, бугун юлдуз кўк,
Мерган бўлиб тирдонларга солдик ўқ,
Бирга бўлсак, доим бўлар кўнгил тўқ,
Яратгандан бир орзулик сўрайлик,
Сўраганга ҳали бермай қўйган йўқ.

Ошналикнинг қадирини билайлик,
Вақти келса, бирга уйли бўлайлик[1],
Яратгандан шу нарсани тилайлик,
Гапларимга қулоқ солгин, ошнажон,
Худо берса, бирга фарзанд кўрайлик.

Ҳаётимиз яшнасинда гул бўлсин,
Аҳду паймон, ошнажоним, шул бўлсин,
Яратганнинг каромати мўл бўлсин,
Шу нарсани бир худодан тилайлик,
Фарзандимиз иккиси ҳам ул бўлсин.

Душман кўрса оч бўридай қасд бўлсин,
Иккисини кўрган ғаним паст бўлсин,
Оёғин остида чириб хас бўлсин,
Яратгандан шу нарсани сўрайлик,
Иккаласи бир умрга дўст бўлсин.

Айтилган-ку гаплар тўла соз бўлса,
Оркамизда қолган фарзанд из бўлса,
Бир-бирига доим ёруғ юз бўлса,
Яратгандан шу нарсани сўрайлик,
Фарзанд берсин, майли, ҳамки қиз бўлса.

Иккимиз-ку шу тилакни деган-а,
Айтган сўзлар, ошнам бўлсин ягона,
Фарзанд зоти бўлмас тани бегона,
Яратгандан шу нарсани сўрайлик,
Қиз бўлса-ку, майли бўлсин дугона.

Яратганнинг ўзи гувоҳ биламиз,
Шу сўзни қилмасак адо бўламиз,
Ошналик узилса, гадо бўламиз,
Бири ўғил, бири бўлса агар қиз,
Тайин билгин, ошнам, қуда бўламиз.

Эзгу ниятларман ҳар ким мас[т] бўлсин,
Субутсиз одамга эгам қасд бўлсин,
Яратган олдида ҳар ким рост бўлсин,
Кимда ким сўзидан қайтса ҳар қачон,
Элатдан айрилиб, моҳов, пес бўлсин.

Ҳакимбек Шомурод ошнасидан бу сўзларни эшитиб, Шомуродга қараб, янги сабза бўб ўсган муртин бураб, узангига оёғини тираб: – Ҳой, Шомурод, бу фикрлар ўзингдан чиқдими? – деб сўраб: – Ҳў укағарнинг ули, тамакининг гули, булбулдай сайради тили. Худони шоҳид қилдинг, яйради ошнангнинг дили. Шу гаплар рост бўлса, фотиҳага кўтарилсин Шомуроднинг қўли, илоҳим, айтганинг келсин, омин, – деб, иккаласи қўлини юзига тортди.

Алқисса, Алпомиш билан Шомурод дўсту биродарлари, элати билан айшу ишратини қилиб, даврини суриб юрганида, Қалмоқ мамлакатидан Алпомишга хат келди. Хатда Ойбарчинга совчилар тўкилиб, алплар устига от солиб, қиёматни қилиб, ҳар куни келиб, Ойбарчинга: "Хоҳласанг, биримизга, хоҳламасанг, баримизга тегасан", – деб, Ойбарчин иложсиз олти ойга муҳлат олганлиги айтилган, Алпомишга келиб Ойбарчинни олиб кетиши ёки жавобини бериши ёзилган эди. Алпомиш бу хатдан хабар топгандан сўнг элу юртидан дуони олиб, Бойчиборни йўлга солиб, Қалмоқ юртига бориб, Ойбарчиннинг тўрт шартини адо қилиб, душманлар бошини танидан жудо қилиб, зўрлигини билдириб, дўстларини куллириб, ғанимларни ўлдириб, Ойбарчинни олиб келган эди. Аммо ўжар Бойсари яна келмай колган эди. Орадан анча вақт ўтганда Бойсаридан Алпомишга хат келди, хат қатида дод келди. Бойсари хатида: "Ҳў, Алпомиш болам, кўлим осмондан, оёғим ердан узилган, қайга етади хилам, бу ғариб бўлган жойда ҳеч ким эшитмайди нолам, қалмоқлар қайтадан ўтказмоқда чексиз алам.

Беш минг уйли Кўнғиротнинг устига от солиб, зулм кўрсатиб ётибди, тоза силлам қотибди, ўтмас кун бошимга тушиб ётибди, нечовни қалмоқлар отибди, бола-чақаси сағир қолиб, менга алам ўтибди, қайнотангнинг дармони кетибди. Бекор айтганингни қилиб элатимга кетмаган эканман. Тезда етиб келмасанг, очилмай гул сўлди де, қайнотангни ўлди де, якка мозор бўлди, ёв юртида қолди де", – деб битилган.

Ана энди бу хабарни эшитиб, Алпомиш қайта бошдан Қалмоққа жўнамоқчи бўлиб, тараддусини олиб, кирк баҳодирни жам қилиб, кетиш олдидан Ойбарчин ёрига қараб: – Баланд тоғда бўктар корим, ўзингсан-да номус-орим, хазинада олтин-зарим, Қалмоқ элга жўнар бўлдим, сенга бир гапни айтайин, қулоқ солгин, севар ёрим. Ёшлигимда "ошнам Шомурод билан иккимиз уйлансак, хотинларимиз ўғил туғса, худони ўртага қўйиб дўст қиламиз, қиз кўришса, дугона бўлади. Агар бири ўғил, бири қиз топса, қуда бўламиз", – деб аҳду паймон қилганмиз, Худони орага солганмиз, шу сўзда собит қолганмиз. Аввал яхшини айт, кейин ёмонни деган гап бор. Агар мен фалакнинг гардиши билан Қалмоқдан келмай қолсам,менинг Оллоҳ олдиди қилган аҳду паймоним бузилмасин, у дунёдан ҳам ризқим узилмасин, – деб тайинлаб, ота-онасидан, элатидан дуо олиб, Қалмоққа иккинчи бор кетган эди. Шу кетишда Алпомишдан дарак бўлмади, бирон хабар келмади.

Бу орада Ойбарчиннинг бўйида қолган ҳомиласи вояга етиб, туғилиш пайти келган эди, дард тутиб ранги сўлган эди. Бу дардни ҳам кайнона, ҳам момоси Кунтуғмишойим билган эди, лекин Ойбарчин бу оғриқ нима эканини билмай, ҳайрон бўлган эди, дардини айтишга уялиб толган эди. Дард ҳаддидан ошиб,Ойбарчин тўлғоқдан шошиб, Кунтуғмишой келинга доя бўлиб қарашиб турган жойи экан:

Кўз олдин коронғи губор чалади,
Ўзи билмас қайдан оғриқ келади,
Ёш бошига қиёматни солади,
Тўлғоқ зарбга чидай олмай Ойбарчин,
Ранги учиб гулдай бўлиб сўлади.

Оғриқ зўрдир, ширин жонин сўтади,
Ажал қистаб келди, энди нетади,
Чидай олмас, тоза жондан ўтади,
Моможон, деб йиғлаётир Ойбарчин,
Кунтуғмушдай момоси ҳам етади.

Ҳолсирайди, қаранг, лаби қотади,

Ширин жонин шу Ойбарчин сотади,
Оғриқ кучли, қаранг, дарди тутади,
Бу дардларга чидай олмай Ойбарчин,
Моможон, деб ўзин ҳар ён отади,

– Тоғ бошини туман келиб чалмади,
Ажал келиб, момо, мени ялмади,
Гул танам бу дардга чидай олмади,
Беажал-ку ўлар бўлдим, моможон,
Бу бошимга йўлбарс тўрам келмади.

– Дард давосин яратганим билади,
Кўп куйинма дардинг осон қилади,
Сен йиғласанг, момонг ўлсин, сўлади,
Хафа бўлиб, йиғламагин, жон болам,
Насиб этса, йўлбарс тўранг келади.

Гарданига ширин жони тиғилар,
Ёқасин бўшатар, Барчин бўғилар,
Танга оғриқ найзадайин суғилар,
– Бирпас чида, жоним болам, Ойбарчин,
Қўркмагинда қизим, боланг туғилар.

Ҳайрон бўлиб яратганнинг ишидан,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшидан,
Ихтиёри уча берди бошидан,
Момосининг қўлин ушлаб, воҳ уриб,
Ойбарчин ҳам кета берди ҳушидан.

Оғриқ келиб юрагига тиғилди,
Нафас чиқмай терга ботиб бўғилди,
Шердай бўлиб ахир гўдак туғилди.
Ерга тушиб, чориллайди шу гўдак,
Кунтуғмишой боқса бола ўғилди[р].

Фаришталар гувоҳ кўкнинг остида,
Чархи фалак, момоси ҳам устида,
– Ўғил бўлди, дейди кўнгли ўсди-да,
Аждаҳордай чориллайди шу бола,
Ўз момоси киндигини кесди-да.

Ҳолсизланиб Ойбарчин ҳам қаради,
Момоси-чи журбагига ўради,
Алпомишин боласини кўради,
Шу гўдакнинг чориллашин эшитиб,
Қишлоқдаги итнинг бари ҳуради.

Завқинг келар тоғнинг сайроқ қушига,
Оғир гурзи урилгандай бошига,
Сумбул сочи ёйилиб кенг тўшига,
Боласининг ингалаш товушига,
Ойбарчин ҳам кела берди хушига.

Сарғайган, сарғайган нурли юзига,
Қайнонаси боқиб Барчин қизига,
Шукур айтиб Яратганнинг ўзига,
Йўлбарсингни кўргин дея момоси.
Боласини кўрсатди-да кўзига.

Ўқиганнинг ҳамма қойил зийнига,
Мерганларнинг қашқа паранг эйнига,
Шукур қилай, дардинг кетди кейнига,
Шер ўғлонинг олгин, дея момоси,
Шу гўдакни сола берди қўйнига.

Ана энди Кунтуғмишой Ойбарчиннинг эсон-омон кўзи ёриганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, жилмайиб кулиб, шодлигидан юраги тўлиб, келинига қараб, аҳволини сўраб: – Ҳў, жоним болам, ўзингсан қўрғонсалтьам, яратганга етди нолам, юрагимдан кетди алам, сендан кўркиб кетди силам, энди Қалмоқдан келсайди болам, кўздан қурирда жолам. Энди сен боланг билан ёта тургин. Хизматчи аёл кошингда бўлади. Мен султон бобонгга хабар қилайин, неварали бўлганига суюнчи олайин, кўрманани куюкроқ қилсин, тайинлайин. Бирданига қўй ёғига иссиққина атала ҳам қилиб келайин, – деб Ойбарчин билан чақалоқнинг ёнига хизматкор кампирни қолдириб, чиқиб кетди, ана-мана дегунча Бойбўрининг ёнига етди. Хотин зотини биласиз, ҳазилими, чиними, эркалиги нима билмайсиз, *бирдан эрини кўргансан*[2], ҳа йўқ, бе йўқ, ўдағайлаб кетади. Кунтуғмиш ойим ҳам Бойбўрини кўргансан: – Сиз қанақа одамсиз, мен Ойбарчин билан юрагимни ҳовучлаб ётибман, билмайсиз, ош тайёр, нон тайёр, пинагизни бузмайсиз, хотин шўрларни назарингизга илмайсиз, ҳеч кўриса, ташқаридан бўлса ҳам хабар олмайсиз, тирикликда иззат-ҳурмат

қилмайсиз. Эркак зотининг пешонасига туғиш насиб қилмаган, хотинлар жаҳаннам оғзидан қайтади билмайсиз, – дей берди.

Шунда Бойбўри: – Бекам, нимани шаъма қилиб ётибсан, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, ўзинг билаётибсан, бегуноҳ кишига озор бериб, юрак-бағирни тилаётибсан. Нима қилдимки, даминга зоғора пишади? – деди. Кунтуғмиш ойим: – Ҳа, сиз ҳеч нарсани билмайсиз, одам деганда фаҳм-фаросат бўлади. Бегуноҳлигингизни билдирайин, шинагимга илдирайин, аччиқлангманг, кулдирайин, – деб какирлаб кулиб, эрининг хаёлини бўлиб, шу сўзларни айтиб турган экан:

Оллоҳ нур бахш этган ойдай юзимди,
Кунтуғмишдай бека дейди ўзимди,
Полвон тўрам, кўтарингда нозимди,
Жасадингдан мендай ёринг садаға,
Эшитинг-да, эй султоним, сўзимди.

Ўйламангки, Кунтуғмишой қариди,
Бу қувончлар тақдирида бориди.
Хазинада занг босмаган зариди,
Жасадингдан мендай ёринг садаға,
Эрка ёринг ҳали, тўрам, парид[р]и.

Бўлмасинда гапнинг бетга тобаси,
Қоплондайин чиқди унинг собаси,
Суюнчини бера бергин, бобоси,
Азиз болам келар Қалмоқ элидан,
Туғилди-да айдаҳорнинг габаси.

Баланд тоғда бўктарилар оппоқ қор,
Эгалик бўлдику Бойсин кирдикор,
Суюнчидан, тўрам, бўлдинг қарздор,
Суюнчини бера бергин, бобоси,
Қаторингга қўшилди-да қора нор.

Қолмади-да бу кўнгилнинг чаласи,
Боғин маҳкам қилсин Оллотоласи
Эгасиз қолмади Бойсин калъаси,
Суюнчини бера бергин, бобоси,
Туғилди-да бек Ҳакимнинг боласи.

Йўколди-да таъна гапнинг таммаси,
Ўзингсан-да кўк чойнакнинг шаммаси,
Кела берсин оғайнининг ҳаммаси,
Туғилди-да асли йўлбарс боласи,
Суюнчини бера бергин, аммаси.

Етмади ҳеч душманларнинг хиласи,
Йиғилиб кел, ёр-биродар, бўласи,
Эгалидир бек Алпоним қалъаси.
Суюнчини бера бергин, Қалдирғоч,
Туғилди-да ёлғиз оғанг боласи.

Ҳар банданинг омон бўлсин бошлари,
Тўкилмасин кўздан тани ёшлари,
Кела бер бек Ҳаким хилу хешлари,
Туғилди-да ёлғизимнинг авлоди,
Суюнчи бера бер, каринdошлари.

Осмон бетнинг ёруғ бўлган ойидан,
Ҳар ким қувонади яхши ўйидан.
Амманг ўлсин деди, турди жойидан
Суюнчини эшитгандан Қалдирғоч,
Чопиб чиқди у ўтирган уйидан.

Баланд тоғлар боши доим қордир-да,
Хаёлидан ўтди: "Ўзи нордир-да,
Йўлбарсдай бўб бўкиради, шердир-да,
От чопгандай, қаранг, ўзи тапирлаб",
Янгасининг олдига ҳам борди-да.

Қарамади тани ўнгу сўлига,
Қувват бўлган Қалдирғочнинг белига,
Қурмалайди, гап келмайди тилига,
Олиб энди янгасининг қўйнидан,
Ёш гўдакни ола берди қўлига.

Балан тоғлар баланд бўлган тавриға,
Ҳолсирайди, зўрға нафас олади,
Куйиб-пишиб борди ўзин ҳовриға,
Амманг бўлмай ўлсин, дейди Қалдирғоч,
Ёдигорни боса берди бовриға.

Алқисса, Бойбўри Кунтуғмишойдан шу сўзларни эшитгансан сапчиб ўрнидан туриб, юраги ғалт-ғалт уриб, қўлини кўтариб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқиб, ёрига қараб: – Бекам, сен менга димоғинг чоғлигидан, ҳира кўнглинг оқлигидан, кўнглинг роса тўқлигидан ишқираётган экансан-да! Тўғри келиб суюнчи бер десанг, бўлмайдими? Ҳе йўқ, бе йўқ ўдағайлаб, тинч турган юрагимни кинидан чикариб юборай дединг. Аммо хушхабаринг учун бисотимдаги борини берсам ҳам арзийди, – деди. Шунда Кунтуғмиш ойим узр сўраб: – Энди Алпомиш болам тезрок келсин, фарзанди борлигини билсин, элида ўйнаб-кулсин, мендай энаси шу кунларни кўриб ўлсин. Сиз бобоси боламизнинг боласи, канддек ўрик донасига от қўйиб беринг, – деди. Бойбўри: – Невараниng оти ўз-ўзидан маълум. Ота-боболаримиз агар боланинг отаси кашал кетган бўлиб, оркасида туғилса, отини Ёдгор қўйиш керак, дер эдилар. Боланинг бир қулоғига азон айтиб, бир қулоғига такбир ўқиб, шу ном айтилади. Бу дегани инсон умри азон ва такбир ўқиш орасидаги вақтдек киска. У шу киска умрида ўз номини оқлайдиган, отасини доим йўклайдиган, эна мехрин тўқлайдиган, ўзини ёмонликдан саклайдиган, ок-қорани биладиган, эл-юртига хизмат қиладиган, оркасидан эзгу ишлар коладиган инсон бўлиб етишсин дегани, ҳушёрликка ундагани, – деб ўғлининг уйига Кунтуғмиш ойим билан келиб, ташқарида қолиб, хотини кўтариб чиққан гўдакни қўлига олиб, ирим-сиримни қилиб, Ёдгоржон деб ном қўйди, дуони роса уйди. – Сен энди бешик тўйига келин билан тайёргарлигингни кўра бер, мен ҳам тарадду қилайин, душманларга сиримизни олдирмай, Алпомиш учун чекаётган ғам-андуҳимизни билдирмай, элатни йиғиб, Ёдгоржонга дуосини олиб берайин. Кўпнинг дуоси кўл, хосияти мўл дейишади. Ажаб эмас кашал кетган болам ҳам келиб колса, – деб фотиҳа қилди.

Бойбўри хили-хешини, ёру биродарларини, қариндош-уруғларини чақириб, бешик тўйи маслаҳатини қилиб олди. Бойбўри Шомуродни ҳам чақиртириб келиб, унга қараб: – Сен Ҳакимбекка калин ошна эдинг. Энди ошнангнинг йўклигини билдирмайсан, дўст йиглатиб, душманни кулдирмайсан. Шу тўйнинг бош баковули бўласан. Кўпкарида ҳам, курашда ҳам оркашлик қилиб, жанжал киладиганларни тинчитасан, – деди. Шомурод: – Тўғри айтасиз, Ёдгор менинг ҳам улим, бу хизматни жоним билан қиламан, расм-русимларни биламан, элатнинг кўнглини оламан, сизни отамдай биламан, – деб рози бўлди. Бойбўри: – Йўкса чақирувчиларни бутун элатга жўнатгин, элатда бой-бадавлат айтилиб, етим-есир, сағур-суғур колмасин. Бу ёғига ўзинг билгандай қилиб, тўйни бошлай бергин, чиқимни ўйламай харжлай бергин, – деб рухсатини берди.

Алқисса, Шомурод ўзига керакли одамларни қабатига олиб, керакли маслаҳатни қилиб, чақирувчиларни белгилаб, тўсатма-тўсат, сувлатма-

сувлат, элатма-элат, қишлоқма-қишлоқ, яйловма-яйлов жўнатаётган жойи экан.

Алвондан алвон дўнади,
Яратган бошга паноди,
Элни оралаб жарчилар,
Тўсатма-тўсат жўнади.

От чопмоқдир бунинг иши,
Чақирилар тенги-тўши,
Туриадай бўлиб тизилиб,
Қаранг, жўнади қирқ киши.

Хат берилгандир ўзига,
Қарамайди изига,
Тулпор отлар етказмас,
Изидан қувган тозига.

Йигит хизматда билинар,
Юрак-бағирлар тилинар,
Жўнаган қирқта жарчилар,
Бойсиндан чиқиб бўлинар.

Осмоннинг ёруғ ойига,
Ҳар ким етсинда ўйига,
Бора бер, элат, отланиб,
Бойбўри султон тўйига.

Очилган боғнинг гулига,
Тўйни беради элига,
Тўй берар элат бобоси,
Мулла Ҳакимнинг улига.

Демайин тағи қари-ёш,
Элатларига бўлган бош,
Қўнғирот элда тўй бўлар,
Бора бер, гала қариндош.

Минганинг эшак, той бўлар,
Еган гўштларинг қўй бўлар,

Бор бер, дейди жарчилар,
Уч кунлик манзил жой бўлар.

Пишди-да юз минг патирлар,
Бўлади юзи хотирлар.
Тўйдан колмагин, бора бер,
Тикилди юзта чотирлар.

Бўлади катта жийинлар,
Бормаганларга қийинлар,
Тўйга бора бер, чақирдим,
Бўлар турли хил ўйинлар.

Осмонда учади торчи,
Бири бирига хабарчи,
Қишлоқма-қишлоқ жўнади
Тўйга, деб чақирар жарчи.

Чақирув хати қўлига,
Минган бедовнинг белига,
Тўйга, деб жарчи чақирар,
Қўнғиротларнинг элига.

Кийик гўштини яралаб,
Мерган отади саралаб,
Тўйга айтади хабарчи,
Қишлоқма-қишлоқ оралаб.

Ойлар нечадан-нечага,
Сон теккан гала баччага,
Товуш борича бақириб,
Чопар кўчама-кўчага.

Уч кунлик манзил жойига,
Гала қўнғирот бойига,
Чақиради-да жарчилар,
Ёдигор шункор тўйига.

Қабоқ бошингни уясан,
Ёмон қилиғинг кўясан,

Жарчи чақирар: "Тўйга бор,
Қуйрук гўштлардан тўясан".

Себалайди, ҳаво жовар,
Томчиси бир-бирин қувар,
Қишлокма-қишлоқ чопишар,
Бедов отларга кун тувар.

Тикилган чодир алвонлар,
Яркиллаб урар жавлонлар,
Кураш бўлади, бора бер,
Билаги тўла полвонлар.

Тўй бўлар энди жуда соз,
Бўлмайди отли мингдан оз.
Кўпкари бўлар, бора бер,
От бокқан гала чавандоз.

Илон ўйнатар морбозлар,
Туяни тортган сарбозлар,
Тўйга чақирдим, бора бер,
Ўйин кўрсатар дорбозлар.

Элимда кўпдир яхшилар,
Чевар, уста ҳам нахшилар,
Тўйга айтдим-да бора бер,
Созин кўтарган бахшилар.

Элатда бўлсин шову шув,
Номардлик бўлар қайтишув.
Ҳар жойдан бахши жийилган,
Бўлади катта айтишув.

Тойини минган тойчилар,
Жувоз ҳайдаган мойчилар,
Ҳаммангни айтдим, бора бер,
Сибизикчи ҳам найчилар.

Оёк-қўллари чаққонлар,
Қилган ишлари ҳаққонлар.

Ҳаммангни айтдим, бора бер,
Дала-даштдаги деҳқонлар.

Тўйда кийилар чопонлар,
Адир-қирдаги чобонлар,
Чўлиққа ташлаб молингни,
Тўйга боринглар, чўпонлар.

Айтмаган одам колмади,
Айтилмагани бўлмади,
Чакириб чикди ҳаммани,
Отлар чопишдан толмади.

Мана тўй ҳам бошланиб, одамлар селов-селов кела берди, келгани кўрга ўта берди, "*тўй қуллуқ бўлсин*"ни бериб[3], дастурхондаги таомлардан тота берди. Бойбўри нозик кўнглини хушлади, неварасининг тўйида бор нозу неъматни ташлади. Мингта чодирни тиктириб, беш юз чори, беш юз панжи кўйларни сўйдира берди, кайнаган шўрвани муча-муча гўшт билан кўйдира берди. Ҳамма шоду хуррам турли-туман овкатдан тўя берди,ўйин-кулги авжига чика берди, ҳар кўрда бир бахши айта берди. Иши зариллар корнини тўйдириб кайта берди. Кўпкари ва курашда ғолиб чиққанлар катта-катта совринни олиб, кўнгли ўса берди, мағлублари бир томонга писа берди, эгнини кўтармай киса берди. Алқисса, тўйнинг уч кунлик муҳлати бита берди, меҳмонларнинг олди кета берди.

Шунда Бойбўри элатининг олдига келиб, маст лўкдай бўлиб, хулкаси тўлиб, йиғилганларга караб: – Халойик, кўнғирот элатим, сизлар менинг тожу давлатим, бир йилдан буён букилди савлатим, бу азоб-укубат ҳам менинг мехнатим. Биласизлар, бир йилдан буён келмаётир ёлғиз фарзандим. Яна худога шукурки, унга ўғил берди, отини Ёдгор кўйдим. Бугун шу неварамнинг бешик тўйида сизлардан бир илтимос килайин. "Кашал кетган ёлғизим келсин, Ёдгори шункор бўлсин, отасидай эл-юрт орини олсин, – деб дуо берингизлар", – деди.

Шунда жами халойик: "Илоҳим, Алпомиш омонда келсин, элига эгалик килсин. Ёдгор ҳам отасидай пахлавон бўлсин, Кўнғирот элга кут-барака энсин", – деб юзларига фотиҳа тортди.

Шомурод ҳам тўйни тугатиб, Ойбарчиннинг олдига келиб, кўнгил сўраб, Ёдгорга кўрманани мўлрок бериб: – Алпомиш ошнам албатта келади, кора кунлар унут бўлади. Шукурки, сенга ҳам овунчок берди. Яхши тарбиялаб вояга етказавер. Якинда дугонанг Ойжамол ҳам эсон-омон кутулса, суюнчига келаман, – деб хайрлашиб кетди. Орадан бир

йлар ўтди, Ойжамол қиз кўргани ҳақидаги хабар Ойбарчинга етди.

Алкисса, бешик тўйи ўтгансан, Кунтуғмиш ойим бир неча кайвони, ...ўт болали, элда эътиборли, бир никоҳли аёлларни жам килиб, Алпомиш ...тган бешикни олиб келиб,тозалаб, атрофига исириқ тутатиб, ўтдан у ён-...ў ён олиб ўтиб, уйга киритиб, жиҳозларини созлаб, бош томонга боши ...ишдан бўлсин, деб тош қўйиб, инс-жинслардан асрасин, деб пиёз солиб, ...ўзи кескир, қудрати зўр бўлсин, деб пичоқ, эл-юртда насибаси бут, нондай ...из бўлсин, деб нон қўйди, ёмон кўздан асрасин, деб кўзмунчоқ тақди. Бешикни роса созлаб, неварасини қўлига олиб, *ўнгми чап қилиб*[4], учинчи ...ртаси ўнглаб: – Айтган гапинг элатингга порисин, шу бешикдан знён-...хмат арисин, Хўжайи Хидир дорисин, – деб белаб, устини ёпиб, бир оз ...ла айтиб, Барчинга аллани ўргатган бўлиб, момолар ҳам таркалиб кетди.

Ана энди Ойбарчин боласини эмизиб, кўзини уйнинг шифтига тизиб, ...ошдан ўтган вокеаларни эслаб, Алпомишнинг келмаётганидан хулқаси ...ўлиб, хўрлиги келиб, бешикни тебратиб, шу сўзларни айтиб турган экан.

Алла болам, ал бўлсин,
Кўзда уйкунг мўл бўлсин,
Сени севган эл бўлсин,
Меҳрларинг кўл бўлсин,
Алла, болам-а, алла-ё.

Саврда ёғади жала,
Ўзинг ҳали мурғак бола,
Сақласин-да Оллотола,
Энди ухлайдиган палла,
Алла, болам-а, алла-ё.

Чопганда толмас пироғим,
Ақлда тенгсиз зирагим,
Айланай коплон юрагим,
Шу кунларга керагим,
Алла, болам-а, алла-ё.

Номуслар билан оримсан,
Манглайимдаги боримсан,
Хазинамдаги заримсан,
Шерим ўрнига шеримсан,
Алла, болам-а, алла-ё.

Таянчимсан йўлбарс улим,
Сўлмасин-да кизил гулим,
Сенсиз қолмас менинг ҳолим,
Ўзингсан-да жону дилим,
Алла, болам-а, алла-ё.

Сарғаймади нурли юзим,
Қуримади, шукур, изим.
Омон бўлгинда, ёлғизим,
Ширин-шакар ширбоз қўзим,
Алла, болам-а, алла-ё.

Элларни кезар савдогар,
Қаторлар қилиб қора нор,
Дўстим десинда Чориёр,
Яратган бўлсин мададкор
Алла, болам-а, алла-ё.

Мадад берсин эшон-пирлар,
Салом берсин ҳатто шерлар,
Бўйин эгсин манман зўрлар,
Ёринг бўлсин эркин ҳурлар
Алла, болам-а, алла-ё.

Қушдай эркин учар бўлгин,
Доим омад қучар бўлгин,
Бахт-иқболга дучор бўлгин,
Душман конин ичар бўлгин,
Алла, болам-а, алла-ё.

Елканг қояли қир бўлгин,
Жанг майдонларда шер бўлгин,
Рустам мисоли зўр бўлгин.
Бир ўзинг мингга тир бўлгин,
Алла, болам-а, алла-ё.

Сайрар боғларнинг булбули,
Ардоқласин ўсган эли,
Равон бўлсин юрган йўли,
Кўрса кетсин душман сўли,
Алла, болам-а, алла-ё.

Осмонда қушлар сайрасин,
Қўнглинг тўлғониб яйрасин,
Душманга тишин қайрасин,
Қўлида қилич жайрасин,
Алла, болам-а, алла-ё.

Омон қилсин-да танини,
Яратган, асра жонини,
Сақласин ота шаънини,
Бутун қил имонини,
Алла, болам-а, алла-ё.

Туёкларимдан тайрилдим,
Қанотларимдан қайрилдим,
Бир йилдан бери, шер болам,
Ботир отангдан айрилдим,
Алла, болам-а, алла-ё.

Айтган гапларим келсин-да,
Душманлар зоти ўлсин-да,
Ажали қистаб сўлсин-да,
Ё насиб, отанг келсин-да,
Алла, болам-а, алла-ё.

Душман дегани қурисин,
Ҳаммаси ўлиб чирисин,
Бошдан меҳнати арисин,
Бойсин элатга дорисин,
Алла, болам-а, алла-ё.

Отанг ишини қилгинда,
Душман бағрини тилгинда,
Иккимизнинг бахтимизга,
Йўлбарс отанг келсин-да,
Алла, болам-а, алла-ё.

Болам, соғ-омон бўлгин-да,
Душман калласин юлгин-да,
Отам келсин деб Ёдигор,
Худога нола қилгин-да,
Алла, болам-а, алла-ё.

Ойбарчин йўлбарс боласини аллалаб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, Ёдгорни ухлатди.

Тоғ бошини келиб туман чалмади, бир йилдан ошди ҳам Алпомиш келмади, келишига умид ҳам қолмади, ўлдими, қолдими, ҳеч ким билмади, бирон хату хабар бўлмади. Шу орда яна уч ой ўтди, Ёдгор ҳам куладиган бўлиб, ўзини тутди. Бу орада Алпомишнинг Қалмоққа кетаётиб айтган гаплари Барчиннинг хаёлидан ўтди. "Фалакнинг гардиши билан мабодо келмай қолсам, – дегани Ойбарчиннинг ҳиқилдоғидан тутди. Ойбарчин Алпомиш билан Шормуроднинг қасамёдини эслаб: "Буни Шомурод ака ҳам билса керак, нима бўлса ҳам Шомуродникига борсам, этак йиртиш қилиб кўйсам, Алпомиш келса, шод бўлар, йўқса рухи шод бўлар, Шомурод айтганимни қилар ёки Алпомиш келмади, бизнинг у айтганимиз бўлмади, деб сўзидан қайтар, бир борайин", – деган қарорга келди.

Ёдгорни Қалдирғоч ойимга қолдириб, кўлига бир янги супургини олиб, Шомуроднинг ҳовлисига бора берди. Борса, ҳали ҳеч ким уйқудан турган йўқ, Ойбарчинни кўргани йўқ, унинг кўнгли тўқ бўлиб, ҳовлини супира берди, тонг ҳам ота берди. Шомурод туриб, таҳорат олайин деса, сувлар сепилган, биров ҳовлини супираётир. "Ойжамол бугун эрта турганда, зерикиб ивирсиб юрганда", – деб эътибор бермай таҳоратни олиб, намозни ўқиб, ташқарига чиқса, ичкаридан Ойжамолнинг овози эшитилди. Бу сиру савдога ҳайрон бўлиб, ҳовлининг у четига бориб караса, Ойбарчин. Шомурод ҳеч нарсага тушунмай: – Қани, Ойбарчин келин, эрта тонгдан ҳовли супираётибсиз, Ойжамолга ёрдамга келдингизми? – деди.

Ана шунда Ойбарчин Шомуродга салом бериб, қабатида турганини кўриб, урушмасмикан, деб ҳуркиб, Шомуродга караб, кўлидаги супургини ерга тираб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Очилганда боғнинг тоза гулини,
Бойсин-Кўнғирот дейди ўсган элини,
Бир гап олган Ойбарчиннинг сўлини,
Нима гап деб, ака, мендан сўрадинг,
Эшитгинда Ойбарчиннинг тилини.

Ўтказдида қанча қишу ёзини
Ўтган гаплар сарғайтирди юзини,
Мен айтайин, акам, гапнинг изини,
Нима гап деб, ака, мендан сўрадинг,
Эшитгинда Барчин келин сўзини.

Бу дунёда барча ўйлар бўлмади,
Пешонамга яхши кунлар солмади,

Зиндон қилди ёки алплар жолмади,
Эшитгинда Барчинойнинг сўзини,
Қалмоқ кетган севар ёрим келмади.

Аламларим юрагимга жийилиб,
Тақдир билан насибалар қийилиб,
Азиз бошга осмон келган ўйилиб,
Эшитгинда, акажоним, сўзимни,
Айриликдан ёшлар келиб қуйилиб.

Худо қилган ишга ҳамма қойилди,
Сумбул сочлар оқ тўшимга ёйилди,
Йўлга боқиб қора кўзлар ўйилди,
Эшитгинда бу сингилнинг сўзини,
Ғам даштида қилиб келдим сайилди.

Душман зоти курисин-да, зийилди,
Ёвгарчилик бўлса, билинг, мард йигит
Қотирибку тортади-да айилди,
Дунёси курисин, билдим, бевафо,
Бир хилга азоб, бир нечага сайилди.

Дунё курсин кўнгилларни боғлайди,
Нечовни йиғлатиб бағрин доғлайди,
Нечовларнинг димоғини чоғлайди,
Вафодорим келмади, деб Ойбарчин,
Шомуродга дардин айтиб йиғлайди.

Айриларим ўша дамда билмадим,
Оркасида қолганимча ўлмадим,
Занонаман, қабатида бўлмадим,
Эшитгинда, акажоним, сўзимни,
Душманларга киёмат кун солмадим.

Юракни ўртайди ошнангиз сўзи,
Туғилганда йўлбарс тўрам ёлғизи,
Худойимдан тоза бўлдим мен рози,
Эшитгинда Барчинойнинг сўзини,
Овунчоқдир энди менга бу кўзи.

Икковингиз қалин ошна бўлгансиз,
Бир-бирингиз кўнглингизни олгансиз,
Бўлар гапга доим қулоқ солгансиз,
Эшитингда Барчин келин сўзини,
Ёшликда нимани ваъда килгансиз?!

Қисмасин-да яратганим гадони,
Олмасдан-ку бизлардайин модани,
Ёшлик пайти бергансизлар ваъдани,
Шу ваъдани эслаб кўринг, акажон,
Иккалангиз шохид килиб худони.

Тоғ бошини тумандайин чалдим мен,
Яратган амрига қулоқ солдим мен,
Супургини қўлга ушлаб олдим мен,
Эшитингда, акажоним, сўзимни,
Сизлар ваъдалашган гапга келдим мен.

Кўп гапирдим, оғзим қолди кўпириб,
Бўлиб ўтган ваъдаларни гапириб,
Обкетишга келдим энди жопириб,
Эшитингда, акажоним, сўзимни,
Ҳовлингизни турибманда супуриб.

Ўйилсинда, дунё қурғур бунча тор,
Йиғлаб келди олдингизга муштипар,
Мадад берсин мен шўрлига Чориёр,
Эшитдингиз Ойбарчиннинг сўзини,
Не десангиз сизда энди ихтиёр.

Шу бўлади мен шўрлининг билгани,
Умидимни узсангизку, сўлгани,
Катта умид сиздан кўнгил тўлгани,
Ошнангизни сўзи ерда қолса гар,
Ойбарчиннинг бўлар шунда ўлгани.

Шомурод Ойбарчиндан бу сўзларни эшитгансан, бўғинма-бўғин бўшаб, суяклари шовшаб, кўзида ёши жўшаб, йиғлаб юборишига сал қолди. Ойбарчиндан уялганидан зўрға ўзини тутиб, Алпомиш билан юрган-турганлари, ёшликда килган ваъдалари эсига келиб, Ойбарчинга қараб, шу сўзларни айтаётган жойи экан:

Булут бўлиб осмон бетни чолдинг-да,
Гапларингман хаёлимни олдинг-да
Ўйлаб кўрсам, тўғри ишни қилдинг-да,
Жасадингдан айланайин, Ойбарчин,
Ўтмишимни хаёлимга солдинг-да.

Алпомишман доим бирга юрганман,
Қизиқ-қизиқ суҳбатларни курганман,
Қаватида доим бирга турганмиз,
Жасадингдан айланайин, Ойбарчин,
Бирга бўлиб давру даврон сурганмиз.

Овда, ёвда доим бирга бўлганман,
Нима бўлса бирга ишни қилганман,
Ошнам кетиб, шу кунларда сўлганман
Жасадингдан айланайин, Ойбарчин,
Ошнам кетиб, аттанг мен хам ўлганман.

Уруғимиз шарафига елганмиз,
Душманларнинг бағрини қон қилганмиз,
Бир-биримиз кадримизни билганмиз,
Ҳали бизлар уйланмасдан,Ойбарчин,
Сен эслатган аҳдлашувни қилганмиз.

Душман кўрсак, бағрин қон қиб тилганмиз,
Танасидан калласини юлганмиз,
Кураш, кўпкарида ғолиб бўлганмиз,
Ҳа, сизларга уйланмасдан, Ойбарчин,
Оллоҳ гувохликда ваъда қилганмиз.

Яхшиликка жўраб кўрай тушимни,
Мен билармаи ўзим қилар ишимни,
Алпомиш деб кўздан тўкай ёшимни,
Айтган гапдан қайтар бўлсам, Ойбарчин,
Яратганим олмайдими бошимни.

Мард йигитга омад қўш-қўш келади,
Номардлар кадрингни нима билади,
Яхши кўксин қон қилади, тилади,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Алпомиш қайтади, тўйлар бўлади.

Кўнглим сезар, бир нарсани билади,
Душманларнинг калласини юлади,
Ёвлар кўксин кон қилади, тилади,
Хафа бўлиб, йиғламагин, Ойбарчин,
Кашал кетган йўлбарс тўранг келади.

Қалмоқ юрти узоқ, ўзинг биласан,
Кўп йиғлама, айтганимни қиласан,
Ёдигор бор, нега бағринг тиласан,
Йўлбарс тўранг охир бир кун келади,
Йиғламагин кўрмагандай бўласан.

Адир-сойлар бети доим жонади,
Яхшини кўрганда меҳр конади,
Худойжоним меҳрибон, ўзи донади,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Яратганим бошимизга паноди.

Гап эшитгин бу акангнинг тилидан,
Чўбир отлар ўтмас тоғнинг белидан.
Яратганим хабар олар ҳолидан,
Хафа бўлиб сен йиғлама, Ойбарчин,
Тўранг келар бир кун Қалмоқ элидан.

Баланд тоғда бўктарилган оппоқ қор,
Бу феълингни қилмагинда тани тор,
Биласанку, яратганда ихтиёр,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Йўлбарс боланг омон бўлсин Ёдигор.

Душман зоти ўтказолмас ишини,
Шашлик қилиб тўғраб ейди гўшини,
Қокиб олар оғзидаги тишини,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Тошдан қилган бек Ҳакимжон бошини.

Йиғламасдан алп тўрангни кутиб тур,
Ёдигордай боланг билан даврон сур,
Айдахорга душман бўлмас тани тир,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Душман зотин ғажийди-да асли шер.

Бу дунёси курсин ўзи доим тор,
Ойбарчинжон, бўлибсан-да тани зор,
Элатингда сен бўлмайсан сира хор,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Орин олиб келар бир кун айдаҳор.

Очилганда боғнинг тоза гулини,
Яратганим очар унинг йўлини,
Душман зоти ололмайди сўлини,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Бир кун келиб обод қилар элини.

Чертилар-да дўмбирам қўша тори,
Не бўлса ҳам, тақдирда бўлар бори,
Алпон тўранг албатта келар тири,
Хафа бўлиб йиғламагин, Ойбарчин,
Жони тошдан, келар Бойсин айдаҳори.

Шомуроднинг Ойбарчинга айтганини ичкарида эшитиб турган Ойжамол ташқарига чиқиб, Барчиной билан елка олиб кўришиб, сўрашиб, бир-бирига қарашиб: – Қани ака-сингиллар, нега ташқарида гаплашиб турибсизлар, қани ичкарига киринглар, – деб Ойбарчинни уйга киритиб, Ёдгорнинг ҳол-аҳволини сўраб, сўнг Шомуродга қараб: – Менга сизларнинг гурунгларингиз бошқачароқ туюлди. Нима гап ўзи? – деди. Шунда Шомурод Ойжамолга қараб: – Биз Алпомиш билан қалин ошна эдик, бир-биримизга иззат-ҳурматда бўлар эдик, овда-жовда бирга кўп ишлар қилар эдик. Иккимиз ҳам уйланмасдан олдин: "Бир кун уйлансак, хотинларимиз ўғил туғса, иккисини дўст қиламиз, қиз туғилса дугона киришади, биримиз ўғил, биримиз қизли бўлсак, қуда бўламиз", – деб тўдони ўртага қўйиб, аҳду паймон қилган эдик. Алпомиш Қалмоққа кетиш олдидан бу гапларни Ойбарчинга айтган экан. Шу сабаб у эрта тонгдан эшигимиз олдини супираётган экан. Шуларни гаплашиб, дардлашиб турган эдик, – деди. Ойжамол эрига: – Ошнангиз Қалмоқдан келмаган бўлса, Ойбарчинга нима дейсиз? – деганда, Шомурод: – Эй, хотин, Алпомиш бир куни келади. Иккимизнинг аҳд-паймонамиз ҳам бўлади. Энди гап шундай. Урф-одатларимизга кўра, Ёдгор билан Ойдинойни иссиқ йиртиш қилиб қўямиз. Шу билан элнинг олдидан ўтиб, уларнинг уюштирилганини маълум қиламиз, ваъдамиз бажарилади, – деб шу сўзларни айтиб турган экан.

Сарғайган, сарғайган нурли юзимди,
Йўлбарс зоти босолмайди изимди,
Бойсин-Қўнғирот еган менинг тузимди,
Қоматингдан айланайин, Ойжамол.
Эшитгин-да айтадиган сўзимди.

Очилгани боғда лола гулимди,
Яратганим солмаймикан ўлимди,
Кўрсатмасин-а тани бизга зулимди,
Жасадингдан айланайин,Ойжамол,
Ойжамол,Ойбарчин, эшит тилимди.

Қалмоқ элга кетди, билдим, айдахор,
Ўтар куним бўлди менга энди тор,
Аканг ғамда йиғлайди-да интизор.
Бўлар гапни ўзинг айтгин, Ойбарчин,
Нима десанг, сенда бўлсин ихтиёр.

Элда писанд қилмайди-да гадони,
Суриштирма мендай бўлган адони,
Эшитгин-да чиқаётган садони,
Мендай ёринг айлансин-да, Ойжамол,
Ўйлаймиз-да ўртадаги худони.

Осмон бетда яркирайди ёруғ ой,
Бандам десин, яратганим, бир худой,
Гувоҳ бизга кир-адиру оқар сой,
Икковингдан Шомурод ҳам айлансин,
Ёдигорга муносибдир Ойдиной.

Ёдигорман Ойдин лола гулимдир,
Сўзлар бўлсам, ширин-шакар тилимдир,
Лафздан қайтсам, энди менга ўлимдир,
Икковинг ҳам эшитгин айтган сўзимни,
Ёдигор ҳам менинг ботир улимдир.

Ҳеч бўлмасин айтган гапнинг хатоси,
Жонга ўтмасин-да жабру ситаси,
Ёдигор ҳам Шомуроднинг бўтаси,
Икковинг ҳам эшит айтар сўзимни,
Насиб бўлса, келар Ёдгор отаси.

Ҳолсирайди, лабим қурғур қотади,
Қора тунлар ўтиб тонглар отади,
Алпомиш йўқлиги бағрим сутади,
Икковингга айтар гапим шул бўлсин,
Бу тўйларга Алпомиш хам етади.

Шомурод дейди-да менинг ўзимни,
Бойсин-Қўнғирот тинглайди-да сўзимни,
Алпонга шувит қилмайман юзимни,
Икковингга бир сўзимни айтайин,
Ёдигордан аямайман қизимни.

Айтган гапим бугун ўзинг биларсан,
Ёдигорни, Барчин, олиб келарсан,
Ойжамолман айтганимни қиларсан,
Эртага биз этак йиртиш қиламиз,
Икковининг умрларин тиларсан.

Ана энди Ойбарчин Шомуроддан бу сўзларни эшитиб, хурсанд бўлиб, хулқаси тўлиб, кўзига ёш келиб, шу сўзларни айтиб турибди:

Элимизда эсон-омон юрингда,
Болаларнинг ҳузурини кўрингда,
Камлик кўрмай, даврингизни сурингда,
Қайтармадингиз-да бугун раъйимни,
Бу дунё тургунича турингда.

Бўйингиз ўхшатдим чинор, теракка.
Кўнглингиз ёғдуси ўхшар чироққа,
Таскин бериб, акажоним, юракка,
Қайтармадингиз-да бугун раъйимни,
Топинг доим умрингиздан барака.

Қийғир кушлар ўтиради қияда,
Умид билан келаган эдим пиёда,
Қуш кўрганин қилади-да уяда,
Қайтармадинг, акажоним, раъйимни,
Давлатингиз, оға, бўлсин зиёда.

Ушалтириб кўнглимдаги ўйимни,

Ўстирдингиз терак мисол бўйимни,
Тўлдирдингиз нурга менинг уйимни.
Қайтармасдан, акажоним, раъйимни,
Обод қилиб манзил, макон, жойимни.

Айтар бўлсам, муштипарнинг ўзиман,
Термулиб қараган хумор кўзиман,
Мен ҳам сенга бир хизматкор тозиман,
Қайтармадинг, акажоним, раъйимни,
Йўлбарс оғам, ўлганимга розиман.

Худойжоним берди менга чорамни,
Битказдинг-да кўксимдаги ярамни,
Олдирдинг-да, оғажоним, оромни,
Қайтармадинг, акажоним, раъйимни,
Ҳурмат қилдинг Кашал кетган тўрамни.

Ошна экан, ошналикни ёд қилди,
Қулунимни чопқир, пироқ от қилди,
Элатимда душманларни мот қилди,
Қайтармади оғажоним раъйимни,
Минг розиман, мен шўрлини шод қилди.

Тўрам келмай, ҳафсалалар пир бўлди,
Кўнглим ўсиб, энди баланд қир бўлди,
Ойбарчин ҳам гулгун ёниб ҳур бўлди,
Қайтармади акажоним раъйимни,
Ниятларим пучга чиқмай, бор бўлди.

Яратгандан бу берилган фармон-да,
Шукур қилай, қолмадим-да армонда,
Қилган ишинг, ака, менга дармон-да,
Қайтармадинг, акажоним, раъйимни,
Эл ичида бўлмадим-да шарманда.

Алқисса, Шомурод Ойбарчиндан бу сўзларни эшитиб, унга қараб: – Ҳў, Ойбарчин, мен ваъдамни ёдга олдим, кўнгил амримга қулоқ солдим. Ҳакимбексиз шу кунларда яккаланиб қолдим. Шу ишни қилмасам, Ҳакимбек келса олдида уятли бўлардим, – деди.

Шунда Ойжамол: – Сиз тўғри ишни қилдингиз. Ойбарчиндан қочадиган жойимиз йўқ, Ҳакимбек ака келади, бунга кўнглимиз тўқ. Бешиккерт

урф-одатимиз элатда тўхтаб қолгани йўқ, – деди. Ойбарчиннинг улардан ўғли тўлиб, учаласи бир кун Ёдгорни олиб келиб, Ойдиной билан этак йиртиш киламиз, деб хайрлашиб, насияси нақ бўлиб, хира кўнгли оқ бўлиб, шаҳта тани соғ бўлиб уйига келса, қайнона момоси Кунтуғмишойнинг ёнида қайсинглиси Қалдирғоч ойим Ёдгорни кўтариб турган экан. Момоси Барчиноийга қараб: – Болам, кечикдинг. Қаерга борган эдинг? – деб сўраганда, Барчиной бўлган воқеани айтиб берди. Кунтуғмиш ойим: – Эҳ-ма, Ёдгор билан Ойдиной ўзларингдай этак йиртиш бўладиган бўлибди-да, – деб хурсанд бўлди.

Орадан кўп ўтмай, Барчиной Ёдгорни Шомуродникига олиб борди. Шомурод бир қўйни сўйиб, яқин оғайни қариндошларини чақириб келиб, унга маслаҳат қилиб, Алпомиш билан Шомуроднинг ёшликдаги аҳду паймонини эсга олиб, эски урф-одатини қилиб, "Буларнинг изи мойли бўлсин", – деб икки гўдакни кубининг мойини оладиган катта корсон тол табоққа солиб, орқа этагини бир қилиб йиртишди. "Ойдиной Ёдгордан қарздор бўлсин", – деб қулоғини Ёдгорга тишлатди. "Бу белги элга маълум бўлсин", – деб кексаларга биттадан оқ рўмол улашди. Кайвони момо эса, ўйкуси келаётган Ёдгорга шу сўзларни айтаётган, гоҳ доно момо бўлиб ўгит бераётган, гоҳ мушфиқ, меҳрибон она бўлиб овутаётган жойи экан.

Қора қошли қора киздан
Қулоқ тишлаб, қарз бўлдинг,
Шу хушрўй, кир кизидан
Этак йиртиб, қарз бўлдинг.

Бу қарзни билмаганга,
Гувоҳи бор, жон болам-а.
Буни бўйин олмаганга,
Гуноҳи бор, жон болам-а.

Ҳар бандaнинг бошида-я,
Паноҳи бор, жон болам-а,
Паноҳи бор деганим-а,
Оллоҳи бор, жон болам-а.

Эгам сени қўлласин-да,
Қулун болам,той болам-а.
Тол бешикда ухлаб қолгин,
Оғзи тўла мой, болам-а.

Насиб бўлса уй тўлдириб,
Тўй қилайлик, тўй болам-а,
Елкасида қарзи бўлган,
Қарздоргина, бой болам-а.

Шилдир-шилдир сув оқади,
Оқар сувга сой, болам-а,
Ўн беш ёруғ, ўн беш қора,
Осмон тўла ой, болам-а.

Қўлдан кетган қўрғон, қалъа,
Шу калъага бек, болам-а,
Элатига меҳри иссиқ,
Ёниб турган чўқ, болам-а.

Қўлдан кетган молу дунё
Кўнгиллари тўқ, болам-а.
Бир кун келиб отилади,
Нишонага ўқ, болам-а.

Қўлдан кетган хазинаси,
Хазинада зар, болам-а,
Қийилди-да насибаси,
Насибамга бор, болам-а.

Элатингда кўпдир ёмон,
Ёмонларга тир, болам-а,
Бир кун келиб олишасан,
Жанг майдонда шер, болам-а.

Уйқунг бузмай ухлаб колгин.
Гуноҳи йўқ хур, болам-а.
Ғанимларинг зўрлик қилди,
Ҳали ёшсан, зўр, болам-а.

Баланд тоғда бўктарилган,
Чилладаги қор, болам-а,
Юки бугун ерда қолган,
Юк кўтаргич нор, болам-а.

Бир кун келар ёруғ кунлар,
Оллоҳ берган нур болам-а,
Ҳали кўпдир душманларинг,
Золимларга тир, болам-а.

Қўлдан кетган номус-оринг,
Ор-номусга чопган, болам-а.
Ғанимларинг элда кўпдир,
Ғанимларга копқон, болам-а.

Алкисса, гўдакларга ором бериб, меҳмонлар суҳбатни анча қуриб, "Алпомиш билан Шомурод қуда бўлди", – деб дуосини бериб, уй-уйига тарқаб кетди. Ойбарчин ҳам уйига етди. Эндиги гапни бошқа томондан эшитинг.

Мана, Алпомишнинг Қалмоққа кетганидан сўнг уч йилча ўтди, бекнинг Қалмоқ зиндонига тушганлиги элатига етди. Ойбарчиннинг ҳам, Бойбўрининг ҳам силласи қотди, ҳисоб-китоби йитди, юрак-бағрини сутди. Барчинойнинг бор алами юрагига жийилиб, тақдир насибаси қийилиб, кўзидан ёш қуйилиб, тирноқлаб бети сўйилиб, "Алпомиш зиндонда ўлган бўлса керак", – деб ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Бойбўри ҳам қартайиб, ёлғиз боласи қайғусида мадори қуриб, ғам қаддини букиб, элат билан ҳам иши бўлмай қолган эди.

Бир вақтда Бойбўрининг Ҳасан бадирак деган қули бор эди, туяларини боқиб, кўп хизматини қилган эди, хизмати ўтган эди, ёши ҳам ўттиз бешларга етган эди. Бойбўри кунларнинг бирида Ҳасан бадиракни чақириб: – Энди сенга жавоб бераман, қуллик вақтинг ўтди, ўзингча яшаш вақти етди, – деди. Ҳасан бадирак Бойбўрига қараб, илтимос қилиб сўраб: – Сиз менинг отамсиз. Хили-хишим бўлмаса, қайга бораман, нима қилиб кун кўраман, то ўлгунча хизматингизни қила бераман, – деди. Бойбўри: – Бўлмаса, сен менга қул эмас, тутинган ул, – деб Бодом бекач деган чўрисига уйлантириб қўйган эди. Ҳасан бадирак Бодом бекачдан Ултонтоз деган ул кўрди, у ўниб-ўсиб, ота касби туя боқишни касб қилиб олган эди, ичи бузук, худо урган эди. Ултонтоз Алпомишнинг Қалмоқ зиндонига тушганлигини билгансан: "Алпомиш зиндонда ўлиб кетади. Бойбўри кариб қолди, юртга катталик менга етади. Ҳозир Бойбўри ёлғиз боласи учун куйиб, кабоби чиқиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди", – деб бир песликни ўйлаб, қабатига ўзига ўхшаган қаланғи-қасанғиларни йиғиб олиб, беклик даврини суриш учун бир хатни ёзиб, отарма-отар, сурувма-сурув, яйловма-яйлов тоғу чўлларга, дала-даштларга чопар жўнатаётган экан:

Тўй бўлганда кийилади чопонлар,
Баланд-пасткам жойда юрар кобонлар,
Бизга энди навбат етди, келинглар,
Дала-даштда сурув боккан чўпонлар.

Навбат келди, сайрар бўлди-да тиллар,
Қайта бошдан очилди сўлган гуллар,
Бизга навбат етганида келинглар,
Бойбўрига хизмат қилган бор қуллар.

Бу даврингда қолганлари чалади,
Ивиб юрдинг қор-ёмғирда, жалада,
Мана бизга навбат етди келинглар,
Умрларинг ўтди доим далада.

Осмон бетда ёруғ бўлган ойларга,
Мол ҳайдадинг қиру адир, сойларга,
Бизга энди навбат етди, келинглар,
Бир умрга хизмат килдик бойларга.

Бу дунёдан умидини узганлар,
Тоғу чўлда кема бўлиб сузганлар,
Бизга энди навбат етди, келинглар.
Қорни тўймай, кўнгилларин бузганлар.

Пиёдалаб тоғнинг тошин терганлар,
Шўр пешона тақдиридан кўрганлар,
Бизга энди навбат етди, келинглар,
Умри бўйи қир-адирда юрганлар.

Юрак-бағрин конлар килиб тилганлар,
Чўпонликда ранги-рўйи сўлганлар,
Бизга энди навбат етди, келинглар,
Одам сонга қўшилмасдан ўлганлар.

Тақдирида бор эканин билганлар,
Эйнига-ку бор жандани илганлар,
Бизга энди навбат келди, келинглар,
Уй бетини кўрмай, бағрин тилганлар.

Дўстлар билан суҳбатин курмаганлар,
Хизмат деб,айтган гапда турмаганлар,
Уй бетин кўрмай бағрин тилганлар,
Яратган манглайига бермаганлар.

Дала-даштда ўз даврини сурганлар,
Бандам деб яратиб, худо урганлар,
Бизга энди навбат етди, келинглар,
Сурув боқиб, ит ўрнида ҳурганлар.

Худо берди, айтганини қилайик,
Мен чақирдим, кўнгилларинг билайик,
Бизга ҳам-ку навбат келди, келинглар,
Бойбўрининг юрак-бағрин тилайик.

Айтар гапни, келингларда, билинглар,
Мен айтдимку, айтганимни қилинглар,
Бизга ҳам-ку навбат етди, дўстларим,
Маслаҳатни қилайлик-да, келинглар.

Ўхшамайлик навбат келди ўликка,
Сув дегани керак доим баликка,
Бизга ҳам-ку навбат етди, келинглар,
Молларингни ташлаб кенглар чўликка.

Ана энди Улгонтоз ёзган хат ҳар яйловга, ҳар бир қўшга, тоғу даштга ета берди, бир-биридан эшитиб, овоза кета берди. Бутун Бойсин-Қўнғирот элида ишловчи қул борми, эрдан қолган тул борми, чивин босган кал борми, турмай ётган шол борми – ҳаммаси келиб, нима мазмунда ёзилганини билиб, ўкиб кўрганлари кулиб, Улгонтознинг песлик қилганини билиб: "Нима зиддият ўтди экан, хатни ёзибди юрак-бағрини тилиб, мисоли итдай ғилиб, – деса, бир хиллари: "Қани, бу тентакникига борайлик, кўнглини билайлик", – деб молларини чўлиғига ташлаб, айтган кунида келди.

Улгонтоз беш-олти қўйни сўйиб, бир хилини қайнатиб, бир хилини қовуриб, бир хилини тандир кабоб қилиб, олдига қўя берди, келганлар еб берди, шуйтиб қул борми, чўпон борми еяберди. Бировнинг молини ўзиникидай сўйиб, келганларни қўшида меҳмон қилиб, базму суҳбатни қура берди. Баъзи чўпонлар Улгонтозга қараб, муртини бураб: – Ҳў, Улгонтоз, сен қўй бокмас эдинг, туя бокар эдинг. Бу қўйларни қайдан топдинг, чўпонларнинг молига кечаси ўғирлик қилиб, бўлиб олдингми,

изини ўйламай тапирлатиб сўяяпсан, қовуриб гўштга тўяяпсан. Буларнинг ўрнига бир тойлоқни сўйсанг ҳам бўлар эди, эртасига ортиғи ўзингга қолар эди, – деб устидан кула берди. Баъзилари эса: – Ҳой галварс, сен нимага шама қилаётибсан? Ултонтоз топмайдиган йигитми? Бир нор туяни сотса, бундай қўйдан йигирмасини беради, топган йигит гаштини суради, сенга ўхшаб икки қўлини бурнига тиқиб турами, шундай топганини сени-менга беради, Бойбўри бобоси эса одамнинг султони бўлиб туради, – деб кула берди. Лекин Ултонтоз буларнинг гапига парво қилмай, кўза-кўза шаробни ҳам олиб кела берди. Ҳаммаси Ултонтозни бири акам, бири укам, деб ича берди. Гурунг авж чиқиб, қизиб боргансан, чўпонлардан бири Ултонтозга қараб: – Хатни ёзиб бизни чақирдинг, максадинг нима? Тилагингни айт, нима зиддият ўтди, кунингга қоламизми яраб, кетаётибди кўза-кўза шароб, дардингни айт бизлар қолмаси нураб, – деди.

Ултонтоз келганларга қараб, гапирсам эшитасанми, деб сўраб: – Парво қилмай ича бер, ҳали кўп гўшт билан шароб, бугун бўлмаса эрта бор, қола бер нураб. Энди ўзларингга келдинглар, нима учун келганингни билдинглар, менинг устимдан кулиб олдинглар. Нима сабабдан чақирганимни эшитинглар, – деб чўпонларга қараб, шу сўзларни айтиб турган экан:

Қўлга олиб мен чертаман созимни,
Манман деган босолмайди изимни,
Иззат қилиб келибсизлар ўзимни,
Бу ерга йиғилган гала чўпонлар.
Мен айтайин, эшитинглар сўзимни.

Изладимда сизлардайин хилимни,
Бирга тортсак дейман, берса ўлимни,
Гала бойлар ўтказди-да зулмни,
Мен чақирдим, келибсизлар дўстларим,
Эшитиб ол айтадиган тилимни.

Баланд тоғда бўктарилар оппоқ қор,
Дунёнг қурсин, сену менга бўлар тор,
Хизмат биздан, бировларда олтин зар,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Сизлар учун айтадиган арзим бор.

Хизмат қилиб кеча-кундуз тинмасак,
Молу дунё не эканин билмасак,

Бой бойирми, сиз-биз хизмат қилмасак,
Маслаҳатни қилайин-да, дўстларим,
Ёруғ кунлар келди, билдим, ўлмасак.

Чўлларга сув берар тоғларнинг қори,
Не бўлса кўрамиз тақдирда бори,
Ўлолмайди, юрибди-да у тири[к],
Маслаҳатни қилайлик-да дўстларим,
Қариб қолди, биласизлар, Бойбўри.

Бу юришлар юрак-бағирни тилди,
Ўйлаб турсам, менинг айтганим бўлди,
Қариб қолди Бойбўри, гулдай сўлди,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Элатман иши йўқ, тириклай ўлди.

Шу булар айтилган гапларнинг зўри,
Бойбўри ўлади юрмасдан тири,
Қўлдан кетди унинг номусман ори,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Ўладиган жойга етди Бойбўри.

Тоғ бошини туман келиб чалмади,
Ёлғиз эди, манглайига солмади,
Тири[к] ўлик, худо жонин олмади,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Кашал кетган айдаҳори келмади.

Сарғайтирди нурли бўлган юзини,
Яратганим қуритди-да изини,
Ёлғизи йўқ, тутолмайди ўзини,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Инобатга олманг чолнинг сўзини.

Тақдир билан насибаси қийилиб,
Бор алами келган экан жийилиб,
Осмон қолган бу бошига ўйилиб,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Боласи йўқ, султон қолган суйилиб.

Шу кунларда қолган тоза ўйланиб,
Мисли тентак, юради-да сўйланиб,
Гапирмайди, тили қолган бойланиб,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Вақти келди, қолар бўлдик мойланиб.

Қулоқ солинг бўлар гапнинг ўзига,
Тупирмоқнинг вақти кеди тузига,
Султон бўлса, қарамаймиз юзига,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Тентак бўлган, тушунмайсан сўзига.

Сув окади танг сойлардан шалдираб,
Айланмайди, тили қолган ғулдираб,
Кўзлари ҳам ўтмайди-да милдираб,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Юрар йўлин тополмайда галдираб.

Булбул келиб қўнмайди-да гулига,
Маймун йиғлар ҳозир кўрган ҳолига,
Акл ҳам йўқ, қарамайди молига,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Гапирганда тушунмайсан тилига.

Булбул кушнинг бўлади-да чегаси,
Йиртилади Бойбўрининг жоғаси,
Пушганидан сўтилди-да тўғаси,
Маслаҳатни қилинглар-да, дўстларим,
Қолмади-да Бойсин-Қўнғирот эгаси.

Чопадиган бўлдим бугун пироқда,
Етишади, билдим, менда диракда,
Ёнар бўлди ўчган сабил чирок-да,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Элатингга битта подшо керак-да!

Қўлни кесар тортганингда қиёғи,
Ғалжирайди, бирикмайди ияги
Юрар бўлса, чалкашади оёғи,
Маслаҳатни қилайлик-да, дўстларим,
Қуриди-да Бойбўрининг туёғи.

Алқисса, чўпонлар Ултонтоздан бу сўзларни эшитгансан, юраги тошиб, хаёли ошиб, бир хилларининг бошига кайғу-алам тушиб, Ултонтознинг бу гапига жўшиб, ақли борининг айтилган сўз кетди бағрини тешиб, хайрон бўлиб соқолини қашиб, Ултонтозга қараб, бир хил намозгўйи кеча кўрган тушини яхшиликка жўраб, бир хилининг аччиғи келган, муртини бураб, бир хили мастликда йиқилмайин, деб икки қўлини ерга тираб: "Эй, Ултонтоз, сен каёкка бораётибсан?" – деб сўраб: – Ҳали Бойбўри сен айтганча бўлмаса керак. Тўғри, Ҳакимбек келмади, бағридан юлинган юрак, бу ишларга қандай чидайди дирак. Ёлғиз йўлбарсидан айрилган,шунга хафа бўлган бўлса керак. Ҳали Ҳакимбек Қалмоқ зиндонига тушди деган билан ўлгани ҳақида хату хабар келгани йўқ, – деб шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Чарх уриб учади бургут ҳавода,
Зиндонбанд қилинган бўлса Ҳакимбек,
Ўз элидан чиққан битта соба-да,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Бойбўрига бу қилинган тоба-да.

Осмон аёз бўлса, бўлар кўнгил кўк,
Мерган бўлиб тирдонига солган ўқ,
Юрт эгаси келишига кўнгил тўқ,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Банди бўлса, ҳали Ҳаким ўлган йўқ.

Тоғ бошини туман бўлиб чалмайми,
Қилган ишга уялиб ҳам қолмайми,
Келар бўлса қиёмат кун солмайми,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Юрт эгаси Алпомиш ҳам келмайми?!

Бойбўри-ку йиғлаб қолган зору зор.
Икки дунё бунга бўлиб атганг тор,
Қаторидан узилганда кора нор,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Банди бўлса, ўладими айдаҳор?!

Ҳулкар бориб тоғ бошига таялмай,
Хизмат қилиб Бойбўридан жой олмай,
Жанг майдонда кўкси қонга бўялмай,

Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Бу гапларни гапирасан, уялмай.

Чопмайди деб ўйладингми пироғи,
Қўлидан тушмаган ҳали яроғи,
Ўчдимикан Бойбўрининг чироғи,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Ё ўлди, деб келдимикан дараги?

Баланд тоғлар бағри бўлар доим кир,
Инсон зоти келолмайди бунга тир,
Инсу жинсу, дев-парига бўлар пир
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Ё зиндонда ўлдимикан асли шер?

Булбул қуши қолдимикан чагасиз,
Оқ айили, пуштани ҳам тўғасиз,
Кийган тўни бўлдимикан жоғасиз,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Бойсин элат қолдимикан эгасиз?

Бу давриниг қолдимикан чаласи,
Яратганга етмадими ноласи,
Ўтдимикан душманларнинг ҳиласи,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Ўйилдими Бойсин-Қўнғирот қалъаси.

Савр ойда ёғар, билсанг, жоласи,
Эгасиз бўб қолмас Бойсин қалъаси,
Бошга соя яратган Оллотоласи,
Қалмоқ элда ўлган бўлса Ҳакимбек,
Изида бор Ёдгор шунқор боласи.

Баланд тоғда бўктарилар оппоқ қор,
Қаторидан тиркалади қора нор,
Алпомишдан қолишмайди айдаҳор,
Гапларингга тушунмадик, Ултонтоз,
Бойбўрида сенинг нима қасдинг бор?!

Очилган гул бир кун бориб сўлмайми,
Кашал кетган юрт эгаси келмайми,

880 Келар бўлса, киёматни солмайми,
Гапларингга тушунмадик, Улгонтоз,
Гул танангдан бу каллангни юлмайми?!

Бу дунёнинг баланди бор, пасти бор,
Ботирларнинг найза санчар шашти бор,
Алпомишдан қолишмайди Ёдигор,
Гапларингга тушунгмадик, Улгонтоз,
Бойбўрида сенинг қандай касдинг бор?

Ана энди Улгонтоз чўпонлардан бу гапларни эшитиб, уларга қараб: – Ҳў, чўпонлар, шуйтиб сизлардан турибман маслаҳат сўраб, Бойсин-Қўнғирот калъаси қолган нураб, Алпомиш ўлган, ҳолимиз хароб. Шу кунгача эгалик эдик, юрганда кунимизга яраб, эгасиз қолган юртга душман келмай турами қараб, – деб бошлади-да, айтаётган ўтирик гапини давом эттирди.

– Мен Алпомиш акам армон билан зиндонга тушган бўлса, қандай бўлар экан, ўлса, Бойсин-Қўнғирот эгасиз қолса, деб бир бориб ҳолидан хабар олайин, ўз кўзим билан бориб кўрайин, нима гап-сўз эканини билайин, деб Қалмокка кетган эдим. Бегона эл, ким билади, бир девонасифат бўлиб бордим, бир ҳафта тиланиб, бозорларда юрдим, миш-мишларга қараганда, Алпомиш тушган зиндон бир биёбон чўлда экан. Қидириб-қидириб топдим. Ахири бир катта ходани чоҳ бошига маҳкам қоқиб, арқонни белимга боғлаб, кўнглимни доғлаб чоҳга тушдим. "Алпомиш" деб товуш бердим, ҳеч бир садо чиқмади. Чоҳ қирқ газ қилиб қазилган экан, ҳў, очилган гули сўлган экан, ажал паймонаси тўлган экан, бўлар иш бўлган экан, юрак-бағрини чоҳ тилган экан, Алпомиш очу сувсизликдан ўлган экан, суяклари шақирлаб ётибди. Чоҳдан чиқиб, ҳеч кимга билдирмасдан қайтиб келдим. Бу сиру савдони ҳеч кимга билдирмаслигимиз керак. Чунки Алпомишнинг ўлгани ҳақида душманлар хабар топса, Бойсинни ёв босади, чор атрофни тўсади,гапга етарнинг барини осади, элат лахта-лахта қон қусади, душманлар кўнгли ўсади. Шунинг учун мен Бойсин-Қўнғиротга подшоҳ бўлишим керак. Бойбўри бобом қари бўлса, Ёдгор ёш бола бўлса, Ёдгор ҳали катта бўлса, юртга подшо бўла беради. Ёдгор Алпон акамдан қолган сағирим, Бойсин-Қўнғирот элат шуники. Ўрнимни шунга бериб, оркасидан туриб, дуони бериб юра бераман-да. Ҳозирча элатга бир подшо керак-да, – деди.

Шунда чўпонларнинг бир хил калтафаҳмлари: – Улгонтоз тўғри айтади. Алпомиш ўлган бўлса, Улгонтознинг тутинган акаси эди, Бойбўри бобоси бўлса, Бойсин-Қўнғирот қалъаси шуники-да. Ёдгор йигит бўлгунча яна ўн еттти-ўн саккиз йил керак. Унгача Бойсин-Қўнғирот эгасиз қолама,

Ултонтоз айтгандай бу бўлами? Не кўп, элатимизга душман кўп. Билмадик. Алпомишнинг ўзи ўлганини билами, тирилиб кеб колами, калламизни жулами, келиб киёмат солами, Ултонтозга ишониб бўлами, Алпомишнинг туғишган ака-укаси бўлмаса, Бойбўри қариб қолган, бўлмаса, Ултонтоздан бошқа ким ҳам қилар эди? – дейиша берди.

Қисқаси, йиғилганлар биргалашиб, тўп бўлиб, ғаловлашиб кўп бўлиб, Ултонтозни подшо қиладиган бўлишиб, вазифаларни ҳам олди бўлишиб. Ултонтоз ўзини: "Бойбўрининг меросхўриман, Бойсин-Қўнғиротнинг подшосиман", – деб эълон қилиб, қилар ишини билиб, нечовларнинг жигар-бағрини тилиб, ўзига ўхшаган қаланғи-қасанғиларни олдига йиғиб олиб, бирини лашкарбоши, бирини мингбоши, бирини юзбоши, элликбоши, ўнбоши, бирини вазир, бирини қози, бир хилларини жаллод қилиб, Бойсин-Қўнғиротда айшу ишратини сура берди. Элатнинг бою бадавлатлари кунини кўра берди, гапга келмаганини келтириб ура берди, олик-соликни ҳам кўпдан кўп сола берди, ўжарлик қилганни дорга торта берди, элатнинг меҳнати орта берди. Хазинага олтинларни тўплаб, Бойбўрининг бор мол-мулкини ўзиники қилиб олиб, бошқа бойларнинг бойлигини ҳам тортиб ола берди, элу халқнинг бошига зулм сола берди, билган ақли шу-да, қила берди.

Мана шунда Барчиной Ултонтознинг бу ишларига аччиғи келиб, қилаётганлари аҳмоқликдан бошқа нарса эмаслигини билиб, Ҳакимбек тўраси келмаётганига хулқаси тўлиб, бу дунёнинг ишларига хафа бўлиб: "Ултонни осмону фалакка отсаммикан илиб, юрак-бағрин тилсаммикан қон қилиб, молу мулкимизни тортиб олиб, эл бошига жабр-зулм солиб, зўрлигини ўтказди-ку! Туман бўлиб бошини чалсаммикан, баринниг бошига ўтмас кунни солсаммикан", – деб ўйланиб, "Кел-э, Ултонтозга ҳам худо инсоф берар, бермаса ўзидан кўрар, бек тўрам Қалмоқдан келар, улапасини берар", – деб аччиғини босиш учун Ёдгоржонни олиб ўйната берди.

Орадан кунлар ўта берди, Ултон зулми кучайиб кета берди, қул қул-да, тутқаноғи тута берди, гуноҳсизларни дорга торта берди, бир хиллар Ултонтоз жабридан кочиб кета берди.

Алқисса, қўнғиротларнинг тортувли шохидан бўлган Шомурод бошлиқ беш минг уйли элат Кўккамиш деган яйловда яшар эди. Кунларнинг бирида Ултонтоз мулозимларини чақириб олиб: – Ҳозир ҳамманг Кўккамишга борасан, Шомуродни кўрасан. Алпомишнинг ошнаси бўлганидан шунча йилдан буён подшоликка закот тўламабди. Қовок-бошингни уясан, элатини жиясан, тақдир насибасин қиясан, Ултонтознинг буйруғи, деб ўнта молдан биттасини закот учун олиб келасан, айтганимни тайин қиласан, бўлмаса, баринг дорга тортилиб ўласан. Айтганингни қилмаса,

барининг кўлини бойлаб, бошига аччиқ камчини тайлаб, олдимга олиб келасан, – деб жўнатиб юборди.

Мулозимларнинг димоғи чоқ бўлиб, бу ишни қилишига кўнгли тўқ бўлиб, отларини суриб кетаётган жойи:

Алвондан алвон дўнади,
Яратган бошга паноди,
Ҳолини билган доноди,
От чопишиб гала куллар,
Кўккамиш қараб жўнади.

Билмайди ўзин ҳолини,
Тортиб бедовнинг белини.
Сўлдирган нечов гулини,
Чопади, каранг, гала кул,
Олар отларнинг сўлини.

Дарёдай бўлиб тошади,
Ем еган гала бедов от,
Аланг-алангдан ошади,
Жўнади, каранг, гала кул,
Қувалашиб ҳа-ҳалашади.

Адир жойлар ҳам ёнади,
Фарзанд вояга етказган
Отаси билан онади,
Кетаётирда гала кул,
Ит кувган мисли танади.

Отлар боради кишнашиб,
Бири-бирини тишлашиб,
Кўнгилларини хушлашиб,
Кетаётирда гала кул,
Бири-бирини муштлашиб.

Сигирдан айрилмас буқа,
Қадам тайлаб якка-якка,
Қайтмай тайлар отлар тикка,
Кетаётирда гала кул,
Муштлашади олчи-чикка.

Сон тегмасинда чўрига,
Чичар отанинг гўрига,
Қулоқ солмайди пирига,
Кетаётирда гала қул,
От ҳайдаб майдон чўлига.

Жўнади, қаранг, шақирлаб,
Отларнинг абжуш наҳали,
Тошга текканда тақирлаб,
Кетаётирда гала қул,
Қайнаган чойдай вақирлаб.

Дарёдай тўлиб тошади,
Отни аямай қўшади,
Қистаб ҳайдайди, жўшади,
Кетаётирда гала қул,
Кўрганнинг ақли шошади.

Сув келса, дарё гуриллаб,
Бедов жўнади шариллаб,
Қамчи ёғилар жориллаб,
Кетаётирда гала қул,
Гапиришади дўриллаб.

Билмайди ўзин ҳолини,
Тортиб олмоқчи, қаранг-да,
Шомуродларнинг молини,
Кетаётирда гала қул,
Еган Ултонтоз болини.

Буюрмоқ бўлар сиздан, деб,
Хизмат қилишлик биздан, деб,
Чиқмаймиз тани издан, деб,
Кетаётирда гала қул,
Хотирлаш кетган юздан, деб.

Бедовни қистаб чопади,
Олдидан тўғри келганда,
Қутурган итдай копади,
Кетаётирда гала қул,
Ўз қилиғидан топади.

Билмайди курук-хўлини,
Бир карич қилар тилини,
Оғритар кўрган дилини,
Кетаётирда гала қул,
Излаб Кўккамиш йўлини.

Бедовни қистаб шошди-да,
Юраги жўшиб тошди-да,
Неча беллардан ошди-да,
Кетаётирда гала қул,
Шомурод учун жўшди-да.

Баланд қорларнинг корига,
Ос десанг, дарров осади,
Қаранг, Мансурнинг дорига,
Кетаётирда гала қул,
Чопар Ултоннинг орига.

Тақдирда борин кўрсак, деб,
Бедов отларни сурсак, деб,
Доим шундайин юрсак, деб,
Кетаётирда гала қул,
Шомуродларга борсак, деб.

Тупирган элат тузига,
Ихтиёр теккан ўзига,
Қулоқ солмайди сўзига,
Кетаётирда гала қул,
Кўринди Кўккамиш кўзига

Мана шунда масъуллар Кўккамишни кўриб, сабовдай бўлиб тизилиб кишлокни оралай берди. Буни кўрганлар: "Булар бир балони бошлайди, ичиги келса, бир бошимиздан лошлайди, кўринганни ушлайди, калласига камчи ташлайди", – деб кўринмасдан уй-уйига кириб ўтира берди. Масъуллар караса, итлар хураяпти, биров кўринмайди. "Булар биздан қўркиб, уй-уйига писиб олишди. Шомуроднинг уйини билмасак, аввал келган бўлмасак", – деб овулни оралаб, элат багрини яралаб: – Шомурод, уйда бўлсанг берман чик, – деб шу сўзларни айтиб овул оралаб кетаётган жойи экан:

Баланд тоғларда қормисан,
Элатда номус-ормисан,
Ўзи шундайин шўрмисан,
Овул оралаб бақирар,
Шомурод деганинг бормисан?

Чиқмайсан қилган ўйингдан,
Топдинг-да феъли-хўйингдан,
Суяк олинар бўйингдан,
Овул оралаб бақирар,
Шомурод, чиққин уйингдан.

Подшога қилдинг хиёнат,
Ўзингда борми диёнат,
Биздан тополмайсан мурод.
Овул оралаб бақирар,
Бўйингни кўрсат, Шомурод.

Қувиб келдикда изингни,
Емаймиз тани тузингни,
Боболай кўрсин юзингни,
Овул оралаб бақирар,
Шомурод, кўрсат ўзингни.

Масъуллар отни сурибди,
Ултон буйрукни берибди,
Сени қидириб юрибди,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Ўзингни худо урибди.

Оширибсан-да ишингни,
Уриб синдирар тишингни,
Ўйламас хилу хешингни,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Масъул титади гўшингни.

Масъуллар келган жўш бўлиб,
Олдимга келгин пеш бўлиб,
Келгин-да бизман дуч бўлиб,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Келмасанг қоласан гўш бўлиб.

Биров гапига учмагин,
Аҳмоклик қилиб кочмагин,
Қону зардобни ичмагин,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Қора ерларни кучмагин.

Масъуллар жонини сотар,
Орқангдан кувиб ҳам етар,
Патингни битталаб титар,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Билдим, сендан давлат кетар.

Масъуллар кичкириб ўтар,
Сенга бўлган хавфу хатар,
Қочсанг, бўлар сенга баттар,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Аждаҳордай сени ютар.

Ҳолсирайди, лабинг котган,
Масъуллар жағингдан тутган,
Сенинг, билсанг, давринг ўтган,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Қочар бўлсанг, ажал етган.

Очилган гулдай сўлмасдан,
Ажал паймонанг тўлмасдан,
Ўлиб кетмагин билмасдан,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Гаплашиб қолгин ўлмасдан.

Юрак-бағрингни сўтмасдан,
Ажалларингни кутмасдан,
Санокли кунинг битмасдан,
Шомурод, чиқиб берман кел,
Масъул гўштингни титмасдан.

Шу вактда Шомурод яйловдаги чўпонлардан хабар олиб келайин, деб тулпор отининг белига эгарни босиб, белини маҳкам тортиб, чўпонларнинг эзму сувини ортиб, қўлига битта заранг таёқни олиб, бор анжомларини олиб хуржунга солиб, жўнамоқ бўлиб турган эди, кимнидир: “Шомурод,

чиқиб берман кел", – деган товушини эшитиб қолди. Чиқиб қараса, овулда бир тўда мулозимлар оралаб, кўрганнинг кўнглини яралаб, оғзидан шоди чиқиб, боди кириб, гапирган гапини билмайди, бу ердагиларни кўзга илмайди. "Шомурод", деб бақириб юрибди. Ултонтознинг жабр-зулмини Шомурод эшитган эди. "Буларни ҳам Ултонтоз юборган бўлса керак. Эҳтиёт шартда, менинг гўшамни титмоқ бўлаяпти, бир ёмонлик ўйлаб шу ишни қилаяпти", – деб ўйлаб, уларнинг ҳақоратига тоза аччиғи келиб: "Мен нима ёмонлик қилган эканман", – деб томирда қони қайнаб, тақимига заранг таёғини қистириб, тулпор отини миниб, баландликдан паста эниб, мулозимларнинг олдига тикка чиқа берди, уларга қараб: – Ҳой, сенлар қандай аҳмоқсанлар, уйма-уй бақирасан, Шомурод, деб чақирасан, оғзингдан чиққан гапни билмайсан. Сенлар излаётган Шомурод мен бўламан. Бўлса, айта бер ишингни, нима гуноҳим бор эди, титаман дейсан гўшингни, билиб юрибсанларми ҳушингни, ажалимни истаб бунча қайрайсан тишингни, нима гапинг бўлса айтиб, бу ерлардан омон олиб кетгин бошингни, – деди. Мулозимлар Шомуроднинг олдида турганини кўриб, атрофини ўрай берди отларини суриб. Буларни кўрганлар ҳам уйидан чиқиб, тўп бўлиб, биргалашиб кўп бўлиб, селов-селов бўлиб кела берди, ғала-ғовур гап бўла берди. Шунда Шомурод бир сўз деб турган экан:

Сизларга худо берганлар,
Элат оралаб юрганлар,
Бедов отларни сурганлар,
Олдинга турар Шомурод,
Гапир ишингни, турганлар.

Сарғайтмоқ бўлсанг юзим,
Кўриб турган менинг кўзим,
Эшитиб ол айтар сўзим.
Ишингни айтгин, масъуллар,
Олдингда турган мен ўзим.

Подшонга қибман хиёнат,
Сенда бор экан диёнат,
Ҳаммада жонлар омонат,
Гуномни гапир, масъуллар,
Олдингда турган Шомурод.

Ўқиранади бедов от,
Нима деб борди маълумот,

Бунча чекасан фарёд,
Гуномни гапир, масъуллар,
Нега киласан сиёсат?

Не сабаб қувдинг изимни,
Емас экансан тузимни,
Ўяр экансан кўзимни,
Гуномни гапир, масъуллар,
Шомурод дейди ўзимни.

Подшонг буйрук берибди,
Нега кидириб юрибди,
Олдингда, билсанг, турибди,
Гуномни гапир, масъуллар,
Ҳаммангни худо урибди.

Қандай оширдим ишимни,
Янчмоқ бўлдинг-да бошимни,
Гапларинг олди хушимни,
Гуномни гапир, масъуллар,
Титмоқ бўлдинг-да гўшимни.

Сайрайсан мунча жўш бўлиб,
Олдингга чиқдим пеш бўлиб,
Майли, қолайин гўшт бўлиб,
Гуномни гапир, масъуллар,
Мен ман турибман дуч бўлиб.

Гапларингга лабим қотган,
Ўласан деб бақирасан,
Тутқаноғинг нега тутган,
Гуномни айтгин, масъуллар,
Мендан кандай гуноҳ ўтган.

Гапингга талпинар юрак,
Бор бўлсаки сенда дирак,
Қила бергин, майли, сўрок,
Гуномни гапир, масъуллар,
Ўлигим кимларга керак?

Баланд тоғдаги бастимга,
Айтар бўлсамки ростимга,
Отни соласан устимга,
Гуномни гапир, масъуллар,
Нега юрибсан қасдимга.

Овул оралаб сўрайсан,
Менинг ўзимни қарайсан,
Қандай кунларга ярайсан,
Гуномни айтгин, масъуллар,
Атрофим нега ўрайсан.

Мени билсанг-да бир ўзим,
Қирқни кўрар менинг кўзим,
Яна кўп дейсан-да изим,
Гуномни гапир, масъуллар,
Эшитиб айтган сўзим.

Масъуллар Шомуроддан бу сўзларни эшитган сўнг: – Ҳали сен Шомуродмисан? – деб сўраб, узангига оёғини тираб, атрофини ўраб: – Сени юрибмиз биз қараб, элатинг ҳам келди йиғилиб, элатинг билан бирга айтар сўзимизни эшит, – деб шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Очилган боғда гулимди,
Бошга солмасин ўлимди,
Оғрита кўрма дилимди,
Агар бўлсанг-да Шомурод,
Эшитгин айтган тилимди.

Масъуллар дейди ўзимни,
Кўриб турибсан юзимни,
Йўлбарс босолмас изимни,
Агар бўлсанг-да Шомурод,
Эшитиб олгин сўзимни.

Осмонда ёруғ ойимди,
Кўриб турибсан бўйимди,
Қайтара кўрма райимди,
Шомурод бўлсанг, эшитгин,
Улгонтоз дейди бойимди.

Булбул кушларнинг чегаси,
Оқ солув тўннинг жоғаси,
Йигитнинг сардор оғаси.
Шомурод бўлсанг, эшитгин,
Ултон Бойсиннинг эгаси.

Бу жойлар тоза сўлимди,
Айтганларини қилмасанг,
Ўтказар сенга зулмди,
Шомурод бўлсанг, эшитгин,
Бошингга солар ўлимди.

Сени турибмиз биз сўраб,
Неча кундан бери қараб,
Ҳолларинг бўлмасин хароб,
Ножўя гапни гапирма,
Тағи кетма отдан нураб.

Чопдик чўлларда пироқни,
Белга осиб ҳам ярокни,
Ўчирма ёнган чироқни,
Агар бўлсанг-да Шомурод,
Энди қиламиз сўроқни.

Бизларга берган санатди,
Қўлтикка бериб канотди,
Бедов отларни ўйнатди,
Агар бўлсанг-да Шомурод,
Улгонтоз бизни жўнатди.

Кийгандир бахмал-банотди,
Айтганларини қилмаган,
Нечовнинг бурнин конатди,
Агар бўлсанг-да Шомурод,
Гала масъулни жўнатди.

Худо берибди савлатди,
Савлатман бирга давлатди,
Ултон бизларни овлатди,
Шомурод бўлсанг агарда,
Иснодга қўйма авлодди.

Бизлардан килма гинани,
Омон сақласин танани,
Танимаймиз-да энани,
Закотни бермай Шомурод,
Ўзинг қилибсан гунани.

Мерган кийикни мўралаб,
Отар кўксини яралаб,
Кўп юрдик элат оралаб,
Закот берасан Шомурод,
Молинг оламиз саралаб.

Бедов отларни сурасан,
Тақдирда борин кўрасан,
Элат оралаб юрасан,
Буйрук шундай, Шомурод,
Ўндан бирини берасан.

Эшит масъуллар сўзини,
Улгон юборган ўзини,
Бир қилар қишу ёзини,
Сурувинг бўлса агар минг,
Саралаб олар юзини.

Кийик тайлайди қиядан,
Меҳнатинг кетар зиядан,
Қулун, той ҳамда биядан,
Учдан бирини берасан,
Боқилиб юрган туядан.

Бедовни миндик соқодан,
Элаб ўтказар докадан,
Айрилма бола-чақадан,
Учдан бирин берасан,
Тана, сигиру букадан.

Илон юролмас жонадан,
Гап эшит биздай донодан,
Қоча кўрмагин панадан,

Учдан бирин берасан,
Арпа, буғдою донадан.

Юрак-бағрингни тиласан,
Ултонни ўзинг биласан,
Айтганларини қиласан,
Қилмаганларинг, элатим,
Ўзингни дорга иласан.

Очилган гулдай сўлади,
Ажал-паймонанг тўлади,
Танангдан калланг юлади,
Кимки закотни бермаса,
Дорга осилиб ўлади.

Тоғларнинг боши коради,
Сўм гўштдан теккан яради,
Закотни бериш чоради,
Элатингдан бермаганлар,
Биз билан бирга боради.

Айтган гапида туради,
Жаллодлар тоза жоради,
Ўлганларингга уради,
Ўжарлик қилиб нечовлар,
Дорнинг тагида нуради.

Тоғларнинг бўктар корига,
Ҳар ким чопади орига,
Қулоқ солмайди зорига,
Закот бермасанг, элатим,
Тортар Мансурнинг дорига.

Айтар гапимни биласан,
Айтганларимни қиласан,
Хазон бўласан, сўласан,
Закотни йиғиб бермасанг,
Шомурод, тайин ўласан.

Ёмон қилиғинг кўясан,
Қовок-бошингни уясан,
Бормаганини сўясан,
Шу нарсани тайин билгин,
Элатдан закот жиясан.

Тингламас айтган сўзингни,
Ултон ўяди кўзингни,
Сағир киб ўғил-қизингни,
Айтганларини қилмасанг,
Ултон ўлдирар ўзингни.

Шомурод бу сўзларни эшитгансан, йиғилган элатдошлари олдида масъулларга қараб: – Ҳў, масъуллар, Ултонтоз подшо бўлиб шошаяпти, тоза ҳаддидан ошаяпти, бемаврид селдай тошаяпти, элнинг тузини сб тузидан тонаяпти, қанот қоқиб жаҳаннамга учаяпти, бу зулмдан безганлар боши оққан томонга кўчаяпти. Эскидан адолатли подшолар молнинг юздан бирини закот қилишган, адолатсизлари кирқдан бирини олишган. Ултонтоз қул-да, куллигини қилиб, ҳар хил нағмалар ўйлаб чиқараётибди. Ултонтоз ўндан бирга, учдан бирга закот солиб, элнинг насибасини кийиб олаяпти, кўзини ўйиб, гўрига тиқадими бунча молу дунёни жийиб? – деди. Шунда масъуллар: – Буни бизлар билмаймиз. Ултонтоз айтганини қиламиз, ол деса, оламиз, сўй деса сўямиз, кўзини ўй деса, ўямиз. Гапни кўпайтирмай, айтилган закотни тўланглар, – деди. Йиғилганлар: – Ултонтозга бориб айт, бу закотни биз беролмаймиз, зулмига чидаб туролмаймиз. Қўлидан келганини қилсин, қўлидан келса, осмонни ўйсин, бунча нафсини очмай тийсин, майли эпақага келтириб закотини олсин, – деди. Шунда масъулларнинг аччиғи келиб, қутурган шердай бўлиб, қўлига қамчини олиб, тўғри келганни солиб, элат устига ташланаётган жойи:

Баланд тоғларнинг бастига,
Ташланди элат устига,
Ёлғон эмасдир, ростига,
Қутурган гала масъуллар,
Олди қамчининг остига.

Нозик кўнглини хушлайди,
Отман юборар урдириб,
Аямай қамчи ташлайди,

Қутурган гала масъуллар,
Қочганларини ушлайди.

Оширди масъул ишини,
Олди элатнинг ҳушини,
Ўйламай қари-ёшини,
Қутурган гала масъуллар,
Уриб ёради бошини.

Элатнинг кўнгли бузилди,
Кўзидан ёши тизилди,
Қамчи зарбидан эзилди,
Уради каранг, масъуллар,
Манглайдан қони тизилди.

Ҳавфсалалари пир бўлиб,
Мисли қутирган шер бўлиб,
Бир-бирларига тир бўлиб,
Ураётир-да масъуллар,
Элат олдида зўр бўлиб.

Қарамай айтган сўзига,
Бир бало бўлган ўзига,
Тупирган элат тузига,
Ураётир-да масъуллар,
Қамчи тортади юзига.

Тақдирда бори кўрилди,
Ажалнинг дори қурилди,
Қамчидан манглай ёрилди,
Ураётир-да масъуллар,
Бет-боши конга корилди.

Билмади юзи хотирди,
Қочганларини ушлади,
Кўзи кизариб қутурди,
Ураётир-да масъуллар,
Ҳаммасин конга ботирди.

Ўйламай ишнинг изини,
Қўшади аспи тозини,

Тўрт килди элат кўзини,
Ураётир-да масъуллар,
Йиғлатиб ўғил-қизини.

Олди элатнинг сўлини,
Йиғлатиб кизу улини,
Оғритди тоза дилини,
Ураётир-да масъуллар,
Бойлади оёқ-қўлини.

Қўшар, каринг, қийиб отди,
Уйи куйсин, меҳри қатти,
Йиғилганлар қонга ботди
Ураётир-да масъуллар,
Бермайсанми, деб закотди.

Қамчи тегади ширпиллаб,
Йиқилиб колар шилқиллаб,
Нечов йиғлайди шўркиллаб,
Ураётир-да масъуллар,
Нечови қолган булкиллаб.

Ўйламай бери-нарини,
Пеш қилар Мансур дорини,
Қўймади битта бирини,
Ураётир-да масъуллар,
Уриб йиқитди барини.

Шомурод буни кўрди-да,
Олдига солиб сурди-да,
Аямади, урди-да,
Ураётир-да масъуллар,
Элатни тоза қирди-да.

Ҳў, масъуллар кўнглини хушлади, йиғилганларни қизил қонга ботириб бир бошидан лошлади, кўпини бойлаб ташлади. Бу сиру савдоларни кўриб турган Шомурод қон томирлари суюлиб, бор алами кела берди жийлаб масъулларга: – Бойланганларни бўшатасан. Энди навбатни менга берасан, нима қилишимни ўзим биламан, ғинг деганингнинг каллангни оламан, деб масъуллар устига ташланаяти.

Элатимга сен ўтказдинг зулмни,
Оғритдинг-да, сасиган қул, дилимни,
Эшитгинда айтар бўлган тилимни,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Бошларингга солар бўлдим ўлимни.

Сарғайтирдинг нурли бўлган юзимни,
Сендай қуллар босолмайди изимни,
Эшитиб ол, сассиқ қуллар, сўзимни,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Аслим йўлбарс, Шомрод дейди ўзимни.

Эгалик қилмайсан йиққан зарингга,
Якка ўзим тенг келарман барингга,
Қулоқ солмас бўлдим қилган зорингга,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Осар бўлдим ўзинг курган дорингга.

Индамаса, элат барин урасан,
Ўз қўлингман Мансур дорин курасан.
Энди бўлса, сен ҳам кунинг кўрасан,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Қилган ишинг жавобини берасан.

Сенлар билан ўлганимча кўраман,
Элат учун, билсанг, жоним бераман,
Алин майдон, Рустам жанггин кураман,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Қилган ишинг жазосини бераман.

Чақириб келмадим сенинг ўзингни,
Ўяр бўлдим икки бирдай кўзингни,
Сағир қилай ўғил билан қизингни,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, ахмоқ қул,
Бир тинга олмайман Ултонтозингни.

Оширдинг-да, қуллар тоза ишингни,
Бул танангдан юлар бўлдим бошингни,
Кўрмайдиган бўлдинг хилу хешингни,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,

Тандир қилиб еяр бўлдим гўшингни.

Бурда-бурда қилар бўлдим танингни,
Гул танангдан олар бўлдим жонингни,
Итга кесиб ташлар бўлдим сонингни,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Сув ўрнида ичар бўлдим қонингни.

Билагимга бор кучимни жияман,
Тақдир билан насибангни қияман,
Аввал бошлаб икки кўзинг ўяман,
Жанг майдонда ўлар бўлдинг, сассиқ қул,
Бир бошингдан дорга осиб сўяман.

Кўрсатмадинг тоза элнинг кунини,
Тешмай сўрдинг танидаги қонини,
Азроил бўб олдинг кўпнинг жонини,
Шу майдонда ўлар бўлдинг, аҳмоқ қул,
Олайин-да мен ўлганлар хунини.

Айтган гапга тани қулоқ солмадинг,
Неча пуллик матолигинг билмадинг,
Ўтган кунинг бир бор эслаб олмадинг,
Шу майдонда ўлар бўлдинг, гала қул,
Шомуродни назарингга илмадинг.

Дайдиб юрган саёқди,
Нотўғри босган оёқди,
Қараб у ёқ-бу ёқди,
Ола берди Шомурод
Тақимдан заранг таёқди.

Булбул қуш гулга қўнади,
Яратган бошга паноди,
Қачон ақлинг энади,
Сасиган гала сассиқ қул,
Ажал устингга дўнади.

Тулпор отини сурди-да,
Қулларни худо урди-да,

Шомуродбекка берди-да.
Сасиган гала, аҳмоқ қул,
Ўлдинг, деб таёқ урдида.

Шомурод ишин оширди.
Қаранг, юрагин тоширди,
Майдонда лўқдай жўш урди,
Талай қулни Шомурод
Отидан уриб туширди.

Ёмон қилиғин бошлайди,
Бир бошидан лошлайди,
Қочганин қўймай ушлайди,
Ўлдинг, дейди-да Шомурод,
Бошига таёқ ташлайди.

Қулларнинг кўнгли бузилди,
Суяклар синиб эзилди,
Бадандан қони сизилди,
Ўлдинг, дейди-да Шомурод,
Таёқ теккани чўзилди.

Ўқиранади бедов от,
Шомурод қилар сиёсат,
Кўрар кунинг-ку ғанимат,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Қулларга бўлди киёмат.

Баланд тоғларнинг бошига,
Сира келмайди хушига,
Тикка боради нишига,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Таёқ тегади бошига.

Қўйлар яйловда бокилар,
Таёқ найзадай сукилар,
Кўзидан ёш тўкилар,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Урган қул отдан йиқилар.

Сувлар оқади шалдираб,
Тили курмалган ғулдираб,
Қуллар қолди-да галдираб,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Отдан кетади гилдираб.

Айтган гапига юрмайди,
Пирим, деб таёқ сермайди,
Таёқ борганин кўрмайди,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Ургани жойдан турмайди.

Ҳолсираб лаби қотади,
Ширин жонини сотади,
Таёқ ширпиллаб етади,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Таёқ теккани ётади.

Ҳақ эшитди-да зорини,
Олди элатнинг орини,
Ёдига олиб пирини,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Уриб туширди барини.

Галдираб лаби қотди-да,
Таёқ зарбаси ўтди-да,
Бир хили ҳушдан кетди-да,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Қуллар қонига ботди-да.

Ҳолини билган доноди,
Кўзи ловуллаб ёнади,
Бети-бошлари қонади,
Ўлдинг, деб урар Шомурод,
Биринлаб қирқин санади.

Бари ўлгандай қотибди,
Қимирламай ётибди,
Таёқнинг таъмин тотибди,
Эгасиз қолган тулпорлар
Чўлларга кочиб кетибди.

Қийғир қуш турар қияда,
Қилган ишлари зоя-да,
Таёқ егани зиёда,
Отлари қочиб йўқ бўлди,
Гала қул қолди пиёда.

Ана энди Шомурод қулларга қараб: – Қандай бўлар экан таёқ еган, сенлар эмасмидинг зўрмиз деган.Эскидан қолган мақол бор:ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, деган. Мушукнинг кочгани сомонхонагача. Энди аҳволларинг калайди, манглайингдан ким келиб силайди, Алпомиш ўлгани йўқ, Ултонтозинг қулайди, қилган ишлари учун Алпомишнинг эгини тавоф қилиб жилайди, элат ҳам ҳар кун ўлимини тилайди. Энди сенлар ҳам эл билан муомала қилишни биласизлар, халқнинг айтганини киласизлар, бўлмаса, шундай таёқ еб ўласизлар. Энди Алпомишнинг қулига бориб: "Шомурод Алпомишга ҳам закот бермаган экан. Сенга-ку, тани бермас экан", – деб тайин айтинглар, – деб ҳайдаб юборди.

Мулозимлар ўлмаганига шод бўлиб, бир-бирини суяшиб, қизил қонига ботиб, ширин жонини сотиб, пою пиёда кетди.

Алқисса, Шомурод бу воқеадан сўнг Ултонтоз тинч қўймаслигини билиб, элатининг катталарини йиғиб, маслаҳат қила берди. Шомурод бутунги талотўпни баён қилиб: – Энди Ултоннинг закот билан иши йўқ, кўнгли бўлса тўқ, аммо ҳозирда подшо-да, қип-қизил чўқ. Лашкар тортиб келса, сизу биз билан ади-бади айтишиб ўтирмай, барчамизни ўлдириб, жолу дунёмизни олиб кетади. Лекин унинг айтгани бўлмайди. Менга десa, минг бўлиб келмайми?! Қилар ишимни биламан. Аммо ажалнинг дори қурилади, жанг майдонда Алининг добили урилади, бедов отлар сурилади, тақдир ҳақдан кўрилади, улардан ҳам, биздан ҳам одамлар кирилади. Жанг майдонда ўлар бўлсам, Ултонтоз барчани ҳам ўлдиради. Ўлар хўкиз болтадан қайтмас деганларидай, Алпомиш келса, тирик колмаслигини билади, шунгача нима қилса, қилади. Шундай экан, эндиги маслаҳат қандай бўлади? – деди.

Даврадагилар тортувлининг эътиборли мулласи мулла Расулга қаради. Ёши етмишдан ошган мулла Расулни ҳамма билар эди, ҳурматини қилар эди, тўйми, маъраками мулла маслаҳатини берар эди, элат айтганини қилар эди. Мулладан маслаҳат сўраганда: – Бўлар иш бўлибди, бўёғи синибди. Энди пушаймоннинг кераги йўқ. Уларнинг лашкар тортиб келиши аниқ, келганда ҳам даф айта оламиз. Беш минг уйли қўнғиротнинг ҳар биридан биттадан чиксак, беш минг бўлади, бу ҳам катта куч. Лекин Ултонтоз лашкарларидан ташқари қўнғиротларга одам солиғини солиб, қўлига биттадан қилич бериб, олдига солиб келади, Шомуроднинг

айтганидай бўлади, ҳаммамизни ўлдиради ё ўзлари ўлади. Гап бунда ҳам эмас. Ҳаммамиз бир қўнғирот халқ-да, ғўштимизни бир-биримизга едиради, бу бутун оламга ёйилади, қўнғиротнинг бошига осмон ўйилади, кўпчилик қилич дамидан сўйилади, қўнғиротларга тамға бўлиб босилган бу тамғадан авлодларимиз бизни кечиролмайди, – деди.

– Бўлмаса, сиз нима дейсиз? – деб сўрашди ўтирганлар.

– Бу ҳам сизларга бир маслаҳат-да, – деди мулла Расул. – Мана олди баҳор келди. Кўккамиш Бойсин-Қўнғиротнинг бошқа элатлар билан чегараси. Ёмон билан баробар бўлиб ётгандан, кўпчиликни ажал домига тортгандан кўра, ҳаммамиз Йўлбарсхона томонми, Аймоқ томонгами кўчиб ўтсак. Лашкарлар орқамиздан борса, Шомурод айтгани бўлади. "Биздан кўркиб кўчиб кетибди", – деб орқасига қайтса, ундан ҳам яхши. У ҳам икки-уч ой ўтгансан ҳовридан тушиб, худо инсофини берар, элат ундан қочиб кетаётир, ўз кўзи билан кўрар. Яна қайтиб кўчиб келамиз-да! Биз чорва билан ҳар жойга кўчиб юрган халқмиз. Бу ҳам шу кўчишларнинг бири-да!

Йиғилганларга мулла Расулнинг маслаҳати маъқул бўлди. Қўнғиротларнинг беш минг уйли тортувли шоҳи Шомурод бошлиқ Аймоқ томонга кўча берди. Бир хил хотинлар Улгонтозни қарғаб, жаҳаннамнинг тўнини пича берди. Элатнинг бошига ташвиш туша берди.Тортувлининг манаман деган шакаман мерганларидан беш юзтаси кўчнинг олдида йўл кўриклаб кета берди. Орқасидан элат ҳам молини ҳайдаб ета берди. Шу алпозда кўчнинг кетаётган жойи шундай бўлди:

Бузилди Қўнғирот эли,
Куйганди кўпларнинг дили,
Билмайди не кечар ҳоли.
Беш минг уйли-ку тортувли,
Аймоқ сари тушди йўли.

Ҳайдай берди сонсиз молни,
Босар бўлди оғир чўлни,
Курмалтирди қизил тилни,
Беш минг уйли тортувли эл,
Аймоқ томон олди йўлни.

Алвондан алвон дўнади,
Яратган бошга паноди,
Ҳолини билган доноди,
Беш минг уйли-ку тортувли,
Қаранг-да, кўчиб жўнади.

Ранги сарғайган сомондай,
Элат бўлсин-да омонда,
Ўқ отилмасин камондан,
Элат-ку кўчиб жўнади,
Қочиб Улгондай ёмондан.

Ҳолсираб лаби қотган-да,
Ўзига ситам ўтган-да,
Таёқ еб масъул кетган-да,
Элат-ку кўчиб жўнади,
Улгонтозларга етган-да.

Кўчган бўлмайди, билинг оз,
Бу ҳам бўлди-да жуда соз,
Олди келди-ку баҳор, ёз,
Элат-ку кўчиб жўнади,
Тани қўймайди Улгонтоз.

Мадда олмасин энди уч,
Ишлатилади канча куч,
Улгон бўлмасин тани дуч,
Тортувли кўчиб жўнади,
Ташвиш келтирди кўча-кўч.

Душман заҳрини сочади,
Бегона юртга борганда,
Ким ҳам меҳрини очади,
Беш минг уйли тортувли эл,
Улгондан кўчиб, қочади.

Элат-ку, қаранг, шошади,
Норларни юкка қўшади,
Бошига ташвиш тушади,
Элатнинг олди жўнаган,
Неча беллардан ошади.

Ариқ бўйида ўсар тол,
Айтар гапларга қулоқ сол,
Тезроқ бўнглар, дер оқсоқол,
Элатнинг олди жўнаган,
Олдинда борар гала чол.

Моллар қолганда ориклаб,
Чўпонлар олган оёғин,
Маҳкам бойлаган чориклаб,
Беш юзта, қаранг, мерганлар
Борар олдида қўриклаб.

Айтган гапида турганлар,
Бедовни қистаб сурганлар,
Худойим касбин берганлар,
Бир кун олдин ҳам жўнаган,
Йўлни қўриклаб мерганлар.

Иложсиз, энди нетади,
Юрак-бағирни сўтади,
Юкини маҳкам бойлаган,
Неча беллардан ўтади,
Ултон келмаси кетади.

Талотўп Қўнғиротнинг юрти,
Юкларни норларга ортди,
Тушмасин деб маҳкам тортди,
Икки кунда-ку жўнади,
Жўнай берди кўчнинг орти.

Ҳамма бўлиб қолди-да лол,
Зардоб дейсан еганда бол,
На кал қолди, на-да бир шал,
Норларга ортиб юкини
Кўчиб жўнади камбағал.

Қўйлар борар яйлов кезиб,
Элат борар бағрин эзиб,
Юкин ортган уйин бузиб,
– Хўш қол, – дейди Бойсин юртим,
Сендан кетди элат тўзиб.

Тоғларни туман чалмади,
Ажали тўлиб ўлмади,
Ултон элатни ямлади,
Кўчиб жўнади тортувли,
Биронта киши қолмади.

Тўйга кийилар чопонлар,
Алирда юрган чобонлар,
Тоғларда юрган қобонлар,
Молларни ҳайдаб жўнади,
Чўлиқман бирга чўпонлар.

Қилди-да кўнгил хитларни,
Ултондан кўриб зитларни,
Минишиб бедов отларни,
Молин ҳайдади чўпонлар,
Ияртиб копқир итларни.

Ўзинг сақла, эгам жаббор,
Нечов йиғлайди зору зор,
Икки дунёси бўлиб тор,
Кўч оркасин қўриклаб,
Боради беш юз айдаҳор.

Ҳў, эрисин-эрисин тоғларнинг кори, ситам килган гапнинг кори, бу ҳам тақдирда бори, кўчди элатидан бари, қолмади бирор тири, кўчди портувлининг бари. Ўйилди Бойсиннинг шахри, қатор бўлиб йўлга тушди Шомуроднинг қора нори. Шомурод кўчнинг ҳаммасини жўнатиб юбориб, ўзи оркада қолди. Шомуродга бир бало бўлди, отини миниб, баландга чиқиб, оркасига қараса, Бойсиннинг тоғу чўллари кўзига оловдай бўлиб кўрина берди. Элу юртини кўзи қиймай, кўнгил узиб кетолмай, кўзда ёши гирилиб, Шомурод шу сўзларни айтиб турибди:

Шомурод, қаранг ўйланди,
Юракка гаплар жойланди,
Тили қурмалиб бойланди,
Кетар Бойсиндай элидан,
Боши галдираб айланди.

Отнинг устида чайналди,
Бағрини эзиб қийналди,
Қишлоғи бўбди тайланди,
Кетар Бойсиндай элидан,
Ултонни сўкиб, сўйланди.

Кўнгил узолмай элидан,
Дўсти, биродар, хилидан,
Кўп гаплар ўтиб дилидан,
"Нега Бойсиндан кетдим", дер,
Ҳар иш келарди қўлидан.

Айрилди ғунча гулидан,
Гап чиқмас қаранг тилидан,
Ширази кетди болидан,
Она юртини ўйласа,
Қуввати кетди белидан...

Саврда ёққан жаламдан,
Боғда очилган лоламдан,
Кўчиб қочдимми аламдан,
Нима иш қилдим мен ўзи,
Айрилдим Бойсин калъамдан...

Зўрлигимни билдирмай,
Танасин дорга илдирмай,
Азиз бошин юлдирмай,
Неларга кўчдим мен ўзи,
Ултонтоз қулни ўлдирмай?!

Очилган боғнинг гулидан,
Ҳар иш келар қўлидан,
Аттанг айрилди хилидан,
Нега қочдим, деб йиғлайди,
Алпомиш ошнам қўлидан.

Тоғларни туман чалмади,
Айтган ниятлар бўлмади,
Аттанг элатга келмади,
Бўзлаб йиғлайди Шомурод,
Алпонни зиндон жолмади.

Юртдан узилди пошнам, деб,
Элатдан едим дашном, деб,
Юракда кетди ташнам деб
Изғин тортиб йиғлаётир,
Келмадинг, Ҳаким ошнам, деб.

Очилган гулдай сўлайин,
Элатга келсин Алпомиш,
Яратгандан тилайин,
Бўтадай бўзлаб йиғлайди,
Ошнанг бўлмасдан ўлайин...

Ўтда куйди-да танимиз,
Рабақда қолди жонимиз,
Бир пул бўлди-я хунимиз,
Келмадинг, дейди йиғлайди,
Қулингга қолди кунимиз.

Ултон элатда маркади,
Гала кулларга оркади,
Ахмоқдан хамма кўркади,
Келмадинг, дейди, йиғлайди,
Аттанг элатинг таркади.

Букадай отинг сурмадинг,
Элатга бош бўб турмадинг,
Бойсинда жавлон урмадинг,
Келмадинг, дейди, йиғлайди,
Ёдгор болангни кўрмадинг.

Ўтказмадинг-да зўрингни,
Билмадик тани тирингни,
Қалмоқ шилиди терингни,
Келмадинг, дейди, йиғлайди,
Тайладинг Ёдгор шерингни.

Баланд тоғларда қормикан,
Хамма мендайин зормикан,
Ўйилсин, дунё тормикан,
Кетаяпман-да Бойсиндан,
Келар кунлар хам бормикан?!

Баланд тоғлар боши қойиб,
Куш учар канотин ёйиб,
Кўчиб қочиш бўлди айиб,
Юртини кўзи киймайди,

Жойдан турди, бели майиб.
Кўкайлари-ку кесилди,
Бадандан гўшти ўсилди,
Йиғлаб ховри-ку босилди,
Жойидан турди Шомурод,
Тулпор отига осилди.

Ихтиёр кетган ўзидан,
Ёшини артиб кўзидан,
Маъно чикариб сўзидан,
Отини ҳайдаб Шомурод,
Жўнади кўчнинг изидан.

Алкисса, элат шу юргандан уч кун йўл тортиб, Бойсин ҳудудидан чиқиб, бир кенгиш чўлга қўнди. Баҳор пайти эмасми чўлда ўт-ўланлар сабза бўб, барқ уриб, кўзигул, бойчечаклар сап-сариқ бўб гуллаб ётибди. Йўл юриб, очиркониб қолган чорва моллар юрмай ўтлаб қолди.

Ҳў, саврнинг селман жаласи, очилибди чўлнинг гулу лоласи, молларни ўтлата берди семирадиган палласи.Шу чўлда бир ойча кўч ташлаб ўтириб қолди, Улгондан дарак бўлмади, орқасидан келмади. Чорва халқи қаерга моли ўнглишса, шу ерда қолиб кета беради-да. Бу кўчманчилар ҳам чорвага жойни ўнғай билиб, гурунгни қилиб, ёта берди. Бу жойлар қандай жойлар, қайси подшога қарашли экани билан ҳеч кимнинг иши йўк.

Бир куни Шомурод элатига қараб: – Бу жойлар яхши жой экан. Менга Кўккамишни эслатгандай бўлди. Юз мингдан ортиқ молимизга яйлов бўла оладиган ўтлоқ жой экан. Нону насибамиз кўтарилганича шу ерда турамиз, у ёғи нима бўлишини кейин кўрамиз. Қайси подшоликдан келиб жой бизники деса, қайси юртдалигимизни биламиз, муроса-мадора киламиз, ўт пули, сув пулини сўраса берамиз, – деб шу ерда ўрнашиб қолди.

Кунлардан кун ўтиб, ойдан ой ўтиб, ёз ҳам кетиб, куз ҳам келди етиб. Элат ўз тирикчилиги билан ҳар жой – ҳар жойдан қишки қўтонларни куриб олиб, ўзларига ҳам ҳовли солиб, қишлайдиган бўлди. Овул оксоқоллари Шомурод билан маслаҳат қилиб, қишга тоғ олдидаги чўпонлар қандай тайёргарлик кўрганини билиб келиш учун, мард йигитлардан ўнтасини чақириб олиб, уч кун муҳлатга жўнатиб юборди. Йигитлар чўпонларни кўриб, камчиликларини билиб, пешин-пешин тоғдан пастга ташлай берди. Шунда чўлда узоқдаги бир қора кўринди. Йигитлардан бири: – Ҳў, оғайнилар, шу корага етгунча отларни пойгага қўймаймизма? – деди. Гала шотоймас йигитлар эмасми, отларини бараварига корага тиклатиб, жиловни бўшатиб, ҳайдаётган жойи:

Осмон бетда ёруғ ойни,
Пуч ёнғоққа тўла қўйни,
Бедов билмас қиру сойни,
Отнинг жиловин бўшатди,
Белгилашиб пойга жойни.

Йигитлар учиб қўнади,
Кўрганнинг меҳри қонади,
Мисли ит қувган танадир,
Отнинг жиловин бўшатди,
Отлар баробар жўнади.

Сел келса, дарё гуриллаб,
Отлар жўнади шариллаб,
Жегдаси учар пириллаб,
Баробар отлар жўнади,
Машиналардай гулдираб.

Йигитлар лаби қотади,
Бир-бирин қувиб етади,
Гала шотоймас нетади,
Қамчи текканда отига,
Жийрилиб жуфтак отади.

Пойга қилишлик ўйинди[р],
Отларга жабр қийинди[р],
Оркада қолгани куйинди,
Отлар ёнадан жўнайди,
Ерга солганча бўйинди.

Тоғларнинг боши қоради,
От чопса майдон орада,
Минган тулпори саради,
Қамчи беради чотига,
Жуфтакни отиб боради.

Ширин жонини сотади,
Қамчини чотга чатади,
Қамчи зарбаси ўтади,
Бедовлар ўзин отади,

Чўлларда қонғиб кетади.

Себалайди, ҳаво ёғар,
Томчиси бир-бирин қувар,
Олди бўлса, келган ҳавор,
Қамчини босиб жўнади,
Бедов отларга кун тувар.

Ҳазил қилма сира зўрга,
Тиқади-да сени гўрга,
Тулпор ярар ўру кирга,
Қамчи зарбаси ўтибди,
Ботган бари оппоқ терга.

Чўлда бўзлаган бўтади[р],
Белида заррин пўтади[р],
Қилган ишлари хатоди[р],
Отни қамчилар йигитлар,
Отлар кўпикка ботади.

Қамчига отни тутади,
Бедовлар жонин сотади,
Кўрган қорани етади,
Жиловин тортиб йигитлар,
Олдини ўраб ўтади.

Йигитлар қорага етиб, олдига ўтиб қараса, бир йўловчи экан. Йўловчи пинагини бузмай, кўзини йигитлардан узмай, тикка йигитларнинг устига бостириб кела берди. Йигитлар қараса, мурти шопдай, қилган иши чапдай, калласи хумдай, яғрини қопдай, қовоғи чимдай, ичи дамдай, тикилиб қараётир бир нимаси камдай, нағзига қараса, ёмондай, қаноргa тиққан сомондай, хумрайиб қараши тоғдаги қобондай, яккаланиб юриши молдаги чобондай, ўзи тоза ўрдай, оғзини очиб эснаши ўйилган гўрдай, елкалари кирдай, хийла ўзи зўрдай, савлати қутирган шердай. Отига иккита молхўрнинг такасини партол қилиб ортган, маҳкам қилиб тортган, ўзи бўлса ажалнинг бир балойибати келаётир, буларни назар писанд қилмайди, тиржайиб кулаётир. Йигитлар бир-бирига ҳайрон бўлиб қарашиб: "Қаернинг элатидан экан, билайлик, ўзи мерган экан, широлғани тилайлик", – деб, йўловчининг олдини ўраб, бу ишларни яхшиликка жўраб, йўловчига қараб, шу сўзларни айтиб турган жойи:

Сарғайган нурли юзимди,
Телмуртма икки кўзимди,
Эшиттин айтган сўзимди,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Кўчманчи дейди ўзимди.

Очилган боғда гулимди,
Бошга солмасин ўлимди,
Ҳеч ким кўрмасин зулмди,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Эшиттин айтган тилимди.

Билмадик хабар-хатингни,
Душман юлолмас патингни,
Бир майдон сақла отингни,
Тўхтагин, гаплар сўрайлик,
Нима дер мамлакатингни?

Элингда сайрат тилигни,
Доим яйратгин дилингни,
Худойим очсин йўлингни,
Тўхтагин, гаплар сўрайлик,
Қандай аташар элингни?..

Ёғинда тошлар нурайди,
Кўчиб кўнгиллар торайди,
Сендан-ку гаплар сўрайди,
Бир майдон тўхта, йўловчи,
Бу ерлар кимга қарайди?

Бўлмасин гапнинг тугини,
Мардлар кайрайди тиғини,
Эртанинг бордир бугуни,
Бир майдон тўхта, йўловчи,
Ким дер бу ернинг бегини?

Баланд тоғларда бўктар кор,
Тиркаб қаторда қора нор,
Элатни кезар савдогар,
Бир майдон тўхта, йўловчи,
Ўзинг экансан айдаҳор.

Ўйилсин дунёнг бунча тор,
Куйган йиғлайди зору зор,
Йигитда бўлсин номус-ор,
Сендан гапларни сўрадик,
Билсанг, йўловчи бер хабар.

Ширин жонингни сотдингми,
Мерган экансан, йўловчи,
Кийикни ўзинг отдингми,
Сендан сўрадик широлға,
Ўзинг кабак киб тотдингми?

Ўк текса кийик нурайди,
Мерган овидан қайтгансан,
Кўрган олдини ўрайди,
Эскидан қолган урф-одат,
Ундан широлға сўрайди.

Алқисса, йўловчи бу сўзларни эшитгансан, йигитларга удрайиб қараб, нима деганини тушунмай, яхши гапни ёмонликка жўйиб, қобоқ-бошин уйиб, тақдир насибасини қийиб, "Булар қароқчи бўлса керак", – деб ўйлаб, юракка айтар гапини жойлаб, йигитларга шундай деб турибди:

Юрак-бағрингни сўтасан,
Айтгинда, мени нетасан,
Баринг жувормак кетасан,
Нима келади қўлингдан,
Орқамдан қувиб етасан.

Атроф бошимга қарайсан,
Билмадим нени сўрайсан,
Келишман мени ўрайсан,
Йўлимни бўшат, қароқчи,
Ҳозир отингдан нурайсан.

Билакка кучинг йиғасан,
Широлға деб, сен қароқчи,
Нимага мени сўкасан,
Индамай қўйсам сизларга,
Мени-ку гўрга тиқасан.

Қарокчи, эшит сўзимни,
Пойлаб чиқдингма изимни,
Оқлаб ейман-да тузимни,
Ўлмасдан йўлим бўшаттин,
Ойқашқа дейди ўзимни.

Чиқарма менинг жонимни,
Ҳалоллаб ейман нонимни,
Аймоқ дер юрт, маконимни,
Йўлимни бўшат, қарокчи,
Арасхон дейди хонимни.

Девлар дейди-да хилимни,
Сўкиб оғритдинг дилимни,
Аймоқ дейди-да элимни,
Бўшатмасанг-ку йўлимни,
Сенга соларман зулмни.

Ўзинг қичитдинг тилимни,
Ўтказай сенга зулмни,
Садокка урдим кўлимни,
Йўлимни бўшат, карокчи,
Бошга соларман ўлимни.

Бедов отларни сурганман,
Сендайни неча кўрганман,
Жазоларингни берганман,
Йўлимни бўшат, карокчи,
Ўлдинг, барингни кирганман.

Тоғларининг боши чағирди,
Урмагин тани сағирди,
Эзаман юрак-бағирди,
Ўлдинг, деди-да Ойқашка,
Қиличин киндан суғирди.

Нозик кўнглини хушлади,
Садокни маҳкам ушлади,
Қайтмайди устига нишлади,
Ўлдинг, деди-да Ойкашка,
Келгиндиларга ташлади.

Тоғларнинг боши қийирди,
Қабоқ бошин жийирди,
Отини қистаб уюрди,
Синаш шарти, деб Ойқашқа,
Садоқ сиртини буюрди.

Баландман қаранг пастига,
Кўчманчиларнинг қасдига,
Ёлғон эмасдир ростига,
Айиқдай бўлиб бўкириб,
Ташлар йигитлар устига.

Ойқашқа иши ботди-да,
Гапга тушунмай йигитлар,
Нима қилишни кутди-да,
Садоқни сермаб Ойқашқа,
Буларни ёриб ўтди-да.

Йигитлар ҳайрон кутди-да,
Ҳисоб-китоби йитди-да,
Қиличин сермаб ўтди-да,
Иккови қолди йиқилиб,
Ойқашқа қарамай кетди-да.

Тақдири ҳақдан кўрилган,
Уриб манглайи ёрилган,
Бет-боши қонга қорилган,
Кетиб қолибди ҳушидан,
Зарбаси қаттиқ урилган.

Тушунмай айтган сўзидан,
Ихтиёр кетган ўзидан,
Қони сизилиб юзидан,
Ойқашқа кетиб боради,
Қараб қолди-да изидан.

Мана энди йигитлар Ойқашқанинг ишидан ҳайрон бўлиб, кўнгиллари вайрон бўлиб, айтган гапларини англамай, жиғибийрон бўлиб, йиқилиб қолганларни суяб турғизиб, бетидаги қонини артиб, ҳушига келтириб, Ойқашқага қараса, шошмасдан кетиб бораётир. Йигитлардан бирининг

ичаги келиб: – Ҳе, биз бир нарса демасак, нега бундай қилади?! Орқасидан борамиз, ё у, ё биз ўламиз, – деди. Яна бири: – Шайтонга ҳай берайлик, биз ўзга юртда сиғинди бўлсак, говға қилсак, яхши бўлмас, – деб ақлли гап айтди. Икковининг бети ёрилибди, халиям қиличин сирти сал ярилибди. "Тилимиз бир-биримизга тўғри келмади. Бизни ким деб ўйлади, яратган эгам билади", – деб от-отига миниб, овулга жўнади. Етиб келиб, Шомуродга бўлган вокеани айтди. Шомурод: – Шуни билганларингга шукур. Демак, бу ерлар Аймоқнинг жойи экан, Арасхон подшоси экан, Ойқашқа унинг полвони экан. Бўлар иш бўлибди, бориб дам олинглар, – деди.

Эндиги гапни Ойқашқадан эшитинг. Ойқашқа молхўрнинг икки чақасини саройга олиб борганда, Арасхон тезда ковуришни буюрди, Ойқашқани олдига киритиб суҳбатни бошлади, у ҳам кўрганини айтиб ташлади:

Сарғайтирди нурли бўлган юзимни,
Асли йўлбарс босолмайди изимни,
Эшитинг-да, олампаноҳ сўзимни,
Айтадиган сизга энди сўзим бор,
Ойқашқа, дейди-да менинг ўзимни.

Подшоларга элат келар саломга,
Ишондим яратган Оллотоламга,
Шу полвонинг чидай олмас аламга,
Айтадиган сизга энди арзим бор,
Қулоқ солинг, подшом, қилган ноламга.

Душман зоти телмуртмайди кўзимди,
Элатингда оқлаб ейман тузимди,
Бу гапларга қулоқ солиш лозимди[р],
Айтадиган сизга энди арзим бор,
Эшитинг-да, олампаноҳ сўзимди.

Очилганда боғда лола-гулимди,
Душман зоти тўсолмайди йўлимди,
Бугун биров хуноб қилди дилимди,
Сизга айтадиган энди арзим бор,
Эшитингда, олампаноҳ, тилимди.

Танг қилмоқчи бўлди бир рав ҳолимни,

Мен садокка ура бердим қўлимни,
Бошларига охир солдим зулмни,
Олампанох, мен сизни-ку ўйладим,
Бошларига солмадим-да ўлимни.

Булбул келиб қўнар боғнинг гулига,
Турна бўлиб қўшилмаган хилига,
Мен билмадим мансуб кимнинг элига,
Широлға, деб сўкди менинг ўзимни.
Тушунмадим айтадиган тилига.

Йўқотгандай акл билан хушини,
Оширмокчи бўлди менга ишини,
Широлға, деб сўкиб, тиқди нишини,
Олампанох, мен сизни-ку ўйладим,
Қокиб олар эдим унинг тишини.

Белларига заррин пўта осибди.
Қароқчилик қилиб йўлни тўсибди,
Зўрни кўрса, курк какликдай писибди,
Ўзим кўрдим Кенгтоланинг дашини,
Олампанох, сонсиз элат босибди.

Мен билмадим, не кечади холлари,
Қувнок бўлиб кўринади диллари,
Ўзимизга келишмайди тиллари,
Сонсиз элат юртни келиб босибди,
Кенгтоланинг чўлин ўтлар моллари.

Ўнтаси кеб менинг олдим тўсди-да,
Улопасин олиб охир писди-да,
Мен билмадим душман ёки дўсти-да,
Широлға, деб мени энди сўккан сўнг,
Иккитаси лахта қонни қусди-да.

Туман бўлиб, тоғ бетини чалмадим,
Бошларига кора кунни солмадим,
Дўстми душман – нималигин билмадим,
Тушунмадим унинг айтган тилига,
Сизни ўйлаб каллаларин юлмадим.

Арасхон бу сўзларни эшитгансан: – Ҳў Ойқашқа полвон, тўғри иш юлгансан. Душман бўлса, йўлингни боғлаб қолмайди, душманнинг ишини биров билмайди, ўзини чўққа уриб ўлмайди, сен айтгандай минг-минглаб чорваси билан келмайди. Улар ўз элатида ё подшосидан аламзада бўлиб, паноҳ излаб келгандир, сенга бежо кўрингандир, шунга қовоғинг уйилгандир, сену мендан паноҳ излаб келгандир, – деди-да, амалдорларни чақириб: – Кенгтоланинг чўлига қандай элат кўчиб келган? – деб сўради. Амалдорлар: – Бизлар у томонга бормадик, кимлар кўчиб келганини билмадик, – дейишди. Арасхон: – Беш-ўнтанг борасан, бошликларини олиб келасан, гаплашиб, дўст-душманлигини биламан, – деб амалдорларни жўнатди.

Энди гапни бошқа томондан эшитинг. Аймоқ бой-бадавлат мамлакат бўлиб, ҳар мамлакатдан келиб олди-соттини қилар эди, битмаган иши битар эди. Доғистонлик Иброҳим савдогар ҳам кўп келарди. Икки йилдан сўнг Иброҳим савдогар Аймоққа Кенгтола тоғини ёқалаб келаётса, сурув-сурув моллар ўтлаб юрибди. Чўпонларга караса, аймокликка ўхшамайди. "Бу ерларга мол тугул инсон оёғи етмаган эди, чорва қайси элатники экан?", – деб ўйлаб бора берди. Бироз юргансан Шомуроднинг овули устидан чиқиб қолди. "Бунча элат бу ерга қандай келиб қолди экан", – деб ҳайрон бўлиб, овулни четлаб ўта берди.

Шунда Шомурод келаётган савдогарларни кўриб қолди, жойидан туриб: "Савдогарлар кўп юриб, яхши-ёмонни кўради, узоқ-яқинни билади. Шулардан бир гап сўрайин", – деб юриб,уларнинг олдини ўраб, бир сўз айтиб турган экан.

Ол-ол бўлсин-да, ол бўлсин,
Савдо-сотиғинг мўл бўлсин.
Савдодан тушгани бол бўлсин,
Бир майдон тўхтаб гап бергин,
Савдогар, сенга йўл бўлсин?

Худо берибди савлатдан,
Молу дунёю давлатдан,
Бўласиз қайси авлоддан,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Чиқдингиз қайси элатдан.

Бир майдон сакла отингни,
Билайин хабар-хатингни,
Қилмагин кўнгил хитингни,

Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Нима дер мамлакатингни.

Очилган лола – гулингдир.
Нима дер ўсган хилингди,
Худойим очсин йўлингди,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Баён айлагин элингди.

Тоғларнинг бўктар қорини,
Йўқотган номус-орини,
Эшит мусофир зорини,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Биларсан Бойсин шаҳрини.

Малил ҳаёлинг бузгансан,
Чўлда кема бўб сўзгансан,
Ойлаб элатдан безгансан,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Неча шаҳарни кезгансан.

Сўна айрилган хилидан,
Кўп гаплар ўтган дилидан,
Эшит мусофир тилидан,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Келганман Бойсин элидан.

Осмон бетда ёруғ ойга,
Келганман нотаниш жойга,
Қулоқ солинг оху войга,
Бир майдон тўхтаб, гап бергин,
Жўнадинглар қайси жойга.

Тоғларни туман чалибди,
Шу кунни бошга солибди,
Йўл азоблари ғолибди,
Бир кеча ётиб меҳмон бўл,
Норларинг чарчаб қолибди.

Ошибсан қанча қиру бел,

Жосконмасдан бери кел,
Бизни ўзингга дўст деб бил,
Бир кеча тўхтаб, савдогар,
Қўшимга азиз меҳмон бўл...

Гулга қўниб сайрар булбул,
Сени кўриб очилди дил,
Бизлар ҳам мана катта эл,
Меҳмон бўлиб савдогарлар,
Бу эл билан ҳам савдо қил...

Савдогарлар бу гапларни эшитиб, Иброҳим савдогар: "Бу одам айтишича, мусофир экан. Бойсиндан кўчиб келибди, юртида бир жабр-ситам бўлибди, мени ўзига дўст деб билибди, шу сабаб олдимга яёв чиқиб келибди, қўнғиротлардан ёмонлик чиқади, деб эшитмаганман, меҳмондўст бўлади, деб эшитганман. Норлар ҳам чарчаб колган, меҳмон бўлсам, бўлайин, аҳволларини билайин, айтганини қилайин", – деб ўйлаб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Гуллар очилади айни баҳорда,
Булбуллар сайрайди шому саҳарда,
Миннатли ош ичган билгин, заҳар-да.
Бу жойларда экансан-да мусофир,
Мен бўлганман қанча-қанча шаҳарда.

Очилган-очилган боғнинг гулидан,
Гап эшитгин шу савдогар тилидан,
Экансан-да Бойсин-Қўнғирот элидан,
Бу элларда нега бўлдинг мусофир,
Сўна бўлиб айрилибсан хилидан.

Юк орттириб барини тизаман,
Тоғу чўлда кема бўлиб сузаман,
Баъзида шод, баъзида-ку иззаман,
Сен сўрадинг, айтайин-да, мусофир,
Савдо деб шаҳарма-шаҳар кезаман.

Норларимни катор қилиб сурганман,
Бойсин-Қўнғирот шаҳрини ҳам кўрганман,
Савдогарлик қилиб бунда юрганман,

Сен сўрадинг, айтайин-да, мусофир,
Молим ўтмай, бир хафталаб турганман.

Қодир худо бошга бало солдими,
Бошларингга катта кулфат келдими,
Бек Алпомиш Қалмоқ элда қолдими,
Бу жойларда бўлибсилар мусофир,
Ё Алпомиш ўша ерда ўлдими?!

Юрак-бағринг шуйтиб бугун тилдими,
Айдахор эди-да, Алпон ўлдими,
Ўлганини у ҳам рост, деб билдим,
Подшоликни олиб Алпон қуллари,
Элатингман сенга зулм килдими?

Рангларинг сарғайган, билдим, сомондир,
Бориб кўрдим, Улгон мисли қобондир,
Ўзи қул-да, еб қўйибди ниммонди,
Бу элларда бўлибсан-да мусофир,
Уйи куйсин, мусофирлик ёмондир.

Билар бўлсанг, менинг хабар-хатимни,
Ўйланмаган тани кўнгил хитимни,
Савдогарман, билмам окибатимни,
Сен сўрадинг, айтайин-да, Шомурод,
Доғистон дейди-да мамлакатимни.

Яратганим доим очган йўлимни,
Сенга ўхшаб кўрмадим-да зулимни,
Солмасин-да ҳеч бандага ўлимни,
Сўрадинг-да, мен айтайин, мусофир,
Доғистон дейишар менинг элимни.

Таништирай мен ҳам сенга зотимни,
Яратганим юлдирмасин патимни,
Ўтказсин худойим сиёсатимни,
Сен сўрадинг, айтайин-да, Шомурод,
Иброҳим савдогар дейди отимни.

Баланд тоғда бўктарилган оппоқ кор,
Куйган одам йиғлайди-да зору зор,

1980 Қаторимда тиркалгандир кора нор,
Сен сўрадинг, айтайин-да, Шомурод,
Отим Иброҳимдир, касбим савдогар.

Ёктирдинг-да, Шомуроджон, жинимни,
Тайладим-да сенга энди хунимни,
Фидо килай сенга энди жонимни,
Сен сўрадинг, айтайин-да, Шомурод,
Ислом дейди, билсанг, менинг динимни.

Бу сўзларни айтиб, Иброҳим ва ҳамроҳлари Шомурод билан кўришиб, сўрашиб, меҳмонликда қола берди. Шомурод қўйни сўйиб, меҳмон қилиб ёта берди, эртасига элат савдогарлардан у-бу нарсани харид кила берди. Шу маҳал бир сурув отлиқ келиб, йиғилганларга дўк-пўписа қилиб: – Бу ерларга кимнинг рухсати билан кўчиб келиб, ўзларингнинг яйловларингдай молларингни ўтлатиб юрибсанлар, яна нега йўлтўсарлик қилибсанлар? Мана шу Ойқашқа полвонимизни ўнтанг ўртага олиб, широлға деб сўкиб, тунамоқчи бўлибсизлар? – деди. Шунда Шомурод Иброҳим савдогарга: – Сиз Аймоққа бориб, савдо-сотиқ қилиб, буларнинг тилини биласиз. Ҳозир нима деяпти, биз тушунмадик, – деди. Иброҳим савдогар уларнинг гапини тушунтиргач, Шомурод йигитлари ва Ойқашқа орасидаги воқеани айтиб берди. Иброҳим савдогар: – Арасхоннинг йигитлари, амалдор полвонлари, булар ўт талаб бўлиб, Бойсин-Қўнғиротдан кўчиб келган. Булар талончилик қилмайди, мол-дунёси ўзига етарли, юриши эмас хатарли. Ойқашқа полвондан кимлигини, мамлакатини, элини, сўрамоқчи бўлган. Одати бўйича, мерган овдан келаяпти, деб улуш, яъни широлға сўраган. Широлға сўкиш эмас, мерганга бўлган иззат-ҳурматдир, мерганни ўзидан баланд қўйишдир. Мард мерганнинг ови кўп бўлса, бирини, бир бўлса, бир қисмини беради. Ойқашқа буни тушунмай, йигитларни қароқчи, деб иккитасини уриб йиқитиб кетган, – деди. Ойқашқа полвон: – Тушунмай аҳмоқлик қилибман, полвонлик номига исноти гап бўлибди, – деб узр сўрабди. Шомурод: – Танимасни сийламас деганлар, барига тилга тушунмаслик сабаб бўлди? – деб бир-бирин кечиришди. Шунда амалдорлардан бири: – Бизни Арасхон кўчманчиларнинг бошликларидан беш-ўнтасини олиб келасан, ўзим гаплашаман, деб юборди. Бормаса бўлмайди, – деди. Қисқаси, Шомурод беш-ўнта оқсоқоллардан олиб, Иброҳим савдогарни ҳам ҳамроҳ қилиб, амалдорлар билан бирга Арасхон ҳузурига жўнади.

Арасхон келган кўчманчилар бошликларига қараб: – Ҳў, кўчманчилар, сизлар қайси элатдан келдиларинг, қайси мамлакатдан бўласизлар? Мендан сўрамасдан нега чегара чўлга кўндиларинг? Ойқашқа полвонни тунамоқ

бўлиб, широлға, деб сўкибсанлар. Кўчиб келишга келибсанлару, ўзларинг мусофир бўлсаларинг, нега йўлтўсарлик қиласанлар? Тинч юрсаларинг бўлмасмиди? – деди.

Иброҳим Арасхон гапларини Шомуродга тушунтирган сўнг, Арасхон Иброҳимга қараб: – Аймоқ тилини билар экансан, сен ўзинг ким бўласан? – деди. Иброҳим: – Эй, олампаноҳ, мен савдогарман. Доғистондан бўламан. Юртингизга кўп келганман, шуйтиб аймоқ тилини биламан. Кўчманчилар устидан келиб қолиб, буларга латта-путта сотиб турганида амалдорларингиз келиб қолди. Тилмочлик қилдим. Бу ерга ҳам тилмочлик қилиш учун келганман, – деди. Арасхон: – Савдогар, келганинг яхши бўлибди, – деди.

Шунда Шомурод Арасхонга қараб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Гап эшитгин мусофирлар тилидан,
Бир гап билан айрилгандир хилидан.
Ёмонлик-ку келмас булар қўлидан,
Сўзларимни эшитгин-да, Арасхон,
Бизлар келдик Бойсин-Қўнғирот элидан.

Сиғинди бўб келдик бизлар элингга,
Ўтлоқ экан, қўниб қолдик чўлингга,
Ҳеч қайсиси озор бермас дилингга,
Гапларимни эшитгин-да, Арасхон,
Мусофир бўб келдик бизлар қўлингга.

Баланд тоғда бўктарилар оппоқ қор,
Куйган одам йиғлайди-да зору зор,
Айтадиган сенга бўлса арзим бор,
Бир гап билан кўчиб келдик элингга,
Нима десанг, майли, сенда ихтиёр.

Бизлар асло, ёмонликни қилмаймиз,
Қилмоқ тугул, ҳеч қайсимиз билмаймиз,
Биров молин назарга-ку илмаймиз,
Гапларимга ишонгинда, Арасхон,
Ёмонлик қиб биров бағрин тилмаймиз.

Фидо қилиб, бунда келдик азиз жон,
Узоқларда қолда ўсган бу макон,

Бу юришлар тақдирда-ку бор экан,
Нима десанг, майли, сенда ихтиёр,
Сиғинди бўб келдик сенга, Арасхон.

Мусофир элатнинг кўнгли ўсмайди,
Бировларга озор бермас бу элат,
Озор бериб, лахта қонлар қусмайди,
Гапларимга ишонгин-да, Арасхон,
Йўлтўсарлик киб, биров йўлин тўсмайди.

Чўлда юриб билмай хабар-хатини,
Ойқашқанинг сўраган-да отини,
Билмоқ бўлган сўраб мамлакатини,
Тилларига тушунмасдан Ойқашқа,
Юлмоқ бўбди ўнта йигит патини.

Кўрган тушин яхшиликка жўраган,
Икки кийик отган экан Ойқашқа,
Партоли киб ортганига қараган,
Мерганларнинг олдин ўраш одат-да,
Широлға деб Ойқашқадан сўраган.

Очилгани боғда лола, гул бўлган,
Бу ўринда билмагани тил бўлган,
Тушунмасдан хуноб чиққан дил бўлган,
Бу ўртада ёмон гапдан асар йўқ,
Бўлиб ўтган воқеалар шул бўлган.

Шомуроддан бу сўзларни эшитгансан, Иброҳим Арасхонга Шомуроднинг гапини тушунтирди. Шунда Арасхон билди: "Булар Бойсин-Қўнғиротдан келган экан. Молдор халқ бўлиб, ўтлоқ жойларни қараб юрган экан. Аймоқларнинг ери кенгиш, сувлати ўтлоқ жой, деб аймоқларга суяниб келган экан. Широлға дегани сўкиш эмас, балки мерганнинг шаънига айтилган иззат-ҳурмат, мерганни ўзидан баланд кўриб, бир нима тилаб тургани экан. Ўртада бири-бирининг гапига тушунмасликдан бошқа ҳеч гап йўқ экан".

Шунда Арасхон Шомуродга қараб: – Ҳў, кўчманчилар бошлиғи, билмасликдан биздан кўрган тааддини кўнгилларингга олманглар. Бизга сиғиниб келган бўлсаларинг, мана яйлов, ана жой, мол-ҳолларингни бемалол ўтлатиб юра беринглар. Бирон кимсадан зиёдасерлик ўтса, келиб

менга айтинглар. Тортинмай бизнинг элга аралашиб яшай беринглар, – деб жавоб бериб юборди.

Орадан йиллар ўтиб, икки элат бир-бири билан бориш-келишли, аралаш-куралаш бўлиб кетди.

Мана, Шомуроднинг қизи Ойдиной ҳам бу орда кундан-кунга бўй кўрсатиб, чирой очиб, юзи кечаси ойни, кундузи кунни хира киладиган, алп қомат қиз бўлиб етиша берди. Буни кўрган аймоқлар Шомуроднинг уйига устма-уст, тўсатма-тўсат, тенгли-тенгсиздан: "Мусофир-да, қизини беради", – деб совчилар кўя берди. Шомуроднинг калласи қотиб, силласи кетиб, ўзидан ситам ўтиб, келган совчиларга: "Қизимизнинг Бойсин-Қўнғиротда нишонлиги бор. То шундан хабар келмагунча, бирор нарса дея олмаймиз", – деган рад жавобини бера берди.

Кунлардан бир кун Ўрозали деган қўшбегидан ҳам Анор айёр деган хотин тўрт-бешта хотинларни эргаштириб, Шомуродникига келди. Буларни танимаган Шомуроднинг хотини уларнинг дастурхонини кўриб, юраги ғалт уриб, ҳайрон бўлиб: "Булар меҳмонга келган десам, умримда бирини ҳам кўрмаганман. Мабодо борадиган жойи олис бўлиб, кечга колиб, бизникига бурилдимикан", – деб ўйлаб дастурхонга ботинолмай турди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин Анор айёр дастурхонларини қўлига олиб, Ойжамолга узатиб: – Келганларингиздан буён келолмадик. Элга эл қўшилса, давлат, элдан эл кетса, меҳнат-да. Бир танишиб, кўниш қутлуғ бўлсин килиб келайлик, булар мусофир-да, ҳолидан хабар олайлик, ўзи билан ўзи бўлиб ётганда, чақириб келайлик, деб келган эдик. Бир келиб ўрганса, хаёли тутганда келиб-кета беради. Бу дунёнинг зийнати бормок-келмок, яхшини-ёмонни кўрмок, емок-ичмокда, – деди.

Анор айёрнинг гапи Ойжамолга маъқул кўриниб: – Келганларингиз яхши-да, – деб чопкилаб суриниб, ўзи ҳам, қизи ҳам меҳмонлар хизматида бўлиб, бир қўйни сўйдириб, гўштини пиширириб, олдига қўйиб, буларни сийлай берди. Меҳмонлар шу кеча ётди, эртани тонг отди, жўнаш тараддудини кўра берди. Шунда Анор айёр Ойжамолга қараб: – Қизингиз эсли-ҳушли экан, буни ўз тенгига беринг. Биз кўчиб юрган одаммиз, деб юрманг, – деди. Бу гапни эшитган Ойжамол: – Биз ҳам тенгини топиб берсак деймиз. Қизимиз бўй кўрсатиб қолди. Ўз элимиздан бир киши: "Қиз меники", – деб эшигимизни супурган эди. Элатчилик, бировга беролмай, шуни қараб турибмиз, – деди. Анор айёр айёрлигини бошлади, кўп гапни тизиб ташлади: – Элатингиз узокда колган бўлса, у одам каерда юрганларингни билмаса, ахтариб келмаса, тенги бўлса бера берган маъқул. Аймоққа келганларингга ҳам анча йил бўлди, шу ерда туғилганлар аймоқлик бўлиб қолди. Аймоқдан ёмонлик кўрмадиларинг, аймоқ тилида бемалол гаплашадиган бўлиб қолдиларинг. Мен бир одамни

жуфтлаб турибман, қизингиз ўшанинг тенги, узукка кўз қўйгандай бир-бирига муносиб, – деб Ўрозали қушбегини мақтаб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Душманни куйдирар кўрсанг савлати,
Беҳисобдир унинг молу давлати,
Урушли кун Рустамча бор ғайрати,
Ўрозали дейди, билсанг, отини,
Шунга қарар бир кўрғоннинг элати.

Бургутни эслатар, билсанг, келбати,
Девга чатиш, алп бўлгандир авлоди,
Белида яркиллар кескир пўлати,
Ўрозали дейди, билсанг, отини,
Иззат-ҳурмат қилар элу элатни.

Душман келолмайди изини босиб,
Душманни кўрса, кетар кўнгли ўсиб,
Зарбасидан қолади-да кон кусиб,
Ўрозали дейди, билсанг отини,
Ойдинойжон, билсанг, шунга муносиб.

Боғбон бўлиб қизил гулни терайик,
Бу дунёда давру даврон сурайик,
Боришли-келишли бўлиб юрайик,
Ўрозали дейди, билсанг, отини,
Ойдинойни шу йигитга берайик.

Олтин пиёлада боллар ичилар,
Сўзласа оғзидан гавҳар сочилар,
Муносибдир, бўйи бўйга пичилар,
Ўрозали дейди, билсанг, отини,
Шунга тегса, қизинг бахти очилар.

Кўрсанг, айтганимдан зиёд биласан,
Юриш-туришини ҳавас қиласан,
Насиб бўлса, хали бориб-келасан,
Ўрозали элатимнинг улуғи,
Ойдинойни шу йигитга берасан.

Шундай ўғил бўлса, деб ҳар ким тилар,
Қанча амалдорлар хизматин қилар,
Тирлашиб, зўрларнинг калласин юлар,
Ўрозали, билсанг, ўзи айдаҳор,
Ойдинойжон шунга муносиб бўлар.

Ана шунда Ойжамол Анор айёрнинг шу сўзларини эшитгансан, аёлнинг тилини аёл билади дегандай, Анорнинг сўзи Ойжамолга маъқул келгандай бўлиб: – Мен ҳозир сизларга бир нарса дея олмайман. Биз ўйлашиб кўрайлик, қизимиздан ҳам бир сўрайлик, жавобини кейин айтамиз, – деб меҳмонлар кўнглини хуш қилиб, йўлига солиб юборди. Сўнг Шомуроднинг олдига келиб, Анор айёрнинг гапларини айтганда, Шомурод: – Сенга нима ҳам дейман, қизинг билан фикрлашиб кўр, нима дейди. У Алпомиш билан Ойбарчиннинг таърифини эшитган, айтганимиз бўйича Ёдгорга кўнгил қўйиб юрган, бўйи етиб умиди ортиб турганда, Ёдгордан кечиб, ҳозиргисини маъқул кўрса, калин солиб олишимни, элнинг тўйини қилишимни биламан, бўлак гаплар билан ишим йўқ, – деди.

Ойжамол эридан бу гапларни эшитиб, қизи овлоқ ўтирганда олдига келиб: – Ойдиной қизим, сендан айланай ўзим, эшитгинда айтар сўзим. Сен ҳам бўй етиб қолдинг. Ҳар жойдан одам чиқаётибди. Тузукроқ жойга узатсак дейман Аймоқ кўчиб келган юрт, Бойсин ортда қолган юрт. Ойбарчин эшигимизни супуриб, бешиккерти қилган бўлса ҳам унитиб юборди, ҳеч олмади хабарди. Энди Аймоқ эл билан томир бўлиб, бир-биримизга орқа ўриш бўлиб, яйловимиз кенгайиб, сени ортингдан ҳурматимиз ошиб қолса, ажаб эмасми? Кечаги хотинлар Ўрозали элбегидан совчи бўлиб келибди. Шунга нима дейсан? Сени ҳоҳишимиз билан берсак, яхши бўлади. Йўқ десак, тортиб олиб кетади, бегона эл-да, – деди.

Шунда Ойдиной бу сўзларни эшитиб, энасига қараб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Энажоним, ночор билма ўзингни,
Етаклаб юрмагин мендай қизингни,
Тирикликда ғаним босмас изимни,
Асло ташлаб, мен кечмайман Бойсиндан,
Менга айтма, эна, бундай сўзингни.

Аёллик қиб, нега кўнглинг бўласан,
Мени ҳам ўзингдай мунглиқ биласан,
Ким гапирса, эна, шуни қиласан,

Куч-қувватим Барчинойдан кам эмас,
Аймоқлардан нега ҳадик оласан.

Аймоқ элда қолмас, энажон, таним,
Бойсин, деб ҳар куни чиқади жоним,
Бойсинда тўкилган киндикдан қоним,
Асло ташлаб кетмасман мен Бойсинни,
Бойсин-Қўнғирот, билсанг, менинг ватаним.

Ўйилсин-да, билдим, дунё бунча тор,
Куйганингдан йиғлайсан-да зору зор,
Бойсин элда этак йиртиш ёрим бор,
Асло кечиб кетмагайман Бойсиндан,
Алпомиш дилбанди, номи Ёдигор.

Агар келиб биров ҳаддидан ошса,
Қирқ минги бир бўлиб майдонга тушса,
Менинг билан жанг майдонда савашса,
Ҳаммасини бир бошидан кираман,
Аччиғим келтириб, ғайратим тошса.

Жафолар соларман тандаги жонга,
Аймоқнинг полвони келса майдонга,
Калласин юларман, бўяб-ку қонга,
Жанг майдонга тушар бўлсам, энажон,
Ушлаганим отарман-да осмонга.

Бундай кунда жавобини берарман,
Ким зўр бўлса, ҳисобини киларман,
Танасидан калласини юларман,
Жанг майдонга тушар бўлсам, энажон,
Аймоқларнинг бағрин қон киб тиларман.

Майдон бўлса, қилар ишим битказай,
Душманларнинг хаёлини кетказай,
Қора кунни солиб, путур етказай,
Жанг майдонга тушар бўлсам, энажон,
Ҳаммасини қилич дамдан ўтказай.

Ойдинойинг қилар ишин билади,
Душман кўрса юрак-бағрин тилади,

Дорни куриб бир бошидан илади,
Энажоним, менга эрни излама,
Бойсин элдан Ёдигорим келади.

Телмуриб қарама менинг кўзимга,
Ихтиёрим бергин менинг ўзимга,
Ишонгин-да, энажоним, сўзимга,
Менман деган зўрлари ҳам Аймоқнинг,
Тенг келолмас менинг босган изимга.

Майдон бўлса, ширин жоним сотарман,
Қонин ичиб, гўштларидан тотарман,
Минг бўлса ҳам азроилдан баттарман,
Аймоқлардан ҳадик қилма, энажон,
Ушлаганим осмон-кўкка отарман.

Жанг майдонда кўрсин полвон ошини,
Илондайин янчилганда бошини,
Ўйламайман қари билан ёшини,
Жанг майдонга кирар бўлсам, энажон,
Қузғунларга ем қиламан лошини.

Ана энди Ойжамол бу сўзларни эшитиб, оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб, бир нарса дейолмай, бўлган гапни Шомуродга бориб айтди. Шунда Шомурод: Шунинг учун қизинг билан гаплаш деган эдим. Бу Барчинойдан ўтиб ўтади, лекин қолишмайди. Қилар ишини билади, айтганини қилади. Аймоқда қолмайди, бировнинг гапига қулоқ солмайди, насиҳатинг олмайди, Ёдгордан бошқани билмайди, – деди.

Энди гапни сал бурамиз, дўмбира қай томонга йўрғаласа, ўша ёққа юрамиз, қолган воқеаларни шунда тинглаб кўрамиз. Кунма-кун ўтар эди, Шомурод кўчиб келгандан буён Арасхоннинг полвонлари унинг келиб кетар эди. Ойдиной бўй чўзиб қолгач, кўриб, бирор нарса деёлмай кетар эди. Бу сафар полвонлар маслаҳатни қилиб: "Ойдинойнинг қўлини биримизга сўраймиз", – деб Шомуроднинг уйига бостириб келиб, Шомуродни чақириб олиб: – Ҳў, кўчманчиларнинг бошлиғи. Туришинг ҳам экан, ўзинг яхши одаму ичинг тор экан, полвонларга муносиб қизинг бор экан, полвонлар ишқида зор экан. Шу қизингни хоҳлаган биримизга берасан, бермасанг бизлардан кўрасан, – деди. Шомурод: – Қизимнинг боши очиқ эмас, Бойсин-Қўнғирот элида нишонаси бор. Шундан бирор хабар келмагунча сизларга бир нарса дейолмайман. Яқинда Бойсин

...лар кетаётибди, шулардан хабар юбораман. Келса, келар, келмаса, ...ини берар. Шунга қараб, сизларга жавоб қиламан, – деди. Жайнок ...: – Карвонинг қачон Бойсин боради, излаган одамингни кўради. ...анда ҳам бизлардан Ойдинойни олиб кетолмайди, сен ҳам, у ҳам ...га етолмайди. Неча йилдан буён бизнинг яйловда молингни ...иб юрибсан, карздорсан. Шунинг учун Ойдинойни биримизга ...риб кутиласан. Яхшиликча бермасанг, тортиб олиб кетамиз. Қўлингдан ... келади? – деди. Бу сўзлардан Шомуроднинг аччиғи келиб, хулқаси ...иб, аччиқ устида бир иш қилиб қўйса, оқибати ёмон бўлишини билиб, ...ларга қараб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Жанг майдонда кўтарилар алвонлар,
Мард йигитлар шердай тортиб наърани,
Калла кесиб, уради-да жавлонлар,
Қиласан-да нега бунча сиёсат,
Айтган гапим ёқмадими, полвонлар?!

Очилган, очилган боғда гулингга,
Бир сабабман келиб тушдим қўлингга,
Ўтирибман сиғинди бўб чўлингга,
Айтган гапим ёқмадими, полвонлар,
Айбим шулдир, мусофирман элингга.

Қайтмагансан юрар бўлган йўлингдан,
Ҳар қандай гап чиқа берар тилингдан,
Мусофир бўб айрилмадинг элингдан,
Айтган гапим ёқмадими, полвонлар,
Биламан-да, ҳар иш келар қўлингдан.

Мард йигитлар доим турар сўзида,
Оташ чақнаб истаган пайт кўзида,
Номардликни қилмас биров изида,
Айган гаплар ёқмасаям, полвоним,
Ойдин қизим ихтиёри ўзида.

Айтадиган гапим шулдир барингга,
Қулоқ солгин юракдаги торингга,
Мен учмайман сенинг олтин, зарингга,
Қизгинамнинг ихтиёри ўзида,
Хоҳласа, тексинда, майли, биринга.

Мусофирман, ўз элимдай юролмайман,
Шодон давру давронимни суролмайман,
Хоҳламаса, сенга қиз беролмайман.
Айтган гапим эшитгин-да, полвонлар,
Зиёдасерлик қилсанг, туролмайман.

Эй, полвонлар, бемаъни иш қилмагин,
Зўрлик қилиб оламан деб билмагин,
Айтган гапим кўнгилларга олмаган,
Ўйламасдан қилар бўлиб бир ишни,
Армон билан қонлар кечиб қолмагин.

Зўрлигингни танба қилиб турманглар,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрманглар,
Ахмоқликман кўлга эркни берманглар,
Ўйламасдан яна қилиб бир ишни,
Охирида пушаймон бўб юрманглар.

Арасхоннинг полвонлари Шомуроддан бу сўзларни эшитиб, бир-бирига қарашиб, ўтовни кўрсатиб имлашиб: – Ҳў, Шомурод, бу айтган гапингга ҳам кўнамиз. Қизингнинг ихтиёри ўзида бўлса, у билан ҳам гаплашиб кўрамиз. Қани, қизинг нима дер экан, – деб Ойдинойнинг ўтови олдига бориб: – Ҳў, Ойдиной, жамолингни полвонларга кўрсат, сендан бир гапни сўраймиз, тафовутини караймиз, – деб чақира берди. Ойдиной ўтов ичидан: – Менинг сенларда ишим йўқ, гаплашишга ҳушим йўқ, сизларда қасдим билан тишим йўқ. Менда ишинг бўлса, кўп чиранмай гапира бер, – деб жавоб қилди. Жайноқ полвон: – Ҳой, Октўш полвон, Ойдиной ҳаддидан ошибди, тошкин дарёдай тошибди, булбулгўёдай жўшибди. Отдан тушиб, ўтовдан судраб чиқ, – деб буюрди.

Октўш полвон отдан тушиб, ўтовнинг оғзидан караб: – Ойдиной, чиқиб Жайноқ полвонга гап бергин. Полвонларни бирма-бир кўргин, хоҳлаган биримизни дегин. Айтганни қилмасанг, нима қилсак қиламиз, ихтиёринг бизда, – деди. Бу гапга Ойдинойнинг қаҳри келиб: – Менинг ихтиёрим сенинг қўлингда бўлиб, ҳали мен ўзимдан қолдимми?! Менинг номус билан орим бор, Бойсин-Қўнғиротда Ёдгордай ёрим бор. Шундан бир хабар келмагунча, бир нарса демайман, иддаонгни емайман, – деди. Шунда Октўш Жайноқнинг гапига кўра, ўтовга кириб, Ойдинойни судраб чиқмоқ бўлиб қўлидан тортди, бошига меҳнат ҳам ортди. Ойдинойнинг аччиғи келиб, Октўшнинг ёқасидан олди илиб, ўтовдан судраб чиқиб, ширин жонини сотди, жуфт қилиб ёқасидан тутди, “Ё пирим” деб бир

айлантириб отди. Оқтўшнинг тақдири ҳақдан кўрилди, айланиб бориб калласиман ерга урилди, калласининг беиз жойидан ёрилди, қизил қонига кўрилди, ҳушидан кетиб қолди. Полвонлар Ойдинойнинг кучидан ҳайрон бўлиб турганда, уларга қараб бир сўз айтаётир:

Деҳқонлар янчади ўрган хирмонни,
Сен зўрларга кўрсатайин дармонни,
Шарманда бўб тағин қилма армонни,
Не сабабдан от соласан устимга,
Ким берган сенларга бундай фармонни.

Полвонмисан, номус-оринг бўлмаса,
Бир қизга бас келар зўринг бўлмаса,
Орада эс-ҳушли *тиринг* бўлмаса,
Не сабабдан от соласан устимга,
Келмасдинг ичингда *иринг* бўлмаса[5].

Қиз бўлсамда менинг номус-орим бор,
Бойсин элда унаштирган ёрим бор,
Отини дейишар айтсам Ёдигор,
Не сабабдан от соласан устимга,
Сенлар учун курилган зўр дорим бор.

Бошим очиқ эмас, ўзинг биласан,
Бошингга балони сотиб оласан,
Яна келиб манманликлар қиласан,
Не сабабдан от қўясан устимга
Яна келсанг, бирингқолмай ўласан.

Бошларингга мен солинган хатарман,
Жон олувчи Азроилдан баттарман,
Аждаҳордай домга тортиб ютарман,
Не сабабдан от соласан устимга,
Ушлаганим осмон-кўкка отарман.

Ўйламайман сенинг нурли юзингни,
Аччиқлансам, қуритаман изингни,
Ўйламадинг сенлар еган тузингни,
Не сабабдан от соласан устимга,
Шунча номард биласанми ўзингни.

Полвон бўлсанг кўрсатгин-да зўрингни,
Бул майдонда чиқаргин-да шорингни,
Бир бошингдан отаман-да барингни,
Бойсин элдан келмагунча хабари,
Демасман-да, билгин, тани биринги.

Қилмагин-да менга кўнгил хитингни,
Бирилаб юларман сенинг патингни,
Кўрсатаман менга қилгин зитингни,
Не сабабдан менинг қўлим ушлайди,
Йиғиштириб олгин Оқтўш итингни.

Ўтказмоқчи бўлдинг менга зўрингни,
Аччиқлансам, қўймасман-да тирингни,
Баданингдан шиламан-да терингни,
Не сабабдан от соласан устима,
Жангга кирсам, қўймайман-да биринги.

Қаторингга тиркай бергин норингни,
Эшитмайман қиладиган зорингни,
Мардмисанлар, ерга урдинг орингни,
Не сабабдан от соласан устимга,
Гала номард, кираманда барингни.

Алқисса, Ойдинойнинг бу сўзидан полвонларнинг қути учиб,хаёли қочиб, шунчалик куч-қудрати борлигига ҳайрон бўлиб, кўнгли вайрон бўлиб, мойи олинган айрон бўлиб, нима қилишини билмай, жиғибийрон бўлиб, шолиси сувга кетиб, ҳисоби йитиб, силласи қотиб,ўзларидан гуноҳ ўтиб, зўрға олди ўзларини тутиб қилган ишларига уялиб, гарданига жоми таялиб, тақдир насибаси қийилиб, шунча йигит бир қиздан тааддй еганига бошига осмон ўйилиб, бор алами юрагига жийилиб, "Арасхоннинг полвонлари бир қиз билан уришибди, жанг қилиб суришибди, енгилиб пешонаси тиришибди", – деган исноти гапдан қочиб, пинаги учиб, Ойдинойга Жайноқ полвон: – Биз қўполлик қилибмиз, гуноҳ биздан ўтибди, – деб узр сўрашди. Оқтўш полвонни хушига келтириб, қизил конга ботиши билан отга миндириб, йигитлар жўнаб кетишди.

Шомурод Ойдинойга: – Яқинда карвондан Ёдгорга хабар юбормасак бўлмайди. Бу ишларнинг охири уруш-жанжал билан тарқайдиган кўринади, – деди. Ойдиной отасига: – Бойсинга хабар юбориш-юбормаслик сизнинг ишингиз. Лекин аймоқлардан қўрқадиган жойимиз йўқ, бундан

Бўлсин кўнглингиз тўқ. Буларнинг гапига қулоқ солмаймиз, тани кудакудаанда бўлмаймиз, – деб уйга кириб кетди. Қизининг кўнглини билган Шомурод хотини Ойжамолнинг олдига бориб, маслаҳатлашиб, Бойсинга хат жўнатишга қарор қилди. Хатда Шомурод шуларни битди. "Бир сабаб билан Бойсиндан чиқиб кетган эдик. Аймоқнинг чўлида макон тутган эдик. Орадан неча йиллар ўтди, Бойсиндан хабар бўлмади. Алпомиш келдими ё Қалмоқда қолдими? Ёдгор борми, отасидай нормі? У қизим Ойдиной билан этак йиртиш қилинган эди. Қизим элатим, деб йўлга қараб Ёдгорни кутиб ўтирибди. Неча жойдан келган совчиларга Ёдгор келади, деб розилик бермай, кутаяпти. Ҳозир Ойдиной, деб аймоқ полвонлари талашда. Ёдгор келиб, нишонасини олсин ёки қизимнинг жавобини берсин".

Шомурод хатни карвондаги ишончли кишига бериб, фақат Ёдгорга беришни тайинлади. Карвонлар бир неча кеча-кундуз йўл тортиб Бойсин-Қўнғиротга кириб борди. Карвондаги тортувлилар танигич кам қолибди. Ахир орадан ўн саккиз йил ўтибди. Суриштириб билса, Бойсин-Қўнғиротдагилар кўпчилиги ўша пайтда Ултонтоз зулмидан кўчиб кетганда, қолганлар ҳам қон-зардоб ютганди. Алпомиш келиб қолиб, Ултонтознинг бошига қора кунни солиб, юртни обод, одамларни шод қилибди. Карвондаги савдогар сотадиганини сотиб, оладиганини олиб ётди. Шу вақтда бир неча амалдор бож олмоқчи бўлиб, карвонсаройга келиб қолди. Карвонбоши амалдорларнинг каттасининг кимлигини сўраганда, бир ёш йигит: – Алпомишнинг ўғли Ёдгор, – деб жавоб берди.

Карвонбоши бозор оралаб сини-синбатли, алп қоматли бир йигитни Алпомишга менгзаб: "Ёдгор шу бўлса керак", – деб ўйлаб, олдига бориб салом берди ва: – Ёдгормисиз? – деб сўради. Йигит ўзининг Ёдгор эканлигини айтгач, Шомурод берган хатни қўлига тутқазди. Ёдгор бир четга чиқиб: "Бу қандай хат бўлди?" – деб ўйлаб, хатни ўқиб бўлиб, ўтган воқеаларни билгансан, амалдорларига: – Сизлар божни ола берингларлар, ишим чиқиб қолди, – деб уйига бориб, энасини кўриб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Жанг майдонда ўқранади бедов от,
Мард йигитлар миниб қилар сиёсат,
Қай томонга тўзиганди кўнғирот,
Энажоним, эшитгинда сўзимни.
Ким эди-да, билсанг, агар Шомурод.

Эшитгинда ёлғиз боланг сўзини,
Сарғайтирди келган хабар юзини,
Бошин бойлаб Шомуроднинг қизини,

Ишни қилиб, тани хабар бермадинг,
Доим сағир билиб Ёдгор ўзини.

Борибди-да аймоқларнинг элига,
Тушибди-да қанча полвон кўлига,
Озор бериб Ойдинойнинг дилига,
Энажоним, нега хабар бермадинг,
Кўзи тўрт бўб карар Ёдгор йўлига.

Энажоним, эшитгинда зоримни,
Мен ўйладим номус билан оримни,
Кўраманда тақдиримда боримни,
Жавоб бергин Аймоқ қараб жўнайман,
Олиб келай Ойдинойдай ёримни.

Мен билмадим неча йиллар бўлибди,
Бир нечалар ёрим олмоқ бўлибди,
Хатда билдим қанча совчи келибди,
Жавоб бергин, энажоним кетаман,
Мени кутиб ранги-рўйи сўлибди.

Аймоқ юртга от ўйнатиб борарман,
Мени кутган Ойдинойни оларман,
Душман кўрсам қиёматни соларман,
Ойдиной даводир ўғлинг дардига,
Эсон-омон тағин қайтиб келарман.

Ёлғиз боланг пешонадан кўрди-да,
Аймоқ бормоқ бўлдим, кўнглим урди-да,
Ё душманга, ё болангга берди-да,
Ўзи ўлмай, киши ёрин берарми,
Боланг ҳам айдаҳор, ўзи шерди-да.

Ёдгор бормоқ бўлди Аймоқ юртига,
Мард йигитлар қарамайди ортига,
Бу нарсани ташлаб бўлмас сиртига,
Жавоб бергин, энажоним, кетайин,
Амал қилди полвон отам шартига.

Гап эшитгин, энажоним, тилимдан,
Ҳазар қилма, мен кўркмайман ўлимдан,

Душман зоти омон кетмас қўлимдан,
Жавоб бергин, энажоним, кетайин,
Айрилмайин Ойдинойдай гулимдан.

Барчиной бу сўзларни эшитиб: – Эй, болам, сен бу гапларни қаердан эшитдинг. Сенинг қулоғингга тегмасин, деб хатто отангга ҳам айтганим йўқ эди. Баликнинг тириклиги сув билан бўлгандай, менинг тириклигим сен билан-да. Отамни излаб отанг Қалмоқ юртига борди, ўлди деб хабар келди, етти йил қон ютдим, аммо сабр билан кутдим. Шу тортган азоб-уқубатларнинг алами ҳали кетгани йўқ. Буларни сенга энанг қандай айтади? Қайғулардан энди қутулдим деб турганимда, бу гапларни қайдан эшитдинг, – деб бир сўз айтиб турибди:

Сафар чиксанг, юракларим бўлар қон,
Ғариб қулман Оллоҳ бўлсин мехрибон,
Жоним болам, бўлгин доим соғ-омон,
Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Сен кетгансан бу энангдан чиқар жон.

Кетар бўлсанг энанг зардоблар ичар,
Оқшомлар ухламай уйқуси қочар,
Йиғлайди-да, ҳоли бунда не кечар,
Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Дард-ғамга қайтадан қилмагин дучор.

Сен борсан-да, обод менинг маконим,
Қурбон бўлсин сенга тандаги жоним,
Кўрар кўзим, сенсан рухи равоним,
Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Кетар бўлсанг, рабақдан чиқади жоним.

Отангдай кулфатни ўзингга олма,
Ёнар ўтга, болам, жонингни солма,
Қурсин мусофирлик, ҳаваслар қилма,
Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Ёлғиз бориб, болам, балога қолма.

Ғарибликда ким келади қошингга,
Ёлғизликда ким қарашар ишингга,
Асли душман кўймас аклу ҳушингга,

Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Кўрмаган кунларни солар бошингга.

Отанг келиб, шўрли энанг суюнди,
Кетар бўлсанг, болам, менга қийинди,
Қилмагин-да шу сафарги ўйингди,
Ота-энанг ғарибликни кўп кўрган,
Бу сафаринг, Ёдгор болам, кўй энди.

Отанг ётди бир зиндонда етти йил,
Орқасидан бўлиб қолдим мен ҳам тул,
Йиғлай-йиғлай ёқаларим бўлди ҳўл,
Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Насиҳатим, болажоним, сенга шул.

Қир-адирда очилади лола гул,
Кетар бўлсанг, кўзда ёшим бўлар кўл,
Йўлбарс болам, насиҳатим чин деб бил,
Аймоқ элга талаб қилма, жон болам,
Кетар бўлсанг бу танага етар зил.

Инобатга олгин энанг сўзини,
Ёлғиз қилиб кетмагин-да ўзини,
Сарғайтириб сомон қилма юзини,
Аймоқ элга сафарингни кўй энди,
Олиб берай Бойсин сулув қизини.

Ёдгор энасидан бу сўзларни эшитгансан: – Эна, ўтган гапларни кўнглингга олма, мени буйтиб хафа қилма, отам ҳам бир алп одам, Қалмоққа бориб келган, икки марта орини олиб келган, ҳозир азоблари унут бўлиб кетди. Баҳодирлар ундай бўлар экан, бундай бўлар экан, деб ҳазар қилиб турмайди, дунёнинг ғурбатидан узоқ юрмайди. Мен сизни бошидан ўтган бирон яхши маслаҳат беради десам, одам бўлиб қаватимдан бошқа жойга чиқмасин, деган гапдан бошқани билмадингиз. Менинг болам ҳам одам бўлди, кўзга кўринди, бир юртдан бошқа юртга талаб қилди, деб энамнинг кўнгли кўтарилсин десам, ёшликдаги кулфатларингизни гапириб, мени йўлдан уриб, кўнглимни чўктириб, хафа қилдингиз, – деди. Барчиной: – Сен шунчаки ҳазиллашиб айтаяпсан десам, чини билан айтаётган экансан. Мен элдаги расмни қилиб, отанг йўқлигида сўзи ерда қолмасин, деб эшигини супуриб, Ойдинойни этак йиртиш қилган эдим. Қозиб

...ишда деб, буни отангга ҳам билдирганим йўқ. Отанг Қўнғиротда ...ни хоҳласанг, шуни олиб беради, – деди. Ёдгор: – Эна, Қўнғиротдан ...бир киз топилмайди, деб айтаётганим йўқ. Қанча элат Бойсиндан кетган, ...шетта бир зиёда гап ўтган, бизга хат жўнатган. Ор-номус деган гаплар ...бор. Алпомишнинг ўғлига хабар юбордик, эй, баччагар келмади, деб ...айтмайми?! Бормасам, уларнинг элга қайтиши қийин бўлади. Мен дунёга ...келиб, отам борми-йўқми билмаганман, сизни ҳам энам, ҳам отам деб ...ўргатганман. Эсимни билганда отам келган. Шунда сиз отанг бўлади, деб ...ўргатгансиз, шундан сўнг отамни таниганман. Шу сабабли аввал сизга ...келиб, ок фотиҳа сўрадим. Отамдан ҳам сўрайман. Катта умидим сиз ...эдингиз, кўнглимни чўктириб турибсиз, – деди. Иккаласининг устига ...Алпомиш: – Нима гап гапираётибсизлар? – деб кириб келиб қолди.

Шунда Барчиной Алпомишга қараб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Элатингга ўтказдинг-да тилингни,
Яратганим доим очсин йўлингни,
Бежой билдим, тўрам, шунқор улингни,
Аймоқнинг юртига талаб қилибди,
Қандай жўнатасан жону дилингни.

Юрагимга солди қайғу-аламни,
Ўтга солди гулдай бўлган танамни,
Шунча қилсам эшитмайди ноламни,
Аймоқнинг юртига бормоқ бўлибди,
Қандай жўнатаман ёлғиз боламни.

Болалик киб нодон кўнглин бўлмасин,
Не аломат кунлар ўтди бошимдан,
Ўзи ёлғиз ёмонликни кўрмасин,
Бормоқ бўпти бул Аймоқнинг юртига,
Душманнинг юртига болам бормасин.

Ёлғиз болам, сенсан жону дилим, деб,
Сен кетгансан танг бўлади ҳолим, деб,
Кетар бўлсанг сўлар кизил гулим, деб,
Аймоқнинг юртига бормоқ бўлибди,
Кўп ялиндим, борма ёлғиз улим, деб.

Насиҳатга қулоқ солмай туради,

Аймоқ дейди, юраги ғалт уради,
Борар бўлса, кандай кунни кўради,
Аймоқнинг юртига бормоқ бўлибди,
Қўйгин, болам, десам, ёмон кўради.

Ёт элларни ўзинг бориб кўргансан,
Ёлғизликнинг азобини сургансан,
Етти йиллаб бир зиндонда тургансан,
Аймоқ элга юбормагин болангни,
Сарсон бўлиб, кўп галдираб юргансан.

Қалмоқ бориб кўрдинг ўғри-каззобди,
Гапга кўнмас боланг шундай тезобди,
Кўнгли тусаб, бир санамни излабди,
Аймоқ элга юбормагин болангни,
Сенинг учун мен кўрганман азобди.

Ойбарчиннинг сўзларини эшитган Алпомишнинг хаёли қочиб, капалаги учиб,ўғлига қараб: – Бу нима гап, болам? Аввалдан у жойларга бормаган, яхши-ёмонни кўрмаган, бирон илинжинг бўлмаган юртга талаб килганинг?! Бу гапингни ташла. Шу юришдан гадойликни яхши кўраман, нима бўлса, бораман десанг, бир таёқни қўлингга олиб, пою пиёда Аймоқни ахтариб кета бер, – деди. Ёдгор отасига қараб: – Энам аёллик килиб мени тушунмаган эди, сиз ҳам тушунмадингиз, – деб сўзлаётир:

Иккингиз ҳам тушунмасдан тилимни,
Қилмоқчи бўласиз менга зулмни,
Мен англадим бундан кетган элимни,
Ўкиб кўринг келган хабар хатини,
Бошларига солар бўпти ўлимни.

Эл бошини туман келиб чалибди,
Тортувлига қора кунни солибди,
Менинг ёрим бул ўртада қолибди,
Аймоқ элга борар бўлдим, отажон,
Ёрдам сўраб хат-хабари келибди.

Баланд тоғнинг кўтарилган бастига,
Ёлғон эмас, отажоним ростига,
Дўнибди-да аймоқ ёрим устига,

Аймоқ элга кетар бўлдим, отажон,
Бораман-да шу ёримнинг қасдига.

Қийғир қушлар ўтиради кияда,
Дуо қилиб ёта беринг сояда,
Меҳнатларим майли бўлсин зое-да,
Бермасанг ҳам майли, ота, отингни,
Шунқор боланг кетар бўлди пиёда.

Баланд тоғлар бошидаги кояди,
Музлик бўлса, нор туялар тояди,
Ёримни ўйласам, бағрим куяди,
Кетар бўлдим, энажоним, дуо бер,
Йўлбарс отам бир чўбирин аяди.

Мен билмайман Аймоқ эли қаёқда,
Мен ҳам юрган бир девона саёқ-да,
Борарим рост пиёдалаб оёқда,
Ёв ичида талаш қолган ёр учун
Солишайин, майли, заранг таёқда.

Кўзим очиб, эна, сени кўраман,
Отасиз эдим-да, меҳрим берганман,
Озорли кунингда бирга турганман,
Кетар бўлдим, энажоним, дуо бер,
Сутинг эмиб, кўкрагингни сўрганман.

Айдаҳорман, қилар, ишни биларман,
Душман кўрсам, калласини юларман,
Насиб бўлса ёрим олиб келарман,
От бермасанг ҳам майли, отажон
Бир қўшҳович оқ дуонгни тиларман.

Алпомиш Ёдгордан бу сўзларни эшитиб ҳайрон бўлиб: – Бу нима воқеа? Мен ҳеч бир гапларингга тушунмадим. Сўнгги келган сангров, деб шуни айтса керак-да. Сен билсанг, тушунтириб гапир, – деди Барчинойга. Барчиной Алпомиш билан Шомуроднинг қилган нияти, Ёдгор билан Ойдиной этак йиртиш қилинганини, Ултонтоз зулмидан Шомурод бошлик тортувлилар кўчиб кетганини, хабар шулардан келганини айтгач, Алпомиш бўлаётган воқеаларни билди, шунча вақт Шомуродни излаб ё

изтатмаганига пушаймон қилди, анча ўйланиб қолди-да, шундай деди: – Энди гап бундай, Ёдгорнинг райини қайтариб кўрдик, бўлмади, насиҳатни олмади. Куч-қуввати етарли, жанг илмини билади, деву мастонни ҳам даф қилади. Кўриниб келган ёвдан қўрқмайди, кўринмай келадиганини англаса, бўлади. Энди дуо беришдан бошқа чора қолмади. Ёдгор отасининг сўзидан шод бўлди.

Алпомиш Ёдгорни Аймоққа жўнатар бўлиб: – Сафарарга Бойчиборни мингин, асли тулпор каримайди. Устига минганга душман доримайди, учар қушдан улгу олган жонивор келаётган дўсту душманлигини билади, жанг майдонда ҳам орқадан келганни сезиб эгасига тиғ тегдирмайди, чап бериб ўтади, – деди. Ёдгор: – Отажон, сиз айтгандай бўлсин, энамга айтинг, қиличингизни ҳам берсин. Сизнинг қиличингиз иссиқ-совуқда тобланган, – деганда, Алпомиш Барчинойга: – Сен Ёдгорга керакли анжомларни тайёрлаб бергин. Мен оқсоқолларни йиғдириб, бир қўйни сўйдириб, келганларга едириб, Ёдгорга дуо олиб берайин, – деб чиқиб кетди.

Алқисса, Алпомиш айтганини қилиб, Бойчиборни эгарлаб келиб, элатини йиғиб, элу халқига қараб: – Ҳў, халойиқ, Ёдгор Аймоққа кетмоқ бўлаётибди. Ўзларингиз биласизлар, мен Қалмоққа кетганда, Барчиной Шомуроднинг қизини этак йиртиш қилган экан. Шомурод Ултонтоздан кочиб, Аймоққа ўтган экан. Ёдгорга хати хабар қилибди. Ёдгор кўчиб кетган элатини, Ойдиной ёрини олиб келиш учун кетаётибди. Сизларни йиғишимдан мақсад – Ёдгор боламга қўл очиб, дуо беринглар, – деб Алпомишнинг Ёдгорга дуо бераётган жойи экан:

Қуръонда битилган қанчалар оят,
Ҳар оятда бордир турли хосият,
Ҳаммасини ўқиб қилдик зикриёт,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Худонинг дўстисан, ўзинг Муҳаммад.

Ўзингсан худонинг жону ва дили,
Шерим деб битилган мухрли қўли,
Мусулмон бўлди канча кофирнинг тили,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Полвонлар эгаси Ҳазрати Али.

Баланд тоғлар боши бўлар доим қор,
Куйганимдан мен йиғлайман зору зор,
Абу Бакир, Умар, Усмону Ҳайдар,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Йигитнинг пирисиз тўртта Чориёр.

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Кетар бўлдинг, йўлбарс болам, йиғлайман,
Умрингни бир худодан тилайман,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Дев-парининг шўри бўлган Сулаймон.

Абу Бакир, Сиддик, Умару Усмон,
Муҳаммадга уммат, сизларга дўстман,
Мард майдони, деб кирган шери Яздон,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Кудратли кучга эга Шоҳимардон.

Намозимни қилмадим-да мен канда,
Болам кетиб мен йиғлайман ҳар кунда,
Биларман қанча хосият бир сенда,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Қўллаб, ёрдам бергин-да Шоҳизинда...

Элим дедим, фидо қилиб азиз жон,
Калла кесдим, қиличимдан томди қон,
Сундуз тоғда дуо берган ўзингсан,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Бирга бўлинг доим энди, қирқ чилтан.

Болам, деб жонимни қилармам фидо,
Гоҳда шоҳ, гоҳида бўлганман гадо,
Келмаса, йиғлай-йиғлай бўларман адо,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Паноҳингда сақла, Яратган худо.

Баланд тоғлар боши адир ҳам будир,
Биламан хислатинг жуда ҳам нодир,
Кўнглингизда йўқдир асло бир гидир,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Жиловдори бўлинг Хўжаи Хидир.

Куйган қулман, айтай байтма-байт,
Бир йилда келади иккита ҳайит,
Авлодинг келганда эшону саид,
Мен сиғиниб, ўғлим сизга топширдим,
Исломнинг тутқаси еттита шоҳид.

Очилган-да боғнинг тоза гуллари,
Устун бўлсин душманига тиллари,
Қайтиб келсин Аймоқдаги эллари,
Омин, дегин бари турган, халойиқ,
Дуо беринг, Бойсин-Қўнғирот чоллари.

Ҳаммамиз ҳам жойимиздан турайлик,
Ёдгорга, келинг, дуо берайлик,
Бир худодан илтижони қилайлик,
Йўлбарс болам, эсон-омон келсин-да,
Омин, денглар, турган энди халойиқ.

Букадай қиб Чибор отин сурсин, денг,
Нима бўлса, Ёдгорга берсин, денг,
Садоқ сермаб, ёв барини қирсин, денг,
Ойдинойдан пари бўлса, олсин, денг,
Эсон-омон бул Бойсинга келсин, денг.

Йўлбарсимни бир худога топширдим,
Не авлиё, пайғамбарга бош урдим,
Алпомишман, юрак бўшаб, жўш урдим,
Қўл кўтаргин, турган энди халойиқ,
Омин, дедим, мен қўлимни қувширдим,

Ана энди Ёдгор элу халқидан дуони олиб, Бойчиборнинг белига миниб, ўтдай ёниб, дуодан меҳри қониб турганда, Алпомиш: – Эй болам, энангдан ҳам дуо олиб, хўшлашиб кетгин, – деди. Ёдгор отни жиловини буриб, энасининг ўрдасига бора берди, Ойбарчин ҳам ёлғиз боласини кўра берди, Аймоққа кетишини аниқ била берди. Ёдгорнинг дуо сўраганига кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб: – Белингдаги қиличингни ечиб бергин, отангнинг қиличини сенга бераман. Отангнинг қиличига яшиннинг ёлқини берилган, ҳар сермаганда чўзилади, бирданига беш-ўнта душманнинг калласи узилади, ўликлар қатор бўлиб тизилади, садоғингни кўрганда, деву париларнинг ҳам кўнгли бузилади, – деб Ёдгорнинг қиличини олиб, отасининг қиличини белига чалиб қўйди. Қўлидаги узугини ҳам ечиб, ўғлининг чўнтагига солиб: – Эй, болам, соғинганда узукка қарайсан, сенга мадад бўлади. Асло ғафлатда қолмагин, душманлар отинг билан қиличингга ишқибоз бўлади, тани шу иккисини қўлдан бермагин, – деб Ёдгорга дуо бериб турган жойи:

Кетар бўлдинг, жоним болам, йиғлайман,
Энанг ўлсин, кокилингдан силайман,
Умрингни бир худодан тилайман,
Инсу жинсу, дев-парининг шўрисан,
Йўлбарсимни ўзинг қўлла, Сулаймон.

Куйганимдан йиғлайман-да зору зор,
Эҳтиёт бўл, болам, ўзинг айдаҳор,
Барин кириб, ёв борига соч заҳар,
Мен сизларга топширдим-да, йиғлайман,
Йигитнинг пирисан, тўртта Чориёр.

Телмуриб қарайман сенинг юзингга,
Эҳтиёт бўл, йўлбарс болам, ўзингга,
Мен ишондим сенинг айтган сўзингга,
Изғин тортиб, йиғлаб сизга топширдим,
Йўлдош бўлинг, Хўжай Хидир ёлғизимга.

Қаторимдан кетар бўлди кора нор.
Бунда қолиб мен йиғлайман интизор,
Шунқоримнинг ҳолидан бўл хабардор,
Ёлғиз болам энди сенга топширдим,
Ҳар нарсага ўзинг қодирсан, жаббор.

Болам, дейман, мен йиғлайман зору зор,
Нима қилсанг, ўзингдадир ихтиёр,
Бойчибор,боламни асрагин ҳушёр,
Мен боламни йиғлаб сенга топширдим,
Ёв қўлига тани берма, жонивор.

Мен айланай, эна, деган тилингдан,
Бойчиборни бера кўрма қўлингдан,
Отдан бошқа хабар олмас ҳолингдан,
Мен боламни, тулпор, сенга топширдим,
Айланайин эсли бўлган молимдан...

Қанча бўлса, алдаб кўрар жодугар,
Уларнинг макрига ишонма зинҳор,
Қўлингдадир жон олувчи зулфикор,
Ҳушёрликни қўлдан берма, жон болам,
Сўнгра йиғлаб колмагайсан зору зор...

Юрмагинда, болам, тани хит бўлиб,
Ёв хийлагар, эргашади ит бўлиб,
Бойчиборни ҳайдаб кўргин устига,
Тайланмаса агар отинг бет бўлиб,
Садоқ солгин, тўкилсин-да тут бўлиб.

Белдан қўйма тани зулфиқорингни,
Ишониб ҳайдагин Бойчиборингни.
Душманлардан олиб келгин орингни,
Эсон-омон бориб келгин, шунқорим,
Олиб келгин элат билан ёрингни.

Ирам боғда очилгандир тоза гул,
Айтар бўлсам насиҳатим, болам шул,
Отга ишон, хатарлидир борар йўл,
Мен дуони босиб берай, жон болам,
Эсон-омон бориб, болам, қайтиб кел.

Ишон, болам, бул энангнинг сўзига,
Кетар бўлдинг Шомуроднинг кизига,
Душман кўрсанг, қарамагин кўзига,
Соғ бориб, саломат кел, деб энаси,
Омин, деди, кўлин тортди юзига.

Ёдгор энасининг дуосидан шод бўлиб, кўнгли обод бўлиб, Бойчиборни миниб, ёлидан тавоф қилиб, энаси Барчиной билан хайрлашаётган жойи:

Оҳ урганда кўздан окар ёш энди,
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди.
Қилич кесмас, менинг бошим тош энди,
Мен кетаман, эна, Аймоқ элига,
Оқ сут берган, мехрибоним, хўш энди.

Болам, дединг, қанча зардобни ютдинг,
Парваришлаб қанча азобни тортдинг,
Дуо бериб, Аймоқ элга жўнатдинг,
Насиб бўлса, Аймоқ элдан келарман,
Келганимча, мехрибоним, хўш энди.

Кетар бўлдим Аймоқ, ёримни излаб,
Ёрнинг ишқи менинг бағримни тузлаб,
Келганимча, эна, юрманг-да бўзлаб,
Ишимни биткариб, келарман тезлаб,
Ғамхўр энам, меҳрибоним, хўш энди.

Жавоб бериб, сен жўнатдинг қўзингни,
Эсимда саклайман айтган сўзингни,
Омон келиб кўрай қизил юзингни,
Йўлга тўрт қилмагин хумор кўзингни,
Жоним энам, меҳрибоним, хўш энди.

Очилганда кирда гулгун лолангдан,
Айрилмайсан, эна, кўрғон-қалъангдан,
Келишимни тила Оллотолангдан,
Алағда бўлмагин шункор болангдан,
Меҳрибоним, муштипарим, хўш энди...

Алкисса, Ёдгор энаси билан хўшлашиб, Бойчиборга қамчи бериб, Бойсин-Қўнғирот элидан чиқиб кетаётган жойи:

Булбул искайди гулини,
Тўлдириб энди кўнглини,
Не кечар билмам ҳолини,
Садоқ безаган белини,
Қаранг, Алпомиш улини,
Устун қиларми тилини,
Тавоф қиб тулпор ёлини,
Қотириб тортган белини,
Жўнар тарк этиб элини.

Сўз келса айтар тилига,
От ҳайдар сувсиз чўлига,
Турна бўлиб қўшиларми,
Ўзининг учган хилига,
Қаранг, Ойбарчин улига,
Авайлаб қамчи ташлар,
Бойчибор бедов белига,
Жўнади, каранг Ёдгор,
Аймоклар деган элига.

Кун чалган тоғнинг тошига,
Сира келмайди хушига,
Ҳеч ким янамас қошига,
Қаранг, Ёдгор ишига,
Савсар телпаги бошига,
Чоройнаси яркирайди,
Оппоқ кордайин тўшига,
Ўн тўрт карич обдал найза,
Олтин эгарнинг қошига.

Яғринида калқони,
Қатиқдай бўлиб иркиллаб,
Эгар бошида найзаси,
Бораётирда сўлқиллаб,
Эгнида пўлат довул,
Кун теккандай яркиллаб,
Остида минган Чибор от,
Жилов бермайди пирқиллаб,
Ўйнар қулондай диркиллаб...

Очилган боғнинг гулига,
Озор етмасин дилига,
Турна учади хилига,
Ўрдак ташлайди кўлига,
Бет бўлиб ҳеч ким чиқолмас,
Ёдгорбекнинг йўлига,
Қулочлаб қамчи босади,
Алпон султоннинг молига,
Чиқди Бойсиннинг чўлига.

Баланд тоғларда кормикан,
Ўтган умрлар хормикан,
Чопгани номус-ормикан,
Ёвни кўришга зормикан,
Бўкирган вахший шермикан,
Девдан ҳам ўтган зўрмикан,
Қистаб хайдайди Ёдгор,
Шундай шерамат бормикан?!

Ана энди Ёдгор тўхтаб, Бойсин томонга бир қараб, оёғини узангига тираб, Бойчибордан маслаҳат сўраб: – Иккимиз ҳам хизмат учун

қолганмиз. Мен Аймоқ мамлакати қаердалигини билмайман, мабодо сен биласанг, Ойдиной қаердалигини кўрсатсанг бўлди, у ёғини менга қўйиб бер, – деб отни нишлатиб, сувлиқ тишлатиб, яна от ҳайдаётган жойи экан:

Очилган тоғнинг лоласи,
Қолмасин гапнинг чаласи,
Бошига бугун соябон,
Яратган Оллотоласи,
Устига минган, дўстларим,
Алпомиш эрка боласи,
Шотирлаб сабил жўнади,
Мисли саврнинг жаласи,
Жийрилиб жуфтак отади,
Узоқда Аймоқ қалъаси.

Душман чиқолмас йўлига,
Маймун йиғлайди ҳолига,
Жиловни ташлаб ёлига,
Туф, деб қамчини уради,
Гавҳар тутган ҳам қўлига,
От жиловин бошқарди,
Бойсин даштларнинг чўлига,
Бойчибор қаранг нишлабди,
Боботоғларнинг белига,
Ёдгор ҳам жўнай берди,
Аймоқлар деган элига.

Қаранг-да сиёсатига,
Қамчи босади отига,
Қамчи тегади чотига,
Қамчидан кўрққан сағана,
Ҳаккалаб ернинг бетига,
Гулдираклардай гулдираб,
Йўқ бўлди чўлнинг кетига,
Туёқдан чиққан добири,
Етар ер қатма-қатига,
Чўлдан ўтиб ҳам жонивор,
Тирмаша берди шотига.

Ҳолсираб лаби қотади,
Ўзидан ситам ўтади,

Ёдгор ўзи хўб тентак,
Қулочлаб қамчи чотади,
Қамчи чатанга етади,
Симдай бўлиб ҳам ботади,
Оғзидан чиққан кўпикни,
Тамшанади-да, ютади,
Ширин жонини сотади,
Олди сернов ҳам келганда,
Учар қушлардан ўтади.

Кетаётирда чўзилиб,
Малил хаёли бузилиб,
Туёқдан ерлар қазилиб,
Оркада қолган қора чанг,
Осмонга чиқар чўзилиб.
Чини билан жўнагансан,
Учган каптарлар қолади,
Бойчибор отдан узилиб,
Бадандан чиққан қора тер,
Борар туёқдан изилиб.

Эрисин тоғларнинг қори,
Кетмасин-да номус-ори,
Излагани эрка пари,
Бадандан чиқиб тери,
Устида кетиб боради,
Бойсин элнинг айдаҳори,
Писанд эмас тоғнинг ўри,
Тўрт бўрбайда кўпдир зўри,
Жийрилиб жуфтак отади,
Алпомиш шоҳнинг тулпори.

Осмон аёз, юлдуз кўкка,
Сигирдан айрилмас бука,
Назар ташлаб ҳар бир ёкка,
Жийрилиб ўзин отади,
Зов бўлса ҳам тайлар тикка.
Оёқдан чиққан чанг-ғубор,
Кўтарилади фалакка,
Юлдуз учгандай жўнайди,

Етказмайди отган ўкка,
Чикар Бойсин тоғ белига,
Қулоклари бўлиб тикка.

Алқисса, Ёдгор қараса, Бойчибор Бойсин тоғнинг белига чиқиб тўхтади. От ҳарсиллаб дам олаётибди, оппоқ кўпикка ботибди, баданидан чиққан тери туёғидан сизиб кетибди, кўп вақтдан бери минилмаган, Ёдгордан гунох ўтибди, қўли билан чатанини сийлаб кўрса, камчи симдай ботибди, ҳар жой-ҳар жойдан бўртиб чиқибди. Шунда Ёдгор: "Отга шунча жабр қилибман, бу яхши бўлмас", – деб бир мулойим кумга олиб бориб, ялонғочлаб ташлади. Бойчибор мулойим кумда у ёқдан бу ёққа ағанаб, меҳри конган сўнг, ўрнидан туриб, силкиниб, калла чайқаб, ўйнай берди...

Ана шунда Ёдгорнинг малил хаёли бузилиб, бирон жойга чиқиб кўрмаган, кўзидан ёши тизилиб, ота-энасидан ажраб кетаётганига юрак-бағри эзилиб, Алпомиш отасига, Барчиной энасига, ёру биродар бекларига, Бойсин элатига: "Мен Бойчибор билан якка Аймоққа кетаётирман, хаммангиз дуода бўлингизлар, хўш колингизлар", – деб тоғдан чўлга ташлаётган жойи экан:

Элинг учун фидо қилиб азиз жон,
Душман кўрсанг садоғингдан томар қон,
Дуо берган сенга доим қирқ чилтан,
Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, отам Алпомиш султон.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Ўзингсанлар ҳам номусим, ҳам орим,
Сизлар билан обод Бойсиндай шаҳрим,
Икковингсан ҳам ишончим, ҳам фахрим,
Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, онажон, муштипарим.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Не кечар билмайман, менинг аҳволим,
Армоним йўқ садоғимга етса қўлим,
Вабо бўлиб бошга соларман ўлим,

Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, Бойсин-Қўнғиротдай элим.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Душман кўрсам, тиларман-да танини,
Танасидан суғурарман жонини,
Ичарман-да мен ёвларнинг қонини,
Дуода бўл, Бойсин-Қўнғиротдай элим,
Сизлар учун Ёдгор берар жонини.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга...

Осмон аёз бўлса, юлдуз-кўкларим,
Сиз эдингиз кўнглимдаги тўкларим,
Тирдонимда жойлангандир ўкларим,
Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, дўст-биродар, бекларим.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Тулпор отни жанг майдонда сурганларим,
Кўзлаганда куш кўзидан урганларим,
Душман кўрса, турган жойда терганларим,
Бойчиборман якка етиб бораман,
Дуода бўл, сап шакаман мерганларим.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Баланд тоғда уланган-ку кирларим,
Бу ҳам бўлса тақдиримда борларим,
Жанг майдонда чиқар бўлди терларим,
Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, қолган айдаҳорларим.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Бу дунёнинг нури бўлар сизу биз,
Хизмат чикар боз устига изма-из,
Ёвлар билан бўлар бўлдим юзма-юз,
Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, элда қолган кора кўз.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Қаторимда тиркалган-ку норимсан,
Ҳар на бўлса, писантимда боримсан,
Душман кўрсам, сочадиган захримсан,
Бойчиборман якка кетиб бораман,
Дуода бўл, аммам, муштипаримсан.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Бошимдаги ўзинг зулфиқоримсан,
Ҳар на бўлса, танамдаги боримсан,
Душманларга сен қурилган доримсан,
Бойчиборман якка ўзим борарман,
Дуода бўл, Ойдин ойим, ёримсан.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Остида-ку ўйнар, каранг, зўр тулпор,
Диркиллайди, ўйнаб тайлар жонивор,
Ўзингга ҳам теккан бугун ихтиёр,
Аллаёр, деб Бойсин-Қўнғирот элатга,
Тоғдан тайлар Ёдгордай айдаҳор.

Аллаёр, деб Бойсин элга,
Тоғдан ташлай берди чўлга.

Мана энди Ёдгор Бойчиборнинг белига миниб, элу юртига аллаёр, деб, тоғдан эниб: – Ҳў, баланд тоғларда бўктар кор, элларни кезар савдогар, Бойчибор, сенда арзим бор, ўзингсан дунёдаги энг зўр тулпор, энди йўлни ўзинг бошкар, муродимни ҳосил қилгин, жонивор, деб жиловини отнинг ёлига ташлаб, Талош чўлида кетаётган жойи экан:

Очилган боғнинг гулига,
Не кечар, билмам ҳолига,
Минган тулпорнинг белига,
Қаранг, Алпомиш улига,
Жиловни ташлаб ёлига,
Олмос пораси белига,
Жўнаётир-да Ёдгор,
Аймоқ деганнинг элига,
Хатарли бўлган йўлига,
Туйлаб қамчини ушлади,
Ёдгор энди қўлига,
Чиқди-да Талош чўлига.

Нозик кўнглини хушлади,
Қамчини қўлга ушлади,
Уст-устига Ёдигор
Қаранг, қамчини ташлади,
Қамчи зарбаси ўтгансан,
Талош чўлини нишлади,
Бойчиборларнинг шамоли
Ёдгорнинг кўзини ёшлади,
Аччиғи кебди Чиборнинг,
Сувликни маҳкам тишлади,
Зов бўлса, тикка ташлади,
Юлдуз учгандай жўшади,
Ташлаб кетмасин, деб Ёдгор
Эгардан маҳкам ушлади.

Тобарги нақши тирқиллаб,
Узанги нақши ширқиллаб,
Қамчи тегади ширпиллаб,
Қамчидан қўрққан сағана,
Молхўр кийикдай диркиллаб,
Чиборнинг абжўш наҳали
Кун тегса, кетар яркиллаб,
Кетаётирда жонивор,
Абраши кокил жалпиллаб.
Эгардан тушган қанжиға
Шамолда борар селпиллаб,
Эгар устида Ёдгор,
Кетаётирда жолпиллаб.

Икки кулоқ тикка бўлган,
Тоғларнинг андизидай,
Бўктарги гўши балқиллар,
Тўнгнаган тўксон музидай,
Терисин юпқалиги
Кўк чойнинг қоғозидай.
Чўлда шамолдай кетиши
Тулкини қувган тозидай.
Ҳар туёғи қазган жой
Корсон тобоқнинг оғзидай,
Нишабдан, қаранг, ташлаши
Лўлининг эрка қизидай
Думоққинаси чоғлиги,
Поралар еган қозидай,
Диркиллаб сабил ўйнаши
Сутга тўйган кўзидай.
Бўйнин кўтариб жўнаши
Пишқириб чопган илондай,
Аланг-алангдан ошиши,
Мергандан қочган қулондай,
Қайтмай тикка ташлаши
Ўлжага чопган қулондай,
Туёқдан чиққан дубири
Усталар урган сопқондай.

Алқисса, Ёдгор Талош чўлида уч кун от суриб, тақдирда борини кўриб, ўзи ҳам, оти ҳам сувсаб, сув қараб Сувсизтоққа чиқиб кета берди. Тоғнинг белига чиқиб борса ҳам, бирон жойда сув кўринмайди, сувга ташланаётган қушларни ҳам назар илмади. Ёдгор: "Бу тоғнинг суви йўқ экан-да", – деб отдан тушиб, етаклаб озроқ юрди. Бир оз дам олмоқчи бўлиб ётди, чарчаган экан, кўзи уйқуга кетди, билмадим канча вақт ўтди, аммо Бойчиборнинг кишнаган товушидан уйғониб кетди. Қараса, тошлар орасидан ялтираб, бир балойибат келаётибди. Ёдгор ирғиб жойидан турди, айдаҳор ҳам Ёдгорни кўрди, яқинлашиб қолган экан, бошини беш газ кўтариб, Ёдгорни домига торта берди. Чанг-тўзон туриб, хас-хус, майда-чуйда тошлар гилдираб айдаҳор домига тортилиб кета берди. Ёдгор белидаги зулфикорни суғуриб олиб, дамга тортилаётир. Бойчибор гулмихни айланиб, кишнаётир, Ёдгор иложсиз айдаҳор домига тортилиб кетаётир:

Кун чалган-да баланд тоғнинг тошини,
Аждар олди Ёдгорнинг хушини,
Оширди-да ғам-ташвишли ишини,
Тортаётир ўз домига айдаҳор,
Беш газ қилиб кўтарганча бошини.

Бу бир сабаб ғафлат ишнинг хомига,
Добдиб-добдиб бир заранга урилди,
Сиғинди-да пирларининг жамига,
Қаранг энди заранг билан ишириб,
Айдаҳор ҳам тортаётир домига...

Бор алами келди, атганг, жийилиб,
Ушлаган зарангга борар ийилиб,
Узилди-да томирлари қийилиб,
Заранг билан бораётир домига,
Бошларига қолди осмон ўйилиб.

Ўзи билмас, бу дам ҳоли қалайди[р],
Манглайидан кимлар келиб силайди,
Азиз жонин бир худодан тилайди,
Заранг билан кетаётир дамига,
Ҳали ёш-да Ёдгор полвон жилайди.

Қаддин букиб нор туядай жиғилди,
Ҳали ёш-да, бу ҳаётда қоғилди,
Зарангни-ку тўғрилади оғзига,
Заранг бориб бу оғзига тиғилди,
Нафас чикмай айдаҳор ҳам бўғилди.

Тоғ бошини душман келиб чалди-да,
Зулфикорни Ёдгор қўлга олди-да,
Айдаҳорнинг бошларига солди-да,
Танасидан узилибди калласи,
Калла бўлак, тана яйраб қолди-да...

Ёдгорга ўтган азиз авлиёлар мадад бердими, ё фалакнинг гардиши билан бўлдими, бир зарангга бориб урилиб, зарангни маҳкам ушлаб, заранг кунига яраб, айдаҳорни ўлдирди. Бир ўлимдан колгани учун яратганга шукроналар айтиб, Бойчиборнинг олдига борди. Назаркарда бедов от Ёдгорнинг юзини ялаб қўйди.

Сувсизликдан силласи қуриган Бойчибор билан Ёдгор бир молхўр кийикнинг изидан, шу сувга борса керак, деб кета берди. Молхўрнинг бир дарага ташланганини кўрган Бойчибор ҳам изидан бора берди, сувдан дарак бўлмади. Бедов от у ёк-бу ёкни кузатиб қараса, бир камарда бир жодугар қозонни булкиллатиб қайнатиб, урчуқ ийириб ўтирибди, кўзининг ости билан Ёдгорни кузатиб, худди кўрмаётгандек турибди, бир чоҳни қазиб, устига хас-хашак ҳам ташлаб қўйибди. Бойчибор кўтлаб кўрди, ҳаккалаб ўтса бўлади. Ёдгорни хушёр қилиш учун ҳуркиб, четдан ҳаккалаб ўтиб, пишқириб тўхтаб, камарга қарай берди. Ёдгор тирик борлигини ҳам билмай қолди. Бойчиборга қараса, қулоғини тикка қилиб, камарга қараётибди, камарда эса, бир момо урчуқ ийириб турибди. Ёдгор: "Момо бир кимирлаган бўлса, от ҳуркқан-да, момо бир чўпоннинг кампири бўлса керак. Яхши бўлди, сув ичиб, қорнини ҳам тўйдирадиган бўлдик", – деб отнинг бошини момо томонга бура берди. Бойчибор қараса, жодугарнинг кўзи ловиллаб ёнаётир. Ёдгор салом бериб, бир коса сув сўраганда, момо: – Сен отингдан туша бер, муздеккина чолоб олиб чиқсман, – деб ичкари кириб кетди. Ёдгор отдан тушмоқчи эди, Бойчибор тилхушовлик қилиб туширмади. Момо чолобни узатаётганда, Бойчибор тезлик билан бурилиб, учаси билан момони уриб юбориб, Ёдгорни олиб қочди. Ёдгор қараса, момо туриб кочаяпти, чолоб тўкилган жой ёнаяпти, билди, чолобга заҳар солиб келган кампир жодугар экан. Момо қочаётир, Ёдгор куваётир:

Очилган гулдай сўлдим, деб,
Энди шарманда бўлдим, деб
Жигар-бағримни тилдим, деб,
Қочар момо, кувар Ёдгор,
Қочаётир-да ўлдим, деб.

Аттанг, армонда, қолдим, деб,
Бошимга ўлим солдим, деб,
Ўпкам куяди, толдим, деб,
Ёдгор кувар, қочар момо,
Ёдгордан совғам олдим, деб.

Ёшим юз киркка тўлди, деб,
Момонг жувормак бўлди, деб,
Ёдгор, билдим, илди, деб,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Бугун ажалим тўлди, деб.

Бу ҳам момога оз бўлган,
Қилар ишлари соз бўлган,
Ёдгор иши юз бўлган,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Рангги оқариб бўз бўлган.

Баланд тоғларда бўктар қор,
Бу дунё бўлди унга тор,
Йиғлайди, қаранг зору зор,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Ўлдим, дейди-да жодугар.

Тоғларни туман чалади,
Ёдгор калласин юлади,
Бағрини қон қиб тилади,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Тайин ўлишин билади.

Малил хаёлин бузгудай,
Танидан жонин узгудай,
Ёдгор гўрин казгудай,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Ранги оқарган сузгидай.

Қилган хатоси улгидай,
Тоза кўркибди ўлгидай,
Бугун ажали тўлгидай,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Ёдгор калласин юлгидай.

Бугун ўлиши билиниб,
Юрак-бағри тилиниб,
Армонда қолди илиниб,
Қувар Ёдгор, қочар момо,
Калласи кетар юлиниб...

Нозик хаёли бузилиб,
Юраги қон бўб эзилиб,
Қатовга тортар чўзилиб,
Ўлдим, деб қочар жодугар,

Кўзидан ёши тизилиб.

Қомати ёйдай бугилди,
Гарданга жони тиғилди,
Калласи хам бўб эгилди,
Қочиб бориб ҳам жодугар,
Саксон газ зовга тиғилди.

Ёдгор кўнгли бузилди,
Жодугар бағри эзилди,
Ёдгор садоқ сермади,
Садоғи қирқ газ чўзилди,
Танадан калла узилди.

Ёдгор кўнглини хушлади,
Садокни маҳкам ушлади,
Жодугар кўзин ёшлади,
Калла олдин, тана кейин,
Саксон газ зовга ташлади.

Ёдгор колди ўйланиб,
Мисоли шердай хуйланиб,
Тепадан қарар бўйланиб,
Аввал калла, кейин тана,
Зовдан ташлайди айланиб.

Қилич қинига сурилди,
Тақдири ҳақдан кўрилди,
Жодугар дори қурилди,
Аввал калла, кейин тана,
Пакиллаб тошга урилди...

Ёдгор Бойчиборни миниб уч-тўрт бурим ўтгансан, соя-салкин, сув окиб турган жойга дуч келди. Ўзи ҳам, оти ҳам сувдан қониб, бироз роҳатланиб йўлда давом этди. Бир маҳал бир тепанинг устида мардош қуриб ўтирган девга кўзи тушди. Дев Ёдгорни кўриб: – Мен шу йўлнинг ҳокими бўламан, қилар ишимни биламан, ўтган йўловчидан йўл тўрасини оламан, – деб бир сўз айтаяпти:

Баланд билан пастимдан,
Айтайин мен ростимдан,
Бинойи келдинг устимдан,
Гапимни эшит, йўловчи,
Ҳеч ким қутулмас дастимдан.

Дев Гаранг жонин сотмайди,
Беҳуда гапни котмайди,
Ҳеч кимнинг кучи етмайди,
Бу йўлдан эшит, йўловчи,
Қушлар ҳам учиб ўтмайди.

Ширин жонимни сотаман,
Ўзим шу йўлнинг тўраси,
Шуйтиб шу йўлда ётаман,
Ўтганни ушлаб, йўловчи,
Билгин-да, ўзим ютаман.

Дев Гаранг дейди ўзимди,
Ёлғон демагин сўзимди,
Ҳеч ким куритмас изимди,
Йўлга тутаман кўзимди,
Йўл тўра олиш лозимди[р].

Йўловчи йўлдан ўтмайсан,
Мендан қутилиб кетмайсан,
Ширин жонингни сотмайсан,
Ўлиминг бўлса, кутмайсан,
Ўзинг таътилга етмайсан.

Билмайман сенинг зотингни,
Эшитмайман-да додингни,
Юларман, билсанг, патингни,
Мени ҳам номард демагин,
Майли ютайин отингни.

Бу дунёнг булар сенга тор,
Дев Гаранг деган номим бор,
Ўтган йиғлайди зору зор,
Отингни бойлаб қўйгин-да,
Майли ўзинг ҳам кета бер.

Отингни бергин, ўзинг қоч,
Иложинг етса захринг соч,
Одам гўштига бўлдим ўч.
Майли, ютайин биринги,
Ҳафтадан буён корним оч.

Сенга ростини айтаман,
Қочсанг гар кувиб етаман,
Шуйтиб шу йўлда кутаман,
Айтганларимга кўнмасанг,
От-потинг билан ютаман.

Жигар-бағирни тилишиб,
Қора каллани юлишиб,
Бу майдонларда солишиб,
Иложинг етса, майли кўр,
Йўлбарсдай бўлиб олишиб.

Булутдай бўлиб дўнаман,
Бургутдай бўлиб қўнаман,
Айтганларингга кўнаман,
Кўрмоқчи бўлсанг олишиб,
Майли, тепадан энаман.

Қочириб бошдан хушингни,
Тиндириб сенинг ишингни,
Кўздан оқизиб ёшингни,
Оларман тандан бошингни,
Барибир ейман гўшингни.

Андиша сақлай, бўлмай ўр,
Ихтиёр бердим ўзингга,
Майли бахтингни синаб кўр,
Бўкириб бўдгин, майли шер,
Мендайин бўлсанг агар зўр.

Очлик жонидан ўтади,
Ширин жонини сотади,
Дев Гаранг, билгин, ютади,

Жонидан қўрққан одамлар,
Отини ташлаб кетади.

Ой ботгандайин ботгин-да,
Ширин жонингни сотгин-да,
Отингни бойлаб кетгин-да,
Иложинг етса, майли, кўр,
Аждаҳо бўлиб ютгин-да.

Ёдгор бу сўзларни эшитиб, разм солиб қараса, дев Гарангининг бир кўзи олдида, бири орқасида ловиллаб ёнаяпти, ҳар қандай гапга кўнаяпти, барибир еб-ютаман, деб ўзига кўнгли тўлаяпти, уйинг куйгур бунча тиниқ гапиради. Бир нарсани билаяпти. Бунга бўш келмаслигини билиб, Ёдгор Гаранг девга қараб: – Сенга худойим шунча қадди-қоматни берибди-да, заррача ақлдан бермабди. Сени ақлли, фаросатли дев десам, қип-қизил тентак экансан. Қандай аҳмоқ сени йўл тўра олувчиликка қўйган? Ўзи тирик одам сенга отини берами, кетаётган одамнинг уйқусини бузиб, сендай итлар бемаврид ҳурами? Бу сўзларни кимга айтаётганингни ўзинг биласанми? – деб бир сўз айтаяпти:

Тулпор отимни сурибман,
Мана олдингда турибман,
Худога шукур кўрибман,
Агар билсангда, дев Гаранг,
Мен сени излаб юрибман.

Ўйламадинг-да изимди,
Йўлингга тутдим кўзимди,
Танимадинг-да ўзимди,
Дев Гаранг эшит сўзимди,
Назир беришинг лозимди.

Баланд тоғларда қорингди,
Қиларман энди коринги,
Эшитмасман-да зорингди,
Назир бермайсан, сен аҳмоқ,
Танимадинг-да пирингди.

Қистирар бўлдим шўрингни,
Энди қўймайман тирингни,

Шилиб оларман терингни,
Назир бермайди сендай ит,
Танимадинг-да пирингди.

Элатнинг номус-ориман,
Қатордаги алп нориман,
Шу дунёларнинг зўриман,
Назир бермасдан қочасан,
Жами девларнинг пириман.

Омон бўлсин-да доим тан,
Фидо қилайин азиз жон.
Назир ўрнига олай қон,
Жодугар, девлар эшони,
Отимни дейди Ёдгорхон...

Эрисин тоғларнинг кори,
Қурилар ажалнинг дори,
Қўймасман сени мен тири,
Отимни дейди Ёдгорхон,
Бойсин элнинг айдаҳори.

Баланд тоғларда бўктар кор,
Йиғлар бўлдинг-да зору зор,
Биласан, сенда нарзим бор,
Ажалинг тўлди дев Гаранг,
Бойсиндан келган айдаҳор.

Қилайин ўзим ишингни,
Бошингдан олиб хушингни,
Қон қилиб жигар-тўшингни,
Назир ўрнига ейман-да,
Дев Гаранг, билгин, гўшингни.

Қилар ишимни биларман,
Юрак-бағрингни тиларман,
Танангдан калланг юларман,
Тузламай ейман гўштингни,
Ўзим Ёдгорхон бўларман.

Тоғларнинг қоя тошига,
Ёдгор келмайди хушига,
Қарагин қилган ишига,
Билиб қўйгин-да дев Гаранг,
Хуморман девнинг гўштига.

Ёдгорхон қилар ишингни,
Қокиб олади тишингни,
Ғажирга ем қиб лошингни,
Мард бўлган, тушгин тепадан,
Ўзим янчайин бошингни...

Ана шунда дев Гаранг бу сўзларни эшитиб, Ёдгорга қараб: – Ҳу ақлли одам, сен мени аҳмоқ билдингми, устимдан кулдингми? Сендай эшоним борлигини билмас эканман, баҳона сабаб кўрдим. Дев айтмайди, айтганидан қайтмайди. Мен билан уришадиган бўлсанг, тепадан энар бўлдим, – деб айиқдай лапанглаб ташлай берди. Етиб келиб: – Дев Гаранг дейди олдингда турган девнинг отини, пир бўлсанг-да, кўрмайсан қайта ернинг бетини, яна худо билади бугунги жанг оқибатини. Навбатма-навбат курашасанми, ё тиккама-тикка суришасанми, ёки отдан тушиб олишасанми, ихтиёр сенда, – деди. Ёдгор бу сўзларни эшитиб, Бойчиборга қараса, ўн бир газ, ўзи ўн икки ярим газ, қўшганда ҳам дев Гарангнинг белигача келмайди. Дев Гарангга Ёдгор: – Кураш усулини ўзинг танла, менга бари бир. Бир томони майдон ҳам сеники, – деганда, дев: – Ундай бўлса сен ҳам армонда қолма, ўлгандан кейин мендан хафа бўлма, биринчи навбатни сенга бераман, иложинг етганча кўргин, – деди. Ёдгор: – Эй, дев менинг ғамимни ема, мени номард дема, лодоннинг ишини қилма. Ота-энам биринчи бўлиб бировга тиғ кўтарма деган. Ўлмай қолсам, кейин кўраман, – деди.

– Энди ўзингдан кўр, қорним ҳам ўлардай оч эди. Аввал ўлдириб, от-потинг билан ютайин, – деб дев Гаранг юз ўн беш ботмон гурзисини олиб, Ёдгорга ҳамла қилиб, шу сўзларни айтиб турибди:

Қаранг дев Гаранг сўзига,
Қарамас Ёдгор юзига,
Чивинча кўрмас кўзига,
Қўлига гурзи олади,
Навбат теккан-да ўзига.

Сарғайтиб гулдай тарзини,

Берайин, майли, қарзини,
Берай, деб Ёдгор нарзини,
Дев Гаранг кўлга олади,
Юз ўн беш ботмон гурзини.

Очилмай туриб сўлдинг, деб,
Ёдгор, расво бўлдинг, деб,
Билгин, армонда қолдинг, деб,
Қўлига олар гурзини,
Ёдгор, энди ўлдинг, деб.

Туролмайсан-да дармонда,
Элда бўлдинг-да шарманда,
Қолдинг Ёдгор армонда,
Ўлсанг мендан хафа бўлма,
Худодан берган фармон-да...

Ёдгор гапи ботади,
Тоза жонидан ўтади,
Шариллаб гурзи етади,
Бойчибор таппа ётади,
Гурзи бошидан ўтади.

Жонни жабборга берибди,
Тақдир ҳақлардан кўрибди,
Девнинг юраги урибди,
Бир маҳал қараса дев Гаранг,
Ёдгор тирик турибди.

Лаби тоза ҳам қотибди,
Панд бериб оти ётибди,
Гурзи бошидан ўтибди,
Бориб тегибди тепага,
Тепани юлиб кетибди.

Ёдгор қараса, гурзи боя дев Гаранг ўтирган тепага урилиб, бориб дарани қоплаб қолибди, атрофни чанг-тўзон қоплаб олибди. Ёдгор девнинг ишига ҳайрон бўлиб, Бойчиборга: – Ўзинг яна бир илож қилмасанг, бўлмас, навбат ҳам келди, – деди. Сўнг: – Ҳў, дев Гаранг энди навбат сендан ўтди, менга етди, қўлинг қийшиқ экан, гурзинг бошимдан четга кетди. Ажалинг етса хафа бўлма, – деб Ёдгор сўз айтди:

Алп ўтгандир авлоди,
Баҳайбатдир савлати,
Қайтмасин-да давлати,
Иложинг етса кўргин, дер,
Ўтди дев Гаранг навбати...

Мардлар мададдир элига,
Қаранг Алпомиш улига,
Жиловни ташлаб ёлига,
Иложинг топ, Бойчибор, деб
Садоғин олди қўлига.

Билмайди қандай окибат,
Дев Гаранг қилди сиёсат,
Авлиёларни қилди ёд,
Мўлжаллаб ўзин отади,
Бойчибордайин тулпор от.

Қаранг, Бойчибор сузилди,
Қўлтиқдан қанот ёзилди,
Оёғи ердан узилди,
Дев билан бўлди баробар,
Дев Гаранг кўнгли бузилди.

Дев Гаранг гўри қазилди,
Қон бўлиб юрак эзилди,
Ёдгор сермди садоғин,
Садоғи кирқ газ чўзилди,
Гарангнинг боши узилди...

Алқисса, Ёдгор зўрлигини билдирди, дев Гарангни ўлдирди. Қараб девнинг лошига, гилдираб кетган бошига, қойил қолиб Бойчиборнинг ишига, яна йўлга тушиб кетаётир.

Тоғларнинг боши қоради,
Яратган бошга паноди,
Ёдгор қамчи беради,
Кетаётир-да жонивор,
Чўлларда кетиб боради...

Қамчи симдайин ботади,
Ширин жонини сотади,
Қанча кирлардан ўтади,
Кетаётир-да жонивор,
Жийрилиб жуфтак отади.

Чибор юлдузни кўзлайди,
Ўтиб кетган шамолига,
Жонзодлар борки музлайди,
Кетаётирда жонивор,
Аймоқ шаҳрини излайди.

Қобоқ-бошлари уйилиб,
Нишабдан тошлар қуйилиб,
Бурбойга кучи жийилиб,
Кетаётир-да жонивор,
Рубой қаноти ёйилиб.

Чопишга чопиш қўшилиб,
Ўзини отар эшилиб,
Тушган жой кетар тешилиб,
Кетаётирда жонивор,
Хилидан чиққан чошилиб...

Ҳолсираб лаби қотади,
Азиз жонини сотади,
Тушган туманни ютади,
Ютган туманни Бойчибор,
Муз қилиб пуркаб отади...

Тонглардан тонглар отади,
Оппоқ кўпикка ботади,
Йўлнинг танобин тортади,
Қуюндай бўлиб Бойчибор,
Йўлбарсхона тоққа етади.

Мана, Бойчибор кеча-кундуз йўл юриб, Йўлбарсхона тоғига тортиб бир берса, дарадаги карвонлар изини кўриб, калла чайқаб ўйноқлаб кета берди. Ёдгор олдинда кетаётган карвонларни кўриб етишиб борди. Салом бериб, сўрашиб, Ёдгорнинг карвонбошига айтаётган сўзи.

Олис-ёвуқда юрганлар,
Тақдирин ҳақдан кўрганлар,
Норни қатор киб сурганлар,
Қайси элатдан бўласиз,
Жонин жабборга берганлар?

Элат борини кўрганлар,
Қаддини шуйтиб урганлар,
Иссиқ-совуқда юрганлар,
Қайси эллардан бўласиз,
Худойим сизга берганлар?..

Боғда очилган гул бўлсин,
Давлатинг доим мўл бўлсин,
Устун бўлгани тил бўлсин,
Сўрадим-да, карвонбоши,
Энди сизларга йўл бўлсин?

Баланд тоғлар боши қойиб,
Қуш учар қанотин ёйиб,
Сўрадим бир феълим суйиб,
Қайси юртлардан бўласиз
Сўраганим бўлмас айб?..

Карвонбоши Ёдгорга қараб, шундай деб турибди:

Очилган, очилган, боғда гулимди[р],
Худо қўшди бирга қилиб йўлимди,
Эшитгинда айтар бўлган тилимди,
Сен сўрадинг, мен айтайин, йўловчи,
Оқтошлик, дейди-да менинг элимди.

Ёруғ қилсин яратганим юзимни,
Баракатли қилсин босган изимни,
Эшитгинда айтар бўлган сўзимни,
Сен сўрадинг, мен айтайин, йўловчи,
Қаландар дейишар менинг ўзимни.

Билар бўлсанг, хабар билан хатимни,
Баён қилиб, айтайин-да зотимни,

Душман зоти юлолмайди патимни,
Сўрадинг-да, айтайин-да, йўловчи,
Оқтош дейди менинг мамлакатимни.

Қўлдан берма доим лола-гулингни,
Душман зоти бойлолмасин қўлингни,
Йўлбарсга менгзадим ўнгу сўлингни,
Мен ҳам сендан сўрайин-да, йўловчи,
Баён айла, ўйнаб-ўсган элингни.

Тулпорга менгзадим минган отингни,
Юзланмайди душман кўрса бетингни,
Кушандасан, босолмайди сиртингни,
Мен ҳам сендан сўрайин-да, йўловчи,
Баён айла ўсган элу юртингни.

Булутни эслатар, кўрдим, келбатинг,
Омон бўлсин бошда тожу давлатинг,
Шердай бўлиб кўринади савлатинг,
Мен ҳам сендан сўрайин-да, йўловчи,
Баён айла сен ҳам менга авлодинг...

Учиб чиқдинг қандай манзилхонадан.
Азиз жонни олмасин-да танадан,
Бино бўбсан икки гавҳар донадан,
Қоплондайин талпинасан, йўловчи,
Туғилдинг-да қандай ота-онадан?

Сўзлаганда дона-дона сўзлайсан,
Даминг баланд, юксакларни кўзлайсан,
Душманг кўрсанг, жигар-бағрин тузлайсан,
Сир бўлмаса, сўрайин-да йўловчи,
Қайси жойни, қайси элни излайсан.

Ёдгор Қаландардан бу сўзларни эшитиб, хайрон бўлиб: "Бу мени бирорга ўхшатгандай, сўраган нарсамни айтди, мен ҳам ростини айтайин",– деб ўйлаб, шундай сўйлаб турибди:

Айтар бўлдим, эй, савдогар, дилимни,
Душман зоти ололмайди сўлимни,

Мен садоққа урар бўлсам қўлимни.
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Бойсин-Қўнғирот дейди ўсган элимни.

Душман кўрсам, очаман-да бахримни,
Қутилмайди, келтирса-ку каҳримни,
Айдаҳордай сочаман-да захримни,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Бойсин дейди ўйнаб-ўсган шаҳримни.

Девга чатиш кўринади келбатим,
Бойсин элат менинг дожу давлатим,
Душман босмас, кўрса менинг савлатим,
Сен сўрадинг, айтайин-да, Қаландар,
Алп бўлиб ўтган менинг авлодим.

Эрисин, эрисин тоғларнинг қори,
Душман зоти ундан қутилмас тири,
Қазилади ман-ман деганнинг гўри,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Бобомни дейди-да султон Бойбўри.

Мен билмадим, қилар бўлган хатомни,
Элатимда кўрмадим-да ситамни,
Белимга бойладим заррин пўтамни,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Алпомиш дейди-да, менинг отамди.

Мен излайман энди битта санамни,
Қилар бўлсам, кечиради гуномни,
Обод қилар доим кирар хонамни,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Ойбарчин, дер мени туққан энамни.

Очилган, очилган боғнинг гулиман,
Сўзлар бўлсам, ширин-шакар тилиман,
Элатимнинг бир хизматкор қулиман,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Бойсин элда Алпомишнинг улиман.

Ғайратларим Рустами Достонча бор,
Душманларим йиғлайди-да зору зор,
Бойсин элдан чиққан ўзим айдаҳор,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Алпомиш ўғлиман, отим Ёдгор.

Хоназоддир, билсанг, асли бу тулпор,
Душман кўрса, йиғлайди-да зору зор,
Элатига хизмат қилар жонивор,
Қаландархон, сўрадинг-да, айтайин,
Остимдаги, билсанг, тулпор Бойчибор.

Қаландархон, билсанг, мен ҳам сўзлайман,
Элдан чиққан бир санамни излайман,
Душман кўрсам, бағрин қон қиб тузлайман,
Сен сўрадинг, мен айтайин, савдогар,
Шунқор бўлиб Аймоқ элни кўзлайман.

Қаландархон Ёдгорга: – Ростини айтдинг. Мен келбатингни, туришу савлатингни отангга ўхшатиб, ота-энангни сўраган эдим. Гумоним тўғри чиқди. Бир неча бор Бойсинга борганман. Алпомишни кўрганман. Бойбўри билан ҳам суҳбат қурганман. Мени синчилар қаторига қўйсанг бўлади, Қаландар хам кўп нарсани билади. Аймоққа бораман, дединг. Аймоқ билан Қалмоқнинг иккиси хам бир гўр. Уларда лак-лак лашкарлардан ташқари алп полвонлари ҳам кўп, эҳтиёт бўлиш керак, – деди. Ёдгор: – Бошга солганни кўз кўрар. Бу ёғи бир гап бўлар. Аймоққа борганмисиз, у жойларни кўрганмисиз? – деб сўради. Қаландар: – Мана шу тоғни Йўлбарсхона дейди, шундан ўтгандан сўнг чўлу биёбонлар бор. Норлар оёғи билан бир ойлар юрасан. Ундан сўнг яна бир Кенгтола деган тоғ бор. Ўшанга етсанг, Аймоқ юртига яқинлашасан. Йўлбарсхона ўғри, қароқчи, дев, жодугар, йўлбарслар ва бошқа турли хил махлуқлар макониди. Якинда Берди пучча деган қароқчи пайдо бўлган эмиш. Шу ердан ўтган йўловчими, савдогарми учраса, ўлдириб, бор мол-мулкини тортиб олаётган эмиш. Эсон-омон шунга кўринмай, ўтиб олсак армон йўк. Илоҳим, шу пуччани рўбарў қилмасин, – деди.

– Эй, ака, бир қароқчидан қўркиб-писиб юрасизми? Берди пучча қўлидан келганини қилмайми, бизга деса, ўлмайми? Сизу бизга тегинмаса, ишимиз нима? Тегинса, у ҳам улапасини олар, – деб, Ёдгор савдогар билан гурунг қилиб кетаберди.

Бир вақт Қаландар: – Ҳў, Ёдгор, отинг бир нарсани кўрдими, сездими ҳириб караётир, – деди. – Бунинг ўзи одати шунақа. Эгасини ҳушёр

бўлишга ундайди. Боя йўлбарслар кўп дедингиз, йулбарсми, шерми кўзига кўрингандир, – деди Ёдгор. Лекин даранинг тор жойига якинлашган Бойчибор арчазорга хуркиб карай берди. Ёдгор: – Ҳў, ака, бир бало борга ўхшайди, – деб тўхтаб карашса, у арчанинг, бу арчанинг тагидан отликлар чиқиб, иккита бир, тўртта бир тўплана берди.

– Эй, Ёдгоржон, – деди Қаландар буларни кўриб, – уйимиз куядиган бўлди, сарбоннинг бари ўлади, норлар қўлдан кетади. Ажал етди, санама кун битди.

– Нега бундай дейсиз? – деб сўради Ёдгор.

– Берди пучча келишимизни дурбин билан карабди, олдимизни ўрабди... Энди бундан кочиб кутулиб бўлмайди, – деди Қаландар.

– Чигиртқадан қўрққан экин эколмас деганидай, бир пуччадан қўркиб, йўлдан ҳам ўтмаймизми? Аввало, худо инсофини берар, бермаса, бир бало бўлар, у ёғини худо билар. Қўрқмасдан норларни орқамдан ҳайдай беринг. Мен эллик газ олдин юраман, кани бу пуччани кўраман, тегинса жазосини бераман, – деб Ёдгор илгарилаб ҳайдай берди.

Қарокчилар олдинда келаётган отликни кўриб, бу карвонбоши бўлса керак деб ўйлаб, биргалашиб, йўлнинг устига чиқиб турди. Ёдгор парво қилмай, якинлашиб бора берди. Шунда Берди пучча отликлардан олдин чиқиб, Ёдгорга караб, шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Эшитгин-да, айтар бўлган сўзимни,
Инсон зоти босолмайди изимни,
Кўрмок бўлдинг, калтафаҳм юзимни,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Берди пучча, дейди менинг ўзимни.

Эшитгин-да, айтар бўлган тилимни,
Кўрар бўлдинг сен ҳам бугун зулумни,
Айдаҳор-ку, дейди менинг хилимни,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Бошларингга солар бўлди ўлимни.

Жудо бўлиб номусингдан, орингдан,
Бу ортилган молу дунё зорингдан,
Бисотингда нима бўлса, боringдан,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Айриласан қанча бўлса норингдан.

Эшитмайман килган энди зорингни,
Қўймайман-да, тани энди тирингни,

Қистирар-ку бўлдим энди шўрингни,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Ўлдирар-ку бўлди энди барингни.

Тақдир билан насибанг-ку қийилиб,
Бошларингга қолди осмон ўйилиб,
Билагимга келди кучим жийилиб,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Кетар бўлдинг бугун ҳамманг сўйилиб.

Қобоқ-бошим мен ҳам энди уйганман,
Нечовларнинг насибасин қийганман,
Мол-дунёдан ғарқ бўлиб-ку тўйганман,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Нечовларни бақиртириб суйганман.

Шу сўзларни эшитгин-да тилимдан,
Не гаплар-ку кечар менинг дилимдан,
Куninг тўлиб, чиқдинг энди йўлимдан,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Нечовлар-ку ўлиб кетган қўлимдан.

Йўлбарсдайин қобоғимни уяман,
Тақдиринг шу, насибангни қияман,
Молдай қилиб аввал баринг сўяман,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Кўзларингни парта-парта ўяман.

Пучча дейди, одамзоднинг зўриман,
Билсанг, ўзим қарокчилар шериман,
Ҳафта бўлди ҳеч ким ўтмас, куриман,
Ажал ҳайдаб келди сени, савдогар,
Йўлдан ўтган йўловчилар шўриман.

Алкисса, Ёдгор бу сўзларни эшитиб, Берди пуччага қараб, бир сўз айтиб турибди.

Тоғ бошини туман келиб чалмайди,
Гапларингга ҳеч ким қулоқ солмайди,
Айтганларинг биронтаси бўлмайди,

Сал тилингни тортиб сўзла, карокчи,
Савдогардан биронтаси ўлмайди.

Гердаясан, бунча лофни урасан,
Дайди итдайин бемавруд хурасан,
Қарокчилик қилиб йўлда турасан,
Сен тилингни тортиб сўзла, карокчи,
Айтган гапинг жавобини берасан.

Эл оралаб тулпор отим сурибман,
Шукур қилай, жасадингни кўрибман,
Бу олдингга келиб энди турибман,
Сен тилингни тортиб сўйла, эй пучча,
Бир ой бўлди, сени қараб юрибман.

Ахмок бўлиб, ахмоклигинг билдирдинг,
Бегунох қанчани гулдай сўлдирдинг,
Юрак-бағрин қора конга тўлдирдинг,
Тўлар бўлдинг сен шуларнинг хунини,
Бойлик дединг, шунча одам ўлдирдинг.

Худо сенинг акли-хушинг олди-да,
Тентак қилиб шу кўйларга солди-да,
Бола-чақанг энди сағир колди-да,
Берди пучча номинг учар дунёдан,
Бугун эса, ажалгинанг тўлди-да.

Нечовларинг конга булаб танини,
Бегуноҳнинг ерга тўкиб қонини,
Гул танадан олдинг азиз жонини,
Бугун энди ажалгинанг тўлди-да,
Тешиб чиқар, есанг биров нонини.

Очилганда қизғалдоқдай сўлдинг-да,
Шу вақтгача қилар ишни қилдинг-да,
Нечовларнинг калласини юлдинг-да,
Берди пучча номинг ўчар дунёдан,
Азроилинг келди, энди ўлдинг-да.

Айтайин-да сенга гапнинг чинини,
Булғадинг-да, Пучча, ислом динини,

Қўзғатдинг-да мендай йўлбарс жинини,
Берди пучча номинг ўчар дунёдан,
Тўлар бўлдинг ўлганларнинг хунини.

Аҳволларинг, билдим, бўлди бугун тор,
Йиғлар бўлдинг, Берди пучча зору зор,
Бу олдингда турибди-ку айдаҳор,
Берди пучча номинг ўчар дунёдан,
Калланг кетар, буни килар Ёдгор.

Ёлғон билма айтадиган сўзимни,
Сендай Пучча кирқолмайди изимни,
Сенинг билан қурар бўлдим базмни,
Берди пучча номинг ўчар дунёдан,
Ўлдираман, Ёдгор дейди ўзимни.

Мен қиламан, Пучча, бугун коринғни,
Ўлдираман, қўймасимдан барингни,
Ким эшитар энди қилган зорингни,
Энди сени номинг ўчар дунёдан,
Бир арчага кура бергин дорингни.

Ўлар бўлдинг, ажал куйин чаласан,
Азроилинг келди, буни биласан,
Иложинг етмайди, нима қиласан,
Берди пучча номинг ўчар дунёдан,
Ит эдинг-да, итлигингча ўласан...

Бу сўзларни эшитгансан Берди пуччанинг аччиғи келиб, Ёдгорга:

– Ҳой, тирмизак бачча, лофни урасан бунча, кўрайин ҳолинг қанча, зақилладинг анча, – деб, қиличини суғуриб олиб, йигитларга қараб: – Ташла, тирранчанинг устига, – деб Ёдгорга, Ёдгорнинг қарокчиларга ташланаётган жойи:

Баланд тоғларнинг бастига,
Азроил жоннинг қасдига,
Ёлғон эмасда, ростига,
Ташланди гала қарокчи,
Ёдигор шунқор устига,
Ташланди майдон устига.

Тоғларнинг тоши чағирди,
Пучча қиличин суғирди,
– Ўлдинг, – деди-да, дўқ урди,
Ташланди гала қарокчи,
Тулпор отлар ҳам югурди,
Ташланди майдон устига.

Адир жойлари жонади,
Ҳолини билган доноди,
Яратган бошга паноди,
Ташланди гала қарокчи,
Кўзи ловуллаб ёнади,
Ташланди майдон устига.

Аҳволлар бўлар бугун тор,
Ўзи шундайин айдаҳор,
Остида ўйнар Бойчибор,
Садокни киндан суғирди,
Асли шунқор-да Ёдигор,
Ташланди майдон устига.

Кела бер, дейди чақириб,
Қонхўр айиқдай ақириб,
Қутирган шердай бўкириб,
Садок қўлида Ёдигор,
Ўлдинг, дейди-да бақириб,
Ташланди майдон устига.

Бугун кетади акл-ҳуш,
Кўздан оқади селоб ёш,
Бўлар майдонда қийин иш,
Пучча билан ҳам Ёдигор,
Бўлиб қолди-да дучма-дуч,
Ташланди майдон устига...

Қолмасин ишнинг чаласи,
Кўпдир Бойчибор ҳиласи,
Кўздан оқди-да жаласи,
Ёдгор садок сермади,
Узилди Пучча калласи,
Ташланди майдон устига.

Саврнинг ёққан жаласи,
Ёдгор Алпомиш боласи,
Олдин тушди-да калласи,
От устидан анча кейин,
Ташлаб кетди-да танаси,
Ташланди майдон устига.

Осмонда учар қалдирғоч,
Учганда каноти қийғоч,
Қарокчиларга бўлган дуч,
Калла кесади Ёдигор,
Қўлида садоқ ялонғоч,
Ташланди майдон устига...

Очилган гулдай сўлдик, деб,
Бекорга аҳмоқ бўлдик, деб,
Оллодан жазо олдик, деб,
Қарокчилар коча бошлар,
Аттанг беажал ўлдик, деб
Ташланди майдон устига.

Ширин жонини сотади,
Қочганни қувиб етади,
Садоқни сермаб ўтади,
Калла кетгансан танаси,
Отдан гилдираб кетади,
Ташланди майдон устига.

Қурди-да ажал дорини,
Қистирди душман шўрини,
Қўймади битта тирини,
Садоғин сермаб Ёдигор,
Кириб тайлайди барини,
Ташланди майдон устига.

Алвондан-алвон дўнади,
Яратган бошга паноди,
Бошга солган сўнг кўнади,
Эгасиз колган тулпорлар
Дарани ўрлаб жўнади.

Сарғайган нурли юзидан,
Бойчибор ҳам жўнай берди
Қочган тулпорлар изидан,
Бориб тулпорлар қамалди,
Ихтиёр кетган ўзидан...

Алқисса, Ёдгор Қаландар билан эгасиз қолган тулпорлар изидан бориб, бир қамовга киритиб, ҳаммасини ушлади, бир-бирига боғлаб, шатаклаб ташлади. Норлардаги юкларни тушириб, шу кеча шу ерда ётишга келишди.Қаландар ва савдогарлар ҳам жони, ҳам бойлиги омон қолгани учун Ёдгорга миннатдорчилик билдиришганда, Ёдгор: – Қаландар ака, бир ишни қилар бўлсанг, ўйлаб қилгин, охири бўлар хатар-а, киши молини ема, пулсуротда тутар-а, деган. Бу қароқчиларнинг шу кўйга тушиши киши молини еганидан, – деди.

Ҳаммаси шу кеча ётди, хотиржам уйқуга кетди, эрталаб тонг отди, юкларни норларга ортди. Чошкада тоғнинг устига чиқди. Шунда Қаландархон:

– Ёдгор укам, энди хайрлашамиз. Биз Оқтошга, сен Аймоққа йўл оламиз. Иккаламиз бир-биримизни билдик, қиёматли ака-ука бўлдик. Сен насиб бўлса, Аймоқдан ёрингни олиб эсон-омон қайтиб келасан. Худо ажалга сабр берса, Бойсин элига бораман, сен билан суҳбат қураман. Энди қароқчиларнинг тулпорларини нима қиласан? Бу сенинг ўлжанг-да, – деди.

– Эй ака, мен уларни Ойдинойнинг қалинига олиб борармидим? Тулпорларнинг эгаси сиз. Нима қилсангиз, ихтиёр ўзингизда, – деди Ёдгор.

Шу ерда Ёдгор билан Қаландар қучоқлашиб хайрлашиб, икки томонга жўнаб кетди, Ёдгор тоғдан пастлаб эна берди, Бойчиборнинг кўзи ёна берди. Ҳў, очилган боғдаги гулга, Бойчибор тушиб йўлга, қараб ўнгу сўлга, тоғдан эниб, равона бўлиб чўлга. Шунда Бойчиборнинг дингиллаб чўлга кетаётган жойи экан:

Алвон-алвондан дўнади,
Яратган бошга паноди,
Кўрганнинг меҳри қонади,
Чўлга энгансан жонивор,
Тўликсиб сабил жўнади.

Нозик кўнглини хушлайди,
Жиловни ёлга ташлайди,
Эски одатин бошлайди,

Кетаётир-да жонивор,
Аймоқ элатни нишлайди.

Думоғи сабил чоғ бўлган,
Кўнгил ўсган-да, тоғ бўлган,
Яйраб кўнгли боғ бўлган,
Кетаётир-да жонивор,
Насиялари нақ бўлган.

Табарги нақши тирқиллаб,
Узанги нақши ширқиллаб,
Ҳуркак танадай пирқиллаб,
Кетаётир-да жонивор,
Молхўр кийикдай диркиллаб.

Ширин жонини сотади,
Жийрилиб жуфтак отади,
Қорсоқдай бўлиб котади,
Кетаётир-да жонивор,
Оппоқ кўпикка ботади.

Маълил хаёли бузилар,
Туёқдан чиққан кора чанг,
Осмонга қараб сўзилар,
Кетаётир-да жонивор,
Ипакдай бўлиб чўзилар.

Топгандай йўлнинг учини,
Қилмайди ишнинг пучини,
Душмандан олар ўчини,
Кетаётир-да Бойчибор,
Бурбайга йиққан кучини.

Сувликларини чайнайди,
Ширин жонин қийнайди,
Кўнгли баҳордай яйрайди,
Кетаётир-да Бойчибор,
Калласин чайқаб ўйнайди.

Юраги қайнаб тошади,

Чопишга чопиш кўшади,
Бойчибор рўбай жўшади,
Кетаётир-да жонивор,
Неча беллардан ошади.

Юрак-бағримни сўтай, деб,
Азоб борини ютай, деб,
Дилгиргиб чўлда кетай, деб,
Кетаётир-да жонивор,
Аймоқ элатга етай, деб.

Ситам қилган гапнинг кори,
Излагани Бойчиборнинг
Ойдинойдай эрка пари,
Жийрилиб жуфтак отади,
Алпомиш шохнинг тулпори.

Жигар-бағрини тузлайди,
Аймоқ элатни кўзлайди
Душманни кўрса, тузлайди,
Кетаётир-да жонивор,
Кетган элатни излайди.

Ўзига теккан ихтиёр,
Устида борар айдахор,
Шердайин бўлиб Ёдигор,
Йўлнинг танобин тортади,
Юлдуз учган Бойчибор.

Қаранг-да снёсатига,
Мамиз беради отига,
Ҳаккалаб ернинг бетига,
Кетаётир-да жонивор,
Чўлларнинг қатма-қатига.

Тўрт оёғинг мисли терак,
Оғир кунда бўлдинг керак,
Ёр ишкида куяр юрак,
Ғайрат қилгин-да, жонивор,
Аймоққа еткар эртарок.

Йўлдош бўлманг асло карга,
Сиғинингда эшон-пирга,
Чопа бергин номус-орга,
Тезроқ еткар-да, жонивор,
Аймоқдаги эрка ёрга.

Осмонда учади қарға,
Кўнамиз тақдирда борга,
Чопамизда номус-орга,
Аймоқ элида Бойчибор,
Дуч келамиз қанча зўрга.

Жанг майдонда алвонларга,
Айёр, мастон жавлонларга,
Сап кўтарма мавлонларга,
Тўқнашамиз-да, жонивор,
Ўзин боққан полвонларга.

Тулпор отин сурганларга,
Ўзин худо урганларга,
Кўкрак кериб юрганларга,
Тўқнашамиз-да, Бойчибор,
Сап шакаман мерганларга.

Иш биларман ишмонларга,
Эхтиёт бўлсак жонивор,
Ҳожат колмас пушмонларга,
Тўқнашамиз-да, Бойчибор,
Лак-лак бўлган душманларга.

Чўлнинг ҳавоси сўринди,
Тозалаб кетар буринди,
Узоқдан қора кўринди,
Тиклаб жўнади Бойчибор,
Қорага караб уринди.

Тоғларни туман чалмайди,
Душман кўрса-ку ямлайди,
Қора ўрнидан жилмайди,
Қорани нишлаб жўнайди,

Нима эканин билмайди.

Боғларда битади анор,
Еганнинг меҳри қонар,
Бойчиборнинг кўзи ёнар,
Яқинлаб бориб караса,
Бир каттакон ўсган чинор.

Бойчибор чинорга яқинлашиб тўхтади, Ёдгор разм солиб қараса, чинор сувсиз чўлда савлат тўкиб турибди. "Сувсиз чўлда чинор қандай ўсди экан", – деб ҳайрон бўлиб турса, қушларнинг сайраган товуши эшитилди. "Бу оддий чинорга ўхшамайди. Тагида сув бормикан, ё хилидан айрилган қушлар чинорга қўниб, салқинлаб турганмикан?" – деб яқинроқ бориб караса, остида катта шосупа қурилган, атрофида турли гиёҳлар ўсиб, хушбўй ҳидлари анқиб, роҳат бериб турибди. Чинор ёнидан оқаётган сув нарироқ бориб, қумга сингиб кетаётир. Ёдгор: "Бу бирор хоннинг жойи ёки бирон савоб талаб кишининг ишимикан? Нима бўлса ҳам тушиб дам олайин", – деб шосупага чиқиб ўтирди, бир муддат ўтиб кўзи илинди.

Йўлбарсхона тоғида девсифат одамхўр ваҳшийларнинг макони бор эди,буларни йўлбарс занги дер эди. Қадди қомати девдай бўлиб, лекин девлардай учолмас эди, отда ёки пиёда юрар эди. Дашту чўлларда ов овлаб юрганда, куннинг иссиғида салқинланиб ўтиш, бир-икки кун шу жойда ётиб қолиш учун бу маконни тайёрлаган, бундан Ёдгор бехабар эди. Шу куни олтита йўлбарс занги тоғда ов қилиб юриб, одам ҳидини олди, от изини кўриб қолди. "Ҳозир ўтганга ўхшайди, гўшт егим келиб, суякларим шовшайди, арча кабобни эслаб бўғинларим бўшайди, изидан қувамиз", – деб, Ёдгорнинг изидан от солди, чинорга яқинлаб қолди. Бойчиборнинг кишнашидан уйғонган Ёдгор келаётган отлиқларни кўрди, апил-тапил кийиниб, Бойчиборга минди. Ёдгорни кўрган зангилар шу сўзларни айтиб етиб келди.

Эй, одамзод, кўролмайсан элингни,
Очлик олди тоза менинг сўлимни,
Дев зотидан дейишади хилимни,
Худо сени бизлар учун юборди,
Бошгинагга солар бўлди ўлимни.

Йўлбарс занги дейди менинг ўзимни,
Менман деган босолмайди изимни,
Эшитгин-да, айтадиган сўзимни,

Худо сени бизларга-ку етказди,
Биргалашиб еяр бўлдик ўзингни.

Уч кун бўлди биз кувдик-да изингни,
Шукрона қилай, кўрдим юзингни,
Инобатга олмайман-да сўзингни,
Худо сени бизларга-ку етказди,
Еяр бўлдик биргалашиб ўзингни.

Гул очилар кирларда чаман-чаман,
Одамхўрман, гўшт деса, нафсим ёмон,
Бу ерлардан энди кетмоғинг гумон,
Худо сени бизлар учун етказди,
Арча кабоб бўлар гўштинг бегумон.

Умиримда қилмаганман мен савоб,
Олдин ўлдирамиз, сўнг қилиб тавоф,
Ҳаргиз бермагаймиз кетишга жавоб,
Худо сени бизлар учун етказди,
Отингни ҳам қўшиб қилармиз кабоб.

Суякларинг шимиймизда кок этиб,
Ўлар кунинг бугун келгандир етиб,
Ота-энанг изда колар қон ютиб,
Худо сени бизлар учун юборди,
Гўштинг еймиз думокларни чоғ этиб.

Бошдан олиб сенинг энди хушингни,
Бул оғзингдан қокамизда тишингни,
Талашиб-ку еймиз сенинг гўшингни,
Худо сени бизларга-ку етказди,
Камирамиз тавоф қилиб бошингни.

Бу ерларда йўқдир сенинг авлодинг,
Семизгина кўринади савлатинг,
Қўлга тегар бўлди-да ажал хатинг,
Худо сени бизларга-ку етказди,
Ўлар бўлдинг, кетар бўлди давлатинг.

Ёдгор бу сўзларни эшитиб: "Одамлар одам ейдиган махлуқ бор дейишарди. Айтгани шу экан-да. Менга қайси гўрдан дуч келиб қолди.

Ётиб қолгунча, отиб қол, деган гап бор. Бир дўғи сиёсат қилиб кўрайин", – деб ўйлаб, йўлбарс зангиларга шундай деб турган экан.

Букадай қиб тулпор отим сурибман,
Шукур қилиб, сени кўриб турибман,
Эй зангилар, бугун додинг беribман,
Чини билан бўлсанг йўлбарс занги,
Бир ой бўлди сени қараб юрибман.

Ақлидан айрилган гала бангилар,
Бефаросат, тоғда юрган шанғилар,
Шерман тенг бўларми эшак, ҳангилар,
Армон билан ўлар бўлдинг қўлимда,
Ажалларинг тўлди йўлбарс зангилар.

Эчки зоти осилади бодомга,
Охиратинг боғлиқ босган қадамга,
Айдаҳорман, ўзим тортаман дамга,
Армон билан ўлар бўлдинг, зангилар,
Тинчлик бермай келдинг юрган одамга...

Мен билarman қиладирган ишимни,
Тушингда ҳам еёлмайсан гўшимни,
Ўйламайман на қари, на ёшингни,
Ажал ҳайдаб келди барчанг олдимга,
Йиғиб олгин ақли билан ҳушингни.

Ҳар ким улуғ билар осмон ойини,
Билмай юрган эдим турар жойини,
Куйдираман йўлбарс занги уйини,
Армон билан ўлар бўлдинг, зангилар,
Ҳеч ким эшитмайди оҳу войингни.

Шунда йўлбарс зангилар: – Эй ёш йигит, буни майдон дейди. Ё сен ўласан, ё биз ўламиз, – деб ташланаётган жойи экан:

Тоғларнинг боши чағирди,
Ўлдинг, деди-да, дўк урди,
Жанг майдонга чақирди,
Ташланаётир зангилар,
Хуржундан гурзи суғурди.

Очилган гулдай сўлдинг, деб,
Ўзингга ўзинг килдинг, деб,
Ўларингни-да билдинг, деб,
Ташланаётир зангилар,
Ёш ўғлон, энди ўлдинг, деб.

Осмонда учади лочин,
Ёдгордайин шунқордан,
Энди олмоқ бўлиб ўчин,
Ташланаётир зангилар,
Кўрсатмоқчи бўлиб кучин.

Жанг майдонда кимлар ярар,
Ўлдинг, деб гурзини урар,
Бойчибор, қаранг, чап берар,
Ўлгандир дер зангилар,
Ёдигор каккайиб турар.

Очилган боғнинг гулига,
Минган Бойчибор белига,
Садоғин ушлаб кўлига,
Ўлдинг, дейди-да зангилар,
Қаранг Алпомиш улига.

Тулпор отимни сурайин, деб,
Яратгандан кўрайин, деб,
Жазосини берайин деб,
Ташланаётир-да Ёдгор,
Икки бўлиб урайин, деб.

Айтган гапимда турай, деб,
Зангиман солишиб кўрай, деб,
Битта кўймасдан кирай, деб,
Ташланаётир Ёдигор,
Рустам жангини курай, деб.

Қонхўр айиқдай акирар,
Кел-хо, дейди-да бақирар,
Шердайин бўлиб бўкирар,
Талаб солади Ёдигор,
Зангиларни жангга чақирар.

Занги устига дўнади,
Давлат қуш кимга қўнади,
Кўзи ғазабдан ёнади,
Қўлида садоқ ялонғоч,
Зангига қараб жўнади.

Зангилар жазосин топади,
Тулпор отлар ҳам чопади,
Ажал уруғин сепади,
Садоқ сермайди Ёдигор,
Дуч келган зангини чопади.

Омон бўлсин-да азиз жон,
Қиличларидан томар қон,
Занги бўкириб, берар жон,
Садоқ яркиллаб сермалар,
Зангиларни кирди Ёдигорхон.

Нозик кўнглини хушлайди,
Қўлга садоғин ушлайди,
Ёдигор, қаранг, лошлайди,
Калласи кетган зангилар,
Тарсиллаб ерга ташлайди.

Жанг майдон, каранг, кизиди,
Лукка келмайди, тўзиди,
Бундай келишлар созиди,
Ёдигор сермар садокни,
Асли йўлбарс шу ўзиди[р].

Ёдигор кўнгли ёзилди,
Садоғи қирқ газ чўзилди,
Зангининг жони узилди,
Бўғиздан қони сизилди,
Тарсиллаб ерга сузилди.

Букадай отлар сурилди,
Ўткир қилич ҳам урилди,
Тақдири ҳақдан кўрилди,
Ёдигор сермар садокни,
Ажалнинг дори курилди.

Ёдгор зангини нишлайди,
Битта қўймайди, ушлайди,
Зангининг кўзини ёшлайди,
Қаранг-да, тоғнинг ғажири,
Ўлган масликка ташлайди.

Қабок-бошлари уйилиб,
Билакка кучи жийилиб,
Кўзига қони қуйилиб,
Ёдигор сермар садокни,
Занги кетади сўйилиб.

Тоғларни туман чалмади,
Занги айтгани бўлмади,
Айдаҳор бўлиб ямлади,
Бир маҳал қараса Ёдгор,
Бирорта занги қолмади.

Ҳў, Ёдгор кўнглини хушлади, садоғин қўлига ушлади, зангиларни яратиб ташлади. Йўлбарс зангиларнинг бедовлари эгасиз қолди, эгалари бўлса ўлди... Шунда Ёдгор чинорнинг тагига келиб, отидан тушиб, белини бўшатиб, сувнинг бошига бориб, зангининг сачраган қонларини ювиб, кун ҳам кеч бўлиб қолди, шу кеча шу ерда ётди...

Энди гапни Қорадевдан эшитинг. Йўлбарс зангиларнинг, деву махлуқларнинг подшосини Қорадев дер, наҳорига ўн ботмон гўшт ер эди. Олти йўлбарс зангини овқат олиб келади, деб кутди, келмади. "Уларга бир гап бўлди", – деб, осмонга кўтарилиб, чўлга назар ташласа, ҳар ер, ҳар ерда эгасиз тулпорлар кўринди. Пастлаб тушиб караса, йўлбарс зангиларнинг тулпори. Қорадев нима бўлганига ақли етмай: "Булар чинор тагида маишат қилиб ётгандир", – деб осмону фалакка кўтарилиб, чинор томонга кела берди. Буни кўрган Бойчибор Ёдгор ётган жойга ела берди, Ёдгорнинг олдига келиб, безовта бўла берди. Ёдгор: "Нимадир бўлганга ўхшайди", – деб отининг эгар-жабдуғини солиб, кетиш мўлжалини олиб турганда, фалакдан гувиллаган товуш кела берди. Бир дев ўликлар устига кўнди, ўликларни синчиклаб қарай берди, бирдан атрофга бокиб, Ёдгорни кўриб, тутақиб, лапанглаб Ёдгор томон кела берди. Якинлашиб: – Ҳў, одамзод, бу сенинг ишингми, – деди.

– Ҳа, менинг ишим, – деди Ёдгор. Қорадев:

– Булар менинг хизматкорим, ризқ-рўзимни келтирувчи мардикорим эди. Уларни ўлдириб, ризқимни қийдинг. Энди сени тирик қўймасман, – деб сўзлаб турибди:

Сўлдирибсан, аттанг, кизил гулимни,
Ўткарибсан менга тоза зулмни,
Эшитгин-да, эй, одамзод, тилимни,
Армон билар ўлар бўлдинг, одамзод,
Бошларингга солар бўлдим ўлимни.

Эшитгин-да, айтар бўлган сўзимни,
Ўйибсан-да, икки бирдай кўзимни,
Узибсан-да, ризқим билан рўзимни,
Армон билан ўлар бўлдинг, одамзод,
Қорадев дейдилар менинг ўзимни.

Гапларига тани кулок солмабсан,
Жонларини бир кадига камабсан,
Ўлдирибсан, нега гўштин емамсан,
Армон билан ўлар бўлдинг, одамзод,
Оркасида эгаси бор демабсан.

Бу ерлардан эсон-омон ўтмайсан,
Ажалингни сен худодан кутмайсан,
Мендан энди сен кутилиб кетмайсан,
Армон билан ўлар бўлдинг, одамзод,
Отинг билан нонуштамга етмайсан.

Қорадевман, юрак-бағрим сўтаман,
Қай томонга тайласанг-да, етаман,
Жон олишда азроилдан ўтаман,
Армон билан ўлар бўлдинг, одамзод,
Чиқиндингни чикармасдан ютаман.

Зўр бўлсанг хам, бугун колдинг армонда,
Ризқу рўзим узиб, килдинг шарманда,
Бу Олоҳдан берилгани фармон-да,
Армон билар ўлар бўлдинг, одамзод,
Одам гўшти дардларимга дармон-да.

Бузибсан-да, сен девларнинг динини,
Қуритмокчи, бўлибсан-да инини,
Қўзғатдинг-да, Қорадевнинг жинини,
Армон билан ўлар бўлдинг, одамзод,
Олар бўлдим олти занги хунини.

Ана шунда Ёдгор Қоралевга қараб: – Ҳой дев, айтганларинг бўлмайди, ўзига кўнгли тўлмаган бу ерларга келмайди, олти зангини ўлдирган сени ҳам ямлайди, – деб сўзлаб турган жойи:

Осмон аёз бўлса, юлдуз кўк экан,
Мақтанасан, қилар ишинг дўқ экан,
Олдингда турганинг ёнар чўғ экан,
Ажал ҳайдаб келди сенинг ўзингни,
Фаросатли десам, ақлинг йўқ экан.

Очилганда боғда тоза гулимди,
Эшитгин-да, сенга айтар тилимди,
Бу бошимга сололмайсан ўлимди,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Гапинг учун кўрсатаман зулмди.

Бойсин-Қўнғирот дейди ўсган элимни,
Олмос пора безар доим белимни,
Мен садоққа урар бўлдим қўлимни,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Бошларингга солар бўлдим ўлимни.

Мен биларман қўлдан келмас ишингни,
Бошдан олиб ақл билан хушингни,
Қоқибгина оларман-да, тишингни,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Пиширмасдан ютар бўлдим гўшингни.

Баҳор келса, жим-жим ҳаво ёғади,
Жанг майдонда бировга кун туғади,
Мардлар душманини доим қувади,
Зангиларнинг гўшти сассиқ экан-да,
Девнинг гўшти бор дардимга даводи[р].

Ахмоқ девсан, тера бергин тошингни,
Мана майдон, кўргин еяр ошингни,
Қузғунларга ем киларман лошингни,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Итлар ғажир маза қилиб бошингни.

Айдаҳорман, Ёдгор дейди ўзимди,
Эй, аҳмоқ дев, эшитиб ол сўзимди,
Жонни бериб, қутилмоғинг лозимди,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Ўёлмайсан тани менинг кўзимди.

Тақдир билан насибангни қиярман,
Кўзларингни парта-парта ўярман,
Билагимга бор кучимни жиярман,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Улоқдай қиб тарпа босиб сўярман.

Баланд тоғнинг баланд бўлган қириман,
Отим Ёдгор, шу дунёнинг зўриман,
Элатимнинг, билсанг, ўзим шериман,
Ажал ҳайдаб келди сени, Қорадев,
Жами девнинг, билсанг, ўзим пириман.

Қорадев Ёдгордан бу сўзларни эшитиб, ранги оқариб, кўзи бўзариб, тулум бадани қизариб, Ёдгорга қараб: – Ҳали мени ўлдирмоқчи бўлдингми, – деб сўраб, бу Алининг майдони, билганингни қил, – деб қўлига тўқсон ботмон гурзисини олиб, Ёдгорга қараб бора берди. Ана энди икки зўрнинг бир-бирига йўлбарсдай ташланиб, бўкираётган жойи:

Бир-бирига тушди бугун гузари,
Ғариб ўлганларнинг бўлмас мозори,
Бу тўқнашув гулдай таннинг озори,
Икки зўр ҳам бир-бириман қопишар,
Қурилади бугун жоннинг бозори.

Баланд тоғда бўктарилган оппоқ қор,
Бўкиради иккови ҳам мисли шер,
Бир-биридан ўтган, билинг ўта зўр,
Икки зўр ҳам бир-бириман қопишар,
Қай бирига бу дунё ҳам бўлар тор.

Иккиси ҳам, ўйлаб кўрса, лўкча нор,
Ўқ теккан сўнг лўкча нор ҳам букчаяр,
Иккиси ҳам қолишмайди, баробар,
Икки зўр ҳам бир-бириман қопишар,
Иккиси ҳам дамга тортар айдаҳор.

Иккиси ҳам икки жойнинг зўридир,
Ўртада қурилган ажал доридир,
Бир-бирига берилган ихтиёридир,
Бисмилло, деб Бойчиборга осилди,
Ёдгор ҳам Бойсин айдаҳоридир.

Атрофини қаранг шундай тўсилди,
Юрак-бағри қон бўлади, ўсилди,
Бойчиборнинг узангиси босилди,
Олмос пора суғирилган қўлига,
Ёдигор ҳам Бойчиборга осилди.

Қорадев ҳам булутдайин кўчади,
Бўкиради, шердай кўксин очади,
Бор заҳрини Ёдгорга сочади,
Тўксон ботмон гурзиси бор қўлида
Қорадев ҳам кўкка караб учади.

Ҳолсирайди, девнинг лаби котади,
Занги учун ширин жонин сотади,
Бориш билан гурзин сермаб ўтади,
Бойчибор ҳам таппа ерга ётади,
Бу гурзиси, каранг, тегмай ўтади.

Бойчиборнинг кўнгли бўлса бузилди,
Қўлтиғидан қанотлари ёзилди,
Ипакдай бўб кўкка қараб чўзилди,
Тўрт оёғи ердан, қаранг, узилди,
Қорадевнинг юрак-бағри эзилди.

Ҳар ким етсин кўнглидаги тилакка,
Ўлим савдо, ёмон тегар қулоққа,
Кучин йиғиб тўрт бўрбаю билакка,
Қорадевнинг изидан-ку Бойчибор,
Учиб чиқди, каранг, осмон фалакка.

Фариштаси кочди девнинг юзидан,
Умидини уза берди ўзидан,
Бойчибор ҳам қувиб етди изидан,
Ёдгор ҳам қайтмас айтган сўзидан,
Қўрқа берди дев Ёдгорнинг кўзидан.

Ёдгорнинг кўнгиллари хушланди,
Қилич, гурзи яркиллайди, сермалар,
Бир-бирига йўлбарсдайин ташланди,
Бир-бирига панд беради икки шер,
Бу осмонда ҳаво жанги бошланди.

Чўлда ўсар катта бўлиб ғармалар,
Бу ғармага курт-кумурска ўрмалар,
Жанг майдонда кизил тиллар курмалар,
Бир-бирига панд беради коплонлар,
Қилич, гурзи, қаранг, кўкда сермалар.

Баланд тоғлар боши доим кораци[р],
Жанг майдонда иккиси ҳам яради,
Бойчибор Қорадев олдин ўради,
Нима бўлса пешонадан кўради,
Қулай келди Ёдгор қилич ураци.

Қорадевнинг, қаранг кўнгли бузилди,
Юрак-бағри қон бўб, бағри эзилди,
Урган садоқ қирқ газ бўлиб чўзилди,
Танасидан қора калла узилди,
Бўғизидан кирмизи қон изилди.

Топди, дев ҳам ўзин айтган тилидан,
Ким ҳам хабар олар девнинг ҳолидан,
Қорадев ҳам кетди тоза сўлидан,
Аввал калла, кейин тана жўнади,
Тўқсон ботмон гурзи тушди қўлидан.

Нозик кўнглин Ёдигор ҳам хушлади,
Бойчиборнинг жиловидан ушлади,
Қорадевнинг хумор кўзин ёшлади,
Аввал калла, кейин тана, каранг-да,
Ерга қараб айланади, ташлади.

Жанг майдонда Бойчибор ҳам сурилди,
Нима бўлса, тақдир ҳақдан кўрилди,
Алин майдон, Рустам жангти курилди,
Аввал калла, кейин тана айланиб,
Паққиллада, ерга келиб урилди.

Бошга солса, ҳар бир инсон кўнади,
Яратгани бўлса бошга паноди,
Бойчибор ҳам пастга караб энади,
Йиғиб олиб қўлтиқдаги қанотин,
Аста келиб, каранг, ерга қўнади...

Шундай қилиб, Ёдгор Йўлбарс зангилар ва Қоралевнинг ажалини қилдириб, зўрлигини билдириб, душманни йиғлатиб, дўстни кулдириб, ўзи биёбонга чиқиб, отини елдириб бора берди. Орадан икки кун ўтиб, чакада Кенгтола тоғи соғимланиб кўрина берди. Токка якинлашиб, отнинг тўликсиганидан Ёдгор ортга караса, бир отлиқ чангитиб келаётир.

Отлиқ Аймоқдан бўлиб, Ёдгорни кувиб етиб, салом бериб, бир-икки айланиб, кўришмоқ бўлиб, отини қимтиганда Бойчибор тўликсиб, кўриштирмади. Шунда чол: – Отинг тўликсиб кўриштирмади. Қани, болам, сенга йўл бўлсин? – деди. Ёдгор караса, бир чўнток, чўбирни кинган, жағи куришган, оғзи буришган, кўргани билан уришган, бўлар бўлмасга суришган, ёши анчага борган, териси баданига ёпишиб кришган, бир худо урган, кўпни кўрган, оти устида бойўғлидай турган, ёлғончиликни билмаган, ёмонликдан қолмаган, гуноҳ ишдан толмаган, ёлғонни ямлаган чол. Бу чолни Чандана дер эди. Ўрозали қушбегига Ойдинойни олиб бермоқ учун кўп ҳаракатлар қилган эди. Ойдинойнинг Ёдгорда кўнгли борлигини билгансан, қўшбегининг олти юз навкарлари ўлга келиб, мусофирларни оёқ ости қилиб турганда, Шомуроднинг Бойсин-Қўнғиротга хат юборганидан хабари бор эди. Кейин Аймоқ полвонлари Ойдинойдан дарак олиб, бу ишга аралашганда, Ўрозали қушбеги: "Биз бу полвонларга бас келмаймиз", – деб орадан чиққанда, Чандана чол Аймоқ полвонларига сотилиб, "Бойсин-Қўнғиротдан Ёдгор келса керак", – деб беш юзта шакаман мерганларни олиб, йўлга бандаргоҳ қўйиб, мерганлардан хабар олиб, Ёдгор келса, армон билан ўлдирмоқ пайда юрган эди. Чандана чол хийла айёр эди. Ёдгорнинг ўтиб кетганини бисмай колиб, бир отлиқ кетаётганини кўриб, изидан кувиб келган эди. Бундан Ёдгорнинг хабари йўк. Шу сабабли чолга караб: "Ҳў, бобо, ёшинг ам анчага бориб колгандай. Мен-ку Аймоқ бормокчиман, кани, сизга ўл бўлсин?" – деди. Чандана чол айёрлик килиб, билиб колиб ўлдириб ўймасин, деб Ёдгорга караб: – Болам, Бойсин-Қўнғиротдан беш минг йли тортувли Аймоққа кўчиб кетган, кўчганига анча вакт ўтган, хозир ирок таадди ўтган деган хабарни эшитиб, шулардан бир хабар олиб келайин, деб келаётирман, – деб шу сўзларни айтиб турибди:

Тоғу чўлда сурдим асби тозимни,
Қутли, барокатли қилсин изимди,
Полвон болам, эшитгинда сўзимни,
Гапларимга қулоқ солгин, полвоним,
Чандана чол дейди менинг ўзимни.

Қирларда очилган лола-гулимди[р],
Яратганим бир қилди-да, йўлимди,
Бир умрга кўрмагин-да, зулмди,
Жасадингдан айланайин, йўлбарсим,
Қулоқ солиб, эшитгин-да, тилимди.

Баланд тоғнинг бўктарилган қориман,
Элатимнинг номус билан ориман,
Номим эшон, эшонларнинг зўриман,
Жасадингдан айланайин, йўлбарсим,
Чандана дер, кўнғиротларнинг пириман.

Билиб олгин, жоним болам, хилимни,
Бошларингга солмасин-да, ўлимни,
Ҳазил гапинг оғритди-да, дилимни,
Жасадингдан айланайин, йўлбарсим,
Кўриб келай, дедим, кетган элимни.

Ўқранади жанг майдонда бедов от,
Мард йигитлар миниб қилар сиёсат,
Келганлардан ҳеч бўлмади хабар, хат,
Жасадингдан айланайин, полвоним,
Кўчиб келган элга бош бўб Шомурод.

Элат дедим, суякларим шовшатдим,
Элнинг ғами билан жоним қақшатдим,
Кўз ёшидан бўғинларим бўшатдим,
Жасадингдан айланайин, полвоним,
Келбатингни Алпомишга ўхшатдим...

Отанг билан энанг жони дилисан,
Сўзлаганда ширин-шакар тилисан,
Бойсиндаги алп полвонлар хилисан,
Отингни дейишар, болам, Ёдгор,

Ойбарчинман Алпомишнинг улисан.

Биламан-да, сенинг хабар-хатингни,
Бойсин-Қўнғирот, дейди мамлакатингни,
Душман зоти юлолмайди патингни,
Жасадингдан айланайин, йўлбарсим,
Бойчиборга ўхшатдим-да отингни.

Баланд тоғда бўктарилган коринга,
Бул ҳам бўлса тақдирингда боринга,
Чопгин, болам, доим номус-оринга,
Жасадингдан айланайин, йўлбарсим,
Келибсан-да, Ойдинойдай ёринга.

Душман бошин туман бўлиб чалгин-да,
Бошларига киёматни солгин-да,
Йўлбарссан-да, йўлбарс бўлиб колгин-да,
Жасадингдан айланайин, шунқорим,
Аймоқ бориб Ойдинойни олгин-да!

Баланд тоғда бўктарилган корингман,
Элатингда номус билан орингман,
Хазинада олтин билан зарингман,
Жасадингдан мендай пиринг айлансин,
Ёдгоржон, билсанг, ота пирингман.

Ёдгор бу сўзларни эшитиб: "Эшон десам, афти-башараси эшонга ўхшамайди. Бойчибор ҳам бекорга кўриштиргани қўймади. Эшон эмас десам, хили-хешимнинг ҳаммасини, Ёдгор эканлигимни билди. Кел-э, ким бўлса, шу бўлсин. Бир мункайган чолда, душман бўлганда ҳам, қўлидан нима келади?" – деб ўйлаб: – Пирим, бояги ҳазилларим учун узр сўрайман. Сизни менга худонинг ўзи етказди. Йўлимиз бир экан. Бир кишидан икки киши яхши. Ўтгандан-кетгандан, ҳисоби йиттандан гурунг килиб кетамиз. Сиз кўпни кўргансиз. Энди кетдик, – деб йўлга тушишди.

Чандана чол: "Э, хайрият мени душман деб билмади", – деб ўйлаб: – Хой, муридим, мен сенга кўп ёрдам бераман. Пирлигимни билдираман, кўнглингни тўлдираман, канча душман бўлса ҳам, сенга Ойдинойни олдираман. Пиринг бўлмасам, уруғ-аймоғингни не билардим, – деб чўнток чўбирни Бойчиборнинг изидан ҳайдай берди.

Ҳў, ўшанда Аймокнинг полвонлари Шомуроднинг "Бойсин-Қўнғиротга хабар берайин", – деган гапига, Ойдинойнинг килган сиёсатига кўниб

кетган эди. Лекин Чандана чолга беш юз мерганни бериб, айёрлик билан Ёдгорни Ойдинойга кўрсатмай, гумдон қилишни айтиб, оғирлигича тилла беришга кўндирган эди. Кенгтола тоғининг дарасида жойлашган мерганларга Чандана чол: "Мен Ёдгорни эргаштириб келаётганда, довулни ураман. Сенлар тошга писиб шинакда ётасизлар, яқин келганда отасизлар", – деб тайинлаган эди.

Алқисса, Ёдгор билан Чандана чол йўли дарага кириб бора берди. Чандана чол: – Ёдгор полвон, бу тоғларда шер, йўлбарс, айиқ, айдаҳор каби махлуқлар кўп бўлади, булар отнинг устида бўлса ҳам, одамни олади, бошга кўп кулфатни солади, добил урса, товушидан қочиб қолади, – деб, хуржунидан добилини олиб, ура берди. Ёдгор: "Бу чол бу ерларга келганим йўқ, кўчманчиларни излаб келаяпман деган эди, худди кўргандай гапиради", – деб ҳадиксиради. Аммо чолга билдирмай: – Пирим, қари билганни пари билмас,деб шуни айтади-да! Нима қилсангиз, ихтиёр сизда, – деб энди чол олдинда, у орқада кета берди.

Отлар дарада анча юргансан, Бойчибор безовталана берди. Ёдгор:"От бир нарсани билди. Чол бировга хабар бераётгандек, добил уришини қўймайди, бир синаб кўрайин", – деб ўйлаб,отни қимтиб олдига ўтиб, Бойчиборни бел қилиб йўл устига тўхтатиб, шарқиратиб қиличини қиндан суғуриб олиб, кўзи ловуллаб ёниб, Чандана чолнинг устига дўниб: – Эй, айёр чол, ҳозир кимлигингни айтасан, айтмасанг, жаҳаннамга ўтасан, бу дунё билан хайрлашиб кетасан. Бунча добилни бировга хабар бераётгандек урасан, ҳозир кунингни кўрасан. Минг мерганни пистирмага қўйиб, ҳийла билан мени ияртиб келаётганга ўхшайсан, – деб дағдаға қила берди.

Чол Ёдгорга қараса, кўзи ловуллаб ёнаяпти, устига дўнаяпти, ҳа-на демаса, билганини қилгудай, калласини юлгудай. "Душманлигимни сезиб қолдимикан? Ётиб қолгунча, отиб қол деган-ку", – деб ўйлаб: – Ёдгоржон болам, бу ишинг юрагимга солди алам, сендай мусофирман мен ҳам. Мурид овлаб юрган мендай гадо эшонда мерганлар нима қилади, шу ишларни қилса, қиёматда иймонсиз бўлади, – деб йиғлай берди. Ёдгорнинг йиғлаётган чолга раҳми келиб: – Сиз добилни узлуксиз урганингизга шу ишни қилдим. Ота-энамнинг: "Душман ҳийлагар бўлади, сени ғафлатда қолдириш учун ҳар хил найрангни қилади, эҳтиёт бўл", – дегани эсимга тушган эди. Ҳай майли, сиздан узр сўрайман. Ҳайданг, – деб чол олдин, Ёдгор кейин кета берди. Чандана чол қўрққанидан орқага қарай олмай бора берди. Чолнинг урган добили мерганларга етиб, улар дурбин тутиб, икки киши келаётганини кўриб, ёта берди яқин келишин кутиб.

Бойчибор чолдан ўн беш-йигирма қадам орқада даранинг у бетига, бу бетига элириб қараб бора берди. Бир маҳал қараса, мерганлар у тошдан бу тошга ўтиб милтиғини суяб ўтираётибди. Тўлиқсиб, олдинга юрмай даранинг тўрига қарай берди, Ёдгор караб, ҳеч нарсани кўрмаганини сезиб,

жонивор тўликсиб, у тошдан бу тошга, бу тошдан шу тошга молхўрнинг такасидай ҳаккалаб, тоғнинг бетига чиқиб кетди. Ёдгор юганни шунча тортса ҳам, сувлиқни тишлаб олган от жилов бермай, тоғнинг устига чиқиб олди. Ёдгор отнинг бу ҳаракатидан ҳайрон бўлиб, бир фалокатни сезганини билиб, жиловни ташлаб қўйди.

Чандана чол Ёдгордан шунчалик қўрқиб, ўтакаси ёрилган, бошда ўйи корилган экан. Бойчиборнинг чиқиб кетганини ҳам билмай қолди. Мерганларга яқинлашган бўлса-да, отмаётганига ҳайрон, орқасига қарай олмай бора берди. Шунда мерганлардан бири: – Ҳой, чол, олиб келган Ёдгоринг қани? Нега сўппайиб ўзинг келаяпсан? – деганда, Чандана чол: "А-а", деб орқасига қараса, Ёдгордан дарак йўқ.

– Ҳой, мерганлар, мен эргаштириб келаётган эдим. Нега отмадиларинг, армон билан қўлдан чиқардинглар. Қаёққа кетди, кўрдингларми, – деди чол.

– Э, чоли тушмагур, у орқангизда юрган, бир нарсани кўрган, ўқ етмайдиган жойга, тоғнинг белига отини бурган, – деди.

– Ундай бўлса, оти бир нарсадан ҳуркиб чиқиб кетган. Агар сенларни билганда, мени ўлдирмай қўймас эди. Энди нима қиламиз, олдимиздан чиқса керак, – деди чол. Мерганлар:

– Нима ҳам қилардик, энди айланиб тезроқ юрайлик, кочириб қўлдан чиқариб қўймайлик, тезроқ бўлайлик, беш юз киши бир кишини кочириб, ҳеч уялиб ўлмайлик, – дейишиб, апил-тапил от-отига миниб, тоғнинг устига чиқа берди.

Ёдгор ҳам дарадан чиққан йўлга келиб, дурбин билан қараса, Чандана чол кўп мерган билан дарада келаётибди. Шунда Ёдгор Бойчибор уни душмандан қандай қуткарганини билиб, отнинг сезгирлиги, ҳушёрлигига қойил қолиб, ёлидан тавоф қилиб, дарага энди, танг жойда, қалин арчалар орасида, йўл ёқасида мерганлар келишини кутиб турди. Қараса, ҳалиги пири мерганлар олдига тушиб, чак-чаклаб, гурунг бериб, аста қулоқ солса, Ойдиной ҳақида гапириб келаётибди.

Ана энди Ёдгор Чандана чолнинг душманлигини, алдаганлигини билиб, роса аччиғи келиб, қутурган шердай бўлиб, мерганлар яқинлигини билиб, арчазор орасидан арслондай отилиб чиқиб, шақирлатиб садоғини кийдан чиқариб олиб: – Ҳў, кани, пиру муршидларингизни топиб олибсиз-да, – деб, мерганлар устига ташланаётган жойи:

Баланд тоғларда корим, деб,
Тақдиримда борим, деб,
Қистирмоқ бўбсан шўрим, деб,
Беш юз мерганни тайёрлаб,

Олиб келибсан, пирим, деб
Ташланди майдон устига.

Кўрмабсан мендай болангни,
Худо эшитмас нолангни,
Вайрон қилайин калъангни,
Айланай сендан пиримнан,
Аввал олайин каллангни,
Ташланди майдон устига.

Қолмасин ишнинг чаласи,
Кўп экан пирим ҳиласи,
Кўздан тўкилсин жоласи,
Қаранг, садокни сермади,
Узилди пирнинг калласи,
Ташланди майдон устига.

Осмонда учар калдирғоч,
Учганда қаноти қийғоч,
Қўлида садоқ ялонғоч,
Садоқ сермайди Ёдгор,
Бўлиб қолди-да қоча-қоч,
Ташланди майдон устига.

Подшо жиловда шотири,
Қолмади юз-кўз хотири,
Бир ўзи мингта татири,
Садоқ солиб келаётир,
Бойсин-Қўнғирот ботири,
Ташланди майдон устига.

Шошиб ўзининг бастига,
Гала мерганнинг устига,
Қарамас баланд-пастига,
Йўлбарсдай бўб ташлаётир,
Келган душманнинг қасдига,
Ташланди майдон устига.

Йўлбарсдай ташлар бўкириб,
Ўлар чўчкадай бақириб,

Ўлдик, дейди-да мерганлар,
Бир-бирини чақириб,
Насия қилмай, нақ уриб,
Ташланди майдон устига...

Осмон аёз, юлдуз кўк,
Ўзига қилган кўнгил тўқ,
Аралаш бўлса армон йўқ,
Қарамай калла кесади,
Йўлбарсдай бўлиб урар дўқ,
Ташланди майдон устига.

Ўлдик, дейди мерган бари,
Қурилди ажалнинг дори,
Қўймайди бironта тири,
Ўлдик, дейди, чикар зори,
Қарамай калла кесади,
Бойсин элнинг коплон шери,
Ташланди майдон устига.

Айдаҳордайин шишади,
Қистаб бедовни қўшади,
Жўшкин дарёдай тошади,
Ўлдинг, деб чиккан товуши,
Душман қулоғин тешади,
Ташланди майдон устига.

Атроф-бошини ўради,
Букадай отни суради,
Тақлирда борин кўради,
Тўдалаб барини ўртага,
Қаранг, душманни киради,
Ташланди майдон устига.

Душман атрофи тўсилди,
Танг жойга келиб қисилди,
Ёдгор сермар қилични,
Қиличи кирқ газ чўзилди,
Танадан калла кесилди,
Ташланди майдон устига.

Душманнинг гўри казилди,
Садоқ сермалиб чўзилди,
Танадан калла узилди,
Бўғиздан чиққан қизил қон,
Бўз тупроққа изилди,
Ташланди майдон устига.

Ширин жонлар сотилди,
Фаранг милтиқ отилди,
Олмос пора катилди,
Бўғиздан чиққан қирмиз қон,
Тупрокларга қотилди,
Ташланди майдон устига.

Бедов отлар сурилди,
Пўлат добил урилди,
Рустам жангги курилди,
Қора калла ёрилди,
Душман ўлди, кирилди,
Ташланди майдон устига...

Ёдигор, каранг, ишлади,
Нозик кўнглини хушлади,
Душман кўзини ёшлади,
Қочганни кўймай ушлади,
Йўлбарсдай бўлиб ташланди,
Ташланди майдон устига.

Бири бирман аралаш,
Жанг бўлса ботир саралаш,
Найза урилиб, бўлди ниш,
Кесар каллани Ёдигор,
Душман кирилиб бўлди лош,
Ташланди майдон устига.

Душман уяси бузилиб,
Юрак-бағри эзилиб,
Садоқ етади сўзилиб,
Танадан калла узилиб,
Танаси ерда чўзилиб,
Ташланди майдон устига...

Ҳолсираб лаби котади,
Ширин жонини сотади,
Тўда-тўдага етади,
Бойчибор Ёдгордан ёмон,
Қаранг-да, тишлаб отади,
Ташланди майдон устига.

Ёдигор бугун яради,
Қайтмай садокни уради,
Тулпор отини суради,
Нечовлар отдан нуради,
Чумчуқдай қилиб теради,
Ташланди майдон устига.

Қиёмат қойим ўтилди,
Юрак-бағирлар сўтилди,
Ем еган бедов қутилди,
Ем емагани тутилди,
Олмос поралар катилди,
Ташланди майдон устига.

Ёдигор шердай дўнади,
Эгасиз қолган бедовлар,
Ғазодан чиқиб жўнади,
Дара тўлибди ўликка,
Ғажир устига қўнади,
Ташланди майдон устига...

Ёдгор жангда бош бўлди,
Ўртада полвон ош бўлди,
Кўздан оққани ёш бўлди,
Тоза қиёмат иш бўлди,
Душман қирилиб лош бўлди,
Ташланди майдон устига.

Ёдигор кучи тошади,
Хоҳолаб отни қушади,
Душман қирилиб шовшади,
Қуйруқ ейман, деб мерганлар
Қону зардобни ошади,
Ташланди майдон устига.

Тоғларнинг боши чалмади,
Айдаҳор мисол ялмади,
Гапига қулоқ солмади,
Бир маҳал қараса Ёдгор,
Мергандан битта қолмади,
Ташланди майдон устига.

Ҳў, эриган тоғнинг корини, Ёдгор курди ажалнинг дорини, авва
бошда бошин олди пирини, кейин қилди мерганларнинг корини,
қистирди-да шўрини, бирин қўймай кирди барини, қолдирмади тирини.
Сўнг бир булоқнинг бошига бориб, сачраган қонларни ювиб: "Энди
буёғи Аймоқ бўлса керак, шундай борсам бўлмас", – деб усти-бошларини
ечиб, хуржундан қаландар кийимини олиб, қаландарсифат кийиниб, отни
миниб, Кенгтола тоғнинг устига чиқса, анча кенгиш экан. Ҳоригани, оч
қолгани билиниб, отни ўз раъйига қўйиб, баланд қилиб уйрилган бог
чорбоғнинг устидан бориб қолди. "Бу кимнинг жойи бўлса ҳам, бир
чақириб нон сўраб кўрайин", – деб дарвозани тақиллата берди. Ичкарида
"Ким" деган овозни эшитиб: – Бир мусофир қаландарман, – деди.

Дарвозабон дарвозани очиб қараса, ҳақиқатдан бир қаландар.

– Ассалому алайкум, дарвозабон, мен эл оралаб, нон тилаб юрган бир
қаландарман. Уч кун бўлди ноним қолмади. Худо хайрингизни берсин.
Қорнимни тўйдирсангиз, – деди Ёдгор. Дарвозабон яхши одам эди,
дарвозани очиб ичкарига киритди. Ёдгор ичкарига кириб қараса, гуллар
очилган, булбуллар сайраган, сўлим жой экан. Дарвозабон:

– Ҳой, қаландар, қайси мамлакатда бўласан, қаердан келаётибсан? –
деди

– Менинг мамлактим, элатим, тожу тахтим шу чўбиримнинг уст
Каллам оққан томонга кета бераман, – деди Ёдгор.

– Ҳай, майли, отингни бойлаб оркамдан юр. Қорнингни тўйдирайин
Сағирга берсанг, савоб дейди, сен ҳам сағирдай гап-да, – деб дарвозабон
кета берди, отини бойлаб орқасидан Ёдгор ҳам бора берди. Дарвозабон
супани кўрсатиб, ўтириб туришни тайинладида, бир уйга кириб кетди.
Ёдгор супанинг устига тўшалган кўрпачани суриб қўйиб, бир чет
ўтирди.

– Ҳў, қаландар, нега кўрпачада ўтирмадинг, – деди дастурхон ва овқат
кўтариб чиққан дарвозабон.

– Э, ака, умрим бино бўлиб бундай кўрпачада ўтирмаганман. Кир
қилиб қўймайин деб кўрқдим, – деди Ёдгор.

– Ўзинг биласан, – деб дарвозабон дастурхон ёзди ва бир тобоқда
кийик гўштли шўрвани қўйди. Ёдгор овқатланиб:

– Бу чорбоғ кимники? Сизнинг отингиз ким? Танишиб қўйган яхши-да, – деди.

– Бу боғ Аймоқ подшоси Арасхонники. Овга чиққанда икки-уч кун шу ерда дам олади. Мен шу боғнинг ҳам боғбони, ҳам қоровули бўламан, отимни Сиддиқ дейишади, – деди.

Кеч бўлиб қолганидан Ёдгор шу кеча шу ерда ётиб қолишга рухсат сўраб, отига беда ташлаб, қайтиб келди-да, бир кўрпачанинг устига чўзилиб ётди, жангдан толиб келган эмасми, тошдайин қотди. Ёдгор уйқу билан ширин жонини сотган эди, кеча яримдан ўтган эди.

Аймоқнинг алп полвонлари келиб қолиб, отларни ташқарига бойлаб, дарвозадан кириб, бойланган отни кўриб, Жайноқ полвон: – Ҳў, Сиддиқ, бу қандай от? – деди. Сиддиқ: – Бу бир қаландарбаччанинг оти. Тоғу чўлда юриб, уч кун оч қолган экан, бу ерга нон сўраб келган экан. Нон-пон бердим. Кеч бўлиб қолгани учун жой сўради, ҳай майли, дедим. Ҳозир супада ётибди, – деди. Аймоқ полвонлари Ёдгорни уйқуда таппа босиб, кўл-оёқ-кўлини боғлади. Ёдгор: "Ҳой аттанг-а, уйқу билан ўлик тенг экан-да. Армонда, ғафлатда қолдим", – деб афсусланиб ёта берди.

– Ҳў, қаландар, ким бўласан? – деди Жайноқ полвон.

– Менинг элу мамлактим йўқ. Шу чўбирм билан бошим оққан жойда юраман, насибамни элдан териб юраман. Не гуноҳим учун бойладинглар? – деди Ёдгор.

– Гуноҳингни эртага кўрамиз, тинчгина ётиб ухлай бер, – деди Жайноқ полвон ва ўзлари ҳам шу супада ётиб қолди.

Эрталаб тонг ҳам отди. Ёдгор қараса, Аймоқ полвонлари. "Аттанг, армонда қолдим, тулан туртиб бу ерга келган эканман-да", – деб, қўл-оёғи боғлиқ ёта берди. Алп полвонлар Бойчиборга қараса, тумшуғи ерга тегкудай бўлиб, шумшурайиб турибди, кўзларига чўбир бўлиб кўринди. – Ҳў, қаландар, шаҳарма-шаҳар юриб чўбирни ҳам ўладиган қилибсан. Олари пиёда қолмасанг бўлгани. Топган-тутганингни ўзинг еб, отингга ташламабсан-да, – деб кула берди.

Шунда Жайноқ полвон: – Полвонлар, бўлинг кетамиз. Тўғри Сайинойнинг олдига борамиз. Бойсинга хабар юборганига ҳам тўрт ойдан ошди. Ёдгордан эса, дарак йўқ. Уни йўқотамиз деган Чандана билан беш юз мергандан ҳам дарак бўлмади, нонимизни бекорга еб ётибди, – деди. Остўш полвон: – Бу қаландарни нима қиламиз, – деди. Жайноқ полвон: – Қаландарни қамаб ташланглар. Ҳў, Сиддиқ, сен бизлар келгунча, ўзимиз бўшатмагунча Қаландарга қарайсан. Раҳминг келса кўпроқ, бўлмаса озроқ овқат бер, отига ҳам беда ташлаб тур, – деди. Полвонлар Ёдгорни бир жойга қамаб, калитини Сидиққа бериб: – Қочирсанг, бошинг билан жавоб берасан, – деб, апил-тапил отларга миниб, жўнаб кетди.

Ёдгор кўли бойловли қамалиб ёта берди. Бир маҳал Сиддиқ кулфни очиб, Ёдгорга овқат олиб келиб:

– Ҳў, қаландар, тирикмисан? – деди.

– Сиддиқ ака, тирикман. Булар ким, мени нега боғлади, – деб сўради Ёдгор.

– Булар Арасхоннинг полвонлари. Сени Ёдгор гумон қилиб боғлади, шекилли, – деди Сиддиқ.

– Ёдгор деган ким? – деди Ёдгор.

– Ёдгорни ҳеч ким билмайди. Бойсин-Кўнғиротдан кўчманчилар келган. Шуларнинг Ойдиной деган қизи бор экан. Шуни Жайнок олмоқчи бўлганда, "Нишонам бор. Шундан хабар келмаса, тегмайман", – деб Бойсинга хабар юборган. Сен кўп шаҳарларда бўласан, Бойсинга борганмисан? – деди Сиддиқ.

– Бойсин деган жойни сиздан эшитаётирман, борганим йўқ, – деди Ёдгор. Сиддиқ:

– Бўлар гапни ўзинг эшитдинг. Полвонлар қайтиб келгунча, худо деб ёта берасан, – деди.

– Булар қачон келади? – деб сўради Ёдгор.

– Ким билсин, бир ойдами, ундан ортиқ ё камдами келади-да, – деди Сиддиқ.

Ёдгор: – Тоза зерикар эканман-да, – деб Сиддиқдан отига хашакдан мўлроқ бериб туришни сўраб қолди.

Эндиги гапни полвонлардан эшитинг. Жайнок полвон: – Эй, полвонлар, эндиги маслаҳат шул бўлсин. Ойдинойнинг Ёдгори келмади. Ўзи полвон қиз бўлган билан Ёдгор дегани бир ландовурми, оғзида калла шўрва турмаган нўнокми, кўркиб келолмай юргандир. Кўчманчилар панд бериб, бир кечада кўчиб кетса, Ойдинни кидириб Бойсинга борамизми? Бойсиндан хабар бўлмади. Энди Ойдинга бориб: "Ёдгоринг келди, қўлимизда ўлди, тегар бўлсанг тег, тегмас бўлсанг, кўл-оёғингни бойлаб олиб кетамиз, деймиз, – деб Шомуроднинг овулига бора берди. Эл келаётган полвонларни кўриб: "Бу уйинг куйгур полвонлар яна келаётибди. Шомуроднинг қизи қиз бўлмади ёки ўлмади. Ёдгор бўлса, келмади, охири бир касофатни топади", – деб полвонларга дуч келмаслик учун уй-уйига кириб кетишди.

Полвонлар тўғри Шомуроднинг уйига бориб: – Ҳой, Ойдиной, чиқиб бизларга гап бергин, – деб бақира берди. Ойдиной ўтовдан чиқиб: – Ҳа, келинглар, нима иш билан юрибсизлар, – деди. Жайнар полвон: – Сен бизга Бойсинга хабар юбораман, ё ўзи келса, ё бирон сўзи келса, таклифларингга жавоб бераман деган эдинг. Мана тўрт ой ҳам ўтди. Нима дейсан, шуни билгани келдик, – деди. Шунда Жайнок полвон: – Эй, Жайнар, нима қиласан гапни чувалаштириб, тўғрисини айта бер-да, – деб Ойдинойга қараб, бир сўз деб турибди:

Сарғайган, сарғайган нурли юзини,
Асл полвон, билгил, сен ҳам ўзини,
Эшитгин-да бўлар гапнинг изини,
Мен айтайин, қулоқ солгин, Ойдиной,
Айтар бўлган бу Жайноқнинг сўзини.

Кўп тердик биз қир-адирнинг гулини,
Олдинг тоза полвонларнинг сўлини,
Кўп кутдик-да, Бойсин-Қўнғирот улини,
Мен айтайин, қулоқ солгин, Ойдиной,
Айтар бўлган бу Жайноқнинг тилини.

Гап эшитгин бу Жайноқнинг тилидан,
Сўна бўлиб айрилдинг-да, кўлидан,
Турна бўлиб айрилдинг-да, хилидан,
Мен айтайин қулоқ солгин, Ойдиной,
Хабар-хат келдими Бойсин элидан?

Бахши деган ўз куйини чалди-да,
Худо бўлса, ақли-ҳушни олди-да,
Ўз бошига қиёматни солди-да,
Мен айтайин, қулоқ солгин, Ойдиной,
Ёдгоринг Бойсин элдан келди-да.

Мақтанди-да, экан Бойсин элидан,
Топди, билгин, у ҳам ўзин тилидан,
Ҳеч иш келмас экан, билсак, кўлидан,
Мен айтайин, қулоқ солгин, Ойдиной,
Олмос пора тушди унинг белидан.

Баланд тоғда бўктарилар оппоқ қор,
Мақтанди-да, билсанг, мен ҳам бир шунқор,
Бизлар билан олишди-да баробар,
Мен айтайин, қулоқ солгин, Ойдиной,
Мен Бойсиндан, отим, деди Ёдигор.

Туман бўлиб, тоғ бошини чалишди,
Жанг майдонда баб-баробар солишди,
Шердай бўлиб, бизлар билан олишди,
Сўзларимга қулоқ солгин, Ойдиной,

Гала ботир бўлганича бўлишди.

Бошимизни туман бўлиб чалди-да,
Полвонлар хам бул ўртага олди-да,
Аямади, бизга қилич солди-да,
Гапларимга қулоқ солгин, Ойдиной,
Бизлардан хам тўрт-беш киши ўлди-да.

Аввал бизни назарига илмади,
Авайладик, тани гапга кўнмади,
Меҳмонлик кадрини ўзи билмади,
Гапларимга қулоқ солгин, Ойдиной,
Жондан ўтди, тоза энди бўлмади.

Бош бермайди тоза энди билдим-да,
Индамасам, бул майдонда ўлдим-да,
Қисиб келиб бул ўртага олдим-да,
Гапларимга қулоқ солгин, Ойдиной,
Оркасидан гурзи билан солдим-да.

Гурзи зарбдан нафас олмай бўғилди,
Ойдинойни кўрмадим, деб Ёдигор,
Ширин жони гарданига тиғилди,
Гапларимга қулоқ солгин Ойдиной,
Ўлдим, деди, бул отидан жиғилди.

Бўлар иш-ку, билдим энди бўлди-да,
Очилган-ку, гулдай бўлиб сўлди-да,
Ажал қистаб, паймонаси тўлди-да,
Гапларимга қулоқ солгин Ойдиной,
Армон билан қўлимизда ўлди-да.

Айтган гапинг, билгин, энди бўлмайди,
Бу полвонлар гапга қулоқ солмайди,
Эргашади, бул оркангдан қолмайди,
Биримизни дегин энди, Ойдиной,
Бойсин элдан бошқа киши келмайди.

Алқисса, Ойдиной Жайнок полвондан бу сўзларни эшитиб, бир хўмрайиб, қовоқлари уйилиб, бошига қон қуйилиб, бир нарса демай,

қайтиб ўтовга кириб, уруш анжомларини кийиб, тақдир-насибасини ейиб, кўзидан селоб ёшини қуйиб, курол-яроқларини қўлига ола берди. Шунда энаси: – Нима бўлди, жон болам, полвонлар кўрсатдими алам. Улардан қандай гап билдинг, уруш характини қилдинг. Булар кўп, сенинг бир ўзинг. Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди деган. Бир ўзинг нега тупроқ сочасанми? Булар кўп, кўзголса, бизларни оёқ ости қилиб кетади, баробар бўлолмаймиз, – деди. Ойдиной: – Жон эна, бу ишга аралашманг. Жоним танамда бор экан, ўзимни ҳам, элимни ҳам оёқ ости қилишга йўл қўймайман, – деб чиқиб, саман тулпорининг айилини қайта тортиб, устига бургутдай қўниб, Аймоқ полвонлари томон бора берди. Полвонлар қараса, бир эркак киши келаётибди. "Ёлғон гапириб, уялиб қолмасак эди. Бу тағин Ёдгор бўлмасин, – деб турса, эркакча кийиниб олган Ойдиной келаётир. Полвонлар энди Ойдинойнинг уруш қилишини билиб: "Бир қиз билан олишиб уятга қолдик, исноти бўлдик", – деб нима қилларини билмай турганда, Ойдиной полвонларга шу сўзларни айтиб турибди:

Эшитинглар, эй аҳмоқлар тилимни,
Ўтказиб бошимга роса зулмни,
Сўлдирган бўлсанглар тоза гулимни,
Ёдгорни ўлдирган бўлсанг, номардлар,
Бошларингга мен соламан ўлимни.

Ёдигорни келган бўлсанг ўлдириб,
Суюнчига келдинг яна билдириб,
Юрак-бағрим қора қонга тўлдириб,
Ёдгорнинг кунин солиб сизларга,
Бул найзамга олай баринг илдириб.

Ўз ҳолимга йиғлаб фиғон этарман.
Қиличимга қирмизи қон қотарман,
Қочганингни билгин, қувиб етарман,
Ёдигорнинг кунин солиб бошингга,
Чангалимга тушсанг, чирпиб отарман.

Зўрман, деб ўзингни аҳмоқ билибсан,
Ўлдирибсан, суюнчига келибсан,
Аниқ билдим, менга душман бўлибсан,
Ёдигорнинг кунин солай бошингга,
Битта қолмай, билгин, тайин ўлибсан.

Ўлдирибсан менга келган кишини,
Сенга қилай Рустамнинг савашини,
Раҳм қилмай, кесай душман бошини,
Ёдигорнинг кунин солай бошингга,
Энди кўргин Ойдинойнинг ишини.

Ёдигор деб билгин қонлар ютарман,
Хуни учун бу ёқангдан тутарман,
Суякларинг майда-майда этарман,
Ёдигорнинг кунин солиб бошингга,
Ушлаганим осмон кўкка отарман.

Эркак бўлиб бошга лачак илибсан,
Полвонлик номини булғаб келибсан,
Шуни билан мени олмоқ бўлибсан,
Ёдигорнинг кунин солай бошингга,
Бириинг колмай, ўларингни билибсан.

Мен айландим, номардлар, сенга караб,
Ўлиб кетган ёрининг хунин сўраб,
Ушласам, синдирарман белинг бураб,
Мард бўлсанг-ку, келгин энди майдонга,
Ўлдирай бўғизингга қилич тираб.

Баланд тоғлар боши доим чағирди,
Мард бўлсанг-да, келгин, деди, дўк урди,
Қон қилайин юрак билан бағирди,
Ёдигорнинг кунин солай бошингга,
Шакирлатиб қиндан садоқ суғирди.

Ойдиной хам, билинг, шундай алп кизди,
Бориш билан Жайноққа қўлин чўзди,
Ё пирим, деб полвонни отдан узди,
Айлантириб отди осмон фалакка,
Ҳайрон килди Ойдиной кўрган кўзди.

Яхши-ёмон бир томонга сурилди,
Нима бўлса тақдир, хақдан кўрилди,
Ёлғон гапга жазо бирдан берилди,
Айдарходай вишкиради Ойдиной,
Жайнок полвон келиб ерга урилди.

Бургут учар тоғнинг қия тошидан,
Полвонларнинг ақли кетди бошидан,
Бир қизнинг ғайрати, қилган ишидан,
Йўлбарсдайин ҳайқиради Ойдиной,
Жайноқ полвон тамом кетган ҳушидан.

Буни кўрган полвонлар ҳайрон бўлиб: "Отнинг устида шунча қилади, ерда бўлса ушлагани тайин ўлади, бир бало қилиб тўхтатмасак, бошимизни юлади", – дейиша берди. Шунда Жайнар полвон Ойдинойга қараб: – Ҳў, Ойдиной, сени синамоқ бўлиб хазиллашган эдик. Чиндан Ёдгорда кўнгли борми, ё бизларни лақиллатиб юрганми деган эдик. Бизлар сенинг Ёдгорингни қаердан биламиз. Ўзинг Ёдгордай нишонам бор деганингда бу номни эслаб қолгандик. *Ёдгор келса, аввал сенга келади-да*, – деди. Бу гапни эшитган Ойдиной шаштидан тушиб, хазиллашганига шунча аччиқ қилибман-да, деб Жайнар полвонга қараб: – Ҳў, Жайнар, хазилинг ҳам қурисин, ўзларинг ҳам бу ерда қуринглар, – деб отни буриб, уйига қайтди.

Аймоқ полвонлари ҳам Жайноқни амаллаб ўзига келтириб, отига миндириб, овулдан чиқиб кетди. Олти ой азоб чеккан касалдай бўлиб Жайноқ: – Ҳой, йигитлар, бу қиз билан яккама-якка дўғиша кўрма, кучи беҳисоб экан. Унга Ойқашқа полвондан бошқа бас келолмас экан. Ойқашқа тоғда ов қилиб юргандир, уни топмасак, бу қизга тенг келолмаймиз, – деб тоққа йўл олишди.

Эндиги гапни Ёдгордан эшитинг. Мана банди бўлганига ҳам йигирма кун ўтди. Нима қиларини билмайди. Сидиққа кимлигини айтай деса, душмандан кўнгли тўлмайди, у полвонларга айтиб қўйса, омон қолмайди. Шу ерда Арасхон Кўктош мамлакатига юриш қилганда, полвонлар асир олган, тўққиз ёшдан чўри бўлган подшонинг Гулойим исмли қизи бор эди. Ўн саккизга кириб, жамоли ойдай тўлиб, манман деган йигит ёрим бўлса деган камолга етган, аммо йигитлар кўрмасин, деб юзига тўққиз қават парда тутган, куни келганларга овқат пиширишга, йиғин-сидирга кетган, хизмат қилиш жонидан ўтган эди. Полвонлар Ёдгорни уйқуда боғлаганини, эртаси уйга қамаганини деразадан кўрган эди. Бу йигитни полвонлардан зиёд билиб, қаландарлигига ҳам гумон қилиб, бир кўриш иштиёқида юрган эди. Шу куни Сиддиқ Гулойимга боғ эшигини очмаслигини тайинлаб, зарур иш билан чиқиб кетди. Ёдгор ётган хона калити қаерда туришини билган Гулойимга фурсат етди. Хонани очиб кириб, Ёдгорга шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Элни кезар менман деган савдогар,
Қаторида тиркаб канча кора нор,

Ўзинг бўлса, дамга тортар айдаҳор,
Не сабабдан бу ерларга келдинг-да,
Тўғрисини айтгин менга, қаландар.

Бу бошингга канча савдо солибсан,
Қўлга тушиб, билдим, армон қилибсан,
Билмасин, деб сен қаландар бўлибсан,
Тўғрисини менга айтгин, эй йигит,
Не сабабдан бу ерларга келибсан.

Тўғри айтгин, ким эканинг билайин,
Бир худодан умирингни тилайин,
Гулдай бўлиб, бул олдингда сўлайин,
Тўғрисини айтгин менга, коплоним,
Сенга ўзим бир яхшилик қилайин.

Битта боғнинг сен ҳам лола-гулисан,
Бировларнинг жони билан дилисан,
Сўзлаганда ширин-шакар тилисан,
Тўғрисини айтгин менга, йўлбарсим,
Қайси элда қандай подшо улисан?

Мен билмадим сенинг хабар-хатингни,
Баён айла менга, шункор, зотингни,
Билайин-да, кўнглингдаги хитингни,
Қайси элда қандай подшо ўғлисан,
Нима дейди ўсган мамлакатингни?

Тақдиримда борин мен ҳам кўрибман,
Бир жонимни яратганга берибман,
Бир хизматкор, хизмат қилиб юрибман,
Тўғрисин айтай сенга, мард йигит,
Сен ҳам ғариб, мен ҳам бунда ғарибман.

Сарғайганда нурли бўлган юзиман,
Сўзлаганда ширин-шакар сўзиман,
Бу ерларда бир хизматкор тозиман,
Тўғрисини айтар бўлсам,полвоним,
Кўктош элнинг подшосининг қизиман.

Бошга Аймоқ бор аламни солди-да,
Пешонада киёматлар бўлди-да,
Жанг майдонда ота-энам ўлди-да,
Тўғрисини айтар бўлсам, баҳодир,
Тўккиз ёшда мени асир олди-да.

Шундан буён ғамда ҳар кун ўламан,
Булар душман, буни аниқ биламан,
Ўн саккизда ёшим, хизмат қиламан,
Тўғрисини айтсанг менга, мард йигит,
Гапларингни назаримга иламан.

Мен ҳам айтдим кўнглимдагт хитимни,
Тўққиз қават чиммат қоплар бетимни,
Хизматкор қиб, юлди тоза патимни,
Тўғрисини айтгин менга, шунқорим,
Гулойим, дер, билсанг менинг отимни.

Гулойим Ёдгорга яна: – Мени ўзингга душман эмас, дўст деб билгин, ишонмасанг, ҳусни-жамолимни кўргин, – деб бетидан тўққиз қават пардани кўтарди. Бирдан коронғи хона ой тукқандай ёруғ бўлиб қолди. Ёдгорнинг кўнглига ғулғула солди, айтгани рост экан, билди. "Энди бу қизга тўғрисини айтмасам бўлмас", – деб Ёдгор шундай сўзлаб турган экан:

Душман зоти сўлдиролмас гулимни,
Армон билан танг қилди-да холимни,
Мен садокка уролмадим қўлимни,
Гапларингга мен ишондим, Гулойим,
Бошларимга солармикан ўлимни?!

Нон сўраб-ку бу маконга келдим-да,
Бу бошимга ўзим кулфат солдим-да,
Душман экан, бойлаганда билдим-да,
Жасадингдан айланайин, Гулойим,
Уйқу ғафлат, мен армонда қолдим-да.

Тоғ бошини туман бўлиб чалдим-да,
Пирингман, деб бир чол чиқди олдимдан,
Пир экан, деб унга қулоқ солдим-да,

Олиб келди беш юз мерган устидан,
Ҳаммасининг калласини юлдим-да.

Сен билдирдинг, мен ҳам айтай зотимни,
Худойим ёзгандир тақдир хатимни,
Бойсин-Қўнғирот дейди мамлакатимни,
Кимлигимни айтар бўлсам, Гулойим,
Ёдгор дейди, билсанг, менинг отимни.

Қир-адирнинг яшнаб-ўсган гулиман,
Сўзлар бўлсам, ширин-шакар тилиман,
Ойбарчиннинг ёлғиз эрка дилиман,
Жасадингдан айланайин, Гулойим,
Бойсин элда Алпомишнинг улиман.

Бургутни эслатар, билсанг, келбатим,
Бойсин-Қўнғирот элат менинг давлатим,
Алп-шер бўб ўтган менинг авлодим,
Жасадингдан айланайин, Гулойим,
Аймоқ элга келган беш минг элатим.

Уларнинг ичида номусим, орим,
Ёшликдан тақдирда битилган борим,
Эшитсанг, Гулойим, эшиттин зорим,
Аймоқ элга келиб қолган экан-да,
Менга этак йиртиш қилинган ёрим.

Мен олдимда унинг хабар-хатини,
Ҳозиргача кўрмаганман бетини,
Душманлар ўчирмоқ бўпти кутини,
Айтар бўлсам, Гулойимой, ростини,
Ойдиной деб аташади отини.

Номардлар доимо мардни чалибди,
Элга душман қиёмат кун солибди,
Шу сабабдан мендай шункор келибди,
Айтар бўлсам сенга гапнинг ростини,
Менинг ёрим бунда талаш бўлибди.

Баланд тоғлар боши доим қояма,

Меҳнатларим, аттанг, энди зояма,
Тожу давлат бугун бошдан тояма,
Жасадингдан айланайин, Гулойим,
Ёрдамингни, жоним, мендан аяма.

Бу зиндонда иложсизман, нетарман,
Ёрдам берсанг, ширин жонни сотарман,
Қиличимга кирмизи кон қотарман,
Жасадингдан айланайин, Гулойим,
Ўн минг бўлсин, айдаҳордай ютарман.

Аттанг, дейман, юрак-бағрим сўтаман,
Иложсизман, бунда йиғлаб ўтаман,
Ғарибман-да, сендан ёрдам кутаман,
Жасадингдан айланайин, Гулойим,
Ўзим билан бирга олиб кетаман.

Гулойим бу сўзларни эшитиб: – Яхшиям қаландар кийимида бўлганингиз сақлаб қолибди. Сизнинг ким эканингизни мен билганда, полвонлар билмай аҳмоқ бўлибди. Сизни чиқариб юборсам, Сидиккa, полвонларга нима жавоб айтаман, – деди. Ёдгор: – Мен бу ердан чиқар бўлсам, полвонлар бу ерга қайта қадам босмай, жаҳаннамга йўл олади. Сиддиқ ака келса бир иложини қилармиз, – деди. – Бир жойдан чиқмай, душманларим хизматини қилиб ётгандан кўра, ўлганим яхши. Мана, чиқаман десангиз, эшик очиқ, – деди Гулойим.

Ёдгор чиқиб, Гулойимга: – Душманларимнинг ишини тиндириб, Ойдиной ва элим билан қайтишда сизни ҳам олиб кетаман, – деб ваъдани бериб, Бойчиборнинг эгар-абзалини созлаб, қаландар кийимини ечиб, совут–қалконларни кийиб, хайрлашиб, боғдан чиқиб жўнай берди.

Эндиги гапни Аймоқ полвонларидан эшитинг. Жайноқ бошлиқ полвонлар Ойқашқа полвонди Кенгтола тоғининг нариги сиртидан топди. Ойқашқа полвон йигирма йигити билан ов қилиб юрган эди. У Жайноқни кўриб: – Сизларни боғда кайф-сафо қилиб ётган бўлса керак. Биз ҳам отган оҳуларни олиб бориб, бир ҳафта дам оламиз, – деб турсак, нега бизга ўхшаб тентираб юрибсилар? Нима ишга келдиларинг? Назаримда анча илкув-силқув еб, эгасидан таёқ еган тозидай кўринасизлар, нима бўлди? – деди. Шунда Жайноқ полвон: – Сизни қараб юрган эдик, – деб Ойқашқага бир сўз айтаётган жойи:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер остида душман тани чирисин,

Илойим, полвонлик иши курисин,
Бир забардаст полвон қизга учрадим,
Меҳнатларим бу бошимдан арисин.

Полвонман деб, мен ҳам лоф уриб юрдим,
Аймоқда полвонлик гаштини сурдим,
Айлантириб ерга нечовни урдим,
Бир забардаст полвон қизга учрадим,
Полвоннинг зўрини шу қизда кўрдим.

Ойни хира қилар, қараса юзи,
Одамга чирпиллаб ботади сўзи,
Бошқа полвон зотин менсимас ўзи,
Бир забардаст полвон қизни учратдим,
Оти Ойдин экан, Шомурод қизи.

Ойдин, дедим, юрак-бағримни тилдим,
Қайсардай бу қизни юракли билдим,
Ишкида куйиб-ёниб, адо бўлдим,
Бир ажойиб полвон қизни учратдим,
Орқа қилиб, акажон, сенга келдим.

Ростин айтсам, келмас менинг қувватим,
Ҳосил бўлсин дилимдаги максадим,
Ўйласам, кўп бўлди юракда дардим,
Бир забардаст полвон қизни учратдим,
Полвон дедим, сендан бўлдим умидим.

Олишиб кўрмоққа хаёлим қочар,
Чангалига ҳеч ким бўлмасин дучор,
Аччикланиб отса осмонга учар,
Бир забардаст полвон қизга учрадим,
Чирпиниб душманнинг кафанин бичар.

Аччикланиб магар қилса сиёсат,
Қошида ҳеч кимда қолмайди тоқат,
Зўрлигига ақлим етмас, аломат,
Бир забардаст полвон қизни учратдим,
Бир йўликсанг, қутилмайсан саломат.

Уят деган ўлимдан ҳам қатти-да,
Қилган иши менга оғир ботти-да,
Тулпорига босиқ камчи чотди-да,
Келишидан шу ёқамдан тутди-да,
Ё пирим, деб фалак сари отди-да.

Рози эдим ўз полвонлик ишимдан,
Бундай изза бўлмаганман, акажон,
Душманимдан ёки тенгу тўшимдан,
Ерга тушиб, мен ўзимни билмайман,
Армон билан мен кетибман хушимдан.

Ака бўлиб, акалигинг билдиргин,
Мендай ғариб бу укангни кулдиргин,
Ойдинойдай гўзал қизни илдиргин,
Умидларим сендан катта, акажон,
Ойдиной устига уканг миндиргин.

Эшитинг-да, бу уканинг зорини,
Олиб бергин кўчманчидан орини,
Териб йиқар полвонларнинг зўрини,
Умид билан сизга келдим, акажон,
Олиб бергин Ойдинойдай парини.

Ойқашқа бу сўзларни эшигач: – Ҳў, полвонлар, қайси юз билан келгинди кўчманчининг қизидан қўркиб, бу ерга келдинглар? Тағин сизлар подшонинг атоқли полвонлари. Полвоннинг чангалига тушган қиз боланинг нима жони бор. Майдаланиб кетмасин, деб авайлагансизлар-да, – деди. Жайноқ полвон: – Ака, сиз у қиз билан дуч бўлмагансиз, қилган ишин кўрсанг, биласан, – деди. Ойқашқа: – Ўзларинг бир бадфеълсизлар. Тегинмай, сидирға юрсаларинг ҳам, отланиб чиқиб, сизларни қувалаб ура бердими? Улар бу элга суяниб келган, молларини ўтлатиб юрган мусофир одамлар бўлса, ҳар қайсинг бориб тегина бергансанлар. Бориб бир қиз билан уриш қилиб, унинг қайси кўрган, қайси шаҳрини оламан, деб аҳмоқ бўлиб юрибсизлар. Бир жойда экса ҳам, кўкармайдиган аҳмоқ экансизлар, – деди. Шунда Жайноқ повон: – Бу айбимизни ўзимиз ҳам биламиз. Унинг ўзини олмоқчи эдим. Қайтага сендан ёрдам сўраб келиб, кўп изза гапларни эшитиб кетадиган бўлдик, – деди. Ойқашқа: – Изза бўлманглар, менга орқа қилиб келган бўлсаларинг, майли, бораман.Аввал бизнинг қўшга юринглар, кийик гўштидан тандир кабоб қиб еб олайлик. Бу кеча кайф-сафо қилайлик, – деб кўноқ жойига олиб кетди, шу кеча ўтди.

Эрталаб полвонлар Ойдинойга бориш учун тоғдан чўлга ташлай берди. Шу вақт Ёдгор ҳам тоғнинг устидан чўлга томон дурбин тутса, ҳар жой, ҳар жойда уйлар кўринади. "Бу кўчманчиларнинг уйи бўлса керак", – деб Ёдгор ҳам чўлга эна берди. Ана шунда полвонлар билан Ёдгор дуч келиб қолди. Жайноқ полвон қараса, хонага қамаб қўйган қалandар, совут-қалқон кийиб келаяпти. Жайноқ полвон ҳамроҳларига: – Қалandарни кўлдан чиқармай ушланглар, яна қамаб ташланглар, – деб бакира берди.

Шунда Ёдгор полвонларга қараб: – Ҳой полвонлар, полвонликка доғ тушириб юрган иснотилар, мен ўзимни бир марта бойлатиб берганман. Энди бойлайман, деб аҳмоқ бўлманглар, йўлларингдан қолманглар. Ўзига ишонмаган киши бу ерларга якка келмайди, – деб шу сўзларни айтаётган экан:

Бойлаб ҳам кўрдинг қўлимни,
Бошга солай деб ўлимни,
Айланиб тўсма йўлимни,
Иложинг етмас, полвонлар,
Эшитгин айтар тилимни.

Эшитгин айтар тилимдан,
Ҳазар қилмайман ўлимдан,
Ҳар иш келади, қўлимдан,
Йўлимни тўсма, полвонлар,
Чиққанман Бойсин элимдан.

Билгин-да, хабар-хатимни,
Бойсин дер мамлакатимни,
Юлолмайсанда патимни,
Айланма, аҳмоқ полвонлар,
Ёдигор, дейди отимни.

Гап келар фақат тилингдан,
Адашма, юрган йўлингдан,
Қўркмайман, сенинг хилингдан,
Бойсиндан келган Ёдгорман,
Ҳеч иш келмайди қўлингдан.

Маъно чиқаргин сўзимдан,
Йўлбарс босолмас изимдан,
Қочирмайин-да кўзимдан,

Улоққан гала тентак кўй,
Қутулолмагайсан ўзимдан.

Кўнгилни килма тани хит,
Мениман бўлма, билсанг зид,
Ўрмалаб юрган, сассиқ бит,
Кирилиб қолма, гала ит...

Сенга ёпилган эшиклар,
Кирасан бўлса тешиклар,
Ҳолин билмаган ошиклар,
Менга тегинма, ўласан,
Сичкон овлаган мушуклар.

Сирлари менга аёнлар,
Керакмас ортиқ баёнлар,
Юриш-туриши зиёнлар,
Менга тегинма, ўласан,
Захринг ўтмайди, чаёнлар.

Ўткаролмайсан ишингни,
Йиғиштир бошга хушингни,
Кўрмайсан тенгу тўшингни,
Тегина кўрма, чўчқалар,
Титаман, билсанг, гўшингни.

Мендан бўлмаган аразлар,
Бўйга ишонма, дарозлар,
Роса бемаъни маразлар,
Менга тегинма, ўласан,
Гўнг титган гала хўрозлар.

Хаёли бошдан кочганлар,
Ажал тўнини пичганлар,
Мой деб, зардобни ичганлар,
Менга тегинма, ўласан,
Мушукдан кочган сичконлар.

Аймоқ полвонлари бу ҳакоратли сўзларни эшитиб, айникса, Ойқашқанинг аччиғи келиб: – Ҳў, полвонлар, бир келгиндидан шунча камситиш эшитиб, яна бойлаб, зиндонбанд этиб, энангга эр киласанми?!

Туман бўлиб бошини чалмайсанми, биргалашиб ўртага олмайсанми, калласини юлмайсанми, бошига қиёматни солмайсанми, полвонман, деб, подшо нонини еб, бундай ҳақоратни эшитгандан кўра, ўлмайсанми? – деди. Бу гапдан сўнг Аймоқ полвонлари Ёдгорнинг, Ёдгор Аймоқ полвонларнинг устига ташланаётганда, эндиги гапни бошқа ёқдан эшитинг.

Кўчманчилардан бири молидан хабар олиш учун чўлга келиб қараса, бир киши бир тараф уришни бошлаётир. Буни кўриб Шомуродга хабар бериш учун от чоптириб кетди. Шомурод йўқ экан, Ойдинойга айтди. Ойдиной совут-қалқонни кийиб: "Отам молдан хабар олиш учун кетган эди, полвонлар билан айтишиб қолдимикан ёки Ёдгор келдимикан?" – деб саман тулпорни миниб жўнади. Узоқдан дурбин билан қараса, бир йигит бир тараф, кўпчилик бир тараф бўлиб жанг майдонига кирибди. Ойдиной ҳам бора берсин.

Ёдгор билан полвонларининг бир-бирига ташланаётган жойи шундай экан:

Баланд тоғларда кор бўлиб,
Элатда номус-ор бўлиб,
Қатордаги нор бўлиб,
Биргалашиб бир бўлиб,
Ёдгорга ташлар полвонлар,
Бир-бирига тир бўлиб,
Ташланди майдон устига.

Нозик кўнгилни хушла, деб,
Қайтма, устига ташла, деб,
Ёмон қилиғинг бошла, деб,
Қўймайин энди ушла, деб,
Саксон кишига бир ўзи,
Устига лўкта ташла, деб,
Ташланди майдон устига.

Юраги борар ғалт уриб,
Чор тарафга бедов суриб,
Жонини жабборга бериб,
Умрида бунча гапни,
Эшитмаган қанча юриб,
– Ушла дейди-да, бақириб,
Ташланди майдон устига.

Ёдгорнинг гапи ўтди-да,
Гўштидан ўтиб, каранг-да,
Суяк-суякка етди-да,
Юрак-бағрини сўтди-да,
Аччиғи тоза келган-да,
Қону зардобни ютди-да,
Ташланди майдон устига.

Тоғларнинг боши қорадир,
Пўлат добилни урадир,
Тақдирда борин кўрадир,
Ёдгор шунқор турадир,
– Ушла, дейдида, полвонлар,
Ёзилмай, лўкта борадир,
Ташланди майдон устига.

Буқадай отлар сурилди,
Тақдир ҳақлардан кўрилди,
Мардлар майдонда терилди,
Ўлдир, деб буйруқ берилди,
Алин майдон, Рустам жанги,
Қаранг-да, чўлда қурилди,
Ташланди майдон устига.

Тоғларнинг боши чағирди,
Тани урманг-да сағирди,
Қон қилайин-да бугун, деб
Юрак билан бағирди,
Ёдгордайин айдаҳор
Қиличин қиндан суғирди,
Ташланди майдон устига.

Тоғдаги баланд қир бўлиб,
Кўнгли ўсган-да ҳур бўлиб,
Полвонлар келди зўр бўлиб,
Ташлаётирда Ёдгор,
Саксонга ўзи тир бўлиб,
Мисли қутурган шер бўлиб,
Ташланди майдон устига.

Атрофин олмокчи тўсиб,
Ўртага олмокчи қисиб,
Ёдгор эса кўнгли ўсиб,
Асли мард турами писиб,
Кетаётир калла кесиб,
Полвонлар колар қон кусиб,
Ташланди майдон устига.

Жўшқин дарёдайин тошиб,
Ҳо-холаб отин кўшиб,
Кетган тоза қони жўшиб,
Найза урар кўкрак тешиб,
Калласи кетган полвонлар,
Қола берди отдан тушиб,
Ташланди майдон устига.

Тоғ бетни туман чалди-да,
Отни майдонга солди-да,
Полвонлар тўзиб колди-да,
Неча полвонлар ўлди-да,
Дурбинда қараб Ойдиной,
Ёдгор эканин билди-да,
Ташланди майдон устига.

Қаторда тиркаб қора нор,
Элларни кезар савдогар,
Ташлатди, деб-да номус-ор,
Талашда колган эрка ёр,
Ўзи мисоли айдаҳор,
Калла кесади Ёдигор,
Ташланди майдон устига.

От майдонда озилди,
Туёқдан чиққан қора чанг,
Осмонга чиқиб сўзилди,
Садоқ сермалиб чўзилди,
Танадан калла узилди,
Бўгиздан қони изилди,
Ташланди майдон устига.

Ёдигор кўнглин хушлади,
Садоқни маҳкам ушлади,
Хумор кўзларни ёшлади,
Йўлбарсдай бўлиб ташланди,
Қайтмай устига ишлади,
Душманни кириб лошлади,
Ташланди майдон устига.

Ёдгор майдонга чақирар,
– Ушла, деб душман бақирар,
Жонини олар Ёдгор,
Душман айиқдай ўкирар,
Қайтмай садоқни сермайди,
Мисоли шердай бўкирар,
Ташланди майдон устига.

Адир жойлари жанади,
Ҳолини билган доноди,
Яратган бошга паноди,
Кўзи ловуллаб ёнади,
Ёдгор калла кесишига,
Ойдиннинг меҳри қонади,
Ташланди майдон устига...

Бир-бирига тушган гузари,
Ғариб ўлганнинг, дўстларим,
Бўлмайди асло мозори,
Гурзи, қиличлар сермалар,
Гулдай тананинг озори,
Қурилди жоннинг бозори,
Ташланди майдон устига.

Саврда ёққан жалани,
Душман қилолмас ҳиллани,
Кўрмаган бундай балони,
Вайрон киб кўнгил-қалъани,
Калла кесади Ёдигор,
Қонга бўяди далани,
Ташланди майдон устига.

Тақдир насиба қийилди,
Бошига осмон ўйилди,
Қони томирда суйилди,
Билакка кучи жийилди,
Адирга ўлик ёйилди,
Садоқ зарбидан сўйилди,
Ташланди майдон устига.

Олди-да номус-орини,
Қурди ажалнинг дорини,
Қўймади бирон тирини,
Қаранг, Бойсиннинг шерини,
Кириб тайлади Ёдигор,
Ўлдирди полвон барини,
Ташланди майдон устига.

Тоғларни туман чалмади,
Душман айтгани бўлмади,
Гапига қулоқ солмади,
Айдаҳор бўлиб ялмади,
Бир маҳал Ёдгор караса,
Биронта душман колмади.

Алкисса, Ёдгор полвонларнинг жонини олди, учов-тўртов кочиб колди, сўнг садокни кинга солди, қўшхонага йўл олди. Отнинг белини бўшатиб, хуржун-тўрваларни орта берди. Ойдиной хам отида Ёдгор сари ета берди. Ойдиной етиб келиб салом бериб, сўрашиб: – Ҳой йигит, ким бўласиз? Аймоқ полвонларида нима хусуматингиз бор эди? – деди. Ёдгор:

– Мен Бойсин-Қўнғиротдан келганман. Бу полвонлар ухлаб ётганимда, банди қилиб камаб қўйганди. Мени бу ерда кўриб, ушлаймиз деб устимга полвонлар ташланди, урушни ўзлари бошлади, охир-окибат кўрганингиз бўлди, – деди.

– Сўрамокка айб йўк. Аймокка Бойсин-Қўнғиротдан нима сабаб билан келгансиз? – сўради Ойдиной.

– Мени Ёдгор дейди. Бойсинда Алпомишнинг ўғлиман. Унаштирган ёримдан хабар бориб, келганимда Ойдиной ёрим ахтариб, шуларга дуч келиб, канча вактдан бери саргардонликда юрибман, – деди Ёдгор.

– Бизлар хам Бойсиндан келган кўнғиротлардан. Қариндош эканмиз, сиз бизнинг мехмонимиз.Сиз излаган Ойдиной эса, мен бўламан, – деб Ойдиной бошидан савсар телпагини олди, сочлари тўшигача ёйилди. –

Сизни кўп кутдик. Хуш келибсиз. Бу ерда қиладиган ишимиз қолмади. Суҳбатни уйда давом эттирамиз, – деб Ойдиной Ёдгорни эргаштириб кўнади.

Ойдиной ўтовни созлатиб, қалин кўрпачалар тўшатиб, қўша-қўша ёстиқларни ташлатиб, Ёдгорга: – Чарчадингиз, бир оз дам олинг, – деб чиқиб кетди.

Аймоқ полвонларининг ўлими, Ёдгорнинг келгани тезда тортгувлиларга тоза бўлиб, ёшу қари Шомуродникига келиб, Ёдгорни кўриб, элу юртини суриштириб, Алпомиш келганидан, Бойсин обод бўлганидан, Ёдгор уларни кўчириб кетмоқчилигидан қувониб тиллари сайраб, диллари ёйраб қолди. Шомурод элатига: – Ёдгорнинг келганини, полвонларнинг ўлганини Аймоқ подшоси эшитса, қўшин тортиб келади, нечовнинг ажали бўлади, тоза қиёмат бўлади. Нима қиламиз? – деди. Шунда элат гапни бир қилиб, тезроқ кўчиш пайига тушиб: "Кимки олдин кўчса, Кенгтола тоғининг устига бориб турсин. Уч-тўрт кунда ҳамма ўша ерда йиғилсин", – деб дуони қилиб тарқалишди.

Орадан тўрт кун ўтди, охирида Шомурод ҳам кўч-кўронини ортди, Ёдгор билан Ойдиной ҳам кўчнинг орқасидан жўнади. Ойдиной Ёдгорга: – Аймоқ полвонлари қўл-оёғингизни боғлаб қамаб ташлаганда, бир қиз кутқарди, уни ҳам олиб кетамиз деган гапингиз нима бўлди? – деди. Ёдгор: – Ҳеч кими йўқ Гулойимни олиб кетаман, Бойсинда унга акалардек меҳрибонлик кўрсатиб, яхшилигини қайтараман, – деган аҳдимни яхши сен ҳам эслатдинг, – деб иккаласи отини Арасхоннинг тоғдаги боғига бурди. Ёдгор боғ дарвозасини тақиллатиб уч-тўрт урди, Сиддиқ ака деб қичқира берди. Сиддиқ тиркишдан қараб, қаландарни таниб, дарвозани очиб: – Ҳў, Қаландар, бу гал иккита бўлиб келибсан, яна нонинг қолмадими? Қамоқдан чиқиб кетганингдан бери хайрият полвонлар қайтиб келмади. Келса, мени ўлдирарди", – деди. Ёдгор: – Полвонлар энди келмайди, сиздан мени ҳам сўрамайди, жаҳаннамга йўл олган. Бу ерга келишдан олдин Чандана чол билан беш юз мерган ўлган эди, – деди. Шунда бу гаплардан Сиддиқ кўрқиб: – Шу гапларинг ростми? Энди сен ўлдирмасанг, бир ўлимдан қолибман. Отдан туша беринглар, ҳозир овқат тайёрлайман, – деб шоша берди. – Эй Сиддиқ ака, мен сизни нега ўлдираман. Мени овқат бериб боқмасангиз, ўшандаёқ кўнглимга ёққансиз. Бир кун туз еган жойга қирқ кун сазом бер дейишади. Мен сиз билан хайрлашиб, Гулойимни олиб кетгани келдим. Гулойимни чақиринг, – деди.

Сиддиқ Гулойимга Ёдгор келганини, тайёрланиб чиқишини тайинлаб, Ёдгор олдига келиб: – Гулойимни олиб кетсангиз, жуда яхши. Ҳеч кими йўқ, менга суяниб қолган эди. Менинг ҳам ҳеч кимим йўқ. Ўлсам, мозорим ҳам бўлмайди, биров ису чироғимни ҳам қилмайди. Арасхон ўлдирмай

қўймайди. Гулойим ҳам бир ғариб, ҳали ўн гулидан бири очилмаган, полвонлар хизматини қилиб, ёруғ кунни кўрмади, ота-онаси ўлиб, кўнгли чўкиб, иложсизликнинг кунидан яшаб келаётган эди, – деди. Ёдгор: – Энди ўттиздан ошиб, нима қиласиз ўлимга шошилиб? Ҳеч кимингиз бўлмаса, бизлар билан юринг, ўзим хизматга тайинлаб Бойсинда уйлантириб қўяман, – деди: – Шундай қилсанг, умрингдан барака топ. Бир умрга хизматингни қиламан, – деб Сиддиқ кўзига ёш олди.

Шундай қилиб, тўртовлон кета берганда, Гулойим Ёдгорга: – Ойдиной йўлда деган эдингиз, йўқ-ку? – деди. Йигит кийимидаги Ойдиной: – Сиз сўраган Ойдиной мен бўламан, – деб телпагини бошдан олиб, сочини ёйиб юборди, сўнг яна йиғиб олиб, йўлда суҳбатни қилиб, Кенгтола тоғининг устига чиқса, бутун элат йиғилган. Улар Шомуроднинг қўнишига бориб тушди.

Шу кеча элат оқсоқоллари маслаҳатни қила берди. Йиғилганларга қараб Ёдгор: – Энди эрталаб юкни ортасизлар. Кенгтоладан ўтиб бошланадиган Сувсиз чўлнинг ўртасида чинор, чинор тагида булоқ бор. Шу ерга тушиб дам оласизлар. Сизларни беш юз мерган қўриқлаб кетади. Мен Арасхон қўшинини кутаман. Шомурод ота, сиз беш юз мерган билан даранинг тоғдан чиқишида қочиб борганларни қўймайсиз, – деди. Шунда Ойдиной Ёдгорга: – Ушбу дамни дам деманг, қилар ишни хом деманг, ҳисоб-китобни жам деманг, мени ҳам ўзингиздан кам деманг. Мен сиз билан қоламан. Аймоқ полвонларида тишим бор эди, армонда қолдим. Бир кишидан икки киши яхши. Сиртингизга душманни ўтказмайман, – деди. Шомурод: – Ҳў, Ёдгор, лашкар келар ё келмас. Ойдиной тўғри айтади, бир кишидан икки киши яхши. Иккингиз душман орқасида қолингизлар, мен даранинг оғзида туриб, қилар ишимни биламан, – деди.

Эрталаб элат жўнай берди. Ёдгор Гулойим билан Сиддиққа ҳам от топиб бериб, Гулойимга қараб боришни Сиддиққа тайинлади. Ойдиной билан ўзи булоқнинг бошига бориб, отларини қуюқ жангал ичига бойлаб, душманни кутиб ёта берди. Орадан икки кун ўтгансан, чошка-чошка сонсиз лашкар Кенгтола тоғининг устида кўрина берди. Алқисса, полвонларнинг ўлгани, Ёдгорнинг келиб, элини кўчириб кетаётгани Арасхонга етган эди. Аччиғи келган Арасхон кўчманчиларни ёш-қари демай қиришга, мол-дунёсини талон қилишга ўн минг лашкар жўнатган эди, шулар келиб етган эди. Ёдгор дурбин билан қараса, бўз отлиси бир бўлак, кора отлиси, жийрон отлиси, тўриқ отлиси, тарлон отлиси, саман отлиси бўлак-бўлак намойишга туғ кўтарган, саф тортиб келаётибди.

Шомурод ҳам дарадан лўкта чиқиб кетмаслиги учун даранинг оғзини арчаларни кесиб, шаббалаб беркитиб, беш юз мерган билан шинакда писиб ётган эди. Ёвнинг олди дарага кира берди, орқасидан ҳаммаси ияриб бора

берди. Ёвнинг бари дарага киргансан, Ёдгор билан Ойдиной ҳам отининг белини котириб тортиб, ёвнинг орқасидан ташлаб кетаётган жойи экан:

Нур ёғилар юзидан,
Ўт чақнайди кўзидан,
Баробар садоқ суғурди,
Тушди ёвнинг изидан,
Ташланди майдон устига.

Осмонда учар Қалдирғоч,
Учганда каноти қийғоч,
Оч бўридай ташлаётир,
Қўлида садоқ ялангоч,
Ташланди майдон устига.

Қаранг, бўйи бастига,
Азроил жоннинг қасдига
Икки айдаҳор бир бўлиб,
Ташланар ёвнинг устига,
Ташланди майдон устига.

Иккисин кўнгли ўсади,
Орқада йўлни тўсади,
Ўртага олиб қисади,
Ташланар душман устига,
Ташланди майдон устига.

Баҳорнинг ойи ҳамалди[р],
Садоқ садоққа ямалди,
Танг жойда душман қамалди,
Калла кесгани амалди[р],
Ташланди майдон устига.

Йўлбарсдай ташлар бўкириб,
Ўлар чўчқадай бақириб,
Ўлдик, дейди-да бу душман,
Бири бирини чақириб,
Ташланди майдон устига.

Осмонда балқир ёруғ ой,
Бандам деган-да бир худой,

Калла кесишга кулай жой,
Садоқ сермайди Ойдиной,
Ташланди майдон устига.

Душман ичини пиширди,
Ўлдик, деб душман бош урди,
Калла кесади Ойдиной,
Туғини тукка иширди,
Ташланди майдон устига.

Ойдиной келмас ҳушига,
Ҳеч ким ёнамас душига,
Қаранг-да, килган ишига,
Найза қадайди тўшига,
Ташланди майдон устига.

Қилар ишлари хом эмас,
Бу душман деб ғам емас,
Қарамай калла кесади,
Ёдгордан ҳеч кам эмас,
Ташланди майдон устига.

Очилар гулнинг ғунчаси,
Кирилди душман анчаси,
Ойдиной калла кесади,
Билмайди колган қанчаси,
Ташланди майдон устига.

Нозик кўнглини хушлади,
Лўкта лўктага нишлади,
Душманни қириб лошлади,
Йўлбарсдай Ойдин ташлади,
Ташланди майдон устига.

Баланд тоғдаги қир бўлиб,
Кўнгли яшнайди ҳур бўлиб,
Ёдгор шунқорга тир бўлиб,
Ойдиной ташлар шер бўлиб,
Ташланди майдон устига.

Баланд тоғларда бўктар қор,
Дамга тортади айдаҳор,
Бир томондан калла кесар,
Қўйма Ойдин деб Ёдигор,
Ташланди майдон устига.

Тоза қизиган жанг бўлди,
Душман аҳволи танг бўлди,
Садоқ зарбидан қанчанинг
Оғзи очилиб ланг бўлди,
Ташланди майдон устига.

Ёдгор шердай туради,
Қайтмай садоқни уради.
Чумчуқдай қилиб теради,
Садоқ теккани нуради.
Ташланди майдон устига.

Ойдин тулпорни суради,
Душман тақдирдан кўради,
Калла кетгансан танаси,
Типирлаб жонни беради,
Ташланди майдон устига.

Саврнинг ёққан жаласи,
Ўлдик, деб чиқар ноласи,
Қайтмайди, калла кесади,
Кетмайди душман ҳийласи,
Ташланди майдон устига.

Қўйманг, деб Ойдин шошади,
Қистаб бедовни қўшади,
Қутурган шердай жўшади,
Ўлиги тирикдан ошади,
Ташланди майдон устига.

Қилган ишлари ўртади,
Душманни ажал туртади,
Ёдгор мисли айдаҳор,
Ишқириб дамга тортади,
Ташланди майдон устига...

Дара буруксиб дуд олди,
Атроф-бошни ўт олди.
Оғзи катта паранг тўплар,
Уст-устига йўталди,
Ташланди майдон устига...

Букадай отлар сурилди,
Душман жазоси берилди,
Кўксига садоқ урилди,
Ярмидан кўпи кирилди,
Ташланди майдон устига.

Гул очилар айни баҳор,
Мой деб, душман ичди заҳар,
Калла кесар иккиси ҳам,
Бир-бирдан ўтган айдаҳор,
Ташланди майдон устига.

Қолмади душман мажоли,
Тўлди-да, бугун ажали,
Қаердан бино бўлди дер,
Худонинг бундай дажжоли,
Ташланди майдон устига.

Ташлайди икки зўрабор,
Душман бўлолмас баробар,
Қочиб кетолмас, дара тор,
Ўлдик, деб йиғлар зору зор
Ташланди майдон устига.

Туман бўб бошни чалди-да,
Бошга киёмат солди-да,
Менман деганлар ўлди-да,
Дара ўликка тўлди-да,
Ташланди майдон устига.

Кун ҳам оғишиб, туш бўлди,
Душман кирилиб гўшт бўлди,
Айрилув кийин иш бўлди,
Бари кирилиб лош бўлди,
Ташланди майдон устига.

Ўкиранади бедов от,
Тоза солди-да қиёмат,
Қочиб борганин отади,
Беш юз мерганман Шомурод,
Ташланди майдон устига...

Ўлдик деб ёвлар жилашди,
Эгасиз тулпор талашди,
Бирини қўймай қиради,
Дара ўликка қалашди,
Ташланди майдон устига.

Фидо бўлган азиз жонга,
Озор берди гулдай танга,
Танаси буланган қонга,
Душманлар тушди копқонга,
Ташланди майдон устига.

Бўлди-да, кўнгил хитлари,
Кўнгилдан чиқди-да зитлари,
Қирилиб душман ўлди-да,
Эгасиз қолди отлари,
Ташланди майдон устига.

Олди-да, номус-орини,
Қилди душманнинг корини,
Қўймайди тани бирини,
Қириб тайлади барини,
Ташланди майдон устига...

Садоқ уришдан толмади,
Айдаҳор бўлиб ялмади,
Шундай қараса иккови,
Биронта киши колмади,
Ташланди майдон устига...

Шундай қилиб, душмандан орини олиб, бошларига қиёматни солиб, чинор тагида тушиб ётган элатга бориб, ҳаммаси жам бўлиб, юкларини ортиб, йўлнинг танобини тортиб, Бойсин қайдасан, деб хайдай берди. Орадан икки ой ўтганда, элат ўзининг кадрдон жойи – Кўккамишга келиб, юкларини тушира берди. Шунда Ёдгор Шомурод билан маслаҳат қилиб,

Ойдинойга совчи юборадиган бўлиб, Бойчиборнинг белига миниб, устига бургутдай кўниб, Бойсинга жўнади.

Бойчибор Бойсинни кўриб, чариллаб кишнай берди. Бойчиборнинг кишнаган товушини эшитган элат Ёдгорнинг Аймоқдан келганини билиб, Ёдгорни ҳорманг килиш учун кела берди. Алпомиш билан Барчиной хам Ёдгорнинг келганини кўриб, иккиси хам ўрнидан туриб, кўришаётган жойи экан:

Тоғларнинг боши қоради,
Ёдигор шунқор боради,
Ота-онаси кўради,
Энанг ўлсин-да, болам, деб
Барчиной жойдан туради.

Алвондан-алвон дўнади,
Яратган бошга паноди,
Элатнинг ўзи доноди,
Энанг ўлсин, деб Барчиной,
Қучоғин ёзиб жўнади.

Бойсин-Қўнғирот хонаси,
Келди-да элнинг доноси,
Кўнглида йўқдир гинаси,
Энанг ўлсин, деб жўнади,
Ойтовкадайин энаси.

Белда бойланган пўтаси,
Бўлмади ишнинг хатоси,
Ўтган айрилиқ ситаси,
Келдингми, йўлбарс болам, деб
Жўнар Алпомиш отаси.

Нозик кўнглини хушлади,
Энасин кўриб Ёдигор
Хумор кўзини ёшлади,
Бойчибор тулпор устидан
Ўзини Ёдгор ташлади.

Адир жойлари жонади,
Кўрганнинг меҳри конади,
Меҳрибон ота-энади,

Энасин кўриб Ёдигор,
Кучоғин ёзиб жўнади.

Келар ўзининг таврига,
Энанг ўлсин-да, болам, деб
Куйиб-ёнади ҳоврига,
Келдингми, шунқор болам, деб
Ойбарчин босар боврига.

Сарғайди нурли юзим, деб,
Ўйилсин икки кўзим, деб,
Ўлмай кўрдим-да ўзим, деб,
Бағрига босар Ойбарчин
Келдингми, ширбоз кўзим, деб.

Очилган лола-гулим, деб,
Қурмалди кизил тилим, деб,
Майиб бўлмади белим, деб,
Бағрига босар Алпомиш
Келдингми, йўлбарс улим, деб.

Саврда ёққан жалам, деб,
Эшитди худо нолам, деб,
Ўзингсан қўрғон-қалъам, деб,
Босар бағрига Ойтовка,
Энанг ўлсин-да, болам, деб.

Ўпкаси куйиб чопишди,
Бағрига босиб капишди,
Юз-кўзларидан ўпишди,
Йиғлашиб ота-энаси,
Айрилганлар ҳам топишди.

Мана айрилганлар топишиб, бир-бириман қапишиб, оғиз-бурни, кўзи-юзидан ўпишиб ётганида, элат ҳам селов-селов тўп бўлиб, биргалашиб кўп бўлиб кела берди. Ёдгор ҳам элат билан кўришиб-сўрашгандан сўнг, элат Ёдгорга қараб: – Ҳў, Ёдгор шунқор, Бойсиндан бир ўзинг кетган эдинг, яна бир ўзинг келдинг. Қани, Аймоққа бордингми, элатни кўрдингми ёки Аймоқни топа олмай, бир ўзинг сўппайиб келдингми? – деб сўрай берди.

Шунда Ёдгор элатга қараб: – Ҳў элат, мени ҳам камситиб, устимдан кулманглар. Авлодим алп бўлиб ўтган. Отам Алпомиш. Аймокка ўтказдим

зўримни, Аймоқ полвонларидан олдим оримни, олиб келдим Ойдинойдай ёримни. Элатимни кўчириб, Кўккамишга олиб келиб жойладим. Ойдинойни ҳам шу ерга тайладим. Энди буёғи сизларда, совчи бўлиб бориб, тўю томошани қила беринглар, – деб бўлган воқеани айтиб берди.

Мана шунда Алпомиш элатига қараб: – Ҳў, элат, жарчи қўйиб, қўнғиротларни Бойсинга йиға беринглар, тепадан ўчоқни ўя беринглар, олиб келиб, сап чори, панжи қўйдан сўя беринглар, чодир-чаманни кура беринглар. Биз оқсоқоллардан беш-ўнта бўлиб, келган элатни ҳорманг қилиб, келинни ҳам олиб келамиз, бир ҳафта биргалашиб тўйни қиламиз, – деди.

Ана энди элат тўй тараддудини кўриш учун маслаҳатни қила берсин. Алпомиш Кўккамишга яқин яйловдан бир сурув қўйни ҳайдатиб, оқсоқоллар билан Кўккамишга бориб, келган элат билан кўришиб-сўрашиб, Ойдиннинг қалинига бир сурув қўйни бериб, ҳаммаларини тўйга айтиб, Ойдиной билан Гулойимни олиб, Бойсинга қайтиб келди.

Алқисса, Бойсин-Қўнғиротда катта тўй бошланиб, жарчилар тўсатма-тўсат, элатма-элат, қишлоқма-қишлоқ, яйловма-яйлов жўнай берди. Элат кўп, оқ чотир, кўк чотир, ҳаммаси ҳам бирдай чотир тикилаётир, катта-катта қўр қилиб тўшаклар тўшалаётир, сап калта бақалоқ, тор биқинли жувонлар катта-катта тандирларда патир ёпаётир, ўчоқлар ўйилиб, катта-катта қозонлар осилаётир. Элат селов-селов бўлиб йиғила берди, сап ҳисори, чори, панжи қўйлар, беш-олти яшар ҳўкиз, тайлоқ, лўқлар сўйила берди, келган элатнинг олдига дастурхон ёзиб, турли хил таомлар қўйила берди.

Ҳў, ойлар неча-нечага, сон теккан гала баччага, чопқиллаб, тўйга, деб чақираётир кўчама-кўчага, осмоннинг ёруғ ойига, етди кўнгилдаги ўйига, келин олиб келган уйига, жарчилар чақиради Ёдгор шунқор тўйига.

Ҳў, элатда кўпдир яхшилар, чевар, уста ҳам нақшилар, тўй бўлса, айтишув бўлади, деб дўмбирасини кўтариб кела берди бахшилар.

Мана тўй ҳам бошланиб, одамлар тўп-тўп бўлиб кела берди, келгани кўлигини бойлаб қўрга ўта берди, дастурхонлар ёзилган, турли хил таомларни торта берди. Бу дунёнинг нури сизу биз, сарғаймасин-да гулдай юз, таом келади изма-из, дастурхон устига тўкила берди соп сояки майда майиз. Таом келади дамба-дам, подшоликда нима кам, дастурхон устига ташлай берди чақилган писта, бодом. Кўпкари чопилиб, кураш ҳам бўла берди. Катта-катта барғилар тайлана берди, билаги тўла полвонлар қўрга айлана берди, отига, ўзига ишонган чавандозлар минг отнинг ичидан улоқ айириб, бўйлана берди.

Шу созда уч кун тўй бўлиб, тўй таркаб, элат ҳам кетди. Ёдгор ҳам Ойдиной билан айшу ишратини қилиб, мурод-мақсадига етди.

“ЁДГОР”
(достон)

Айтувчи: **Абдуқаххор бахши Раҳимов**
Ёзиб олувчи: **Абдиолим Эргашев**
Нашрга тайёрловчилар: **Абдиолим Эргашев ва Тўра Мирзаев**

Алқисса, бундан неча асрлар олдинда, уллардан ҳам неча-неча авлодлар шул орадан ўтганда, йиллар ўтиб, навбат келиб-келиб, бул ўрада қўнғиротларга етганда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ҳатто ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган мисли кўрилмаган бир воқеа Бойсин юртида бўлиб ўтди. Аслида Бойсинни ким билади, у қайси ўрада жойлашган эди? Эли юрти омонда, худо "ол қулим" деган замонда, қозоқлардан тўманда беҳила катта Бойсин-Қўнғирот музофати кенг кулоч ёзиб жойлашган эди. Шаҳар гўё кеча тушган келинчак мисол жозибали, кўзга яқин, боз тароватли, сози суҳбати бисёр мароқли гўша эди. Шаҳар ҳавоси беҳад тоза, сувлари зилоллигидан махаллий халқига маза, кундузги кўриниши эса *мисли жаннатдан андоза эди.*[1] Қўнғиротлар ўн олти уруғ жамламасидан тарқалган эл-элат. Бу элатда ҳар бир фарзанд етти отани билмоғи шарт. Шу боис Қўнғирот юртида қадимда Добонбий деган бий ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ул туғилди. Бул Алпинбийдан худо бериб, олдинма-кейин икки забардаст ўғил туғилди. Каттасига Бойбўри, кичкинтойига Бойсари деб улуғ ниятлар билан исм қўйди. Қарғанинг боласи қарға, бургутнинг боласи бургут, бойнинг боласи бой, мансабдорнинг боласи мансабдор бўлади деган гап қадимда айтилса ҳам рост экан. Аввалдан кимнинг кўри бўлса, унинг авлоди боз кўрли, камбағалнипг эса пешонаси шўрли бўлиб келаверар экан. Буни қарангки, Бойбўри юртта *шой бўлди*[2], Бойсари укаси эса дунёсининг ҳисобини билмаган беадад бой бўлди. Бориб-бориб, Бойбўрининг хотини ўғил туғиб, унга Ҳакимбек. Бойсарининг хотини қиз туғиб, унга Ойбарчин деб исм қўйдилар. Орадан йиллар ўтиб етти ёшида Ҳакимбек добраси донг қилиб, етти ўрада ном кўтарган алп бўлди. Сабаби у бобосидан Кўккамишда қолган ўн тўрт ярим ботмонли бринчдан бўлган парли ёйни даст кўтариб отди, ёйнинг ўқи Аскар тоғнинг бир чўққисини жулиб ўтди. Кейин одамлар *Ҳакимбек алп эмиш, алпмиш ва сўнг Алпомиш*[3] деб атай бошладилар. Алп – Алпомиш улғайиб камбағални хушлади, душманлар эса ғамдан кўзини ёшлади. Оқибат Алпомиш билан Ойбарчин бўй етиб, икки амаки бош қўшди. Барчиной кирқ кулоч тим кора қундуздай сочини Алпомишнинг бўйнига эшди. Замон доим ҳам бир текис, бир меъёрда кетмас, ҳар куни ҳам шодлик билан ўтмас, лекин бу дунёнинг ташвиши кетмас экан. Орада, Алпомиш ёри Барчиной ва

қайнатаси Бойсари бир гап билан Бойсин-Қўнғиротдан кетганда, Қалмоқ юртига етганда "Султон суягини хўрламас, эт-суягимни олиб келайин" деб ота юртга кетган эди. Шунда Алпомиш Бойсинга бир келиб, қайнанаси ва ёрини, барча кирдикорини ташлаб кетди. Отаси Бойбўрининг кистови билан қайнатамни олиб келайин, деб яна Қалмоққа етди. Қайнатаси Бойсарини Қалмоқдан Бойсин-Қўнғиротга жўнатиб турганда жодугарларга алданиб, чакка тушган, нон-насибасини шу зиндонга етти йил қўшган эди. Давр айланиб келиб, Алпомишнинг қули Ултонтоз элга шу орада шоҳ бўлган, лекин бу даврда Барчинойга ҳам худо бир ўғил берган эди. Миш-мишларга қараганда, отаси Алпомишни одамлар ўлган дейди, мабода ўлган бўлса отасидан ёдигор бўлсин деб отини Ёдгорбек қўйди. Ана шундай қилиб, Ултонтоз Барчинойни оламан, мен унга муносиб эр бўламан, Алпомишдан қаерим кам, мен ким, у ким деб неча йиллардан берман ололмай ётди. Охири иложи етмаган Ултонтоз Алпомишнинг жиқ кетган томири борма, қариндоши борма, ота-она уруғи борма, ҳар томонга нўқат тайлагандай чачаётган палла биз сўзламоқчи бўлган воқеа содир бўлган эди. Бойсин-Қўнғиротнинг султонқули Ултонтоз барча жиғадор, амалдор, акобир бекларини ҳузурига чорлаб, бурнидан терлаб, шу талатўпда амр қилди. "Алпомишнинг хеш-ақрабларидан яна ким қолди, топасан, айтганингга кўнмаса, калласини чопасан, учасига нўғай этик билан қарсиллатиб тепасан, уйига ўт қўйиб, ўчгандан кейин сув сепасан, ҳурилиқа қизларидан топсанг, менинг рухсатим билан ўпасан", – деб сўзлаётган жойи:

Қаҳарланиб ўч оламан элимдан,
Қобоқ уйсам заҳар томар тилимдан,
Не истасам ҳар иш келар қўлимдан,
Сўзлайдиган одамзотда тил бўлсин.

Кетар бўлса кимхоб тўни мўл бўлсин.
Алпомиш ўлганин бугун билдирай,
Боз устига қулоқ солгин, жаллодлар,
Тирқираган Қўнғиротдай эл бўлсин.

Кўзидан тўкайин селоб ёшини,
Танадан узайин гавҳар бошини,
Барчиной писанда килмас султонин,
Муз топиб ишқайин кордай тўшини.

Қор ёққанда карвон солар чийирни,
Бўри жутар қўйдан жулган туйурни,

Алпомишдан зиёд кўрмай ўзимни,
Қулга айтинг, тиймайман деб буюрди.

Хазон бўлмай боғда гуллар сўларми,
Тик қўрғонлар бели синмай қуларми,
Алпомишга умид боғлар занана,
Ўлган одам элга қайтиб келарми?

Мен ҳайқирсам дарё қайнар пишқириб,
Бир силкинсам шамол жўнар ишқириб,
Кимлигимни кўрсатайин Барчинга,
Мени кўрса қочиб юрсин тушкириб.

Алпомишнинг бор зотини қувинглар,
Зўми бўлса аямасдан бувинглар
Менинг учун хўп дегунча Барчиной,
Яхшилик, яращик сўздан сувинглар.

Алқисса, Ултонтоз амри фармонни аямасдан босаберди, уккағарнинг кўкраги Аскар товдай ўсаберди, бу фармони билан Алпомиш авлодларининг кўкайини кесаберди. Қул қутурса қудукка қармоқ ташлайди, деганидай Ултонтоз ҳам ўзининг нон-туз берган овулига чопаверди. Уруғи–авлодидан доно ўтмагандан бек чиқса, у аҳмоқлигига бориб, аввал овулига чопади. Уруғи-авлодидан доно ўтганнинг зотидан бек чиқса, у аввал элининг ор-номуси учун чопади, деган ҳикматлар айни ҳақиқат экан. Ултонтоз ҳам Алпомишнинг бор уруғ-аймоғини топиб пирори қилди, чил тўзигандай қилиб тўзитди, баччагар. Бу фармондан кейин ясавул, миршаблар Бойсин музофотининг барча жабҳа, даҳаларини ахтариб келиб, Алпомиш уруғларидан хеч кимни тополмай мустар қайтдилар. Шунда Ултонтоз: – Ҳей, содиқ қулларим, наҳотки Алпомишнинг томиридан хеч ким қолмаган бўлса, – деди. – Эй, Ултонтоз бегим, қўштамғали қўнғиротдан бир киши ҳам қолмабди, бари шаҳардан ташқарида абгор, чўпон ва девона бўлиб юрибди, фақат сизга нур сочиб, ойдай балқиб, қанингингиз Барчиной қараб турибди, – деди бекларидан бири. – Йўқ, – деди Шермамат қовчин – мен уч кундан бермай қарай-қарай тортувлидаги Шомурод билан Алпомиш, хотини Ойжамол билан Барчиной бир вақтлар этак йиртишиб қуда бўламиз деган ваъдасини топиб келдим. Хабарингиз бор, бек, Барчиной ўғил кўриб отини Ёдгорбек, Ойжамол қиз кўриб отини Олтиной қўйган. Бу ваъдани Алпомиш билан Шомурод ҳам қилган. Лекин Алпомиш Қалмоқдан келмади. Орадан беш-олти йил ўтиб, Ойжамол

бир неча кундан бери Барчинойникига бориб келаяпти, йигит билан қиз камолотга етиб, гуноҳдан соқит бўлаяпти. Шулар бориб-бориб қуда-андуҳ бўлиб, иноқ бўлса, кейин тортувли ҳам сизга душман қайтса, мен шундан хавфсирайман.

– Мана бу гапдан эҳтиёт бўлинг, уч кун ичида тортувли уруғини Бойсиндан бадарға қилиб кўчиринг, иложи бўлса изини ўчиринг. Менга Барчинойнинг ғалваси ҳам етади, – деди Ултонтоз шаввоз.

– Эй, улуғ султон, хўп десангиз, юртга ғовға қилиб ётмай, элни ҳуркитмай, ортиқча шов-шув қилмай, тортувли уруғини мана бундай қилиб кўчирсак, нима дейсиз, – деб Шермамат қовчиннинг фикр билдираётган жойи:

Ғовға билан келар менинг давроним,
Жанжал бўлса наъра берар фармоним.
Чилла келса маст бўридай улийман,
Бир маслаҳат чиқиб қолди, султоним.

Ғайратимдан нобуд бўлар аждаҳор,
Син-симбатим қуёш билан баробар,
Шоҳлик шавкатларинг бўлсин зиёда,
Шул соҳада менинг айтар арзим бор.

Илми ожиз равшанлик не кўролмас,
Ёлғиз одам даврон берсанг, суролмас,
Тортувлига ўлпон солсак, султоним,
Дорга тортсанг, бир дирам ҳам беролмас.

Майдонида сотилади ширин жон,
Зулфикордан сизиб окар қирмиз қон,
Ўлпон солсак бу уруғнинг жамига,
Тоғу тошга қочиб кетади, сарсон.

Гул даврада гулгун шароб ичилар,
Қайғу кетиб дўстга кучоқ очилар,
Сиздан-биздан хафа бўлмай бу уруғ,
Ҳар селгага тариқдай бўб сочилар.

Тулпор отлар ўру қирга баробар,
Номус-орин сотармикан зўрабор,
Ўлпон солиб азобини берайин,

Ўз-ўзидан вайрон бўлсин кирдикор.

Ёдгорга кизин бермай сўтилсин,
Куда бўлмай ҳар жилғага отилсин,
Қизи бўлса бизга берсин, бадкирдор,
Азоб берманг, ўз тилидан тутилсин.

Алқисса, Ултонтоз: "Қобладаги очкўз беклар, Алпомиш билан қуда бўлишни бу тортувли уруғ билиб қўйсин, уккағарларга етти йиллик ўлпонни солиб, тариқдай қилиб, Бойсиндан тирқиратинг", – деб бир тўхтамга келди ва эртасига беклар тортувли уруғининг устига ўлпон деб от солди.

Ана энди гапни тортувли уруғининг пеши, жойироғи Шомуродбойдан эшитинг. Ҳар куни Ултонтознинг чопарларидан, ясовул мирғазабларидан безор бўлган Шомурод хотини Ойжамолни ёнига чорлаб, бўйнидан терлаб, Ултонтознинг уруғ-аймоғини сўкиб, хўрлаб, икки оғиз гап ташлади ўзини зўрлаб:

Яшин тушса гулдай сўлган тарзим бор,
Яратгандан намоз, рўза қарзим бор,
Мени десанг кулоқ солгин, Ойжамол,
Қўлқам тирнаб айтадиган сўзим бор.

Маъқул одам ўз ҳолини билади,
Ўн бешида тўлин ойлар тўлади,
Неча кундир ором бермас Ултонтоз,
Окибати бир кун вайрон бўлади.

Фарзандининг ота бошин силайди,
Куйган одам хўрлиги кеб жилайди,
Уч кун бурун ўлпон солиб Ултонтоз,
Етти йиллик бож-хирожни тилайди.

Қобирғалар арпа нонга шилинди,
Тамоғимиз так-так гардга тилинди,
Воҳ дариғо, пешонамиз шўр экан,
Алпомишнинг найлай ўрни билинди.

Куда бўлмоқ учун қўлни бербедик,
Ё насиб деб хурсанд бўлиб юрбедик,

Қалмоқ юртдан келмай кетди Алпомиш,
Барчин ўғлон, ўзимиз қиз кўрбедик.

Даврa келса, ғайбар гапдан жўшаймиз,
Қариликда симоб каби бўшаймиз,
Берган ваъда нима бўлар, Ойжамол,
Базнинг уруғ шарполганга ўхшайди.

Ҳарна бўлса Ҳақдан бўлсин адолат,
Бошқа юртга кўчмоқ истар кайфият,
Ҳалол лафзим чайқайинми, Ойжамол,
Сен ҳам одам, менга бергин маслаҳат.

Алқисса, бу гапдан кейин Ойжамол: – Ҳа, тўрам, юрт нотинч, эл-юрт алғов-далғов, беклар камбағалдан етти йиллик ўлпон талаб қилаётир, бу азобнинг сабабини билолмай тортувли уруғ хайрон бўлаётир, бебитираклар ўлпон бермаса, Ултонтознинг жўпқарчилари уларни аямасдан солаётир, таёқ кўтаролмаганлари жойида таппа-таппа ўлаётир. Лекин оксоқол, гапга етарларимиз "Алпомиш келгунча Бойсин-Қунғиротдан кўчмасак, баримиз қирилиб кетамиз", – деб маслаҳат қилаётир. Сиз Алпомишбек билан *тайлашган бўлсангиз*[4], мен Барчиной билан қулинлаганимизда, гўдакларни бир жойга ўтирғизиб қўйиб, "этак йиртиш" қилиб қўйбедик. Нима иложимиз бор, ниятимиз бўлмади, – деди афсус-надомат билан хўрсиниб. – Тўғри айтасан, Ойжамол, "чўкни қўзғасанг ўчади, элни қўзғасанг кўчади", – деган гап рост экан. Ултонтоз жўпкарчилари билан якка бизнинг уруғни қўзғаётир. Энди тортувли кўчади. Боболаримиз ҳам тувадиган товуқдай тарбанглаб қолди. Мен айтмасам ҳам ҳамма гапдан хабаринг бор экан. Энди ваъдани нима қиламиз? Агар хўп десанг, Барчинойнинг олдидан бир ўтсанг, нима деб маслаҳат берар экан. Мардонаси йўқ уйга мен борсам одобдан бўлмас. Барчинойга маъқул бўлса, ўзидан ортган давлатидан Олтиной учун бериб турса, биз Алпомиш келгунча Ултонтознинг ўлпонидан кутилиб турсак-да, Бойсиндан кўчмасак. Чунки у кўрли бойбича. *Бачалар одам бўлгандан кейин қалинга синдирамизда*.[5] Агар Барчиной мол ёки пул беролмаса, кейин биз ҳам кўчиш чорасини, тайёргарлигини кўрсак, элга қўшилиб юрсак, тортувли каёкка борса, қизимиз Олтинойни олиб биз ҳам борсак, нима дейсан, – деди Шомуродбой. – Нима ҳам қилар эдик, отаси, – деди Ойжамол, – эскида камбағални урма, сўкма, уч марта кўчириб қўй-да, кейин томоша кил деган. Лекин чорамиз йўқ. Ургандан сўккан ёмон, таёқ гўштга етади, конкув гап суякка. Улар яна шундай деганки, тўрам, чангчувдан – конкув

ёмон. Бўлмаса, мен Барчинойнинг олдидан бир ўтайин, Олтинойни бир эслатиб кетайин, – деб иккита нонни бир дастурхонга ўраб, қошига суяксиз майизларни тугиб, устига бачки ташлаб, буклади. Дастурхонни қўлтикка қисиб, ўзиям гулоб сасиб: "Алпомишнинг ҳурматига қиз томондан ул томонга бориш одобдан бўлма-са ҳам, Барчинойни бир кўрайин, хўп деса, меҳримни берайин. Ёшлигимда Алпомишга суқланиб бир қараганимда мийиғидан кулиб қўйбеди, боз шунинг ҳурматига ё ўғил, ё қиз куда бўлайин деб ният қилбедим. Ҳам шунинг ҳурматига олдидан бир ўтайин", – деб ўйлаб, боғ-чорбоғли, кўшкили ва деворига накш суғилган ғам тўла қасрга жўнаб кетди. Улар Барчиной билан қудачилик ва қалин тўғрисида узоқ суҳбатлашди. Хотин хотинни кўрса, чакаги очилади деган гапда жон бор экан. Уларнинг суҳбати пешинга бориб охирлашди. Шунда Барчиной Ойжамолнинг "Нима дейсиз?" – деган лукмасига қўйидагича жавоб бераётган жойи:

Ичим ғамга тўладир,
Кўзларим нам бўладир,
Тўрам келмаса, опам,
Шул кун Барчин ўладир.

Кўзим ҳамон йўлида,
Қалбим Қалмоқ элида,
Дилимга орзу сиғмас,
Мен ҳам худо қули-да.

Дунёдан тоқ ўтаман,
Ёрга жоним сотаман,
То ўлгунча, опажон,
Алпомишни кутаман.

Ултонтоз қийнар жоним,
Ҳар кун бузар оромим,
Тожу давлат керакмас,
Фақат тўрамдир камим.

Садоқатли содиқ ёр,
Бир умрга вафодор,
Бўлайин деган эдим,
Мендай шўрли зулфақдор.

Ёлғиз болам Ёдигор,
Минг йигитга баробар,
Улғайганда не дейди,
Ўзидадир ихтиёр.

Олтинойни бил десам,
У ҳам тоза гул десам,
Севганим бор деб қолса,
Опа, аҳвол шул десам.

Сизларга ҳам ботади,
Ўртадан гап кетади,
Ундан кўра, опажон,
Сўнг ўзлари айтади.

Холим хароб кун сайин,
Жоним опа, қайтайин,
Рухсат бўлмай тўрамдан,
Қалин беришим қийин.

Лекин юртни ташламанг,
Ўзга элни хушламанг,
Бу юртдан гулни ташлаб,
Ундан тикан ушламанг.

Сабру токат рохатдир,
Сабрсизлик кулфатдир,
Ой нечадан кўнади,
Юринг – кўчиш меҳнатдир.

Кўчиб юртга зор бўлманг,
Бундан баттар хор бўлманг,
Полвонларга овунчок,
Пешонаси шўр бўлманг.

Мусофир бўлганимдан,
Юртга зор қолганимдан,
Сизга сўзладим, опа,
Эл деб бўғилганимдан.

Ватандан кетмоқ ёмон,
Ўз юртин сотмоқ ёмон,
Азоб еб, қайтганида,
Халққа юз тутмоқ ёмон.

Аллақисса, бу гапдан Ойжамол тутақди, аёллигига борди. "Тешик мунчоқ ерда қолмас, ерда қолса кимлар олмас, бу тул бевани ноз қилишига қаранг, менга сабоқ беради", – деб шарта жойидан туриб, ўнгирини қоғиб-қоғиб жўнаб кетди, эри Шомуроднинг олдига етди. Шунда Шомурод хотини Ойжамолдан ҳамма гапни эшитиб, унга тишининг оқини кўрсатмади, миқ этмай хаёлга ботди. "Барчинойнинг ҳамма гапларида жон бор. Вояга етмаган Олтиной учун қалин олиб, етти йиллик ўлпон тўлаб, жон сақлаймиз, деб Барчинойдан ёки бир бевадан мол сўрашимиз ноўрин. Мабода ёшлар каттариб, юлдузи юлдузига тўғри келмай қолса, унда нима қиламиз, қўлингдан мол-дунё кетди. Барчиной, энди орамиз очиқ, деб айтишимиз ўлимдан ёмон. Ёдгорбек ҳам ҳали полопон бир гўдак-да, жанги озиб-жозиб ёши олтидан ўтаяпти, отасининг Қалмоққа кетганига ҳам еттинчи йил кетаяпти. Лекин нима бўлганда ҳам одамнинг лафзи ҳалол, Алпомишдан бирор хабар бўлгунча мен ваъдамда турганим турган", – деб эртаси катта пешинда тортувли уруғи Бойсин – Қўнғиротдан "Ҳарна бўлса Худода қолди ихтиёр, тавакалнинг ишини ўнгга бошқаргин Худо, адашганнинг Хизир бўлар йўлдоши, ё Шайдулло", деб кун ботишда кўчиб жўнади. Шунда кўч Кўккамишдан нармон тайлаб жўнаганда, уларнинг олдидан қўш отли қобоғини уйган, бошига сочини жийган, унинг устидан қундуз телпакни бостириб кийган, эгнида йигитларга хос баҳодирлик либосини кийиб, белини маҳкам бойлаган бир нотаниш кимса равона бўлиб: – Бева бошим билан бир ўзим подшога тенг бўлиб, номусимни сақлаганда, сизлар катта уруғ бўлиб, ўлпонни баҳона қилиб, Ватанни ташлаб кетмоқчимисизлар, қайтинглар, – деб қичқираётган жойи:

Остимда ўйнайди араби тулпор,
Қул баччам ўзимга бўлган харидор,
Юртни ташлаб қайга кетиб борасиз,
Тортувлидан чиққан гала зўрабор?

Қалбимни кемирса ғам тўла ғубор,
Рўзғорим кўпкари, гул танам бозор,
Шунда ҳам малъунга тикка боқаман,
Мен учун ҳар куни душман гўр қазар.

Минганим доимо киз белли тулпор,
Қулоғи қўш минор, жоли гажакдор,
Ўлпон деб ватандан кимлар кетади,
Ёки мунофиқлар, ёки хизматкор.

Гулни кўрса чарх урали булбуллар,
Ҳикмат сўзлаб чарчамасни бу тиллар,
Хўп десангиз, орқа қайтинг, тортувли,
Азоб тортиб қийналмасин кўп эллар.

Зар қадрини заргар билар, боболар,
Юрт қадрини кўчган билар, боболар,
Алпомишни ўлган деманг, акажон,
Ойдай бўлиб тўлиб келар, боболар.

Вақти келмай осмонда ой ботарми,
Қўркқан одам бошга совут тутарми,
Не тилакда кетаяпсиз, халойиқ,
Тирик одам элни ташлаб кетарми?

Шамол турса тенгсалади арчалар,
Куёв келса чертилади дарчалар,
Бу кетишдан ҳикмат йўқдир, ёронлар,
Азоб тортар фақат момо, бачалар.

Иймонини сотган элдан кетади,
Очкўз одам нени топса жутади,
Боболардан чиқмадими маслаҳат,
"Ё раббим" деб элга қайтсак қайтади.

Алқисса, бу гапдан тортувлининг чоллари ўрлик қилаберди, кўчнинг олдида равона бўлиб турган кимса Барчиной эканлигини гап сўзидан, жасоратидан аниқ билаберди. Аёлнинг от минганини кўрмаган эркагу хотинлар Барчинойдан ҳайрон қолаберди. Шунда элимизга қайтсакма, қайтамиз деб боболарга айтсакма, деб фикр қилиб турбеди халойиқ, Шеран қайсар ўртага чиқиб: – Ҳой Барчиной, мана шул талотўпларнинг бари сен туфайли, сен на эрга тиясан, на элни тинч қўясан. Етти йилдан берман бўлаётган ғовғага ким айбдор? Энди бизни тинч қўй, иссиқ ўринимизни, ўлан-тўшагимизни Аймоқ музофотидан топайлик, нима дейсиз боболар, – деб элга қарали. "Барчиной тортувлини йўлдан қайтарибди деб яна

Ултонтоздан инъом-эҳсон олмайик" фикрида боболар: – Энди йўлдан қайтмаймиз, – деди. Иккинчи тулпорда отланиб турган ёш Ёдгор паҳлавонларга хос матонат ва шижоат билан онасига қараб: – Эй энажон, ўз ватанини ташлаб чиққан кимсадан садоқат, элга эътиқод кутасизма? Шеран қайсарга ўхшаган мардумлар, элни бузиб йўлдан чиқарган кимсалар якка теракка ўхшаб, на мева солади, на элга соя беради, кетдик, – деб отнинг бошини Бойсинга қаратиб бурди. Отаси Алпомишга ўхшаб турган сини-симбати, келбати ва гаварасига сиғмаётган ғайрати, боз ақл заковати барча элни лол қолдирди. "Яна тўрт-беш йилда энасини хор килганларни бу бола абгор килади", – деб боболар оркасидан дуо килди. Туянинг устида ўтирган Ёдгор тенги Олтиной эса, худди йўқотганини топган мисол беихтиёр олдинга талпиниб, акасидан ажралаётгандай йиғлаб юбораёзди. Шу пайт кўч Аймоқ элга жўнади, деган кичқирув бўлди:

Нор туялар йўлни бошлаб,
Тортувли кўчиб жўнади.
Ўз элини ўзин ташлаб,
Тортувли кўчиб жўнади.

Топган одам туясида,
Отли, эшак биясида,
Қўчиб борар Аймоқ элга,
Тойлар кўчнинг соясида.

Сурув-сурув сигир, инак[b],
Ширбоз қўзи йўлда қўнок,
Кетиб борар хайҳайлашиб,
Мол-мулкини килиб санок.

Тўда-тўда эчкиларни
Дам олдириб кечкиларни,
Катта уруғ жўнаётир,
Писанд килмай кўчкиларни.

Терскай бетда дирдирашиб,
Чувоқ жойда чулдирашиб,
Кетаётир шераматлар,
Семиз қўйи гилдиришиб.

Чори қўйи чайқалишиб,
Қўтир қўйлар суйкалишиб,
Мангирашиб қирдан ошар,
Эчки совиб мой қилишиб.

Ирғай таёқ қўлларида,
Аркон, пичоқ белларида,
Элни ташлаб кетиб борар,
Чарчаб Аймоқ йўлларида.

Отга минишиб бойлари,
Сурув ҳайдаб гадойлари,
Чанг жутиб кетиб боради,
Билиниб босган жойлари.

Аёли бола суйишиб,
Зерикса чолга тийишиб,
Бойсаридай бўлдик-да, вох,
Қаранг бизларга дейишиб.

Ҳолини билган доноди,
Неча жойларга қўнади,
Дамини олиб тортувли,
Саҳарлаб кўчиб жўнади.

Бегона элга ҳавасда,
Юриб баланд ила пасда,
Борса кўради ўзгани,
Меҳри қонади бир пасда.

Йўлни тортади чувлашиб,
Жилғадан қўйни сувлашиб,
Ошаберди ўрдан, қирдан,
Мол-молларини тирлашиб.

Боболар ҳолдан тойишиб,
Бошин эгарга қўйишиб,
Дами ичида айтолмай,
Бекор қилдикда дейишиб.

Йўлнинг азобини билишди,
Доду фарёд ҳам қилишди,
Беш кеча дамни олмоққа
Оқсоқоллари келишди.

Алқисса, Шомурод: "Ҳов оқсоқоллар, отаси ўлган ҳам дам олиб жилайди, етамизда Аймоқ элга", – деб ҳар ер, ҳар ерга қўш тайлашиб, кенгиш селгани эгаллашди. Эл кўрган одамлар эртасига: "Кун ботишга кетсанг, Қалмоқ кетасан, тескари юрсанг, Бойсин етасан, сўлга юрсанг, Хитой ўтасан, ўнга борсанг, Аймоқдан озиқ ютасан. Мана қўй оёғи билан қирқ кеча-кундуз йўл тортдик, яна ўнг юрсак, Аймоқ элига душғол бўламиз", – деб ҳар ердан чапараста гурунгни ураётбеди, шу вақ катта қирнинг орқасидан чақмоқ чаққандай, ер кўчгандай, тоғдан тош гилдирагандай, ёки бехосдан минг йиллик арча қарсиллаб сингандай бир тулпорнинг шиддатли дупири эшитилди. Ҳамма беихтиёр жимиб қолди. Шу пайт омонат турган тоғ чўққилари сойларга қулайберди, ер зилзила тортаберди, тортувлиларнинг от йилқилари, қўй-эчкилари чориллаб кишнашиб, маърайберди. Бўрибосар итлар эса солқи-солқи ҳуриб турди. Бир пайтдан сўнг хамма нарса жимиб қолди ва из-изига тушиб кетди. Боболар кўкракларига туфлашиб "Иншооллоҳ, яхшиликка бўлсин-да", – дейишаберди. Шунда Шомурод бу воқеанинг тафсилотини билмай, ҳайрон қолаётган чолларга қараб, мискин кўнглига таскин бериб: "Худо Бойсинга қайтабошдан бергандай", – деб бўзлаётган, сўзлаётган жойи:

От чопса гумбирлар тоғлар дараси,
Қўркоқни инграгар найза яраси,
Юрагимга ором берди шул дупур,
Ўтдимикан Бойсин-Қўнғирот тўраси?

Қомати отлардан роса синлидир,
Чуйдада ўрайи қўшша кўплидир,
Дўпири қалбимдан армонни олди,
Товушқон туёқли, марол беллидир.

Назаркарда питишлидир, чавкар кўк,
Қуйруғидан берисинда кири йўқ,
Фақат Чибор ўзин шундай сермайди,
Чунки отнинг боври тоза, кўнгли тўқ.

Бургут мисол дўлангандир қобоғи,

Дулдул отдан берман келар сабоғи,
Бундай сермаш дол Ғиротда бор фақат,
Рост гапирсам, олтиндандир садоғи.

Қамчи урсанг, учар кушни олади,
Мамиз берсанг, шамол кетда колади,
Бундай отни Худо берар минг йилда,
Бойлар, ахир тулпор шундай бўлади.

Бойчибордан бошқа дупур беролмас,
Тоғ йўлида бундай шиддат юролмас,
Бойсин элнинг келдимикан куёши,
Гар кишнаса, тоғлар тикка туролмас.

Алпон билан неча жангда юрганман,
Ор талашиб давру даврон сурганман,
Чини билан тешилмаса қулоғим,
Бу дупурни Бойчиборда кўрганман.

Бойсин элда ўчган чирок ёнгандай,
Қўнғиротга давлат қўша кўнгандай,
Улуғ ният қилайикда, боболар,
Ултонтознинг иши энди тингандай.

Бедов отга камчи урса чориллар,
Назари от чопса ерлар зириллар,
Юрт эгаси қайтиб келди Бойсинга,
Қўнғиротда энди тўйлар гуриллар.

Намойишга шоли-шолдан ўрайик,
Ҳарна бўлса пешонадан кўрайик,
Агар мени алдамаса сезгилар,
Бойсин караб, боболар, от сурайик.

Дупур тинглаб келолмайман ўзимга,
Кувончимдан ёш келади кўзимга,
Бойсин юртга қайтамизма, боболар,
Бир маслаҳат берингизлар сўзимга.

Алқисса, элнинг оқсоқоллари, шаввоз йигитлар хохолашиб, Шомуроднинг устидан мазах килиб кулаберди: – Ҳа, Шомурод аклинг жойидама, ҳеч вақтда ҳам отнинг дупури шундай дабдабали бўлама, ё тоғлар кўчди, ё овлоқ жойларга жала ёғиб, сойлардан сел келди. Сен тўғрисини айтда қўй. Бойсинга қайтгинг келиб, уни-буни баҳона қилиб, йўл ахтараяпсан-а. Кетсанг, ўзинг кетавер, бизни йўлдан қайтариб, Алпомиш ўтиб кетди деб элда шарманда қилма, – деб ўр бўлаберди. Қўпга бас келолмаслигини билган Шомурод индамай қолди ва фурсат етгандан кейин кўч билан қўшилиб, Аймоқ юртга ошиб жўнади. Лекин барча одамларнинг синиқ қалбида яширин бир ҳис бутун гаварани кенгитиб юборса ҳамки, ташқарига чиқолмай, дилида жойлашиб, оғир ва маъюс юрт ошиб кетди, воҳ ажаб!!! Шундай қилиб, тортувли уруғи Аймоқ мамлакатига яна ўн кун кўй оёғи билан йўл юриб етди, боришда неча сернав, ўр ва бизиқ жойлардан ўтди. Аймоқнинг чорвага мос, кенгиш яйловли, сувли ва ўтли жойидан ўзларича танлашиб, қатор қилиб Қўнғиротнинг оппоқ куритдай ўтовларини тикди, уй қозикларини ерга суқди. Жойлашиб олгандан сўнг бобо мерос, деб бияларни соғиб қимиз, қўй-эчкиларни бойбичалар соғиб гилагай, увуз, қаймоқ, сут ва қатиқ, боз қорин-қорин сори мой, тулуп-тулуп чакки, халта-халта айрон олишиб, думоғи чоқ бўлиб, "Соп яйловнинг гулини, Аймоқнинг элини топдик-да", – дейишиб, какиришиб, тозалаб, носдан отишиб, олчанглаб ётабердилар.

Аймоқ музофотининг султони Арасхон деган кимса, умрида бир марта жилмаймаган хумса табиатли мардум эди. Арасхоннинг ўзи учун овлайдиган ўта қирағай Ойқашқа полвон деган мергани бор эди. Ойқашқа мерган тоғма-тоғ кезиб, подшо учун каклик, кийик, ҳилол, чил, қуён, товушқон ва олқор отиб бериб турар эди. Бир куни Ойқашқа мерган Олатовдан икки олқорни отиб, отига ўнгариб келаётса, кенгиш яйловда бир тўда ўтов тикилган. Бойлари чувоқлаб ётир. "Булар кўчманчи ўзбеклар бўлса керак", – деб Ойқашқа ўтовларни четлаб ўтаберди. Шунда Қўнғиротнинг гурбанглаган бойлари: – Ҳов йигитлар, бу мерган зап қирағайга ўхшайди, икки олқорни отиб, от устида орбонглаб келишини қаранг. Қўнғиротларда биров ўлжадан келаётса, ё шундан мерганлар қўш ўлжа билан овдан қайтса, олдига биров чиқиб, "Широлға, широлға", дейдиган удуми бор. Широлғани эшитган ўлжа соҳиби сўраган кишини ноумид қўймайди. Иккита бўлса биттасини, биров бўлса яримини бериб ўтади. Бизнинг шул олқорга суқимиз кетди, аввали широлғага берар, бўлмасаям айрибошга бировини берсин, боринглар қани, – деб икки чапдаст йигитларни шайлаб мерганнинг истиқболига жўнатди. Шунда шераматлар Ойқашқа мерганнинг ўнг томонидан олдига чиқиб "ё широлға" деб сўзлаётган жойи:

Сен мерганларнинг сардори,
Парранда қушнинг мулкдори,
Тоғу тошдан кирдикори,
Широлға деймиз, широлға.

Қўнғирот элнинг одати,
Мерган юртнинг саодати,
Қандай бўларкин ҳиммати,
Широлға деймиз, широлға.

Гоҳ ярабазон айтамиз,
Гоҳ ҳайитлаб қайтамиз,
Тўплаб ошиклар отамиз,
Широлға деймиз, широлға.

Тоғдан ташлатиб тулпорни,
Қўшша отибсиз олкорни.
Синаб кўрайик сардорни,
Широлға деймиз, широлға.

Мерганлар пири ёр бўлсин,
Тоғни кезсангиз зар бўлсин,
Нени сўрокланг бор бўлсин,
Широлға деймиз, широлға.

Бир разм сонг бўйимизга,
Шерик бўлинг куйимизга,
Қўниб ўтинг уйимизга
Широлға деймиз, широлға.

Таниб ўтинг бойимизни,
Қутлуғ килинг жойимизни,
Ичинг кўкдан чойимизни,
Широлға деймиз, широлға.

Алкисса, бу гап-сўздан кейин Ойқашқа мерганнинг қаҳри келди, қаҳрининг устига заҳри келди, икки кўзи қонга тўлди. – Ҳой баччағарлар, кўч ортибсизлар сандикли, бир хил сўзларингиз опримсиз. Нега мендай подшо Арасхоннинг мергани Ойқашқанинг олдини тўсасизлар. Широлға, деб бир-бирингизга мамиз берасизлар, бизда шундай удум бор, деб лоф

урасизлар. Ҳозир ҳаммангизни беш отар билан кўҳлаб ташлайинма, – деб милтиқни широлға сўровчиларга тўғирлади. Широлға сўровчилар вой-дод деб изига урра қочди, бориб захрини бойларига сочди, нима сўкиш бўлса, барини очди: “Сизларни ширбоз гўштлари тешиб чиғаяппа, ё анг гўштига жерик бўлдиларингизма? Широлға деб Ойқашқа мергандан балога қолдик”, – деб гала тортувли кўнғиротлар ўрлашиб, суришиб ётаберсин, эндиги гапни Аймоқнинг мергани Ойқашқа полвондан эшитинг.

Ойқашқа полвон шу кетишда очувланиб кетди, неча сой, чуқурлардан қандай ўтди, шабгир тортиб, ҳаллослаб тахти адолатга етди. “Эй султони бокарам, жайловни гала душман босгандай”, – деб шу сўзларни тайинма-тайин айтди:

Ғазода панд берар отнинг майиби,
Уйда қолар қизнинг бўлса айиби,
Адир чўлдан хабар берай султоним,
Боиси шул, сиз Аймоқнинт соҳиби.

Тулпоримни тоғу даштда желаман,
Ҳилол қушни шобиридан биламан,
Қўш олқорни отиб олиб, султоним,
От устида мен орқайин келаман.

Кенг жайловни оппоқ ўтов босибди,
Кадисини якка михга осибди,
Сурув-сурув ҳисор қўйлар орбанглаб,
Семизликдан от йўлини тўсибди.

Қўнғировли саркалари диркиллаб,
Улоқлари туролмайди иркиллаб,
Жотоғида кавуш бериб чайкалар,
Жотқон жойи мойга ботган зирқиллаб.

Қора қўйлар уяз тартиб ётади,
Биялари сап қимизга ботади,
Гилагайдан ичиб олиб бойлари,
Наша қилиб, тақалаб нос отади.

Қиз-жувонлар бойлаб олган белини,
Куби пишиб сайратади тилини,
Сори мойни тузлаб тикар қорнига,
Ўнгирига артиб қўяр қўлини.

Бу элатнинг кимлигини билмадим,
Мусофир деб, хеч ёмонлик қилмадим,
Бахшилари кўланкада сўйлайди,
Шевасини билмай қулоқ солмадим.

Икки йигит менга келди бостириб,
Елкасини куч мускулдан ўстириб,
Широлға, деб тўсаберди йўлимни,
Соқолини туб-тубидан кестириб.

Беш отарни шунда қилдим равона,
Кўзи ўйнаб гўё бўлди девона,
Широлға, деб шилимоқчи ўзимни,
Аланг-жаланг караётир ҳар ёна.

Эй султоним, қолмайик деб ғафлатда,
Хабар бермоқ лозим бўлди, албатда,
Дўсти-душманингни билмоқ керакдир,
Қолиб кетмайикда тағин ғурбатда.

Алқисса, шунда Арасхон: – Менинг шону-шавкатимда, Аймоқ давлатимда, оби-лалми сувлатимда ким Ойқашқанинг йўлини тўсди, бу не ҳол, – деб ғазаб билан саройга мирғазаб бекларини, акобир кўр-бошларини ва туғдор, синчиларини жамлаб, бўкира берди. Ҳар ким билмадик, кўрмадик, деб ерга боқиб тураберди. Шунда Бойқашқа деган ўнг қўл вазир Арасхон подшога таъзим қилиб, – Эй султоним, бир қошик қонимдан кечсангиз, менда бир фикр бор, – деди икки букилиб.

Арасхон: – Гапир, кечдим, – деди.

Ойқашқа мерганнинг сўзига, таърифига қараганда, чегара жайловга қўнган элат қўнғирот халқига ўхшайди. Қўнғиротлар содда ва безалал одамлар. Лекин уларнинг айиби подшоликдан жой сўрамай қўнишни эгаллаб олганлигидан, тақсирим, – деди Бойқашқа вазир.

– Бойсин музофотининг қўнғиротлари бўлса, уларга кўп ҳам ишониб бўлмайди, бир ўрлиги тутгандан кейин ўлдирсангиз ҳам, айтганингизни қилмайди, олмайман деганини сира ҳам олмайди. Бундан беш-ўн йил олдин бир Алпомиш дегани биздан олти ойлик йўл нари Қалмоқ юртини бўри оралагандай оралаб кетган эди, – деди Бойқашқа вазир. Арасхон подшо: – Бойкашқа вазирнинг гапида жон бор, нега улар Ойкашкани широлға дейди, буларни тезда билмоқ керак, душман бўлса, томир олмай бошини якка михга илмоқ керак, агар кўчманчи қўнғиротлар бўлиб, элга безалал бўлса,

ер, сув ва ўт солиғини ўндириб, бойларини кўндириб олмоқ керак. Отлан қўнғиротларнинг устига, бекларим, – деб фармон берди. Шунда Бойкашқа вазир элликка жувуқ ясовул, миршаблардан олиб, чегара жайловга етди. У ёқ, бу ёққа аланг-жаланг қарашиб, оёғини узангига тирашиб: "Гапга жетаринг борма?", – деб сўрашиб, сўзлаётган жойи:

Сурув-сурув кўй ҳайдаган,
Кенгиш жойловни жойлаган,
Белни карс билан бойлаган,
Қўнғирот, кайдан бўласан?

Қўнғирот дедик барингни,
Босмаймиз номус-орингни,
Билмоқчи бўлдик орингни,
Қўнғирот, қайдан бўласан?

Баён бер манзил жойингни,
Ким деб айтади бойингни,
Бизга кўрсатгин шойингни,
Қўнғирот, қайдан бўласан?

Элингни баён айлагин,
Зўрингдан ҳикмат сўйлагин,
Ўтганларингдан куйлагин,
Қўнғирот, қайдан бўласан?

Ёки душманлиғинг борма,
Ёки ниятларинг корма,
Мудом элинг бизга зорма,
Қўнғирот, қайдан бўласан?

Широлга дейсан, келасан,
Мерганга хатар соласан,
Ўзи қаердан бўласан,
Манзилинг сўзла, қўнғирот?

Отлар минибсан орланиб,
Йўллар тортибсан терланиб,
Элдан бездингма ўрланиб,
Манзилинг сўзла, қўнғирот.

Ёғий бўлсанг, черигинг йўқ,
Полвон десам, шеригинг йўқ,
Жавоб берар тиригинг йўқ,
Манзилинг сўзла, қўнғирот.

Алқисса, бу гапдан кейин Шомурод шундай деди: – Ҳов амалдорлар, бизлар чорва одамлари, уриш-жанжал билан ишимиз йўқ, сиёсат билан ҳушимиз йўқ. Асли Бойсин-Қўнғиротдан бўламиз, бу ерларнинг яйлови кенгиш деб, Аймоқ ошиб келамиз. Хўп десангиз, сизлар билан қариндош бўламиз. Мусофирнинг қўлидан душманлик келарми? Тўғри, биз Ойқашқа мерганингизга шеролға демадик, широлға дедик. Биз қўнғиротларда ўлжа олиб келаётганнинг олдига чиқиб, широлға десангиз, мулкидан ташлаб ўтади. Шу боис биз широлға дедик, – деб фикрини билдира берди. Шунда Бойқашқа: – Эй сабил, тил билмаслик хам кўп ёмонда, бизнинг тааддини кўнгилларингга олманглар, лекин сизлардан бир вакил султонимиз Арасхоннинг олдига бормоғи лозим, султон хўп деб рухсат берса, яйлов учун ёрғи олмоқ лозим, кейин кенгиш яйловда эрка улдай эркалаб ётмоқ лозим, – деб Шомуродни ўзлари билан бирга отлантириб, олиб кетди, Арасхоннинг олдига етди. Ҳамма воқеани оқизмай-томизмай султонга айтди, султондан ёрғи олиб яйловга қайтди. Шунда бойлар Шомуродни ўртага олиб: – Биз Ултонтоздан қутилиб, Арасхонга тутилдик, деб қўрққан эдик. Худога шукур, минг уй ёпиқ бўлса, минг биринчи уй очиқ экан. Аслида Арасхон сенга нима деди, Шомурод, – деб сўрайберди. Шунда Шомурод шундай деб жавоб қилаберди:

Тирикликда ҳар бир куининг ғанимат,
Бир-бирининг қадрин билмас одамзот,
Ташлаб келдик Бойсин-Қўнғирот элатни,
Ор-номусдан айтиб берай бир суҳбат.

Оллоҳимнинг неъматидир ширин жон,
Лозим бўлса олар экан ҳар қачон,
Бойсин элнинг зўрларини сўради,
Алпомишдан баён берди Арасхон.

Яшин тушган ҳўл арчалар нуради,
Тошқин келса паст-баландни суради,
Алпомишдан таъриф бер деб Арасхон,
Интиқ булиб, Бойчиборни сўради.

Гар уйлансанг сўра ёрнинг зотини,
Ким ошдига қўйма хотин бетини,
Шул нарсага амин бўлдим, боболар,
Зўр чиқарар экан элнинг отини.

Энди билсам эл зўрида ҳикмат бор,
Боқий бўлса орқасида ҳурмат бор,
Алпомишни мароқ билан сўзлади,
Зўри борнинг тепасида савлат бор.

Доно одам оқлар она сутини,
Лозим бўлса кесиб берар этини,
Жойи келса шуни билинг, боболар,
От чиқарар экан элнинг отини.

Бойчиборнинг келбатини сўради,
Ҳар сўзимга диққат билан қаради,
Шундай элни ташлаб келдик, боболар,
Ёмон кунда кунимизга яради.

Нодон одам сўзлаб юрар туҳматни,
Полвон қилар даврасида ғайратни,
Алпомишу Бойчиборнинг шаънига,
Минг йилгача султон берди рухсатни.

Соз гапириб белим маҳкам бойлади,
Ҳалолликдан, доноликдан сўйлади,
Икки зўрнинг ҳурматига, боболар,
Соликдан ҳам бизни озод айлади.

Алкисса, бу гапдан кейин боболар ичидан ўтганини ўзи билиб, нодонлик қилганидан афсус қилиб, ерга қарайберди. – Ҳа энди Шомурод, бу гапларингда хато йўқ, кейинги пушаймон ўзингга душман. Қани бир-икки йил кўрайик, Алпомишнинг келганлигидан дарак билайик, Аймоғини бизга бойлаб қўйибдима, – деб ўзларига боболар далда бериб, ўтовларига тарқалаберди.

Шундай қилиб, тортувли кўнғиротлар Аймоқнинг элида, Арасхоннинг қўлида ҳай-ҳайлашиб ўн йил қолиб кетди. Неча гўдаклар туғилиб, нечовлари боқийга рихлат қилди. Аймоқнинг эллари қўнғиротларга, булар эса уларга ўрганиб, мослашиб кетди. Бўз болалар гуриллаган

йигит бўлиб, чечак қизлар бўй етиб, кўзгуга қарай бошлади. Лекин мусофирларнинг қалбларидан аввали Худо, кейин юртин ишқи кетмади, Алпомишдан эса хабар бўлмади. Аймоқ элнинг қўнғиротлар жойлашган ўраси подшолиқнинг Ўроздавлат деган кўрғонбегисига тобин эди. Ўроздавлатнинг кушбегилик амали ҳам бор бўлиб, унинг мингга яқин навкарлари хизматда эди.

Кунлардан бир куни Ўроздавлатнинг тўрт-беш хотини, беш-олти жорияси тўпланиб: – Ҳой кундошлар, чегара жайловга қўнғиротларнинг кўчиб келганлигига ҳам ўн йилдан ошибди, уларнинг нон-насибасини Аймоқ элга қўшибди. Бир марта ҳам хормасинга бормадик, манманлик қилдик. Агар хўп десаларингиз, Ўроздавлат кушбегимиз ҳам подшоликка кетган, ҳали бери келмас. Шундан фойдаланиб, қўнғиротларни бир кўриб, ҳол сўриб, ташвиш-таликасини, кирдикорини, урф-одатини кўриб келмаймизми? Кадилаб сут соғади дейди уларни, кадининг қўй қатиғидан бир ичиб келмаймизми? – дейишиб маслаҳатни қилди, дастурхонни каллага олди. Ҳаш-паш дегунча қўнғиротларнинг ўтовига етди. Қатор тикилган ўтовнинг бошида Шомуродбой ўтови эди. Кампирлар шул ўтовга тушиб, гапни-гапга қўшиб, суҳбат қила кетди. Шул орада Шомуроднинг эркаси Олтиной ҳам меҳмон аёлларга елиб-югириб хизмат қилаётир, топган-тутганини дастурхонга тўкаётир, олқор чой, кийик ўт чой, тов чой ва зира чойни дамба-дам дамлаётир. Меҳмон хотинлар Олтинойга суқланиб, кўз ости билан қараётир. Меҳмон хотинларнинг ичида кундошларга аралашиб, бир ҳамсоя хотин – Анор айёр деган ҳам келган эди. "Ана энди Ўроздавлатни соғадиган вақтим келди, Олтинойни унга таърифлаб, чунқиллашган кундошларни гиж-гижлаб бир хуморидан чиқайин, – деб кўнглига тугиб қўйди таъмагир Анор хотин. Меҳмонлар то пешингача гурунгни қилиб, қўнғиротларнинг ташвиш-таликасига қойил қолиб, шортонглаб уйларига жўнаб кетди. Эртасига Анор хотин Ўроздавлатни овлоқда ушлаб, лабини ноз билан тишлаб, бир совуқ одат бошлаб: – Суюнчи беринг, қушбегим, – деб Олтинойни таъриф бераётган жойи:

Адашганлар йўлни тортар қоралаб,
Олармонлар мулкни олар саралаб,
Суюнчини чўзаберинг, қушбегим,
Кеча келдик, қўнғиротларни оралаб.

Ули молга ботиб кетган ботма-бот,
Танти элга бегонадир хиёнат,
Қўй қатиқни ичиб бўлдик, ширакайф,
Меҳр билан меҳмон қилди, Шомурод.

Катта карвон йўлни босар пойма-пой,
Эна сутга гижинглайди кулун, той,
Шомуроднинг рўзғорида очилган
Ҳулкар бўлиб, куёш бўлиб Олтиной.

Олтинойи ўн тўрт кунлик ойча бор,
Чаққонлиги сутга қонган тойча бор,
Назар солсанг шорполади, жувормак,
Гап бериши қўй ҳайдаган бойча бор.

Лочин қушлар қичқиради қиёда,
Жамолига куёш бўлар пиёда,
Ўзи доно, боз одобли, ҳурлико,
Минг сулувдан бир кулиши зиёда.

Малойик сувратли, гул юзли дилбар,
Уни кўрган одам бўлар бекарор,
Ёлғон демай ростин айтсам, қушбеги,
Ою кундан зиёд бўлган ҳусни бор.

Устига кийгани гулгун қирмизи,
Сўзлаган сўзлари қирғиз қимизи,
Юзидан таралар жаннатнинг ҳиди,
Бундай бўб туғилмас одамнинг қизи.

Олтинойга худо берган бардошни,
Қуда бўлсак, канддай билар қардошни,
Олма юзи хира қилар жаҳонни,
Тик боқиши қочиради куёшни.

Бундай сулув боз туғилмас энадан,
Қандай чиққан содда кўнгирот хонадан.
Кучоғига саккиз жаннат жойлашган,
Тенгсалганда нур сочилар танадан.

Кетган молинг куймас экан, қушбегим,
Олтин билан ҳал бўлади иш, бегим,
Давлатингни аямасанг бу сафар,
Қилган меҳнатларинг кейин беш, бегим.

Алқисса, бу гапдан, бу таърифдан хотинни хуш кўрган Ўроздавлат тамшанаберди, у ер, бу ерини турткилаб қашийберди, одоқ-бошига қаради, "хабаринг чиндан ростма", деб қайта-қайта сўради, бу хабаринг учун "Ма, сен ҳам қуруқ қолма", – деб беш-олти қора пулдан беради. Кейин чапқўл ҳамсояси, бундай ишга устаси фаранг, қасамхўр, ёлғонни сув қилиб ичувчи, бировни кўндирмоқчи бўлса, ўз жонидан ҳам кечувчи, одамнинг боз шайтони Чандана чолни чақириб, маслаҳат қилди. – Менинг барча амалларимни, мол-дунёмни, обрў-эътиборимни қолдирмай, ўзингдан қўшиб, яна қўшиб таърифлайсан. Агар Шомуродни кўндириб келсанг, икки ҳисса ортиғи билан ҳақ оласан, ўзинг Олтинойга совчи бўласан", – деб уқтираберди. Чандана чол ҳам: – Ўроздавлат, менинг кимлигимни ҳалиям билмадингма, мен туфайли тўрт хотин олмадингма, бу мусофирлар қўнғиротлардан экан, бу содда халқдан ишимиз янада тезроқ битади, – деб бир чўбир отни миниб, ўзини сипойи тутиб, жайловга жўнаб кетди. Шу кеча Шомуродникида: "Қўнғиротнинг пири бўламан, эшоннинг зўри бўламан", – деб мурид овлаб ётди. Эшон дегандан кейин қўнғиротларда жон қолмайди, Шомурод ҳам орбонглаган чори қўйлардан сўйиб, дастурхонни хирмон қилди. Эрталаб тонг отди, муридлар назирини қилиб кетди, навбат Шомуроднинг қизи Олтинойга етди. Чандана чол ўзини дунё кезган, эсли-хушли ва билимдон кўрсатиб, ҳикматли гаплар билан Шомуроднинг ақлини ўғирлаб, "Хўп десанг, эшигингга тикан ташлагали келдим", – деб режасини сўзлаётган жойи:

Одамзоднинг бўлсин экан фарзанди,
Ярашикка мўл-кўл бўлса давлати,
Бу сўзимга қулоқ бергин, Шомурод,
Бир режам бор айтай Ҳақнинг ҳурмати.

Доно одам ранжитмайди пирини,
Лозим бўлса пирга тўкар борини,
Арасхоннинг давлатида ҳурматли,
Ўроздавлат дейди элнинг зўрини.

Давлатқуши қўнган укам бошингга,
Майли десанг, Худо рози ишингга,
Ўроздавлат шул ўранинг эгаси,
Куёв бўлиб келса дейман қошингга.

Мурид қарар эшон пирнинг райига,
Қарамаса, кетар кетар жойига,

Ўроздавлат Олтинойни сўрайди,
Қайната бўл Аймоқ элнинг бойига.

Икки элда эътиборли бўласан,
Аймоқда ҳам катта қўрғон соласан,
Ўроздавлат кўнгил қўйди, бахтинга,
Қувончингдан ойдай бўлиб тўласан.

Олтинойни кўрдим, бекка муносиб,
Эшигингда юрадими гўнг сасиб,
Чиққан қизлар чийдан бўлар ташқари,
Келин бўлсин олтин ҳайкаллар осиб.

Майли десанг, лўк-лўк келар зиму-зар,
Олтин билан қопланади бул рўзғор,
Бундай куёв бошқа дучор бўлмайди,
Қалин олиб емайсанма, баччағар.

Алқисса, бу гапдан Шомуроднинг капалаги учди, хаёли қочди, эшонпирга бўлган ҳурмати кўчди, ранги эса оқариб ўчди. Нима деярини билмай, каловланиб қолди, узоқ хаёлга толди. Сўнг Шомурод: – Тақсир, Ўроздавлат бизда қиз борлигини кимдан англабди, у кўрғонбеги бўйдоқ йигитми ёки уйланганми? Мен яқинда билган Ўроздавлат қушбегида ўн икки хотини бор, деб эшитдим, ёки сиз адашдингизмма, – деб ерга қаради. Шунда Чандана чол: – Шомуродбой, сиз айтган Ўроздавлатни айтаяпман. Қўрғонбеги озиб-жозиб ўн икки хотин олибди, бундай беклар қирқтагача хотин олса, арзийди. Ҳамма томондан мустаҳкам, бақувват, ёши ҳам эндигина элликдан бешовгина ошган, ўттиз икки тишининг бор-йўғи яримгинаси тушган, ҳали бўйдоқ йигитларни шоштиради, – деди керилиб. Бу гап Шомуродга тоза ҳам ботиб кетди, балки суягига етиб кетди. Шу пайт мусофирлиги билинди, ватани бўла туриб, беватан юрганлигидан бағри тилинди. Кўлкаси тўлди, кўзига ёш келди. Лекин сир бой бермай: "Ота пирим эшоним оғринмасин, ётиғи билан тушунтирайин", – деб Чандана чолга шундай деди: – Тақсирим, элчи билан совчига ўлим йўқ. Биз Ўроздавлат қушбегидан қочмас эдик, лекин қизимиз Олтинойнинг боши боғланган. Бойсин-Қўнғиротнинг эгаси Алпомиш менинг узанги йўлдошим эди. Унинг Ёдгор ўғлига ваъдамиз бор. Шу боис, бизни маъзур тутинг, – деб Шомурод одоб сақлади. Чандана чол Шомуроднинг бўш келаётганлигини билиб, унга етмиш икки ҳунарини ишга солиб, гоҳ қизингни бермасанг, Ўроздавлат қушбеги барча қўнғиротни бу ердан

ҳам қувғин қилади, деб қўрқитиб ҳам кўрди. Лекин Шомурод бир сўзида тураберди. Охири Чандана чол: – Эй Шомурод, узунқулоқ гапда Алпомишинг Қалмоқда ўлиб кетган бўлса, Ёдгор жетим ундан сирқинди бўлиб қолиб кетган бўлса, уларнинг нимасига лоф урасан. Ит дарёдаги сувни тили билан ялайди, сен ҳам олдингдаги оқиб ётган давлатга қарамай, Бойсиндаги ўпкани излайсан, – деб жеркди. Бу гапдан кейин Шомурод ўзини босолмай, оғир тошнинг қизигани ёмон дегани каби эшонга қараб, овлоқ жойда тулкилар шерга менгзар ўзини, – деб қичқираётган жойи:

Ғазабланса тоғни қул қиб пиритар,
Санг тошларни бир босишда чиритар,
Гар кистланса минг ўрани куритар,
Алпомишни ерга урманг, эшоним.

Ор-номус деб жўнаб кетди Қалмоққа,
Полвонлардан ўз ёрини олмоққа,
Қандай ҳаддинг сиғди, эшон, кулмоққа,
Тулки бўлиб изғимасин, эшоним.

Қўнғирот элда юртга кувонч сочилар,
Олтин пиёлада майлар ичилар,
Бир лодон деб тортувлилар, кўчдилар,
Улуғ элга лой қорима, эшоним.

Аймоқ элча бордир Бойсин элати,
Ўзи содда, қўнғиротдир миллати,
Белида яркиллар кескир пўлати,
Алпомишни ўлган деманг, эшоним.

Ҳатто девлар кўркар унинг кўзидан,
Мингта душман келолмайди изидан,
Гапирганда маъно томар сўзидан,
Соф гавҳарни сопол деманг, эшоним.

Мусофирга зўрлигини билдирмас,
Қарвон ўтса юкни ерда қолдирмас,
Ёлғон сўзлаганни омон қолдирмас,
Мард ўғлонни номард деманг, эшоним.

Отасидан қолишмайди савлати,
Ор талашса Рустамча бор ғайрати,

Ёдигор ҳам шундай марднинг фарзанди,
Лочиннинг боласи лочин, эшоним.

Сўзингизга энди жавоб бермайин,
Ота пирим, пойингизга урмайин,
Остонамда кайтиб сизни кўрмайин,
Совчиман деб абгор бўлманг, эшоним.

Алқисса, бу жавобдан кейин Чандана чолнинг кўзи очилиб, "Муридимизга бир эркинсираб, Ўроздавлатдан совчи бўлиб келган эдик, начора. Шомурод ўз бошига ўзи бало сотиб олгидай", – деб Шомуродга қарамай, ирғиб жойидан турди, ўзини эшикка урди, тезда чўбир отга миниб, Ўроздавлат қушбегиникига жўнаб кетди. Чандана чол қушбегининг уйига етиб, ҳамма гапни Ўроздавлатга айтиб берди. Шунда бек: – Бу сафар бўри бўлолмай, тулки бўлибсизда, нима маслаҳат берасиз, энди, – деди.

– Ҳа энди бир борганда иш питадими, совчи деган уч-тўрт борадида, лекин қизи Олтиной осмоннинг чўлпон юлдузи, тоза сувнинг кундузи экан. Агар хўп десангиз, хотиннинг тилини хотин билади, шу сафар анови Анор айёр кампирни юборайик, у Шомуроднинг хотини Ойжамол билан гаплашиб, унинг кўнглини билиб келсин, агар бу ҳам йўқ деса, кейин "қўнғиротларнинг барини Аймоқдан қувамиз", – деб навкарлар билан борсак, қўрқканидан ҳам қизини бизга беради, деди Чандана чол.

– Ҳов Чандана чол, бу гапни ўйлаб гапиринг, Аймокнинг султони Арасхон бу қўнғиротларни Алпомиш билан Бойчибор деганнинг ҳурматига яйловимизга рухсат қилган. Мабода бу ишимиздан султон хабар топса, бизни омон қўймас, аввалгидай қўрғонбеги деб суймас, балки Олтинойни кўз остига босиб юргандир. Бу ишни ими-жимида, розима-рози қилмоқ лозим, – деб Ўроздавлат совчи билан келишиб, бу сафар Анор айёрни Шомуродникига юборди. Бу айёр кампир ҳам Олтинойни боз кўриб, энаси Ойжамол билан ширин суҳбатлашиб, Шомуродникида бир кеча ётди, эрталаб муддаосини айтди, "қизим эгали" деган сўзни олиб, мулзам бўлиб изига қайтди. Ўроздавлат қушбеги Чандана чол билан маслаҳатлашиб, "аввал менинг кимлигимни қўнғиротлар бир кўриб қўйсин, кейин қизини беради-да", деб эртасига ўзига оро-торо бериб, сипохи кийимлардан кийиб, қабатига ўнта навкарини олиб, чегара яйловига отланиб, жўнаб кетди. Ҳол сўраган киши бўлиб, ўтовларни оралаб, кўй қатиқларидан қадилаб ичиб, коридаги сори мойлардан нонга суртиб еб, уйига қайтиб келди. "Қўнғиротлар энди нима дейди экан, бориб билинг-чи", – деб шул оқшом Чандана чолни боз юборди. Бу сафар Шомурод билан Ойжамол: – Эй эшоним, қизимиз ҳали ёш, бунинг устига фарзандимиздан сўрайлик,

яна қариндошлар билан кенгашайлик, Ўроздавлат қушбеги ҳам қариб бораётган йўқ, озроқ шошмай турсин, кейин жавобини айтамиз, – деб совчи Чандана чолни қайтарди.

Совчи кетаберсин, эндиги гапни тортувли кўнғиротлардан эшитинг. Аввал эри-хотин келишди, Шомурод қараса, хотини Ўроздавлатнинг шону шавкатига, мол-дунёсига учгандай, хаёли кўчгандай, уйкуси қочгандай, гўё тили билан қизига келинлик либосларини бичгандай. Шу пайт кўнғиротларнинг гала бойлари Шомуродникига тўпланишиб: – Эй ука, неча кундан бери уйингдан Ўроздавлатнинг одамлари аримайди, сенинг ҳам жеган нонинг ўзингга поримайди, гапир, нима гап? – деб фақирни қистай берди. Шомурод ўртадаги ҳамма гапни бойларга билдирди.

Шунда бойлар тил тишлашиб, охири: – Ҳа, мусофирга, камбағал ва гадога, орқасида суяйдиган зўри йўқ ёлғизга, оғзидан гап, қўлидан иш келмайдиган содда шўрга ҳеч жойда ҳам, оғалар, кун йўқ-да. Биз нима ҳам дердик, бу гапни қизинг ҳал қилади, агар ор-номус учун мол-дунё керак бўлса, биз аямаймиз, сўрайбер, – деб маслаҳатлашиб тарқалишди. Шунда Шомурод хотинига: – Мен Алпомишни ўйлаяпман, сен Ўроздавлатга розидай, боям қизингдан сўраб кўр, нима дейди, – деб фикр билдирди. – Тортувлилардан биров келмаса, Ёлғордан эса хабар бўлмаса, тузук жойдан одам чиққандан кейин бермоқ лозим-да. Олтинойни қари қиз қилиб, уйда сақлаб ўтирамизма, отаси, – деб қизининг олдига чиқди, аввал силаб-сийпаб ичидаги дардни тўкди, бир ойдан бери бўлаётган барча гапларни қизига тақди, "энди болам нима дейсан?" деб Олтинойга термулиб боқди.

Олтиной аввал бир куборди, кейин Ойжамол энасига қараб: "Лўли ҳам ўз гузарига тош отади, султон суягини хўрламас, энажон", – деб сўзлаётган жойи:

Итлар ҳурар, бунга қулоқ солмайик,
Энажоним, ёмон кунни билмайик,
Урф-одатли қўнғиротмиз, волидам,
Акидани оёқ ости қилмайик.

Ўз элидан кетган одам шўр бўлар,
Анъанани ким сақласа, ҳур бўлар,
Боболардан келаётган расмни,
Ким хўрласа, равшан кўзи кўр бўлар.

Ғариб одам хурсанд бўлса кулмайми,
Паҳлавонлар жангда қилич солмайми,
Ўзга юртда гул малика бўлгандан,

Ўз юртимда чўри бўлсам бўлмайми?

Сўз бошида урф-одатни сақлайман,
Бобо мерос ақидамни ёқлайман,
Ўз тенгимга мени қўшинг, энажон,
Гадо бўлсин, Ёдигорни чоқлайман.

Давлат билан бахту-иқбол топилмас,
Кўнгил мулки тилло ипда қобилмас,
Ор-номусли элни, эна, синдирманг,
Пойга бўлса, эшак отдай чопилмас.

Майдон бўлса белга камар чоларман,
Зулфиқорни ўнг қўлима оларман,
Барчиной деб, атар менинг момомни,
Аймоқ келса, бошин жудо киларман.

Савашли кун тортилади парли ёй,
Равшан қилар зум кечани тўлин ой,
Аймоқларга рози бўлсам, энажон,
Бир силкиниб оҳ демайма Барчиной,

Аймоқларнинг важи менга ўтмаган,
Менга ўхшаб Ҳаққа фиғон этмаган,
Қўнғиротмас майдон келса ҳай-ҳайлаб,
Қиличига қирмизи қон қотмаган.

Хазон бўлса, бойқуш қўнар гулшанга,
Ҳайвон ўлса, ғажир учар осмонга,
Иснод келтирмайик буюк султонга,
Алпомиш деб, эна, айтар уруғим.

Урушли кун дарё бўлиб тошаман,
Икки тоғни бир-бирига қўшаман,
Пўлат бўлиб гар қуйилса аймоқлар,
Жипак ипдай жамиратиб қўшаман.

Ўзга эл деб, энажоним, ғам ема,
Олтинойни Ойбарчиндан кам дема,
Шаънимизни поймол қилса аймоқлар,

Не бўлар деб аросатда нам бўма.

Йигит бўлса кела берсин майдонга,
Жафо берай талаб қилган кўп жонга,
Барчинойнинг юзин қаро қилмасман,
Тағин колиб юришмасин армонда.

Алқисса, бу гапдан кейин Ойжамол сесканиб кетди, қулоғи чиппа питди, оғзида ҳеч нарса бўлмаса-да, бир-икки ютди, гўё ўзини бир муддат унутди. Сўнг ўзига келиб: – Қизим Олтиной, яхшидан шарофат, ёмондан касофат деган яхшилар. Сени Ўроздавлатга бериб, Аймокда олчанглаб юрсак, яхши кунларни кўрсак, биз ҳам бурнимиз терлаб давр сурсак, ийнимизни аймокларни кўрганда қисмай, кўкрак кериб турсак, сен туфайли яйловимиз кенгайиб, ҳурматли бўлиб, аймокларникига борсак деймиз-да, чироғим, – деди Ойжамол опа. – Йўқ, энажон, сиз сўзлаётган бахту иқболлар ботаётган қуёш кабидир. Боиси, бегона – санги девона. Ёкмай қолсак, эртага элдан чиқариб ҳайдайди. Бойсинда эса, Ёдгор қаерга ҳайдайди. Эл ўзимизники, тупроқ ўзимизники. Энажон, бу ҳақда яна оғиз очманг, агар аймокдан кўрксангиз, уларга ўзимни рўпара қилинг, – деб қўй совишга чиқди.

Ойжамол барча фикрни Шомуродга келиб айтди, эри: – Айтмадимма, хотин, қизингнинг қони Барчинойга тортган, саҳал қопди шарманда бўлишимизга, энди нима қилдик? – деди.

Бир миллат бошқа миллат ичида қарор топган бўлсаю, чувмоғи оз бўлса, ўша халқ интифоқ, аҳл бўлар экан. Олтинойнинг бу гапидан кейин гала тортувли бирикиб, ўзларидан бу фикрнинг чиқмаганига обдон уялиб: "Тавакалда, Бойсинга, Ёдгорга хабар юборайлик, Олтинойча ақл-хуши бўлса, келар, ҳалиям етимлиги аксар қилиб юрган бўлса, Бойсиндан келмай қолар, бу хабаримиздан Алпомиш ўлган бўлса руҳи шод бўлар, мабода юртга келган бўлса, ўзидан улгу олиб, ўғлини йўлга солар. Лекин Ўроздавлат бизга қора булутдай ёмон айланди, Олтиной деб шайланди, бу гапнинг оқибати яхши бўлмас. Ҳарқалай олдини олайик, Бойсиндан хабар келмаса, тақдиримиздан кўрайик", – деб кенгашиб, бир тўхтамга келдилар.

Эрталаб тонг отди, хўрозлар қичқириб одамларни уйқудан уйғотди. Шунда қўнғиротлар Шомуродникига бирикиб, каланглаган панжи ахта қўйлардан бирини сўйиб, қовуриб, дастурхонга қўйиб, қуйруғини тол тобокка уйиб, яна бир ширбозни уйитмалаб, кайнатиб яхна қилиб, ол-ол килишиб, "энди нима деб хат ёзамиз", деб маслаҳатлаша бошлади. Шунда оксокол Давлаткул айтаберди, ёш мулла бачча сатрма-сатр ёза берди:

Гуриллаган Бойсин эл,
Бахшиси чечан, булбул,
Ассалому алайкум,
Ассалому алайкум.

Олтмиш олти отадир,
Гудрайнинг уруғи,
Даҳмарда кебанакда,
Оёғида чориғи.

Бизлар Аймоқ элидан,
Арасхоннинг қўлидан,
Хўп карор топган эдик,
Катта жайлов белидан.

Бир хўрликдан сўзлаймиз,
Улуғ ният кўзлаймиз,
Алпомиш келдимикан,
Қадамини излаймиз.

Гоҳ ойларга караймиз,
Гоҳ қуёшдан сўраймиз,
Интиқлик азобидан,
Қамиш сочин тараймиз.

Тортувли эл шошгандай,
Йўлидан адашгандай,
Бойсарининг аҳволи
Бугун бизга тушгандай.

От суринмай йўл топмас,
Арпа емаса чопмас,
Аросатда қолдик биз,
Гапимиз элда қопмас.

Биз буларга чидадик,
Охир бориб тутадик,
Ор-номусга келганда,
Не деёлмай тўхтадик.

Тингланг ғариб сўзини,
Мен гапирай изини,
Аймоқ оламан дейди,
Шомуроднинг қизини.

Мусофирлик билинган,
Шундан қалблар тилинган,
Олтиной Ёдигорга,
Этак йиртиш қилинган.

Шундан қалблар ёнади,
Ким азобдан қонади,
Мусофирмиз Аймоқда,
Ким бизга парвонади.

Душман билмасин дедик,
Ғовға қилмасин дедик,
Бир вақт Алпомишнинг,
Сўзи ўлмасин дедик.

Шомурод рози бўлган,
Икки бек сўзи бўлган,
Шул ҳисдан тўлғонамиз,
Барчиннинг ўзи бўлган.

Рози бўлса Ёдигор,
Бойсин элда зўрабор,
Орим деб келсин майли,
Сап кўтарган айдахор.

Уруғини сақласа,
Ўзин полвон чоқласа,
Ақидани хор қилмай,
Йигит бўлиб оқласа.

Бўлмаса берсин жавоб,
Очиқ сўзламоқ савоб,
Тақдирдан кўрайик биз,
Аймоқни қилиб тавоб.

Сизга зўримиз йўқдир,
Тезда беринглар хабар
Бошқа зоримиз йўқдир,
Бошқа норимиз йўқдир.

Алқисса, бойлар бу хати номани ёзиб, Ёдгордан умид килиб, тортувлининг полвони Отақулга топшириб: "Хатни сенга, сени худога топширдик, бу хатни Бойсинга омон-эсон етказишинг кўнғиротнинг орини, ғурурини саклашинг билан баробар", – деб дуо бераётбеди, шу маҳал ҳов одоқдан туялари жангур-жунгур қилиб, катта карвон Бойсин томон ўтаётгандай бўлди. Шунда бойлар, гапга етарлар, оқсоқол кексалар карвоннинг олдига эл бўлиб чиқиб, "Етти иқлим кезган савдогарлар, сизларга йўл бўлсин", – деб сўраётган жойи:

Жаҳонгашта мардоналар,
Бугун сизларга йўл бўлсин,
Дили пок, акл донолар,
Энди сизларга йўл бўлсин?

Кезгансиз Эрон, Хуросон,
Боғдод, Ироқу Ҳиндистон,
Севган жойингиз Туркистон,
Оғалар, сизга йўл бўлсин?

Буюк ипак йўлидасиз,[7]
Гоҳо Туркман чўлидасиз,
Бугун Аймоқ белидасиз,
Донолар, сизга йўл бўлсин?

Узун карвонга эгасиз,
Барча миллатга оғасиз,
Гапнинг магзини чоғасиз,
Элдошлар, сизга йўл бўлсин?

Сизлар билан обод эллар,
Сизларга муштоқ булбуллар,
Севганингиз сапсар гуллар,
Тилдошлар, сизга йўл бўлсин?

Ҳар элдан нуска келтириб,
Катта бозорни тўлдириб,

Мол излаганни кулдириб,
Юрган оғалар, йўл бўлсин?

Тоза ҳавонинг султони,
Чўл билан келар давroни,
Сайрдан йўқдир армони,
Белдошлар, сизга йўл бўлсин?

Бутун сизларга қараймиз,
Соқол-мўйловни тараймиз,
Сўнгги мўлжални сўраймиз,
Йўлдошлар, сизга йўл бўлсин?

Хизир бобо суянчингиз,
Қирқта чилтан таянчингиз,
Сизларга мос туячингиз,
Сирдошлар, сизга йўл бўлсин?

Неча азиздан айланиб,
Қанча юртларда шайланиб,
Касбига қолган бойланиб,
Қалби пок дўстлар, йўл бўлсин?

Алқисса, бу гапдан кейин карвонбоши оқсоқолларга қараб: – Эй мўйсафидлар, биз кун ботиш мамлакатлардан келурмиз, бундан ўтиб Бойсин-Қўнғирот борурмиз ва ундан Хуросон ўтурмиз. Бизларда не юмушларингиз бор эди, яхшилар? – деди. Шунда оқсоқоллар: – Эл-юрт кезган савдогарлар, мана бу йугитни то Бойсингача олиб кетсаларингиз, – деб илтижо қилишди. Шундай қилиб, Отақул савдогарлардан рухсат олиб, бу ёғи оқсоқоллардан дуони олиб, катта карвонга қўшилиб, "ё раббим", деб Бойсин-Қўнғиротга ошиб кетди. Чоллар эса, карвон қўнғироқларига мос бош тебратишиб, гоҳ йиғлашиб, гоҳ кулишиб, Отақулнинг орқасидан караб турган жойи:

Қатор-қатор туялар,
Йўли ойдин зиёлар,
Қирда тебиранади,
Чирич, қоқи, гиёлар.

Қўнғирови жалдираб,

Шаштига тош гилдираб,
Чўлларда кетиб борар,
Чумолидек милдираб.

Пирлар мададкор бўлсин,
Аввал Оллоҳ ёр бўлсин,
Қарвон борган элатлар,
Олтин ила зар бўлсин.

Туялар бўйнин чўзиб,
Ердан оёғин узиб,
Йўлда кетиб боради,
Илоннинг изин бузиб.

Чўликлар ҳай-ҳайлашиб,
Гоҳида нос тайлашиб,
Ором кетиб боради,
Қиз-жувондан сўйлашиб.

Отақул ҳам орланиб,
От устида терланиб,
Элим дейди баччағар,
Ўз юртига зорланиб.

Бўтадай бўзлаб борар,
Бойсинни кўзлаб борар,
Йўлдошу сирдошига,
Дардини сўзлаб борар.

Ҳолин билган доноди,
Марднинг иши ўнади,
Катта карвон Аймоқдан,
Булутдай бўб жўнади.

Туялари бўкириб,
Бўталоғин чақириб,
Кетаётир Аймоқдан,
Ҳай-ҳайлашиб бақириб.

Худо бўлсин вафодор,
Элдан чиксин зўрабор,

Булут кўчгандай бўлди,
Қўзғалганда карвонлар.

Тортувлилар нор бўлиб,
Қатта уруғ бир бўлиб,
Карвонга тиклаб қолди,
Икки кўзи зор бўлиб.

Айрилик ёмон экан,
Йўллари туман экан,
Арасхоннинг давлати,
Ўзга бир замон экан.

Отақулни кузатиб,
Хатни элга узатиб,
Оқсоқоллар қайтишди,
Хатосини тузатиб.

Келармикан Ёдигор,
Бойсин элда аждаҳор,
Умидда қайтди беклар,
Ор бўлсин деб зарабор.

Изларига қарашиб,
Соқолини тарашиб,
Ёдигор келарми деб,
Бир-биридан сўрашиб.

Қалблари жўшиб кетди,
Ҳовури тошиб кетди.
Карвон эса шалдираб,
Бойсинга ошиб кетди.

Бойсин юртининг осмонидаги совуқ, беёким қора булутлар парча бўлган, бундан ўн йил олдин Алпомиш Қалмоқдан соғ-омон келган, тахти адолатни қайтадан қўлга олган, душманлари аламдан куйиб ўлган, дўстлари қувончга тўлган, юртни пароканда қилган ғанимларнинг бошига киёмат солган, севиклиси Барчиной билан бир неча йилдан бери юртни тинч қилиб ўйнаб-кулиб юрган эди. Ҳар томонга кетган эл ва элатлар Бойсинга қайтиб келиб, даврини сурган замонлар эди. Ултонтоз эса ўлган эди.

Алпомишнинг Қоражон дўсти тахти адолатда бош вазир, отаси Бойбўри, онаси Қунтуғмиш ойим қарилик гаштини сурган. Қалдирғоч ойим эса салтанатнинг ҳарбий ишлари вазири қўштамғалик бек билан турмуш қурган. Бойсари ва унинг жуфти ҳалоли Ойдона момо Кўккамишнинг яйловини беадад суруви билан эгаллаган эди. Барчинойнинг ёлғизи, паҳлавон Ёдгор ҳам анча етилган, елкалари кенгиш, қирғий бурун, полвон сиёқ, ўткир кўз, залворли қадам, тўлишган тана-тўш, зарангини сиқиб сувини чиқарадиган кучли билак, ақлли бош билан Оллоҳимдан зийнатланган эди. Ҳарб ишларининг билимдони, тулпор отнинг тилини тушинган *Ёдгор ўз йигитлари билан Бобур кўлда от машқи билан юрганда, Аймоқ томондан катта карвоннинг қораси кўзга ташланди*[8]. Буни кўрган Ёдгорбек одобдан бўлмас, деб катта карвоннинг йўлини бўшатиб, четга чиқди. Ёдгорбекни оз-моз чирамитган Отақул полвон таваккал деб карвондан оти билан четга чиқиб, паҳлавоннинг олдига етди.

– Эй, етти иқлим зўраборининг зурриёти, Ойбарчиннинг зираги, Бойсин-Қўнғиротнинг ор-номус учун кераги Ёдгорбек, бизга Бойсиндан хабар беринг, – деб сўзлаётган жойи:

Номард билан суҳбат қурсанг ҳар ерда,
Саваш куни заиф жойинг билдирар,
Одам деганинг ҳам бўлар минг турда,
Доно одам донолигин билдирар.

Айриликдан хумор босди кўзимни,
Аймоқ юртда чалкаштирдим изимни,
Ёдгор деб айтсам, адашмайманма,
Бек фарзанди тингланг ҳарна сўзимни.

Ҳар элатнинг бўлсин экан шунқори,
Зўри бўлса элнинг бўлар мадори,
Алпомишдан хабар беринг бойбачча,
Келдимекан Ултонтознинг хундори.

Тортувли эл ундан тортди, азият,
Адолатнинг йўлин тўсди, разолат,
Неча йилдир Аймоқ юртда яшаймиз,
Бойсин юртдан айра солди сиёсат.

Тортувлидан даракчи бўб келаман,
Асл ўзим Бойсин юртдан бўламан,

Юрт эгаси келган бўлса, Ёдгоржон,
Хизматини ўлгинимча киламан.

Тортувли эл бўлган эдик дарбадар,
Тоғлар ошиб юртдан кетдик зору зор,
Бойсин элдан хабар ол дер уруғим,
Боргунимча сизга бўлар интизор.

Алкисса, бу гапдан кейин Отакул полвон қўлтиғидаги хати номани Ёдгорбекка узатди, "адашмадимма" деб сўз қотди. Ёдгорбек йўқ, ишорасини қилиб, номани обдон ўқиди. Олтиной деган жойига келганда гўё йўқотган нарсасини топгандай, ичини кемириб ётган аллақандай армонга ўхшаш бир нарса оғзидан отилиб чиққандай бўлди. "Ҳамма саройга", деб от бошини Бойсинга бурди. Тахти адолатда савлат тўкиб ўтирган Алпомиш беклик расмини қилиб турганда, Ёдгорбек билан Отакул полвон эшик оғасидан рухсат олиб кириб келди. Алпомиш тортувлидай катта уруғнинг Аймоқ юртда азият чекиб, юртга зор бўлиб ётганини эшитиб, афсус тортди. – Ит итлигини бу уруғга хам қипди-да, майли сизлар саройда ором олинг, эртага кенгаш қилиб, бу уруғни Аймоқдан халос қиламиз, – деб йигитларни руҳлантирди. Лекин Ёдгорбек Олтиной деган жойини айтмади ва хатни отасига кўрсатмай, сир тутди. Меҳмонни жойлаштириб, Ёдгорбек онаси Барчинойнинг олдига бориб хатни узатди. Шунда Барчиной: – Жон болам, бундай гапни оғзингга олма, Олтинойга интиқ бўлма, энди узоққа сафар қилма, бегона юртни ҳазил билма, отангдай отланиб кетиб, чакда сарғайиб сўлма. Сен бу хатни кимдан олдинг, бу хат ёлғон. Энди юрагим жойлашиб, ором олаётганимда Аймоқ балоси қаердан чиқди, йўқ бормайсан, – деб йиғлайберди. Ёдгорбек онасига қараб: – Энажон, матонатли, садоқатли вафодор ёр Барчиной деб етти иқлимда ном кўтаргансиз. Сизни севинар, Ёдгорим ҳам сағирлигини унитиб, йигит бўлибди деб қуванар, ор-номус ва ёр учун отамни қўндириб, юборар десам, сиз заифалик қилаяпсиз, – деб куйина берди. Шу пайт саройдан Алпомиш келиб, Барчинойнинг йиғлаб турганини кўриб: "Не ҳол?" деб ажабланди. Шунда Барчиной Алпомишга қараб, хатни кўрсатиб, Ёдгорбекнинг нима қилмоқчи эканлигини сўзлаётган жойи:

Йигитни ёндирар бўлса орият,
Полвонга муносиб виждон, қатъият,
Ёлғончи дунёда, ёруғ жаҳоним,
Эшитинг, дилимдан чиқар бир шиддат.

Айролик чоғимда хўрлик озмиди,
Ҳилол деганларим ўрдак, ғозмиди,
Аймоқни ихтиёр айлар Ёдигор,
Яна йўлга интик сўник кўзмиди.

Фалакни тутади қилган нолишим,
Чақмоқдай чоғимни олди ташвишим,
Аймоқда мусофир қолган тортувли,
Яна оромимни бузар бу ишим.

Шомурод қизининг хабари кепти,
Олтиной боламга интизор бўпти,
Толонда қолибди тортувли қизи,
Ёдигор мард бўлса, бир келсин депти.

Шул важдан гаварам ғамга тўлибди,
Орзу-армонларим вайрон бўлибди,
Олтиной Ёдгорга белги бўлганин,
Отаси, ўғлингиз қайдан билибди.

Ҳар қандай сўзнинг ҳам тегар шикасти,
Ёлғонни гапирсанг чиқади рости,
Сиздан айрилғаним озмиди менга,
Оллоҳнинг кўп экан мен шўрда қасди.

Энди қаёқларга ураман бошим,
Бойсинда сел бўлиб оқар кўз ёшим,
Етти йил кутганим етмадими-эй,
Боз заҳар бўларми оғзимда ошим.

Алқисса, бу гапдан кейин Алпомиш: "Ташвиш билан роҳат доим бирга юрар экан-да, бу не гап", – деб ажабланиб, Ёдгорга қараб: – Ўғлим, тортувли элни Арасхонга элчи юбориб, озод қилсак, лозим бўлса, бож-хирожини, олик-солиғини тўласак, уруғимиз кўчиб келаверади-да. Олтинойга келсак, Бойсиндан қиз топилмайдима. Мен мусофирликни кўп кўрдим, бегона юртнинг аламларини, очув-кичивуни кўп тортдим, энанг бечора руҳан эзилди. Сен Аймоққа кетсанг, энанг яна интизор бўлиб, йўлингга зор бўлади. Ўғлим Ёдгорбек, ўйлаб гапир, ўйлаб иш қил. Бегона юртга бориб келиш осон эмас, – деб насиҳат айлади. Барчиной дод-фарёд қилди, билган, эшитган хавф-хатарларни болам бормасин деб ёлғон-яшиқдан сўзлади,

отасини кўрсатиб: – Отанг алп бўлиб ном кўтарса-да, фирибгарларнинг домига тушди. Ҳар томондан етилган бола ҳам отасидан беш пахса кам бўлади. Сен-ку хали гўдаксан, – деб жавради. Шунда Алпомиш ўғлига караб: – Сен нима дейсан, Ёдгорбек? – деб ўғлидан сўради. Ёдгорбек отаси ва энасига одоб юзасидан бош эгиб: – Эй Макка ва Мадинам, ой ва қуёшим, ёруғ жаҳоним, пахлавон ўз кучини, жасоратини ор-номус йўлида эл ва юрт учун сарфламаса, бундай нонполвон кимга керак, мени уйда сақлаб саримой қиласизларма? Аймоқда тортувли амакилар бизга бўлса зор, ҳукуқи топталиб йиғласалар хор, ахир тортувлида қанчадан-қанча онлалар бор, боз Ёдгорбекка аташтирилган бўлса Олтинойдай ёр, бу сафар дуо бермасаларингиз бўлмайди, – деб сўзлаётган жойи:

Остимда ўйнаса отим юз алвон,
Белда олмос пўлат, эгнимда калқон.
Номусли кун иш кўрсатай, онажон,
То ўлгунча бўлмайинда полопон.

Юрти вайрон бўлса султон тебранар,
Қўлдан давлат кетса оға эмранар,
Номуси кўп, кўра била бормасак,
Шаънимизга ҳатто тоғлар ингранар.

Кумуш бўлар карчиғайнинг чегаси,
Олтинга мос кировка тўн ёқаси,
Энажоним занорлигин билдирар,
Ота, сиз-ку Бойсин элнинг эгаси.

Ҳиди йўқ лоладан яхшидир япроқ,
Севгисиз кишидан афзалдир тупроқ,
Кучимни элимга бермасам, ота,
Унда мендан яхши қуриган таёқ.

Ўйлайсиз ҳалиям мени бола деб,
Заиф жойлашган бир бежон қала деб:
Кучимни Рустамдан сира кам деманг,
Оҳ десам тоғ қочар, кимдан нола деб.

Топталса не бўлур ота қадрият,
Миллий ўзлигимиз бобо зуррият,
Момолар расими бўлса чилпарчин,

Ахир кимга керак рангсиз ҳуррият.

Шул боис отимни минайин, ота,
Сиз-биздан авлодга ўтмасин хато,
Қўнғирот уруғининг урф-одатини
Ҳимоя қилайин кўп бўлса сита.

Йўлимда интизор кўзлари хумор,
Мени деб оҳ тортса бир малак дилбар,
Номусдан бўларми мен ёвдан қочсам,
Унда шавкатимиз, отажон, бекор.

Алқисса, бу гапдан кейин Алпомиш ўғли Ёдгорбекнинг бу жасоратига ичида ҳамду санолар айтиб: "Билакда кучинг, белда қуватинг бўла туриб, уни юрт ва эл ор-номуси учун сарфламай уйда юз йил хотинчалиш бўлиб яшагандан кўра, эл-юртга танилиб, жанг майдонида иш кўрсатиб, ватан истиқлолига жон бериб, беш кун яшаган одам афзал. Ўғлим Ёдгорбек бу номни англагандай, авлодларининг қонига тортгандай. Ҳа, бу ҳам етишибди, унинг бу гапларига эътироз, жавоб йўқ. Уни бу йўлдан қайтариб бўлмайди, мабода қайтарсак руҳи синади, иши тинади", – деб Барчинойга қараб:

– Ҳар бир ишнинг эгаси бор, Барчиним
Суяк синса чегаси бор, Барчиним, –

деб матонатли вафодор ёрининг кўнглига ором берди. Барчиной ҳам ўғлининг қутилмаган бу шиддаткор жасоратидан хурсанд бўлиб, унинг куч-қудратига кўнгли тўлиб, кўнгли жойлашиб, жавобсиз ерга қаради. Ризолик аломатини сезган Алпомиш ўғли Ёдгорбекни эргаштириб, отхонага ташриф қилди. Отхонада Бойчибор билан Ёдгорбекнинг Жийронқуш оти булутдай семириб, қайроқдай қотиб, юлдузни кўзлаб, ўзларини сувитиб созлаб, чараккос бойлаб, думғўзани у ёқдан бу ёққа намойишга тайлаб, қиздай қиликсиб турган экан. Алпомиш: – Ўғлим, тулпорлардан бирини танланг, – деди. – Отажон, агар хўп десангиз, ўзимнинг Жийронқушимни минсам, отим миниб оловдай ёнсам, Аймоққа шердай дўнсам, – деди Ёдгорбек таъзим билан. Алпомиш: – Нега энди жаҳон кезган Бойчиборни танламадинг, ахир у сенга ақл, куч, йўлдош ва сирдош бўла олади. Қистасанг қушдан ўтади, – деди. Ёдгорбек: – Тўғри отажон, мен ёшлик қилиб назаркарда Бойчиборни қариган чоғида хор қилсам, бегона юртда ўлса, етти иқлимла добра бўлади. Бойчибор ахир элнинг

номини чикарган тулпор, кариган чоғида сизнинг хизматингизда бўлса дейман, – деди. "Ўғлим акл-фаросатда ҳам етишибди", – деб Алпомиш сайисларга Жийронқушни эгарлашни буюрди. Ёдгорбек эса, жанговор кийимлар кийиб, қилич-асбобларини белига бойлаб, ўзини шайлаб, йўлга тайёрланди. Отакул полвоннинг сафари яна бир ойга кечикканини эшитиб, сайислар афзаллаб келган Жийронқушнинг белига Ёдгорбек чаққонлик билан минди. Шу пайт Жийронқуш беихтиёр ғулдираб кишнаб юборди. Ёдгорбекни кузатишга чиққан қавму қариндошлари бу ҳолдан от устига ким минаётганлигини узангисига оёқ қўяётганидан билди. От бекорга Ёдгорбек устига чиққандан гулдираб кишнаб юбормади. "Бу болада ҳам демак бир гап бор. От ўрнини той босар, аввало худо ёри, пирлар мададкори бўлсин, кўз тиймасин", – деб дилдан севиндилар. Шунда Бойбўри бобо невараси Ёдгорбекка Оллоҳдан мадад сўраб, дуо бераётган жойи:

Обод бўлсин манзил жойим,
Энди ёнмайик илойим,
Соғ бориб, омонда келгин,
Нурини сочсин худойим.

Тоғларнинг боши бўктар кор,
Одамда бўлсин ичкуяр,
Ёлғизим, сени сақласин,
Пайғамбар билан чориёр.

Сўзингга душман зор бўлсин,
Босган қадаминг нур бўлсин.
Узоқ сафарга отландинг,
Киркта чилтанлар ёр бўлсин.

Минган отингни ҳоритма,
Қистаб ёғочдай куритма,
Одамдан эсли назар от,
Бойлаб суягин чиритма.

Бошига қамчи чотмагин,
Пулга қизиқиб сотмагин,
Олдингдан ўтса мўйсафид,
Болам, бесалом ўтмагин.

Зўр бўлсанг, элни хўрлама,
Бой, камбағални тирлама,
Камтарлик жаннат белгиси,
Ҳатто ҳайвонни зўрлама.

Душманга кўрсат жасорат,
Зарбангдан қилсин доду дот.
Оралаб кетсанг ғазога,
Ғанимга бўлсин қиёмат.

Фирибгар элнинг ёлғони,
Илон бўб чақади қони.
Дўсту душманнинг фаркин бил,
Қолмасин душманнинг жони.

Нону тузига разм сол,
Қалбинг буюрса кулоқ сол.
Қиз бўб чиқади илонлар,
Ажалга бўлиб қолма лол.

Ватанга ёндир танингни,
Шаҳид бил тўккан қонингни,
Хорликни тортсангда, болам,
Ҳеч айтма йиғлаганингни.

Сени деб Ҳаққа бош урдим,
Ёмондан сирим яширдим,
Бор, болам, Оллоҳ ёр бўлсин,
Сени яккага топширдим.

Алкисса, бу гапдан кейин Алпомиш ўғли Ёдгорбекка лозим насиҳат ва ўгитларини айтиб: "Жангдаги дўстга ишонма, йўлдаги сирдошга", – деб бу ҳам дуо берди. Барчиной эса патир нон олиб келиб ўғлига тишлатиб қолди. Аммаси Қалдирғоч эса ҳазарсумат тутатиб, элни оралади. Момоси Ойдона хола эса белига бошқа отнинг жиловини боғлаб кўйди. "Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пилаб ичади", деганидай булар ҳам нима ирим билса, барини қилиб, Ёдгорбекни Бойсин-Қўнғиротдан Аймоқ юртига хайр-хўшлашиб, дуолашиб жўнатди. Ёдгорбек кўнгли тоғдай кўтарилиб, Бойсиндан Аймокка қараб туманлаб отни йўлга солаётган жойи:

Марднинг бўлсин давраси,
Ҳеч қолмасин армони,
Бойсин элдан жўнади,
Қўнғиротнинг султони.

Жийрон отда шерамат,
Билагида чўқ ғайрат,
Якка чиқди йўлбарсдай,
Дами ўткир азамат.

Ватанидан айрилиб,
Уриб кетиб боради,
Ор-номусга Жийронни
Суриб кетиб боради.

Олди чангал ердардан
Буриб ўтиб боради,
Одам юрмас чўлларни
Кўриб ўтиб боради.

Қозоқ-қирғиз элларни
Кўриб билиб боради,
Боткоқ, балчиқ ерларни
Билиб ўтиб боради.

Олди сернов ерлардан
Елиб ўтиб боради,
Гўзал манзаралардан
Тўлиб ўтиб боради.

Каклик учса олдидан
Олиб ўтиб боради,
Гохи кўрса жайронни
Қувиб ўтиб боради.

Йўлнинг танобин тортиб,
Мехнати бошдан ортиб,
Оғзин очиб Жийронкуш,
Булутни борар туртиб.

Чўлни тузон тутади,
Тўёқлар қумга ботади,
Тўрт ёқдаги қумни
Қоплаб осмонга отади.

Қолди кирдикорим, деб,
Йўлдошим тулпорим, деб,
Қайдасан дилборим, деб,
Искасам хуморим, деб,
Тақканда туморим, деб,
Агар топсам борим, деб,
Элғиз вафодорим, деб,
Йўл тортади Ёдгор,
Қайда қолдинг ёрим, деб.

Бошига кийган дубулға
Довуш беради дўнғиллаб,
Қарқ қубба қалқони боз
Қўнғировдай қарқиллаб,
Беллик белда ирқиллаб,
Тилла сувлиғи ширқиллаб,
Олтин поянак тақкан,
Узангиси ширқиллаб.

Ел-қуйруғи ярашган,
Қимирласа кир ошган,
Олди юза келганда,
Эгасига куч қушган.

Қаранг энди сасига,
Ирғиса зарбасига,
Тоғ-чўл ларзон беради,
Тушганда турбасига.

Остида Жийрон тулпор,
Кўнглида санам дилбар,
Агар бедов ирғиса,
Тоғу тош само берар.

Алқисса, Ёдгорбек неча кундуз, неча кеча йўл тортиб, Йўлбарсхона деган беадад катта тоғга етди: "Келе шу тоққа етайин, отланиб устига чиқайин, паст-баландга разм солайин, биров-ярим чўпон ёки овчи чиқса, Аймокни сўраб билайин", – деб тоғнинг устига чиқди. У ён бу ёнга разм солди, бу атрофда ҳеч кимни кўрмади. Шу пайт кўзига ҳов одоқдан якка турган катта чинор кўринди, кўланкаси қалин. Ёдгорбек: "Шу чинорнинг кўланкасида бир дам фароғат қилайин, кейин Аймокни излаб кетайин", – деб етиб борди. Қараса, чинорнинг ости катта майдон, шоҳсупалар курилган, булоқнинг зилол сувлари чегаларга урилган, илоқда булбуллар сайраган, қалдирғочлар иягини қайраган, нозу неъмат муҳайё, сувлар чор тарафга қалин қилиб сепилган, гул экилган жойлар тепилган. Бу ажойиб тароватли ерни кўрган Ёдгорбек: "Ҳа, бу жой ё шоҳнинг ором оладиган макони, ё бойларнинг савоб учун карвонларга, йўлдан ўтувчи мусофирларга тайёрлаб қўйган жойи. Лекин бу ерда на одам, на ҳайвон кўринади, балки бу ер сеҳрли бир жойдир. Нима бўлса бўлди, шундай ажойиб жойда дам олайин, биров-ярим келиб қолса, Аймокни сўрайин", – деб манжалардан бировига жойлашиб, халтасидан толқон олиб, ичига ширин-шарбат солиб, аралаштириб маза қилди. Қорин тўйгандан кейин Ёдгорбекни енгиб бўлмас ширин, ғафлат уйқуси ўз оғушига олди. Жийронқуш ажирикда ёлғиз қолди.

Хўш, бу чинор тагидаги жаннат макон жой қандай жой эди, бу жой олтита одамхўр, ёввойи девларнинг ёзда дам оладиган оромгоҳи эди. Бу ерда мингдан ортиқ сеҳрланган сулув қизлар хизматда, девлар эса хурматда эди. Шу боис қизлар Ёдгорбекнинг кўзига кўринмади, фақатгина Жийронқуш ҳайвон бўлса-да, бетоқат, сувлиғини қатирлатиб чайнаб, гулмихда айланаверди. Лекин бу ҳислатни Ёдгорбек сезмай, ҳаром уйқуга кетилган эди. Бу фурсатда девлар овда, товда эди. Орадан анча вақт ўтган, девлар эса овдан қайтган пайт Жийронқуш гулдираб кишнаб юборди. Отнинг аччиқ кишнашидан сесканиб кетган Ёдгорбек уйқудан уйғониб қараса, олтита беўхшов, каллалари кападай, танаси тепадай, тик турганда мисли минорадай бадбашара махлуқлар эмгаклаб келаяпти. Шу пайт Ёдгорбек тайёргарлигини кўрди. Буни сезган махлуқлар Ёдгорбекка қараб, манзил-маконини сўраб, "тўхта энағар", деб қичқираётган жойи:

Камолинг ой мисоли,
Сўзларинг мой асали,
Сенда қизлар жамоли,
Дарак бер манзилингдан.

Устингда совут қалқон,

Қалбингда оташ вулқон,
Қахрланиб урганда.
Тоғни қиласан талқон,
Гўдак, қайдан бўласан?

Бир ғажийик бошингни,
Сихга тортиб гўшингни,
Айни маҳалда келдинг,
Хўп шимийик тўшингни.

Ширбозгина боласан,
Кабобга соз бўласан,
Насибамиз сенга зор,
Нақ биз учун келасан.

Қўлларингдана айланай,
Белларингдан айланай,
Тишимни мойлайдиган,
Тилларингдан айланай.

Келбатларингга бай-бай,
Савлатларингга бай-бай,
Тандир кабобга тайёр
Қовматларингга бай-бай.

Алқисса, бу гапдан Ёдгорбек ўзини ҳушёрликка тортиб, бувинини қотирди. "Энди кучимни бир синаб кўрайин, агар олтита девни енгсам, Аймоқ меники, мабода енгилсам, мен девларга емиш, ўлжа. Тақдир азал, Худо нима деган бўлса, шул бўлади, лекин ғанимлардан кўркиб қочиш ёки уларга ёлвориш бизнинг авлодимизга номуносиб. Қўрқсанг, қўша кўринади, эшак минганга тулки йўлиқади, бу азалий ҳикмат. Кел, энди нима бўлса бўлди, ўзимни Оллоҳга топширдим", – деб шиддат билан Жийронқушга минди, зулфиқорни яркиллатиб қинидан суғирди, совут-калқонни ҳимоя қилиб, девларга оч бўридай дориётган жойи:

Бугун тарзингга қарайман,
Тугалмисан деб сўрайман,
Олтовингни излаб топдим,
Сўм гўшингни бурдалайман.

Неча йиллар сарсон бўлдим,
Бир топсам деб армон бўлдим,
Бугун Худо йўлиқтирди,
Кам-катиксиз даврон бўлдим.

Бойсин дейди элатимни,
Қўнғирот дер миллатимни,
Сизларга келган ажалман,
Бир кўрсатай хизматимни.

Алпомиш дейди отамни,
Сермаб пиритган ситамни,
Зарбаси тошни эритган,
Билса кечирмас хатомни.

Етти иқлимни қарадим,
Тоғ-тошдан сизни сўрадим,
Бугун йўлиқдим, хайрият,
Олтойлаб йўлга жородим.

Келинглар энди ушлайин,
Пайкалдай килиб лошлайин,
Барингни бирдан кўликлаб,
Осмокка осиб ташлайин.

Калла гўштингга хуморман,
Тўшингни емай беморман,
Ёки кесайин бошингни,
Қунғиротдан аждахорман.

Алқисса, бундай катта гаплардан одамхўрлар сачрамади, балки эҳтиёт чораларини кўриб, курашга тайёрланди. Икки томон ҳам паст келмай, ўртада мисли кўрилмаган, ҳали жаҳонда бундай даҳшатли жангу жадал бўлмаган даражада олишув бошланди. Қилич қиндан чиқди, ой ва куёш жанг туманидан юзига парда тақди, тоғу чўллар беназир Бойчибор каби катта жасорат курсатди. Оқибат ўн беш кун деганда, Ёдгорбек олти одамхўр девларни бир ғорга куч-кудратини ишлатиб суриб, борди ва камади. Шунда девлар зор-ночор йиғлаб, паҳлавондан омонлик тилаб: – Эй енгилмас баҳодир, олам ҳали сенчалик куч-кудрат эгасини кўрмади. Агар хўп десанг, дев-парининг офати Сулаймон ҳурмати, жангу-жадаллар

пири Рустам ҳурмати, матонат ила садоқат соҳиби, чексиз куч ва қудрат эгаси Алпомиш ҳурмати бизларни ўлдирма. Биз етти пуштингга хизмат қилишга сўз берамиз. Мана бизнинг соч толамиздан бир тутам олиб белингга боғла. Ёмон кунингда сочимизни эшсанг, биз ўша онда ҳозиру нозир бўламиз, – деб ёлвораберди. Шунда Ёдгорбек: – Майли, мен сизларни озод қиламан, лекин битта шартим бор. У ҳам бўлса одам зотига залал бермайсан. Менинг эса куч-қудратим ўзимга етади, – деди. – Хўп бўлади, шартингни бажаришга сўз берамиз, лозим бўлса сочимиздан бир тутам олиб қўй, – деб сочидан белги ташлаб, тоғ оралаб кетдилар. Ёдгорбек белгини белига бойлаб, ўзини шайлаб, қайдасан Аймоқ элат, деб берман тайлаб келаберсин эндиги гапни Ўроздавлат билан Чандана чолдан эшитинг.

Улар ҳар қанча мастонликни қилиб кўрдилар, лекин Олтинойнинг садоқатини бузолмадилар, неча марта неча хил бўлиб борса ҳамки, Олтиной "Бойсиндан одамим келади, нима деса, ўзи билади, мард бўлсанг, майдонга чиқ", – деб оёқ тираб тураверди. Аймоқлар эса қўнғиротларни чор тарафдан қиса бошладилар. Бир куни Анор айёр Чандана чолни эргаштириб, Ўроздавлат қушбегиникига бориб, "товдан шамол тургандай, худо бизга бергандай, нима бўлса, Олтиной тақдиридан кўргандай. Келинглар, бир маслаҳатли иш бор", – деб сўзлаётган жойи:

Оламни маст қилар қизлар жамоли,
Латиф юзларига гулдир рўмоли,
Олтиной рухсори Аймоқни тутди,
Қуёшни мот қилар қадди камоли.

Бизларни ул санам ёд айламади,
Сочган инъомларни ҳеч ўйламади,
Қўнғирот уруғи ўр келар экан,
Аймоқ эл шаънига сўз сўзламади.

Тақдир азалига бу эл кўнгандай,
Сиздек куёвидан мудом тонгандай,
Сезгим алдамаса ақл-хушимни,
Олтиной Бойсинга хабар бергандай.

Шоҳларнинг бошида тилладан тожи,
Қанча шаҳарлардан келади божи,
Тарзига қарасам, йигит меърожи,
Бир лочин боқишли жўнади элдан.

Жамоли ўхшайди осмонда ойга,
Қошини ўхшатдим эгилган ёйга,
Жасади келишган бўз қарчиғайга,
Қарчиғай сиёкли отланди элдан.

Ҳуснига тарқайди осмонда ғубор,
Сўзига тузалар юз йиллик бемор,
Исмини сўзласам полвом Ёдгорбек,
Бойсиндан ёр учун жўнади шункор.

Оҳ деса дамига сувлар музлайди,
Остида тулпори ойни кўзлайди,
Аймоқни оралаб кетса ор учун,
Аввало сиз, бизни тутиб созлайди.

Қиличи пўлатни сув каби кесар,
Ҳайбати минг элни юргизмай босар,
Бу ёвнинг олдини олмоқлик лозим,
Бўлмаса сўм гўштни сабзадай ўсар.

Шу боис дардимни сизга сўзладим,
Не килмоқ лозим деб, йўллар изладим,
Оқибат бир усул топдим, оғалар,
Рози бўлсаларинг бекни созладим.

Алқисса, Ўроздавлат қушбеги: – Анор момо, таррамак болани осмонга чиқардингиз, ҳеч вақтда ҳам бир бола бир элга баробар бўлганми? – дейберди. Анор айёр: – Ўроздавлат қушбеги, Ёдгорбек заиф бўлса олтита одамхўр девни бир ғорга қамармиди, агар бу ерга омон келса, душманига омонлик бермайди, – деди. – Ундай бўлса, нима маслаҳат берасан, Анор, – деди Чандана чол. Шунда Анор айёр: – Сиз Чандана бобо яна эшон бўлиб, Ёдгорбекнинг олдига чиқасиз. Мен эса Ўроздавлат қушбегининг мингта навкарини олиб, йўлнинг бандаргоҳига чиқиб, шаппат жойларга қоровул қўяман. Эски чорбоқдан ажойиб жой ҳозирлайман. Сиз эшон бўлиб Ёдгорбекни шу чорбоққа алдаб-сулдаб киритиб берсангиз бўлди, у ёғи мендан. Шу билан Олтиной ҳам Бойсиндан умидини узиб, Ўроздавлат қушбегига колади, – деб маслаҳатни бир жойга қўйди. Шундан сўнг Анор айёр ўз ишига кетди, чорбоққа етди. Чандана чол эса эшон сифат бўлиб, Ёдгорбекнинг йўлини кеча-кундуз пойлаб юраверди. Орадан ҳафта, ўн кун ўтиб, тумандан бургут кобокли, йўлбарс сиёкли, коплон юракли, шер

даракли бир кадди-қовматли паҳлавон от устида нордай бўб келаяпти. Шунда Чандана чол: "Фурсатни қўлдан бермай, ҳаракат қилайин, бекни тезда қўлга олайин, кейин бошига ғовға солайин, аввало ўзим Олтинойга куёв бўлайин, олам кўрмаган бир иш қилайин", – деб бекка салом бераётган жойи:

Адашганга йўл кўрсатиш ниятим,
Ота пиринг мен бўламан, фарзандим,
Неча ойдир йўлингда мен паришон,
Бойсин элат хўп омонма, дилбандим.

Сенинг учун савдо тушди бошимга,
Гар эсласам келолмадим ҳушимга,
Пайғамбардан ваҳий бўлди, Ёдгорбек,
Ёр учун келишинг менинг қошима.

Боз устига танда жоним бераман,
Душманларинг бўлса, болам, кираман,
Шул боисдан сени излаб юраман,
Ҳимоячинг бўлиб даврон сураман.

Душманингдан, болам, сени қуткарай,
Нимишинг булса, айтгин питкарай,
Қуллайдиган комил пиринг мен бўлиб,
Охиратда пулсиротдан ўткарай.

Бойбўри, деб айтар сенинг бобонгни,
Ойдонагул дейишади момонгни,
Уруг-аймоғингни, болам, биламан,
Бир худойим қабул қилсин товбангни.

Алпомиш дер, болам, сенинг отангни,
Отанг учун Барчин тортди ситамни,
Кўрикчи қиб мени сенга юборди,
Агар билсанг, бетима айт хатомни.

Пирим десанг, сўзларима қулоқ сол,
Кўп ҳорибсан, чорбоғимда ором ол,
Пайғамбардан мен бўлмайин уятли,
Боғин кезиб бир яйрагин, бемалол.

Ундан кейин хизматингни қилайин,
Олтинойни ўзим олиб берайин,
Комил пиринг йўл бошлайди, Ёдгоржон,
Бошқа дардинг бўлса, айтгин, билайин.

Алқисса, бу гапдан кейин Ёдгорбек ўйланиб қолди: "Ё алҳазар, бу чол менинг авлодимни ва исмимни аён гапирди, лекин пайғамбардан ваҳий келди, деб лоф урди. Бу чолни авлиё десам, кўзида меҳр, юзида нур йўқ, минган оти чўбир, ияги қуришган, ўз иймони билан ақли урушган. Лекин тилидан пайғамбарни қўймайди, ёмон қарасам, қобоғини уймайди. Кел, бу чолни бир синаб кўрайин, агар чинданда пир бўлса, нима деса юрайин, агар душман бўлса, пешонасига урайин", – деб бобога қаради: – Эй бобо, менинг авлодимни қандай билдингиз, шундан хабар беринг, – деди Ёдгорбек. Чандана чол ўйлаб гапиришга ҳаракат қилди: "Бунинг отаси Алпомиш беадад паҳлавон бўлсада, соддарок эди, бу бола отадан сағир колиб, анча пишиб кетганга ўхшайди. Ёдгорбекни алдаб бўлмайдиёв", – деб бир оз ўйлаб, кейин сўйлади: – Муридим, мен сенинг ота пирингман, фалакнинг гардиши билан мен Арабистондан бу ерларга кўчиб келганман, боболаринг Алпинбий билан Добонбийлар бобомга мурид бўлганини билганман. Яхшилардан менга ваҳий келди: "Эй, Чандана чол, гапга қулоқ сол, агар сен авлоди Саййид бўлсанг, ўз муридингни қўлла. Ёдгорбек ор-номус учун Аймоққа бораяпти. Пир бўлсанг, Алпомишнинг авлодини сақла", – деди. Мен шу боис сенинг олдингга чиқиб турибман, – деб чол гапини ўнгарди. Ёдгорбек бу гапдан кейин "Эшоннинг ҳам ҳар хил тури бўлар эканда, яхши бўлса ошини ейди, ёмон бўлса бошини ейди, бир бориб чорбоғини кўрайин, давронимни сўрайин, жодугарлигини билиб қолсам, таъзирини берайин, – деб Чандана чолга эргашиб жўнади. Улар йўл юриб, гулистон ва бўстон, тилларда достон ажойиб бир чорбоғнинг устидан бордилар. Ёдгорбек: – Бобо, бу қандай жой, – деди. Шунда Чандана чол:

– Ёдгорбек, сен менинг эшонлигимга ишонмадинг, бу чорбоғ менинг карoматим билан бир кечада пайдо бўлган, ҳали замон ичига кирсанг, бу боғда не сир-синоатларни, жаннат боғларини ва ҳар хил пишган меваларини кўрасан. Мен сени жаннат меваларидан баҳраманд бўлсин, деб аввал бу ерга бошлаяпман, – деб Ёдгорбекни чорбоққа бошлаб борди. Лекин Жийронқуш жонивор тисланиб, пишқириб, бирор сирни билгандай қўш қулоғини динг қилаберди. Шу пайт Ёдгорбек ҳам отнинг юришига разм солиб, Жийронқушнинг ҳаракатидан улгу олиб, қалб амрига ҳам оҳанг бўлиб, "Эй Чандана чол, чорбоғингдан қон ҳиди келади", – деб икки оғиз сухан қилаётган жойи:

Совуқ тушса сувнинг бети музлайди,
Кеч қолганлар тулпорини тезлайди,
Чорбоғингга ҳайрон қолдим, бобожон,
Ҳар бурчакда хар хил одам сўзлайди.

Нодон одам ўз элини сотади,
Бой халқининг гердайиши хатоди,
Чорбоғингда одам ит бўб улийди,
Шу кетишда борсам мени ютади.

Ҳарба қилса тоғни ютар қирчиғай,
Жодугарлар чорбоғингда бир чирой,
Ўз жонинга жабр қилма, бобожон,
Бу ишингдан рози бўлмас, жон худой.

Ишни билган одам тўплар молини,
Ёмон хотин қайтармайди тилини,
Алдаб-куллаб ияртасан, бобожон,
Лодон билиб Алпомишнинг улини.

Эшон бўлиб иймонингни сотасан,
Ҳалол лабзинг ҳаром қилиб ютасан,
Жийронкушнинг юришига қарагин,
Билишимча, сен оламдан кетасан.

Тулпоримнинг жиловини ушлама,
Ўз жонингни сен азобга ташлама,
Бу макондан одам қони келади,
Чорбоғингга, бобо, мени бошлама.

Алқисса, бу гапдан кейин Чандана чол Ёдгорбекка қараб: – Болам, тоза кўркоқ бола экансан, шу юрак билан қандай эл ошиб, ор талашиб, ёр оламан деб келдинг, бу жойни номуносиб билдинг. Қўрққан одамга қўш кўринади, сен эса қўркаяпсан. Ҳозир қирқта чилтанлар, азиз-авлиёлар келади, бу ерда сенинг шаънингга базм бўлади. Кейин сени Олтинойга олиб бораман, – деб паҳлавонни чорбоққа оралатди. Ёдгорбек ҳам бу гапдан андишага бориб: "Келе, нима бўлса бўлди, бўёви синди", – деб нур таратувчи манжаллардан бирига жойлашди. Ажиб манзарали боғ латиф бир тароватда, ҳўл мевалар ғарқ пишган, зилол сувлар ариқдан арикка тушган, боғда гуллар таровати гулоб бўлиб ҳид сочмоқда. Ёдгорбек

манжадаги калин кўрпачалар устига ўтиб, лўлабошлардан бирига ёнбошлади. Чандана чол эса: – Ҳов Аноргул, ҳов Аноргул, қаердасан, меҳмонга нозу неъматлар келтиринг, – деб кўргонга кириб кетди. Шу пайт чаманнинг ҳамма эшиклари очилиб, ҳар эшикдан гурас-гурас тўла қуролланган навкарлар, миршаблар ва ясовуллар кириб кела бошлади. Эшиклар эса карс-курс ёпилди. Воқеани англаб етган Ёдгорбек ўзининг ҳалиям нодонлигидан надоматлар тортиб, шарта отланди. Исфиҳонни аждаҳордай қилиб қинидан суғирди ва жангга тайёрланди. Ёш боланинг жасоратини кўрган навкарлар бошлиғи Жайнар полвон Ёдгорга қараб: – Ҳали сенми Олтинойни оладиган, бизни сарсон қиладиган, бир зарбамдан ўладиган. Ҳалиям изингга қайтабер, таррамак, – деб ўрлик қилаётган жойи:

Ҳолин билган одам сира ҳоримас,
Тоза олтин сув остида чиримас.
Йўлбарс мисол хезланасан, жувормак,
Бизнинг элга сендай гўдак доримас.

Шамол турса ернинг бети кўчади,
Номард одам ёвни кўрса кочади,
Иккиланмай қандай келдинг Аймокка,
Келган душман ўз жонидан кечади.

Тулки босолмайди шернинг изини,
Гавҳар билинг донишмандниинг сўзини.
Тарзингга қарасам, гўдак боласан,
Излаб кепсан Шомуроднинг қизини.

Гўзал қизнинг ҳусни ойга баробар,
Ўз элини бўстон қилар тадбиркор,
Олтинойга кўнгил берма болакай,
Ул гўзалга бизлар бўлган харидор.

Авлиё сўзини англаб бил тумор,
Бир гиёҳ сабаби тузалар бемор,
Ёш бошингга жабр қилма, укажон,
Бизларга хўп дегин, кўзлари хумор.

Бизларни сўрасанг элда шахриёр,
Манзил маконимиз Аймоқдай диёр,

Жонингга қасд қилмай қайтгин изингга,
Мен билан келишган Олтиной хумор.

Бефарзанд одамлар Оллоҳ синови,
Қонторда хавф берар қирлар қатови,
Ўйламай келибсан бунда Ёдигор,
Сени хўрлаб кетар отлар матови.

Не қилай, қўрқмадим сира ўлимдан,
Оҳ десам томади заҳар тилимдан,
Девларни қувганман тоғ-қирлар оша,
Одамхўр кочолмас менинг қўлимдан.

Алқисса, бу гапдан Ёдгорбекнинг баттар жаҳли чиқиб, бурнининг табони каттариб, кўзлари қаҳрланиб, юзлари оқариб, Жайнар полвонни еб қуйгидай бўлиб тикилди, шу дамда юзта полвон отдан йиқилди, дармони борлар от устида букилди. Шунда Ёдгорбек: – Бойсин элатдан бўламан, ёрим деб Аймоқ келаман, олдимдан чиққан ғанимга қиёмат қойим соламан, кўп лоф урмагин, Жайнар полвон, танангни вайрон қиламан, Тирик одам ўз ёрини лофчиларга берарми, – деб майдонда шайлана берди, майдонда мисли кўрилмаган жанг бошланди:

Отлар кишнади гуриллаб,
Тоғлар тебранди дириллаб,
Полвонлар қилич сермаса,
Ер силкинади зириллаб.

Кўргон қулади гупиллаб,
Сувлар тўхтади чипиллаб,
Полвонлар отни ҳайдаса,
Арчалар учди зипиллаб.

Жайнар полвон ҳам зўрабор,
Аймоқда мисли аждаҳор,
Аямай сермар қилични,
Зарбани билмас Ёдгор.

Булутлар кўчгандай бўлди,
Ёдигорнинг зарбасига,
Ёдгор тайлар шердайин,
Дарёлар тошгандай бўлди.

Ҳар бир елкаси кирдайин,
Оч бўридай бўб ишқирар,
Оламда танҳо бирдайин.

Исфиҳонини сермади,
Ёвга омонлик бермади,
Айтувлар аралагандай,
Чарчаса қараб турмади.

Алқисса, панада турган Чандана чол қараса, Ёдгорбек урушда устун, барча навкарларни яксон қилаяпти, тўғри келганига аямай қилич солаяпти, мингта навкардан аранг эллик-олтмиши у ер, бу ерда қочиб қолаяпти, Жайнар полвон ҳам нима қиларини билмай, ҳайрон бўлаяпти, Анор айёр момо эса энди ўлдим, деб ғамга тўлаяпти. Бир қарорга келган Чандана нима бўлса бўлди, Ўроздавлатга борайин, қўшимча куч олиб келайин деб паналаб жўнаб кетди, қушбегининг кўрғонига етди. Шунда воқеа тафсилотини сезган Ўроздавлат Чандана чолга: – Совчи бўлмай сен ўл, уйланмай мен ўлай, бу воқеани Арасхон эшитса, нима бўлади. Энди мени бу ишга аралаштирма, шунча навкардан айрилганим етар, Арасхонга бор, воқеага мени қўшмай гапир, қўшин тўплаб келиб, Ёдгорбекни ушланглар, – деб бир халта олтин бериб, уйидан жўнатди. Чандана чол Арасхоннинг салтанатига етиб, пой-қадамида ётиб, ёлғон-яшиқдан қўшиб: – Сиз қўнғиротларни Алпомишнинг ҳурмати учун олиқ-солиқдан озод қилиб, Ўрта даштдан яйлов берган эдингиз. Камбағалга уч кун мансаб бериб қўйсанг, унинг кимлигини биласан деган экан. Мана Ёдгорбек ҳам сизга талаб изарлаб келди, изингга қайт деб чиққан навкарлар ўлди, султоним, бу ёғи нима бўлди, – деб жалвирайберди. Шунда Арасхон обдон ўйлаб кўриб: "Ёдгорбек Алпомишнинг ўғли бўлса, талаб изарлаб, манманлик қилиб келмас, олдига чиққан навкарлардан хато ўтмаса, миршаблар ўлмас, боям худо билади", – деб Ойқашқа полвонни олдига чорлаб, йўл-йўриқ бераётган жойи:

Ойқашқа, келгин қошима,
Кўнгил берганман ишингга,
Юзта полвонни ияртиб,
Бориб кел Ўрта дашима.

Бойсиндан кепти зўрабор,
Гўёки мисли аждаҳор,
Мингта навкарни ўлдирган,
Эгасиз қопти кирдикор.

Бориб ҳолини билинглар,
Зум бўлса қўлга олинглар,
Душман бўп келса Аймокка,
Ушлаб зиндонга солинглар.

Иззат ҳурматни билмаган,
Аймокни кўзга илмаган,
Ким экан ундай зўрабор,
Жайнарга қулоқ солмаган.

Дўст бўлса меҳмон қилинглар,
Қуш отиб кўнглин олинглар,
Қўнғиротим деб келгандир,
Аввало сўраб билинглар.

Қилич солманглар бошига,
Найза суқманглар тўшига,
Уруғим деб келган бўлса,
Ёрдам беринглар ишига.

Алқисса, бу гапдан кейин Ойқашқа полвон яна юзта полвонни эргаштириб, Чандана чолни олдига солиб, Ўрта даштга етиб келди. Ҳамма томон вайрон, бу ишга Ойқашқа полвон бўлди ҳайрон. Ўртада Жайдар полвон билан Ёдгорбек кора терга тушиб, талатўп қилиб, от устида қилич сермашаяпти. Атрофни ўлик босган, оламни кўланса ҳид тўсган, бир томонда овзи очилиб, жағи кесилиб, Анор айёр бандаликни бажо келтирган, тилини гажир чўкиган. Шунда Ойқашқа полвон добилни чалди, курашаётган икки полвоннинг хаёли шу томонда бўлди, полвонлар курашдан тўхтаб дамини олди. Ойқашқа полвон Ёдгорбекни чорлаб не мақсадда келганини сўради, дўст бўлсанг, меҳмон қилай, душман бўлсанг, бошинг олай, деб юзига қаради. Буларга Ёдгорбек не мақсадда келганидан баён бериб, "Мард бўлсанг, дономан, номард бўлсанг девонаман", – деб нафасини ростлади. Ойқашқа полвон Ёдгорбекнинг яхши ният билан келганлигини англаб етгунча шу пайт орқадан етиб келган Жайнар полвон Ёдгорбекнинг чакалак томирига гурзини сермади. Ёдгорбек шилқ этиб отдан қулади, оти Жийронқуш эса эгасини айланиб жилади. Шунда Ойқашқа полвон отдан тезкор тушиб, Ёдгорбекнинг бошини қўлига олиб, Жайнар полвонга қараб: – Бахилнинг боғи кўкармайди, мард бўлсанг, хабар бериб ур эди, полвонлик шаънини бўлғадинг, – деб сўзлаётган жойи:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўларми,
Ажал етмай парвозда куш ўларми,
Не сабабдан ҳаром ошни ичасан,
Ном кўтарган полвон сендай бўларми?!

Синов учун келар экан одамзод.
Шул боисдан авлод келар ботма-бот,
Белингдаги камарингни ечиб ол,
Мард одамлар сира қилмас хиёнат.

Гапдан одам ҳар хил жойда жўшайди,
Номардларнинг бил буғини бўшайди,
Тараф бўлиб келмагандай Ёдгор,
Бу паҳлавон мард йигитга ўхшайди.

Жойи келса мардга бергин ошингни,
Мард силайди агар билсанг бошингни,
Жайнар полвон энди қандай юрасан,
Ким оқлайди сенинг қилган ишингни.

Алқисса, шунда Жайнар полвон уят кучидан ерга қараб, нима дейишини билмай қолди. Шу пайт Чандана чол: – Эй, Ойқашқа полвон, сен Ёдгорни билмайсан, у шунча одамни ўлдирди. Анор момонинг гулини сўлдирди, бола-чақасини сағир қолдирди. Биз унинг иззат-ҳурматига қилган чорбоғимизни менсимай вайрон қилди. У бизга ашаддий қонхўр душман. Агар соқолимнинг оқига, ёшимнинг улуғлигига ишонсанг, буни зиндонга ташла. Агар ишонмасанг, Ўрта даштдаги қўнғиротлар қўшида Олтиной деган бўй қизга бир дуч кел, кейин буларнинг кимлигини биласан, ё ўласан, ё омон қоласан, – деб гиж-гижлайберди. Сўнг Ойқашқа полвон ҳам бандада: "Хўп майли, бобонинг ҳам гапини бир синайик, Ёдгорбекни ҳозирча зиндонга солайик, куни бўлса, қолар, ажали етган бўлса ўлар", – деб чорбоғдаги зиндонга ташлаб, қоровулига тайинлаб, Ўрта даштга отланиб кетди.

Ана энди гапни тортувли қўнғиротлардан эшитинг. Улар галалашиб чувоққа айрон ичиб ўтирса, ҳов наридан юз отлиқ навкарлар сернавлаб келаберди. Шунда бойлар: "Шомуроднинг қизи бошга битган бало бўлди, на эрга теяди, на қўяди. Ёдгор келади деб йўлга қарагани қараган, булар кеп яна молимизни талайди", – деб уй-уйига тарқаб кетдилар.

Отлиларни кўрган Ойжамол безовта бўлаберди. Энасининг безовталигини кўрган Олтиной: – Энажон, хафа бўлма, мени алплардан

кам дема, қизимни полвонлар тортиб олади деб ғам ема, – деб ғайратланаверди. Шунда полвоилар тўғри Шомуроднинг уйига келди: – Ҳов Олтиной, биз сени деб келдик. Ё биримизни де, ё баримизни де, энди бир қарорга кел. Бойсиндан одаминг келди, чорбоғда биз билан курашиб ўлди, – дейберди Жайнар полвон. Жайнарнинг сўзини эшитган Олтиной қаҳрланиб, полвонларга қараб: – Ҳей полвонлар, телпакни мардлар кияди, белбоғни мардоналар боғлайди, сизлар мен каби бир заифанинг йўлдаги меҳмонини ушлабсизлар, – деб сўзлаётган жойи:

Сув келганда чўллар бўлар гулистон,
Боғбон бўлса қумдан чиқар боғ-бўстон,
Уялмасдан қандай келдинг, полвонлар,
Эркак бўлиб от минибсиз ҳавасдан.

Доно одам гапни гапга улайди,
Эл-юртига соғ-омонлик тилайди,
Хотин бўлиб кепсиз хотин қошига,
Сочингизни қандай эркак силайди.

Мард йигитлар меҳмонини хўрламас,
Ёлғон сўзга қасамхўрлар терламас,
Қандай юзман келдингизлар олдимга,
Кўнгли йўқни ақлли одам зўрламас.

Сабоқ олган одам билсанг анг бўлмас,
Минг аҳмоққа кенг дунё танг бўлмас,
Рўйи ростдан айтар бўлсам, полвонлар,
Биттангиз ҳам Ёдгоримга тенг булмас.

Ботир бўлсанг чиққин энди майдонга,
Тана-тўшинг булғаб қўяйин қонга,
Барчиной, деб айтар менинг момомни,
Оч бўридай дорийин минг душманга.

Ҳар элатнинг урф-одати улуғдир,
Шаклу шамойили билан тўлиғдир,
Аймоқ элнинг хотинчалиш зўридан,
Бойсинимнинг бир чўпони қутлуғдир.

Алқисса, бу гапдан кейин Жайнар полвоннинг қаҳри келиб, икки кўзи қонга тўлиб: – Заифа деб ҳурматлаганни билмадинг, неча марта раъйингга караб келиб-кетганимизни ҳурмат қилмадинг, ҳаммамизни бир Ёдгорга олмадинг, – деб Олтинойнинг устига от ҳайдаб, уни олиб қочмоқчи бўлди. Шу пайт пишқириб келаётган отнинг жиловидан Олтиной таппа ушлади, энкайиб келаётган Жайнар полвоннинг пешонасига қарсиллатиб муштлади ва оти билан Жайнарни ўн қадамга итариб ташлади. От қолди йиқилиб, полвон эса ўзини тутолмай, отидан кетди отилиб. Олтиной шиддат билан етиб бориб, жойидан турган Жайнар полвоннинг отини ушлаб, устига ширпиллаб минди, қўлига Жайнарнинг қиличини олди ва Ойқашқа бошлиқ полвонларга аралашиб кетди, етганини чирпиб ўтди, аччиқ устида ўзининг қизлигини унутди, шул орада неча навкарнинг белидан тутди, отидан тушганларни Жайнарнинг устига сермаб отди.

Шу пайт Ойқашқа полвон добилини чалиб, ўзи эса қиз бола билан олишишни орият билиб, Олтинойнинг куч-қудратига қойил қолиб, урушни тўхтатди ва қиз боладан енгилиб қўйишни уят билиб, оркасига қайтдилар. Йўлда Чандана чол Ойқашқа полвонга: – Ана айтмадимми, қўнғиротнинг қизини кўрдинг, угли бундан ёмои, буларга яхшилик қилиб, ёмонлик оласан, энди Ойқашқа полвон, нима қиласан, – деди. – Энди Арасхонга бориб, Ёдгорнинг устига қўшин олиб келаман, Олтинойни банди қиламан, қўнғиротларнинг бошига ит кунини соламан, қизи менинг дўстим Жайнарни ўлдириб, отини олиб қолди. Бу қўнғиротлар чинданда бизга душман экан, энди буларнинг барини Арасхондан рухсат олиб, Ўрта даштда битта қолдирмай, пиритиб сураман, молини талайман, – деб подшоликка навкарлари билан жўнаб кетди.

Эндиги гапни зиндонда ётган Ёдгорбекдан эшитинг. Ёдгорбек кўзини очиб қараса, қоп-қоронғу зах ерга ётибди, гурзининг зарбаси суягига етибди, билмади ўзини орадан неча кун унитибди. "Оҳ дариғо, баччалик қилдим, отам ҳам чакка тушиб етти йил сарсон бўлган эди. Энди мен ҳам отамдай етти йил чакда ётаманма", – деб афсус чалиб турганда, чак бошида бир қизнинг термулиб турганини кўрди: – Жон синглим, отим каёқда, хабар бер, – деб қичқираётган жойи:

Дарёлар тошганда қирғоқлар қулар,
Белидан айрилса тоғлар йиқилар,
Қаердан келгансан, сўзла қизалоқ,
Не боис коматинг чакка букилар.

Шамолнинг туриши туманнинг шўри,
Осмондан дўл ёғса, офатнинг бири,

Қаердан тушдим мен кора зиндонга,
Олдимда эдику аймоклик бўри.

Алдаб ўтиб борар одам даврони,
Шул бўлса не қилай Оллоҳ фармони,
Отимдан хабар бер, ой зебо синглим,
Ушалмай қоларми ёрим армони.

Бойсин-Қўнғиротдир асли маконим,
Алпомиш, Барчиной, бил, меҳрибоним,
Синглим бўл бир умр, қадди-бўйингдан,
Ёлғизман, сен бўлгин тандаги жоним.

Совуқ келтиради адоқ ғубори,
Мард булар элининг суянч, мадори,
Қалбингга ёлғондан кўнмасин ғубор,
Суйлагин, не бўлди отим хабари?

Фаҳми бор тушинар имлаган сўзга,
Ботирлар қайтарми иш қилмай изга,
Қаёқда Жийроним, каёқда душман,
Нимага одамлар кўринмас кўзга.

Алқисса, бу гапдан кейин боғбоннинг қизи ҳамма воқеаларни бирма-бир гапирди. Арасхоннинг полвонлари қўнғиротларнинг устида ўйин қилаётганини, оти Жийронқуш зиндонни айланиб, кишнаб кетолмай юрганлигини, айниқса, Жайнар полвоннинг номардлигини қолдирмай гапирди. Шунда Ёдгорбек: – Эй синглим, бошқа гапни қўй. Худони ўртага қўйиб сен билан ака-сингил бўлайин, менга ёрдам бер, чакдан тортиб олишга кучинг етмас, бир арконни дарахт томирига бойлаб, зиндонга ташла, сенинг яхшилигинг менда қолиб кетмас. Элим қирилмасин, эртароқ борайин, – деб ўкранаберди. Қиз Ёдгорбекнинг ҳамма айтганларини қилди, полвон арконни қўлга олди ва бир ҳаракат билан зулматдан чиқди. Шу пайт Жийронқуш ҳам гулдираб кишнаб етди, эгаси билан соғ-омон топишиб қолди. Шундан сўнг Ёдгорбек синглисининг кўнглини тўқ қилиб, боғбонга билдирмай, Ўрта дашгга от солди, йўл юриб, кўп лашкарларнинг устидан бориб қолди. Ойқашқа полвон подшоликдан лашкар олиб келаётса, олдидан Ёдгорбек чиқиб қолганини кўриб, ҳайрон бўлиб, бу зиндондан қандай тирик чиқди экан деб жангга тайёрланаверди. Оқ байроқ, кўк байроқ тикилаверди. Ёдгорбёк ҳам қайтадан тараддусини

кўриб, добил қокилгандан кейин боласини олдирган айиқдай бўлиб, очирқониб жанг майдонига олчанглаб тайлайверди:

Кел, душманлар, якка-якка,
Фиғонинг чиксин фалакка,
Урушли кун саваш бўлар,
От ҳайдайман тикка-тикка.

Абзал найза таккanларим,
Мен зўрман деб чиккanларим.
Келаберинглар майдонга,
Сурувлаб от бокканларим.

Бугун бўлдик тараф-тараф,
Сермашамиз тиклаб караб,
Урушли кун кечириш йўк,
Ўйин берай ҳолинг сураб.

Шундай килиб Ёдгор полвон,
От ҳайдайди алвон-алвон,
Ҳар сермаса зарбасига,
Силкинади кекса замон.

Қарамай ўнгу сўлига,
Олтин камари белида,
Ёдгор килди киёмат,
Бегона Аймоқ элида.

Ўлик-ўликка айқашди,
Қонлари селгадан ошди,
Аламзода Ёдгор полвон,
Кеча-кундузи сермашди.

Ўликлар колди қалашиб,
Бири-бирига чалкашиб,
Ярим жонлари майдонда,
Силжиб қочади тармашиб.

Ёдгор килич сермади,
Ёвга омонлик бермади,

Бундай қиёмат қойимни,
Бу кекса замон кўрмади.

Айиқдай ташлаб боради,
Бўридай ташлаб боради,
Гоҳида бургут қуш бўлиб,
Каллани лошлаб боради.

Рустамбекнинг савашини,
Гўрўғлининг сермашини,
Ёдгор қайдан ўрганган
Алпомишнинг киришини.

Кенг оламни тўзон тутди,
Кўплар ўзини унутди,
Сой-сойлар тўлди каллага,
Ғажир келиб тишлаб ютди.

Тош бетида қонлар қотди,
Ёдгор қилар ғайратди,
Аймоқ эли қочаберди,
Енголмай кучли офатди.

Қонлар оқади шалдираб,
Чети қотади милдираб.
Урдик деганда мерганлар,
Калласи кетар гилдираб.

Лашкар булутдай кучишди,
Отлар қонларни кечишди.
Орадан ўн кун ўтганда,
Қўрқоқ полвонлар қочишди.

Алқисса, Ёдгорбек Ойқашқа бошлиқ лашкарлар билан дам-бадам олмоқ-солмоқ сермашиб турди. Булар сермашиб тураберсин, эндиги гапни Ўрта даштдаги қўнғиротлардан эшитинг. Уруғ оқсоқоллари Олтинойнинг жасоратига қойил қолиб: "Айби қиз болада, бўлмаса алплардан кам эмас экан, шу боис бу қиз ўз тенгини кутаётган эканда. Ҳар иш бўлса марднинг бошида бўлади-да, номарднинг бошида не иш бўлсин", – деб кўнгиллари тўқ бўлиб турганда, бир чўпон келиб: – Ҳов

оқсоқоллар, киёмат қойим бўлди, Ўрта даштнинг бошида лашкар тўлди, сонсиз душман подшоликдан келди, бир йигит неча кундан бери якка ўзи лашкар билан сермашиб ётибди. Ким дўст, ким душман, билмай қолдим, лекин яқин орада бор-йўғимиздан айрилиб, бадарға бўлишимизни аниқ билдим, – деб суйлайберди. Шунда оқсоқоллар: – Энди нима бўлди, ким бориб хабар олади, балки Ёдгор келиб уруш қилаётган бўлса, ким ёрдамга боради, – деб ўртага гап ташлади. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Бўлмаса тақдирда борини кўрамизда деб қўнғиротлар мустар, ғамгин бўлиб, қўш-қўшларига таркалдилар. Қаранг, Олтиной чўпондан бу хабарни эшитиб, бойлардан бу сўзни билиб: "Оҳ аттанг-а, ҳар ким ҳам телпак кийиб, кобоғини уйиб, тикка туриб сийиб юраберар экан-да, кел Жайнар полвонга айтган гапларим ўзимга қайтмасин", – деб энаси Ойжамол холага қараб, жанг учун рухсат сўраб: – Энажон, уруғим хор бўлмасин, Ёдгорбек келган бўлса, мени қараб зор бўлмасин, – деб сўзлаётган жойи:

Ориятли йигит элнинг шунқори,
Полвон эса катта давлат мадори,
Жоним эна, кулоқ солгин сўзима,
Менинг учун келган Бойсин мулкдори.

Ёш болага ота кўнгли тўлмайди,
Хумса одам қитикласанг, кулмайди.
Қўшимиздан бирор йигит бормаса,
Ор-номусли элга маъқул бўлмайди.

Қўрқмас одам тикка тайлар тўдага,
Курқоклари ёвдан қочар хадага,
Шу мартага, эна, белим бойлайин,
Рози бўлсанг, мен ҳам сендан садага.

Йигит сўрар қиз боланинг зотини,
Олғир одам олиб қочар бетини.
Сумбул сочим, эна, бошга туяйин,
Энди минай Жайнар полвон отини.

Уйлаб кўрсам иш охирлаб питгандай,
Отажоним, эл бозорга кетгандай,
Нима бўлса, эна, бергин дуони,
Бойсин элдан бек Ёдгор етгандай.

Оша элга ошган тортар ҳўрликни,
Санам-қизлар отга тикар терликни,
Йигитмиз, деб Аймоқ келар бостириб,
Мен шуларга бир кўрсатай эрликни,

Ҳурматига жанг майдонга етайик,
Тўғри келса, ғанимларни титайик,
Қўнғиротни содда дейди аймоқлар,
Кетар чоқда иш кўрсатиб кетайик.

Очилганда тоза гуллар сўлмайди,
Ёлғончида ҳеч ким ўлмай қолмайди,
Фарзандим, деб боққан бўлсанг, энажон,
Шу сафарга хўп демасанг бўлмайди.

Алқисса, Ойжамол хола қизининг ғайратига, йигитлардек жасоратига, букилмас матонатига, алплардек сини-симбатига, билагидан тошиб бораётган кучига қараб: "Ҳа, курғур-а, Барчинга тортиб мардоналик қилаяпти, унида бўлса, урпоғига татийди деган гаплар рост экан, таваккали худо", – деб қизига розилик берди. Олтиной Жайнар полвондан қолган қилич-қалқонни, совут-шашкани олиб, эркакча кийиниб, отга миниб, чор ойнани от тушига ташлаб, энасидан дуо олиб, хўшлашиб, овулдан чиқиб жўнади. Қўнғиротнинг бойлари эса: "Энди ё нари, ё бери бўлади", – дейишиб, ўтов соясида чўнкиллашиб қолаберди. Олтиной отга қамчи чотиб "ё Шайдулло" деб жанг майдонига йўлбарсдай бўлиб ўрлаб бораётган жойи:

Бедовига қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,
От ўзини сермаб отди,
Ҳайла, Олтиной жўнади.

Ор-номус деб жўнаётир,
Не бўлса ҳам кўнаётир,
Мисли шердай дўнаётир,
Ана, Олтиной жўнади.

Тоғлар боши қояди,
Қоядан қуш тояди,
Юртим деб қиз куяди,
Мана, Олтиной жўнади.

От боради диркиллаб,
Семизликдан серкиллаб,
Тўрт туёғи яркиллаб,
От хайдаб Олтин жўнади.

Душман кўринмас кўзига,
Боз далда бериб ўзига,
Қайтмаса керак изига,
Орланиб Олтин жўнади.

Ғужури қайнаб боради,
Ким шундай кунда яради,
Майдон қайда деб қаради,
Ўрланиб Олтин жўнади.

Аввал худога сийиниб,
Кўлла деб пирга тийиниб,
Бугун мардона кийиниб,
Ўзбекнинг кизи жўнади.

Қобоғи кетган уйилиб,
Сочи бошига жийилиб,
Тайлаб жўнади куйилиб,
Ўзбекнинг нози жўнади.

Гоҳида тортса наърани,
Бузиб боради дарани.
Якин киб шунда орани,
Ўзбекнинг кизи жўнади.

Алқисса, Олтиной изига қайтмай, бекор келдим деб айтмай, катта қўшинининг устидан бориб қолди. Қараса, бир баҳодир йигит сув кечгандай қон кечиб, лашкарни галалаб қувиб, омонлик сўраганига омонлик бериб, паналаб отганига ёмонлик бериб, кўз илғамас кенгликни ҳай-ҳайлаб, йўлбарсдай оралаб юрибди. Олтиной: "Аввал бу урушнинг тарихини билайин, Ёдгорбек келган бўлса, мен ҳам отимни майдонга солайин, агар бошқа одамлар тараф бўлиб ётган бўлса, бу ерда туриб нима қилайин", – деб четда отдан йиқилиб овнаб ётган чоллардан: – Бобожонлар, бу ерда нима бўлаяпти, ким-ким билан уруш қилаяпти, ҳов ана у баҳодир йигит кимнинг бошини олаяпти, – деб Олтиной сўрайберди. Шунда ярадор

чоллардан бири: – Болам, сенинг ҳам ўлгинг келдима, илгари биров қора булут қорнинг эсини олади, оқ булут бойнинг эсини олади деган экан. Бугун Аймоқнинг эсини Қўнғиротдан келган бир йигит олаяпти, бу ёғи сен кўргандай бўлаяпти, – деб боболар пана-панага писаберди. Бу гапдан Олтиной руҳланиб: "Энди майдонга кирмасам бўлмас", – деб лашкарларга оралашиб бораётган жойи:

Қўлга олиб исфиҳонни,
Оралайберди майдонни,
Қаранг Олтиной ишига,
Чашма қилди қирмиз қонни.

Душман эса ҳайрон бўлиб,
Қолган кўнгли вайрон бўлиб,
Тўба-тўбага қочади,
Ичган суви айрон бўлиб.

Олтиной ҳам қайтмаётир,
Кечирдим деб айтмаётир,
Икки шунқор бўридай бўб,
Жанг майдондан кетмаётир.

Олтиной ҳам аждаҳордай,
Минг йигитга баробардай,
Қувди душманнинг барини,
Мисли Рустам зўрабордай.

Оти эса қонлар кечиб,
Туёғидан ажал сочиб,
Гоҳ ғулдираб кишнаётир,
Душман кўрса оғзин очиб.

Ул томондан Ёдгор полвон,
Бойсин юртда сурган даврон,
Қилич сермаб аралайди,
Савашига ҳамма ҳайрон.

Қилич сермаб Ёдгор полвон,
Эл оралаб келар ҳамон,
Ўша онда Чандана чол,
Пахлавонга бўлди равон.

Бобо қочар ўлдим дейди,
Ўрта даштда қолдим дейди,
Ўша замон Ёдгор полвон,
Бошин кесиб, бўлдинг дейди.

Энди душман қочаберди,
Туман бўлиб кўчаберди,
Икки шернинг ғайратига,
Тоғ-даштлар гул сочаберди.

Бек Ёдгор шунқор экан,
Жийронқуш ҳам тулпор экан,
Ҳеч чарчашни билмадиёв,
Матонатда дилбар экан.

Олтиной ҳам келаберди,
Жилва қилиб кулаберди,
Меҳмон қизни танимайди,
Шунда ҳайрон бўлаберди.

Алқисса, Ойқашқа полвон қолган навкарларини олиб, бу ишидан армон бўлиб, гурас-гурас изига қайта-қайта "Ҳов беклар иккинчи баҳодир ким бўлди, у қаёқдан келди, қилич сермашда ўктам экан, камолотда кўркам экан?" – деб ҳайрон бўлаберди. Шунда навкарлар: "Бу баҳодир Ўрта даштдан келди, чоғимда", – деб айтаберди. Ойқашқа полвон ичида: "Ҳа, бу ўша Олтиной, бу ўзига ишониб, Аймоқда олти ойдан бери Жайнар бошлиқ зўрларга ўйин кўрсатиб ётган эканда, "ҳутни баҳордан, тўқсонни қишдан ажратмадим", деган экан чорвадорлар. Мен қўнғиротларнинг баҳодирлигида қизининг кучини мардонадан, ёш боланинг кучини алплардан ажрата олмадим", – деб изига қайтаберди. Ёдгорбек эса олдига келаётган баҳодирнинг ким эканлигини танимай: – Не сабабдан ёрдам бердинг элғизга, йигит бўлсанг жавоб бергин бу сўзга, – деб сўраётган жойи:

Кўзингга қарасам, мисли тонг юлдуз,
Чўлпон юз полвоним, қайдан келасан?
Бошингга ярашган телпагинг кундуз,
Ой юзли полвоннм, қайдан келасан?

Остингда ўйнайди араби тулпор,
Ҳуснингда тузалар хар қандай бемор,

Нега майдондасан, кўзлари хумор,
Баҳодир сифатлим, қайдан келасан?

Устингга ярашар эркак либоси,
Кўксингда бордайин, анор гилоси,
Қалбимни ром этар кўнглингнинг саси,
Мардона келбатлим, қайдан келасан?

Аччиғинг чиллада музлаган қишдай,
Тикласам, кўксингда меванг қўшмушдай,
Сергак туришларинг боз каклик кушдай,
Ҳилол боқишларим, қайдан келасан?

Ёз бўлса яйловим Аму ёқаси,
Олтиндан қоқилган отим тақаси,
Йўқ дема, балки сен қизлар соқаси,
Пари зурриёти, қайдан келасан?

Ошикнинг орзуси коронғу кеча,
Зулматнинг ўрнини билмас бир неча,
От устида олчанглаган бойбачча,
Ноз билан боқишлим, қайдан келасан?

Не учун ёлгизга кувват берасан,
Ҳеч кўркмай ажалдан тикка турасан,
Ёнимга келиб сен хаёл сурасан,
Қиз феълли шунқорим, қайдан келасан?

Оғангга ўхшатиб келдингма мени,
Соз билан солинар одамнинг жони.
Ким экан Ёдгорнинг айт меҳрибони,
Гўрўғли сифатли, қайдан келасан?

Кўзингга қарасам, қиздан нишона,
Латиф юзларингга мардлар девона,
Жисмингдан нур чиқиб ёнар ҳарёна,
Малика қоматлим, қайдан келасан?

Жилва қилишларинг бойлар тилимни,
Одобинг эслатур Бойсин элимни,

Кимлигингдан баён бергин, паҳлавон,
Ўткир нигоҳларинг букди белимни.

Алқисса, бу гапдан кейин Олтиной: "Шунча лашкарлар менинг кимлигимни билмади, бу баҳодир бир кўришдан менга баҳо бераяпти, худонинг назари теккани шулда, Бойсинда кўрганимдан анча тўлиб етилибди", – деб Ёдгорбекка қараб: – Эй енгилмас баҳодир, сиз Бойсиндан Аймоққа не сабабдан келдингиз, не юмишингиз, не ташвишингиз бор? – деди. – Сен менга кимлигингни танитмадинг, айт, мардонамисан ё занонамисан? Нега менга кўмаклашдинг? – деди Ёдгорбек.

Шунда Олтиной айтди: – Мен Ўрта даштга кўчиб келган қўнғиротлардanman, башарам кизбет, қўнғирот бўлганлигим учун сизга ёрдам беришга отландим. Ўзингиздан гапиринг, бегим? – Мен сени ғанимлардан бўлса керак, алдаб келиб, Жайнардай ишини қилса керак, деб ўйлабман. Отим Ёдгорбек, отам Алпомиш, энам Барчиной. Мен Бойсиндан Аймоққа кўчиб келган тортувли қўнғиротларни олиб кетмоқ, менга гўдаклигимда унаштирилган Олтиной исмли Шомуродбойнинг қизини халол, покиза никоҳимга солмоқ ниятида келдим. Менга қўнғиротларни кўрсат, – деди Ёдгорбек.

Шу пайт Олтинойнинг гулдан нафис, ипакдан мулойим, бўй кизларга хос дид билан зийнатланган танаси бижирлаб кетди, нозик беллари эса кимирлаб ўтди. Шунда Олтиной ўзини тезда ўнглаб олиб: – Мабода Олтинойга ёқмай қолиб, шунча оворагарчилигингиз бекорга кетса нима қиласиз? – деди синамоқчи бўлиб. – Олтиной менга бир яшарлигимда унаштирилган, мана ёшимиз ўн еттига етаяпти. Демак, бизнинг калбларимиз шунча вақтдан буён учрашиб, ваъдалашиб юради. Олтинойнинг тили ёлғондан йўқ деса ҳам қалби мен томонда, – деди Ёдгорбек. – Ундай бўлса кетдик, бегим, – деб Олтиной ўзини танитмай, Ёдгорбекни қўнғиротларнинг қўшига эргаштириб борди.

Қўнғиротнинг бойлари Ёдгорбекни эшони келгандай ўртага олиб: – Ёдгоржон, омонмисан? Бойсинда нима гап? Отажонинг Алпомиш камоқдан келдима, Ултонтоз ўлдима? – деб сўраётир. Ёдгорбек эса отасининг келганидан, душманларнинг ўлганидан доно-доно сўзлаётир. Олтиной эса йўлини уйлари томон солди, шу кеча кўсам саркалар, монғи-шонғи кўчкор, қўйлар сўйилиб, тонг отар сози-суҳбат бўлди. Шомурод ҳам бир чеккада Ёдгорбекка кўз остидан қараб, "суф-суф кўз тегмасин, отасидай етилибди", – деб ичида кувониб ўтирди. Қўнғиротнинг барча момо-боболари, чеча-холалари ва бачча-чакаларию киз-жувонларигача келиб, Ёдгорбекнинг суҳбатини тинглади, юртларига бўлган муҳаббатлари янада кучайди. Лекин бу кечага Олтиной билан Ойжамол хола нимагадир келолмади. Шу кеча тонг ҳамма кўчиш тараддусини кўра бошлади.

Шу пайт оқсоқоллардан бири: – Ҳов йигитлар, Арасхонга хабар бермай кўчиб кетсак, одобдан бўлмас. Чунки биз кўчиб келганимизда Аймоқнинг подшоси Арасхон: "Майли, кўнғиротлар Ўрта дашт яйловига жойлашсин, Алпомиш ва Бойчиборнинг ҳурматига ҳеч ким буларга тегинмасин, олиқ-солиқдан озод қилинсин", – деган. Бу гапга нима дейсизлар, – деди. Шунда бирови: – Жуда тўғри гап, нонини еб дастурхонига туфламайлик. Ҳаммамиз Арасхон подшонинг ҳурматига эллик-эллик қўйдан тўпласак, икки минг бўлади, қўй жаннатдан чиққан, бу порага ўтмайди. Қўйларни совға қилиб, рухсатини олиб қайтсак, жуда соз бўлади, – деди. Қўнғиротнинг бойлари худди шундай қилиб, Ёдгор бош бўлиб, Арасхондан очик-ойдин, розима-рози рухсат олиб, ўртадаги тушинмовчиликларни ўтин қилишиб, Аймоқдан тинч-омон Бойсинга қараб кўчиб жўнади.

Йўлда Ёдгорбек Аймоқдан кела-кела синглим деб тутган, худони бир деган боғбоннинг кизини топиб: – Эй синглим, ёмон кунда мени ўлимдан сақлаб қолдинг, раҳмат сенга. Айт сени қандай рози қилай, хўп десанг, Бойсинга олиб кетай, – деди. Шунда боғбоннинг қизи одоб юзасидан бош эгиб: – Эй акажон, афсонавий Барчиной момонинг садоқати етти иклимга достон бўлаётир. Ана шундай покиза аёлнинг дуосини олсанг, сўзига қулоқ солсанг, не деса, айтганини қилсанг, яхши-ёмон кунда Олтиной билан ёнида бўлсанг, энанг хурсанд бўлиб кулган чоғда мени эслаб қўйсанг, бўлди, – деб розилашиб қолди.

Сўнг Ёдгорбек катта кўчни Кўккамишга етказиб: – Энди борабера-сизлар, – деб ўзи эртароқ Бойсинга етиб бориб, онаси Барчиной, отаси Алпомиш билан соғ-омон кўришди. Шунда онаси Ёдгорбекининг ёлғиз келганини кўриб: – Болам, ўтин териб келганинг йўқма? – деб сўраётган жойи:

Ор талашган ёлғизим,
Суянчиғим, қундузим,
Пешонамда юлдузим,
Бойсин келган ёр кани?

Сенсан менинг чироғим,
Қариганда тирагим,
Қеча-кундуз керагим,
Бойсин келган ёр кани?

Жийронқушни желдириб,
Йўлни чангга тўлдириб,
Уялма, эл кулдириб,
Бойсин келган ёр кани?

Кетган эдинг отланиб,
Хат хабардан шодланиб.
Қайт деганда хитланиб,
Олиб келган ёр кани?

Қани колган кўнғирот,
Яшаб юрган омонат,
Ё қилдима хиёнат,
Тортувлидай эл кани?

Ёки боролмадингма,
Отни суролмадингма,
Шер бўб туролмадингма,
Зор-интизор эл кани?

Энангни қилма ҳайрон,
Номусни бузма вайрон,
Ё бўлдингма пушаймон,
Хат юборган эл кани?

Ишинг питмаган бўлса,
Сўзинг ўтмаган бўлса,
Номинг кетмаган бўлса,
Қилич таққанинг бекор.

Гар йўлдан қайтган бўлсанг,
Ёлғондан айтган бўлсанг,
Йўлларда ётган бўлсанг,
Тулпор минганинг бекор.

Шаънимизни хор этиб,
Интиқ элни зор этиб,
Қайтган бўлсанг ор этиб,
Болам деганим бекор.

Алқисса, шунда Ёдгорбек хамма сир-савдони, ўтган воқеаларни отаси ва энасига айтиб, тортувли кўнғиротларнинг Кўккамишда ётганини, отаси Алпомишдан нима дер экан деб фармон кутганини айтиб: – Энажон, йигит от минмайди, от мингандан кейин изига қайтмайди, белига қилич таққандан кейин ё қахрамонлик кўрсатади, ё майдонда шаҳид бўлади, –

деб залворли қўлларини кўксига қўйиб, ота-энасига бош эгди. Шундан кейин Алпомиш барча тортувли қўнғиротларни кўчириб келиб, ўз ўлан тўшагига жойлаштирди. Қўнғиротнинг қадасини қилиб, дўсти Қоражонни Шомуродникига совчи қилиб юборди. Ҳамма расм-русм ўтгандан кейин Бойсин-Қўнғиротда эл кўрмаган тўй бошланди. Ёдгорбек билан Олтиной ажралган икки уруғни боғлаб, ўзлари ҳам дил-дилдан боғланиб, мурод-мақсадларига етдилар. Тўйхона четидаги қўшхоналарнинг биридан бир бахшининг жарангдор овозига мос сеҳрли созидан шундай сўз ва наволар то тонггача таралиб турди.

Қўнғиротда тўй бўлди, ёр-ёр,
Камбағаллар бой бўлди, ёр-ёр,
Бойсин, деган бу элат, ёр-ёр,
Мисли жаннат жой бўлди, ёр-ёр.

Ёдгор билан Олтиной, ёр-ёр,
Таъзим берар пойма-пой, ёр-ёр,
Барчин билан Ойжамол, ёр-ёр,
Иккови чин қудағай, ёр-ёр.

Бир томонда Алпомиш, ёр-ёр,
Шомуродга тайлар беш, ёр-ёр.
Юз-юз отиб қудалар, ёр-ёр,
Газак қилар тандир гўшт, ёр-ёр.

Малик Мурод Тошкентдан, ёр-ёр,
Тўйга кепти Шошкентдан, ёр-ёр,
Дафтар қалам қўлида, ёр-ёр,
Китоб ёзар бошқатдан, ёр-ёр.

Абдиолим қошида, ёр-ёр,
Айни қирқ беш ёшида, ёр-ёр,
Бахшини хўп кузатар, ёр-ёр,
Бу одатий ишида, ёр-ёр.

Замон ўтди айланиб, ёр-ёр,
Қушлар учди шайланиб, ёр-ёр,
Неча баҳор, ёз ўтди, ёр-ёр,
Минг асрлар тайланиб, ёр-ёр.

Ҳур истиқлол кун келди, ёр-ёр,
Меросга хўп жон келди, ёр-ёр,
Қадирият эсланиб, ёр-ёр,
Анъанага сон келди, ёр-ёр.

Дўмбира гул танига, ёр-ёр,
Алпомиш достонига, ёр-ёр,
Минг йил тўлди ёронлар, ёр-ёр,
Қаранг элнинг шаънига, ёр-ёр.

Юртбошимиз бош бўлар, ёр-ёр,
Хўп савобли иш бўлар, ёр-ёр,
Бир томондан ЮНЕСКО, ёр-ёр,
Улуғ ишга эш бўлар, ёр-ёр.

Ўзбекистон тўйга бой, ёр-ёр,
Ҳар гўшаси жаннат жой, ёр-ёр,
Мустақиллик нур сочар, ёр-ёр,
Қалбим очди бир худой, ёр-ёр.

Бедов отни желинглар, ёр-ёр,
Тўйда ўйнаб кулинглар, ёр-ёр,
Келаси йил куз ойда, ёр-ёр,
Тўйга тайёр бўлинглар, ёр-ёр.

Қаҳҳор айтган бу достон, ёр-ёр,
Тўёна деб билинглар, ёр-ёр.

ИЗОҲЛАР

“АЛПОМИШ” достони
(Раҳматулла Юсуф ўғли варианти)

Достонни шоир-қиссахон Раҳматулла Юсуф ўғлининг ўзи (1917 – 1987) 1968 йил 21 февралдан 8 июлгача бўлган даврда ёддан ёзиб чиқиб, Фольклор архивига топширган. Қўлёзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 1660-инвентарь рақами остида сақланади. Қўлёзманинг умумий ҳажми 230 саҳифа. Унинг шеърий қисми 3883 мисрадан иборат. Достон ана шу ягона қўлёзма асосида нашрга тайёрланди. Илгари нашр этилмаган.

Раҳматулла Юсуф ўғли бошқа бахшилардан фарқ қилиб, достонларни дўмбирада куйламаган, балки уларни эл орасида ёдаки айтиб юрган достончидир. Унинг ижроси муайян маънода қиссахонлар амалиётига ўхшаб кетади. Аммо у қиссахонлардек тайёр матнни ўқимайди, балки уни оғзаки айтиб беради. Шунинг учун ҳам унинг ижросида бахшиларда бўлганидек, бадиҳагўйлик биринчи ўринда туради. Репертуарини ҳам қиссалар эмас, балки жонли оғзаки анъаналарда етиб келган халқ достонлари ташкил этади. Бошқача айтганда, у ижро усули, айтиш йўли билангина қиссахонларга ўхшашдир. Шунинг учун ҳам уни ўз устозлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоирлар анъаналарини муносиб равишда ижодий давом этдирган ижодкор, доврукли Қўрғон достончилик мактабининг сўнгги истеъдодли вакили сифатида баҳолаш зарур. Ундан ёзиб олинган ёки ўзи ёзиб берган ҳамда кўпчилиги нашр этилган ўнлаб достонлар бунинг тасдиғидир.

Раҳматулла Юсуф ўғлининг айтувчилик ва тўпловчилик фаолиятига хос хусусиятлардан бири айтаётган, айтиб ёздираётган ёки ёддан ўзи ёзаётган фольклор намуналарига ўзининг фаол муносабатини билдириб боради. Худди шундай, “Алпомиш” достонини ёддан ижодий ёзиб чиқар экан, унга ўзича “Алпомиш” достони ҳақида” деган кичик бир сўзбоши ёзади. Уни бугунги тушунчамиздаги сўзбошилар тарзида қабул қилиш мумкин эмасдир. Бу – шарт ҳам эмас. Аммо у ёки бу фольклор намунасига халқ ижодкорининг муносабатини билиш учун бундай “сўзбошилар” ниҳоятда муҳимдир. Ана шуларни ҳисобга олиб, бахши-қиссахон сўзбошисини қуйида айнан келтирамиз. Бунда Раҳматулла шоир терминологиясини тўла сақладик. Чунки кимларгадир эриш туюлган нуқталарни, жумладан,

"Алпомиш" достонини куллиёт дейиш кабиларни китобхоннинг ўзи тўғри англай олади, деган фикрдамиз:

"АЛПОМИШ" ДОСТОНИ ҲАҚИДА

"Маълумки, "Алпомиш" достонининг инқилобдан бери Тошкент Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Фольклор секторига топширилган хиллари албатта турлича. Шулардан мақбулрокларини олимлар босмага бериб чиқарган ва чиқармоқдалар. Бу мен ёзиб топширган "Алпомиш" достони бошқалар берган "Алпомиш" достонларидан ўтик ва етук деб даъво килмайман ҳам. Менинг бу "Алпомиш" куллиётини ёзиб, Фольклор секторига топширишимдан максад – дарёлар мажмуига яна бир дарёча қўшмоқ, яъни фольклор хазинасини бойитмоқ ва андин кола берса, қўлдан келгунча илм аҳлига фойда келтирмоқдир. Балким вақти келиб бу менинг куллиётим ҳам нашр килинар. Балким қўлёзма ҳолида сакланиб ўрганилар. Ҳар холда куруқ токчада қолмас. Шундай қилиб аввал берган куллиёт ва бошқа достонларим сингари бу "Алпомиш" куллиётини тузишда ҳам мен уч хил ривоятдан фойдаландим. Ривоятнинг бирига "Умумий" деб исм бердим, яъни бу хил текст ҳамма мен кўрган бахшилар ўртасида бирдек муштарак сюжетда айтилганлар. Ривоятнинг иккинчи хилига "Азиз" деб исм бердим. Бу Эргаш Жуманбулбуллай, Пўлкандай катта бахши келтирган ривоят бўлиб, бошқа ҳеч бир бахши тилига олмаганлар. Ривоятнинг учинчисига "Заиф" деб исм бердим. Бу хил сюжет кичикрок бир бахшининг айтишида учраб, лекин катта бахши бу сюжетни қолдириб кетган бўлса, ана шу уч ривоятнинг умумийси достоннинг кўп кисмини эгаллаган. Имкони борича бу достонга "Азиз" деган ривоят киритилди. Лекин зарур пилла "Заиф" деган ривоятдан ҳам фойдаланилди. Бу гаплар тилшунос ва фольклоршунос олимлар учун унчалик мушкил гап эмасдир. Аввалдан бир накл бордирки, ҳар бахши бир достонни бўлак хилда айтади, деган бу гап жуда тўғри. Чунки шу бахшининг ўзи деган достони албатта ўзига ёкмаса, бахшининг сўзига файз қўнмайди. Мен, айникса, кўпинча достонни ихчамлаштиришни яхши кўраман. Масалан, қаҳрамонга тўн кийдириш, от абзаллаттириш деганга ўхшаш тутимларни ҳар достондан бир достонга қўша бергим келмайди. Шуйтиб, мен тузиб топширган "Алпомиш" куллиёти ҳам ўзимча ёмонми-яхшими бир услуб касб этгани ҳолда барпо топди".

Раҳматулла Юсуф ўғли
1968 йил 21 февраль

Маълумки, фольклоршуносликда достон вариантларини бир-биридан фарқлаш учун "умумий", "азиз", "заиф" каби атамалар қўлланмайди. Шунингдек, бахши-қиссахон ривоят деганда, алоҳида жанрни эмас, балки ривоявийликни, ҳикоявийликни, бошқача айтганда, эшитилганлик ва ўрганилганликни назарда тутган. Бундай сўз ва атамалар ҳар бир бахши вариантига, достон ижрочилигининг турли-туман ҳолатларига бахшиларнинг эстетик муносабатларини ўрганиш учун муҳимдир. Эргаш Жуманбулбулдай, Пўлкандай буюк достончилар муҳитида тарбияланган атоқли ижодкор бахши-қиссахон Раҳматулла Юсуф ўғли достонларнинг бадиий юксак вариантларини ниҳоятда азиз тутиши табиийдир. Шу туфайли у қўллаган сўз ва ибораларда қандайдир ғайритабиийликни кўриш ҳам унчалик тўғри эмас, балки уларни у ёки бу вариантнинг бадиийлик даражасига бахшиларнинг шундай сўз-атамалар орқали муносабатлари, унга ўзларича баҳолари тарзида қабул қилмоқ керак.

[1] *Қамай деганимиз подшоҳнинг зоти.* Бахши достонда "қалмоқ" сўзи ўрнига "қамай"ни ҳам қўллайди. Уларни унификация қилмай, ишлатилган ўрнида ўзича қолдирдик. "Қамай" достоннинг айрим ўринларида Тойчихоннинг иккинчи исми ва мамлакат номи маъноларида ҳам қўлланилади.

[2] *Жўралашибди.* Фольклорда кофия, вазн, сажъ талаби билан сўзларни қисқартириш, шаклини ўзгартириш, товушларни орттириш ёки камайтириш, ҳатто шева ва мавжуд лексик бойлик имкониятларидан фойдаланиб, янги сўзлар ясаш, баъзан уларни бузиб қўллаш ҳодисалари мавжуд. Бундай ҳодисаларга ҳамма ўринларда хам изоҳлар бериб бориш достонни ўқишни қийинлаштириши табиийдир. Гапнинг ёки мисранинг маромига қараб, зийрак китобхон унинг маъноларини ўзи англаб олиши табиийдир. Шуни ҳисобга олиб, бундай изоҳларни мумкин кадар камайтиришга ҳаракат қилдик. Юқорида келтирилган "дўстлашиш" маъносидаги "жўралашибди" сўзи бунга мисолдир.

[3] *Сут берса, яхши бўлибди, оқлиққа тааллуқ.* Оқлик – розилик аломати. Совчиларга оқлик бериш урфи ҳам шу билан боғлиқ. Бу ерда Барчин совчи бўлиб келган Қоражондан шубҳаланса-да, ўзининг кўнгли тозалигини, фақат Алпомишга тегишга рози эканлигини билдириш мақсадида унга сут беради. Қоражондан Барчиннинг сут берганлигини эшитган Алпомиш бу рамзни худди шу маънода шарҳлайди ва сабр қилиш лозимлигини уқтиради. Агар келган совчига турли баҳоналар билан рад жавоби берилганда, совчиликка кайтиб келмасин, сувдай совиб кетсин, дея ирим қилиб, совчининг орқасидан унга билдирмай, сув сепиб қолиш одати ҳам бор. Барчиннинг қимиз сўраб келган Кўкаманга сув бериши ҳам ана шундай ирим-сиримлар билан изоҳланади.

[4] *Келинчакка боқон тутгандай қилиб.* Боқон тутиш – никоҳ тўйи узвмларидан бири. Бунда келинни куёвникига олиб борилаётганда, арконнинг икки учидан ушлаб, яхши ният билан йўл тўсилади. Одатга кўра, келиннинг сепидан совға-саломлар (рўмол, дўппи, белбоғ ва ҳоказолар, айрим ҳолларда пул) берилгач, йўл очилади. Бу амаллар ўйин-кулги, хуш-чақчақлик, баъзан айрим комик айтимлар билан бажарилади.

Достонда бахши ана шундай пок ниятли удумлардан ғайр одамлар ёмон ниятларда фойдаланиши ҳам мумкинлигини ҳисобга олиб, уни тоғнинг икки газаси орасида аркон тортиб, душманлик билан пойгада чопаётган Бойчибор йўлини тўсишларига ўхшатиб, ажойиб бадиий лавҳа яратган.

[5] *Афзаловлар қамчи уриб, ясасин.* Бу мисрада атоқли фольклоршунос Афзалов (1910 – 1973) кўзда тутилмоқда. Одатда бахшилар оғзаки ижро давомида ёки достонни айтиб ёздираётганда, бадиҳа йўли билан тасвир оқимига мос равишда атрофдаги кишилар ёки ёзиб олувчиларнинг номларини қўшиб айтадилар. Раҳматулла Юсуф ўғли ҳам ўзининг фаолияти давомида фольклоршунослар билан якин алоқада бўлган. Бахши наздида пойгада чопиб кетаётган Бойчиборнинг айни ҳолати тасвирида фольклоршуноснинг номини қўшиши отнинг пойгада ўзишига гўё бир мададдир.

[6] *Ҳакимбек дўмбирани олиб, чўлоқ хотиннинг шуъласида чертиб ўтирди.* Якин-якингача чекка қишлокларда маиший ҳаётимизда мавжуд бўлган "тош чирок"ни "чўлоқ хотин" деб ҳам юритилган. Айрим жойларда ҳозир ҳам тош чирокдан арвоҳлар руҳи учун шам ёкишда фойдаланилади. Бу ерда тасвирланишича, Алпомиш иккинчи сафар Қалмокка бораётганда, кечкурун Бобохон тоғи чеккасидаги бир чочов овулда (аҳолиси чочов (сочилиб) яшаётган қишлокда) бир кампирникида меҳмон бўлиб, чўлоқ хотин (тош чирок) ёруғида дўмбира чертади. Овул аҳли дўмбира товушини эшитиб, бахши келди, деб йиғилади ҳамда уни бахши фахмлаб, бирор нарса айтиб беришни илтимос қилади. Шунда Алпомиш Бобохон тоғига овга келганлиги ҳақидаги бир термани куйлаб беради. Эрталаб Бобохон тоғига чиқиб, иккита шерни тутиб, бир-бирига уриб ўлдиради ҳамда уларнинг манглайига "Бу шерларни Ҳакимбек ўлдирган", – деб ёзиб, тоғнинг Қўнғирот бетига ташлаб, Қалмоқ томон йўл олади. Бу лавҳа ва терма тасвири бадиий жиҳатдан қанчалик юксак бўлмасин, достон сюжет таркибига мос эмас. Шундай бўлса ҳам бундай ўринларни қискартирмай, ўзидай қолдирдик. Чунки бундай ходисалар айни бир ижро хусусиятларини ўрганиш учун муҳимдир.

Умуман, кейинги авлод бахшиларида, хусусан, ҳозирги Сурхондарё ва Қашқадарё бахшиларида фольклорнинг терма, алла, ўлан (ёр-ёр), олқиш жанрларига оид намуналарни достон воқеалари маромига мослаб, бироз

ўзгартирган ҳолда бўлар-бўлмасга сюжет таркибига кенг бир тарзда кирита бериш ҳодисаси кўп кузатилмоқда. Аммо улар кўпчилик ҳолларда достоннинг шеър тузилиши, унинг ритми ва оҳангига мос келмай, "киритма" намуналар сифатида кўзга ташланмоқда. Уларда достонга нисбатан мазкур жанрлар хусусиятлари устунлик қилиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам бундай ҳодисаларни оғзаки эпик анъаналарнинг ривожи, унинг қандайдир янги босқичи, анъаналарнинг янгиланиши тарзида эмас, балки достон ижрочилиги сўна бошлашининг бир кўриниши сифатида баҳолаш зарур.Чунки бундай "киритмалар" достон сюжетида муҳим ўрин тутмайди, унинг композицион қурилишида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга эмас. Худди шундай, Раҳматулла шоир вариантидаги Алпомишнинг икки шерни ўлдириши достоннинг кейинги воқеалари билан боғланмайди, балки шу вариантдаги якка эпизод сифатида қолиб кетган.

[7] *Жийдали Бойсинда ўн олти бов қолиб, Бойсин-Қўнғирот аталган эди.* Бойсин, Қўнғирот, Жийдали, Жийдали Бойсин каби географик номлар мамлакатимизнинг турли жойларида, шунингдек, мамлакатимиздан ташқари ерларда илгаридан бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Бахшининг тўксон олти бовли (уруғли) ўзбекларнинг Жийдали Бойсиндан таркалганлиги, уларнинг кўплари кўчиб кетиб, бу ерда ўн олти уруғ қолганлиги сабабли Бойсин-Қўнғирот аталганлиги тўғрисидаги фикрлари анча шубҳали бўлиб, уларни бир версия сифатида қабул қилиш мумкиндир. Умуман, достонлардаги жой, ер, сув, тоғ, дара, чўл, кўл ва ҳоказо номларни бугунги реал ҳаётдагилари билан қиёсий ўрганиш махсус тадқикотларни талаб қилади.

[8] *Чавандозларга майда берилаётган эди.* Кўпкари ўтказиш ўзининг қатъий қонун-қоидаларига эга. Кўп кунлик кўпкариларнинг охирги кунида ёки кўпкарининг сўнгида энг кичик улоқлар солимга ташланади. "Майда беришда" шу нарса назарда тутилмоқда. Кўпкарининг энг охири – "ҳўкиз ўлди"га охирги катта мол ташланади. "Ҳўкиз ўлди"га солим учун ташланадиган мол катта серка ёки камида икки яшар қорамол бўлиши керак. "Майда бериш" баъзан болалар кўпкариси маъносида қўлланилади.

[9] Раҳматулла Юсуф ўғли достонни ёзиб чиқишда матнни "Алпомиш I", "Алпомиш II", "Алпомиш III" ва ҳоказо тарзда йигирма уч қисмга бўлиб-бўлиб ёзган. Достон сюжет таркибини бундай бўлишнинг сунъийлиги очиқ кўриниб турибди. Шу сабабли достонни нашрга тайёрлашда "Алпомиш I", "Алпомиш II"..., "Алпомиш XXIII" тарзидаги сунъий сарлавҳаларни олиб ташлаб (қисқартириб), матнни сидирғасига бердик ҳамда кетма-кетликни тўла равишда сақладик. Бунда қисмларни бир-бирига боғлаш учун бирор сўз ёки жумла қўшилган эмас, фақат юқорида қайд этилган сунъий сарлавҳаларгина олиб ташланди. Қисмлар матнда табиий равишда

бир-бири билан боғланиб кетди. Бу ҳам матнни қисмларга ажратишнинг сунъийлигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, бахши достон тугагач, ўзича "Алпомиш XXIV" сарлавҳаси остида алоҳида қисм очиб, унда достон қаҳрамонларининг кейинги тақдири билан боғлиқ афсонанамо маълумотларни баён этади. Бундай маълумотлар бошқа бирор бахши вариантида учрамайди. Бизнингча, бу маълумотлар Раҳматулла шоирнинг тўқимаси бўлиши мумкин. Аммо Раҳматулла Юсуф ўғли ўта саводхон бахши-қиссахон бўлганлиги сабабли Сирдарё бўйида (дарёнинг қуйи оқимида) бўлган, кейинчалик бузилиб кетган "Барчиннинг кўк кошонаси" ҳақидаги (Кўк кошона ҳақида қаранг: Ҳоди Зариф. "Алпомиш" эпосининг асосий мотивлари // "Алпомиш" – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: "Фан", 1999. – 32–33-бетлар) маълумотлардан, шунингдек, археологларнинг қазув ишларидан хабардор бўлган бўлиши керак. Бу – бир. Иккинчидан, халқ орасида Алпомишнинг қабри билан боғлиқ турли-туман афсоналар ҳам мавжуд. Ана шуларни ҳисобга олиб, изоҳларда Раҳматулла шоир баёнини қуйида тўла равишда келтиришни лозим кўрдик. Зеро, достончи-қиссахон айтганидек, улардан илм аҳли муайян хулосаларга келиши мумкин:

"АЛПОМИШ XXIV"

"Ана энди орадан неча вақт ўтди. Қоражон бир неча йигитларга бош бўлиб, Токламоқ юртигача бўлган бир неча элларни ўн олти уруғ Қўнғиротга бўйсундириб келди. Ёдгор бир неча ўғлонларга бош бўлиб, Жайҳундан кечиб ўтиб, нарги орқа бетнинг эл-элатларидан кўпини ўн олти уруғ Қўнғиротга бўйсундириб келди. Буни эшитган узоқ-узоқларга қабила бўлиб тарқалиб кетган тўқсон олти бовли ўзбекларнинг ўн олти уруғ қўнғиротдан бошқа саксон бови ҳам оқсоқолларини юбориб, Ҳакимбекка ўзларининг бўйсунганликларини маълум қилдилар.

Шуйтиб, Қўнғирот султони Ҳакимбек барча туркийлар султони бўлди. Кейин одам, мол кўпайиб кетиб, ўн олти уруғ қўнғирот Жийдали Бойсин дарасига сиғмай қолди. Ундан кейин Ҳакимбекнинг ҳукми билан тўққиз уруғ Жийдали Бойсиндан бошқа майдони кенг сувли ерларга чиқарилди. Шу орада Ёдгор эр етди. Унга ҳам бир яхши жойдан қиз олиб бердилар. Бу ҳам болали-чақали бўлиб кетди.

Шуйтиб, орадан йигирма беш йил ўтди. Ой Барчин қирқ икки ёшига бориб, касалланиб оламдан ўтди. Ҳакимбекка қаттиқ мусибат етди. Гўё ой Барчин билан юраги қўшилиб, юлиниб кетгандай бўлди. Ой Барчин Ёдгордан кейин болали бўлмаган эди. Энди Ҳакимбек султонга олам коронғи бўлди. Икки кўзи жиққа ёшга тўлди. Ўлимга на чора бор. "Ҳай,

худонинг тақдирига кўнмаган кофир. Яшадик, бирга бўлиб бир ёстиққа бош қўйиб, беармон давр сурдик. Эндиги гап буни қора ерга топшириш-да", – деб Ҳакимбек ўйлаб, ўзича сўйлаб: "Ой Барчин ер юзининг ойи эди. Энди, шуйтиб, бу ерга кўмилганда ҳам осмондаги ой билан арзиҳол айтишиб ётмоғи керак", – деб Жайҳунга яқин бир тўшликка ётиқ қулай, ҳаводор жой топиб: "Дарёдаги гавҳарларни восита қилиб, ой билан ой Барчин бахт ҳақида баҳслашсин. Буларнинг ишига Қамбар юлдузи гувоҳ бўлсин", – деб Қамбар юлдузи ҳам роса кўринадиган қилиб, ой Барчин учун бир сағана қилдириб, устини ўтовдай қилиб, Барчинойни шу ерга дафн қилдирди. Орадан кўп замонлар кечиб, Ҳакимбек ҳам ёшини яшаб, ошини ошаб, бул ҳам вақти-куни битиб, ажали етиб, оламдан ўтди. Ўрнига Ёдгор султон бўлиб, Ёдгор султон ой Барчиннинг ёнидан орасидан сал очиқ қолдириб, отаси Алпомиш исмли, Ҳакимбек лақабли султон учун худди ой Барчиннинг сағанасига ўхшаш сағана қилдириб, буни ҳам қора тупроққа топширди. Ҳамма ҳам ўлади. Ҳеч ким ўлмай дунёга устун бўлмайди. Ана одамзод бечоранинг охирги ҳоли шул. Бу сўзлар ёлғон эмас, чин. Алпомиш билан ой Барчин жуда маълум бўлиб ўтган.

Шуйтиб, бахшилар достон қилиб таъриф-тафсифини кўп деди. Бу биз деган "Алпомиш" ҳам бир неча башорат-ишорат илҳомлари билан битилган. Шоир акангиз ҳам чакана эмас, беҳуда сўзни демас, шу ёғининг ўзи бас, шу гаплар ҳам эмас паст. Эй, хўжа ака, ўтган кунларга салавот, бари бўлиб кетди абас. Сендан ҳам қолар бу кунлар. "Ноумид – шайтон" деган экан. Ҳали яшарсан, ошингни ошарсан. Шуйтиб, кўп кетма паст. Қалам шу ерга етганда, учгинаси топди шикаст. Таги мақсадга келайлик, қўлга янги қалам олайлик.

Орадан неча минглаб йиллар ўтди. Навбат яна бир хил тоифа одамларга етди. Бу одамлар Жайҳун ёқасида бир ажойиб қадимий қўйиндини учратдилар. Кўрсалар, иккита жуфт сағана, қошида яна кўп ганжланган мақбаралар бор экан. "Бу ерлар илгари султонларнинг қўйиндиси экан", – деб бу одамлар бошқадан бу ерларни обод қилиб, ўз озода нозанинларини шу ерга қўядиган бўлдилар. Ҳалига жуфт сағанани ҳам ўз расм-одатлари бўйича қайтадан тикка қилдилар. Шуйтиб, бу ерлар таги обод бўлиб кетди. Таги мени ёлғончи қилманглар. Рости-ёлғонини худо билади. Бу гаплардан, қиссадан ҳисса дегандай, илм аҳли хулоса олади. Илмсиз жоҳилни бу гаплар жинни қилади. Шуйтиб, достоннинг бу ёғини шоирлар бировларга айтиб бермайди. Тамом".

Раҳматулла Юсуф ўғли,
1968 йил 8 июль

"ЁДГОР" достони
(Фозил Йўлдош ўғли варианти)

Достонни 1937 йилнинг 5 июль – 19 август кунлари атоқли фольклоршунос Ҳоди Зариф (1905 – 1972) бахшидан Тошкентда ёзиб олган. Қўлёзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 115-инвентарь рақами остида сақланади. Достон ўн икки вараклик ўқувчи дафтарига ёзиб олинган бўлиб, яхлит ҳолда муковаланган. Умумий ҳажми 395 саҳифадан иборат. Ҳар бир саҳифага ўн икки қатор матн жойлаштирилган. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида дафтарлар варақларининг бир томонида ёзилган. Достоннинг наср ва назм қисмлари ҳажм жиҳатидан бир-бирига деярли тенгдир. Шеърий қисми 2558 сатрдан иборат.

Достон биринчи марта унинг ёзиб олувчиси Ҳоди Зариф томонидан қисқартирилган ҳолда нашрга тайёрланди ва у 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётида алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Ушбу матн "Ўзбек халқ достонлари" икки жилдлигининг иккинчи жилдига ҳам киритилган (1957). Кейинчалик Т.Мирзаев достонни тўла равишда нашрга тайёрлади ва у "Алпомиш" достонининг Саидмурод Паноҳ ўғли варианти билан биргаликда алоҳида китоб ҳолида лотин ёзуви асосидаги янги имлода чоп этилди ("Ёзувчи" нашриёти, 2000). Ушбу нашр Фольклор архивидаги 115-рақамли қўлёзма асосида тайёрланди.

[1] *Эшигини шипириб келгани Шомуродникига юборди* – Қиз туғилган хонадоннинг эшигини шипириш ўғилли хонадоннинг фарзандига қизалоқни аташтириш одатининг бир кўриниши. Бу одат қизалоқнинг пешонасига рўмол боғлаш, қиз чақалоққа биринчи кийдирилган кўйлакнинг (иткўйлакнинг) этагини йиртиб қўйиш тарзида ҳам амалга оширилади. Бунда икки томон рози бўлиши керак. Айрим ҳолларда буни бир кичик тўй тарзида элга маълум қилиб қўйилади. Бунга "этак йиртиш" маросими дейилади. Юқорида ана шу одат кўзда тутилмоқда.

[2] *Бизга ич ачигудай бир нима бериб, белгили қилсангиз* – Болалар туғилмасдан олдин бешиккерти қилиб қўйилган бўлса, улар туғилагч, куёв томон қиз томонга қимматбаҳо бирор нарса (калин) бериб, элга маълум қилиб қўйиши лозим ёки этак йиртди маросимини ўтказиши керак. Шомуроднинг хотини ана шу урфни назарда тутиб, Барчиндан калин талаб қилиш баҳонасида қизнинг бошини бўшатиб олиши назарда тутилган.

[3] *Човлаб қолганини сўйиб олиб* – Семиз қўйларнинг семизликдан чарчаб, юролмай, оёғини босолмай қолишига човлаб қолиш дейилади. Қўйларни

узоққа хайдаганда, шундай касалликка йўликканлари сўйилиб, гўшти бошқа уловга ортилади. Юқоридаги мисрада ана шу ҳолат тасвирланган.

[4] Ҳоди Зариф қўлёзманинг ҳамма ўрнида "*ўз*" сўзини "*ўс*" (ўша даврдаги имлода "*os*") тарзида ёзган ва остини чизиб қўйган. Атоқли олим ёзувидаги бундай изчиллик Фозил шоир "з" фонемасини "з" ва "с" фонемалари оралиғидаги бир товуш тарзида талаффуз қилганлигини кўрсатади. Бундай фактлар бахши мансуб шева хусусиятларини ўрганиш учун муҳимдир. Нашрда адабий тилдаги шаклини бердик. Аммо "юру" (юрибди), "боғонаги" (бояги), "шўған" (шунга, шу билан), "чегишиб" (чиқишиб, келишиб), "эшонсиниб" (эшонга ўхшаб), "шў" (ўша), "ияртиб" (эргаштириб), "қошинг читасан" (қошинг чимирасан), "янгитта" (эндигина, яқиндан бери), "лазза" (ларза), "кайтам" (қайтага), "ийиб" (эгиб), "жийиб" (йиғиб) каби сўзларнинг аксарият ўринларда шевадаги шаклини сақладик.

[5] *Бизнинг тўғри гапимиз ҳам қишига кета берди.* Бу ерда "қишига кетмоқ" ибораси бекорга кетди, ҳавога учди, эътиборга олинмади маъноларида қўлланган. Хилма-хил маънолар ташувчи бундай фразиологизмлар достонларда кўплаб учрайди.

[6] *Бойбича кампирдан эшитган сўзини бойига гапирди.* Бу ерда бойбича деганда, Ойжамол, бой деганда Шомурод кўзда тутилмоқда. Урф-одатга кўра, ўзаро муносабатларда эр-хотин маъносида бой-бойбича сўзлари ишлатилади. "Бой амр этмаса, бойбича хамир қилмас" маколига ҳам шу маъно юклатилган.

[7] *Ул сенинг бошингга бир рўмол ўраб, бешикарт қилибмиди?! Бир эшигимизни шипирди, шипирди-да!* Бу ўринда бахши "Ўғил-қизни ёш бола вақтида унаштирилиб, ўғилнинг ота-онаси томонидан қиз учун бирор нарса бериб, фотиҳа қилинса, бешикарт дейилган", – деб изоҳ берган. Барчин Олтиной туғилганда, бир кампирни юбориб, Шомуроднинг уйини супиртирган бўлса-да, бирор нарса бериб, уни элга маълум қилмаган эди. Юқоридаги тасвирда шунга шама қилинмоқда.

[8] *Бундайин илинжи сўздан қутилсин.* Бу ерда Барчиннинг Шомурод уйини супуртирганига ишора қилинмоқда. Бешиккерти маросими ўтказилмаганлиги учун бу шунчаки бир илинжидир.

[9] *Эшоннинг ҳам шундай очкузанга ўхшаган, одамнинг кўзига совуқ кўринадиган балоси бўлади экан.* Бахши "очкузанга" "катталиги юмрондай бир ҳайвон", – деб изоҳ берган. Достонни ёзиб олувчи Ҳоди Зариф бу изоҳга сўроқ белгиси қўйиб, давомида "Фозил ўзи кўрган эмас" деб ёзиб қўйган. Демак, олим наздида бахши изоҳи ишонарли эмас.

[10] *Бунинг гапи ё ҳут, ё жут.* Фозил шоир буни "Хут – яхши, фойдали. Жут – ёмон, зарарли" тарзида изоҳлаган. Мазкур ўринда бу изоҳда муайян

асос бор. Аслида бу сўзлар юқоридаги ҳолатда, ё айрим-айрим, ёки "ҳут-ют" шаклида қўлланганда хилма-хил маъноларни англатади.

[11] *Ё билманам, давлати катта ганими.* Қўлёзмада достонни ёзиб олувчи Ҳоди Зариф "Билманам – билмайман. Бу сўз баъзан факат шеърда ишлатилади. Жонли тилда йўқ", – дея изоҳ берган.

[12] *Сайл этиб жаҳонни барча юради.* Фозил шоир достонларида "сайл" ("сайил") сўзи "сайр этмоқ" маъносида қўлланилади.

[13] *Неча марта Ойдин кўп уруш қилган,*
Ойдиннинг зарбидан не полвон ўлган.

Ёдгорнинг Арасхон полвонлари билан ўзаро муносабатларида Ойдиннинг аймоқ алплари билан курашганлиги, уларни енгганлиги ҳақида гап боради. Юқоридаги мисралар бунга мисолдир. Аммо достоннинг олдинги саҳифаларида Ойдинойнинг аймоқ алплари билан кураши тасвири берилмаган. Шомурод Анор айёр совчилигидан кейин Қўнғиротга хабар юборади. "Ёдгор" достонининг қадимий асосларида шундай тасвир бўлган бўлиши керак. Фозил шоир уни бошқача бир йўсинда Ёдгорнинг Аймоққа келганлигидан кейинги эпизодлар тасвирига кўчирган.

[14] *Қўлга олувдинг, полвонлар.* Достон қўлёзмасида Ҳоди Зариф "Олувдинг" шакли Фозилларда илгари ва ҳозир ҳам ишлатилар экан", – дея изоҳ берган. Шунингдек, шевадаги "ачинғган" сўзини "аччиқланган", деб изоҳлаган.

[15] *Баримиз чўлукамимизда турайик.* Буни бахши "уюшиб, туркум бўлиб" тарзида изоҳлаган. Бу изоҳни яна ҳам текшириб кўриш зарур. Чунки ушбу сўзни шу шаклда луғатлардан ёки бирорта китобдан топиб бўлмади. Ҳоди Зариф уни "чўлу-камимизда" ("colu-kamimizda") тарзида дефис билан қайд этган. Биз уни матнда кўшиб бердик.

[16] *Ирга кўрсатди расмларини қилиб.* Бу одат никоҳ тўйи маросими узувларидан биридир. Бунга кўра, никоҳ тўйи ўтгандан кейин, қиз куёвникига тушириб келтирилгач, қудаларнинг ўзаро келишган бир кунида қизнинг отаси куёв чақириқ маросимини ўтказади. Қиз отаси куёв устига сарпо ёпиб, у билан кўришади. Унгача куёв қайнотасидан "қочиб" юради. Куёвга қайнотанинг ҳовли-жойлари кўрсатилади ҳамда қариндош-уруғлари билан таништирилади. Ана шу маросимга "Ирга кўрсатди" дейилади.

"ЁДГОР" достони
(Чори бахши Умиров варианти)

"Ёдгор" достонининг ушбу вариантини Чори бахшининг ўзи ёддан ёзиб чиққан ва ўз қўлёзмасини бошка достонлар билан биргаликда 2016

йилнинг 11 мартида Фольклор архивига топширган. Қўлёзма иккита канцелярия дафтаридан иборат бўлиб, 297 саҳифани ташкил этади. Шунингдек, таникли олим А.Эргашев 1998 йилнинг июнь-июль ойларида бахшидан достоннинг кисқартирилган вариантини ёзиб олган. Қўлёзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 1946/1, 1946/2 инвентарь рақамлари остида сақланади. Достон бахши қўлёзмаси асосида нашрга тайёрланди. Қисман А.Эргашев ёзиб олган нусхадан ҳам фойдаланилди.

"Ёдгор" достони Чори Умиров (1938) вариантининг бош қисмидан бир парча "Алпомишнома"да нашр этилган (Қаранг: Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. – Тошкент: "Меҳнат", 1999. – 211–218-бетлар).

"Ёдгор" достонининг қуйидаги вариантлари алоҳида-алоҳида китоблар тарзида нашр этилган: 1. Ёдгор. Айтувчи Абдукаххор Раҳимов, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Абдиолим Эргашев. – Қарши: Насаф, 1999. – 95 бет. 2. Ёдгор. Айтувчи Чоршанби бахши Раҳматуллаев, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Норқувват Тўраев. – Термиз: "Жайҳун", 2000. – 156 бет. Шунингдек, "Ёдгор" достонининг Абдукаххор бахши вариантидан парчалар "Алпомишнома" китобига ҳам киритилган (Қаранг: Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. – Тошкент: "Меҳнат", 2000. – 354–364, 406–413-бетлар).

Юқоридаги нашрларнинг ёзиб олувчи ёки бахшиларнинг ўзлари ёзиб чиққан асл нусхалари Фольклор архивида мавжуд эмас. Шу сабабли "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" сериясида Чоршанби Раҳматуллаев вариантидан фойдаланиш имконияти бўлмади.

[1] *Вақти келса, бирга уйли бўлайлик.* Бу ерда сўз умуман уйсизлик ҳақида эмас, балки бир вақтда уйланиш ва мустақил уйлик-жойлик бўлиш тўғрисида кетмоқда. Достонда тасвирланишича, Алпомиш билан Шомурод, Барчиной билан Ойжамолга уйланмасларидан олдин ўзаро қуда бўлишга аҳдлашадилар.

[2] Бахши талаффузида "*сўнг*" сўзи "*сан*" шаклида ўзидан аввал келган сўзга қўшиб айтилган ва шундай ёзиб олинган. Масалан, "бирдан эрини кўргансан" тарзида. Достонни нашрга тайёрлашда кўп ўринларда талаффуздагидек қолдирилди яъни "бирдан эрини кўрган сўнг" тарзида ўзгартириб берилмади. Баъзан маъно англаш кийиндай ўринлардагина "сан"ни "сўнг" билан алмаштириб бердик.

[3] *"...тўй қуллуқ бўлсин"ни бериб".* Тўйга келган кишиларнинг тўёна беришига шундай дейилади. Одатда тўйга келган кишилар ўз тўёнасини бергач, меҳмон сифатида кўрсатилган жойга ўтиб ўтиради. Қариндош-уруғлар эса, каттароқ бирор нарса, кўпчилик ҳолларда бирор мол

келтиради. Тўйда буларни кабул қилиб олиш учун махсус кишилар белгиланади. Уларни бакавул дейилади. Ёдгорнинг бешик тўйида Шомурод бош бакавул бўлган. Айрим жойларда буни "қўшан", "тортиқ" ҳам дейилади.

[4] *Ўнгми чап қилиш.* Чақалокни биринчи марта бешикка белаганда, кўпчилик олдида турли ҳолатларда ётқизиб кўриш одати. Бу – турли-туман айтимлар билан бажарилади.

[5] Достонларда айрим ҳолларда вазн ва қофия талаби билан баъзи сўзлар қисқартириб ишлатилади. Бу ердаги "*тиринг*", "*иринг*" сўзларини "тиригинг", "иригинг" ("йиригинг") тарзида тушуниш керак.

"ЁДГОР" достони
(Абдукаххор бахши Раҳимов варианти)

"Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" нашрининг ушбу жилдига киритилган "Ёдгор" достонининг Абдукаххор бахши Раҳимов варианти толмас фольклор тўпловчи ва тадқиқотчи Абдиолим Эргашев томонидан ёзиб олинган. Қўлёзма ёзиб олувчининг ўзида сақланади. Достон 1999 йил ёзиб олувчи томонидан Қаршидаги "Насаф" нашриёти оркали нашр этилган эди. Бу ерда ана шу нашр асосида тайёрланди.

[1] *Мисли жаннатдан андоза эди.* Бахши олий маълумотли ижодкор сифатида Бойсин-Қўнғиротни замонавий шаҳар кўринишида тасвирлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, достон бошланмаси ҳам анъанавий услубда эмас. Буни кейинги авлод бахшилари ижрочилик фаолиятида тез-тез учраб турадиган анъанавий достонларнинг тили ва услубида содир бўлган модернизация ҳодисаларидан бири сифатида баҳолаш зарур.

[2] *Шой бўлди.* Бахши саъж талабига кўра, "шоҳ" сўзини "бойга" қофия қилиш мақсадида "ҳ" товушини ўзгартириб, "й" тарзида талаффуз қилмоқда (бой – шой, аммо шоҳ эмас).

[3] *Ҳакимбек алп эмиш, алпмиш ва сўнг Алпомиш.* Халқ орасида шу хилдаги талқинлар мавжуд. Бу тўғри эмас. Алпомиш исмининг маъно-мазмуни ҳакида қаранг: Ҳоди Зариф. "Алпомиш" эпосининг асосий мотивлари // "Алпомиш" ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: "Фан", 1999. 30–32-бетлар.

[4] *...тайлашган бўлсангиз.* Ўзаро ваъдалашганда, аҳду паймоннинг қатъийлигини тасдиклаш учун қўл ташлашиш амали.

[5] *Бачалар одам бўлгандан кейин қалинга синдирамизда.* Алпомиш Шомурод билан қўл ташлашиб, аҳдлашган, Ойжамол, Барчин билан биргаликда Ёдгор ва Олтинойни бирга ўтказиб, этак йиртиш қилган

бўлса-да, бешик керти маросимини ўтказмаган эди. Шу сабабли Ойжамол Барчиндан олдиндан қалин беришни талаб қилмоқда.

[6] *Сурув-сурув сигир, инак*. Бу ўринда бахши "сурув" сўзини қорамолга нисбатан янглиш равишда қўллаган. Чунки тилимизда ҳайдовга (ўтлатувга) ҳайдаладиган чорва молларининг ҳар бир тўдасига нисбатан алоҳида-алоҳида сўзлар қўлланади. Жумладан, қора молнинг тўпига нисбатан "пода", қўй ва эчкилар тўдасига "сурув", отларга "уюр", туяларга "гала" сўзлари қўлланилади. Сўзларни бундай янглиш қўллаш бошқа ўринларда ҳам учрайди. Масалан, қўй-эчкилар кишнамайди, балки маърайди. Маъно англашиладиган ўринларда аслидай қолдирилди.

[7] *Буюк ипак йўлидасиз*. Достонларда "Буюк ипак йўли" тушунчаси йўқ. Бахши олий маълумотли ижодкор бўлганлиги учун ҳам ижро давомида тасвир маромига мос равишда замонавий тушунчаларни ҳам кирита беради. Уларни матнда тўлалигича сақладик. Чунки бундай киритмалар кейинги йилларда эпик репертуарда рўй берган ўзгаришлар ва модернизация ҳодисаларини ўрганиш учун муҳимдир.

[8] Юқоридаги тасвир – Ёдгор портретига чизгилар кейинги авлод бахшиларининг бадиҳагўйлик амалиётида шахсийликнинг – индивидуал ижодкорликнинг кучайиб бораётганлигини, достонлар матнидаги тасвирийлик маромида ёзма адабиётга хос тасвир унсурлари кўпроқ ва тезроқ ўрин олаётганлигини кўрсатади. Бундай қонуний жараёнда Абдуқаҳҳор бахши ижодий фаолияти биринчи ўринда туради.

Адра – ордона.

Ажаб – ажойиб, қизиқ, ҳайрон қоларли. Достонларда номаъқул сўз айтмоқ маъносида ҳам келади.

Айнам – азизим, кўзим, кўзга яқиним.

Айнос – хил (айносда – шу хилда каби); пайт, дам; тартиб (шу айносда – шу тартибда каби).

Айқич-уйқич – айқаш-уйқаш. Телба-тескари ҳаракат.

Алам – байроқ.

Алақ – алағда.

Алпози сўз – "Алфоз" (сўзлар) сўзининг бузилган шакли бўлиб, достонларда телба-тескари сўзламоқ, кераксиз сўзларни айтмоқ маъноларида келади.

Алқиб-чалқиб юрмоқ – басавлат, намойишкорона юрмоқ. Кўчма маънода ўзининг тенгсизлигини ташқи хатти-ҳаракатларда, юриш-туришда намойиш қиладиган кишиларга нисбатан қўлланилади.

Алқим – шамол, ел. **От алқими** – от қўлтиғидан чиқадиган шамол.

Анг – овланадиган жонлиқ.

Ангнимоқ (ангимоқ) – пойламоқ, билдирмай кузатмоқ.

Ангсиздан – тўсатдан.

Ардисар (адисар) – барибир.

Асп – от.

Аташтирмоқ – унаштирмоқ.

Ақирмоқ – бақирмоқ, қаттиқ қичқирмоқ.

Бад (бат) – кейин, сўнгра, сўнг. Достонларда шундан кейин маъносида **бадсўғин** шаклида қўшма сўз тарзида ҳам келади.

Балхи – ҳарир. **Балхи рўмол** – ҳарир рўмол.

Банот – бахмал; бахмал хили.

Баст – комат.

Бағдайиқ – ўт (ўсимлик) тури.

Бедана уруш – кураш тури.

Бежой – ўринсиз. Достонларда ажойиб маъносида ҳам келади. Бежой сўз айтдинг каби.

Бекор мол – эгасиз мол.

Бексинбат – бекдай коматли, бекка ўхшаш, бек кўринишли.

Белгили қилмоқ – ўзаро келишувни элга маълум қилиш учун кичик бир маросим (тадбир) ўтказмоқ.

Белқарс – белбоғ. Узатиладиган қиз томонидан белга боғлаш учун махсус тайёрланадиган рўмол.

Бехила – бехад.

Бий ер – кенг дала.

Бирдон – овланган жонзод солинадиган хуржунсимон халта.

Биқмоқ – бекинмоқ, яширинмоқ.

Биқтирма одам – панадаги одам, пистирмада турган одам.

Бовар – ишонч, ишониш.

Босиринти гаплар – бировларнинг орқасидан сўзланадиган асоссиз (ёлғон) гап-сўзлар, миш-мишлар.

Боқон солмоқ – тўсмоқ. Совға-салом, тухфа олиш учун куёвникига кўчириб борилаётган келин карвонининг олдини тўсиш одати.

Бургут уруш – кураш тури.

Бурни суйри – бурни окадиган.

Бурнидан оша – кўтарилиб кетган, манманликка берилган.

Бучалаган – болалаган, бўғоз.

Бўдана – бедона.

Бўла – холавачча.

Бўтасолди (пўтасолди) – ўйин тури.

Бўғинмоқ – тақинмоқ.

Гавараси – гавдаси.

Галдирамоқ – валдирамоқ.

Галламоқ – алдамоқ.

Ганг бўлмоқ – гангиб қолмоқ.

Ганда – ҳаром-ҳариш; ифлос киши.

Гап-авзойи – сўзлаётган пайтдаги ҳолат.

Гард бўлмоқ – сочилиб кетмоқ.

Гартак – озгина.

Гидрайиб қолмоқ – анқаймоқ.

Гилагай – қўй-сигирлар болалагандан кейин биринчи соғимдан (оғиз сутидан) тайёрланадиган таом тури.

Гина – бирор кишига нисбатан кўнгилдаги хафалик, шундай хафаликни баён қилиш.

Гуппак – пўкак.

Гуппи – лофчи, мақтанчоқ, ҳовликма.

Гуфти губор – ғуборли сўз. Бировлар ҳақида орқадан гапирилиб юриладиган ҳар хил иғво сўзлар (гуфтугў).

Гўрпак – ўйдим-чукур.

Гўстам (гўсам) – катта серка; кўпкари охирида солимга ташланадиган қорамол.

Дабдиб-дабдиб – далбираб-далбираб.

Даврикмоқ – ҳовриқмоқ, ҳовликмоқ.

Дам тур – тинч ўтир.

Дарманда бўлмоқ – дучор бўлмоқ.

Дигар – бошқа.

Дим – мутлако, сира ҳам.

Дик бўлмоқ – диққат бўлмоқ, зерикмоқ, қисилмоқ, сиқилмоқ.

Диқлик – зерикиш, сиқилиш.

Добра – овоза.

Добраси – овозаси.

Додка бўлмоқ – шикоят қилмоқ.

Донакор (танакор) – бирлаштирувчи, сабабкор; совчи.

Доримоқ – йўлиқмоқ.

Достик – ёстиқ.

Дузд (дўз) – ўғри.

Думсак (дўмсак) – дўнглик, тепалик, чўққи.

Дурмак-дурмак – тўда-тўда.

Дустуман – (дўстуман) мукка, муккаси билан.

Дўнмоқ – сакраб-сакраб илгариламоқ.

Дўғилмоқ – тўқнашмоқ, дуч келмоқ.

Ел ўпка – ҳовликма.

Елмаст (желмас) йигит – етилган йигит.

Ёзган – гуноҳли, ёзиқли; кулфатли.

Ёзик – гунох, айб иш.

Ёломир (яламир) – ялмоғиз; еб тўймас.

Ёрғи – ёрлиқ, рухсатнома.

Ёқмоқ – суртмоқ.

Жанда – эски кийим, кия бериб титилиб кетган уст-бош.

Жайнамоқ – яйрамоқ.

Жайрағир – яшамагур.

Жеримоқ – қаттиқ иссиқламоқ.

Жик кетган – улашиб кетган.

Жинғил – юлғун.

Жиға – қимматбаҳо тошлар ва пар билан безатилган, бош кийимга санчиладиган зийнат буюми; ҳукмдорлик белгиси.

Жовлик – ялпи, ёппа, ёппасига.

Жойидан тўркамоқ – ўрнидан турмоқ.

Жойли – текис, ёзиқ, ёйилган.

Жонсиз – жосус.

Жорғи – жарима. **Жорғи қилмоқ** – гуноҳкор қилиб жарима солмоқ; бадарға қилмоқ.

Жосконмаслик – тортинмаслик.

Жупқарчи – ғийбатчи.

Жўнағар –тоғда бир ёғи баландлик, бир ёғи пастлик бўлган ёлғизоёқ йўл. **Жўнағарлаб елмоқ** – шундай машақатли йўлдан отда тез кетиш ҳолати.

Жўрамоқ – йўймоқ, тушнинг таъбирини айтмоқ.

Жўя – ўрни, мароми.

Забун – ёмон.

Занана – хотин киши.

Занг – расм, одат.

Занграган чўл – иссиқда ўт-ўланлари қовжираб, қақшаб қолган чўл.

Зарил – зарур.

Зиёдасерлик – ортиқча таади.

Зил – оғир.

Зинда – тирик.

Зинкийиб – қаққайиб.

Зия – зое. Қофия талаби билан сўзнинг бузилган шакли.

Зот – кўпкари ва курашда солимга қўйилган ва ғолибга бериладиган соврин (пул, қўй, от, туя, гилам ва ҳоказолар).

Иза – этак. **Тоғнинг изаси** – тоғнинг этаги.

Изи-чув – қий-чув.

Изғор чўл – ҳадсиз, чексиз, кенг чўл.

Илкиедан – тўсатдан.

Илқув-силқув – турткиламоқ.

Инти-жинти – қариндош-уруғ (камситиш маъносида).

Интиқ – интизор.

Ирга – ҳовлининг, уйнинг чекка-чеккалари.

Ирик – йирик; ириган, чириган.

Иркилмоқ – хавфсираб тортинмоқ.

Иркилчак – хавфсировчи, сесканчоқ.

Иркит – қатиқ оқизилган халтада қолган қуйқа.

Йиталамоқ – итармоқ.

Йитмоқ – йўқолмоқ; адашмоқ.

Йўл айрит – айрилиш, йўлнинг икки ёки бир неча томонга айрилиб кетадиган ери.

Йўлни бокиб ётган – йўлдан кимнингдир келишини кутиб туриш.

Кабир – катта, улуғ.

Каж – терс, тескари, эгри.

Каззоб (газзоб) – алдамчи, фирибгар.

Кайил – ип.

Карк – ёввойи туя.

Касир (касирига қолмоқ) – бирор сабабдан, беҳудага, бирор сабабдан билмай, бир ишга сабабчи бўлмоқ.

Кашал – узоқ юрт.

Кашал бўлмоқ – соғинмоқ, интиқ бўлмоқ.

Кашмири – айёр.

Кашол – бошқоронғи.

Кўзчил – мерган.

Кўлка – ҳалқум.

Кўмоч – овқат тури.

Кўмоч нон – тоштобоқда пиширилган нон.

Кўпламакчи бўлиб – кўплашиб ҳужум қилмоқчи бўлиб.

Кўпчимоқ – шишмоқ.

Кўрмана – келин кўрди (беточар) маросимига қатнашган қариндош-уруғлар ёки янги туғилган чақалоқни кўргани келганлар томонидан бериладиган совға-саломлар (пул, рўмол, газмоллар, гилам, кийимликлар ва ҳоказолар).

Кўтох – қисқа.

Кўтохлик – гуноҳ, айб иш.

Кўчмак ўйин – болалар ўйинининг бир хили.

Кўчмана халқ – кўчиб юрувчи халқ.

Ланқа – доғ, маломат, таъна.

Латта-путта – ташланадиган майда-чуйда эски нарсалар.

Лодон – нодон.

Лозимат – лозимлик.

Лоппи – ҳовлиқма, кўтарилма, мақтанчоқ.

Лоф –мақтанчоқлик, бўрттириб сўзлаш.

Лўк – туя.

Лўкта – тўп бўлиш; бир мушт; тўпланиб рақибга ташланиш.

Магас – пашша, чибин.

Маззанг – айёр, жодугар.

Маззанглик – жодугарлик.

Мамла – муомала.

Маназ – касаллик тури.

Мардикалон – кекса одам.

Мардум – киши, одам.

Мардош қуриб ўтирмоқ – оёқни чалиштириб ўтирмоқ.

Маслиқ (мослиқ) – ўлимтик.

Мижмантой – овқат тури.

Мингиз – ўхшаш.

Минги қилмоқ – от ёки эшакни минишга ўргатмоқ.

Морбоз – илон ўйнатувчи.

Мосиқмоқ – эрсираш, масиққан.

Мулгиб кетмоқ – пинакка кетмоқ, ухламоқ.

Мунгадак – мунгли.

Мунглиқ – ғариб, бечора (аёлга нисбатан).

Мундайғачоқ – бундайчанги.

Мункимоқ – мувозанатни йўқотиб олдинга силжимоқ, тўсатдан қокилиб кетмоқ.

Муррук – сўлиган.

Мустар бўлмоқ – хафа, ғамгим бўлмоқ.

Муча-муча – муштдай-муштдай.

Мўлариширб – мўлдираб.

Навода – мабода.

Наза қилмоқ – хафа қилмоқ, кўнглини чўктирмоқ.

Нағзи – тарзи.

Нах урмоқ – камситмоқ.

Нимкала – чалажон, заиф, кучсиз.

Нимкаладак – ярим ўликка ўхшаш, беқувват.

Новча – хизматкор.

Нор – эркак туя.

Нор – олов маъносида.

Овлоқ – чекка, хилват.

Оркаш – ор олувчи, мард киши.

Оркашлик – номус-ор учун курашмоқ.

Оча – икки кир ораси. **Оч газа** – икки чўкки ораси.

Ошиқма – шошма.

Палакат – ифлос.

Палас – кўкиган.

Парвойи фалак – бепарво.

Пилга (пага) – марра, нишона. Пойгада пойгачилар етиб келадиган жойни (маррани) кўрсатувчи белги.

Пиру жувон – қари-ёш.

Пичи – озгина.

Пой олмоқ – изламоқ.

Пок бўлмаса – сал қолди маъносида.

Пок-мок чиқиб кетса – тўсатдан.

Поримас – таъсир этмас.

Прори қилган – тартибсиз, ташландиқ аҳволга келтириб қўйган.

Пўкки – бўшанг, лапашанг.

Савдобон – савдо қилувчи.

Салдорли – залворли, оғир.

Само – садо, товуш.

Санат – мартаба.

Сангров – анқов.

Саф синдирмоқ – сафни бузмоқ, енгмоқ.

Сақарлот (искарлот) – қирмизи, тўқ қизил қимматбаҳо мато ва шундай матодан тикилган кийим. **Сақарлот чакмон** – кимхоб чакмон.

Селов-селов – тўп-тўп.

Сепу сурук – қиз узатарда қизнинг ота-онаси берадиган бисот ва моллар тўдаси.

Сермамоқ – кесиб силтамоқ.

Серпилмоқ – тортилмоқ, орқага ташламоқ.

Сийли – эътиборли, сийланган.

Сийғаламоқ – билинтирмай қарамоқ.

Сии қўймоқ – синчиклаб қарамоқ.

Сира – ҳеч нима.

Сита – кулфат.

Собилмас – чарчамас.

Совуқ оёқ – доим ёмонлик қиладиган, ёмонлик билан машғул одам.

Соли сувга кетган – чўкиб кетгандай ҳолга тушган, ниҳоятда ғамгин кўринган одам.

Солим – кўпкари, кураш, пойгада ғолиблар учун қўйиладиган (бериладиган) соврин.

Солқи-солқи – аста-аста.

Соғимлаб кўринмоқ – ғира-шира кўринмоқ.

Соқо – сайлаб олинган, танланган.

Сувсираган – чанқаган.

Суюнчигир (суюнчихўр) – суюнчи олувчи.

Сўмламоқ – чўтламоқ, мўлжалламоқ.

Сўккиси – зарби.

Таадди – дағдаға.

Тааниик – тааллук.

Табгил – мўлжал; тадбир.

Табгиридан адашмоқ – шошиб қолмоқ.

Табор – хеш.

Такаймат – кигиз тури. Одатдаги кигизлардан анча кичик бўлиб, меҳмонларнинг тагига солишга мўлжалланган.

Таммай – танбеҳ.

Таммайини бермоқ – таъзирини бермоқ.

Тана – ёш мол.

Тани – сира.
Тақо – танҳо, якка.
Тепачак – баландлик, кичик тепа.
Терскай – тескари, карши томон, қуёшга тескари.
Тиклаб – тикилиб.
Тингилмоқ – тикилмоқ; ҳайиқмоқ, хавотир олмоқ.
Тир келмоқ – тараф бўлмоқ, тенг, баробар бўлмоқ.
Тирамо – куз.
Тобон (тобин) – қарашли; қарам.
Толмоқ – чарчамоқ.
Том – уй; уйнинг тепаси.
Томир бўлмоқ – қариндош бўлмоқ, куда-кудағай бўлмоқ.
Тува – тугул.
Туз – дала.
Тухумоч – болалар ўйини.
Тушамол жой – тушиб ўтиладиган жой, қўналға.
Туюқсиндан – қўққисдан, бирдан, тўсатдан.
Тўба – тепа.
Тўн ёпишиб дўст бўлмоқ – тенгқурларнинг бир-бири билан дўстлашганини кўпчиликка маълум қилиш урфи.
Тўримоқ – диққат билан ахтармоқ.
Тўрсалоқ – сочқи.
Тўта – калта, қисқа.
Тўталаб – ўрталаб, йўлни қисқа қилмоқ учун кесиб чиқмоқ.
Улапа – улуш.
Улоқмоқ – тентирамоқ; йўқолиб кетмоқ.
Урпаймоқ – ҳурпаймоқ.
Фоиқ – юксак.
Хатбар – хатга олувчи.
Хит бўлмоқ – асабийлашмоқ, зеркмоқ.
Хок – тупроқ. **Хоки нажас** – ифлос тупроқ.
Хоса – асл, наслли, ҳақиқий. **Хоса тулпор** – учқур от.
Хуштор – ошиқ, бировни севган киши.
Хўлқа – халқум.
Хўрач – кичкина, митти.
Чалим солмоқ – кураш усулларидан бири.
Чалқарамон – чалқанча.
Чапдаст – эпчил, чаққон; ботир.
Чапкори – тескари.
Чақ-чақ учириб – бир-бирига қараб сайраб.

Чер – дард-алам, қайғу.
Чийдам – эски чакмон; шийдам.
Чил – қуш.
Чиғаноқ – тирсак.
Чори – тўрт яшар кўй.
Чоқдан – эҳтимол.
Чуммокламоқ (чувмоқламоқ) – ўраб боғламоқ.
Чуррик – ириган, чириган.
Чўбир – хашаки от.
Чўлик – чўпоннинг ёрдамчиси.
Чўнток – ёли, думи қисқа от.
Чўқ – кўп.
Шалҳа – ҳолсизлик.
Шарра – шаррос.
Шибаға – улуш. **Тўйдан шибаға** – тўйдан тўпиқча.
Шикор – ов.
Шинак – пана жой; ёвни кузатиш ва ўқ отиш учун тайёрланган махсус жой.
Ширдон – идиш; кўйининг ошқозини.
Ширичламоқ – елимламоқ.
Широлға – овланган зотдан бериладиган ҳисса (тортик).
Шотоймас – тириб-тинчимас.
Шумшук (сумсук) – суқланувчи; искович.
Элибой – чорвадор, молдор. Фозил Йўлдош ўғли "Факат чорвачилик билан шашғул бўлиб, кўчиб юрган одам", дея изоҳ берган.
Эшонсиниб – эшонга ўхшаб.
Юмалоқтоб – ғўладан келган.
Юмир – терининг тескариси; кал.
Юракчайди – юрак олдириб қўйган.
Юкма – овкат тури.
Яланг қатори – ҳамма қатори.
Ялтироқ кораширғай – оқ-қорачадан келган ялтироқ афт-башара.
Янгилма – адашма.
Ўйдим ер – ўнқир-чўнқир ер.
Ўл вақт – ўшал вақт.
Ўлим ўтини сўрамоқ – гунохидан кечишини сўрамоқ.
Ўр – ўйилган, чукур ер.
Ўр – ўжар.
Ўрламоқ – паст-баландга қарамай, олдинга қараб бормоқ.
Ўрлик – ўжарлик, гапга кирмаслик.

Ўрти – лунжи.
Ўтан – ватан.
Ўтик – ўтадиган.
Ўтирик – ёлғон.
Қаба – қаттиқ, бераҳм, золим. **Қаба фалак** – золим фалак.
Қала – шаҳар.
Қалъа – кўрғон.
Қандайчанги – қандай, қанақа.
Қаъда – одат; тартиб-интизом.
Қидирмоқ – саёҳат қилмоқ.
Қиёнав – тоғнинг қия, ўнқир-чўнқир жойлари.
Қийлу қол – гап-сўз.
Қирин – қирғин.
Қичамоқ – қистамоқ, отни тез чопишга ундамоқ.
Қонлашмоқ – қариндош киришмоқ.
Қонник (қайлиқ) – унаштирилган қиз.
Қокма кўпкари – асосий кўпкаридан олдин ёки кейин ўтказиладиган кичик кўпкари, отларни совутиш учун ўтказилади; болалар кўпкариси. Баъзан тўйдан кейин ёки куёв жўраларга бериладиган улоқни ҳам қокма кўпкари дейилади.
Қуллуқ бўлсинни бермоқ – тўйдан олдин, тўй куни, чақалоқ туғилганда, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, меҳмонларнинг тўй эгаси ёки чақалоқнинг ота-онасини табриклаганда бериладиган совға-саломлар, тўёна, қўшан.
Қуллуқ қилмоқ – таъзим қилмоқ.
Қумқуют – аралаш-қуралаш, чанг-тўзон.
Қўйинди – марҳумлар қўйиладиган жой, қабристон, мозор.
Қўнгши – қўшни; қўриқловчи.
Қўр – тўп, тўда. **Қўр ташлаб ўтирмоқ** – чордона қуриб ўтирмоқ.
Қўримта – чўғ, кулга кўмилган чўғ.
Қўрқим – қўрқиш.
Қўш – чўпонлар чайласи; баъзан умуман турар жойи.
Ғаба – баҳайбат, катта, йирик; зарранинг тескариси (ғаба кўринар).
Ғайбар – катта, улкан.
Ғарқоб – сув остида қолиш.
Ҳавор – текис.
Ҳалакчилик – бирор ишни бажаришда сарсон-саргардон, овара бўлиш.
Ҳийилламоқ – кишнамоқнинг бир хили.
Ҳинк (динк) – курашда йиқилганда чиқадиган овоз.

БАХШИЛАР ВА ЁЗИБ ОЛУВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Фозил Йўлдош ўғли

Булунғур достончилик мактабининг йирик вакили, атоқли достончи шоир Фозил Йўлдош ўғли 1872 йилда ҳозирги Жиззах вилояти Бахмал тумани Лойқа қишлоғида камбағал деҳқон-чорвадор оиласида туғилди. Беш ёшида отадан етим қолган Фозилнинг болалиги Ғаллаорол туманида кечди. Тахминан 19–20 ёшларида ўз қишлоғига қайтиб келган Фозил отасидан қолган чорак таноб ерда деҳқончилик билан машғул бўлди. Ўша йилларда Лойқа қишлоғида уч ака-ука Йўлдош, Қўлдош, Суяр шоирлар яшар эди. Ёшлигидан достончиликка қизиқиб, термалар ва достонлардан парчалар куйлаб келган Фозил ака-ука бахшиларнинг каттакони, Фозил шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, "достонларни ботир қилиб айтишда" донг таратган Йўлдош шоир Мулла Мурод ўғлига шогирд тушди ва ундан достончилик йўлларини пухта ўрганди ҳамда 25–26 ёшларида мустақил достончи бўлиб етишди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлган ва ўзи ҳам кўплаб термалар яратган Фозил Йўлдош ўғли бутун умри бўйи достончилик билан шуғулланиб келди ҳамда машҳур бахши-шоир сифатида халқимиз орасида донг таратди.



Фозил Йўлдош ўғли

Фозил Йўлдош ўғли репертуари ва ижоди ғоятда бойлиги ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Ундан "Алпомиш", "Ёдгор", "Юсуф билан Аҳмад", "Муродхон", "Рустамхон", "Ширин билан Шакар", "Гўрўғлининг туғилиши", "Гўрўғлининг болалиги", "Авазхоннинг олиб келиниши", "Балогардон", "Интизор", "Зулфизар", "Малика айёр", "Машрико", "Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши", "Нурали", "Жаҳонгир", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Баҳром ва Гуландом",

"Зевархон", "Раҳна ва Сухангул", "Ошиқ Ғариб", "Мулла Ғойиб" каби йигирма тўртта анъанавий, "Тўлғоной", "Назар ва Окбўтабек", "Бухоро амири Музаффархон", "Йўлбарс терисини ёпинган полвон", "Маматкарим полвон", "Жиззах кўзғолони", "Очилдов", "Кунларим" сингари саккизта янги достон, кўплаб термалар ёзиб олинган ҳамда нашр этилган. Атоқли санъаткор репертуарида "Султонхон", "Офтоб пари", "Рустамнинг яраланиши", "Рустам Зол ўғли" ("Рустами Достон"), "Қиронхон", "Қундуз билан Юлдуз", "Далли", "Равшанхон", "Моҳирой ва Мехршоҳ", "Ёзи билан Зебо", "Тоҳир ва Зуҳра", "Юсуф ва Зулайхо", "Варқа ва Гулшоҳ", "Вомиқ ва Узро", "Санобархон", "Сайфулмалик", "Ошиқ Ойдин", "Ошиқ Маҳмуд" каби йигирмага яқин достонларнинг мавжудлиги қайд қилинган. Аммо ўз вақтида уларни ёзиб олишга улгирилмаган.

Улкан санъаткор достончи, бахши-шоир 1955 йилнинг 17 мартида ўз қишлоғида вафот этди. Бахшининг қабри Булунғур шаҳри марказида. Қабр тепасида шоирнинг бюсти ўрнатилиб, атрофи ободонлаштирилган. Шунингдек, Булунғур туманининг "Соҳибкор" фуқаролар йиғини марказидаги Фозил Йўлдош ўғли номидаги маҳаллада ҳам шоирнинг ҳайкали ўрнатилиб, уй-музейи ташкил этилган.

Раҳматулла Юсуф ўғли

Раҳматулла Юсуф ўғли

Қиссахон-шоир, достончи Раҳматулла Юсуф ўғли 1917 йилда ҳозирги Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Жўш фуқаролар йиғинига қарашли Қоракисса қишлоғида овчи-деҳқон оиласида туғилди. Ёшлигидан халқ бадиий ижодига қизиққан ва шу руҳда тарбияланган Раҳматулланинг бутун ҳаёти шу қишлоқда ўтди. Ёшлигидан бобоси қўлида эскича таълим олган Раҳматулла араб ва форс тилларини ўрганди, мустақил равишда лотин ва кирил ёзувларида саводхон бўлди. Натижада узоқ йиллар давомида Жўшдаги мактаблардан бирида кутубхоначи бўлиб ишлади.

Раҳматулла Юсуф ўғли достончилик сирларини устози Эргаш шоирдан, кейин атокли достончи Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкандан ўрганди ҳамда 23–24 ёшларида таниқли шоир-қиссахон бўлиб етишди. Унинг шеър ва термалари 1943 йилдан вақтли матбуотда нашр этила бошлаган. Шоир-қиссахон 1946 йилда халқ ижодчилари олимпиадасида иштирок этган. Шундан бошлаб у билган достонлар ёзиб олина бошланган. Уларнинг асосий қисмини шоирнинг ўзи ёддан ёзиб, Фольклор архивига топширган. Шоир репертуаридаги достонларнинг асосий қисми – 27 достонни ўз ичига олган "Гўрўғли" тўплами (2006) ҳамда "Тоҳир ва Зуҳра", "Вомиқ ва Узро", "Варқа ва Гулшоҳ", "Зеварҳон", "Суманбар" каби достонлардан ташкил топган "Тоҳир ва Зуҳра" китоби (1974) нашр этилган.

Раҳматулла Юсуф ўғли эртаклар, нақллар, афсона ва ривоятларни тўплашда ҳам фаол иштирок этган ижодкордир. У Самарқанд вилоятига 1958 – 1972 йилларда уюштирилган барча фольклор экспедицияларининг доимий иштирокчиси ва йўл бошловчиси бўлган. Шоир-қиссахон 1987 йилнинг 27 июнида ўз қишлоғида вафот этди. Шоир "Алпомиш" достонини 1968 йилда ёддан ёзиб, Фольклор архивига топширган.

Чори бахши Умиров

Чори Умиров 1938 йилда Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Етимкудуқ қишлоғида атокли халқ достончиси Умир Сафар ўғли хонадонида туғилган. Деҳқонобод тумани марказидаги ўрта мактабни тамомлагач, шу мактабда 1969 йилгача ўқитувчилик қилган. Бир муддат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида сиртдан ўқиган. 1969 йилда Сурхондарё вилоятининг Музработ туманига кўчади ва деҳкончилик билан шуғулланади. Достончиликни отаси Умир шоирдан ўрганган.

Чори бахши Умиров

Ундан "Таркибадахшон", "Малла савдогар", "Ғойибнома", "Шерали", "Шералининг уйланиши", "Моҳигулистон", "Темурбекнинг туғилиши ва болалиги", "Эрали" каби достонлар ёзиб олинган. Кўпларини ўзи ёддан ёзиб

чиққан ва Фольклор архивига топширган. Улардан "Ғойибнома" (2010), "Темурбекнинг туғилиши ва болалиги" (2011), "Эрали" достонлари, "Устоз бахши дуоси" (2011) номида термалари нашр этилган. Унга "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони берилган (2017).

Абдуқаххор бахши Раҳимов

Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Абдуқаххор Раҳимов 1957 йилда Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманининг Дултакамар, Боботубак, Чалка, Қоработқоқ, Бердишиғи, Болтағурғур, Откорма каби етти қишлоқнинг умумий номи бўлган Хўжамаҳмуд дарасининг Чалка қишлоғида машҳур достончи Қодир бахши оиласида туғилди. 1975 йилда ўрта мактабни, 1980 йилда Қарши давлат педагогика институтининг филология факультетини битирди. 1978 йилдан бери Бобур номидаги ўрта мактабда ўқитувчи сифатида ишлаб келмоқда.

Абдуқаххор бахши Раҳимов.

Абдукаххор бахшида достончиликка ҳавас жуда эрта уйғонди. У ёшлигидан достончилик муҳитида ўсиб-улғайди. Бунда отаси – машҳур достончи Қодир бахши Раҳимов раҳнамолик қилди. Отаси бархаётлигидаёқ таниқли бахши-шоир бўлиб етишди. Ижодкор бахши сифатида ўнлаб достонларни маромига етказиб куйлаш билан бирга ўзи ҳам қатор достонлар ва юзлаб термалар яратди. Отаси ҳақидаги "Отам – саждагоҳим", "Отам дуоси", "Саволга жавоб", "Келмадинг" каби термалари ва "Бахши" достони бунинг ёрқин далилидир.

Бахши ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қаранг: Эргашев А. Бахши бадиияти. – Қарши: "Насаф", 2015. 348-бет.

Ҳоди Зариф

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси

давлат мукофотининг лауреати (1973), филология фанлари доктори (1965), профессор (1967) Ҳоди Зариф (Ҳоди Тиллаевич Зарифов) 1905 йил 20 мартда Тошкент шаҳрида табиб оиласида туғилган. Дастлаб эски мактабда, сўнг бир муддат рус-тузем мактаби, 1916 йилдан жадидларнинг янги усулдаги мактабида, 1919 йилда Ўзбек билим юртида, 1923 – 1926 йилларда Боку ўқитувчилар семинариясида (Дорулмуаллиминда) ўқиган.

Меҳнат фаолиятини 1920 йилда Тошкентдаги интернат-мактаб ўқитувчиси ва болалар боғчасида тарбиячи сифатида бошлаган. 1921 – 1922 йилларда Тошкент эски шаҳар ёшлар ташкилотида бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1926 йилнинг охирларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш қўмитасида илмий ходим ва давлат илмий кенгашида бўлим мудири вазифасида ишлай бошлаган. Шу билан бирга, фольклор асарларини ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари билан доимий равишда шуғулланиб келган. 1928 йилда Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси ҳузурида фольклор, этнография ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети ташкил этиб, унга мудир бўлди. Бу кабинет ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор бўлимининг дастлабки ташкилий асосидир.

1929 – 1931 йилларда Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институтида, 1931 – 1933 йилларда Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида Этнография ва фольклор секторининг мудири бўлиб ишлаган Ҳоди Зариф 1934 йилдан умрининг охиригича Тил ва адабиёт институти Фольклор сектори (бўлими)нинг мудири сифатида фаолият кўрсатди. Айни вақтда 1944 – 1948 йилларда Тил ва адабиёт нститути директори, 1955 – 1962 йилларда директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари вазифаларида ишлади.

Ҳоди Зарифов

Асосий асралари: "Ўзбек фольклори" (икки жилдли), "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси", "Навоий замондошлари", "Фозиллар фазилати", "Муҳаммад Амин Мукимий", "Алпомиш" достонининг асосий мотивлари", "Аршақ – шақ қаҳрамони", "Ўзбек

фольклоршунослиги тарихидан", "Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари", "Фольклор ва термин тўпловчиларга қўлланма" ва бошқалар.

Ҳоди Зариф кўплаб фольклор асарларини ёзиб олган ҳамда уларни нашр этган олимдир. Улкан олим 1972 йил 13 январь куни 67 ёшида вафот этди. Қабри Форобий кўчасидаги кабристонда.

Абдиолим Эргашев

Таникли фольклоршунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари номзоди, доцент Абдиолим Эргашев 1951 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Каприл кишлоғида туғилди. 1968 йилда туман марказидаги ўрта мактабда, 1972 йилда Қарши давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетида ўқишни тамомлади. Шундан кейин 1991 йилгача Дехконобод туманидаги 1-сон ўрта мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлади. 1991 – 1992 йилларда "Маърифат" газетасининг махсус мухбири вазифасини бажарди. 1992 йилдан бошлаб Қарши давлат университетида катта ўқитувчи, доцент, факультет декани лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Ҳозирги пайтда ҳам мазкур университетда кафедра доценти лавозимида ишлаш билан бирга жамоатчилик асосида фольклор лабораториясини бошқариб келмоқда.

Абдиолим Эргашев Қашқадарё ва Сурхондарё фольклорини тўплаш, халқ бахшиларини аниқлаш ҳамда улар репертуарини ўрганишда катта ишларни амалга оширди ва бу сохада самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг асосий асарлари: "Алпомишни алп билар", "Жанубий Ўзбекистон бахшилари бадиий маҳорати", "Халқ ижодининг хазинадори", "Қашқадарё – Сурхондарё достончилиги", "Жанубий Ўзбекистон бахшилари шажараси", "Қора бахши Умиров маҳорати", "Чори бахши Умиров", "Халқ ардоклаган бахши", ҳамкорликдаги "Алпомишнома", "Қадриятнома", "Ёзи ва Зебо" – ишқ достони" ва бошқалар.

Истеъдодли фольклоршунос Абдиолим Эргашев шоир сифатида ҳам танилган ижодкордир. Унинг "222 иккилик ва илтижо", "Дилнинг дардли дунёси", "Ҳаётимда ғамларим гўзал" каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Булбул тароналари. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. Беш томлик, 5-том. – Тошкент: Фан, 1973. – 319 бет.

2. Ёдгор. Айтувчи Абдукаххор Раҳимов, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Абдиолим Эргашев. – Қарши: Насаф, 1999. – 95 бет.

3. Ёдгор. Айтувчи Чоршанби бахши Раҳматуллаев, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Норкувват Тўраев. – Термиз: "Жайҳун", 2000. – 156 бет.

4. Каримов Н. Бир адабий қаллоблик тарихи // Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. – Тошкент: "Mumtoz so'z", 2013. – 166–171-бетлар.

5. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. – Тошкент: "Меҳнат", 1999. – 566 бет.

6. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. – Тошкент: "Меҳнат", 2000. – 488 бет.

7. Рўзи Мустафо, Болта Ёриев. "Алпомиш" талқинлари. – Термиз: "Полиграфист" хусусий фирмаси, 2000. – 74 бет.

8. Тожимуродов Н. Сўзбоши // Чоршанби бахши Раҳматуллаев. Ёдгор. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Норкувват Тўраев. – Термиз: "Жайҳун" нашриёти, 2000. – 156 бет.

9. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: O'zbekiston, 2012. – 96 бет.

10. Чори бахши Умиров. Алп Қўнғиротбек. – Тошкент: "Тафаккур" нашриёти, 2014.

11. Чоршанби бахши Раҳматуллаев. Ҳурсўна. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Рўзиқул Мустафокулов. – Термиз: "Жайҳун" нашриёти, 1999. – 188 бет.

12. Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги. – Тошкент: Фан, 2008. – 90-бет.

13. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Тўртинчи жилд. Алпомиш. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 442 бет.

14. Ҳоди Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан // Ўзбек совет фольклори масалалари. Тошкент: "Фан", 1970. – 272–273-бетлар.

АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. ЗЎФА. Инв. №1660. “Алпомиш” достони. Раҳматулла Юсуф ўғли варианти.

2. ЗЎФА. Инв. №115. “Ёдгор” достони. Фозил Йўлдош ўғли варианти.

3. ЗЎФА. Инв. №1946/1, 1946/2. “Ёдгор” достони. Чори бахши Умиров варианти.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

ЗЎФА – ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Ҳоди Зарифов номли Ўзбек фольклори архиви.

Инв. – инвентарь.

РЕЗЮМЕ

В данный том 100-томного издания книги "Памятники узбекского народного творчества", подготавливаемого к выходу в свет Институтом узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан, включены вариант дастана "Алпамыш", исполненного шаиром-бахши Рахматуллой Юсуф оглы и варианты дастана "Ёдгор" в исполнении Фазыла Юлдаша оглы, Чари Умирова и Каххара Рахимова. Они в целом образуют цикл дастанов "Алпамыш". Оригинальные рукописи дастана хранятся в Фольклорном архиве Института узбекского языка, литературы и фольклора Академии Наук Республики Узбекистан под инвентарными номерами 1660, 115, 1946/1 и 1946/2. Дастаны подготовлены на основе этих рукописей. Лишь при подготовке к изданию варианта дастана "Ёдгор" в исполнении Каххара бахши Рахимов за основу взят вариант, изданный в 1999 году.

В варианте дастана "Алпамыш", исполненного Рахматуллой Юсуф оглы в эпическом пространстве изображается, как братья Бойбури и Бойсари ругаются между собой, Бойсари уезжает в страну Калмыкию, как Алпамыш после единоборства с Караджаном признаёт его другом, возвращается вместе с Барчин в Кунграт, на протяжении второго путешествия семь лет живет в плену, высвобождается из заточения и возвращается на родину. А в дастане "Ёдгор" в художественно изысканной форме повествуются события рождения Ядгара в отсутствии Алпамыша, проведение свадебного обряда бешик, помолвки Ядгара с дочерью друга Шамурада – Айдинай, переезд Шамурада в страну Алкар из-за давления Ултантаза в стране Кунгират, возвращения их на родину во главе с Ядгаром, который уже подрос к тому времени.

Дастан "Алпамыш", имеющий важное место в истории мирового эстетического мышления и его продолжение "Ёдгор" – лучшие образцы узбекских народных дастанов. Эти древнейшие дастаны, на протяжении многих веков переходящие из уст в уста в условиях живого устного исполнения, являются героическими песнями, внедряющими в сердца храброго узбекского народа идеи гуманизма, истины и справедливости. Главные герои дастанов Алпамыш, Барчин, Ёдгор и Ойдиной имеют такие благородные качества, как проворность, храбрость и бесстрашие, верность своему народу и родине. Обычаи и традиции, изображенные в дастанах, отражают национальный дух узбекского народа, чем ещё больше повышают их ценность и ещё больше привлекают к себе читателей. В этих дастанах возвеличиваются героизм, храбрость, дружба, настоящая любовь и верность.

Во вступительной статье к книге и комментариях освещаются роль дастанов в узбекском фольклоре в качестве литературно-культурного источника и художественная суть.

В соответствии с принципами издания "Памятники узбекского народного творчества" том снабжен научными приложениями, которые включают в себя предисловие, комментарии, толкование имен мифологических образов и исторических лиц, религиозных и этнографических понятий, географических и эпических терминов, словарем труднопонятных слов, историзмов и диалектизмов, фотоматериалами, касающимися данного дастана, информацией об исполнителе-бахши и фольклористе, записавшем из уст сказителя этот дастан, списком использованной литературы и блоком условных сокращений, а также резюме на русском и английском языках.

SUMMARY

In this 100 volume edition of the book "Uzbek folklore's monuments", prepared for publication by the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Uzbekistan Academy of Sciences, including the variant of poet-writer Rahmatulla Yusuf'ogly of the epic of "Alpamysh" and prominent poets of the epos "Yadgar" Fazil Yuldash ogly, Chari Umirov and Qahhar Rakhimov. It's forming a single episode "Alpamysh" (cycle of epics). Manuscripts of the poem's original manuscripts are stored in the Folklore Archives of the Uzbek Language, Literature and Folklore Institute of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under the inventory numbers 1660, 115 and 1946/1 and 1946/2. They were prepared for the publication on the basis of these manuscripts. It was based on the 1999 edition of the Kahhar bakhshi Rakhimov version of the poem "Yadgar".

Rakhmatulla Yusuf ogly's variant of the epic of "Alpamysh" was illuminated the mutual contravention of the brother of Bayburi and Baysari, and the leaving brother of Baysari to the Kalmyk region, the Alpomish rapprochement with friends after a struggle, and the return to Kungrad, the seven years of his stay in his second journey, the deportation of the captivity and his return to the country in a wide epic sense, in the epic "Yadgar", which was supposed to be in the womb of Barchin, was born in the absence of Alpamysh, his wedding day, Alpamish's friend Shamurad's girlfriend Aydinay betrothed to Yadgar, because of the oppression of the ruling Ultontoz Shomurodov alkali land in Kungrat, adult monuments after various adventures lead them to call back to the events of the artistic reflected in a good way.

"Alpamysh" and its successor "Yadgar" epos are important examples of Uzbek folklore. For many centuries, these ancient poems, which have been transmitted from generation to generation in virtuous performances, are a heroic song that opens to the heart of the Uzbek people the wisdom, truth and justice. Alpamysh, Barchin, Yadgar and Aydinay, the main heroes of poem, have virtuous qualities such as serenity, courage, loyalty to their people and homeland. Traditions depicting the national spirit of the Uzbek people can enhance their value and attract readers. In these poems heroism, courage, friendship, true love and devotion are honored.

In addition to the book, the preface and explains and its important role and significance of poets are illuminated in the Uzbek folklore as a literary-cultural monument.

According to the principles of preparation for the publication of a 100 volume edition of the "Uzbek folklore's monuments", this book is accompanied by an introduction, research, scientific commentary, a dictionary, photographs relating to this volume, information about bakhshi performers and folklorists who recorded these dastans from the narrators, records, resume in Russian and English.

МУНДАРИЖА

Мирзаев Т. "Алпомиш" – достонлар туркуми 5
"Алпомиш" (Раҳматулла Юсуф ўғли варианти) 18
"Ёдгор" (Фозил Йўлдош ўғли варианти) 208
"Ёдгор" (Чори бахши Умиров варианти) 305
"Ёдгор" (Абдукаҳҳор бахши Раҳимов варианти) 491
Изоҳлар 566
Луғат 579
Бахшилар ва ёзиб олувчилар ҳақида маълумотлар 589
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 595
Резюме 596
Summary 598

.... 5
.18
.208
.305
.491
.566
.579
.589
.595
.596
.598

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Фотоматериалларни нашрга тайёрлаш ишлари **Маматқул Жўраев** томонидан бажарилди.

Резюме таржимонлари: филология фанлари номзоди **Ғулом Исмоилов**, **Феруза Мусаева**.

Матнни компьютер хотирасига киритувчи: **Барно Мирзаева**.

Достонлардаги шеърий мисралар **Барно Мирзаева** томонидан рақамлаб чиқилди.

Адабий-бадиий нашр

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик

Ўн олтинчи жилд

ЁДГОР

Достонлар

(Раҳматулла Юсуф ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Чори бахши Умиров, Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов вариантлари)

Китоб безаклари ва макетини
Шуҳрат Мирфаёзов тайёрлади

Муҳаррир *Санжар Турсунов*
Бадиий муҳаррир *Мурод Бурҳонов*
Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*
Мусаҳҳиҳ *Ирода Умарова*
Саҳифаловчи *Умида Валижонова*

Нашр. лиц. А1 № 290. 04.11.2016.
Босишга 2019 йил 26 декабрда рухсат этилди.
Бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. Офсет босма. 48.0 шартли босма табок.
35.55 нашр табоғи. Адади 1000 нусха. 336-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz **info@gglit.uz**

Ёдгор: Жилд 16 (ўзбек халқ достонлари) / Тузувчи, сўзбоши, илмий изоҳлар ва луғат муаллифи: Т.Мирзаев. Нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, З.Ҳусаинова, Ҳ.Зариф, А.Эргашев, Б.Мирзаева – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 604 б.

"Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари". 100 жилдлик.

УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(Ў)


12+
ISBN 978-9943-5956-7-5
9 789943 595675